

del

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

АДАБИЙ-БАДИИЙ, ИЖТИМОИЙ-ПУБЛИЦИСТИК ЖУРНАЛ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТЕБУОТ
ҚЎМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МАЎНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ
КЕНГАШИ

МУНДАРИЖА

Х.ДЎСТМУҲАММАД. Бурилиш палласи 3

НАСР

ЖАН ПОЛ РУ. Амир Темур. *Эссе*. 10
КАРЛОС ФУЭНТЕС. Артемио Крусинг ўлими. *Роман*. 33
Т.ҚАЙИПБЕРГЕНОВ. Сахро булбули. *Драма*. 105

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

СУҲРОБ СИПЕҲРИЙ. Сувнинг қадам товуши. 93

ПУБЛИЦИСТИКА

ФУЛОМ КАРИМ. Олмония таассуротлари. 152

АДАБИЙ ТАНҚИД

ЯН ПАРАНДОВСКИЙ. Сўз кимёси. 165

ЖАҲОН КУЛАДИ

А.П.ЧЕХОВ. Ҳажвиялар ва юмористик ҳикоялар. 185

Январ 2002

Бош муҳаррир:
Озод Шарафиддинов

Таҳрир ҳайъати:
Мирпўлат Мирзо
(бош муҳаррир муовини)
Файзи Шоҳисмоил
(масъул котиб)
Амир Файзулла
Раҳматилла Иноғомов

Жамоатчилик кенгаши:
Юсуф Абдуллаев
Аслиддин Болиев
Жамолиддин Бўронов
Одил Ёқубов
Хайрулла Жўраев
Рисбой Жўраев
Неъматулла Иброҳимов
Абдулла Орипов
Пўлат Ҳабибуллаев
Рустам Шоғуломов
Тўлепберген Қайипбергенов
Саидахор Фуломов

Жаҳон адабиёти, 1. 2002

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасида рўйхатга олинган, №172

Таҳририят манзили:
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Навбатчи муҳаррир Ҳ.ВАЛИЖОНОВА
Рассом Ю.ГАБЗАЛИЛОВ
Техник муҳаррир М.НИЗОМОВА
Мусахҳиҳлар Д.АЛИЕВА, Н.АШРАБХЎЖАЕВА
Компьютерда саҳифаловчи А.СУЛТОНОВ

Теришга берилди 05.12.2001 й. Босишга рухсат этилди 28.02.2002й. Бичими 70x108 1/16.
Газета қоғози. Офсет босма. Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.
Жами 1100 нусха. К-9052 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти“ журнали компьютерида теришиб, Ўзбекистон Республикаси
Давлат Матбуот қўмитасининг ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди.
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Жаҳон адабиёти, 2002 й.

Бурилиш палласи: ўйлар, эътирофлар, ниятлар

“Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида”.
Тошкент. “Ўзбекистон”. 2001.

1

1999 йили “Адолат” нашриётида “Ўзбекистон қонунлари” китоби чоп этилган. Унда Республикамиз Олий Мажлисида қабул қилинган барча қонунлар ўзбек, инглиз ва рус тилларида тартиб билан келтирилган. Муаллифи – таниқли инглиз ҳуқуқшуноси У. Э.Батлер. Л.Левитин бу номнинг мажмуа муаллифи сифатида эътироф этилганини уч карра сўроқ белгиси билан “баҳолайди”. Ахир у бор-йўғи техник ишни бажарган, холос, қонунларга на шарҳ, на таъриф ёзган. Қандай қилиб ажнабий мутахассис “Ўзбекистон қонунлари”га муаллиф бўлиб қолган?

Л.Левитин даъвосини шу қадар қатъий кўндаланг қўйиш билан кифояланмайди, у Президентимизнинг ўзбеклар учун иззат-нафсни англаш ҳиссини тиклаш зарурлиги ҳақидаги гапларини эслатиб, аллақандай ҳорижий ҳуқуқшунос олдида бош эгиш номақбулликни айтади.

Тўғриси, 1996 йили “Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти” китоби босилганда бир ўзбек зиёлиси ва қаламкаши сифатида ўзимнинг ҳам кўнглимдан ғалати бир ғашлик кечган, ахир ўзимизнинг Президентни Д.С.Карлайл ёки Л.Левитиндан кам билмасмиз, деган хаёлга ҳам боргандим.

Китобни ўқий бошлаганимдаёқ фикримдан қайтганман. “Ғарб тадқиқотчилари, - деб ёзади Д.С.Карлайл, – Ўрта Осиё минтақаси давлатлари орасида, аввало, Ўзбекистонга ва унинг Президенти Ислом Каримовга эътибор қилишлари керак. Чунки Ислом Каримов коммунизмдан кейинги Ўрта Осиё минтақасидаги энг буюк давлат арбобидир”. Л.Левитин эса Юртбошимизни “XX аср охирида рўй берган демократик инқилобларнинг энг ёрқин намоёндаларидан бири” деб ҳисоблайди.

Ҳар қандай ватандошимиз ўз Юртбошисига берилган бундай таърифлардан фахрланиши табиий. Зеро, давлатимиз раҳбари шаънига ким фикр билдирганида гап кўп!

Дастлабки тадқиқот тасодифан яратилиб қолмагани унинг мантиқий ва салмоқли давоми бўлмиш “Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида” китоби тимсолида кўринди. Ф.Низомов, Ш.Мансуров ва З.Нормухамедов томонидан ўзбекчалаштирилган ҳамда “Ўзбекистон” нашриётида нашрга тайёрланган мазкур монография ижтимоий-тарихий, маънавий-маърифий воқелигимизда фавқуллода улкан интеллектуал воқеага айланди десак, муболаға бўлмайди. Китобда шу қадар серкўлам мавзулар оламини қамраб олишга ҳаракат қилинганки, бир жиҳатдан уларнинг ҳаммасига муаллифнинг “қўлочи” етганига ҳайратга тушасиз, иккинчидан эса тилга олинган мавзуларнинг барчасига муносабат билдириш ҳам анчагина мушкул.

Бир ўринда “мен ўзбек эмасман” деб ёзади Л.Левитин.

Ўзбек бўлмаган ва Ўзбекистондан анча олисда яшаётган тадқиқотчи мамлакатимиз ва халқимиз тўғрисида нечоғли чуқур, нечоғли кўламли ва энг муҳими, нечоғли холис мулоҳаза юрита олган деган савол беихтиёр китобхон диққатини жамлайди. Агар муаллифнинг бир пайтлар Ўзбекистонда яша-

ганидан, мустақиллик йилларида мамлакатимизни бир неча бор кезиб чиққанидан, кўп йиллар Қирғизистон Президентига маслаҳатчилик қилганидан, яъни минтақамизда кечган ва кечаётган жараёнларни яхши билганидан келиб чиқилса, унинг тадқиқотчи сифатидаги имкониятлари нақадар кенглиги аёнлашади. Нафсиламрини айтганда, Л.Левитиннинг ҳавас қилса арзирли устунликларидан бири ҳам унинг воқеликни ҳам ички, ҳам ташқи нуқтаи назаридан баҳолашида!

Мамлакатимизда кечаётган ислоҳот жараёнлари ҳақида ёзаётганлар ўзимизда ҳам оз эмас. Яхши тадқиқотчилар ҳам кўпаймоқда, бироқ Л.Левитиннинг китоблари диққат билан ўқилса маҳаллий тадқиқотчиларимизда айни ташқи нуқтаи назарнинг етишмаслиги яққол сезилади. Ваҳоланки, одатда ҳар қандай воқелик иштирокчиси ҳамма нарсани бекаму-кўст биладиганга ўхшайди. Лекин у салгина четга чиқса ва воқеаларни четдан кузатса, кўп нарсалардан беҳабар эканини дарҳол англаб етади.

Тадқиқотчи дунё мамлакатлари, халқлари ўртасидаги ҳозирги муносабатларда бир-бирини тушунишни истамаслик ва бир-бировига қизиқишнинг ортиш жараёнлари кечаётганини айтади ва бугунги Ўзбекистоннинг бу муносабатлар “чангалзори”да тутган йўлига қадам-бақадам ойдинлик кирита боради. Яъни, Ўзбекистон ҳуқуқий- демократик ва дунёвий-маърифий мамлакат сифатида ҳар қандай эзгу инсоний ҳамкорликка пешвоз чиқаётганини атрофлича асослайди.

2

“Ўтиш даври” иборасини кўп қўллайдиган бўлиб қолдик. Матбуотимиз санифаларида ҳам у тез-тез кўзга ташланади. Аксарият ҳолларда ибора ҳаётда учраётган айрим қийинчиликларни хаспўслаш учунгина тилга олинаётганга ўхшайди, бу эса тушунчанинг ҳаминқадар эканлигидан ўзга нарса эмас.

Тўғри, юзаки қараганда ўтиш даври ўз номи билан муайян вақтнинг ўтишини англатади. Буни тушуниш одамдан фавқулодда ақл-идрокни талаб қилмайди. Йилимиз, кунимиз, дақиқаларимизнинг бари ўткинчи. “Ўтиш даври эка-ан” деб ўтираверсак, унга қўшилиб ўзимиз ҳам ўтиб кетаверамиз.

Хўш, муаммонинг моҳияти нимада? “Ўтиш даври” сиз яшаб бўлмайдими? Халқлар, жамиятлар уни бошдан кечиришга маҳкуми? Одамлар, авлодлар “Ўтиш даври” тўфониди хас-хашак янглиғ ўтиб кетавериши муқаррарми ёхуд ўтиш даврини инсонлар манфаатига кўпроқ бўйсундириш зарурми?

Л.Левитин бу саволларга жавобан махсус бобни “Ўтиш даври мантиқи” деб атаган.

Л.Левитин “Ўтиш даври” тушунчасининг туб моҳияти ва фалсафасини ана шу катта мантиқ ва катта ҳақиқатлар нуқтаи назаридан таҳлил қилгани билан аҳамиятлидир. Муаллиф “Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти” китобида бошлаган аксарият мавзуларни кейинги китобида янада кенг-роқ миқёсларда бойитган ҳолда давом эттирган. Чунончи аввалги китобида мавзулар марказида асосан И.Каримовнинг шахси, фаолияти бўлса, кейинги китобида Ўзбекистон ва унинг Президенти яхлит тушунча сифатида китоб қаҳрамонига айланган.

Хуллас, жўнроқ туюлса-да, мен ўзимга, “Левитин кейинги китобни нима мақсадда ёзди?” деган саволни бериб кўрдим ва айни шу — ҳозирги Ўзбекистонни ўтиш даври мантиқидан келиб чиқиб тадқиқ этиш мақсадида ёзган, деган хулоса чиқардим. Чунки шўролар барҳам топгач, вужудга келган барча ёш мустақил давлатларда ўтган ўн йил мобайнида нималарга эришилган ё эришилмаган бўлса, уларнинг бари “Ўтиш даври”нинг серқатлам мантиқий талабларига нечоғли риоя қилинган ё қилинмаганлигига бориб тақалади.

Жамиятда инсон ва давлат ўртасидаги муносабатни идеал даражаларга кўтариш инсониятнинг ҳаммиша орзуси ва муаммоси бўлиб келган. Мутлақ адолатли мувозанат муҳитини англатувчи “демократия” тушунчаси ҳам ана шу адоқсиз орзулар эпкиниди яратилган бўлса ажабмас. Л.Левитин

давлатнинг ўтиш давридаги ислохотларга аралашуш шакллари ва чегаралари хусусида мулоҳаза юрита туриб Рузвельт президенлиги чоғидаги АҚШ даврига мурожаат қилади.

Айни чоғда Л.Левитин жаҳон мамлакатлари тажрибасидан кўплаб мисоллар ҳам келтиради. Жумладан, “ўтиш даврида авторитаризм — Россия учун нажот йўли” деган гапга тўхталади. Ривожланаётган ва ривожланган мамлакатларнинг амалиёти, тажрибаси транзитология дея аталувчи илмий йўналишнинг предмети эканини айтади. Ва шу ўринда кишини оғир ўйга толдириб кўядиган саволни кўндаланг кўяди: “Ёки ўзгалар хатоси одамларни ҳеч нарсага ўргатмайди, дегувчилар ҳаққими?”

Ҳа, инсониятнинг олис ва яқин тарихида озмунча ҳаёт мактаби яратилди-ми?! Не-не салтанатлар, не-не тузумлар, не-не буюк ва сохта даҳоларни кўрмади бу мўйсафид дунё! Лекин... ўтмишдан, аввал яшаб ўтган шахслар ҳаётидан мутлақо ўрناق ва сабоқ олинмайди дейиш адолатдан эмас албатта, лекин кундек равшан ҳақиқатлардан кўз юмиш ҳолатлари ҳам истаганча топилади.

Лотин Америкаси мамлакатларида ўтиш даври нақ бир асрга чўзилаётгани, Испания, Португалия, Грецияда бу давр бир авлод умрига тенг вақтни олгани, Россиянинг унчалик илғор ҳисобланмайдиган Испания ва Португалияга етиб олиши учун камида ўн беш йил кераклиги... 1989—1990 йилларда СССРдаги турмуш даражаси Африкадаги кўпгина мамлакатлар даражасидан анчагина орқада бўлгани ҳолда, иқтисодий ривожланиш даражасини билдирувчи ялпи ички маҳсулот ва аҳоли жон бошига истемол қилиш каби кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Совет Иттифоқида энг охириги ўринлардан бирини эгаллагани, “Ўзбек халқининг турмуш даражаси СССРда энг паст даражалардан бирида экани”...

Давлат олдига тизгинсиз талаблар қўйишда мавжуд шарт-шароитлар ҳисобга олинмаслиги, ҳавойи орзу-истакларга берилиш, қўлга киритилган унча-бунча ютуқларга оламшумул воқеа сифатида асоссиз ҳамду санолар ёғдириш одатларимиз кўпдан-кўп объектив воқеликни, имкониятларимизни ҳисобга олмаслигимиз мана шу маълумотлардан ҳам кўринмаяптими?!

Хўш, саволни такрорлайлик: ўтиш даври суръатини жадаллаштириш керакми ё йўқми?

Одамлар ислохотлар самарасини турмушдаги реал маъмурилик ва фаровонликдан келиб чиқиб баҳолайдилар, жамият миқёсларидаги самара эса беш-ўн йил билан эмас, балки неча ўн йилликлар ҳаётисига кўра ўлчанади. Шу маънода одамлар ва жамият қаричи ўртасида жиддий тафовут келиб чиқади. “Ўтишнинг асоссиз равишда тезлаштирилиши кўп ўтмай жиддий йўқотишларга олиб келади ва бу жараён ўз-ўзидан секинлаша бошлайди”.

Дунё мамлакатларида ўтиш даври суръатини белгилашда хилма-хил йўллар, услублар танланди, Ўзбекистон Президенти эса мутлақо ўзига хос йўлдан борди. Биринчидан у бозорга инқилобий эмас, тадрижий ўтишни, иккинчидан эса кучли ижтимоий сиёсатни тараққиётимизнинг туб тамойилларидан деб белгилади. Соддароқ қилиб айтганда, бизда ўтиш даврининг суръатини ижтимоий муҳофаза ва одамларнинг ўзини ўзи эплаштириш даражаси, имконияти белгилаб беради.

Одамлар манзилга тезроқ етиб олгилари келади, бироқ аробанинг ҳам, уловнинг ҳам аҳоли танг — беҳуда зўриқишнинг оқибати чакки бўлиши мумкин, ундай десанг, кўнгил қурмағур тинчлик бермайди, дунёга боқиб, бошқалардан ортда қолиб кетаётганга ўхшайверасан — яна суръат отига қамчи босасан. “Ўтиш даври” шу тариқа одамларни гоҳ ўтга, гоҳ сувга ташлайди. Бироқ, унинг нағмалари, унинг машаққатлари — парадокслари бу билан туғмайди...

3

Онгли инсон гарчи бугунги кунда яшаётган бўлса-да, ўтмишни тўлароқ англаб етган ҳолда келажак сари интилади. Шу тариқа у бир йўла уч замонда

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

яшайди. Миллатнинг, халқнинг яшаши, гуллаб-яшнаши ҳам шунга асосланади. Булар жамиятнинг нуфузини белгилайдиган омиллардандир. Ўзбек миллат сифатида ўтмишини, демак, ўзлигини чинакамига англаш имконига эга бўлганига эса эндигина ўн йилдан ошди. Ўн йилдан ошдики, давр халқимиз олдида бир дунё саволларни кўндаланг қўймоқда: ўзбеклар қандай миллат, қандай халқ ўзи? Унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат? Ўзбекларда шахс, жамият, давлат тушунчалари қандай шаклланган? Тафаккур тарзи, интеллектуал салоҳияти, ахлоқий фазилатлар, эътиқод, ҳуқуқий онг, ғурур, эркинлик туйғулари, эзгулик ва ёвузлик тушунчалари жамиятни жипслаштириш ва юксалтириш қудратига айлана олганми? Умуман ўзбеклар XXI аср дунё ҳамжамиятида илғорлар қаторига чиқиш, ўз нуфузига, салоҳиятига эга бўлиш борасида қандай потенциал куч-қувватга эга?..

Шу ва шу каби саволларга биринчи навбатда ўзимиз жавоб топмоғимиз керак. Топилажак жавоблар, аввало ўзимиз учун, кишиларимизнинг комиллиги ва халқимизнинг камолоти учун зарур. Л.Левитин “Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида” китобини худди шу борадаги вазифаларимизни бир қадар енгиллаштириш учун ёзгандек таассурот қолдиради. “Ўтиш даври” мураккабликларидан ортиқча қийинчиликларсиз, талофатларсиз ва дадил ўтиш имкониятлари... олис ўтмишдаёқ аждоларимиз томонидан яратиб қўйилганини тартиб-батартиб баён этади. Л.Левитин кўҳна мозийнинг энг муҳим саҳифалари, саналарига бирров бош суқиб ўтади. Илк аждоларимиз бўлмиш суғдлар, саклар, хоразмийлар, бақтрияликлардан тортиб, янглишмасам, уч минг йиллик тарих воқеаларини ёдга туширади.

Ҳозирги “ўтиш даври” қийинчиликлари йўлимизда пайдо бўлган ўтиб бўлмас тўсиқлардек туюлган дақиқаларда ўзбек халқи ўтмиш воқеалари қуюнида беармон чиниққанлиги, тобланганлиги ёдга тушади. Илдизи она заминга бу қадар чуқур томир отган халқ унча-бунча машаққатлар олдида эсанкирамайди, ўзлигини йўқотмайди деган некбинликдан ғурур уйғонади.

Л.Левитин тарих талқинига бағишланган бобни негадир Президент Раҳмоновнинг Сомонийлар давлати хусусидаги эсдаликлардан бошлайди. Тожикистонда, Қирғизистонда, Туркменистонда миллий ғоя туғилишидаги ўзига хосликлар тўғрисида тўхталлади. Ундан зардушт ва зардуштизм тарихи, Александр Македонский, Сўғдиёна ва Бақтрия, Кушонлар подшолиги, минтақамизга ислом динининг кириб келиши, Темур ва темурийлар, буёғи 130 йил давом этган мустамлакачилик... Бир қарашда буларни ижикилаб ҳикоя қилишдан муаллифнинг муддаоси нима деган ҳаёлга борасан киши, сўнг, чуқурроқ ўйлаб кўриلسа бундай батафсиллик бежиз эмаслиги айёнлашгандек бўлади. Назаримда, тадқиқот муаллифи ўтмишда юз берган катта ва кичик воқеа-ҳодисалар силсиласида ўзбек менталитети генезисини ўрганаётгандек туюлади. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудию сарҳадларининг вужудга келишидан то ўзбек миллатининг шаклланишигача даҳл ва таъсир кўрсатган кўплаб омилларнинг ҳеч бирини назардан четда қолдирмасликка уринади.

Тан олайлик, ўзимизнинг мутахассислар ўзбек менталитетига муфассал таъриф беролганлари йўқ ҳанузгача. Жилла қурса, “Ўзбеклар” деб номланган залворли монография яратганлари ҳам йўқ. Бу жўн вазифа эмас, албатта. Зеро, менталитетнинг вужудга келиши, шаклланиши ва сақланиш жараёнлари асарларининг нектар йиғиб, уни асалга айлантириш жараёнидан мураккаброқки, осон эмас. Ўхшатиш ўринсизроқ туюлса-да, Л.Левитин бамисоли асалари янглиғ меҳнат қилиб, уч минг йиллик мозий биёбонларида кезиб, бугунги ўзбекни вужудга келтирган, унинг танасидаги ҳужайраларию, туйғуларигача, ақл-идрокию интеллектуал-ахлоқий менталитет унсурларигача — барини бир китобга жамлаган.

Тоталитар тузум ҳам, авторитар тизим ҳам тарихий маънода узоққа бормайди — халқ эса қолади! Л.Левитин бу ҳаётбахш кучни “Халқнинг ҳаёт дарахти” деб атайди. Ўзбек халқининг ҳаёт дарахти шу қадар бақувватки, совет ўтмишидек бемисл истибод ҳам, гарчи унинг гўзал шохларини бугаб ташлаганига қарамай, унинг қон ва жон томирларига путур етказолмади. “Ўзбекис-

тон советлар ўтмишинигина эмас, ўзбек халқининг кўп асрлик тарихи, унинг бой маданияти, анъаналари, дини, ҳаётга муносабатининг ҳам ворисидир” деб ёзади Л.Левитин.

Давлатимиз раҳбари, мана, ўн йилдири, ўша кўп асрлик тарихий меросни бугунги тафаққуригимизга ва мафкурамизга сингдиришимиз зарурлигини уқдирмоқда, буни ҳаётимизни тубдан янгилаш концепциясига айлантирди, уларни бир оғиз сўз билан “маърифат, маънавият” деб атамоқда.

Л.Левитиннинг катта хизматларидан бири - ўзбек зиёлилари, мутахассислари давра суҳбатлари, мунозараю мубоҳасалар орқали ойдинлик киритишлари зарур бўлган кўплаб масалалар йиғилиб қолганини ёдга салади.

4

Л.Левитин Ўзбекистонда олий маълумот олган, шахсий ҳаётида ўзгариш юз бергач, “Ўзбекистоннинг сиёсий ҳаётига ташқаридан, хорихдан, Ғарбдан чет кузатувчи сифатида назар ташлаш имконига эга бўлдим. Воқеаларга бундай икки томонлама назар ташлаш, бугунги тил билан айтганда, масала моҳиятини тўғри англашда қўшимча самара беради” деб ёзади. Айтиш керакки, икки томонлама назар ташлаш самараси унга Республикамиз Президенти шахсига, фаолиятига ҳам кўп жиҳатдан ностандарт ёндашиш имконини берган. У аввалги китобида ҳам, кейингисидан ҳам И.Каримовнинг олий мартабага сазовор бўлиш жараёнларига алоҳида тўхталади. Ислоҳ Каримов феномени нафақат у кишининг шахсий таржимаи ҳолида, бутун мамлакат тақдирида фавқулодда воқеа эканини кўплаб мисоллар, ҳолатлар талқинида очиб беришга ҳаракат қилади.

Каримовнинг муҳолифлари, таъбир жоиз бўлса, ганимлари, уни комфирқавий номенклатуранинг намоёнчасига чиқаришга ҳаракат қилишади. Бунда улар Президентнинг шахсида кўзга ёрқин ташланиб турувчи хусусиятларни ҳисобга олмайдилар ёки олишни истамайдилар.

Биринчидан, И.Каримов Республиканинг молия вазири бўлган кезлари Совет Иттифоқи молия вазири А.Ғарбузовнинг унга муносабатини эслайлик. Молия оламида ҳамма ҳурмат қиладиган вазир ўзбекистонлик ҳамкасбини “конъютурага эмас, молиявий устиворликларга аҳамият берадиган профессионал сифатида бошқаларга намуна қилиб кўрсатар эди”.

И.Каримовнинг “тахт”га келишига унинг фирқа аъзолиги сабаб бўлмаганини кўрсатувчи иккинчи бир далили қуйидаги иқтибосда ҳам кўриниб турибди: “Каримов билан суҳбат чоғида, — деб ёзади Л.Левитин, — “Сиз оддий бир вазиятда Ўзбекистон компартиясининг раҳбари бўлишингиз мумкинми” деган саволга, у: “Мен буни истисно қиламан. Бунинг учун меникидан бошқача ҳаёт йўли, ўзгача сиёсий капитал, ўзгача шахсий фазилатларга эга бўлиш керак эди. Ҳар ҳолда, менда табиатан мавжуд бўлган ўз инсоний қадр-қимматига бу қадар жиддий эътибор қилиш фазилати бўлмаслиги лозим эди, дея жавоб беради”.

Левитин Юртбошимизнинг бу жавобини бежиз келтирмаган. Жавоб замирида чуқур ва жиддий маъно ётибди. Таъкид маносида такрорлай: “ўзгача сиёсий капитал... менда табиатан мавжуд бўлган ўз инсоний қадр-қимматига бу қадар жиддий эътибор...”

“Ўзгача сиёсий капитал” деганда қуйидан юқоригача бўлган лавозим поғоналаридан мутеларча “хўп бўлади”лар эвазига кўтарилиш, марказнинг чизган чизигидан чиқмаслик орқали сиёсий эътибор қозониш назарда тутилмаяптими? Борди-ю, И.Каримовга бундай маломат тоши отилмоқчи бўлса, у кишининг табиати “хўп бўлади”чиликка мутлақо зид, яъни у кишида ўз инсоний қадр-қимматига жиддий эътибор туйғуси ниҳоятда кучли. Бу фикрни Президентнинг сўзи эмас, у кишининг ўн бир йиллик жўшқин ва таҳликаларга бой фаолияти исботлаб, тасдиқлаб турибди.

“Менинг ортимда ҳеч қачон қувватлайдиган одам бўлмаган, — деб эслайди Юртбошимиз, — фақат ўзимга, ўз кучим ва қобилиятимга ишонишим мумкин эди”. Молия вазири сифатида қайси жиҳатлари билан бошқалардан

устунлик қилгани эса ҳозиргина зикр этилди. Қашқадарё обкоми котибблугига, сўнгра республика компартияси раҳбарлигига тайинланишида қандайдир тасодифийлик бордек туюлади. Лекин бу тасодифийлик замиридаги “яширинган” катта қонунийлик ва мантиқ ҳам Каримовнинг шахси, феъли билан, очикроғи, ундаги қатъият ва вазиятни аниқ баҳолай олиш салоҳияти эди. Республика компартияси раҳбарияти йиғилишида МКнинг иккинчи котиби билан айтишиб қолиш... 1989 йилнинг июнида Москвада Сиёсий бюронини ташлаб чиқиб кетиш... 1990 йилнинг 24 мартда СССРда биринчи бўлиб республика президенти этиб сайланиши... Президент этиб сайлангач, Москвада Давлат кенгаши мажлисида ёғдирилган пичинг ва кўрсатилган хурматсизликка қарши ўз позициясида собит қолгани...

Савол бериб кўрайлик: мана шундай ҳолатларда И.Каримовнинг ёнида ким бор эди? Қайси фирқа ёки номенклатура уни ҳимоясига олган эди?

И.Каримов ёлғиз эди! У ўзига, тақдирига ишонган, ўзбекча айтганда, вазиятни гоётда нозик ҳис этган ҳолда таваккалига иш тутган эди!

И.Каримовнинг республика раҳбарлигига тайинланаётган кезларини тасвирлай туриб, О.Генрининг машҳур ҳикояси эсланганида чуқур рамзий маъно бор. “Ўзбекистон” дея аталгувчи улкан дарахт ҳаётининг сақланиб қолиши бамисоли ўша сўнги япроққа боғланиб қолганди. Сўнги япроқ бошида эса озмунча таҳликаю, машаққатлар турганмиди?!

Шу ўринда китоб муаллифи 80-йиллари Республикада ҳукм сурган умидсизлик, кўрқув муҳитини тасвирлаганида жиддий маъно бор. Хусусан, у кўчаларда кўрқув ҳукмронлик қилганини жиноятчиликнинг қутургани билан боғлайди. Назаримда, бу фикрни янада чуқурлаштириш зарурга ўхшайди. Гап шундаки, ялпи умидсизлик ва кўрқув муҳитини вужудга келтириш “пахта иши”дан бошланган эди. Марказдан йўлланган десантчилар шу қадар бедодликлардан тап тортмадиларки, ўша кезларда исталган раҳбардан тортиб, оддий теримчигача қамалишга руҳан “тайёр” эди. Таҳдид, туҳмат, хўрлаш, таҳқирлашларнинг даҳшати шунда эдики, буларнинг бари гўё қонун асосида қилинаётгандек кўрсатилар эди, гўё қонун нуқтаи назаридан ҳар бир ўзбекистонлик потенциал жиноятчи эди. 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг аввалидаги жиноятчиликнинг қутуришидан вужудга келган кўрқув ва таҳлика муҳити эса бояги ҳолатнинг давоми эди.

Мана шундай пайтда сўнги япроққа умид боғлаш-жуда табиий эди! Бошқача айтганда, республика “ўзгача сиёсий капитал”га эга бўлган, ўз инсоний кадр-қимматига жиддий эътибор беришга қодир раҳбарни орзиқиб кутаётган эди.

Тақдир шундай инсонни етказди! “Ислон Каримовнинг танглик давридаги сиёсий етакчи сифатида қилиши керак бўлган ва қилган энг катта иши руҳан тушқун ва ўзига бўлган ишончини йўқотган миллатга умидини қайтариб бергани бўлди”, деб ёзади Л.Левитин. Шунинг ўзи тарихий жасорат эди! Юрт эгасининг бу тарзда фаолият бошлашини Л.Левитин У.Черчилнинг Англияга раҳбарликини бошлашига, Карлайл эса Рузвельтнинг АҚШ тарихидаги улкан жасоратларига қиёслайди. Кези келганда айтсак, таниқли сиёсатшунос Ф.Бурлацкий И.Каримов портретини ярата туриб, Хрушев, Андропов, Горбачев, Ельцин, Шеварнадзе, Мао Цзедун, Дэн Сяопин, Индира Ганди сингари ўз мамлакати ва халқи тақдирида унутилмас из қолдирган улкан сиёсий арбоблар номини санаб ўтади.

“У куч ишлатиш қувватига эга бўлган тизилмалар – милиция, давлат хавфсизлик органларини мустаҳкамлаш бўйича бир неча дадил қадамлар қўйди. Шахсан унинг иштироки билан мамлакатнинг бир қанча жойларида авж олаётган зиддиятлар олови ўчирилди. Бундай вазиятларнинг барчасида у дадил ва жасур ҳаракат қилди. ...Каримов бу ишларни амалга ошириш чоғида ёлғиз сиёсатчи эди...”

Каримов энг мураккаб вазиятларда халқнинг ўзига бўлган ишончини доимо чуқур ҳис этганини, у ҳамиша халқнинг ва адолатнинг қудратига суянганини кўп бора таъкидлайди, Л.Левитиннинг “ёлғиз сиёсатчи эди” деган жум-

ласи эса Юртбошимизнинг воқеаларни олдиндан кўра билиш, вазиятга бошқалардан кўра донолик билан баҳо бериш ва кўп ўтмай булар ҳаёт тасдиғидан муваффақиятли ўтганини кўрсатувчи маъноларни англатади.

1990 йилнинг ёзида И.Каримов Ўш фожиасига барҳам бериш борасида “Бошқа бирор ўзбек етакчиси бундай йўл тутиши даргумон” (Л.Левитин) бўлган жасорат кўрсатди. 1995 йил АҚШ Президенти Эрон давлати халқаро террорчиликни қўллаб-қувватлагани учун, унга нисбатан эмбарго ўрнатганида МДХ мамлакатлари раҳбарлари орасида фақат И.Каримов бу эмбаргони қўллаб-қувватлади. “Бу айрим америкалик экспертларнинг фикрича, жуда кучли амал эди” (Л.Левитин).

2001 йил октябри. АҚШ Афғонистонда уя қурган террорчи марказларга қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлаганида МДХ, хусусан Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари орасида фақатгина И.Каримов биринчи бўлиб амалий ҳамкорликка шай эканини билдирди.

Мазкур уч мисолнинг ўзиёқ Ўзбекистон Раҳбарининг “ўзгача сиёсий капитал” ҳисобига улғайган, шаклланган ва салоҳият топган сиёсий лидер эканини тасдиқлаб турибди.

И.Каримов портретини яратишга киришган Л.Левитин ҳеч бир муаммо, мавзу ва масалани назардан соқит қилмасликка ҳаракат қилади.

Китобдаги “Конституциявий давлат: шаклланиши ва истиқболлари”, “Фронт ёқасидаги давлат”, “Давоми бор...” боблари ҳам бирдек қизиқиш билан ўқилади. “Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида” китобининг нашр этилиши ҳозирги замон ўзбек сиёсатшунослиги, тарихи, маданияти, қолаверса интеллектуал оламида катта ва узоқ йилларга татигувлик воқеадирки, у ҳақда ва унинг баҳонасида яна кўп мулоҳазалар туғилиши табиий ва лозим ҳамдир.

Хуришид ДўСТМУҲАММАД



Жан Пол РУ

Амир Темур

Эссе

МУҚАДДИМА

Бундан бир неча йиллар олдин Бобур ҳақидаги китобимни ёзаётганимда, Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солган бу буюк шахс ҳаёти ва фаолиятига бениҳоя қизиқиб қолдим. У яшаган жойларнинг қарийиб ҳаммасини кезиб чиқдим, унинг муқаддас қабрини бир неча бор зиёрат қилдим, асарларини қайта-қайта ўқидим. У оддий инсонлар сифатида хато ва камчиликлардан ҳоли эмаслигини билсам ҳам унинг одамийлик хислатларига, қобилиятига чин дилдан таҳсинлар ўқидим. Унинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганар эканман, уни узоқ кўрмаган дўстидек, дийдорлашувдан кўнгил узолмаган қадрдонимдек севиб қолдим. Шунда мен китобимнинг муқаддимасида нега бу улуг инсонни ўрганишга шунча йилларгача киришмаганимга ўз афсусларимни билдирган эдим.

Афсуски, Бобурнинг бобоси, буюк соҳибқирон ҳақида китоб ёзишга аҳд қилганимда кўнглимда юқоридагидек илиқлик йўқ эди. Буюк қудрат соҳиби бўлган бу мураккаб шахснинг даҳолигини, унинг дунёга келиши ер юзида улкан ўзгаришларга сабаб бўлганлигини, у ҳақда тадқиқотчилар турли-туман, ва баъзан қарама-қарши фикрлар билдираётганлигини билсам ҳам, кўнглимда унга нисбатан аллақандай ожизона мойиллик сезаман. Ҳамма халқларнинг ҳам ўз қаҳрли ва зolim ҳукмронлари бўлган. Бу мавзуга қўл уриб Темур шахси ҳақида салбий фикрлар билдириб қўйсам, турк қавмига нисбатан қалбимда сақлаб юрган самимий дўстлигимга раҳна солиб қўймасмиканман? — деган андишаларга бордим. Шундай мулоҳазалар билан мен ўз Бобуримнинг давоми-ни, Бобурнинг Осиеъдаги энг қудратли авлодлари: Акбаршоҳ, Жаҳонгир, Шоҳ Жаҳон, Аврангзеб тарихини ёзишга узоқ вақтлар иккиланиб юрдим. Кўнглимдаги ниятим пишиб етилмаганлиги сабабли бошқа ишларга қўл уриб юравердим. Бу иккиланиш мен учун бироз фойдали ҳам бўлди. Чунки мен ўз тадқиқотимни сулоланинг энг бошидан, яъни Темурдан бошлаш зарурлигига амин бўлдим. Зеро, ҳар қандай тарихий ҳодиса замонлар қаърига сингиб, йўқолиб кетиши мумкин бўлмаган ўз асосчисига, бошловчисига эгадир. Ниҳоят, мен рисоламни буюк тарихчи Поль Пелио тили билан айтганда “дунёда энг ажойиб саргузаштли ҳаёт кечирган” Чингизхондан бошлашни лозим топдим. Чунки Темур салтанати айнан у забт этган бепоеън даштлар ўрнида, унинг анъаналарини давом эттирган ҳолда юзга келганди. Бу сулоланинг аниқ шажараси ҳам мавжуд. Жумладан, Бобур — Амир Умаршайх Мирзонинг, у эса — Абу Саид Мирзонинг, у эса — Темурнинг ўғли Мироншоҳнинг фарзанди эди. Бобургача Темурийларнинг тўрт авлоди давру даврон суриб ўтди. Бобур ўз бобосининг вафотидан 84 йил ўтгач дунёга келганди. Ҳамма Темурийларга салтанатни қурол кучи ёрдамида сақлаб туришга тўғри келди. Масалан, Бобур ўз ёшлигининг энг гуллаган йилларини Самарқандни эгаллаш орзуси билан ўтказди. Чунки бу шаҳар унинг бобоси Темурнинг пойтахти эдики, салтанатнинг энг қудрат-

Асардан боблар. “Фейярд” нашриёти, Париж - 1999.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ
10

ли вакилигина бунга журъат қила оларди. У шаҳарни уч марта қўлга киритиб, уч марта бой берди. У Ҳиндистонни ўзининг қонуний мерос ерлари ҳисобларди, чунки унинг бобоси бу ерларни қилич яланғочлаб ўзига бўйсундирганди. Унинг вафотидан сўнг ўғли Ҳумоюн, набираси Акбар ва унинг меросхўрлари — Темурийлар уйғониш даврининг асосчилари форс маданияти равнақи учун тинмай ғамхўрлик қилган бўлсаларда, ҳақиқий ҳинд подшоҳларига айланиб кетганларида ҳам, ўзларининг аждодлари Урта Осиёдан келганликларини, улар анъаналарининг давомчилари эканликларини унутмагандилар. Бу тарихий далилларни эсламаслик бугун XVI асрдаги ҳинд маданий ҳаётини ўрганишда беҳисоб хатоликларга сабаб бўлиши тайин. Бобурийлар тарихини ўрганиш XIV асрнинг иккинчи ярмида қудратли шахс сифатида майдонга келган Темур тарихини ўрганмасдан туриб тўлақонли бўлмас эди. Тўғрисини айтсам, унинг шахсига нисбатан билдирилган ва кўпинча тахминларга асосланган эътирозли фикрлар кўнглимни тўлдирмас эди. Унинг номини қоралаш билан боғлиқ бўлган айнан ана шу эътирозлар Темур тарихини чуқурроқ ўрганишимга туртки берди. Самарқандга қилган ташрифларим жараёнида ҳам, унинг мақбара-си остонасида чуқур хаёлларга чўмганимда ҳам, Исфахонда уюштирилган оммавий қирғин ҳақида кичик мақола ёзаётганимда ҳам, унинг шаънига билдирилган эътирозли фикр-лар оқибатида қалбимда пайдо бўлган салбий ҳиссиёт мени ҳамон тарк этмаган эди. Лекин тез орада улар ўрнини ҳайрат, эҳтиром эгаллай бошлади. Ниҳоят бу шахс менинг тасаввуримга сингиб қолган ёвуз киши эмаслигига ишонч уйғона бошлади. Бибиҳоним масжидининг кўзни қамаштирадиган ҳайбатли харобалари олдида, Шоҳи Зинда мақбараларининг жилולי суқунати ичида уни тушунишга, англашга уринишларим бу туйғуни янада мустаҳкамлади. Шундай қилиб кўнглимдаги гиналарим ўрнини чуқур бир ҳайрат, эҳтиром эгаллай бошладики, оқибатда мен у ҳақдаги ушбу рисоламни тезроқ ёзиб тугаллашга жазм қилдим.

* * *

Хўш, мен ўз асарим билан кўплаб тарихий тадқиқотларда “золим, бераҳм, босқинчи” — деб тамғаланган Темур номини покламоқчиманми? Йўқ, бу ўринда мен виждонан холисона илмий кузатишлар қилмоқчиман, холос. Очиқ тан олиш керакки, унинг шаънига турли бўҳтонлар тўқиган асарлардан кўра — мадҳ этувчи асарлар кўпроқ. Шундай бўлсада, унинг номини улуғлаган тарихчиларнинг ҳам айрим фикрларига аниқликлар киритиш лозим. Чунки уларнинг кўпчилиги воқеа ва ҳодисаларни ўз кўзлари билан кўрган тарихчилар ёки сарой аъёнлари эмасдилар. Бу асарларни ўқир эканмиз, уларда тасвирланган ҳар бир воқеа ёки ҳодиса туфайли унинг номи муҳаббат ёки нафрат билан тилга олинганини, кўкларга кўтарилиб мақталганини, ёки ерга урилганлигини кўраимиз. У ҳаётдан кўз юмганида кимлардир жойи жаннатда бўлишлигини тилаб қўлини дуога кўтарган бўлсалар, кимлардир уни дўзахи бўлишини тилаганликлари табиийдир. Чунки қудратли шахсларнинг дўстлари ҳам, душманлари ҳам кўп бўлади. Кўпчилик тарихий манбаларда у оддий халқ орасида доимо эъзозланиб, улуғланиб келганлигини ўқиймиз. Жумладан, бундан бир ярим аср илгари яшаб ўтган тарихнавис, Тибет ва Монгол ўлкаларининг тадқиқотчиси Ота Ҳукнинг ёзишича, Темур забт этган узоқ ҳудудларда, кўчманчилар ўтовларида халқ бахшилари ҳамон унинг номини мадҳ этишади. Унинг гувоҳлик беришича, “Кўчманчи ўтовлардан бирида ёшгина бахши бола кучли ва таъсирчан овоз билан қуйидаги қўшиқни қуйлаган:

Темур номи ўтовларда янграса,
Элнинг ўғли доим бўлур жанговар.
Темур ёвқур, Темур доим улуғвор,
Шиддатидан ернинг бели майишар.
Улуғ Темур, элимизга қайт бир бор,
Йўлларингга кўзларимиз интизор.
Сенинг номинг, шижоатинг бизга ёр,
Қани энди сендек жасур бир сардор!

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Бугунги кунда унинг номини мадҳ этувчи асарлардан кўра ёмон отличқа чиқарувчи асарлар кўпроқ оммалашаётганлигига ажабланасан киши. Шу туйғайли у ҳақда туғилаётган салбий тасаввур — умумий тасаввурга айланиб бормоқда. Ҳолбуки, унинг номига ҳадеб тавқи-лаънатларни тақайвериш бутунлай ноинсофлик бўлади. Агар унинг умри давомида қилган ҳамма савобу гуноҳларини тарозининг икки палласига солиб тортилса, шубҳасиз савоблар палласи оғир келган бўларди. Айни пайтда у томондан қилинган айрим савоб ишлар ҳам беўрин жабру зулмлар билан қоришиб кетганки уни бутунлай гуноҳсиз одам десак ҳам адолатдан бўлмайди. Кейинги йилларда нашр қилинаётган Темур ҳаёти ва фаолиятига оид жуда кўпчилик тарихий тадқиқотларда унга нисбатан холис ва беғараз муносабат билдириш сезилмоқда. Бу ҳайрон қоларлик ҳолат эмас. Чунки асрлар давомида Темур тарихини ўрганишга қўл урган тарихчилар кўпинча масалага ўзлари яшаган давр ва унинг мафкураси таъсирида баҳо бериб келдилар. Яна шуни таъкидлаш жоизки, кўпчилик тарихчилар Темур фаолиятини баҳолашда воқеа ва ҳодисаларни танқидий ўрганиш билан чекланиб қолишиб, ўша давр кишиларининг руҳиятини, анъаналарини, борлиқни идрок қилишларини ўрганишни эътибордан четда қолдирдилар. Дарҳақиқат, Темур замонида содир бўлган воқеа ва ҳодисаларни, уруш ва қирғинларни ҳозирги замон одамларининг кўзи билан кўриб баҳолайдиган бўлсак, биз уларни қийшиқ ойнада кўргандек бўламиз ва улар бизга даҳшатли ва ғайриинсоний туюлиши табиийдир. Хуллас, замонавий тарихчиларнинг кўпчилигига хос бўлган камчилик — XIV-XV асрларда яшаган ҳукмронлар ўша замонда мавжуд бўлган ижтимоий-сиёсий муҳитнинг маҳсули эканликларини тушунмасликдир. Ўша давр одамлари учун ҳаёт қонуни ҳисобланган одатлар, анъаналар бизга ғайритабиий, ғайриинсоний туюлиши табиийдир ва уларга салбий муносабат билдириш ғайриилмий иш бўлган бўларди. Ҳарҳолда, бу борадаги ижобий силжишлар тобора кўзга яққол ташланапти. Ҳамма даврларда анъанавий тушунмаларнинг ашаддий тарафдорлари кўплаб топилиб турган бўлса ҳам Темур тарихига оид тадқиқотларда бунинг акси кузатилмоқда. Чунки йиллар одамлар ақлини пешлайди, ўтмиш воқеа-ҳодисаларига баҳо беришда одам кўпроқ мулоҳазага суянадиган бўлиб қолади. Бундан ташқари одам қанчалик кўп нарсани билса, шунчалик даражада уларнинг моҳиятини чуқурроқ англаб етишга уринади. Буюк Темур ҳақида бу асаримни ёзишга киришар эканман айнан ана шундай ҳис-туйғулар фикру хаёлимни банд қилди. Қўлимдаги соҳибқирон ҳақидаги манбалар мендан олдинги тадқиқотчиларникидан мўлроқ эканлигидан мамнунман. Қолаверса, менга етишмаётган айрим манбалар ўз мазмуни ва моҳияти билан унчалик аҳамиятли ҳам эмас. Мен тўплаган манбалар мендан олдинги тадқиқотчилар томонидан тўлалигича фойдаланилмаган ва мен улардан яхшироқ фойдалана оламан деб ҳам мақтана олмайман. Чунки уларнинг кўпчилиги кўлёзма ҳолда, айримлари нашр қилинган бўлса ҳам, французчага ўгирилмаган ва кўпроқ форс тилида ёзилган. Уларда баён қилинган воқеа ва ҳодисалар менда мавжуд манбалардаги далилларни айнан такрорлашларини таъкидлаганим ҳолда, айрим воқеалар ривожини чуқурроқ ўрганиш зарур деб ўйлайман. Бу борада йўл қўйилган айрим хатоликлар яна ўнлаб йиллар текширишни талаб қилади. Эҳтимол, улар охир-оқибат батамом ўрганилар ва Темурнинг шиддатли ҳаётини кунма-кун баён қилиш имкониятини берар.

Ўрта Осиё маданияти ва тарихига оид бир неча фундаменталь асарлар эълон қилганлигимга қарамасдан, Темур ва унинг даври ҳақида китоб ёзиб, катта янгилик яратаман дея мақтана олмайман. Чунки ҳали кўплаб воқеа ва ҳодисалар батамом ўрганилмаган ва уларни юзаки ўрганиш янги хатоликларга олиб келиши мумкинлигини ҳис қилганим ҳолда масалага масъулият билан ёндошишга уринмоқчиман. Айтиш мумкинки, ҳозирги пайтда Темур ҳаётидаги асосий воқеалар солномаси ишончли даражада ўрганилган ва улар илгариги тадқиқотларга нисбатан тўлақонлиги билан кўзга ташланади. Дастлабки тадқиқотларда йўл қўйилган хато ва камчиликларга кейинги тадқиқотларда аниқлик киритилмоқда. Жумладан, Пелионинг Ўрта Осиёни ўрганишга бағишланган, ҳажми унчалик катта бўлмаган, нашр йили ҳам кўрсатилмаган машҳур тадқиқотида “соҳибқирон Москвани бир йил давомида қамал қилиб турди” деган фикр

баён қилинган. Худди шу далил ишончли манбалардан бири “Зафарнома” да ҳам қайд қилинган. Бироқ, бу далилнинг нотўғрилиги бугунги кунда ўз исботини топди. Уша даврда кичик қишлоқча бўлган Москва учун Темур ҳеч қачон бир йил вақтини беҳуда сарфламаган бўларди. Бу мантиққа ҳам тўғри келмайди. Бундай хатоликлар бугунгача нашр қилинган ҳамма тадқиқотларда, жумладан, Ренэ Груссеннинг “Даштлардаги сўнги империя” дан бошлаб, яқиндагина нашр қилинган тадқиқотларда ҳам учрайди. Муаллифлар гўё хато қилиб қўйишларидан қўрққанларидек, воқеа-ҳодисалар ривожини иложи борица қисқартириб баён қилишга уринадилар. Менинг изланишларим баъзан тасаввур ва таҳлил доирасидан чиқиб кетиши мумкинлигини тан олсам ҳам, ўзимдан олдин бу мавзуга қўл урган тадқиқотчиларга тақлид қилмасликка уринаман. Ана шундагина китобхонлар воқеа ва ҳодисалар ривожини Темур ҳаёти ва фаолияти билан узвий боғлиқ ҳолда ўқиш имкониятларига эга бўладилар, деб ўйлайман.

Унинг йигитлик йилларидаги, яъни 20-35 ёшлардаги ҳаёти ҳокимият учун тинимсиз кураш йиллари бўлди. Бу курашларда у баъзан зафар қозонди, баъзан мағлуб бўлди. Унинг ҳайратга солар даражадаги довжораклиги, қийинчиликларни сабот билан енга олиш қобилияти, бу борадаги чапдастлиги шухрат-параст бир йигитчанинг ёшлик бебошликларидек туюлиши мумкин. Бироқ, шон-шухрат ва тожу тахт кетидан қувган ва унга ўзининг довжораклиги, сабру тоқати ва жасорати туфайли эришган ҳамма шахзодалар тарихи айнан ана шундай бошланганини биламиз. Бутун Урта Осиё бўйлаб отларини елдириб жазирама ва қаҳратонларни писанд қилмасдан тожу тахтга эришган Темур ва унинг авлодлари тарихи бунга ёрқин мисол бўла олади. Бу йиллар Темур учун ҳарбий маҳорат, ҳарбий салоҳият сирларини ўрганиш, ўз иқтидорини амалда синая кўриш йиллари бўлди ва бу тажриба уни ҳокимият тепасига олиб чиқди. Унинг салтанат соҳиби сифатидаги 1370-1404 йиллардаги ҳаёти тинимсиз ғолибона юришлар, даҳшатли жанглар, мислсиз қирғинлар бўлиб тарих саҳифаларига битилди. У Деҳлидан бошлаб — Эгей денгизигача, Дамашқдан тортиб — Ҳитой Туркистонигача бўлган худудларда ўз салтанатини ўрнатди. Бу жараёнда у юзлаб шаҳарларни, олиб бўлмас қалъа ва истеҳкомларни забт этди. Бу даҳшатли жангларда шаҳарлар вайронага айлантирилди, инсон қони сувдек оқизилдики, бу воқеаларни айрим тарихчилар кўқларга кўтариб, ҳамду санолар билан баён қилсалар, айримлари қора бўёқларга чаплаб таърифлайдилар. Буларнинг ҳаммаси Темур ҳақида даҳшатли хотиралар қолишига сабаб бўлди.

Бундай манзараларни ўқиш дастлаб саргузаштлари, ранг-баранглиги, даҳшати билан кишини ўзига ром қилади. Бора-бора бу даҳшатларни ўқиш кишини ҳолдан тойдиради, юрак тўла афсус-надоматлар билан бундай китобни ўқишдан бутунлай воз кечасиз, ёки навбатдаги саҳифага ўтиб кетасиз. Лекин ҳаммавақт уруш — бу уруш эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Шубҳасиз, Мовароуннаҳр ва Эрон фақат Темур салтанати давридагина кўп йиллар давомида ору қилинган барқарор тинчликка эришди. Мамлакат қайтадан гуллаб-яшнаб бошлади. Савдо-сотик ўз изига тушиб, қарвонлар дунё бўйлаб кеза бошлади. Салтанатда қатъий ва мустаҳкам тартиб-интизом ўрната олган қудратли ҳукмдор фаолият кўрсата бошлади. Лекин бундай фаровонликка ўзга мамлакатлар халқларига нисбатан қилинган кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жабру зулмлар эвазига эришилди. Афсуски бундай фаровонликнинг ҳам умри унчалик узун бўлмади. Темур салтанати ҳам бир пайтлар римликлар, араблар, мўғуллар асос солган салтанатлар сингари ўз асосчилари оламдан ўтгач, аста-секинлик билан таназзулга юз тута бошлади. Темур вафотидан сўнг салтанат бир неча мустақил хонликларга бўлиниб кетди. Дастлаб гуллаб-яшнаган бу хонликлар ҳам орадан бир оз ўтгач, ўзларига муносиб меросхўрлар қолдира олмаганликлари учун таназзулга юз буравердилар. Ёлғиз Бобургина Темур авлодларининг Ҳиндистонда узоқ вақт ҳукмронлик қилган, бобурийлар сулоласига асос солган вакили бўлиб қолди. Шубҳасиз, Темурнинг ўғли Шоҳруҳ ва унинг набиралари Хусайн Бойқоро, буюк фалакиётчи султон Мирзо Улуғбек ва бошқа теурийларнинг ҳукмронлик йилларида “Теурийлар уйғониш даврига” асос солинди. Улар фан ва маданиятнинг турли соҳаларига, санъат ва адабиёт ривожига тинимсиз ғамхўрлик қилишлари билан шухрат қозондилар. Темур ўз салтанати пойтахти Самарқандда бу уйғониш даврининг биринчи

пойдеворини қуриб, унинг гуллаб-яшнашига, оламга донг таратишига муносиб ҳисса қўшган эди. Мабодо Темурий шаҳзодалар бобоси бошлаган маданий, ижтимоий, сиёсий янгиланишларни давом эттирмаганларида, ёки фараз қилайлик, дунёга келмаганларида, темурийлар цивилизациясидан бизга нима мерос қолган бўларди? Сўлим ва гўзал Самарқанд шаҳридаги бир неча маҳобатли обидаларгинами? Бу обидаларнинг ложувард гумбазли равоқларидан кириб-чиққан кишилар Темурнинг руҳига фақат миннатдорчилик билдирсалар, бу жуда камлик қилган бўларди.

Темур қурилишлар қилишни, турли элатларни бир салтанат остида бирлаштиришни, оламда тинчлик ўрнатишни, салтанатни адолат билан бошқаришни хоҳларди. Лекин бу борада у қўлга киритган ютуқлар арзирли эмасди. У бир неча йиллар давомида барпо қилган иншоотлар, у ер юзидан биратўла йўқ қилиб юборган обидалар олдида ҳеч нарсадек туюлади. Шундай бўлсада, унинг фаолияти бутун дунёни ўзгартириб юборганлигини унутмаслигимиз лозим. У туфайли Осиёга таҳдид солаётган ҳиндларнинг қудратли мусулмон империяси йўқ қилинди. Русия устидан ҳукмронлик қилиб турган Олтин Ҳорданнинг куч-қудрати синдирилди. Енгилмас Йилдирим Боязид кўшинлари бир жангдаёқ шармандаларча мағлуб бўлди ва шуниси ажабланарлики, улар Темур туфайлигина ўзларини яна тиклаб олишга эришдилар.

Ислоом дини мўғуллар босқини даврида бутунлай йўқ бўлиб кетмади. Темур даврида эса янада мустақкамланди. У забт этган барча худудларда ислом динини мустақкамланганини кўрганимиз ҳолда, ҳозирги Украина худудларида, Волга дарёси оқимида жойлашган айрим худудларда бу ҳолни кўра олмаймиз.

Шундай қилиб довжораклик ва ғалабаларга, даҳшатларга бой бўлган бу тарихни миридан-сиригача ўрганишга арзийдиган узун бир дoston сифатида ўқисак бўлмайдими? Агар унга бугунги кун нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, албатта уни қийшиқ ойнада кўргандек бўламиз ва у бизга жирканч ва аянчли туюлиши тайиндир. Ҳар қандай одамнинг феъл-атвори унинг фаолиятида ўз аксини топади. Мабодо инсон ўз феъл-атворини ўзи бошқара олса унинг фаолияти ҳам тобора улканлашиб бораверади. Бу фаолиятнинг меъёри қанчалик кенг бўлса-да, барибир унинг чегараси бўлади. Темур ўзининг кенг кўламли фаолиятида ана шу чегарани сезмас, ўзини ҳамма нарсани ҳал қила оладиган, қудратли шахс сифатида сезарди. Чунки унинг ўзи меъёрсиз дунёда яшар эди. На оғир қийинчиликлар, на кексайиб қолгани, на мажруҳлиги, на қасаллиги уни ўзи режалаштирган мақсадларини амалга оширишдан тўхтатиб қола олмасди. Унинг учун фақат ўлим ҳақ эди. Эҳтимол шунинг учундир унинг барча ғалабалари, ҳатто энг кичиклари ҳам, бизга янада улканроқ, арзимас бераҳмлиги ҳам янада даҳшатлироқ туюлар? У эришган шухрат қанчалик ҳаққоний ёки даҳшатли бўлмасин, унга бир умр ҳамроҳлик қилди ва бутун Осиёни кўрқувдан титратди. Бундай шухратга у бирданига эмае, балки бутун умри жараёнидаги ғалабалари туфайли эришди. У 35 йиллик салтанат тебратиши жараёнида ана шу шухратидан, ана шу салоҳиятидан бир лаҳза ҳам ажралмасдан ҳукмронлик қилди. Ҳа, уни тун осмонида ёниб ўчган кичик юлдузга ўхшатишлик ножоиз бўларди.

* * *

Темур яшаган давр тарихдаги буюк ўзгаришлар арафаси эди. Тез орада камонлар ўрнини — ўқотар милтиқлар, суворий лашкарлар ҳарбий салоҳиятини — замбараклар эгаллаши тарихий зарурат бўлиб қолганди. Бундай шароитда жангари кўчманчи қабилаларнинг ҳарбий салоҳияти тобора камайиб бориши табиий эди. Шундай замон яқинлашиб келардики, энди камонлар, найзалар, қалқонлар, қилич ва гурзилар билан қуролланган лашкарлар ёрдамида Буюк девор билан ўралган Хитойни забт этиш осон бўлмасди. Замбараклар гумбури, ўқлар ёмғири ҳатто бутун Евроосиёни титратган Чингизхон лашкарларини ҳам доводиратиб қўйган бўларди. Лекин, буларнинг ҳаммаси ҳали олдинда эди. Ҳар қандай янгиллик ёки ихтиро бирданига оммаллашиб кетмаганидек, янги ҳарбий қуролларнинг пайдо бўлишлигини ҳам ҳеч ким тасаввур қила олмасди.

Мана шундай тарихий шароитда ҳаёт кечирган Темурни қабилавий ҳаёт анъаналаридан эндигина воз кечишга мажбур бўлаётган, ўтроқ ҳаётга эндигина кўника бошлаган, кўчманчилар орасидан отилиб чиққан давлат арбоби сифатида кўз олдимишга келтиришимиз мумкин. Уни барчага баробар хизмат қиладиган янги дин — мусулмончиликни тарғиб қилишга даъват этилган буюк саркарда сифатида ҳам тасаввур қилиш мумкин. У бошлаб борган, Ўрта Осиёнинг қоқ юрагигача, рус ўрмонларигача етган суворий лашкарларнинг ғолибона юришларини тарихдаги энг охирги отлиқ лашкарлар юришларидан бири деб аташ мумкин. Бундай юришлардан бирида Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг мағлуб этилиши нафақат славянлар учун, балки бутун Еврооосиё халқлари учун тарихнинг янги саҳифаларини очиб берди. Тўхтамишнинг бу мағлубияти жангари кўчманчи ўрдаларнинг куч-қудрати тобора пасайиб бораётганлигидан ҳам далолат беради.

Тарих воқеа-ҳодисаларга қанчалк бой бўлса, бизни қизиқтираётган шахс ва унинг замони ҳақида ҳам шунчалик кўп тасаввурларга эга бўламиз. Айнан ана шу воқеа ва ҳодисалар бизга Темур фаолиятини изма-из кузатиб боришимизга ёрдам беради.

Темурнинг ҳаёти ва фаолияти бир-бирининг акси бўлган икки дунё ўзаро қоришиб кетган замонда кечди. Улардан бири ўтроқ ҳаёт кечиришга одатланган Эрон мусулмонлари дунёси бўлса, иккинчиси — бир оз ноқулай, лекин умумлаштириб айтилган, Еврооосиё даштларида кўчманчи ҳаёт кечирган оташ-парастлар, ёки мажусийлар дунёсидир. Ун йиллар давомида мен тадқиқ қилаётган дунё — айнан ана шу иккинчисидир. Шундай қилиб, мен ўз рисоламда бир томондан Темур яшаган даврни, иккинчидан шу даврда яшаган одамларнинг дунёқарашларини чуқур ўрганишга жазм қилдим. Бу ўринда мен уларнинг узоқ ўтмишдаги ажодларидан, Мўғулистоннинг олис яйловларидан кириб келган анъаналарига ҳам алоҳида эътиборимни қаратмоқчиман. Ўз тадқиқотларини айнан мана шу анъаналарни ўрганишга бағишланган исломшунос олим Жан Обэннинг таъкидлашича, “кўчманчилар мусулмончилик урф-одатларини шунчалик самимий ва сидқидилдан адо этишар эдиларки, бунинг сабабларини, илдизларини узоқ оташпарастлик даврларидан қидириш лозим. Бу урф-одатларнинг яшовчанлиги ва таъсирчанлиги учун турк ва мўғуллар ўз ажодларининг тарихий даҳоликларига таҳсинлар айтишсалар арзийди”. Жан Обэн бу анъаналарнинг тарихий аҳамиятини жуда тўғри англай олди ва уларни танқидий ўрганиб чиқиб, нашр қилдиришга мувофиқ бўлди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Олтой ўлкасининг диний маросимларини ўрганишга бағишланган тадқиқотларда айнан ана шу анъаналар эътибордан четда қолган эди. Бу анъаналар ўтмишдаги барча тарихий воқеа-ҳодисаларни бутунлигича англашга ёрдам бера олмасаларда, ягона ирқий заминда вужудга келган турлича тарихий меросни, одамларнинг руҳий дунёсидаги қарама-қаршиликларни чуқурроқ ўрганишга имконият яратади.

Темур фаолиятини ўрганиш яна шу жиҳати билан мураккабки, у яшаган замон соддагина туюлса ҳам, уни тушуниш ўта қийиндир. Бундай замонда яшаган киши ҳаётини ўрганишда уни бундай суронли фаолиятга йўналтирган, уни руҳлантириб турган нарсалар нималигини аниқлаш ҳам қийин масаладир. Қолаверса, ёлғиз унинг куч-қудратини, иродасини тасвирлаш билангина унинг бутун фаолиятига баҳо бериб бўлмайди. Биз жавобини қидираётган саволлар тадқиқотчилар учун унчалик янгилик эмас. Бу саволларга тарихчилар салжуқийлар, ғазнавийлар, чингизхонийлар тарихини ўрганиш жараёнида ҳам дуч келишган. Жумладан, унчалик баланд насабли бўлмаган бу одам қандай қилиб салтанат тожини эгаллади? Қандай қилиб бу турк Эрон ҳудудларини ҳам ўзиники қилиб олди? Қандай қилиб томирларида кўчманчилар қони оқаётган бу одам, бутунлай шаҳарликка айланди ва у ўз шаҳрини нега бунчалик севиб қолди? Катта жанглардан иложи борича ўзини тиядиган бу буюк саркарда қандай қилиб ҳамма жангларда ғолибликни қўлга кирита олди? Ҳарбий салоҳиятлари Темурниқидан кам бўлмаган, Русияни ўзига бўйсундириб турган Олтин Ўрда хони Тўхтамиш, енгилмас деб ном таратган, Европада ғолибона жанглар олиб борган Йилдирим Боязидлар қандай қилиб тиз чўктирилди?

Соҳибқирон номини олган бу одамга энг мустаҳкам қалъалар ҳам қаршилик кўрсатмасдан таслим бўлганликларининг сири нимада? Ўзи эгаллаган шаҳарларни қайта-қайта забт этишга, ҳарбий юришларини беш мартаб такрорлашга уни қандай илоҳий куч руҳлантириб турди? Жини суймайдиган Миср элини забт этишдан нега воз кечди экан? Лекин, кексалигига, мажруҳлигига, беморлигига қарамасдан Хитой юришини нега бошлаб юборди? Турли миллатларга мансуб дарвишларни, уламоларни бутун Ўрта Осиёда ўз айғоқчиларига айлантира олганлигининг сири нимада? Бадавлат кишиларнинг мол-давлатлари ҳисобига куч-қудратга эришиб, кейинчалик уларни хонавайрон қилишлиги муқаддас Куръон ақидаларига тўғри келадими? Қандай қилиб у одамларни ҳам кўрқувда, ҳам садоқатда тутта олди? Бундай саволларга жавоб топиш ҳам-манинг ҳам қўлидан келавермас керак.

Шахс сифатида у ҳеч қандай тартиб-қоидаларга амал қилавермайдиган ва палапартиш ҳаёт кечирадиган кишидек туюлади ва айти пайтда унинг қатъий тартиб-интизомни севишлигини ҳам кўраемиз. У ҳаддан ташқари мағрур, такаббур одамдек кўринади, аслида эса ўзига камтарона “амир” мансабини танлаб, Чингизхон авлодига мансуб бир одамни расман хонлик тахтига ўтқазиб қўйганини ва расман унга тобе эканлигини кўраемиз. Унинг камтарлиги шу даражада эдики, у салтанати Хитой вассали эканлигини тан олди. Васиятида эса пирининг оёқ учлари остига кўмилиши лозимлигини уқтирди. Унинг маданият ва адабиётга иштиёқи баланд эди. Айнан шу сабабли у ўз саройига дунёнинг турли бурчакларидан таниқли олим, шоир ва уламоларни келтиртирган эди. Унинг ҳузурда меҳмон бўлган мағриблик турихчи олим Ибн Холдун унинг одамлилик хислатлари ҳақида ҳурмат ва эҳтиром билан ёзиб қолдиргани бежиз эмас. Айтишларича, ҳеч ким унинг чеҳрасида кулгу аломатларини кўрмаган ва шунга қарамасдан у кўнгилочар ҳангомаларни ёқираб экан. У бениҳоя бераҳм одам дея ном таратган бўлсада, бемаъниликни, субутсизликни ёқтирмас ва айти пайтда ўта муруватли инсон ҳам эдики, энг оғир жазога ҳукм қилинганлар ҳам — фавқулудда унинг амри билан авф этилиб кетарди. У ташқи кўриниши билан инсоний хислатлардан батамом маҳрум одамдек тасаввур туғдирар ва айти пайтда ўз яқинларини, фарзандларини, опасини ажойиб ота ёки ука сифатида меҳр билан ардоқларди. У бирон набаирасининг туғилганини эшитиб қолса, бениҳоя даражада севиниб кетар ва шу кун бутун сарой аҳлига беҳисоб муруватлар кўрсатарди. У юксак даражадаги мард, довюрак, танги ва олижаноб инсон эди. Шу тангилиги туфайли у Султон Боязид жасадини иззат-ҳурмат билан дафн қилинишини унинг меросхўрларига топширди. Ана шу олижаноблик ҳибса олинган турк шаҳзодасига янги пишган қовунлардан бериб турилишига сабаб бўлди.

Темур ўз номини ҳурмат ва кўрқув билан тилга олишлари учун ер юзининг ғарбий чегаралирига бекорга тоғлар ва денгизлар оша ғолибона юришларини амалга оширмаганди. Константинополни қўлга киритишга шайланиб турган ва бутун марказий Европага таҳдид солаётган Боязиднинг орқа томондан зарбага учраши Осиё билан иқтисодий алоқалар ўрнатишга умид боғлаб юрган европаликлар учун айти муддао эди. Мўғуллар томонидан бир неча бор чиппака чиқарилган бу умидлар Темур юришларисиз амалга ошмаган бўларди. Шу муносабат билан Ренэ Груссэнинг “Даштлардаги сўнгги империя” асарида ҳаддан ташқари мақтаб юборилган Темур образи ҳалигача европаликлар ўртасида катта таъсирга эга. Уни тасвирлашга қўл урган мусаввар ва ижодкорларнинг сон-саногии йўқ. Бадий адабиётда ҳам Темурга бағишланган кўплаб асарлар пайдо бўла бошлади. Бу анъана XVI асрнинг иккинчи ярмиданоқ Темур бош қаҳрамон қилиб олинган драматург Марлонинг икки трагедиясидан бошланди. Гёте ўзининг “Девон”ида у ҳақда алоҳида тўхталди ва тахмин қилиш мумкинки, у Темур ҳақида мустақил асар ёзишни ҳам ният қилган. Темур номи ҳатто мусиқашуносларни ҳам бефарқ қолдирмади: Гендель “Темур” номли опера яратди. XVII асрда шарқшунослик илми ҳали пайдо бўлмасданоқ унинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бир неча тарихий асарлар француз тилига таржима қилинди. Шундан сўнг Темур ҳаёти ва фаолиятига қизиқиш оммавий тус олиб кетди. Дастлаб Францияда, кейинчалик Италияда, Испанияда, Англия ва Германияда темуршунослик илми ривожлана бошлади. Қисқаси Темур ҳаёти ва фаоли-

ятини ўрганиш Европада анъанага айланиб кетди. Бу анъанани менинг тарихчи дўстим Керэн ҳам алоҳида таъкидлаган эди. Бироқ бу оммавий қизиқиш тез орада бошқа мавзуларга ўтиб кетди. XIX аср охирида Ўрта Осиёга Россия тараққиётининг кириб келиши бу мавзунинг қайта оммалашувиغا сабаб бўлди.

Афсуски, бугунги Францияда Темур бизни қизиқтирмай қўйгандек туюла-япти. Гуё янги дунёнинг очилиши ўтмишимизга нисбатан — ҳозирги кунимизни аҳамиятлироқ қилиб қўйгандек, Темурдан қолган хотиралар замонлар пардалари ортида кўринмай қолаётгандек туюлаяпти. Эҳтимол XX асрнинг улкан фожиалари ўтмишимизни хотирлашга халал бераётгандир? Нега биз Гитлер, Сталин томонидан амалга оширилган даҳшатлардан сўнг, Вьетнам фожиасидан сўнг, атом ва напалм бомбаларидан кейин содир бўлган оммавий қирғинлардан сўнг Темур фаолиятини эшитсак, даҳшатга тушишимиз керак? Аввал таъкидлаб ўтганимдек рисоламнинг асосий мақсади — бу қирғинбаротларни таърифлаб китобхонлар фикри-ёдини шунга жалб қилиш эмас, балки муайян бир давр ва бу даврда яшаган буюк бир шахс фаолиятини ўрганишдир. Чунки ана шундай буюк шахсларнинг фаолияти бутун Фарбий Европа, Ҳиндистон ва Ўрта Осиё тарихида муҳим ўзгаришларга сабаб бўлди. Қолаверса, Темур ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш мусулмон дунёсини чуқурроқ англашимизга ёрдам беради. Шу сабабли бу тарих бизни аввалгидан кўпроқ ўзига жалб қилса, бу ажабланиarli ҳол эмас. Маълумки, Франция тарихини билиш — бугунги Францияни яхшироқ билишимизни енгиллаштиради. Мусулмон дунёси тарихини чуқурроқ билиш эса, бугунги мусулмон дунёсини яхшироқ англашимизга ёрдам беради. Биз французлар учун ҳам бу нарсани англаш жуда муҳимдир.

Темур номи қалбларда қандай ҳиссиёт уйғотишидан, унинг номига қандай маломатлар ёғилишидан қатъи назар унинг ғайритабиий ва маҳлиё этгувчи инсон бўлганлигини, унинг саркардалик маҳоратини ва давлат арбоби сифатидаги ажойиб фаолиятини тан олмаслик мумкин эмас. У яшаган дунёда унинг салоҳиятига тенг келадиган, ёки ортиқроқ салоҳиятга эга бўлган кишилар йўқ эди. Уни буюк саркардалар Александр Македонский, Юлий Цезар, Чингизхон ва Напалеон Бонапарт қаторига қўйиб ўрганиш мумкин. Чунки у ўз асрининг энг буюк кишиларидан бири эди.

Бу асар маълум бир даврни, шу давр фарзанди бўлган Буюк Темур ҳаёти ва фаолиятини ва шу орқали Ўрта Осиё ва мусулмон дунёси тафаккурини яхшироқ англашга ёрдам беради, дея умид қиламан.

ТЕМУРНИНГ МУСАВВИРЛАР ИЖОДИДАГИ ҚИЁФАСИ

Амир Темур мусаввирлар ижодига қизиқиш билан қарар ва уларни турли воситалар билан рағбатлантириб турарди. Кунлардан бир кун у мусаввирларга янги қурилган сарой деворларига салтанатда ва ундан ташқарида бўлган воқеа ва ҳодисаларни, ўзини ҳаётда ва ҳақиқатда қандай бўлган бўлса, худди шундай қилиб тасвирлашни буюрди. Афсуски сарой деворларига туширилган бу тасвирлар бизгача етиб келмади ва биз унинг ўлимидан кейин ишланган расмлар орқалигина соҳибқирон қиёфасини тасаввур қила оламиз, холос.

Бизгача етиб келган энг қадимий Темур сиймосини XV аср форс мусаввирлари томонидан ишланган миниатюраларда кўришимиз мумкин. Бу миниатюралар унинг меросхўрлари истаги билан чизилган бўлиб, мусаввирлар бу ишларни бажаришда шубҳасиз уни кўрган, билган кишилар билан маслаҳатлашган, шунингдек унинг буйруғи билан сарой деворларига чизилган расмлардан фойдаланган бўлишлари мумкин. Шу сабабли бу миниатюралардаги Темур қиёфаси унинг аслига ўхшаш бўлишлиги ҳам мумкин. Лекин яна шу нарсани ҳисобга олиш лозимки, ислом ақидаларига кўра нарсалар табиатда қандай бўлса расмда айнан ана шундай акс эттирилиши ман этилади. Шунингдек, бу ақидага кўра тирик жонзотларни, одамларни расмда акс эттиришда уларнинг сохталаштирилган қиёфаларини тасвирлаш анъанаси ҳам мавжуд бўлса керак. Бу ақидага риоя қилинганлигига кўп ҳолларда ишониш мумкин, лекин унга амал

қилинилмаган ҳолларни ҳам кўраимиз. Жумладан, XV асрда турк ва италян мусаввирлари Синан бей ва Белли Константинополни фатҳ этган Султон Меҳмед II портретини худди ўзидек қилиб ишлаганлар. Ёки яна бир бошқа далил: Темур саройида кумушдан ясалиб, олтин суви югуртирилиб ясалган бургут ва қирғий шакллари кўрган Клавиho “бу ёввойи қушлар аслида қандай бўлса айнан ўзларидек ясалганликларини” таъкидлайди. Хўш, Темурийлар даврида ишланган бу санъат асарларида ислом динининг муқаддас ақидалари бузилмаган деб айта оламизми?

Темур авлодлари ҳукмронлиги йилларида ишланган кўплаб миниатюраларда, айниқса бобурийлар даврида Ҳиндистонда ишланган миниатюраларда биз соҳибқироннинг асл қиёфасига мутлақо ўхшамайдиган қиёфаси акс эттирилганлигини кўраимиз. Германияда, Англияда, Италияда ёки Францияда чизилган Темур суратлари эса, янада ишончсизроқ. Уларда Темур юз йиллик уруш даврида шарқона кийинган инглиз лорди қиёфасида, флоренциялик жентельмен, ёки тевтон рицари қиёфасида тасвирланган. Шундай бўлсада бундай кулгили кийим-кечакларда тасвирланган Темур қиёфасида унинг меросхўрлари даврида яратилган миниатюралардаги айрим чизгиларни топа оламиз.

Кўпгина ҳолларда у Ислом анъаналарига мос келувчи саллада эмас, балки кенг соябонли учбурчак кигиз ёки мўйна қалпоқда тасвирланган. Расмларда унинг юзлари чўзинчоқ, яноқлари бир оз туртиб чиққан, қошлари қалин, узун мўйловлари оғзининг икки чеккасида осилиб тушган, иягида кичик чўққи соқоли бор ҳолда тасвирланган. Яна бир расмда эса унинг қиёфаси оддий маржон шодалари орасига олиниб тасвирланган. Кўпгина расмларда унинг қиёфаси жуда қахрли ва газабнок, баъзан эса ғамгин, серажин ёки юзлари силлиқ қилиб тасвирланган. Париж миллий кутубхонасининг гравюралар сақланадиган хонасида асралаётган суратда эса унинг бюст шаклида ишланган қиёфаси қуёш ва ой шуъласи остида тасвирланган. Бу белгилар салжуқийлар давридан бери туркларнинг анъанавий самовий тимсоллари эканлигини эсласак, бу расм муаллифи Темур ҳаёти ва фаолияти ҳақида, унинг қиёфаси ҳақида анчагина маълумотларга эга бўлганлигини сезиш мумкин. Демак Темур қиёфасини акс эттиришда анъанавий тимсолларни ҳисобга олиш ҳам ўрганилиши лозим бўлган муҳим масала. Жумладан, Темур авлодлари даврида яратилган миниатюраларда у ўзига хос улуғвор ва виқорли тарзда, ўтирган ҳолда тасвирланган. Унинг ўнг қўлида европалик ҳукмдорлар тутиб турадиган ҳеч қандай салтанат белгилари йўқ, балки чап қўлида ўша давр киборлари орасида урф бўлган, олижанобликни билдирувчи рўмолча ёки сочиқ тутиб тургани ҳолда тасвирланади. Тарихий манбалардан унинг қиёфасини чизиб берадиган бундан ортиқ ҳеч нарса топа олмайсиз. Фақат Ибн Арабшоҳгина бу борада бир оз мукамалроқ маълумотлар қолдирган: “Унинг гавдаси жуда катта ва забардаст эди. Калласи катта, пешонаси баланд, ранги оқиш, елкалари кенг, оёқлари узун, қўллари кучли эди. Унинг ўнг оёғи оқсоқ ва ўнг қўли майиб эди. Унинг соқоллари узун, ўткир нигоҳига бардош бериш ниҳоятда қийин бўлиб, овози жарангдор ва қудратли эди”. Шунга қарамасдан айрим манбаларда унинг “гавдаси кичик ва ўрта бўйли” дейилса, бошқа манбаларда у “Геракл қоматли” эканлиги, баъзиларида унинг “нигоҳи ўткир” эканлигини қайд қилинса, бошқа манбаларда эса унинг “кўзлари олазарак ва хира” эканлиги ҳақидаги маълумотларни ўқиш мумкин. Унинг саройида меҳмон бўлган Клавиho эса, “у шунчалик қариган эдики, унинг киприклари кўзлари устига тез-тез тушиб турарди” — дейиш билан кифояланади.

ТЕМУРНИНГ ГЕРАСИМОВ ИШЛАГАН ПОРТРЕТИ

Маълумки, 1941 йилнинг июн ойида бир гуруҳ совет олимлари Гўри-Мир мақбарасидаги Темур қабрини очиб кўрдилар. Улар қора дарахтдан ясалган тобутни очиб кўрганларида (у қабртош остидаги лахмда жойлашган экан) қабрдан шундай хушбўй ҳид таралдики, экспедиция аъзолари ҳаво олиш учун ташқарига чиқишга мажбур бўлдилар. Соҳибқироннинг жисми ҳали анча яхши

сақланган, танасининг бир неча жойида мўмиёланган эт парчалари суякларга ёпишиб турар, қисқа қўйилган оқ аралаш соқолидан бир неча мўйлар яхши сақланиб қолган эди. Тобутда сарикдан келган, майиб, бўйи бир метру етмиш сантиметрлар келадиган кишининг скелети ётарди. (Ўша давр ва сарҳадда бундай гавдали кишилар бундай бўйли ҳисобланарди). Унинг танасидан бир неча жароҳат излари ва суяк ўзгаришлари кўзга ташланарди. Ўнг оёқ суяклари чап оёғига нисбатан анча ингичка ва калта бўлиб, тиззасининг кўзигача катта бир жароҳат излари кўриниб турарди. Афтидан бу жароҳат унинг оёғини бутунлай шол қилиб қўймаган ва оқсоқланиб, қийинчилик билан юришига сабаб бўлган. Яна бир жароҳат изи ўнг қўлининг тирсагида бўлиб, бу қўлни эркин равишда эгилиб-букилишига ҳалал берган бўлиши мумкин. Яна бир ярадорлик изи кўрсаткич бармоғида бўлиб, у бармоқни букилмайдиган қилиб қўйган.

Экспедиция аъзолари тана суякларидаги бундай паталогик ўзгаришлар сабабларини муҳокама қилдилар: булар яхши даволанмаган яра излари деган фикрлар билдирилди, айримлари эса, сил касаллиги асоратлари бўлиши мумкин деган фикрни билдирдилар ва ниҳоят бу ярадорлик белгилари бақувват тананинг турли касалликларга қаршилиқ қилиши оқибатида қолган асоратлар деган тўхтамга келдилар.

Шубҳасиз, бу суяк ўзгаришлари 1363 йилда Сеистон жангида оёғига ўқ ёй санчилиб олган жароҳат изи эди. Соҳибқирон ўша пайтларда 27 ёшида бўлиб, навқиронлигида олган бу жароҳати уни бир умрга оқсоқланиб қолишига сабаб бўлди. Шундан ўттиз йил ўткачгина, у биринчи бор жиддий касалликка чалиниб қирқ кун давомида тўшақда ётиб қолишга мажбур бўлди. 64 ёшида Ҳиндистонга юриш пайтида ўнг қўлида пайдо бўлган шиш унга анча азоб берди. Шундан бошлаб уни махсус тахтиравонда олиб юришадиган бўлдилар, лекин у моҳир суворийлигича қолаверди.

Экспедиция аъзоларидан бири марҳумнинг бош чаноғини чуқур ўрганиш асосида унинг ҳақиқий қиёфасини аниқлаш мумкин деб чиранган антрополог ва ҳайкалтарош Михаил Герасимов Темурнинг бош чаноғини ўзи билан олиб кетиб (Дарвоқе, ҳалигача бош чаноқ ўрнига қўйилдими-йўқми, аниқ эмас. Таъкид бизники) икки йилдан сўнг СССР Фанлар Академиясига Темурнинг “ҳақиқий портрети”ни тақдим этди. Бу ҳақиқий талант даҳосининг маҳсулими ёки уйдирма аралаш ҳақиқатми? Ёки ғаразлик билан қилинган қалбакиликми? Бу ҳақда аниқ хулосаларга келишга журъат қилмаганимиз ҳолда, Герасимов бу ишни бажаришда виждонан иш қилганлигига, соҳибқиронга нисбатан муносабати беғараз эканлигига, унинг аввал чизилган расмлардан фойдаланганлигига гумон қиламиз, холос. Шундайми, ё йўқми, ҳарҳолда тан олишимиз лозимки, у яратган скульптура аввал чизилган расмларда ва тарихий асарларда тасвирланган Темур қиёфасидан унчалик фарқ қилмайди ва инсон қиёфаси ҳақидаги тасаввур қилиш мумкин бўлган ҳамма талабларга жавоб бера олади.

Скульптурада унинг юз ифодаси қаҳрли ва ёвуз, инсонийлик белгиларидан мутлақо асар ҳам йўқ; қисик ва кичик кўзлари жудаям таъсирчан, лекин итоат эттирувчи эмас, киприклари қалин, кўзлари остида қавоқ халтачалари осилиб тушган, қошлари қалин ва ёй шаклида. Яноқлари бўртиб турибди, юзида қалин ажинлар. Калта бурни тўғри ва бироз япалоқ, лаблари қалин ва нафратона қисилган. Мўйловлари оғзининг икки томонидан анча пастга осилиб тушган, ўткир учбурчак шаклидаги соқоли чорпахил ияқларини қоплаб олган. Бошига ўткир учли, долагул тасвири бўрттирилиб ишланган дубулга кийдирилганлиги сабаб, унинг пешонаси ҳақида ҳеч нарса дейиш мумкин эмас.

ТЕМИР ОДАМ

Агар унга туғилганиданоқ Темур исми қўйилганлигини билмаганимизда, бу исмни уни лақаби деб ўйлаш мумкин эди. Темур — биз французлар учун ҳам темир, маҳкам, бақувват, букилмас маъносидаги металл маъносини анг-

латади. “Темурбек” — дейишганда эса, мустаҳкам иродали ҳокимият эгасини ҳам тушуниш мумкин. “Темур” сифати бирон инсонга нисбатан ишлатилганида унинг кучини, мустаҳкам иродасини ҳам ифодалайди. Исми жисмига мос келган бу инсоннинг бақувват танаси беҳисоб жароҳатларга, оқсоқликка мардонавор қаршилиқ қила олганди. У ғайритабиий бир ирода ва шуур соҳиби эдики, совуқлар, жазирама иссиқлар, чарчоқ, очлик ва чанқоқлик, уйқусизлик бу саботли одамнинг темир иродасини бука олмаганди. У камдан-кам ҳолларда бетоб бўлар, кексайиб, оғир касал ҳолда тўшакка ётиб қолиб, ўлими яқинлигини сезганида ҳам, саросимага тушиб ақлу ҳушини йўқотиб қўймаганди. Ҳатто бетоблик ва қарилиқ туфайли отда юра олмай қолганида ҳам, тахтиравонга ўтириб олиб ўзининг мардонавор юришларини давом эттираверди. Ҳиндистон юришида Бхатнар деган жойда у душманларининг илгарилаб кетган жангчиларини кузатаётганида, душман томонидан отилган ўқ ёй уни ярадор қилди, лекин у ҳеч нарса бўлмагандек совуққонлик билан жангни кузатишни давом эттирди. Жанглардан бирида у беморлиги туфайли жуда ҳолдан тойган ҳолда икки мулозимига уни қўлтиқлаб, ўтовдан ташқарига олиб чиқишни буюрди, улар орқали ўз қўшинларига зарур кўрсатмалар бериб турди. Тез орада унинг ёнида ёлғиз бир мулозим ва қўлидан йиғидан бошқа ҳеч нарса келмайдиган бир уламо қолди. У жанг тактикасини ўзгартириш лозимлигини сезиб, охириги мулозимига “бор, кўрсатмамни қўшинларга етказ, мени эса ерга ўтқазиб қўй” — деди. У қаригани сари жисмидаги турли ожизликларга нисбатан қаршилиги тобора ортаберди: умр бўйи тобланган иродаси унинг ҳамма нарсага куч-қудрати етишлигига ишонтирарди ва эҳтимол шунинг учундир анча ёшга бориб қолган бу қариянинг пўлат иродаси, матонатли ҳаммани ҳайратга соларди. 1404 йилда бир неча ҳафталик, ҳатто бир неча кунлик умри қолганида ҳам, худди мангу яшашга аҳд қилгандек Хитой юришига тайёргарликни бошлаб юбориб, ҳаммани лол қолдирди.

У мисли кўрилмаган даражада довиорак эди. Унинг бу довиораклигини ўз тақдирига ишониши билан, ёки боқийликка ишончи билан боғлаш соддалик бўларди. У табиатан шундай яратилган эди ва шу туфайли ўз хислатлари билан бошқаларга намуна бўла оладиган, ўз мақсади учун, уни амалга ошириш учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган ва айни пайтда ўзининг қўлидан келмайдиган ишни бошқалардан талаб қилмайдиган моҳир саркарда эди. У ҳеч қачон бекорга, ёки арзимас манманлик учун таваккал қилишни ёқтирмас, саркарданинг ўзини тутиши жангнинг тақдирига қанчалик таъсир қилишлигини, ўзининг ўлими, ёки асир тушиб қолишлиги лашкарларининг оммавий равишда пораканда бўлишига сабаб бўлишини жуда яхши тушунарди. У мажбур бўлиб қолгандагина ва шу нарсани лозим деб топгандагина қиличини қиндан чиқарар эди. 1375 ёки 1376 йилдаги ўз юришларидан бирида Тянь-Шан тоғида у душманлари пистирмасига тушиб қолиб “найзаси билан, кейин гурзиси билан, қиличи билан ва ниҳоят охирида сиртмоқли арқони билаг шижоат кўрсатиб, танг вазиятдан қутулиб қолганди. 1393 йил Шерозда Шоҳ Мансур билан бўлган яккама-якка жангда унинг рақиби унга икки марта зарб беришга муваффақ бўлди ва бахтига ҳар иккала зарба ҳам унинг дубулғасига текканди. 1395 йилда Тўхтамишга қарши олиб борилган Терек бўйидаги жангда у оддий сарбоз сифатида жангга киришиб кетганди. Шунинг учун “ўқ ёйлари тугаган, найзаси синиб кетган ва фақат қилич билан жанг қиларди.” Шунда у 60 ёшда эди! Ёшлигида олган жароҳати туфайли қўли букилмаётган қолган одамнинг шу қўл билан жангга кириб, қилич чопишини бир тасаввур қилиб кўринг! Ҳа, унинг тенги йўқ жангчи эканлигини ҳамма тан оларди. Матонатли бу одам ҳеч қачон иродасизлик ва ожизлик қилмас ва бошқаларга ҳам бунга рухсат бермасди. Унинг бу талабини кўпчилик ғайриинсоний талаблар деб қоралашса-да, у кимдан нимани талаб қилишлигини, ким нимага қодир эканлигини билиб талаб қилар ва бунда одамларнинг ички дунёсини тенги йўқ билағони эканлигини намоён қила оларди. У ўзига нисбатан ҳам, бошқаларга нисбатан ҳам жуда талабчан эди, билардики, бажарилиши қийин ишни бажаришга ундаган, бунинг учун тўғри йўл кўрсатган йўлбошчигина севимли йўлбошчи бўла олади. Ҳамма нарсанда бошқалардан устун бўлиш, ўз-ўзидан устун бўлиш — унинг ўзига ва ўз яқинларига қўйган энг биринчи талаби шу эди. Шу билан бирга унинг саф-

дошлари ва ҳатто душманларининг таъкидлашича, у ниҳоятда ақлу заковатли инсон эди ва ҳеч қачон фуқароларидан, сарбозларидан амалга ошириш мумкин бўлмаган ишларни бажаришни талаб қилмасди. Ҳамма хавф-хатар ва имкониятларни олдиндан кўра биладиган ва улардан совуққонлик билан зарур хулосалар чиқара оладиган бу одам ўз режаларини амалга оширишда тасодифларга мутлақо ўрин қолдирмасди. Қачонки унинг олдида иложи йўқ муаммо пайдо бўлса, у бу муаммони ечишга бел боғлар ва унинг ечимини топишга имони комил эди. Шубҳасиз, у бу ўйинда айрим хатоликларга ҳам йўл қўяр, лекин худди моҳир шахмат ўйинчисидек бу хатоликдан ғалаба учун фойдалана оларди. У Боязид билан куч синашишни хоҳлар ва айни пайтда ўз истагининг ўта журъатлилигидан ва рақибининг салоҳиятидан бироз иккиланарди. Агар у ўзидаги бу журъатнинг қутилган натижаларга олиб келишига имони комил бўлса, бу журъат ҳеч нарсадан тап тортмайдиган довюракликка айланиб кетарди. Тўхтамишнинг ортидан узоқ ва давомли қувишлар, Хитойни мавҳ этиш режалари, ёки ёшлик пайтида кўп сонли лашкар тасаввурини туғдириб Самарқанд ва Кешни қўлга киритишлари ана шундай довюраклик сабабли содир бўлганди. Тан олиш керакки, унга ҳамма сўзсиз қулоқ солишар, итоат этишар ва ҳатто энг беъмани туюладиган юришларга давъат этилганларида ҳам унга сўзсиз эргашишар эдилар. Унга жуда камдан-кам ҳоллардагина эътироз билдириш мумкин эди. Тасодифан кимдир унинг истагига қарши чиқса ёки бирон ҳаракати билан буни сездириб қўйса, у ниҳоятда ғазабланиб кетарди, лекин бундай ҳоллар жуда камдан-кам содир бўларди. Чунки ҳақиқий қудратли шахс сифатида у ўзини босишни ҳам билар ва ўз ҳиссиётларини ажойиб тарзда жиловлай оларди. У Ҳиндистон юришини режалаштирганида унинг амирлари бу режага эътироз билдиришганида, у бир лаҳза ўзини йўқотиб қўйган ва аччиқ устида қиличини яланғочлаган эди. Шундай ҳолат Кофиристонда ҳам содир бўлганди: нимадандир норозилик билдирган яқинларидан бирини у ўз лутфидан бутунлай маҳрум қилиб, бир умрга ошхонада ишлашга мажбур қилганди. Ва бундай ҳукмлар ҳеч қачон бекор қилинмас эди. Чунки Темур наздида бирсўзлилик ҳукмдорга керакли энг зарур фазилат бўлиб, субутсизликни энг ёмон фазилат ҳисобларди. Агар у бирон ноҳўя ишни, ёки ҳаракатни сезиб, ёлғондан қовоғини солса ҳам, саройдаги осойишталик бир зумда барҳам топар ва ҳамма учун “сичқоннинг ини минг танга” бўлиб қоларди. Корнель ўз пьесасида Август тилидан “Агар инсон ўзига-ўзи ҳоким бўла олмаса, у оламга ҳоким бўла олмайди” — деганида Темур ҳақида ўйлаган бўлса ажаб эмас. У мунтазам ичкилик ичишни хуш кўрмас ва уни истеъмол қилишни мен қилиб қўйганди. Шундай бўлсада, анъана тусига кириб қолган тўй ва тантаналарда ичимлик ичишга рухсат берарди. У ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини тутишни, нафсини тийишни жуда яхши биларди. Унинг совуққонлиги ва вазминлиги шунчалик беқиёс эдики, ҳеч қандай фавқулодда ҳодиса унинг бундай мувозанатини буза олмас эди. Бир кун Суриядаги жанглардан бирида унинг ўтови қўли баланд келаётган душман лашкарлари рўпарасига ўрнатилган эди. Қандайдир бир ички туртки уни ўтовдан ташқари чиқишга ундади. У ташқарига чиқиши биланоқ душман палахмонидан отилган катта тош тўппа-тўғри унинг ўтови устига келиб тушиб, уни мажақлаб ташлади. У саросимага тушмай ва гўё ҳеч нарса бўлмагандек худонинг ўзи уни асрашлигига астойдил ишонгани ҳолда вазминлик билан жангни кузатишни давом эттирди.

У асаблари толиққанда, чарчаганида, кайфияти ёмон пайтларда шахмат ўйнашга тутинарди. Ёшлигидан бери шуғулланиб келаётган ва ўзига муносиб рақиб камдан-кам топиладиган бу ўйинга у жудаям боғланиб қолган эди. Шахмат унинг ҳордигини чиқарар, ғам-ташвишларини унутишга ёрдам берар, кайфиятини жойига келтирарди. У Ҳиндистонда қаттиқ асабийлашганида ва яна ўша асрнинг энг катта жангларидан бирида Боязидни асир қилиб келтиришганида ҳам шахмат ўйнаб, ўз руҳий ҳолатини ўнглаб олган эди.

Ўз-ўзидан равшанки, бундай одам ўзига эътироз билдирганларни ва қаршилик кўрсатган одамларни жини суймайди. У нафақат ўз салтанатида ва балки ундан ташқарида ҳам ягона ҳокиму-мутлоқ бўлишни хоҳлар ва бунга астойдил бел боғлаган эди. Ва шундай бўлишлугига у батамом ишонар, бошқаларни ҳам бу йўлда сўзсиз итоат эттира олганди. Унинг қўл остидаги юқори

мартабали амалдорлар, турли мулозимлар, лашкарбошилар унинг ҳар бир ҳукмини сўзсиз бажаришга маҳқум эдилар. Буюк амир уларда ўз салтанатининг гилдираklarини кўрарди, халос. Уларнинг энг ботирларини, садоқатлиларини юқори мартабаларга кўтариб сийлар эди. У уларнинг жиловини ўз қўллариди маҳкам ушлаб турса-да, улардан фикр сўраш, маслаҳатлашиш одатини тарк қилмасди. У ўзига келтирилган ахборотларни диққат билан тинглар, иложи борича аниқ маълумотлар топиш йўлларини қидирарди. У салтанат юкини хотиржам кўтариб юриш мақсадида ўзини амир лавозимига сайлаш маросимини уюштирганди. У зарур пайтларда юқори мартабали аёнлар иштирокида қурултойлар ўтказиб турарди. Расман олганда эса бу қурултойлар ҳоқими мутлоқнинг маслаҳат кенгаши сифатида чақирилар эди. Хўш, Буюк амир улардан яна қандай мақсадларни кўзлаган бўлиши мумкин? Қурултойлар орқали у ўз қўл остидаги вилоятлар ҳоқимларининг ниятларини пайқаб олишни ёки вассаллик муносабатларини мустаҳкамлаб олишни кўзда тутдикикин? Ёки бу ўз халқини ўзининг хоши-иродаси, манфаатлари йўлида жипслаштиришнинг бир йўлимикин?

Фикримча, Тему қурултойларда билдирилган фикрларга ҳеч қачон бепи-санд қарамаган. Бу фикрлар унинг ҳаммавақт тўғри чиқадиган ички бир сезгисига мос келса, уларни бажонидил қўллаб-қувватлаган. Бир куни у Байлаконда уломо ва шайхлар керакли маслаҳатлар бериш ўрнига, фақат уни мақташ билан овора эканлигидан ҳасрат қилиб қолганди. Уша давр одатларига кўра, унинг саройида ҳам юлдузлар ҳолатига қараб, бўлажак воқеа ва ҳодисаларни олдиндан башорат қилувчи мунажжимлар бор эди. Қадимги турк ва мўғулларда астрологиядан мутлоқо беҳабар бўлган шаманлар ва фолбинлар ўрнини энди мунажжимлар эгаллагандилар. Тему ҳар бир режасини амалга оширишдан олдин мунажжимлар башоратини бажонидил тинглар, уларнинг башоратлари ўз қўнглидаги фикрларга баъзан мос келсада, уларга батамом ишонмасди. Деҳли жангидан олдин у одатдагидек мунажжимларни чорлаб, жанг олдидаги юлдузлар ҳолати режалаштирилаётган жанг тадбирига мос келиш-келмаслигини аниқлашни буюрди. Мунажжимлар юлдузлар ҳолати жанг бошлашга муофиқ келмаслигини айтишди. У елкасини қисиб, мийиғида кулиб деди: — “Юлдузлар ҳолати мос келмаса-келмас. Қувонч ва қайғу, ғалаба ёки мағлубият, бахт ва бахтсизлик, уларнинг биронтаси юлдузларга боғлиқ эмас. Мен ўз мақсадларимни амалга ошириш учун ҳамма керакли чора-тадбирларимни кўрганимда уларни бажаришни ҳеч вақт пайсалга солмайман.”

НОЁБ ИҚТИДОР СОҲИБИ

Тему ўз хоши иродасининг ҳар доим адолатли ва тўғри эканлигига бутунлай ишончи комил инсон эди. Тарихчиларнинг фикрича, у кўрган ҳар қандай чора-тадбир, албатта, у хоҳлагандай ижобий натижа берарди. У худо томонидан ўзига мана шундай ноёб иқтидор берилганига қаттиқ ишонар, ўзини худо томонидан курраи-заминда тегишли тартиб-интизом ўрнатишга даъват этилган қудратли ҳукмдор ҳисобларди. У эришган ғалабалар, хавф-хатарларга усталик билан чап бера олишлиги, ўз салобати, ёки ягона нигоҳи билан ўзгаларга таъсир қила олиш қобилияти, ўзига бошқаларни эргаштира олиш қудрати унинг бу ишончини тобора мустаҳкамлар эди. Унда бундай ишонч туғилишига қадимги турк-мўғул аъналарининг таъсири сабаб бўлган дейиш ҳам мумкин. Чунки туркларнинг эътиқодига кўра, подшоҳлар Тангри фарзандлари ҳисобланарди. Қадимги турклар “подшоҳлар Тангри томонидан ерга юборилган, унинг хоши иродасини бажарадиган, у билан бевосита мулоқот қила оладиган инсон” — деб ишонганлар. Уларнинг тасаввурларича зардўштийлар, ёки шомонлар ҳам Тангрига бунчалик даражада яқин бўла олмаганлар. Ҳали зардўштийлик аъналарининг таъсири унчалик йўқолмаган бир шароитда Тему ўзининг ростдан ҳам Тангри билан яқинлигини кўрсата олиши, исботлай олиши шарт эди. Чунки шундай қила олмаса, эндиликда “подшоҳ худонинг ердаги соясидир” — деб ишонувчи мусулмонларга ҳам унчалик ёқмаган ва ўз ҳукмини ўтказа олмаган бўларди. Темурнинг бу ишончи ҳақиқатдан йироқ бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас, чунки унинг бундай илоҳий солиҳияти ўзи-

нинг, чексиз ва ноёб иқтидори, ақл-заковати, тадбиркорлиги туфайли шакланганлиги шубҳасиздир. Агар Ибн Арабшоҳ гапларига ишонсак, у ўзи забт этишга қарор қилган шаҳар харитасини олдиндан шунчалик даражада яхши ўрганиб оларкан-ки, у бу шаҳарга кирган пайтида худди таниш шаҳарда сайр қилаётгандек ҳар бир кўчани аниқ биларкан. У худди шу йўсинда учрашуви мумкин ёки лозим деб топган кишилар ҳақида ҳам аниқ маълумотлар тўплар ва улар билан учрашганида, уларнинг ҳаётидаги ҳамма воқеа-ҳодисаларни билишлиги билан суҳбатдошини лол қолдираркан. Уни билган ва кўрган кишиларнинг гувоҳлик беришларича, у бир марта кўрган кишисини бир неча йиллардан кейин ҳам бемалол таний оладиган, энг катта, ёки энг арзимас воқеаларни ҳам ёдида узоқ сақлай оладиган ажойиб хотира соҳиби бўлган. Унда шундай бир туғма сезги ҳиссиёти бор эди-ки, уни рухшунослар атамаси “парапсихик қобилият” — деб таърифламасликнинг иложи йўқ. Унинг чидаб бўлмайдиган даражадаги ўтқир нигоҳи суҳбатдоши вужудини илма-тешиқ қилиб юборар, унга рўбарў бўлган кишининг ҳар бир хатти-ҳаракатини, саволларига жавобларини олдиндан пайқаб оларкан. У худди шу тарзда ўз рақибларининг ўй-режаларини, яширин ниятларини пайқаб олар ва ҳайратга солар даражадаги аниқлик билан содир бўлиши мумкин бўлган воқеа-ҳодисаларни олдиндан кўра биларди. Бундай ноёб иқтидор ростдан ҳам унда илоҳий бир қудрат борлигиданми ёки булар унинг мислсиз ақлу заковати ва идроки маҳсулими? Албатта, кейинги фикрга кўпроқ ишонса бўлади. У бундай иқтидорга воқеа-ҳодисаларни ўрганишдаги мутлоқ аниқликка эришганлиги туфайли эга бўла олганди. Шу туфайли унинг бирон хулосага келиши яшин тезлигида содир бўлар, у оз, ёки тез ўйласа ҳам, узоқ мулоҳаза қилмаса ҳам, бирданига тўғри ва оқилона ечимни топа оларди. У фикру фаҳмига келган дастлабки даъватга ишонар ва бу фикрдан қайтмас ва аввал таъкидлаганимиздек, у субутсизликни мутлақо ёқтирмас эди. У ўз жисмидаги барча куч-қудратни, унинг азми билан содир бўладиган ҳамма воқеа-ҳодисаларни унга худо томонидан буюрилатганлигига қатий ишонар эди. Бундан ташқари Темурни қийнайдиган айрим воқеа-ҳодисаларнинг тўғри ечими унинг тушларида аён бўлар ва унга тўғри қарорлар қабул қилишига ёрдам берар ва бунга ўз аёнларини ҳам ишонттира оларди. Бундай ҳолларда унинг рақиблари “у шайтон билан ҳамкорлик қилади” — дейишса, дўстлари уни “фаришталар қўллаб-қувватлайди” — деб ишонардилар. Қолаверса, ўша пайтлар шундай замонлар эди-ки, мусулмонлар ҳам, насронийлар ҳам ҳукмдорларга фаришталар ҳомийлик қилишларига ишониб қолгандилар.

Тушида аён бўлиш ҳолати Темурда биринчи бор у 1363 йилда Илёсхўжага қарши ҳарбий ҳаракатлар бошлаганида содир бўлган эди. Тушида самодан келган қандайдир бир овоз унга: — агар тўсатдан ҳужум қилишса, яхши тайёргарлик кўрмаса ҳам, кўшинлари кам сонли бўлса ҳам, ғалаба унга ёр бўлишлигини етказди. Ва у шундай қилди, туши ўнгидан келиб душмани устидан ғалаба қозонди. Шундан бери воқеа-ҳодисаларнинг тўғри ечими тушда аён бўлишлиги уни тарк этмас ва ҳар сафарги тушлари унга катта-ғам ташвишлар олиб келарди.

ТЕМУРНИНГ МУСУЛМОНЧИЛИГИ

Темурнинг художўйлигини астойдил ва мустаҳкам эмасди — деган фикрлар бир неча жиҳатлари билан эътироз туғдиради. У ўзини худонинг имон-ихтиёри билан иш юритаётганлигига қатъий ишонарди. У баъзи мусулмон ҳукмдорларидек кичкина меҳроб эмас, балки ҳақиқий кўчма мачит ясатиб олган ва уни тинимсиз ҳарбий юришларида ўзи билан олиб юришга буюрар, у ерда доимий равишда мусулмончилик фарзларини адо этар эди. Бирон қувончи ёки ҳаяжонли воқеа рўй берса, у ўз масчитига кириб худога сидқидилдан шукроналар айтар, тоат-ибодатлар қиларди. Тўхтамиш устидан ғалаба қозонганида у худди ана шундай ҳолатга тушганди: у ерга тиз чўкиб, ўзига ғалабани раво кўрган Оллоҳга астойдил ҳамду санолар айтганди. Унинг бу сифинишлари шунчалик та-

бий ва астойдил эди-ки, бу художўйликни унинг оловпараст аждодларининг художўйлигидан минг бора ортиқ деб ўйлаш мумкин.

Темур шайхларни, уламоларни, пайгамбар авлодидан бўлган саййидларни астойдил ҳурмат қилганлигини, улар билан доимо ҳамсухбат бўлганлигини ҳамма тарихий манбалардан ўқиш мумкин. У ҳатто болалигиданоқ дарвишлар ҳузурда тиришқоқлик билан мусулмончилик қонун қоидаларини ўрганганди. Унинг доимо бирон пиру муршиди бўлар, уларнинг маслаҳатларига қулоқ солар, уларга астойдил эътиқод қилар ва эъзозлар эди. У Куръон сураларини яхши таҳлил қила олар, уларни ёддан айтиб бера олар ва айни пайтда шариятга кўра май ичиш тақиқланган бўлса ҳам, баъзан унга хилоф равишда оммавий майхўрликлар уюштириб, ўз аждодлари амал қилган зардўштийлик ақидаларидан ҳам анча илгарилаб кетган эди. XV аср тарихчиси Ҳофиз Абру ўз асарига Темур тилидан: “Тенги йўқ бойликлар эгаси бўлган Оллоҳ оламда ягонадир. У менинг қўлларимга бу олам подшоҳликларини бошқариб турадиган тизгинни тутқазиб қўйди” — деганида унинг эътиқодига тўғри баҳо берган эди. Темур фикрларини қоғозда ифодалаб ўтган бу солномачи яна бир жойда унинг қатъий эътиқодини эътироф этувчи мана бу сўзларни келтиради: — “Ўзимча мен — ҳеч кимман. Мени кичик амирдан дунёнинг энг қудратли ҳукмдорига айлан-тирган ўзингсан, э худойим!”. Бундай хитобларнинг самимий эмаслиги ҳақидаги фикрларни кўплаб тадқиқотларда ўқиш мумкин. Уларда таъкидланишича, художўй одамнинг феъл-аъвори Темур йўл қўйган жоҳилликларга асло мос келмас эмиш. Бу далил Темурнинг диний эътиқоди самимий эмаслигини мутлақо исбот қила олмайди.

Кўпгина тадқиқотларда Темур муқаддас жиҳод урушлари олиб боришни ўйлагани, бироқ уларни бошлашга журъати етмагани, айрим жангларни ҳисобга олмаганда, уларни доимо турли сохта баҳоналар билан орқага сурганлиги ҳақидаги фикрлар, албатта, кулгилidir. Бу ўринда ана шу тадқиқотчилар пашшадан фил ясашга уринганликларини ҳеч ким инкор қила олмаса керак.

АМИР ТЕМУРНИНГ ҲУКМДОРЛИК СИЁСАТИ

Ҳамма амру фармонларини дилига худо солаётганлигига чин дилдан ишонган Темур ҳаддан ортиқ мағрур одам бўлганлиги ҳақидаги фикрлар ҳақиқатдан йироқ туюлади ва шу сабаб унинг хислатлари ҳақида яна бир бор тўхталмоқчимиз. Аслида у айрим тарихчилар тасаввур қилганларидек, шунчалар мағрур одаммиди? Албатта, Ибн Арабшоҳ “у ўзига нисбатан бошини баландроқ тугган одамларни ёқтирмасди” — деганида мутлақо ҳақ эди. Лекин бу мағрурликмиди ёки ўз қадр-қимматини, обрў-эътиборини англашмиди? Давлат арбобининг ўзини бундай тутиши Осиё тарихини ўрганишда, уни чуқур англашда энг муҳим омиллардан бири эканлигини унутмаслигимиз керак. Чунки турклар асрлар жараёнида ҳокимият ягона бошлиқ, ягона ҳокими мутлоқ қўлида бўлиш-лигига, унга сўзсиз итоат этиш зарурлигига ишониб келганлар. Узоқ давом этган қабилалар аро тўқнашувларда, ҳокимият учун бўлган курашларда ҳукмдорлар бўлса ҳеч қачон тинчлик бўлмаслиги ҳақидаги тушунча уларнинг онгларига сингиб қолганди. Темур шахсидаги мағрурлик унинг иззат-нафси кун сайин топталиб турган бир шароитда шаклланди. Болалигида у ҳукмдорлар олдидан тиз чўкишга мажбур бўлиб, нафсониятига тегадиган ҳақоратларга кулиб жавоб бериб, ўзидан кучсиз одамларга ҳам бошқалар сўзсиз итоат этганларини кўриб улғайганди. У пайти келса кўринмай кетишга, чекинишга, бундай хислатлар унга ёт бўлса ҳам энг ярамас одамлар сингари алдашга, айёрлик қилишга, зарурат туфайли хайр-эҳсон сўрашга, ўзидан улугларнинг кўнглини овлашга мажбур бўлиб улғайганди.

Ҳеч ким уни биронта ғалаба туфайли, ёки бирон шаҳарнинг забт этилиши муносабати билан мақтанганини эшитмаган эди; у буларнинг ҳаммасини Худонинг унга кўрсатган марҳамати деб тушунар эди. Эҳтимол шундайдир, балки мақтанчоқликдан — камтарликни афзал билгандир. У камтарона Буюк Амир, соҳибқирон, султон каби унвонлар билан кифояланадиган даражада мағрур эди. У туғилганиданоқ амир бўлиб дунёга келганди ва умрининг охиригача

амирлигича қолди. Бироқ бу унвон олдиға қўшилган “Буюк” сифати унинг ўзи сингари амирлар ичидаги энг биринчиси эканлигини билдирарди. “Соҳибқирон” унвони эса унинг барча мунажжимлардан ҳам улуғроқ эканлигини таъкидларди. “Султон” сўзининг жаранги жудаям ваҳимали эшитилса-да, у — ҳоким, маҳаллий ҳукмдор маъносини англатиб, шу унвон соҳибининг аслзодалигини билдирар, улар хон томонидан вилоятларни бошқаришга тайинланар ва баъзан аёллар ҳам ўз эрларини ана шундай атардилар. Темур ўзига шоҳлик ёки подшоҳлик унвонларини ҳам олмади.

Уни камтарин ва мўмин инсон деб ҳам ҳисоблаш мумкин. Бироқ, бу камтаринлик ва мўминлик остида унинг “Мен ҳар қандай мансаблардан улуғроқман” — деган маънода айтилган, мақтов ва мадҳиялар жонига тегиб кетган пайтда айтган “Мен ҳар қандай мақтовлардан устунроқман” — деган гапларини ҳам эслаш керак. Ҳар қалай у ўлим ҳақ эканлигини тан олар ва ўзини ҳақиқий мусулмон эканлигини, ўлимдан қочиб қутулиш душвор эканлигини ўйлаб қоларди. У оламдан кетар чоғида ҳам калимаи шаҳодатни айтиб жони узилганди. У ўзига атаб махсус мақбара ҳам қурдирмаган ва унинг жасади қўйилган мақбара бутунлай бошқа мақсадда қурдирилган эди. Ниҳоят у ўзи авлиё инсон деб тан олган пиру муршидининг табаррук оёқ учларига кўмилишини васият қилганди.

У халойиқ ақлини лол қолдирадиган шоҳона томошалар уюштиришни севарди. Бу томошалардан мақсад ўз куч-қудратини, улуғворлигини намойиш қилиш орқали халқни итоатда сақлаш эди. Яхши қуролланган, бир хил кийинган, мустаҳкам интизомли лашкарларнинг шамолда ҳилпаирган байроқлар, туғлар остида мардонавро кўрикдан ўтиши одамлар қалбида ҳам қўрқув, ҳам ҳурмат уйғотиши лозим эди. Темурнинг куч-қудрати ва салоҳиятини томи бахмал ёки шоҳилар билан ёпилган, узунлиги 100, эни 20 метрлик, 36 та баланд устунлар билан кўтарилган, оқ ва олтин ранглардаги баҳайбат ўтовлар ҳам намойиш қилиши лозим эди. Тантанали қабул маросимлари егулик ва ичимликлар билан тўкин дастурхон атрофида ва энг уста мусиқачиларнинг куйлари остида ўтар, тунги байрамлар кўплаб рангдаги шиша чироқлар ичига ўрнатилаган маъшалалар ёруғида ташкил қилинар, аёнлар энг қимматбаҳо мўйна ва шоҳи кийимларда жавоҳирлар тақиб юришар, меҳмонларга олтин ва кумушдан ясалган идишларда егуликлар тортилар, меҳмонлар бошидан олтин тангалару қимматбаҳо тошлар ёмғирдек сочилар эди. Гўзаллик ва улуғворлик учун ҳеч нарса аялмас, гўё лиммо-лим тўлган хазина ҳам бундай улуғворликни кўз-кўз қилиш учун тўлдирилгандек эди. Шаҳар ва унинг атрофида яратилган — улкан боғлар шаҳар кўркига янада чирой кўшар, ариқларда сувлар жимирлаб оқар, яратилган гулзорларнинг охирини кўз илғамас эди. Темур бундай улуғворликка, бундай ободончиликка интилиши билан римлик ва византиялик ҳукмдорларни ҳам, ҳатто Боғдод халифларини ҳам ортда қолдириб кетганди. Айни пайтда унинг обрў-эътиборини, куч-қудратини намойиш қилувчи мухташам бинолар, жамоа қурилишлари кенг кўламда олиб бориларди. Буларнинг ҳаммаси ҳукмдорнинг беқиёс, бемеъёр куч-қудратини, салоҳиятини билдириши лозим эди.

Темур шоҳона тантаналарни қандай уюштиришни яхши биларди ва уларни уюштиришда биринчи навбатда сиёсий мақсадларни кўзда тутар эди. Ҳақиқий шарқлик бўлгани учун бойликни, ҳашаматни, тўкин-сочинликни ёқтирар ва бу борадаги сахийликлари унинг обрў-эътиборини янада кўтарар эди. Узлуксиз ғалабалар жараёнида қўлга киритилган ўлжалар уларни очиқ қўл ва сахийлик билан сарфлаш имконини берарди. Бундай сахийлик унга ёшлигиданоқ хос эди. Ҳатто Мовароуннаҳр ҳукмронлигини қўлга киритган дастлабки йиллардаёқ (1378) ўгли Жаҳонгир ва келини Хонзода Бегимнинг тўйлари муносабати билан кўз кўриб, қулоқ эшитмаган тантана уюштиргандики, бундай тўкин-сочинликни кўриб ҳамма ҳайратдан лол қолган эди. 1391 йилда у бепоён даштларнинг бирида ҳолдан тойган лашкарларини руҳини кўтариш учунми, ёки ўзини ўйлабми, қўшинларининг тантанали кўригини ўтказди. Бошига олтин суви югуртирилган ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган ялтироқ дубилғасини кийиб, қўлига буқа бошини эслатадиган гурзисини олиб от устида салобат билан қўшинларини кўздан кечирган Буюк Амир улар кўзига ростдан ҳам енгилмас куч-қудрат соҳиби бўлиб кўринган бўлса ажаб эмас.

У ҳатто жазолаш маросимларини ҳам ана шундай тантанали руҳда ўтказишни буюрар ва бу билан унинг халойиққа таъсирини юз чандон ошириб юборар эди. У давлат мулкини талон-торож қилган, мансабини суиистеъмол қилган, энг мартабали амалдорларини ҳам адолат юзасидан халойиқ кўз олдида ана шундай жазолаш маросимларини уюштирарди. Жумладан, Самарқандда ўтказилган байрамларнинг бирида у бегуноҳ одамларни азоблаб ўлдирган вазирлардан бирини халқ кўз олдида дорга осишни буюрганди.

Ҳа, Темурнинг бундай даҳшатларни уюштиришдаги фаолияти унинг душманларига ҳам, дўстларига ҳам унутилмас таассуротлар қолдирар ва унинг асосий мақсади ҳам худди ана шу, яъни куч-қудрати олдида қўрқув ва итоаткорликни шакллантириш эди.

АМИР ТЕМУРНИНГ ИНСОНИЙЛИК ХИСЛАТЛАРИ

Темур бўлажак урушнинг олдини олиш мақсадида мамлюклар ҳукмдорига “карвон йўлларидаги талон-торожликларни тўхтатишни, акс ҳолда худо уларга бўлган қалбидаги раҳм-шафқатни мосуво қилажагини” билдириб хат йўллаганди. Ростдан ҳам худо унинг қалбидаги раҳм-шафқатни мосуво қилмадими, ҳар қалай у Миср мусулмонларига қарши уруш очмади. Темурнинг инсонийлик хислатлари ҳақида гап кетганида унга нисбатан қалбларида китдайгина адоватлари бор бўлган тарихчиларнинг барчаси “у ўтакетган зolim, шафқатсиз, қонхўр одам эди” — дея айюҳаннос соладилар. У оламдан кўз юмганида мусулмон қавмидаги душманлари ҳам уни дўзахи бўлишлигини тилаб қўллари дуога кўтаргандилар. Аксинча, уни улуг инсон, адолатли ҳукмдор сифатида эъзозловчи одамлар ҳам кўп эди. У вафот этганида уни “жаннати” — деб дуо қилишган, самимий кўзёшлари тўкишган кишиларнинг сони душманлариникидан кўпроқ эди.

Ростдан ҳам Буюк Амир унинг душманлари таъкидлаганларидек, инсонийлик хислатларидан бутунлай маҳрум одамми? Шундай эмаслигини далиллар билан исботламоқчимиз. Бу ўринда унинг раҳм-шафқатини, афсус-надоматлар билан қилган тавбаларини, кечиримлигини исботловчи воқеа-ҳодисаларни бирма-бир эслаб ўтиш жоиздир. У минглаб одамларнинг ҳаётларига зомин бўлганлиги ҳақидаги айбловларни бироз очмай турайлик, чунки, ҳар қандай жоҳилликнинг ҳам ўз сабаблари бўлади-ки, биз бу ҳақда бошқа бобларда тўхталмоқчимиз. Ростини айтганда унинг буйруғи билан амалга оширилган, ўзи иштирок этган оммавий қиргинларни бир лаҳзагина эсласак, у дарҳақиқат, кўз олдимизга инсонийлик хислатларидан бутунлай маҳрум одамдек гавдаланади. Лекин у қандай замонда яшаганлигини ҳеч қачон унутмайлик. Темурнинг юраги ҳам тошдан эмасди, унинг ҳам ҳаяжонлана оладиган, ҳиссиётларни сезадиган, манманлик ва таҳқирлашларга чидай олмайдиган қалби, таранглашадиган, хотиржам тортадиган асаблари ҳам бор эди. Ҳамма тарихий манбаларда таъкидланишича, Темур ўз ҳузурида уруш даҳшатлари ва хунрезликлар ҳақида сўз очишларини ёқтирмас экан. У табиатан қон тўкилишини ёқтирмайдиган, бироқ давр тақозоси билан қонли ва фолибона жанглар уюштиришни яхши биладиган, айна пайтда беўрин жабр-зулми севмайдиган одамлар хилдан эди. У ўзи адолатли деб ишонган жанговор юришлардаги жанг шууридан воз кеча олмас, юзма-юз олишувларда довюраклик ва чапдастлик билан, одатланиб қолган совуққонлиги билан, маълум тизимга солинган жанг усули билан рақибларини йўқ қилар ва йўқ қилишга буюрар эди. Буларнинг ҳаммаси унинг номи билан боғлиқ бўлган даҳшатларни, айбловларни яна юз карра оширарди ва эндиликда у бизнинг тасаввуримизда шунчалик мураккаб шахс сифатида гавдаланадики, у ҳақда қандай тўғри хулосага келишни билмай қоласан киши. Ана шундай мураккаб шахснинг қалби меҳр-оқибат, садоқат, танглик, дўстлик туйғулари билан лиммо-лим эканлигини кўриб, яна ҳайратдан лол қоласан. Уни ўз яқинларига нисбатан меҳр-оқибати шунчалар самимий, сидқидилдан ва илиқ, чеки йўқ эди-ки, уларга бирон-бир мухтожликни раво кўрмасди. Ёшлик йилларидаги қийинчиликларига астойдил ёрдам берган опаси Туркон Оғадан у бир умрга миннатдор эди. Опаси дунёдан ўткач, укаси унинг қабри

устига энг гўзал, энг маҳобатли мақбара қурдирди. У отасига нисбатан фарзандлик бурчини сидқидилдан адо этар, минг хил ташвишлар билан овора бўлиб юрганида ҳам, ҳарбий юришлар жараёнида отаси қабрини бир бора зиёрат қилиб ўтишга вақт топа олар эди.

Мўғулистон юриши пайтида унга ўғли Жаҳонгир ўлим тўшагида ётганлиги тушида аён бўлди ва зудлик билан юришни тўхтатиб, Самарқандга қайтиб келди. У энг ардоқли қизи Эрка Беканинг вафотини эшитиб Исфариан юришидан ҳам қайтиб келганди. Набираси Улуғбекнинг туғилиши муносабати билан шодланган Темур бутун Мардин шаҳри аҳолисига омонлик ҳадя этганди. Ўз тахтининг вориси бўлади деб ният қилган набираси Муҳаммад Султоннинг 19 ёшида ҳаётдан кўз юмиши Буюк Амирни чексиз ғам-аламлар чекиб фарёд қилишига сабаб бўлганди. Солномачиларнинг гувоҳлик беришича, бу хабарни эшитган Темур ўзини ерга отиб, уст-бошларини пора-пора қилганича, аччиқ кўзёшларини тўккан. Ана шундай фарёд чекаётиб у ўзи ўлдиртирган минглаб фарзандлар оталарининг ғам-ғуссаларини ҳам ўйлаганмикин? Ниҳоят биз Темурни салтанатга нисбатан сотқинлик ва беписандлик қилган ўз жиянини кўнгилчанлик қилиб авф қилганини кўрамиз.

Буюк Амир дўстлик туйғусига бир умр содиқ инсон эди. Тўхтамиш бир неча бор кўрнамаклик қилиб салтанатга тажовузкорона ҳужумлар қилган бўлса ҳам, Темур уни ўзининг, салтанатнинг дўсти эканлигини инкор қилмас, уни бир неча бор кечирган ва ўз иноятларидан маҳрум қилмаган эди. Ким бўлишидан қатъий назар у ўзига содиқ кишилардан ҳеч қачон воз кечмас, аксинча, унинг дўстлигидан воз кечиб кетгувчилар топилар эди. У Боязидни ҳам ўз иттифоқчиларидан бири деб билар, лекин унга қарши юриш бошланишига Темур тасаруффида бўлган Эрзинжон ҳудудларига турк қўшинларининг тажовузкорона босқини сабаб бўлганди. Умрининг поёнида ўзи севган, қайси сабабдандир ҳурматини қозонган, ардоқлаган дўстларининг бирин-кетин ҳаётдан кўз юмишлари Буюк Амирни чексиз ғам-ғуссага соларди. Айниқса у ўзи хон қилиб тахтга чиқазиб қўйган Маҳмудхоннинг, кейинчалик Сайид Барақанинг вафотларига жуда афсусланиб кўлаб кўзёшлари тўкканди. Буюк Амир турк султони Боязидга унинг умрининг охиригача асир сифатида эмас, балки юксак мартабали ҳукмдор сифатида иззат-икром кўрсатганди. Бироқ, мағлублик аламига чидай олмаган мағрур Боязид тез орада оламдан ўтди. Шунда Темур қалбида инсонийлик туйғулари жўш уриб кетиб, унинг ўғли шаҳзода Мусога отаси жасадини Бурса шаҳригача иззат-икром билан кузатиб боришга рухсат берганди. Бундай олижаноблик намунасини кейинчалик афғон хони Шерхон фаолиятида ҳам кўрамиз. У ўз душмани Бобур жасадини Қобулгача тантана билан кузатиб борганди. Буюк Амир ҳақиқий олижаноб инсон сифатида ғайритабиий меҳрибончиликлар қилиб ҳам одамларни лол қолдирарди. Бир куни у ҳибсага олинган турк шаҳзодаларидан бирига ўзига келтирилган эртаги қовунлардан бирини бердириб юбориб, “Буни у билан баҳам кўрмаслик-одамгарчиликдан бўлмайди” — деганди. Бу ҳақиқий одамгарчилик, олижаноблик эмасми? Ҳа, унинг қалбида бундай ҳиссиётлар жуда бисёр эди. Бир куни саройдаги тантанали қабул маросимларидан бирида Буюк Амир Руи дон Гонсалиснинг ҳамроҳларидан бирига қадаҳ тўла май узатиб ичишга таклиф қилган, бироқ Кастилия элчиси май ичмаслигини олдиндан билгани учун унга май узатиб ҳижолатга қўйишни ўзига эп кўрмаганди. Ибн Холдун унга камтарона совғалар келтирганида у уларни худди қимматбаҳо нарсалар сингари қабул қилиб, буюк мусулмон тарихчисини иззат нафсига тегмаслик учун унинг хачирини қимматбаҳо от нархида сотиб олганди. Буюк Темурнинг инсонийлик хислатларига оид бу кичик воқеалар бизга энг катта далиллардек туюлади, зеро уларда на яширин на қабиҳ ниятлар мавжуд эмас.

Айрим тадқиқотчиларга Темурнинг меҳр-оқибатлилиги, сахийликлари, тантиликлари яширин ниятлар туфайли қилинган хатти-ҳаракатлардек туюлиши мумкин. Унинг душманлари бу яхшиликларни айнан ана шундай талқин қилганлар. Бу гаплар ростми, ёлғонми, ўз бойликларини сахийлик билан яхшиликка сарфлаган Темурни ва ўта хасислик билан бойлик тўплашга уринган унинг қайноғаси Хусайнни бир-бирига таққослаб кўрингчи!

У қаерга борса ҳам ўша ерда деҳқончиликни ривожлантиришга уринганини кўрамиз. У салтанатнинг барча ҳудудларида, ҳатто ўзи эгаллаб олган мамлакатларида ҳам ғалла эктиришга алоҳида аҳамият берар, у камбағалчиликни ёқтирмас ва ҳар бир ҳудудда энг қурса егулик нарсалар мўл-кўл бўлишлигини талаб қиларди. Айтишларича, бу уни рухлантирадиган, номига мадҳиялар ёғдиртирадиган ва узлуксиз амал қиладиган давлат сиёсати эди-ки, буни ажойиб сиёсат эканлигини тан олмасликнинг иложи йўқ. Айтиш пайтда бу — салтанатнинг гуллаб-яшнаши халқ фарвонлигини таъминлашда эканлигини англаб етган Буюк Темурнинг олижаноб сиёсати эди.

Бундай олижаноб қалб соҳибини чуқурроқ англашга уринсак арзийди, чунки сув ҳам чуқур жойда тиниқроқ кўринади.

ТЕМУРНИНГ ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ

Айрим тарихий асарларда Темур “саводсиз” бўлганлиги ҳақидаги фикрларни ўқиш мумкин. Бизнингча, бу сўз нимани ифодалаганлигини фаҳмлаш лозим. Агар у ёшлигида Кеш шаҳридаги диний мактабда таълим олганлиги ҳақидаги далилларни эътиборга оласак, унинг на ўқишни, на ёзишни билмаганлиги ҳақидаги фикрлар мутлақ асоссиздир. Эҳтимол, унинг тарихини ёзган тарихчилар бу сўз билан унинг фақат араб тилида гапира олмаслигини таъкидламоқчи бўлгандирлар. Темур фаолиятини душманона руҳда ёзиб қолдирган Ибн Арабшоҳнинг ёзишича “У арабчада на ўқишни, на ёзишни, на тушунишни билмайдиган ғирт саводсиз одам эди.” Яна бошқа бир жойда у “Темур бошқалардан кўра форсча, туркча ва мўғулчани яхши биларди дея таъкидлайди. Эҳтимол, у ўша пайтларда кенг оммалашган уйғур ёзувини билгандир. Унда шеъриятга ҳавас унчалик кучли бўлмаса-да, у шоирларнинг латиф мисраларидан парчалар ўқиб гапиришни севарди. Унинг Ҳофиз Шерозий билан суҳбати унинг нафис адабиёт намоёндаларига бефарқ қарамаганидан далолатдир. У айниқса тарихий воқеаларни чуқур билишлиги билан ҳаммани ҳайратга соларди. Тарих илмининг билағони, мағриблик тарихчи Ибн Холдун унинг бу борадаги билимларидан лол қолганди. У ҳақиқий тарихчилардек, қадимги тарих билан жуда қизиқарди. Айтишларича, у мусулмон ривоятларида таърифланган Сулаймон пайғамбарнинг ношарий муҳаббати содир бўлган Пергам ва Балбек шаҳарларини узоқ томоша қилган ва бу шаҳарлар тарихини муфассалроқ гапириб беришларини буюрган.

У мусиқани севар, айниқса сетор куйларини тинглашни ёқтирарди. Унинг ҳамма тантаналари мусиқа садолари остида ўтар, унда мусиқа тинглашда олий бир эҳтирос сезиларди. У араб, турк, мўғул, форс ёки хитой мусиқачиларининг куйларини, ашулаларини ҳам одатдан ташқари бир диққат ва эҳтирос билан тинларди. У ғалабалари натижасида қўлга киритилган тасвирий санъат асарларини ҳам берилиб томоша қилар, уларни ўз саройларига ёки сафар ўтовларига осиб қўйишни буюрар, улардаги тасвирларнинг турларига бефарқ ҳолда, фақат уларнинг гўзаллигидан завқланарди.

Тарим шаҳрида у ғайриддин мусаввирлар асарларининг катта тўпламини йиғишга муофиқ бўлганди. Унинг учун қимматбаҳо бойлик ҳисобланган бу расмларни йиғиб келишни буюрдимикин, ё сотиб олдимикин? Кастилия элчиси Клавихо унинг ўтовида эмаль югуртирилиб қимматбаҳо тошлар билан безатилган битта олтин жавонни кўрганди. Унда гавҳар доналари билан нақшланган 6 дона шиша идиш ва 6 та пиёла сақланарди. Соф олтиндан ишланган бир стол устида эса, каттакон зумрад тоши турарди. Боғдоддан келтирилган ва бутунлай олтиндан ишланган дарахт танасининг йўғонлиги одам сонидек келар, унда осилиб турган мевалар ҳам ёқут, зумрад, феруза, сапфир ва жавоҳирлардан ишланган бўлиб, унинг шохларига ҳам олтин суви югуртирилиб ясалган қушчалар кўндирилиб қўйилган эди. Бу ерда Византиядан келтирилган улкан санам ҳам турар, унда муқаддас авлиёлар Петр ва Павеллар тасвирланган бўлиб, улар ўз қўлларида муқаддас китобларини ушлаб турарди.

Темур ўз қиёфасини ҳам чизишни буюрган эди. Уларда у “баъзан жиддий, баъзан меҳрибон қиёфада” тасвирланган эди. У ўз оиласи аъзоларини, жанглари, қабул маросимларини, байрамларини ҳам ҳаққоний тасвирлашни буюрганди. У қурдирган кўплаб обидаларнинг қурилишида шахсан ўзи иштирок этар, кузатар ва камчиликларини тузатар эди.

Уни доимо вазмин, тиниб-тинчимас одам қиёфасида тасаввур қилиш мумкин. Завқланаётган, кулаётган Темур қиёфаси бизни ҳайрон қолдириши мумкин. Бироқ, ҳамма буюк одамлар, айниқса, буюк саркардалар ана шундай тасаввур қолдиришини унутмайлик ва табиийки унинг қиёфасини расмларда акс эттиришга уринган мусаввирлар ҳам уни кулаётган қиёфада тасвирлашни хаёлларига ҳам келтира олмаганлар. Шундай бўлса-да, унда ҳам ҳазил-мутойбага мойиллик, бошқаларнинг ақл-фаросатини тан олиш каби фазилатлар бўлмаслиги мумкин эмас. Бу борадаги ривоятлар эҳтимол ҳақиқатдан йироқдир, лекин улар ҳам оз бўлсада тарихий ҳақиқатни ўзларида акс эттирган деб ўйлаймиз. Айтишларича, у ўғли Мироншоҳни бузуқ йўлларга, жабру зулмга бошлагани учун сарой аъёнларидан бир нечасини ўлимга ҳукм қилганди. Шунда дор томон бораётган сарой аъёнлари сафидан бир киши чиқиб ўзидан олдинги амирлардан бирига ҳазил аралаш мулозимат қилади: “Сиздан кейин бораман ҳазратим, чунки ҳаётда сиз ҳар доим мenden олдинда юрардингиз”. Бундай ўткир ҳазил билан қилинган қочирикни эшитган Буюк Амир унга шафқат қилиб, ўлимдан қолдирганди. Ривоятларда қайд қилинган мана бу воқеа ҳам ҳақиқатга яқин бўлиши мумкин: Ўз шеърида Самарқанду-Бухорони бир гўзалнинг ҳинду холига баҳшида қилишни хоҳлаган шоир Ҳофиз Шерозийни Темурга рўпара қилибдилар “Хўш, бунга қандай журъат этдинг?” — дебди Темур қаҳр билан. “О, Ҳазратим, — дебти шоир, мен фақирнинг совға қилишга арзийдиган бошқа бирон тайинли нарсам бўлмаса, мен нима қилай?”

Темур унинг ҳозиржавоблик билан қилган бу ҳазил-мутойибасидан қойил қолиб, унга совға-салом берган экан.

АМИР ТЕМУРНИНГ ҲАРБИЙ САЛОҲИЯТИ

Мен ўз жангчиларини уддабуронлик билан жангга бошлаб бора олмайдиган саркарданинг ҳарбий салоҳияти ҳақидаги гапларга мутлақо ишонмайман. Бундай саркарда ўз қобилиятига эмас, фақатгина жангчиларининг жанговор кучига ишониб галаба ва мартабаларга эришиш мумкин.

Темур ҳақида гап кетганда эса, унинг ниҳоят даражада қобилиятли ҳарбий саркарда бўлганлигини таъкидламоқчиман. Унинг ғайриоддий ёшлик йилларидаги муваффақиятсизликларни ҳисобга олмаганда, биронта бир жангга мағлуб бўлмаганлиги унинг юксак ҳарбий салоҳиятга эга бўлганлигининг далилидир. У иккинчи даражали ҳарбий саркардалар устидан эмас, балки ундан кам бўлмаган ҳарбий салоҳиятга эга бўлган Тўхтамиш устидан, енгилмас Боязид устидан ҳам ажойиб галабалар қозонганди. Айтишларича, ҳар қандай қобилият туганмас сабр-тоқат, кучли ирода туфайлигина шаклланар экан. Темур ўзини фақат галабаларга етакловчи ҳамма фазилатларга эга эди: бу унинг ўзига ишончи, ўз қисматига, қўшинларининг қудратига, галабани аниқ таъминлай олишига ишончи, ўз-ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлиги, ҳарбий ҳаракатларни пухта режалаштира олишдаги ҳарбий салоҳияти эди. У ишлаб чиққан ҳарбий ҳаракатлар қоидаларидан кўриш мумкинки, жанг пайтида унинг учун ҳеч бир нарса иккинчи даражали ҳисобланмасди. “Галабалар қўшинларнинг қуроли ва сонига эмас, балки худо ўз марҳаматини аямаган сеvimли бандаларининг ҳарбий қобилиятига боғлиқдир” — деганди у бир кун. Бошқа бир сафар эса, у ўзининг одатий довюраклиги билан “жанг учун қулай жойда юз киши билан ўрнашиб олиш, ноқулай жойда ўн минг киши билан ўрнашиб олишдан афзалдир” — деб таъкидлаганди.

Унинг аскарлари уни ниҳоятда севардилар ва у улардан ҳамма нарсани талаб қила оларди: қочиб қолган душманларни қувлаб Ўрта Осиёда минглаб километр йўллари тўхтамасдан босиб ўтиш, қоқ қиш ўртасида баланд тоғлардан ўтиш, дам олмасдан орқага — Яқин Шарқ томонга бурилиш, Ҳиндистондаги

ҳолдан тойдирар даражадаги қийинчиликларга чидаш, лозим бўлса отдан тушиб бинокорлик билан шуғулланиш, портлатиш ишлари билан машғул бўлиш, ёки ер ҳайдаш улар учун ҳеч гап эмасди.

Ҳамма унга сўзсиз бўйсунитарди, чунки у ажойиб ва мустақкам ҳарбий интизом ўрната олганди, белгиланган мақсад амалга оширилмагунча ҳеч қандай хотиржамликка ўрин қолдирмасди. Жангчилари уни севишининг иккинчи сабаби, у уларга тегишли маошларни узлуксиз бердирар, баъзан эса маошлар бир неча йил одиндан тарқатилар, жанглар олдидан кўз кўриб қулоқ эшитмаган ўлкалар ҳақида ваъдалар берар, ва аскарлар Темур уларни фақат ғалабаларгагина бошлаб боришини билардилар. У ўз қўл остидаги одамларга ғайритабиий равишда ижобий таъсир қила олар ва унинг самимий нигоҳини кўриб ҳеч ким топширилган вазифасидан бўйин товлашни ўйламасди. У ўз аскарларини ҳеч қачон ночор аҳволда қолдирмас, улар билан барча қийинчиликларни, ғамташвишларни биргаликда баҳам кўрар, улар учун ўзини ҳеч нарсадан аямасди.

Темурнинг табиати шиддатли ҳатти-ҳаракатлар қилишни ёқтирарди. Кўпгина асарларда у ўз ҳарбий ҳаракатларини пухта режалаштирмаганлиги сабабли ўз режаларини тез-тез ўзгартириб туришга мажбур бўлганлиги, кўпинча қулай пайт келишини пойлагани ҳақидаги фикрларни ўқиш мумкин. Бундай фикрларни унинг солномачилари асарларида эмас, кўпроқ бадий асарларда учратиш мумкин. У ҳар бир забт этилажак истехкомни, эгалланиши лозим бўлган ҳудудни тиришқоқлик билан, эринмасдан, ипидан-игнасигача ўрганишга одатланган эди. Унинг ҳар бир режаси тезкорлик билан амалга оширилар ва унинг ҳарбий салоҳиятининг сири ҳам ана шунда ўз ифодасини топарди. Дунё тарихи саҳифаларини varaқлар эканмиз, ҳамма буюк саркардалар худди ана шундай фазилатларга эга бўлганликларига амин бўламиз.

Тезкорлик — Темур қўшинларининг энг муҳим тамойилларидан бири эди. Унинг хуфиялари салтанатнинг турли бурчакларидан, салтанатдан ташқаридаги содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан уни тезкорлик билан хабардор қилиб туришар ва бу борада режалаштириладиган иш-ҳаракат ҳаммага ошкор бўлиб улгурмасдан, аллақачон амалга оширилган бўлиши лозим эди. Унинг ҳаракатлари доимо тезкор ва шошилишч бўлса-да, лозим пайтда у сабр-тоқат билан қулай пайт келишини, кутишни ҳам уддасидан чиқарди. У ҳар доим уни кутмаётган жойларда ҳайрон қоларли даражада тўсатдан пайдо бўлар, Шероздан Самарқандгача ўн етти кунда етиб келишга улгурар, уни аллақаерларда, узоқларда юрибди деб ўйлаб Мовароуннахр ҳудудларига тажовузқорона ҳужум уюштирган Тўхтамиш қўшинлари рўпарасида тўсатдан пайдо бўлар, уни тум-тарақай қочишга мажбур қиларди.

Кўпчилик тадқиқотчилар Темур ўз юришларини айнан қиш фаслида режалаштирганлигидан ажабланидилар ва уни рақибларни ҳайратга солиш, чалғитиш мақсадида атайлаб қилинган ҳатти-ҳаракатлар деб талқин қилишга уринадилар. Мен бу борада бошқача фикрдаман. Чунки, ҳар қандай воқеликнинг ўзига хос жиҳатларини чуқурроқ англаб етиш керакки, бу борада умумлаштирилган хулосалар чиқариш жиддий ҳатоликларга олиб келади. Қолаверса, Темур ўзи жанг ҳаракатлари олиб бориши лозим бўлган жойларнинг географик ва зоологик шарт-шароитларини ҳар доим олдиндан чуқур ўрганиб олганлигини унутмаслигимиз лозим. Қиш фасли, албатта, жанг ҳаракатлари учун анча ноқулай, бироқ озиқ-овқатларнинг мўллиги билан ёзга нисбатан қулайроқ. Отлар қор остидан ҳам ўт-ўланларни титкилаб топиб ейдиган бир жонзотки, шу туфайли уларнинг ем-хашагидан ташвишга тушмаса бўлади. Ёзда эса яйловлардаги ўт-ўланлар қуриб, қовжираб, даштлар қуп-қуруқ сахрога айланади ва отларни тўйғазиш учун баланд тоғликларга кўтарилишга тўғри келади. Ўрта Осиё халқларининг табиатни муҳофаза қилишдаги ажойиб анъаналари бор: керакли миқдорда озиқ-овқат билан таминлай оладиган овчилик мавсуми ёзда тақиқланган ва фақат қиш фаслидагина табиатнинг бу иноmidан фойдаланишга тўла руҳсат берилган.

Ўз юришларини айнан қиш фаслида режалаштирган Темур табиатнинг бу иноmidан усталик билан фойдаланишни билган. Бундан ташқари совуқда гўшт маҳсулотлари яхши сақланган. Ёзда тоза сувни олиб юриш анча қийин бўлгани ҳолда, қиш фаслида қор — тоза сув манбаси вазифасини бажарган. Ниҳоят,

музлаб қолган дарёлар устидан бетўхтов ўтиш унинг ҳарбий юришларининг тезкорлигини таъминлаган.

Буюк Амир томонидан ўйлаб топилган ҳарбий ҳийлалар бугунги кунда болаларга эртақлардек, ёки саргузашт асарлардаги воқеалардек қизиқ туюлса-да, улар унга доимо муваффақиятлар келтирганини кўрамиз. Уларнинг энг ғайритабиийлари уни ғалабасини таъминларди. Масалан, у отларнинг ортига шох-шаббалар боғлаб чанг-тўзон кўтариб чоптиришни буюрар ва бу билан уларни узоқларда кузатиб турган душманлари назарида беҳисоб суворий жангчилар бордек тасаввур туғдирар эди. Яна кечалари беҳисоб гулханлар ёқтириб душман истеҳкомлари олдида тенги йўқ сонли қўшин тўплангандек тасаввур туғдирарди. Албатта, бундай ҳарбий ҳийлалар ҳаммавақт ҳам кутилган натижалар беравермасди. Масалан, Деҳли ёнида у ўз қўшинларини кучсиз ва қўрқоқ қилиб кўрсатиш учун улардан қочгандек бўлиб қулай позицияга чекинганди. Бироқ ҳиндлар бу алдовни пайқаб қолиб, уларни қувиш учун ўз истеҳкомларидан чиқмагандилар. Аксинча, Анатолияда амалга оширган ана шундай ҳарбий ҳийласи Боязид қўшинларини батамом тор-мор келтирилишига сабаб бўлганди.

*Француз тилидан
Абдумурод КУЧИБОЕВ
таржимаси.*

ТАРЖИМОНДАН

Амир Темур ва темурийлар тарихи дунё муаррихларининг сеvimли мавзуси бўлиб келди — десак муболаға бўлмас. Ўтган 600 йил мобайнида Темур ва унинг фаолиятини ўрганишга бағишланган асарлар сони Оврупо тилларида 500 дан зиёдни, Шарқ тилларида эса 900 дан ортиқни ташкил қилганлиги бежиз эмас. Буларнинг ҳаммаси буюк бобомиз тарихига нисбатан уйғонган умумбашарий қизиқиш, бизнинг юртимиз тарихига, аждодларимиз тарихига қизиқишдир. Президентимиз И.А. Каримов таъбири билан айтганда, ростдан ҳам “Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак”.

Францияда Амир Темур сиймосини англашга киришиш XVII асрданоқ бошлангани, бу мавзуда 300 дан зиёд илмий, тарихий, бадий асарлар нашр қилинганлиги эътиборга лойиқдир. Бу иш Францияда 1658 йилда Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб ал Мақдур фи Навоиб Темур” — “Темур тақдирида тақдир ажойиботлари” китобининг П. Ватье таржимасида нашр қилиниши билан бошланган эди. Темур шахси ва фаолиятига, у яшаган даврга қизиқиш ўша даврда ижод қилган муаррихларнинг барча асарларини француз тилига таржима қилинишига, юзлаб тарихий, илмий, бадий асарлар, мақолалар ёзилишига сабаб бўлди.

Минг афсус ва надоматлар билан таъкидлаш жоизки, Ибн Арабшоҳнинг ғаразгўйлик билан ёзган бу асарининг биринчилардан бўлиб француз тилига ўгирилиши XVII асрдан бери нашр қилинган барча асарларда буюк бобомиз номига таҳқирона “ланг”, “оқсоқ” сўзларини қўшиб талқин қилинишига сабаб бўлди. Буни биз XVII-XVIII асрларда нашр қилинган илк тадқиқотларданоқ кўришимиз мумкин.

Темур номига қўшилган бундай таҳқирона лақаблар кейинчалик нашр қилинган барча тарихий ва бадий асарларда ўз аксини топаверди ва унинг абадий номига айланиб кетди. Буни XVII асрда илмий рисоалар ёзган Гобиль, Гербело асарларида, XIX аср тарихчилари Клапрот, Оссон асарларида, ниҳоят XX асрда ижод қилган Л. Буват, Р. Груссэ, М. Першерон, М. Брион, Шампдор, Л. Керэн, Ж. Обэн асарларида ҳам кўришимиз мумкин. Зикр қилинган муаллифларнинг асарларининг аксариятида Темур фаолиятига Ибн Арабшоҳга хос бўлган ғаразгўйлик билан берилган баҳолар, сохта ва бир ёқлама фикрлар жуда кўп учрайди.

Афсуски, француз тарихчиларининг бундай рисоалари, унинг шахсига, фаолиятига, даврига берган турли-туман баҳолари ўзбек китобхонларига ҳалигача маълум эмас. Б. Эргашов таржимасидаги Л. Керэннинг “Буюк Темур салтанати”, Тошкент-1999, китобининг нашр қили-

ниши бу борадаги дастлабки қадам бўлди, холос. Шубҳасиз, француз тарихчиларининг Темур ҳаёти ва фаолиятига оид асарлари ўзбекчалаштирилса, шу пайтгача “қизил империя” таъсирида захарланган ўзбек китобхонлари учун бағоят қизиқарли бўлади. Шу нуқтаи назардан 1991 йилда “Фейярд” нашриётида чоп қилинган Жан Пол Рунинг “Темурланг” асари ҳақида ўз фикр мулоҳазаларимизни баён қилмоқчимиз. Муаллиф анъанага кўра ўз рисоласини “Темурланг” — деб атаса-да, ўзидан олдинги тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ, Темур шахси ва фаолиятини баҳолашда холисона йўл танлайди.

“Инсон, — дейди у китобининг муқаддимасида, — ўзи яшаётган замон, урф-одатлар, анъаналар, ижтимоий-сиёсий ҳаёт таъсирида шаклланади ва унинг фаолияти ҳам айнан ана шу омилларга боғлиқ бўлади.

XIV-XV асрларда содир бўлган воқеа-ҳодисотларни, уруш ва қирғинларни ҳозирги замон одамлари нуқтаи назари билан баҳолайдиган бўлсак, уларни қийшиқ ойнада кўргандек бўламиз ва улар бизга ўта даҳшатли ва гайритабиий туюлиши шубҳасиз”. Дарҳақиқат “қизил империя” Темурни бизга қийшиқ ойнада кўришга мажбур қилганини, Темур яшган давр ва анъаналарни тан олмасдан, уни “босқинчи, қонхўр, ёвуз, жаллод” — деб ишониб келганлигимиз сир эмас. Муаллиф воқеа-ҳодисаларни шархлашда уларга ўша давр кўзи билан қарайди. Темур шахсидаги салоҳият сабабларини қидириб топишга уринади. Кўз ўнгимизда ҳокимият сари шижоат ва мардлик билан ўзига йўл очаётган, туркий қавмларни бирлаштириб, буюк салтанат яратган, ўз рақиблари устидан беқиёс ғалабаларга эришган тадбиркор саркарда,

адолатли шоҳ, ҳамма олийжаноб хислатларни ўзида мужассамлаштирган буюк инсон қиёфаси гавдала-нади.

Муаллиф ўзидан олдин бу мавзуга қўл урган тарихчилар Р. Груссё ва Ж. Обэннинг Темур фаолиятига салбий баҳо беришида улар ўша замон анъаналарини, урф-одатларини эътибордан четда қолдирганликларини алоҳида таъкидлайди. “Шундай қилиб, хулоса қилади муаллиф, Темур замонига хос босқинчилик юришлари, оммавий қирғинлар ўша замоннинг ўзига хос яшаш тарзи эди, бу анъаналар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий зарурат даражасида тушунилар ва агар Темур бу заруратларни амалга оширмаганида эди, у Осиё ҳукмрони бўла олмас, мўғуллар ҳукмронлигини бартараф қилиб, Осиёда ягона, қудратли марказлашган салтанат ўрната олмас, Русияни мўғуллар қарамлигидан халос қилмаган, Оврўпани Боязид босқинидан сақлаб қолмаган ва шуларнинг ҳаммасининг натижаси ўлароқ буюк давлат арбоби, тенги йўқ саркарда сифатида тарих саҳифаларида қолмаган бўларди”.

Рисола французона талқиндаги йўл қўйилган айрим нуқсонларига қарамасдан Темур ҳаёти, фаолияти ва у яшаган даврни холисона таҳлил қилган тарихий, илмий тадқиқот сифатида Темур номини бутун дунёда улуғлайдиган ажойиб асар деб баҳолашни арзийди. Франциядаги Илмий тадқиқотлар Марказининг директори, Лувр Олий мактабининг профессори, Ўрта Осиё тарихига оид 20 га яқин илмий-тарихий рисоаларнинг муаллифи Жан Пол Рунинг бу асари ўзининг тарихий ва илмий аҳамияти билан, буюк бобомиз салоҳиятига чексиз ҳурмати билан ўзбек китобхонларида чуқур қизиқиш уйғотиши шубҳасиздир.



Карлос ФУЭНТЕС

Артемио Круснинг ўлими

Роман

Уйғоняпман... Баданимга теккан совуқ нарсадан уйғониб кетдим. Илгари мен баъзида сезмасдан пешоб қилиб қўйиш мумкинлигини билмас эдим. Кўзимни юмиб ётибман. теграмда гангур-гунгур товушлар эшитиляпти, аммо сўзларни илғаб бўлмайди. Бордию кўзимни очсам, нималар ҳақда гапиришаётганини тушуна оламанми?.. Бироқ қовоқларим - бир жуфт кўрғошин парчасидай, тилим мисоли қадоқтош, кулоқларимда тўқмоқнинг тўқиллаши жаранглайди, хўрсинганимда эса, оҳ... гўё ичимга эритилган нуқра қуйилгандай бўлади. Металл, ҳаммаёқ металл. Ёки яна руда. Пешоб қиламан-у, ўзим сезмайман. Эҳтимол... ҳа, мен беҳуш эдим, энди бирдан эсладим... эҳтимол, хушсиз ётганимда нимадир ичган бўлсам керак. Орадан анчагина вақт ўтди. Ҳа-ҳа, энди кун ёриша бошлаганди, қўлимни чўздиму телефон апаратини - бунинг қандай бўлганини худо билади! - ерга тушириб юбордим, сўнг анча вақтгача юзимни ёстиққа босганча қўлларимни осилтириб, юзтубан узоқ ётдим: увишган бармоқларим жимир-жимир қилади. Ҳозир мен уйғоняпман, лекин кўзларимни очгим келмайди. Йўқ, гарчи юзимга тушаётган шуъла ғашимга тегаётган бўлса ҳам, кўзимни очгим келмайди. Қовоқларим ортида қора чизиклар ва мовий доиралар чарх урмоқда. Беихтиёр пешонамни тириштираман, ўнг кўзимни оч-

Аскар
ХАЙДАРОВ
таржимаси

Мексикалик Карлос Фуэнтес (1928 й.т.) ҳозирги замон адабиётининг йирик вакилларида бири. "Артемио Круснинг ўлими" романи эса ёзувчи ижодининг гултожи, дунё адабиётининг мумтоз намунаси.

Адиб ўзининг "Баҳаво ўлка", "Тоza виждон", "Тери туллаши", "Ёндирилган сув" асарларида мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берган воқеаларни, унинг одамлар ҳаётидаги таъсирини теран тадқиқ этади. Ёзувчи асарларида ўтмиш ва бугунги ҳаётнинг ошкор воқеа-ҳодисалари эмас, балки уларнинг инсон юрагида қолдирган акслари етакчи ўринга олиб чиқилади. Фуэнтес асарларини адиб ибораси билан айтганда, ҳаёт қонунларига қаршилик кўрсатадиган, уни фош этадиган, ўзгартирадиган ва тасдиқлайдиган санъат дурдоналари, дейиш мумкин.

Артемио Крус нафақат буржуй, балки ўз халқининг адашган фарзанди. Аллақандай кулбада дунёга келиб, кейинчалик тарихий инқилобий ўзгаришлар оқибати ўлароқ, миллионерга айланган, мамлакат миқёсига кўтарилган одам. Унинг ҳаёт йўли мамлакат ҳаётида юз берган бир неча ўн йилликлардаги ўзгаришлар моҳиятига чамбарчас боғлиқ ҳолда иншо этилган. Роман шакли ғайритабиий. Унда воқеалар баёни тадрижий эмас, балки аралаш ҳолда ёритилади. Пировардида ўқувчи кўз ўнгига Артемио Круснинг ички олами яхлит намоён бўлади.

Фуэнтес адабиётда турли тажрибаларни дадил қўллаган ёзувчи. Бу тажрибалар эътиборингизга ҳавола этилаётган асарда ҳам сезилади. Шу боис асар ўқувчидан муайян тайёргарлик, синчковликни талаб этади.

ман ва ўзимни, ўз аксимни аёллар сумкасидаги шиша безакчада кўраман. Бу менмен. Бу менман. Мен - мана шу майда-майда квадратларга бўлинган кўзгучада юз-кўзи бўлак-бўлак бўлиб акс этган қарияман. Мен - мана шу кўзман. Шу кўзман. Бутун сатҳини ҳам кўҳна, ҳам унутилган, шу билан бирга, мангу барҳаёт ва чўгли қайноқ нафратнинг тарам-тарам нозик томирчалари қоплаган кўзман. Мен - салқиган қовоқлар орасидаги кўм-кўк кўзман. Қовоқлар. Қовоқлар. Кўёшлардан намиққан қовоқлар. Мен - мана шу бурунман. Мен мана шу бурун. Мана шу бурун. Катаклари катта-катта, қирғий бурунман. Мен - мана шу чакакман. Оппоқ соқол билан қопланувчи чакак. Соқол ўсиб чиқаверади, чиқаверади... Бужмайган башара. Бужмайган... Бужмайган. Мен - бошдан-оёқ бужмайганман. Бу бужмайиш ҳолсизликдан ҳам, хасталикдан ҳам эмас. Афтим шунчаки бужмайган, холос. Тишларим тамакидан қорайиб кетган. Тамакидан. Тамакидан. Ҳ-ҳ-ҳо... Нафасим ҳовридан ойна ҳам хира тортади; кимнингдир қўли тунги столдан бояги сумкани тортиб олади.

— Доктор, қаранг, у ҳалиям майнавозчилик қиляпти...

— Сеньор Крус...

— Ўлар ҳолда ётган бўлса ҳам бошимизни қотиришини қаранг!

Барибир чўрқ этмайман. Бунинг устига, оғзим худди эски чақалар билан тўлдирилгандай. Аммо кўзларимни хиёл очиб, киприкларим орасидан иккита аёлни ва баданидан дори ҳиди келиб турган врачни кўраман; унинг кўйлагим ичига тикиб кўкрагимни сийпаётган қўлидан спирт анқиб турибди. Бу бегона қўлларни юлқиб олиб ташлагим келади.

— Кўйинг-кўйинг, сеньор Крус, кераги йўқ...

Йўқ, мен лабларимни, тўғрироғи, ойнада акс этаётган мана бу илонизи тирқишни очмайман. Майли, қўлларим чойшаб устида жонсиз қамчидай чўзилиб ётаверсин. Чойшаб қорнимгача ёпилган. Ошқозон... вўй... Чотим - тувакларнинг жирканч совуғи. Гарчи юрагим енгилгина санчиётган бўлса-да, ҳали у гафлатда... Ҳа... Илгари, кинода узоқ ўтириб қолган пайтларимда ҳам шунақа санчиб турарди. Қон айланиши яхши эмас, вассалом. Вассалом. Вассалом. Бунинг қўрқинчли жойи йўқ. Аҳамияти ҳам йўқ. Вужудим ҳақида ўйлашга тўғри келади. Лекин у ҳақда... ўз жисмим ҳақида ўйлаш жонимга теккан. Вужуд. Яхлит вужуд. У чарчаган. Энди ўйламайман. Бас. Барибир ўйлар экансан, оғайни. Ахир вужуд - бу менман. У қолади. Йўқ. Йитиб кетади... йитиб кетади... Асаб ва тўқималарга, хужайра ва қон таначаларига ажралиб йитиб кетади. Манави врач бармоқларини танамга нуқиб олмоқда. Даҳшат. Ўз танам ҳақида ўйласам мени ваҳима чўлғайди. Юзим-чи? Менинг юзим акс этиб турган сумкани Тереса олиб қўйди. Мен ўз аксимни тасаввур қилишга уринаман: ғайримуташаккил, бўлакларга бўлинган башара, - битта кўз буруннинг учида, бошқаси - ён тарафга оғиб кетган. Учта синиқ ойначада акс этган бурушган башарам кулги уйғотади. Пешонамдан тер қуйилмоқда. Яна кўзларимни юмаман ва менга ўз юзим ва танамни қайтариб беришларини илтижо этаман. Илтижо этаман ва кимнингдир майин қўллари танамга текканини сезаман; ўша қўлни итариб юборгим келади, бироқ ҳолим етмайди.

- Тузукмисан?

Мен уни, Каталинани кўрмайман. Мен нарироқдаги нарсаларни кўраман. Тереса креслода ўтириб, газета саҳифасини ёйиб ўқимоқда. Менинг газетамни. У Тереса, гарчи юзини газета саҳифаси бекитиб турган бўлса-да.

- Деразани очиб қўйинглар.

- Йўқ-йўқ. Шамоллаб қолишинг мумкин, бадтар тобинг қочади.

- Вой, ойи. Ахир у бизни майна қилмоқчи-ку, кўрмайсанми?

Аҳа. Димоғимга исриқнинг хушбўй ҳиди урилди. Аҳа. Эшик ортидан оёқ товушлари эшитилди. Дарров сездим: қора юбка кийиб, қўлига кудсий сув сепувчи чўткача ушлаган ҳазрат, барча расм-таомилларга қилган ҳолда мени нариги дунёга жўнатмоқчи бўлиб келган. Ҳе-ҳе, мен бўлсам уларни роса тузладим.

- Падилья келмадими?

- Келган. У шу ерда.

- Олдимга кирсин.

- Ахир...

- Аввал Падиля кирсин.

Ҳа, Падиля, қани, яқинроқ кел. Магнитофонни олиб келдингми? Агар сен ўз ишинга пухта бўлсанг, менинг Койоаканодаги уйимга ҳар куни кеч-қурун олиб бориб турганингдек бу ерга ҳам олиб келган чиқасан. Бошқа вақт бўлса майли, лекин сен бугун, албатта, ҳаммаси рисоладагидай бораётганини очик-ойдин намоён этишинг керак. Падиля, расм-русумни унутма. Ие, ана, сен ҳам келибсан. Бу ташрифинг анави икковининг ҳали гашини келтиради.

- Яқинроқ кел, бўтам. У сени таниб олсин. Сен унга исмингни айт.

- Мен... Мен - Глорияман...

Афсуски, мен унинг юзига боқа олмайман. Қанийди, унинг чеҳрасидаги ибораларни кўрсам. Эҳтимол, ўлиб боётган тана ҳидини ҳис этаётгандир; балки озиб кетган кўкрагимга, патила-патила бўлиб кетган исқирт соқолимга, тўхтовсиз бурнимдан оқиб турган сувга, яна... анавиларга қизалоқнинг кўзи тушгандир.

Қизчани мендан йироқлаштирдилар.

Врач томирим уришини ушлаб кўрди.

- Консилиум чақирин керак.

Каталина кўлларимни силайди. Афсуски, кераксиз илтифот бу. Мен уни туман ичида гира-шира кўраётгандайман, аммо кўзларига қарашга уринаман. Унинг муздай совуқ бармоқларини тутиб, қўлини тўхтатаман.

- Ўша куни эрталаб, мен уни зўр қувонч билан кутиб олган эдим. Кейин биз дарёни отда кечиб ўтдик.

- Нима дединг? Жим ёт. Ўзингни уринтирма. Гапингга тушунмадим.

- Кошкийди, яна ўша ёққа борсам, Каталина. Йўқ, кўкнори хаёл бу.

Ҳа, ҳазрат ёнимга тиззалаб ўтирди. У минғирлаб дуо ўқий бошлади. Падиля магнитофонни қўйди. Мен ўз овозимни, ўз сўзларимни эшитдим. Оҳ, овозимни борича бақирсам. Оҳ, тирик қолдим-ку ахир. Эшиқдан иккита врач мўралади. Мен омон қолдим. Рехина, аҳволим оғир, жуда оғир, Рехина, мен қаерим оғриётганини биламан. Рехина. Аскар. Аскар. Мени кучинглар; воҳ, жудаям оғриятти. Ана, қорнимга узун ва совуқ тиг санчдилар. Баданимга ханжарни ким тикқанини биламан; мен исирик ҳидини сезяпман, мажолим қолмади. Майли, хоҳлаганини қилишин. Мени вой-войлатиб, у ёнимдан бу ёнимга ағдарсинлар. Мени ўлимдан асраб қолган сизлар эмассиз. Мен сизларни танлаган эмасман, танламасдим ҳам, керагингиз ҳам йўқ... Оғриқ белимни майиштирмоқда. Мен оёқларимни ушлаб кўраман - улар муз бўлиб кетган. Кўкарган тирноқларни кўрарга кўзим йўқ... О-ҳо-ҳо, мен тирикман. Кеча нима билан банд бўлган эдим ўзи? Агар кеча нима билан банд бўлганимни ўйлайдиган бўлсам, ҳозирги ўйларимдан чалғиб кетаман. Буни мен аниқ, жуда аниқ эслайман. Кечаги нарсалар ҳақида ўйлайман. Азоб тортсанг-да, сен ҳали ақл-хушингни йўқотмагансан - кечаги воқеаларни бемалол эслай оласан. Кеча, кеча, кеча. Кеча Артемио Крус Эрмосильодан Мехикога учиб келди. Ҳа. Кеча Артемио Крус... Кеча Артемио Крус то тоби қочгунча... Кеча Артемио Крус ўз кабинетида ўтирган пайтда бехосдан ўзини ёмон ҳис этди. Йўқ, кеча эмас. Бугун эрталаб. Артемио Крус. Хотирам чакки эмас. У одам Артемио Крус ҳам эмас. Бошқа биров. Бемор тўшаги ёнидаги ойнада акс этаётган одам. Бошқа Артемио Крус. У билан эгиз туғилган одам. Артемио Крус бемор, у ўлган. Йўқ, яшаяпти. Артемио Крус яшаб ўтган. У бир неча йил яшади... Йўқ, ўтган йилларимга афсус чекмайман... Бир неча кун яшади. Ўша эгизак. Артемио Крус. Унинг ўхшаши. Бор-йўғи бир неча кун яшаган Артемио Крус кеча бор эди, кеча Артемио Крус бор эди... Бу - менман. Ва мен эмасман... Кеча...

Сен кеча ҳам ҳар кунги ишлар билан шуғулланинг. Аслида, эслашга арзимайди. Аммо ҳозир, мана шу каравотда, ним қоронги хонада, ўтмиш ҳақида, аммо худди келажак ҳақида ўйлагандай ўйлагинг келади: гўё сенга ҳали ҳеч нима бўлмагандек. Гира-ширада кўзларинг олис ўтмишдан туриб, келажакка боқади, келажакдан ўтмишга боқиб бўлмайди.

Ҳа, кеча, 1959 йилнинг 9 апрели эди. Сен эрталаб соат 9 у 55 да, жазирама иссиқда Сонора пойтахти - Эрмосильодан кўтарилиб, Мехикога роппа-

роса 16 ю 30 да кўнадиган Мексика авиакомпаниясининг навбатдаги рейси билан учиб кетасан. Тўрт моторли лайнернинг салонидан туриб, замин узра ястанган пастқам мовий шаҳарни, томлари тунука билан ёпилган уйлар силсиласини кўрасан. Стюардесса қиз целлофанга ўралган сақич таклиф қилади - сен буни энг майда тафсилотиғача биласан, чунки қиз жуда чиройли бўлади (эди, дейиш керак-у, аммо ҳамма нарсаларни ўтган замонда ўйлашни хоҳламайман), ҳа, бунақа ишда сенинг суюгинг йўқ, холбуки сен аллақачон бирон ишни удалаш ёшидан ўтиб, фақат кўрмоқ ёшига етгансан (алжияпсан: ахир сен бундай ҳукмга, ҳатто фақат кўрмоқдан ўзгага ярамай қолган чоғингда ҳам, минбаъд рози бўлмайсан).

Самолёт Мехико водийсига яқинлашганида, гўё ҳаводаги мувозанатини йўқотгандай даъфатан пастга кескин шўнғиб, ўнг томонга оға бошлайди, айна шу пайт “No Smoking. Fasten Seat Belts”¹ деган ёрқин ёзув пайдо бўлади. Токчалардан тугунлар, саквояжлар, жомадонлар дув-дув тўкилади, одамларнинг оҳу носласи кимнингдир хўнграб йиғлай бошлагани эшитилади, бу пайт ўнг қанотдаги тўртинчи моторни олов қамраб олади. Мотор тўхтади, шунда ҳамма уввос сола бошлайди. Фақат сен сақичингни чайнаганча ҳиссиз ва ҳаракатсиз, йўлак бўйлаб пассажирларни тинчитишга уринаётган стюардессанинг чиройли оёқларидан кўз узмай, бамайлихотир, қимир этмай ўтираверсан. Шу заҳоти оловни ўчирувчи система ишга тушади-ю, самолёт оҳиста ерга кўна бошлайди. Фақат сен - ёши етмишдан ошган қария, ўзингнинг руҳан тетик эканингни намойиш этасан, илло буни ҳеч ким пайқамайди. Сен дохилан ўзингдан фахрланасан ва буни ҳеч кимга сездирмайсан. Сен ўтган умрингда кўп марта кўрқоқлик қилганингни эслайсан, шу боис бу жасоратинг сен учун бир ўйинчоқдек туюлади. Истеҳзо аралаш, ўз-ўзингга: бу парадокс эмас, аксинча, сийқаси чиққан ҳақиқат, дейсан.

Сен Сонорага ўзингнинг “Вольво-1959” ДФ-712 рақамли машинангда кетасан, чунки маҳаллий ҳокимиятда ишлайдиган бир-икки нафар одам билан кутилмаганда учрашиб қоласан ва сен ўзинг сотиб олган амалдорлар занжири барча бўғинларини синовдан ўтказиш ва мустаҳкамлаш мақсадида уларни кузатиб кўясан. Дарвоқе, сотиб олгансан - сен ўзингни “ишонтирдим”, “кўндирдим”, деган олиймақом сўзлар билан алдамайсан. Йўқ, сен Сонора, Синалоа ва Федерал округ ўртасида зир қатнайдиған балиқфурушларнинг яна бир бор таъзирини бериб қўйишлари учун уларни сотиб оласан. Кўлдан-қўлга ўтган балиқларни сен пойтахт бозорида таннархидан йигирма баравар ошиғига пуллайсан ва унинг ўн фоизини нозирларга улашиб чиқасан.

Гарчи бундай материал рўзномангда аччиқ киноя уйғотишга арзигулик бўлса-да, уйлагинг келаётган экан, ҳамма-ҳаммаси ҳақида ўйлашга мажбурсан, сен бундай нарсаларни ўйлаш, аслида, вақтни беҳуда ўтказиш, деган фикрга келасан. Шунга қарамай сен хотиралар уммонига чўкасан, уларни бирма-бир титкилайсан, титкилайверасан. Сенинг бошқа нарсаларни ҳам эсланинг келади, бунинг учун, авваламбор айна пайтдаги аҳволингни унутишинг зарур. Йўқ, узр, айна пайтдаги эмас, бўлгуси аҳволингни.

Идорангда тобинг қочганини ҳис эта бошлайсан. Сени уйингга беҳуш олиб келишади; доктор келиб, ташхисни бир неча соатдан кейин қўйиш мумкин, дейди. Бошқа врачлар келишади. Улар ҳам ҳеч нарса аниқлай олмайдилар, ҳеч нарсанинг фарқиға бормайдилар. Бир-икки оғиз ширин сўз билан кифояланиб кўя қолишади. Алҳол сен ўзингни ўзга кўз билан кўришни хоҳлайсан. Шалвираган, шарти кетиб парти қолган бурдуқсан. Йягинг қалтирайди, оғзинг, қўлтигинг, чотингдан қўланса ҳид анқийди. Ана шу алфозда - кирчир, соч-соқолинг ўсиб кетган, дарғазаб ҳолда тер ва сийдикка ботиб ётасан. Аммо кунни кеча нима бўлганини эсламоққа уринаверасан.

Аэропортдан ҳозиргина полиция Кабальито майдонидаги намойишчиларни кувиб юборган - кўздан ёш оқизувчи газга тўйинган шаҳар бўйлаб идорангга йўл оласан. Сўнг бош муҳаррир билан биргаликда бош сарлаҳваларни, бош мақолаларни ва карикатураларни кўздан кечирасан, ичингда мамнунлик

¹ Чекиш мумкин эмас. Қайишларни тақинг (ингл.)

туясан. Шимолий америкалик дўстингни қабул қилиб, унинг эътиборини касабам уюшмаларидаги кўкларга кўтарилаётган тозалашнинг хавфли томонларига тортасан. Сўнг идорага сенинг бошқарувчинг Падилья кириб, ҳиндилар орасида галаён кўтарилганини хабар қилади, сен эса Падильяга: ҳиндилар кўчқор шохидай эгиб ташлансин - чунки комиссар шунинг учун маош олади, деган буйруғингни ҳиндилар жамоасининг комиссарига етказиб қўйишни буюрасан.

Эртаб ишдан бош қашишга қўл тегмайди. Ҳузурингга Лотин америкалик аллақандай валинеъмат келади, сен эса ўз рўзноманг учун субсидиялар оширилишига эришасан. Оқсуяклар ҳаёти бўлимидаги репортерни чақириб, Сонорадаги бизнесда сени чалиб юборган Коуто ҳақида илмоқли мақола тайёрлашни буюрасан. Умуман олганда, бир олам ишни бажарасан! Кейин Падилья билан бирга ўтириб, маблағларингни санайсан. Бу сенга анчагина шавқ бағишлайди. Мехико, Пуэбло, Гуадалахара, Монтерро, Кулиакано, Эрмосильо, Гуаймасо, Акапулькода рўзнома чиқиши ва ишончли сармоё сарфлангани; Халтипанода олтингургурт лойиҳаси, Идальгода руда конлари, Тараумарода ўрмон концессиялари, кўплаб отелларда пай мулклари, трубопрокат фабрикалари, балиқ савдоси, молиявий битимлар, биржа операциялари, Шимолий Америка компанияларининг мамлакатингдаги қонуний ваколатхоналари, темирйўл заёмининг тақсимланиши, кўплаб хайрия жамғармаларининг маслаҳатчиси, буёқ, пўлат, дори-дармонлар ишлаб чиқарадиган бир талай чет эл фирмаларига ҳиссадорлигинг - фаолиятингнинг бутун миқёсини ва ҳамкорлик алоқаларингни акс эттирувчи харитани хонангнинг тўрт томонидаги деворларга ёйиб чиқасан. Яна бошқа нарсалар ҳам борки, улар хариталарда акс этмаган: ўн беш миллион доллар Цюрих, Лондон ва Нью-Йорк банкларида сақланмоқда.

Врачларнинг тайинловига қарамай яна сигарет чекасан ва яна Падильяга сенга бойлик олиб келган кўзбўямачиликларни: инқилобдан кейин Пуэбло штати деҳқонларига қисқа муддатли, юқори фоизга берилган заёмлар; Пуэбло шаҳри атрофидан олинган ерлар нархининг тез ўсишига башоратинг; пойтахтда - навбатдаги президентнинг дўстона амалий ёрдами билан - кичик участкаларга бўлиб-бўлиб қайта сотиш мақсадида сотиб олинган ерлар; марказий газетани қўлга киритишинг, тоғ-кон компанияларининг акцияларини харид этиш ва ҳаммасининг “қонуний бўлиши учун” сен номига президенти бўлган Мексика-Шимолий Америка қўшма жамиятларини тузиш; Шимолий Америка сармоюдорларининг ишончли вакили сифатидаги фаолиятинг ҳамда Чикаго, Нью-Йорк ва Мексика ҳукумати ўртасидаги воситачилигинг; кейинчалик арзон-гаровга сотиб олиш ёки уларни қайта сотиш учун қимматбаҳо қоғозлар қийматининг кўтарилиши ва пасайиши борасида биржадаги ўйинларинг; Алеман¹ президентлиги даврида мавқеингни мустаҳкамлашинг; мамлакатнинг ички туманларида участкаларни сотиш учун деҳқонлардан тортиб олинган жамоа ерлари; ўрмон концессияларининг кенгайтирилишини бирмабир санаб берасан. Сен хўрсиниб, Падильядан гургурт сўрайсан, - йигирма йилдирки, ҳокимият, ижтимоий дунё билан тил топишиб, синфий ҳамкорлик қилиб келяпсан; демагог Ласаро Карденас² давридан кейинги йигирма йил самарали ўтди; росмана эркин тадбиркорлик ривожланганига, касабам уюшмалари сардорлари мум тишлаб турган, иш ташлашлар бостирилган даврга йигирма йил тўлди. Тўсатдан қорнингни чангаллаб қоласан, сенинг буғдойранг силлиқ юзинг тиришади, жингалак оқсоч бошингни стол ойнасига тақ этиб урасан. Сен энди, бу гал ўзингнинг бошқа - касал қиёфангни жуда яқиндан кўрасан ва қаҳ-қаҳ уриб жамикки ҳаёт талотумларини бошингдан

¹ Мингел Алеман 1946-1952 йилларда Мексика республикасининг президенти. Унинг президентлик даврида АҚШ монополияларига қатор имтиёзлар берилган.

² Карденос-и-дель Рио — Ласаро (1895-1970) — ҳарбий сиёсий арбоб: 1934-1940 йилларда Мексика президенти бўлган. Хорижий нефть компанияларининг мулкни давлат мулкига ўтказган, П.Кальес даврида тўхтатилган аграр ислохотларни давом эттирган. Унинг президентлик даврида Халқ fronti талаби билан фашист ташкилоти тарқатиб юборилган.

учириб юборасан, кўпдан-кўп одамларнинг тери устингга қуйилиб, босиб тушган гавдалари остида қоласан. Сен ҳушдан кетасан.

Акс этган қиёфанг бошқага айланади, айланма ўриндиқ ва баҳайбат пўлат ёзув столи ўртасида ўлим билан олишиб ётган етмиш бир ёшли қария ҳолида сенга айланади. Бу муқаррар. Сен қайси кунлар ва саналар таржимаи ҳолингга киришини, қайсилари сукут сақлаши, эсга тушмаслигини билолмайсан. Билмайсан. Сийқаси чиққан далиллар ошкор бўлади - сен эса бундай хизмат рўйхатига биринчи ва охиригиси ҳам бўлиб киролмайсан. У сенга маъкул келади.

Сен ҳозиргина шу ҳақда ўйладинг. Аммо сен энди бошқа воқеалар, бошқа кунларни эслайсан, улар ҳақида ўйлашинг керак. Бу - унутилишга маҳкум ёки хотирага муҳрланган кунлар (“учрашув”, “араз”, “омонат муҳаббат”, “эркинлик”, “кек”, “муваффақиятсизлик”, “интилиш”) - сен уларга ёпиштирган ёрлиқдан кўра каттароқ бўлган ва бўлади. Шу кунларда тақдиринг сени този итдай изма-из таъқиб этади. У сенга етишади, ушлаб олади ва - мураккаб, мубҳам, мустаҳкам вужудингни идрок этиб бўлмас нарсалар билан умрбод пайвандлаб ташлаган - вужудинг сингиб кетган руҳинг ва қаттиқ беҳига бўлган ишқингдан, ўсаётган тирноғинг қайсарлигидан, қарияликнинг силлиқбош ўжарлигидан, қуёш ва саҳро андуҳидан, ифлос идишнинг тилсизлигидан, тропик дарё кенглигидан, қилич ва порохнинг ожиз ботирлигидан, шамолда тебранаётган чойшаб мулоҳазасизлигидан, қора тус отлар ёшлигидан, қаровсиз соҳиллар қадимийлигидан, хорижий маркали конверт билан учрашувдан, исириқ қабиҳлигидан, заҳар макридан, қизил қуруқ тупроқ ғуссасидан, кечки патио нозидан... барча вужудлар руҳидан ва барча жонлар вужудидан озиқ олган сенинг танангни ҳаракатланиш ва сўзланишга мажбур этади. Хотира сендаги “мен”ни қоқ иккига бўлиб ташлайди, ҳаёт эса уларни ўз билганича бирлаштиради ва ажратади, излайди ва топиб олади. Мева икки палладан иборат. Улар бугун бирлашади. Сен унутмоқчи бўлган воқеаларни эслайсан. Барибир тақдир ёқангдан чангаллаб олади. Эслашга на ҳожат, деб сен анграясан. Анграясан: тасаввур ва ҳисларинг бора-бора силлиқлашади, беҳуда исроф бўлади. Ҳа, у ерда аввал боғ бор эди. Аммо у ерга ҳозир қайтиб бўладими, жиллақурса, сўнги марта кўришинг мумкинми... Анграясан: бироқ сен ўша ерда яшайсан-ку. Анграясан: сен айни боғдасан, фақат шип-шийдам шохларда мева йўқ, қуриган ирмоқда сув тополмайсан. Анграясан: бир-бирига ўхшамаган ва ўхшаш, узоқ ва яқин кунлар етаклашиб келади, тез орада ҳаяжонлар, саросималиклар, шиддатлар ёддан кўтарилади. Сен кўзингни очганингда уларнинг иккови ҳам ёнингда шунчаки безовта бўлаётганини кўриб, анграясан. Каталина, Тереса деб уларнинг номларини айтиб пичирлайсан. Улар ўзларини алданган ва хўрланган деб билади, бироқ бундан кейин ҳам сенга бўлган қаҳри ва нафратини пинҳон тутуди, чунки улар ҳозир ўзларини ғамхўр, балоғардон, азоб чекаётган алфозда намоён этадилар. Сенинг касаллигинг, сенинг турқинг, хулқ-атворинг, ўзгалар фикри ва урф-одатлар уларни ниқоб кийишга мажбур этган. Анграйиб, кўзингни юмасан. Анграясан: сен Артемио Круссан, - ёки у. Кўларингни юмиб, баъзи ўтган кунларинг ҳақида ўйлай бошлайсан:

(1941 йил 6 июл)

У автомашинада ўз идорасига борарди. Машинани шофёр бошқарар, у эса рўзнома ўқиб кетарди. Баногоҳ теваракка қараган эди, уларнинг иккови ҳам модалар уйи эшиги ёнида турганини кўриб қолди. Яхшироқ кўриш мақсадида кўзларини қисиб қараганида, машина илгарилаб кетган эди, у эса Роммель ва Монтгомерининг суратларига қараб, яна Сиди-Баррани ва Аламейнодан келган хабарларни ўқий бошлади. Иссиқдан жиққа терга ботган шофёр радиони қўйишга ҳам журъат этолмай олдинга газ босарди, у эса Африкада уруш бошланиши ҳамано колумбиялик қаҳва плантаторлари билан шартнома тузиб тўғри қилганини ўйларди... Уларнинг иккови ҳам салонга киришди, хизматкор эса уларга - кечирасизлар, марҳамат!- дея соҳибани чақириб чиққунча кутиб туришларини илтимос қилди (чунки у она ва қизнинг кимли-

гини биларди, - соҳиба улар келиши ҳамано менга дарров хабар қил, деб тайинлаб қўйган эди). Хизматкор гилам устидан оёқ учиди, орқадаги, соҳиба яшил чармли столда ўтирганча реклама карточкаларини имзолаётган хонага қараб йўналди. Хизматкор сеньора билан қизи келганини айтганда, соҳиба кумуш занжирда осифлиқ пенсесини тушириб қўйди: “Эҳ-ҳа, эҳ-ҳа... Ҳадемай байрам келади”, дея хўрсиниб минғирлади. Ёрдამчисига ташаккур билдириб, у қовоғини уйди, нафармон сочларини ҳурпайтирганча ментолли сигаретини ўчирди.

Залда кутаётган она ва бола соҳиба ичкаридан чиқиб келгунча чурқ этмай ўтиришди. Уни кўргач, имо-ишора билан гаплашишни хуш кўрадиган она туйқусдан овозини баландлатиб: “...мана бу нусха анча чиройли. Сени билмадим-у, аммо мен айна шу нусхани танлаган бўлардим. Роса чиройли, устига-устақ жуда нафис экан”, деди. Қиз онасининг бу гаплари ўзига эмас, балки яқинлашиб келаётган анави аёлга қаратилганини тушуниб, маъқуллаб турди. У қизга қўл узатди: она эса нафармон тус бошини эгиб, табассум билан қаршилади. Қиз соҳибага жой бермоқчи бўлиб ўрнидан силжиётганида онаси дарров нигоҳи ва кўкраги баробар кўтарилган бармоқлари билан ўтиравер ишорасини қилди. Қиз жойидан қўзғалмади ва рўпарасида турганча улардан қайси нусхага тўхталганларини сўраётган бўяма сочли аёлга самимий қаради. Онаси ҳали бир тўхтамга келмаганларини ва ҳамма нусхаларни яна бир марта кўздан кечирмоқчи эканини, қолганлари, яъни ранг, келин дугоналарининг қўйлаклари ва бошқа жиҳатларга боғлиқлигини айтди.

- Сизни овора этгимиз йўқ, аммо истардимки...

- Оворагарчилиги борми, сеньора. Сизнинг кўнглингизни топсак, бас, бошимиз осмонда.

- Яхши. Бизнинг танлаган нарсамиздан кўнглимиз тўлса бас.

- Албатта.

- Адашмасак деймиз, кейин аттанг деб юрсак...

- Тўғри айтасиз. Етти ўлчаб бир кесган маъқул, кейин...

- Ҳа, кўнглимиз тўлса бас...

- Бўлмаса, мен манекенчи қизларга кийиниб чиқишларини тайинлай.

Улар холи қолишди, қиз оёқларини йиғиштириб олди. Онаси унга ҳадик аралаш назар солди ва бармоқлари билан юбкангни тушир, туфугинг билан чап чулқингнинг узилган ипини ҳўллаб қўй, ишорасини қилди. Қизи оёғига қараб, узилган ипни топди ва кўрсаткич бармоғини туфуклаб, чулқисига босди. “Мени негадир уйқу босаяпти”, деди у онасига. Сеньора жилмайган бўлди, қизининг қўлига енгилгина уриб қўйди ва иккови ҳам атиргулли кундал қопланган креслога ўнғай жойлашиб, гап-сўзсиз ўтиришди. Бир пайт қизи очқадим деди, онаси эса бу ердан чиққач, ўзи овқатланмаса ҳам, Санборн¹ га киришини, охириги вақтда анча семириб кетганини айтди.

- Ҳозирча сенга ҳеч вақо қилмайди.

- Нега?

- Сен ҳали қиз боласан. Аммо кейинчалик эҳтиёт бўл. Бизга қариндош ҳамма аёлларнинг ёшлигида қомати чиройли бўлган, қирқдан ошгач, семириб кетамиз.

- Сен ҳалигача семирмагансан-ку.

- Сен менинг ёшлигимни билмай шундай деяпсан. Сен ҳеч нарсани билмайсан. Бундан ташқари...

- Бугун эрталаб уйқудан турганимда роса овқатлангим келди. Шундай иштаҳа билан нонушта қилдим...

- Ҳозирча ҳеч нарса парвойингга келмасин. Аммо кейинроқ эҳтиёт бўл.

- Одам туққандан кейин тўлишадими?

- Бўлмаган гап! Ваҳима тортма. Ун кун парҳез сақласанг бас - белинг найзадай бўлади. Қирқ кундан кейин - бошқа гап.

Устахонада соҳиба оғзига тўғноғичлар қистириб, чўккалаганча манекенчи қизларнинг атрофида асабий айланарди, - қизларга оёғи калта аёл ораста бўлар-

¹ Мехикодаги америкача серҳашам ресторан ва зеб-зийнат буюмлари дўкони.

миди, деб маломатлар ёғдирарди. “Гимнастика қилиш керак, теннис ўйнаш керак, от миниб керак, мана шулар сарвқомат қилади”, дерди. Қизлар унинг бугун негадир жаҳли чиққанини юзига солишди, соҳиба эса бунга иқрор бўлди: аслида бу икки хоним унинг жиғига тегарди. Сеньора қўл узатишни ўзига эп кўрмасди; қизи эса илтифотли, бироқ ўлгудай бепарво, гўё бу дунёнинг одами эмас эди.

У Бадийий санъат саройининг оппоқ йўғон устунлари ва қизғиш гумбази ёнидан лип этиб ўтганини кўрди, аммо унинг нигоҳи тепага, гоҳ бирлашиб, гоҳ ажралиб учиб бораётган симларга қадалган эди - симлар эмас, аксинча унинг ўзи, юмшоқ ўриндиқнинг кулранг суянчиғига бошини қўйганча улар билан ёнма-ён учиб борарди ёки бамисоли бир нуқтадан таралаётган икки нурга ўхшарди. Маҳобатли ҳайкаллар ва мўл-қўлчилик рамзи - Мексика банки, почта биносининг қизил сарғиш венецияча равоғи ярқ этиб кўзга ташланди. У жигарранг мовут соябонининг ипак жиягини майин сийпаб, ботинкасининг учи билан ўриндиқ суянчиғининг қайишини ўйнади. Мана, Санборннинг мовий кошинлари ва авлиё Франциско монастирининг сайқал берилган сурмаранг тошлари.

Лимузин Изабелла Католик кўчасининг муюлишида тўхтади; шофёр эшикларни очиб, фуражқасини бошидан олди, у эса аксинча, соябонини кийиб, бармоқлари билан чекка сочларини текислади. Уни шу заҳоти лоторея чиптаси сотувчилар ва пойабзал тозаловчилар, қўлда тўқилган шолрўмолли ҳинди аёллар ва мишиқи болалар гир ўраб олиб, ортидан эшик-турникетга қадар эргашиб боришди. Ойнаванд эшикка қараб, галстугини тўғрилади, Мадеро кўчасига қараган бошқа ойнаванд эшикдан уни иккиланган нусхаси камбағаллар қуршовида таъқиб этиб келарди, у ҳам ўзиники сингари қалин мовут костюм кийган, ўзиники сингари у ҳам никотиндан сарғайиб кетган бармоқлари билан галстугини тўғриларди, кейин эса у билан баравар қўлини тушириб, орта бурилди ва кўча томон йўналди, ўзи эса лифтни қидириб, олдинга юрди.

Камбағалларнинг чўзилган қўллари аёлнинг таъбини хира қилган эди, у қизининг тирсагидан маҳкам ушлаб, совун, лаванда ва олақуроқ ўров қоғозидан босмахона ҳиди гупиллаб турган, дим хонага бошлаб кирди. У пардозандоз буюмлари қўйилган ойнаванд пештахта олдида тўхтаб, ўзига разм солди; сўнг кўзларини қисиб, қизил тафта устида ётган флаконлар, тубиклар ва қутилари синчиклаб ўргана бошлади. “Тэатрикэл” кольд-креми ва икки тубик ўша тафта рангидаги лаббўёқдан беришини сўради. Тимсоҳ терисидан тикилган сумкасини кавларкан, қизига қараб: “Менга йигирма песо бериб тур”, деб мурожаат этди. Улар тугунчаю қайтимни олиб, қаҳвахонага киришди ва икки кишилик столни банд қилишди. Қиз пўртаҳол шарбати ва ёнғоқли вафли буюрди, онаси эса чидай олмаганидан теуана¹ кийган официанткага қиздирилган ёғда пиширилган майизли булочка келтиришни тайинлади. Иккови ҳам таниш учраб қолармикин, деган ўйда теуаракка олазарак боқишди. Қиз ўзининг сариқ нимчасини ечишга изн сўради: куёш ҳатто ёғоч дарпарда орасидан ҳам аёвсиз ёндирарди.

- Жоан Крауфорд, - дея пичирлади қиз. - Жоан Крауфорд.

- Йўқ-йўқ, нотўғри. Бундай талаффуз этилмайди. Кро-фор, Кро-фор. Улар шундай талаффуз этишади.

- Крау-фор.

- Йўқ-йўқ. Кро, кро, кро. “А” ва “у” биргаликда “о” каби талаффуз қилинади. Ҳа, ҳа, улар шундай талаффуз этишади.

- Бемаза фильм.

- Ҳа, бемаза фильм. Лекин у чиройли.

- Сал бўлмаса ухлаб қолаёзибман.

- Аммо кўраман деб ўлган эдинг...

- Менга уни жуда чиройли дейишган эди. Арзимас экан.

- Вақт елдек ўтиб борапти.

¹ Мексиканинг Теуантепак воҳаси аёллари киядиган миллий кийим. Тўр безак, гирдига адип тикиладиган кофта ва кенг юбка.

- Кро-фор.
- Ҳа, адашмасам, улар шундай талаффуз қилишади. Кро-фор. “Д” талаффуз этилмайди.
- Кро-фор.
- Менимча шундай. Унча-мунчага адашмайман.

Қиз вафлига асал сурди ва асал батамом сингганига ишонч ҳосил қилгач, вафлини синдирди. Кусирлайдиган ширин вафлини оғзига олиб бораркан, у онасига қараб жилмайди. Бироқ онасининг нигоҳи бошқа ёқда эди. Икки қўл бир-бирини силаб-сийпарди: эркак қўлининг бош бармоғи гўё тирноғини юлиб олмоқчидай аёл қўлларининг учини сийпарди. У юзига қарагиси келмаса-да, кўзларини ёнидаги ўша қўллардан узмасди; қўл бирорга бармоғини қолдирмай тинимсиз оҳиста силарди. Афсуски, бармоқларида узук кўринмасди; эҳтимол, қаллиқ келин билан ёки... У нигоҳини четга, диққатини қизининг тақсимчасидаги асалга қаратмоққа тиришди, аммо ён столда бир-бирининг бармоқларини силаб ўтирган йигит-қизларнинг юзига қарамасликка ҳарчанд уринмасин, нигоҳи беихтиёр уларнинг қўлига қадалаверди.

Қиз тишлари орасига кириб қолган ёнғоқ ва вафли ушоқларини тили билан тозалади, салфеткада қизил йўл қолдириб, оғзини артди. Лаббўёғини олишдан аввал у тилини милклари бўйлаб югуртирди ва онасидан бир тишлам майизли нон сўради. Қаҳва ёқишга ёқади-ю, лекин ҳозир ичгим келмаяпти, қаҳва асабни таранг қилади, деди. Сеньора қизининг қўлларини сийпаб, иши бошидан ошиб ётгани, вақти зиқлигини айтди. Ҳисоб-китоб қилиб, чойчақа ҳам қолдиришиб, иккови ўрнидан турди.

Шимолий америкаликнинг тушунтиришича, конга қайноқ сув қуйиш керак экан, сув олтингугуртни ювиб юборади, сиқилган ҳаво уни юқорига суриб чиқаради. У ўзининг лойиҳасини яна бир бор такрорлади, бошқа америкалик эса геологик қидирувдан мамнунлигини яширмади, ориқ ва қизғиш қўлларини башараси олдида ҳаволатганча: “Бойлик - яхши, колчедан - ёмон, бойлик - яхши, колчедан - ёмон, бойлик - яхши...” деб устма-уст минғирлади. У америкаликнинг сўзларига мос йўсинда стол ойнасини тақиллатиб, “...колчедан - ёмон” дея одатдагича такрорлади. Америкаликлар испанчани ёмон гапиришганидан эмас, балки мексикаликни қовоқбош, деб билишар, шу боис испанча гаплашганимиз билан у тушунмайди, деб ўйлашарди. Муҳандис стол устига лойиҳа зонасининг харитасини ёйганида у тирсагини столдан кўтарди. Иккинчи америкалик, кон шу қадар бойки, уни йигирма биринчи асрнинг ўрталарига қадар тўла қувват билан ишлатиш мумкин деди; ҳеч нарса қолмагунча тўла қувват билан, тўла қувват билан... Бу гапни етти бор такрорлагач, харитадан ҳозиргина унга учбурчақ яшил геологик белгилар туширган муштини олди. Сўнг америкалик кўзларини қисиб, ўша ерда кедр ва каобо ўрмонлари ҳам бой экани, мексикалик ҳамқори ўрмондан юз фоиз фойда кўришини айтди. Бу ишга Шимолий америкалик ҳамқорлари аралашмаса ҳам, ҳар эҳтимолга қарши ўйлаб иш тутиш кераклигини маслаҳат берди: чор тарафда қанчалаб дарахт беҳуда кесилиб кетмоқда, дейишди улар. Ёғоч пул эканини тушунтиришга на ҳожат? Айтганча, бу уларга муҳим эмас; муҳими, ўрмон остида ёки четларида олтингугурт конларининг ётгани эди.

У жилмайиб, стол ортидан турди. Узун бармоқларини белига қўйиб, ўчиб қолган сигарасини бошқа бир америкалик гугурт ёқиб тутгунча оғзида чайнаб турди. Ўчиб қолган сигарасини устма-уст тортиб тутатди. Шерикларидан икки миллион доллар нақд пул сўради. Улар ниманинг ҳисобига деб сўрашди ва уч юз минг доллар ҳиссаси билан буни жон деб ўз ҳамқорлари учун беришини, аммо сарфланган сармоя фойда келтирмагунча ҳеч ким бир сентаво ҳам ололмаслигини қистириб қўйди. Муҳандис-геолог кўзойнагини кўйлагининг чўнтагида олиб юрган чарм парчаси билан тозалади, бошқа америкалик стол билан дераза ораллиғида зир қатнарди. Шунда у ўз шартини қайтарди: гап аванс ҳақида ҳам, кредит ҳақида ва шунга ўхшаш бошқа нарса ҳақида ҳам бормаяпти. Бу - концессия учун тўланиши керак бўлган нарх. Аввалдан тўланадиган бундай бадалсиз улар концессия олишолмайди. Вақти-соати келиб, улар унинг бу ҳадясини қоплашади, аммо унингсиз, ҳомийсиз, “ҳимо-

ячисиз”, “frontman” сиз - бу иборалари учун кечирим сўради, - улар кон-цессияга эришолмайдилар ва конни ишга туширолмайдилар. У тугмачани бо-сиб, котибини чақирди. Котиб бир талай рақамларни бидирлаганча баён этди, америкаликлар “О.К.” дея минғирлашди ва бир неча бор: “О.К., О.К., О.К.”¹ деб такрорлашди. У жилмайган куйи шерикларига икки стакан вис-ки таклиф қилди ва олтингугурт ишлаб чиқаришни йигирма биринчи аср-нинг ўрталарига қадар давом эттириш мумкинлигини, аммо унинг ўзи улар-га йигирманчи асрда бир дақиқа ҳам ишлаб чиқаролмаслигини айтганида ҳам-малари стаканларни уриштиришди, хорижликлар секингина бир бор “S.O.B.”², дея шивирлашганча бир-бирларига қараб жилмайишди.

Она-бола қўл ушлашганча секин кетиб боришарди. Улар пештахталардан кўз узмай, ҳар бири олдида тўхтаб: “Жуда чиройли, аммо қиммат; нарироқ-да янаям яхшиси бор, оҳ, бунча чиройли...” деганча гап сотиб боришарди. Охири чарчаб, қавҳахонага киришди. Чуғур-чуғур лотерея чиптаси сотиб ўтир-ганлар ва энгил чанг кўтарилиб димоққа урадиган, ҳожатхона ва кириш эшиги йўлагидан узокроқ бир кулай жой топишиб, икки қадаҳ “Канада дрей” ичим-лиги буюришди. Она упа суртиб, упадон ойнасида ўзининг қаҳрабо кўзлари-га тикилиб турди, аммо нигоҳи кўзлари тагида осилиб қолган халтачаларга тушдию шартта упадонни ёпиб қўйди. Уларнинг иккови ҳам қадаҳ тагидан кўтарилаётган майда пўфакчаларга термулганча газ учиб чиқишини пойлаб туришарди - мана энди уни майдалаб ичса бўлади. Қиз ўгринча оёғидаги туфлини ечди ва намлаган бармоқларини ҳузур қилиб ўйнатди, сеньора эса пўртаҳол ичимлигига қараб, ўз уйидаги алоҳида, аммо бир-бирига ўтадиган ётоқхоналарни, ҳар кеч ва ҳар тонг эшикдан эшитиладиган йўтал товуши-ни, бошмоқларнинг полга шап-шуп урилишини, дераза тагига қўйилган ка-литлар жарангини, кийим жавонининг гийқиллашини, баъзан эса ухлаётган кимсанинг бир маромда хуррак отишини эслаб ўтирарди. У эти жимирлаёт-ганини сезиб қолди. Дастлаб бу бугун эрталаб у оёқ учида юриб, ёпиқ эшик олдида яқинлашганида рўй берган эди. Одатдаги товушлар унга мубҳам ва сирли туюлгани қизиқ эди. У ўрнига қайтиб келиб, адёлга ўранди ва каштан барглари орасидан сизиб ўтиб, дераза орқали тушаётган қуёш нурларига ти-килиб турди. Совуқ чойдан ҳўплаб, яна пинакка кетди. Бугун қилажак иш-ларимиз бошимиздан ошиб ётибди, деб уни қизи уйғотган эди. Ҳозир эса муздек қадаҳни бармоқларида ушлаганча у бугун эрталабки дамларни эс-ларди.

У айланма креслосида шундай шидат ила бурилдики, пружиналар ғижир-лаб кетди. Котибидан: “Бирорта Мексика банки таваккалчилик қила олади-ми? Ё менга ишонадиган бирорта ҳам мексикалик қолмадими?” деб сўради. Сариқ қаламни олиб, уни котибининг юзига тўғрилади: майли, бу тасдиқ-лансин, майли бунга Падилья гувоҳ бўлсин - ҳеч ким таваккалчиликка бо-тинолмади, у эса жануб ўрмонларидаги беҳисоб бойликнинг чириб кетиши-ни хоҳламасди. Агар гринго³ нинг бисотида ҳеч нарса бўлмаса, лойиҳаларни амалга оширишга ким пул беради? Котиб соатга ишора қилди. У хўрсиниб: “Бўпти”, деди ва котибини тушликка таклиф этди. Улар тушликни бирга қилиши мумкин эди. Падилья бирор янги жой борлигини билмасмикин? Котиб шу яқиндаги муюлишда, одам кам келадиган; пишлоқли, ошқовоқли, қўзи-қоринли ажойиб пирожкалар тайёрладиган сўлимгина бир жой борлигини айтди. Борса бўлади. У толиққанини сизди; кечкурун идорасига боришга тоби келмади. Ахир битимни нишонлаш керак. Бундан ташқари улар ҳеч қачон бирга тушлик қилишмаган эди. Улар сассиз зинадан тушиб, Бешинчи май авенюси бўйлаб кетишди.

- Сиз ҳали ёшсиз. Ёшингиз нечада?
- Йигирма еттидаман.
- Тугатганингизга анча бўлдимиз?

¹ О ` к с й (ингл.) — яхши, дуруст.

² И т д а н т а р қ а г а н (ингл — son of bitch).

³ Шимолий америкаликлар мексикаликларни шундай аташган.

- Уч йил бўлди. Фақат.
- Нима фақат?
- Назария бошқа, ҳаёт бутунлай бошқа экан.
- Бунга ҳайрон қоляйсизми? У ерда сизларга нимани ўқитишган ўзи?
- Масалан, марксизмни. Мен ҳатто қўшимча қиймат ҳақида иш қилганман.
- Ёмон фан бўлмаса керак. Нима дединг, Падилья?
- Шундай-куя, лекин бошқачароқ яшашга тўғри келади.
- Нима, сиз марксчимсиз?
- Нима десам экан, менинг ҳамма жўраларим шу йўлни босиб ўтган. Бу ёшлиқдаги ҳавас бўлса керак.
- Ресторан қаерда?
- Яқин қолди, муюлиш ортида.
- Яёв юришга тоқатим йўқ.
- Яна озгина юрайлик.

Улар харид қилган нарсаларини бўлашиб олиб, шофёр кутиб турган Бадиий санъат саройи томон йўл олишди. Иккови ҳам бошларини худди лока-тор антеннасидек у пештахтадан бу пештахтага буриб, секин юриб боришарди. Баногоҳ онаси қалтираганча қизининг қўлидан маҳкам ушлаб, пакетини тушириб юборди. Уларнинг шундоқ рўпарасида иккита ит бир-бирини қора қонга ботирганча ғажишди; охири ажралди-да, яна асфальтда сакраб-сакраб вов-вов қилганча ўйнай кетди. Бири қанжиқ, бири эркак бўлган бу итлар дайди бўлиб,, кўнгилни айнитадиган даражада исқирт эди.

Қиз пакетни олиб, онасини автомобиль тўхтаган жойгача қўлтиқлаб борди. Улар машинага ўтиришгач, шофёр Лас-Ломас¹ га ҳайдайверайми, деб сўради. Қиз ҳа, қайтамиз, онамни итлар қўрқитиб юборди, деди. Сеньора, ҳечқиси йўқ, ҳаммаси ўтиб кетди, қутилмаганда, нақ бурнимнинг тагида юз берди: лекин бугун кечқурун яна марказдаги дўконларга келиб бир талай нарсалар харид қилмасам бўлмайди, деди. Қизи, шошилмаса ҳам бўлади, деб бир ойдан ошиқроқ вақт борлигини қистириб қўйди. Онаси бунга эътироз билдирди. Вақт елдек ўтиб боряпти, деди у, дадангнинг эса тўй парвойига келмаяпти, ҳаммасини елкамизга ташлаб қўйган. Устига устак, сен ўзингни тута билишни ҳам ўрганишинг, биринчи учрашган одамга қўл узатмаслигинг керак. Ишонаманки, бундай ҳаракатларинг дадангга унинг қанчалик катта одам эканини эслатиб қўярмиди. Кошки эслатса. Ҳалигача эллик иккига кирганини сезмайди. Тезроқ фарзандлик бўлсанг эди. Ҳар эҳтимолга қарши, тўй отанга никоҳнинг фуқаролик ва диний маросимлари пайти менинг ёнимда бўлиши кераклигини ўқдириб қўяди, у табрикларни қабул қилиши ва ҳамманинг уни камолотга етган, батартиб одам экан, деб ҳурмат қилишини кўриши керак. Зора, бу унинг эсини жойига келтириб қўйса. Зора.

Мен унинг қўллари баданимга енгилгина тегаётганини сезиб турибман, четга суриб ташламоқчи бўламан, аммо мажолим етмайди. Каталина, эркалашингга зор эмасман, йўқ, зор эмасман. Беҳуда уринаясан. Сен менга нима дейишинг мумкин? Айнан бугун мудом тилим учида турган сўзни топдим, деб ўйлайсанми? Бекор гап. Яхшиси тилингни тий. Уни беҳуда чирантирма. Ўзлигингча қол, риёкорлик қилишга тиришма, охиригача ўзлигингча қол. Ана қизинг Тересадан ўрناق ол. Қизимиз. Шундай дейишга сира тилим бормайди. Қизимиз. Унинг қўлидан мунофиқлик келмайди. Қара, нима дейишини ўйламаяпти ҳам. Қўллари йиғиб, қора кўйлак кийганча кутиб ўтирибди. У мунофиқлик қилмаяпти. Ҳарҳолда мен унинг: “Ҳаммаси тезроқ тугаса эди. У бизни ўлдиргудай касалманд кўринишга лаёқатли”, деб сенга айтаётган гапларини эшитмаяпман. У сенга шунга яқинроқ гапни айтди. Шунга яқинроқ гапни бугун эрталаб, узоқ ва осойишта уйқудан турганимда сенга айтганини эшитган эдим. Менга кечаси хапдори беришган бўлса керак. Сен эса тахминан: “Эй худо, лоақал, у бу азоблардан тезроқ қутулса эди”, деб жавоб бердинг. Сен қизингнинг гапларига ўзгача маъно бермоқчи бўлдинг.

¹ Мехиконинг бой-дабавлатлар яшайдиган даҳаси.

- Ўша куни эрталаб, мен уни зўр қувонч билан кутиб олган эдим. Кейин биз дарёни отларда кечиб ўтдик, - дея шивирлаб айтган гапларимни қаёққа буришни билмайсан.

Ҳой, Падиля, бери кел. Магнитофонни олиб келдингми? Агар сен ўз ишингга пухта бўлсанг, менинг Койоаканодаги уйимга ҳар куни кечқурун олиб бориб турганингдек, бу ерга ҳам олиб келасан. Бошқа вақт бўлмаса ҳам, лекин сен бугун албатта ҳаммаси рисоладагидай бораётганини очиқ-ойдин намоён этишинг керак. Падиля, расм-русумни унутма. Ие, ана, сен ҳам келибсан. Анави иккови ҳали сени олдимга киришингга изн бермайди.

- Йўқ, лицензиат, биз сизга ижозат этолмаймиз.

- Сеньора, бу кўп йиллик урф-одатимиз.

- Сиз унинг ўлар ҳолда эканини кўрмаяпсизми?

- Синаб кўришга рухсат этинг. Ахир ҳаммаси тайёр. Аппаратни ула-сам, бас.

- Масъулиятни зимангизга оласизми?

- Дон Артемио... Дон Артемио... Мен эрталабки ёзувни олиб келдим...

Мен ўрнимдан туряпман. Кулишга ҳаракат қиламан. Ҳаммаси рисоладагидай боряпти. Падиля жуда фидойи. Унга бемалол ишониш мумкин. Ҳа, у менинг меросхўрим ва мол-мулкларимнинг доимий бошқарувчиси бўлишга лойиқ. Ундан бошқа ким ҳам эплайди? У ҳамма ишдан бохабар. Эҳ, Падиля. Сен ҳали ҳам идорада ўтказган музокараларимнинг магнитофондаги ёзувларини йиғиб боряпсанми? Ҳа, Падиля. Сен ҳамма ишдан кўз-қулоқсан. Мен сенга тузукроқ маош тайинлашим керак. Мен сенга ўз обрўйимни васият қиламан.

Тересанинг юзини очилган рўзнома саҳифалари тўсиб турибди.

Қора ридо кийиб, қўлига қудсий сув сепувчи чўткача ушлаган ҳазрат, мени барча расм-таомилларга риоя этган ҳолда нариги дунёга жўнатмоқчи бўлиб келганини билиб турибман. Ҳе-ҳе, мен эса уларни тузлаган эдим. Ана, Тереса ҳиқиллаб ўтирибди... Бурнидан мишиғини оқизиш учун сумкасидан упадонини олиб, бурнига суртмоқда. Ўзимча тобутим қабрга қўйилаётган пайти аёлларнинг қай тариқа ҳиқиллаб йиғлаши ва шу заҳоти бурунларига упа суртаётганини тасаввур этаман. Жин урсин, мен ўзимни яхши ҳис этапман... Қаники, манави ҳид, гижимланган чойшабга ўрнашган ҳидлар димоғимга урилмаса, агар кулгимни қистаётган, ўзим булған доғларни кўрмасам... Хириллаганча узук-юлуқ нафас оламан. Демак, уни ҳузуримга киритиши учун анави қора қарга билан муросага келишим керак, дейсизми? Оҳ-ҳо. Оҳ-ҳо. Бир маромда нафас олишга уринаман... Муштимни қисаман. О-о-ҳ... тишларимни такиллатаман, ёнимда эса унга белангандай оппоқ юзни кўраман, шу боис эрта ёки индин - балки юз бермас? Албатта, юз бермайди... - барча рўзнобаларда: “Муқаддас черковимизнинг гуноҳларидан фориг бўлиб...” деган сўзлар пайдо бўлади. Соч-соқоли тақир олинган кимса бўйнимдан ўсиб чиққан кулранг тукларга яқинлашди. Чўқиниб, “Гуноҳқорсан...” дея шивирлайди, мен эса фақат юзимни буриб, истеҳзоли кулишим мумкин ва бир куни кечаси аллақандай гадоё ва иркит дурадгорнинг завқ билан ўн гулидан бир гули очилмаган қизни тагига босаётгани, болалик бўламан деб юрган боёқиш қиз эса ота-онасининг гапига ишониб, оқ қабутарларни сонлари орасига қисган, оқ қабутарларни боғда юбкаси тагига яшириб юрган лавҳани ўзимча тасаввур этаман ва унинг ҳам кўришини хоҳлайман. Дурадгор уни ҳирсга ботиб босган, чунки у жуда чиройли, ҳа жуда чиройли бўлган, мана бу жирқанч Тереса эса ғазаб билан ҳиқиллаб йиғламоқда, рангида ранг қолмаган, ўзининг портлашига сабаб бўладиган менинг сўнгги исёнимни ичиқоралик билан қутмоқда. Уларнинг хотиржам, ташвишсиз, эътирозсиз ўтиришини кўрмоқ эриш туюлади. Менинг сабру бардошим яна қанчагача етиши мумкин? Аҳволим ҳозир айтарлик ёмон эмас. Эҳтимол тузалиб кетарман - оҳ, бу уларга қанчалар зарба бўлиб тушади! Тўғрими? Мен шунда икковингнинг ҳам тугёнга келишларинг, сохта эркалашларингни қандай улоқтиришларинг, барча меҳрибонликларингни қандай унутишларингу томоқларингда бўғилиб қолган ҳақорат ва кўзларингда ёниб турган нафратларингни кўрмоқ

истаб, зийракроқ бўлишга ҳаракат қиламан. Менинг эса қон айланишим ёмон, холос. Бу кўрқинчли эмас. Оҳ, уларни кўрмоқ қанчалар жонимга теккан. Дунёга сўнгги бор боқаётган, базўр нафас олаётган одам учун хуш ёқадиган нарсалар ҳам бор-ку. Ҳа, мени унисига эмас, атай шу уйимга олиб келишган. Уҳ, сен қанчалар зийраксан. Падильяни сўнгги бор сўкишимга тўғри келади. Ахир менинг уйим қаердалигини Падилья билади-ку. У ерда мен ўзимга ёққан нарсалардан завқ туйишим мумкин эди. Мен кўзимни каттароқ очиб, шифтдаги қадрдон бўлиб кетган тўсинлар, каравот бошига кўрк бериб турган тилла парча, тунги столдаги канделябрлар, бахмал суюнчиқли креслолар, Богем чиннисидан ясалган стаканларни яна бир бор кўрмоққа тиришдим. Олдимда Се-рафин гиргиттон бўлиб чекар, тутуни эса димоғимга уриларди. У ҳам ўзим айтганимдек кийинган бўларди. У беўхшов қора матога ўранмай тузукроқ кийинар, кўзёшларини тўкмай ўтирарди. У ерда мен ўзимни қария ва ҳорғин ҳис этмасдим. Ҳамма нарса менга ҳали тирик эканим, одамохун, бутунлай, ҳа бутунлай илгаригидек одам эканимни эслатадиган даражада ясатиларди. Жирканч, қария, олифба мунофиқлар нега менга шарти кетиб парти қолганимни эслатиб ўтиришибди? Нариги уйимда ҳамма нарса муҳайё, ҳамма нарса тап-тайёр бўлса. У ерда бундай ҳолларда қандай тутиш лозимлигини билишарди. Эслашимга ўрин қолдирмасди. Ким бўлганимни эмас, кимга айланганимни гаплашишарди. Умуман тушунтиришга зарурат туғилмагунча, ҳеч ким ҳеч нарсани тушунтирмасди. Ҳа. Бу ерда нима билан овунишим мумкин? Ҳм, улар гўё мен ҳар кеча мана шу ётоқхонага келишим ва шу ерда ётишимга бошқаларнинг ҳам ищонишлари учун қўлларидан келган ҳар неки ишни қилишганини кўриб турибман. Эшиги хиёл очиқ ҳожатхонани, шкафдаги ҳеч қачон кийилмаган пиджаклар, кир галстуклар, янги туфлини кўриб турибман. Ёзув столи устида ҳеч қачон ўқилмаган китоблар, ҳеч ким имзоламаган қоғозлар уюмини кўриб турибман. Нафис ва катта мебелни ҳам кўряпман, улар чанг босган китобларни қачон чиқаришга улгуришди экан? О-оҳ... Ана дераза. Дераза ортида эса яхлит олам. Ясси тоғлардан эсаётган шамол қорамтир ниҳолларни тебратмоқда. Нафас олиш мумкин...

- Деразани очинглар...

- Мумкин эмас. Шамоллаб қоласан, бадтар бўлади.

- Тереса, даданг гапингни эшитмади...

- Гўлликка олиб ётибди ўзини. Кўзини юмиб, гўлликка олиб ётибди.

- Тек ўтир.

- Ўзинг тек ўтир.

Улар жим қолишди. Бошимдан нари жилдилар. Мен қовоғимни очмайман. Падилья билан ўша куни тамадди қилгани борганим эсимга тушади. Ҳа, мен ўша оқшомни эслай олдим. Мен америкаликларни ўзлари бошлаган ўйинда ютиб чиқдим. Буларнинг баридан ёмон ҳид келади, аммо илимли. Менинг танам яна илий бошлади. Чойшаблар илиқ. Мен кўпларни доғда қолдирганман. Мен ҳаммадан ғолиб келганман. Дарвоқе, томирларимда қон жимирламоқда, ҳадемай соғайиб кетаман. Ҳа, югургиламоқда ва илимоқда. Ҳарорат ҳам бағишляпти. Мен уларни кечираман. Садқай сар. Нимани хоҳлашса, ўша ҳақда сафсата сотаверсин. Уларни жин урсин. Мен уларни кечираман. Қанчалар иссиқ. Ҳадемай соғайиб кетаман. Оҳ...

Сен америкаликларни ўзингни ҳурмат қилишларига мажбур этганингдан завқ оласан. Улар сени ўзимизники деб ҳисоблашлари учун ўлиб-тирилиб ҳаракат қилганингга икром бўл. Сенинг мана шу даражага етишишинг; қўлинг тегиши ҳамона қиммат газламаларни, қиммат ликерлар таъми, қиммат лосьонлар ҳидини баҳолай бошлашинг деярли энг катта орзунг эди; - буларнинг ҳаммаси кейинги йилларда, ёлғизликдаги яккаш овунчоғинг бўлиб келди. Сен айнан шундан кейин ўз нигоҳингни шимолга қаратдинг. Шундан бери сенинг барча жабҳада улар билан тенглашишингга жўрофий саҳвлар ором бермаяпти. Сен уларнинг шижоати, уларнинг бадастири, уларнинг тан софлиги, уларнинг қудрати, уларнинг иродасидан тонг қоласан. Атрофга назар соласан, сенга ялқов, қашшоқ, ифлос, нотовон, яланғоч, ночор ва йўқсил мам-

лакатингга тоқат қилиб бўлмайдигандай туюлади. Устига-устак ўз саъй-ҳаракатларинг маъносизлигини, барибир улар каби бўлолмаслигингни англаш сенга бениҳоя оғир ботади. Нари борса уларнинг нусхаси бўлишинг мумкин. Улардек бўлолмайсан, чунки булардан бўлак, ҳаётнинг барча жиҳатлари - энг оғир ва энг бахтиёр кунларни ҳис этишинг уларникидек жўн эмаслигини биласан. Аксинча, сен минбаъд, фақат оқ ёки фақат қора, фақат яхши ва ёмон, худо ёки шайтон мавжуд, деган ҳаёлга асло келмагансан. Ҳамиша, ҳатто эҳтимоли тугилмаган қора нарсада ҳам сен оқ шуъла, зарра борлигини топа олгансан. Шафқатсиз бўлган кезларингда, ўз шафқатсизлигинг сени меҳрдан бутунлай мосуво этганмиди? Сен ҳар қандай нарсанинг иккинчи қарама-қарши томони: қаҳр ва меҳр, ожизлик ва ботирлик, ҳаёт ва ўлим борлигини биласан. Бир амаллаб, қарийб беихтиёр - шундай эканинг ва шу ерда тугилганинг, умргузаронлик қилганингни ҳис этасан ва шу сабабдан ҳеч қачон уларга, бундан беҳабар одамларга ўхшай олмаслигингни сезасан. Сенга ёқмайди-ми? Ўз-ўзидан аёнки, бу анча ноқулай, ҳатто уятли. Мана яхшилик, мана ёмонлик, деб айтиш эса анча осон кўчарди. Ёмонлик. Уни аниқлаш сенга оғирлик қилади. Балки бу биз мексикаликларнинг ўзимизга унчалик ишонмаслигимиз ҳамда ёруғлик ва соя ўртасидаги ғира-шира, ўтиш чизиғи ўчиб кетишини хоҳламаслигимиз сабабдир; бу чизиқ ўзига ҳамма жойда баҳона топади. Сен ўзингга баҳонани қайдан топишинг мумкин эди: чунки сен каби ҳар бир киши ўз ҳаётининг аллақайси лаҳзаларида - ўзида бир вақтда яхшилик ва ёмонликни мужассам этиши, кейинчалик яна ўз қўлида бирлашиши учун бир калавадан тарқаб, бора-бора оқи юқорига, қораси пастга ажралиб кетадиган икки хил рангдаги сирли ришталар ортидан бориши керак.

Ҳозир сенинг булар ҳақида ўйлагинг келмайди. Бу огоҳлантирув учун сен ўзингдаги “мен”ни ёмон кўриб қоласан. Сен ҳамиша улар каби бўлишни хоҳладинг, мана энди, қариган чоғингда деярли бунга эришдинг ҳам. Аммо “деярли”. Фақат “деярли”. Сен ўз-ўзингга уни унутишга имкон бермайсан, сенинг жасоратинг - ҳамиша кўрқоқлигинг билан бақамти юради, сенинг нафратинг сенинг муҳаббатингдан тугилади, сенинг бутун ҳаётинг охиратингни аниқлаб беради. Сен на яхши, на ёмон бўласан; на мурувватли, на худбин бўласан; саховатпеша ҳам, сотқин ҳам бўлмайсан. Майли одамларнинг ўзи сенинг ҳиммату иллатларинг меъёрини аниқласан, бироқ ўзинг ҳар бир тасдиғинг инкорга, инкоринг тасдиққа олиб келишини биласан-ку.

Сенинг бутун ҳаётинг, айтганча, бошқа одамларнинг ҳаёти ҳам ранг-баранг иплардан тўқилишини, эҳтимол, сендан бошқа ҳеч ким билмас; бу турмушингни ўзинг хоҳлагандай олиб боришинг учун кўп ҳам, оз ҳам эмас, қанча керак бўлса шунча имкон беради. Бошқа эмас, айнан ўзинг хоҳлагандай киши бўлишинг учун, бу мантиққа қанчалик зид келмасин, сенинг танлаб олишингга тўғри келади. Сенинг ҳар бир танловинг келгуси ҳаётинг ўзга йўллари инкор этмайди, унутишга лойиқ нарсаларни улоқтирмайди, аммо ҳаёт оқими тораяди, бу торайиш пировардида сенинг танловинг ва сенинг ҳиссанг яхлит ҳолга келмагунча давом этаверади. Медални фақат олд томонидан кўрадилар: сенинг истагинг сенинг тақдирингга мос тушади. Ўлимчи? Нима ҳам дердим, бу биринчи марта рўй бериши эмас. Сен кўплаб ўлик кунларни, кўплаб беҳуда вақтларни бошдан ўтказасан. Каталина қулоғини сизларни ажратиб турадиган эшикка босиб, тиқ этган товушни эшитаётганда; сен ўзингни пойлашаётганини, ҳаётинг товушлари ва акс садоси ортида кимдир яшаётганини билмайсан,- бундай айрилиқда ким яшай олади? Қачонки иккови ҳам бир сўз зарурлигини билса-да, иккови ҳам жим тураверса,- бундай жимликда ким яшай олади? Йўқ, бу ҳақда ўйлагинг келмайди. Сен бошқа нарсани: йиллар хотирадан ўчириб юбораётган исм, қиёфаларни эсламоқчи бўласан. Аммо сен яхши нарсалар ҳақида ўйласанг - анча энгил, ҳа, анча энгил қутулиб қолишингни биласан. Аввалига ҳаётингнинг мушкул дамларини эслайсан, улардан халос бўлганинга эса, бахтиёр дақиқалар ҳақида ўйлаш - қутулиш, деб ҳисоблашларинг сен учун росмана саваш эканини тушуниб етасан. Ёшгина Каталинани илк бор кўрганингни эслаганинга уни беихтиёр ҳозирги - бемаъни ва совуқ аёл билан таққослайсан. Нега бундай

бўлди, деб бош қотирасан. Ўшанда у ва бошқалар нималар ҳақида ўйлаганини тасаввур этишга уринасан. Сен бунни билолмайсан. Ўзингча тасаввур эта бошлайсан. Сен ҳеч қачон бировларнинг гапига қулоқ солмагансан. Энди ўша дамларда эшитган барча нарсаларни бошдан ўтказишга тўғри келади.

Кўзингни юм, юм. Тутатқини ҳидлама, хўрсиниқ йиғиларга эътибор берма. Сен бошқа кунларни, бошқа воқеаларни хотирлайсан. Тунлари сенинг юмуқ қовоқларинг ичига кирадиган кунларни сен овозига қараб ҳам, кўринишига қараб ҳам ажрата олмайсан. Сен кўрмасдан туриб, тунга ишонишинг ва уни тан олишинг керак; сен билмасдан туриб, тун - сенинг ўтган кунларинг худоси эканига ишонишинг керак. Сен кўзимни юсам бас, хотиралар ўз ўрнига тушиб кетади, деб ўйлайсан. Гарчи оғриқ қайталанаётса ҳам беихтиёр лабларингни кулига ҳозирлайсан; оёқларингни узатмоқчи бўласан. Кимдир қўлларингдан тутайди, лекин сен бу карашмага жавоб қайтармайсан, - гам-хўрликми, аламми ёки ҳисоб? - чунки сен кўзингни юмиб тунни яратасан, қоп-қора уммон тубидан сен томон тош кема бостириб кела бошлайди. Исидан ва танбал тушки офтоб унга беҳуда нур ёғдирмоқда: ҳиндилар ҳужумидан сақлайдиган, ўз паноҳида конкистадор-черковчилар билан конкистадор-аскарларни бирлаштирган черков деворлари баҳайбат ва қора. Сенинг юмуқ кўзларинг томон қулоқни батанг қиладиган сурнайлар чинқириви ва ногоралар гумбури остида Изабелланинг шафқатсиз испан қўшинлари бостириб келмоқда, сен қуёш тиғи остида очиқ осмон қўйнидаги насронийлар саждагоҳининг ҳиндилар талқинидаги тошхочли ва бурчаклари очиқ меҳробсиз кичик бутхонаси ўрнашган кенг эспланадани кесиб ўтасан. Эспланада ўртасидаги баланд черковнинг бинафша тош куббалари конкистадорларни қонга ботирган, янги қон рамзи сифатида унутиб қолдирилган Мавритания қиличлари устида савлат тўкиб туради. Сен бўлиқ ток ва куббаларни боғлаб турувчи ёшишли устунларда бургут акс этган, испанча илк барокко услубида тикланган пештоқ сари, совуқ ва бой безакли, бир оёғи билан қадимий, ўлик дунёда, бошқаси билан янги дунёда турган, четда, уммоннинг нариги соҳилида туғилган Конкисто пештоқи сари йўл оласан. Янги дунё ўзининг сезгир, қувноқ, очкўз юракни муҳофаза қилишга мўлжалланган совуқ деворлари билан бирга келди. Сен яна илгарилайсан ва ҳиндилар осмонидан ёғилган авлиё ва фаришталар, маъюс ва самимий боқувчи ҳиндилар худолари кўплигидан Кастилья манзаралари хира тортган ибодатхона-кеманинг нефига кирасан. Кенг неф олтиндек ярқироқ барглар ва кўплаб ваҳимали одам-ниқоблар билан зийнатланган меҳробга олиб боради. Бу ер - пухта ўйланган ва бамайлихотир эркин меҳнатда, ранг ва шаклнинг мустақил танловида, қамчи, кишан ва қора чечак дунёсидан йироқда мужассам этиб келаётган, уни жонсиз гипс ҳайкалчалардаги мутелик, шавқсизлик ва ўтган давр ваҳимасига тўлдириб, абадулабад фаровонликка - ҳур, фақат ҳур ниятларга чорловчи, ибодатхонага зийнат берувчи ҳазин ва тантанали ибодатлар жойи. Сен ўзинг яратган Янги Дунёни ишғол этиш ниятида оёқ қўйишга жой топилмайдиган неф бўйлаб борасан. Деворларда фаришталарнинг боши, серҳосил новдалар, рангбаранг супургилар, чирмовуқларнинг думалоқ, қизил мевалари, рангпар авлиёлар; нигоҳи ғуссага ботган авлиёлар; ҳиндилар ўз талқинлари бўйича яратган авлиёлар: юзи қуёшу ойга монанд, қўли билан ҳосилни кўриқлаётган, бармоқларига етакчи итлар тизимчасини тутган фариштаю авлиёлар; авлиёлар санамларга ёт гайритабий кўзлар ва циклопларнинг важоҳатли қиёфасида боқиб туради. Ниқоблар ортида яширинган тош қиёфалар - бинафша, олижаноб, бегуноҳ, аммо эҳтироссиз ўлик ниқоблардир. Тунни чорла, қора елканларни кўтар, кўзингни юм, Артемио Крус...

(1919 йил 20 май)

У Гонсало Берналь ҳаётининг Пералес қамоқхонасида кечмиш сўнгги кунлари ҳақида сўзлаб бериши билан кўз ўнгида эски уйнинг эшиги ланг очилди.

— Ўғлим ҳеч қачон гуноҳ ишга қўл урмаган эди, - деди дон Гамалиэль Берналь, - у ҳар доим ҳушёр ғоялар билан суғорилмаган зўравонлик одамларни

итоаткор этади, йўлдан чалади, истасак-истамасак табиатимизни ўзгартиришга мажбурлайди, деб ҳисобларди. Уйдан чиқиб кетишига ҳам шу фикри сабабчи бўлган, деб ўйлайман. Тўғриси, у қисман ҳақ, чунки мамлакатда кечган бўҳрон ҳаммага, ҳатто ўз гўшасидан бир қадам жилмаганларга ҳам таъсир этди. Йўқ, мен фақат изоҳ бермоқчиман холос, ўғлим ўз бурчини қўзғолончиларга қўшилишда ва уларга изчил ғояларни уқтиришда, тушунтиришда, деб билди. Гонсало, назаримда, ўзининг бу мулоҳазалари бошқаларга ибрат эмаслигини, ҳаракатлари билан амалда исботлашини хоҳлаган. Янаям билмадим - унинг фикрлари хийла мураккаб эди. У кўпроқ сабр-тоқат ҳақида гапирарди. Унинг қаҳрамонларча ўлганини эшитиб, хурсанд бўлаётирман. Хонадонимга ташриф буюрганингиздан мамнунман.

Қария Берналнинг уйига келган меҳмон осмондан тушган эмас эди. Бу ерга келаётиб, у Пуэблода тўхтаган, бир қанча одамлар билан гурунглашиб, ўзига зарур маълумотларни сўраб билган эди. Шу боис у эскироқ ўриндикнинг чарм суйанчиғига бошини қўйганча қариянинг ғаройиб гапларини безрайиб тингларди. Чироқнинг сарғиш нури юзининг четига қатъийлик бағишлаб турар, кутубхона жавонларига ўтирган қалин чангни аниқ намоён этарди. Шифт баробар китоб жавонларига терилган оғир фолиантларни - география, санъат ва табиий фанларга оид француз ва инглиз иншоларини жигарранг полда из қолдирувчи гилдиракли нарвонча ёрдамида олиш мумкин эди. Дон Гамалиэль, одатда, ҳозир қарияларга хос юмшоқ қўлларида маҳкам тутган лупа билан ўқирди; қария куёшнинг қияма нури линзадан ўтиб, йўл-йўл шимининг ҳафсала билан дазмолланган қатида ялт этган ёрқин доғ туширганини сезмай қолди. Аммо у буни сезган эди. Файритабиий жимлик икковини ҳам ўнғайсиз ҳолга солиб қўйган эди.

- Кечирасиз, мен сизга бирор нарса таклиф қилсам бўладими? Яхшиси, биз билан овқатлана қолинг.

Дон Гамалиэль қўлини кўтариб, меҳмонни астойдил таклиф этди; лупа ориқ - қоқсуяк одамнинг тиззасига сирғалиб тушди; бошидаги, ёноқ, иягидаги ялтироқ сарғиш сочлари селкиллаб кетди.

- Ҳозир мен ҳеч нарсдан кўрқмайман, - деди соҳиб меҳмонга бирмунча фурсат олдин. Овози эркин жарангларди, аммо ҳурмат-дилкушо суҳбат оҳангида гоҳо қатъийлик сезиларди. - Менинг маълумотим сариқ чақага ҳам арзимайди, - у лупа билан жавонларга лиқ тўла китобларни ишора этиб, - буларнинг ўзгаришлар муқаррарлигини тушунишимга заррача нафи тегмаган бўлса? Хоҳлаймизми-йўқми, нарсалар бошқача аҳамият касб этмоқда. Ўтмишдан хўрсиниб, ўзимизни овсарликка олишимиз нимаси? Хаёлга келмаган нарсалар билан мураса қилиш анча оғир! Хоҳласангиз, буни бошқача ҳам айтишимиз мумкин. Мана сиз, сеньор... Кечирасиз, сизнинг вазифангиз ёдимдан кўтарилибди... Айтганча, подполковник, подполковник... Менга сизнинг насл-насабингиз, қисмагингиз қоронғи... Аммо сизга ҳурматим бале, чунки сиз ўғлим билан ҳаётининг сўнгги дақиқаларида бирга бўлган одамсиз... Хуллас, сиз воқеалар иштирокчисисиз, унинг боришини илгаридан билармидингиз? Қўлим калталиқ қилиб, мен ҳеч нарсага аралаша олмадим. Эҳтимол, бизнинг фаоллигимиз, сусткашлигимиз мана шу жиҳатдан ўхшашдир, иккови ҳам узоқни кўра олмайди, ожиз. Ҳарқалай қандайдир тафовут бўлиши керак ва мавжуд... Сиз нима дейсиз? Ахир...

Меҳмон самимий муносабат ўрнатиш учун, оталик муҳаббати ниқоби учун анча қатъиятли бўлган қариянинг қаҳрабо - қотиб қолган кўзларидан нигоҳ узмай турди. Эҳтимол, бу салобатли имо-ишоралар, аниқ юз ва оппоқ соқолларнинг ҳиммати, бошларнинг ҳурмат-этиборли эгилишлари табиий эди. Бироқ, табиийликни ҳам жуда чиройли йўсинда ижро этиш мумкин, деб ўйларди у; ниқоб алоҳида мавжуд бўлмаган, ниқоб тагида бўлмаган юзни ҳам бағоят аъло даражада намоён қилади. Дон Гамалиэлниқ ниқоби ҳақиқий қиёфасига бениҳоя ўхшашлиги қалбида безовталиқ уйғотарди: уларни бир-биридан ажратиб туриши мумкин бўлган чегара чизиги ва пайқаб бўлмайдиган соя қаерда? У, шунингдек, қачонлардир буни қарияга озор бермайдиган тарзда айтиши мумкинлиги ҳақида ўйларди.

Уйдаги соатларнинг ҳаммаси бирваракай жиринглаган маҳал соҳиб стол устида турган ацетилин чироқларни ёққани турди. Стол тортмасини секин очган қария аллақандай қоғозларни саралай бошлади. Уларнинг бирини қўлига олиб, меҳмонга қия боқди. Жилмайиб, қошларини чимирди, яна жилмайди ва қоғозлардан бирини олиб, бошқаларининг устига қўйди. Шаҳодат бармоғини назокат ила қулоғига олиб борди: эшик ортида ит ириллаб вовуллади.

Қария меҳмонга тескари ўтирилган пайти у яна ўз ҳисларини таҳлил этишга уринди. Сеньор Берналнинг ҳар бир ҳаракати унинг саховатлигига мос эди: қария анча мағрур, салобатли қадам ташлаб эшик томон йўналди. Соҳибнинг анча беқусур одамлиги қалбига яна безовталиқ кўзгади. Эҳтимол, унинг ҳурматпешалиги унинг самимийлигига эгизак эди. Бу ҳам унга маъқул келмади - қария шошилмай эшик томон борар, ит эса тинмай ҳурарди, - кураш шиддатдан холи, анча енгил кўчади. Бордию бу илтифот замирида қарияларга хос макр ётган бўлса-чи?

Сюртук этаклари қадамига мос равишда қимирлашдан тўхтаб, оппоқ бармоқлар эшикнинг мис дастагини назокат билан тугганда дон Гамалиэль елкаси оша ўзининг қаҳрамо кўзларини меҳмонга қадаб, чап қўли билан соқолини сийпаб қўйди. У нотаниш одамнинг фикрини уқатгандай туюлди, унинг лабларида ним кулги - сирини очмоққа шайланаётган кўзбойлоғичиникига ўхшаш кулги зоҳир бўлди. Бу меҳмонга тўсатдан бирга иштирок этишга, бу ҳамдардликка пинҳона чорлов эди, аммо дон Гамалиэлни имо-ишора ва кулгиси шу қадар енгил, шу қадар нозик ҳийлага тўла эдики, унинг сассиз битимни мустаҳкамлайдиган тушунарли нигоҳ билан жавоб беришига имкон қолдирмади.

Оқшом тушди. Чироқларнинг ғира-шира нуридан китобларнинг зарҳал қирралари ва кутубхона деворларига ёпиштирилган гулқоғозларнинг оқиш безаклари ялт-юлт этарди. Эшик ланг очилган пайти, у эски уйдаги асосий вестибюлдан то кутубхонасигача чўзилган, қошин қопламали патиодан хонама хона ўтиладиган узун анфиладани хотирлади.

Ит эркаланиб ириллаганча соҳибига яқинлашиб, унинг қўлларини ялади. Ит ортидан оппоқ қўйлаги тун қўйнида яққол ажралиб турган қиз кўринди.

У остонада донг қотиб қолди; ит нотаниш аёлнинг қўл ва оёқларини ҳидлаганча атрофида чир айланарди. Сеньор Берналь итнинг қизил чарм бўйинбоғидан ушлашга уриниб, кулди ва минғирлаб узрхоҳлик қилди. У ҳеч нарса эшитмади. Ҳарбийларга хос илдам ҳаракатлар билан курткаси тугмаларини қадаб, у ёқ-бу ёғини тўғрилади-да, малика қаршисида лом-мим демай ғоз турди.

— Бу қизим Каталина.

Қиз остона ҳатламай жойида тек тураверди. Унинг узун, силлиқ қизғиш-қўнғир сочлари чўзиқ ва ҳароратли бўйнидан кескин ажралиб, ялт-юлт товланаётганини Берналь олисдан кўриб турарди. Журъатсиз, айни чоғда қатъий ва мулойим боқувчи кўзлари гўё бир жуфт шиша синиғидай, худди отасига ўхшаб, ҳийла нелигини билмасди. Назарида, хиёл жийрилган намчил лаблари ҳам, қўйлаги таранг ёпишган бўлиқ сийнаси ҳам алдамайдигандек. Ёниқ ва малоҳатли кўзлар, лаблар, сийна, - гўё уларнинг ҳаммаси ожизлик ва дўқдан бино бўлгандай. Бармоқлари маҳкам чирмашган қўллари қорнидан пастда, нозик қомати бўйламасига осилиб турарди. У хона бўйлаб юра бошлаганда, елкаси тугма билан кистирилган қўйлаги қошиқдеккина тўпиғини намоён этиб, енгил ҳаволанди.

Меҳмоннинг кўз олдида сариқ юзли, яноқлари ва пешонаси қорамтир, бўйни оппоқ қиёфа гавдаланди. Узатилган қўлларига қўлини узатиб, у кафтининг намлигини, ички ҳаяжонини билишга бесамар уринди.

- Аканг қатл этилишидан олдин бу сеньор билан бирга бўлган экан; бу ҳақда сенга гапириб берган эдим.

- Сеньорни худо асрабди-да.

- Гонсало менга сиз ҳақингизда гапириб берган, бориб кўришимни илтимос қилган эди. Акангиз жон узгунча ўзини мардонавор тутди.

- Акам жасур эмас эди-ку. Анча-мунча ҳалиги... яхши кўрарди.

Қиз қўлини кўкраги баробар кўтариб, ҳавода эгри чизик чизди.

- Идеалист. Ҳа, катта идеалист эди,- дея қария шивирлаб, хўрсинди.- Сенъор билан кечга бирга овқатланмоқчимиз.

Қиз отасини қўлтигидан олди, у эса ит ҳамроҳлигида зах, чинни идиш ва стуллар, соат ва ойнали шкафлар, филдиракли креслолар ва Муқаддас Китоб мавзусида ишланган, аммо арзон ва эътиборли катталикдаги картиналарга тўла камбар хоналар бўйлаб, уларнинг ортидан эргашди. Стол ва креслоларнинг сарғиш оёқлари полни залворли босиб турарди, барча чироқлар ўчирилган эди. Фақат ошхонадаги шиша занжирли каттакон қандил қизил ёғочдан қилинган мебель ва тропик мевалар ёлқинланаётган сопол кўза - натюрмортни ёритиб турарди. Дон Гамалиэль салфетка билан тасвирдагидек катта бўлмаса-да, вазага қўйилган росмана мевалар устида учиб юрган пашшаларни ҳайдаб, имо билан меҳмонни ўтиришга таклиф қилди.

У қизнинг рўпарасига ўтириб, бирпасдан сўнг унинг вазмин нигоҳларига тик қарашга журъат этди. Қизга унинг ташрифи сабаби аёнмикин? Қиз келиши ҳаммо унинг журъатига журъат қўшилган кўзидаги ишончли зафарни пайқаяптими? У ўз тақдирини ҳал этувчи ним табассумни кўряптими? Унинг қўлга киритишга бўлган ошкора ишончини сезяптими? Қизнинг кўзлари унга ғалати жавоб қайтарди: уларда тақдирга беозор мутелик - гўё ҳамма нарсага розилик аломати зоҳир эди, шунинг баробарида, ўзининг уновчанлигини сас-сиз табассуми билан асир этган эркак устидан ғолиб келишига қобил қуролга қаратиши мумкин эди.

У ўзининг ожизлигига, ўз мағлубиятини бошдан ўтказган жасоратига ҳайрон қолди. Кўзини очиб, меҳмоннинг иродали юзига мардона разм солди. Унинг мовий кўзларидаги нигоҳдан қочиш қийин эди. Йўқ, унчалик чиройли эмас. Аммо нотаниш одамнинг думалоқ юзи четларида асабий титраётган томирларга, келишган тик гавдаси ва дўрдоқ лабларига тегиш фикри уни бехос ҳаяжонга солган эди. У оёқларини стол тагидан қизнинг туфлисига етгунча чўзди. Қиз нигоҳини қуйи қаратиб, отасига кўз қирини ташлаб, оёқларини йиғиштирди. Меҳмоннавоз соҳиб бармоқлари билан рюмкани айлангирар экан, аввалгидек хайрихоҳлик билан жилмайиб турарди.

Оқсоч-ҳинди кампирнинг кастрюлда қайнатилган гуруч олиб кириши орага тушган сукутни бузди, дон Гамалиэль бу йилги кўрғоқчилик мавсуми ўтган йилгидан кўра эрта тугади, деди; худонинг каромати билан булутлар тоғ этагида юза бошлади, ҳосил ҳам, назаримда, мўл бўлади. Ўтган йилгидек бўлмаса ҳам, ҳарқалай, дуруст бўлади.

- Қизиқ,- деди дон Гамалиэль,- бизнинг эски уйимиз доимо рутубатли бўлади. Ана шундан соякай бурчакларни зах босади, патиода папоротник ва колорин¹ ўсиб чиқади. Бу, назаримда, замин неъматлари шарофати билан тўқ ва фаровон бўлиб бораётган оиламиз учун анча рамзийдир. Пуэбло водийсида томир ёйган оила...- қария гуруч доналарини санчқи билан чиройли бир тарзда саралаб ерди,- ...ўн тўққизинчи асрнинг бошларида, мамлакатда бошимиздан кечирган барча бемаъни қийинчиликлар одамга тинчлик бермайди, жоннинг эгови деяверинг.

- Агар бир фурсат қон ва ўлимни кўрмасак одамгарчиликдан чиқиб қолгандай бўламиз. Ҳарқалай менга шунақа туюлади. Гўё фақат очликка, алғовдалғовларга, отишмалардан чўчиб яшашга лойиқдаймиз,- деб давом этди дон Гамалиэль ўзининг дилкаш овози билан. - Бироқ бизнинг насабимиз ҳеч қачон тўхтамайди, чунки биз тирик қолишнинг ҳадисини олганмиз, ҳадисини олганмизки...

Соҳиб меҳмоннинг рюмкасини қуюқ винога тўлдирди.

- Тирик қолиш учун ҳам қурбонлик бериш керак,- деди у қуруққина.

- Ҳар доим ҳам мақбул баҳога келишиш мумкин...

Дон Гамалиэль қизининг рюмкасини тўлдирар экан, унинг қўлини назокат билан силаб қўйди.

- Бунинг ҳаммаси тарбияга боғлиқ. Ҳеч кимни безовта этмаслик керак, олижаноб ҳисларни таҳқирламаслик, обрўга заҳа етказмаслик керак.

¹ Ёрқин қизил гулли баланд бўта.

У яна қизнинг оёқларини туртиб қўйди. Бу гал Каталина оёқларини тортиб олмади. Рюмкани кўтариб, ибосизлик билан меҳмонга қаради.

- Ҳар хил нарсаларни аралаштириб юбормаслик зарур,- деб давом этди лабларини салфетка билан артаётган қария секингина.- Иш бошқа, дин бошқа.

(- Сиз бу қанақа диндор одамки, қизи билан диний маросимларни канда қилмайди, деб ўйларсиз, ҳойнаҳой. Аммо у ўзидаги бор нарсани ҳазратлардан ўғирлаб олган, яъни Хуарес¹ черков мулкини кимосди қилиб сотганида, арзимаган маблагга эга ҳар қандай савдогарвачча беҳисоб бойлик орттириши мумкин эди...)

У дон Гамалиэль Берналнинг уйига келаётиб, олти кунни Пуэблода ўтказган эди. Армия президент Каррансо² томонидан тарқатиб юборилгач, у Гонсало Берналь билан Пералесдаги суҳбатини эслаб, Пуэблога қараб равона бўлди. Уни бу йўлга соф ҳис-туйғуси, айнаи чоғда ишончи бошлаган эди, чунки инқилоб туфайли вайронага айланган, ит эгасини танимай ётган бу дунёда кимнингдир фамилиясини, манзилини, шаҳрини билиш - кўп нарсани англа тарди. Унга тақдир истехзоси эрмак бўлиб туюлди, шу боис Пуэблога отиб ўлдирилган Гонсало Берналь эмас, у қайтиб келди. Бу ўта жиддийлик билан ўйнаш мумкин бўлган қандайдир маскарад, кўзбўямачилик, комедияга ўхшаб кетарди. Айнаи чоқда бу ҳаётга берилган рухсатнома, тирик қолиш имконияти, бошқалар ҳисобига ўз мавқеини мустақамлаш эди. Чолуло йўлидан Пуэблога яқинлашган пайти, у водий узра кўзиқориндай потраб ётган қизил ва сариқ томларни кўрди, шу тобда у бу ерга бир ўзи эмас, балки иккови - ўз тақдирига деярли қўшилиб кетган бегона тақдир, ўлдирилган Гонсало Берналнинг тақдири, руҳи билан бирга келаётгандай бўлди; гўё Берналь ўлаётиб, ўзининг яшамаган умрини унга бахш этгандек. Қайдам, балки бизнинг ҳаётимизни айнан бошқаларнинг ўлими узайтирар, ўйлади у. Лекин у Пуэблога бундай хаёл суриш учун келмаган эди.

- Бу йил қария урвоқ ҳам олмади. Қарз ҳам сўрамади, чунки бултур деҳқонлар ғалаён кўтариб, харобазорларни ўзлаштира бошлади. Улар агар бўш ётган ерларни бермасанг, ерингга ҳеч нарса экмаймиз, деб огоҳлантиришган эди. Бунга қариянинг гурури йўл қўймади, пировардида нонсиз қолди. Илгарилари заминдор ғалаёнчиларни бутунлай измига солиб оларди, энди эса аксинча... Замон кўтармайди...

- Бунга бошқа нарса ҳам аралашиб қолди. Қарздорлар қайсарлик қилиб, ўзларининг янги қарзларини бўйинларига олгиси келмаяпти. Ҳаммалари у олган фоизлар учма-уч қопланганини айтишяпти. Кўряпсизми, полковник, гап нимада? Ҳаммалари энди катта ўзгаришлар бўлишига ишонишмоқда.

- Шунақа, қария бўлса эшақдай ўжарлик қилмоқда, тихир-да. Улса ўладики, лекин бировга ён бермайди.

У соққа ташлаш ўйинининг сўнгги партиясини ютқазди. У елкасини қисиб, оқсоғча яна қуй, дея имо қилди. Ҳаммалари кўрсатилган илтифот учун ташаккур изҳор этишди.

- Дон Гамалиэлдан кимлар қарздор бўлиб қолган?

- Эҳ... Кимлар қарз олмаган, деб сўранг.

¹ *Хуарес Бенито* (1806-1872) — 1861-1867 йилларда француз интервенциясига қарши курашга раҳбарлик қилган Мексика давлат арбоби. 1852-1872 йилларда мамлакат президенти бўлиб, либераллар партиясининг радикал қанотини ҳимоя этган.

² *Каррансо Венусиано* — (1859-1920) — сиёсий арбоб: 1917-1920 йилларда мамлакат президенти бўлган (унга қарши чиққан генераллар томонидан ўлдирилган). 1913 йили Порфирио Диас Франсиско Мадеро (1873 йилда туғилган) томонидан ўлдирилган, унинг вазифасига генерал Викторiano Уэрта ўтирган. Венусиано Карранса либераллар армиясига кўмондонлик қилиб, Панчо Вилья (1877-1923) ва бошқа партизанлар йўлбошчилари унга келиб қўшилади. 1914 йили Конституцион армия Викторiano Уэрта билан кураш олиб боради ва тез орада қочиб кетади. Панчо Вилья Венусиано Карранса сиёсатига хайрон қолиб, партизанларнинг бошқа йўлбошчиси Эмилиано Сапат билан бирлашади ва бирмунча вақт пойтахтни ишғол этади. Бироқ ҳукумат қўшинлари халқ партизанлари отрядлари қаршичилигини енгади. 1915 йил баҳорига келиб, Венусиано Карранса Мексиканинг катагина қисмини назорат остига олади.

- Унинг бирорта қалин оғайниси, яқин одами борми ўзи?

- Албатта бор. Ўзимизнинг Паэс ота.

- Черковни чув туширган қариями?

- Ҳа... Ҳазрат ота дон Гамалиэлга абадий паноҳ тилаган, бунинг эвазига дон Гамалиэль полни гуноҳкор заминимизда кутқариб қолган.

Кўчага чиқашганида кўёш уларнинг кўзини қамаштирди.

- Гўзаллик дегани мана шундай бўлса! Униб-ўсмоқда, гулламоқда - на гам бор, на ташвиш!

- Бу қиз сизга ким бўлади?

- Ким бўлади нимаси, полковник... Бу дон Гамалиэлнинг қизи.

Ботинқасини кийиб, у шаҳарчанинг шахмат доскасига ўхшаш эски кўчалари бўйлаб юрди. Товонлари тош плиталарда тақиллашдан тўхтаб, оёғи нам тупроққа ботган чоғда, унинг кўз ўнгида айлана деворлари шинакли кўҳна монастырь гавдаланди. Кенг эспланадани айланиб ўтиб, у хувиллаб ётган узун зарҳал нефга кирди. Қадами яна акс садо қайтара бошлади. У тўғри меҳроб томон йўналди.

Ҳазратнинг тирик мурдадек кулранг танасида, кенг ёноқлари устидаги кўмирдек қоп-қора кўзларида ҳаёт жонлангандек бўлди. Паэс ота черков нефидида юрган нотаниш кимсани пайқашди ҳаммо унга либерал республика¹ пайти Мексикадан қочган ҳазратлар томонидан қурилган кўҳна болдохонадан туриб разм солди, у нотаниш одамнинг ҳушёрликка, буйруқ бериш ва ҳужум қилишга кўниккан ҳарбий эканини дарров пайқадди. Оёқларининг сал қий-шиқлиги бунга гувоҳлик берарди. Паэс ота бу одамга кўзи тушса бас, жилов ва револьвер тутишга ўрганган қўллари гайриихтиёрий равишда мушт бўлиб тугилганда, унинг қанақанги кучга эгалигини бир қарашдаёқ сеза оларди. Бу одам нега ибодат қилмаяпти, деб ўйлади, ҳазрат ўзининг чоғроққина ҳужрасида туриб. Сўнг сутанасини тутиб, кўҳна кимсасиз монастырнинг тор айланма зинасидан оҳиста пастга туша бошлади. Рангпар, заҳил юзли Паэс ота қора ридосининг барини кўтариб, бошини елкаси орасига олганча тийрак кўзлари билан қоронғиликни тешиб юборгудек бўлиб, оҳиста, битта-битта юриб тушиб келарди. Зиналар зудлик билан таъмирлашга муҳтож эди. Ундан олдинги ҳазрат 1910 йилда суришиб кетиб, бўйинини синдириб олган эди. Аммо Ремихио Паэс учаётган кўршапалак мисоли нигоҳи билан зулмат, зах, кўрқинчли қудуқнинг ҳар битта қорайган бурчагини кўра оларди. Қоронғилик ва хатар унинг диққату шуурини чархларди: черковда фуқаро кийимини кийган, аскарсиз ҳарбий нима қилиб юрибди? Буни эътиборсиз қолдириб бўлмасди. Ҳазрат шундай бўлишини биларди ҳам. Жангу жадаллар, зўравонлик, ҳазратлик ўтиб кетар - шу он унинг эсига икки йил бурун черковдаги барча кийим-кечак ва жиҳозларни битта қолдирмай ўғирлаб кетган тўда тушди, - асрлар оша яшаб келаётган черков яна дунёвий ҳокимият билан тил топишади. Оддий фуқаро кийимидаги ҳарбий... Ёлғиз...

Паэс ота намликдан тўйиниб, сув томчилаб турган деворни пайпаслаб пастга тушди. Ҳадемай ёмғир мавсуми бошланади, деб хаёлдан ўтказди у. Ўз ҳуқуқидан фойдаланиб, айвон ва тавбахонадагиларга илоҳий неъматларни инкор этиш гуноҳ, гуноҳи азим ва шак келтириш эканини тушунтириш керак; тангри олдиндан белгилаб берган нарсаларни ҳеч ким инкор этолмайди, чунки тангри нарсаларнинг ана шундай тартибини яратган ва унга ҳамма итоат қилиши лозим. Ҳамма ер ҳайдаши, ҳосил йиғиши, замин неъматларини қонуний соҳибига, яратилган имтиёз учун мунтазам равишда даромадининг ўн қисмини муқаддас черковга ажратиб борадиган мурувватли насронийга бериши зарур. Парвардигор исёнчиларни лаънатлайди, шайтоннинг адабини эса фаришталар - Рафаэль, Гавриил, Михаил, Гималиил беради. Гималиил...

(- Ҳақиқат қаерда ўзи, ота?)

- Олий ҳақиқатни осмондан топасан, ўғлим. Уни бу байтулҳазандан излаб ўтирма.)

¹ Либерал республика — Бенито Хуареснинг (1858-1872) ҳукумронлик қилган йиллари кўзда тутилмоқда

- Сўз,- деб минғирлади ҳазрат ахийри оёқларини қаттиқ ерга қўйиб, сутанасининг чангларини қоқаркан; сўз, ўз ҳаёти йўллари тез ўтиб кетишига шукр қилмоғи лозим бўлган ва ажрига жаннатдан абадулабад ҳузур-ҳаловат топиб яшайдиган, одамлар қони ва шуурини жунбушга келтираётган ҳижолярнинг ярамас тасбеҳидир. Ҳазрат усти ёпиқ галереяни кесиб ўтиб, узун аркада бўйлаб юрди. Адолат! Ким учун? Кўп вақтгами? Ҳаёт, қачонки, одамлар ўзининг енигиб чиқиши муқаррарлигини тушунган ва яхшисини қидиришни, галаён қилиш ва керак бўлмаган жойга осилишни бас этганларидагина ҳар бир кишига ёғдай ёқиши мумкин...

- Мана шунақа, мана шунақа...- деб секин такрорлади Паэс ота ва ризахонанинг қадама нақшли эшигини очди.

- Бениҳоя катта иш, тўғрими?- деди ҳазрат меҳроб ёнида турган баланд бўйли одамга яқинлашиб.- Ҳазратлар ҳинди ҳунармандларига эстамп ва гра-вюраларни кўрсатишган, улар эса ўз таъбларига қараб, насроний ҳазратларни нақш этишган... Ҳар бир меҳробда санамлар яширинган, дейишади. Агар шу рост бўлса, унда гап қонга ташна мажусийлар худоларидан буткул бошқа муруватли санам ҳақидадир.

- Паэс сиз бўласизми?

- Ремихио Паэс,- деди ҳазрат кулимсираб.- Сиз-чи? Генералмисиз, полковникми, ё майор?..

- Оддийгина Артемио Крусман.

- Ҳа-а.

Полковник ва ҳазрат черков пештоқида қўл бериб хайрлашишгач, Паэс қўлини қорнининг устига қўйиб, меҳмоннинг ортидан бир муддат кузатиб турди. Эрталабки тоза ҳавода икки вулқон: ухлаётган аёл ва унинг ёлғиз посбони¹ бир-бирига янада яқинлашиб, равшанроқ намоён бўлган эди. Унинг кўзлари қамашди - бунчалар ёрқин кун бўлмаса! - яқин орада водийни сувга фарқ ботирадиган ва ҳар оқшом қуёшни шарроси билан тўсиб қўядиган узоқдаги қора булутларга қараб, енгил тин олди.

Ҳазрат водийга елка ўгириб, яна қоронғи ибодатхонага кирди. Қўлини артди. Бу тўнка қишлоқларнинг таҳқирли қарашлари ва такаббурлиги эътибор қилишга арзимади. Бордию кимдир вазиятни ўнглаб, дон Гамалиэлга умрининг қолган вақтини ҳам ишончли ҳимоя остида ўтишига кафолат берса, банди ҳақир Ремихио Паэс бу ясама овсарликка ва риёкорона мутаассибликка халақит бермайди. Аксинча. Ҳазрат ўзининг мурасасозлик бобида донишмандлигини ўйлаб, завқдан сўлагига оқди. Бордию мана шу одам ўз гурурини қурбон қилишни истамаса, у секингина бошини қуйи солиб, черковга қарши чиқаётган бу плебей² ни ҳар кун эшитишга, гўё айбловларига мураса қилиб, ҳатто маъқуллаб туришга тайёр.

Ҳазрат қайрилма қозикдан қора шляпасини олиб, бошига илди, қора гажак сочларини тўғрилаб, дон Гамалиэль Берналнинг уйига қараб шошилди.

- Ишончим комилки, бу унинг қўлидан келади! - деб минғирлади қария ҳазрат билан ўтказган кечки суҳбатидан сўнг.- Аммо мен бир нарсани: хонадонимизга кириш учун у қандай ҳийла ишлатиши мумкинлигини билмоқчиман. У падрега шу бугуноқ мени кўргани келишини айтибди. Ҳа... Каталина, лекин мен охиригача тушуниб етмаяпман.

У бошини кўтарди. Ўнг қўли жундан бежирим тикилган, гуллар акс этган холстда қоғиб қолди. Гонсало ўлди, деган хабар келганига уч йил бўлди. Шундан сўнг ота ва қиз бир-бирига суяниб қолди. Оқшомлари патиода, тўқима креслоларда қурган босиқ суҳбатлари одат тусига кириб, қалбига ором бағишлар, қария эса бунга ўлимимга қадар ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди, дер эди. Аввалги ҳуқуқ ва бойлик йўқлиги унчалик муҳим эмас: балки бу вақт ва қарияликнинг четлаб бўлмас инъомидир. Дон Гамалиэль суст кураш йўлига ўтди. Дарвоқе, деҳқонларни исканжага олиш инсофдан эмас, бироқ ерларни ноқонуний олиб қўйишга ҳам тоқат қилиб бўлмайди. Ҳеч ким қарздорлардан

¹ Инстаксиуатль — ацтеклар тилида ухлаётган аёл дегани; Попокатеатль — тугаётган тоғ.

² Плебей — қишлоқи, тўпори, паст одам маъносига.

қарз ва фоизларни тўлашни талаб этмайди, аммо улар энди ундан бир сентаво ҳам ололмаслигига иқрор бўлсинлар. Қария қачонлардир улар барибир олдига бош эгиб келишини кутган эди, зарурат муроса қилишга мажбур этарди. Бу фикрида собит ҳам эди. Энди эса... иттифоқо мана бу кимса пайдо бўлиб, деҳқонларга дон Гамалиэль бергандан кўра кўпроқ фоиз эвазига заём ваъда қилмоқда, устига устак олдинги заминдорнинг ҳуқуқи ҳеч қандай қайтимсиз ўзига ўтишини таклиф этиб, бунинг эвазига қарздорлардан оладиган маблағининг тўртдан бир қисмини ваъда қилмоқда. Бошқа шартларга эса рози эмас.

- Аммо унинг хирапашшалиги бу билан тугамайди.

- Ерни айтяпсанми?..

- Албатта. У, шубҳасиз, мендан ерни тортиб олиш учун нимадир ўйлаб топади.

Қиз одатдагидек ҳар оқшом, патиони айланиб ўтиб, ранг-баранг қафасларни елкансимон қалпоқлар билан ёпди ва қуёш ботгунча сўнгги бор зўр бериб сайраётган ва наша уруғи чўқилаётган чаққон сенсонтль¹ ва малиновкаларга суқланиб қаради.

Қария бундай совғани - Гонсалони кўрган энг сўнгги одамни; унинг камерадош ўртоғи, ўлими олдидан отаси, синглиси, хотини ва ўғлига бўлган муҳаббатини етказиб келадиган одамни кутмаган эди.

- У Гонсало ўлими олдидан Луиса ва ўғлини ўйлаганини айтди.

- Ота, биз келишган эдикки...

- Йўқ, мен унга ҳеч нарса айтмадим. У Луисанинг эрга тегиб кетганини, набирамнинг исми ўзгарганини билмайди.

- Уч йилдан буён биз бу ҳақда гаплашмас эдик. Нега энди гаплашаяпмиз?

- Тўғри. Лекин биз Гонсалони кечирдик-ку, тўғрими? Ўйлашимча, биз унинг душман томонга ўтганини кечиришимиз керак. Биз уни тушунишга ҳаракат қилишимиз керак, деб ўйлайман...

- Мен аллақачоноқ ҳар оқшом сас-садосиз ўтирганимизда унинг гуноҳидан ўтяпмиз, деб ўйлардим.

- Ҳа, ҳа, шундай эди. Сен мени тўғри тушунасан. Бундан ортиғи керак эмас! Сен мени тушунасан...

Шунинг учун ҳам кўрқинчли ва узоқ кутилган меҳмон келган эди - ахир кимдир қачондир келиб: "Мен уни кўргандим. Танирдим. Ундан сизлар ҳақингизда эшитгандим", деб айтиши керак-ку, - келдию деҳқонлар галаёни ва тўланмаган қарзлар ҳақида лом-мим демай ўзининг дардини ўртага ташлади, дон Гамалиэль уни кутубхонасига бошлаб кирди, гарчи босиқликни фасоҳат, деб билса ҳам изн сўраб, Каталанининг хонаси томон йўналди.

- Тузукроқ кийин. Қора кўйлагингни ечиб, чиройлироғидан кий. Соат еттига занг уриши билан кутубхонага чиқ.

Қария бошқа ҳеч нарса демади. У қариянинг гапини икки қилмайди: уларнинг оқшомлари қурган самимий суҳбатлари бунинг гарови. У тушунади. Ўйинда фақат битта ютқизиқсиз қарга қолган эди. Дон Гамалиэльга унинг ички ирода-сини сезиш ва тушуниш ёки ўз-ўзига ҳар қандай бамайлихотирлик ўз-ўзини қурбон қилиш билан баробар экани, унга бас келиш қийин, чунки бериладиган қурбонлик арзимас, умуман, унчалик ваҳимали эмас, дейиши учун ана шу одамни бир марта кўрса кифоя эди. Паэс ота уни хаёлан кўз олдига келтирди: дароз, ўктам, яшил кўзлари ўткир боқувчи камгап эркак. Артемио Крус.

Артемио Крус. Фуқаролар уруши туфайли пайдо бўлган янги дунё; қариқартанлар ўрнига келган янги одамлар мана шундай номланади. Бахтиқаро мамлакат, деб хаёлдан ўтказди қария, одатича, секин қадам ташлаб, кутубхонага, тасодикий, аммо ғаройиб меҳмон ҳузурига қайтиб келаётиб. Бахтиқаро мамлакатнинг ҳар янги авлоди мавжуд ҳокимиятни ағдариб ташлайди ва уларнинг ўрнини аввалгидек очкўз ва ҳокимиятпараст янги хўжайинлар билан алмаштиради.

Эски заминдор ўзини креол маданияти - маърифатли мустабидлар маданиятининг энг сўнгги ва характерли вакили, деб ҳисобларди. Унга вақти-вақти

¹ С е н с о н т ь — Мексикада тарқалган сайроқи қуш.

билан қаҳрли, аммо ҳамиша ғамхўр ота ва яхши таъбларнинг қатъий посбони, яхши хулқ-атворли ва маълумотли инсон ролини ўйнаш хуш ёқарди. Шу боис қария меҳмонни кутубхонага таклиф этган эди. Бу ерда дон Гамалиэль самараси ва намунаси бўлган ўша замон руҳига муносиб ҳурмат, ҳатто сажда сезилиб турарди. Афсуски, булар меҳмонда заррача таассурот уйғотмади.

Креслонинг чарм суйанчиғига бошини қўйиб, ҳарифини яхшироқ билиш ниятида кўзларини қисиб қараётган зийрак қария олдида - уруш талотўмларида чиниққан, йўқотишдан чўчимай гардкамига ўйнашга қўниккан, янги ҳаётий мезонларга эга одам турарди. У ҳатто таширининг асл сабабларини ҳам эслатмади. Дон Гамалиэль бу тартибни сукут сақлаб маъқулларди; гарчи анча кучли эътиқодларга амал қилса-да, меҳмон ҳам, қайдам, зарур назокатга эгадир: иззатталаблик - қария ўзи учун маъносини йўқотган бу сўздан қулимсиради, - қурбон, жанг, ярадорлик (унинг пешонасида қилич зарбидан қолган чандиқ бор эди) эвазига орттирган ҳуқуқидан фойдаланиб қолиш истаги устун келарди. Суҳбатдошининг сўзамол нигоҳи ва маҳкам бекилган лаблари бармоқларида лупани айлантираётган қариянинг адашмаганини исбот этарди.

Дон Гамалиэль столга яқинлашиб, қарздорлар рўйхати битилган қоғозни олганда меҳмон ҳатто қошини ҳам чимирмади. Шуниси маъқул. Демак, улар тез орада тил топишиб, нохуш нарсалар ҳақида гаплашишдан қутулишади. Худо ёрлақаса, ҳаммаси ўз измига, одоб доирасига тушади. Ёш ҳарбий, афтидан, ҳокимият ҳавосини олган, деб ўзича гудранди дон Гамалиэль. Ва қаршисида - унинг меросхўри тургани, ҳаёти мажбурлаган муросасозлик унга унчалик аччиқ бўлиб туялмади.

- У менга еб қўйгудай бўлиб тикилаётганини кўрдингизми,- деди қизи тутаққанча меҳмон хайрли кеч, деб чиқиб кетгач.- У нимани хоҳлаётгани, кўзлари қанчалар беҳаё боқишини пайқаддингизми?..

- Ҳа, ҳа,- деб ота қизининг кўлларини назокат билан силаб қўйди.- Ҳайрон бўлма. Сен бағоят гўзалсан, аммо сен кўчага камдан кам ҳолларда чиқасан. Ҳайрон бўлма.

- Ҳеч қачон чиқмайман ҳам!

Дон Гамалиэль секингина сигарасини ёқди, тамаки унинг қалин мўйлови ва соқолини сарғайтириб юборган эди.

- Мен сени тушунасан, деб ўйлагандим.

Дон Гамалиэль тўқима тебранма курсини сал қимирлатиб, осмонга боқди. Ёзнинг сўнгги кечаларидан бири. Осмон шу қадар тиниқки, яхшилаб қараса ҳар битта юлдузнинг рангини ажратса бўларди. Қиз кафтларини бўғриққан юзига босди.

- Падре сизга нима деди? Ахир у фирт бидъятчи-ку! На худога ишонади, на... Сиз ҳам унинг чўпчагига ишондингизми?

- Ўзингни бос. Бахт ҳамиша ҳам худонинг ёрлақашини кутмайди.

- Сиз унинг чўпчагига ишонасизми? Нега Гонсало ўлган-у, бу сеньор ўлмаган? Агар икковлари ҳам бирваракай ўлимга маҳкум этилган ва бир ҳужрада ётган бўлса, нега икковлари ҳам бир вақтда ўлмаган? Мен биламан, биламан. У бизга ёлғон гапирди, кўнглингизни овлаш учун чўпчак айтиб берди, мени эса...

Дон Гамалиэль тебранишни бас қилди. Ҳаммаси кўнгилдагидай тинч, осойишта кечаётган эди! Мана энди аёлларга хос сезги уни ҳаёлига келмаган, мавҳум ва кераксиз матоҳдек воз кечилган воқеаларга қайтармоқда.

- Йигирма ёшлиларнинг ҳаёлотини хийла тараққий этган.- Дон Гамалиэль ўрнидан кўзғалиб қўйиб, сигарасини ўчирди.- Агар ҳақиқатни билмоқчи бўлсанг, уни сенга мен айтаман. Бу одам жонимизга ора кириши мумкин. Бундан ортиқ бир нарса дея олмайман...

Қария хўрсиниб, иккала кўлини қизининг кўлларига қўйди.

- Отангинг сўнгги йилларини бир кўз олдингга келтир. Ёки менинг хизматим арзимайдими...

- Уф, ота, мен ҳеч нарса демаяпман-ку...

- Ўз ҳақингда ҳам ўйлаб кўр.

Қиз бошини эгди:

- Ҳа, мен тушунаман. Мен билардим... Гонсало уйдан чиқиб кетгандан кейин шунга ўхшаш нарса бўлишини кутганман. Агар у ёнимизда бўлганда...

- Начора, у орамизда йўқ.

- Акам мен ҳақимда ўйламаган. У нималарни ўйлагани кимнинг тушига кирибди.

Эски уйнинг совуқ йўлаги бўйлаб чироқ доғи изидан бораркан - дон Гамалиэль чироқни боши узра кўтариб олган эди, - қиз аллақачон унутилган, хира тортган тимсолларни кўз олдига келтиришга уринди. Унинг кўз олдига қора терга ботиб, орқадаги хонада узоқ баҳслашадиган Гонсалонинг мактабдош ўртоқлари қиёфаси гавдаланди; акасининг ёлқинланиб турадиган, савдойи нигоҳи - гоҳ-бегоҳ хаёл осмонида учиб юрадиган, аммо ҳашам, ширин таом, вино, китобни хуш кўрадиган ва ҳар замон-ҳар замон ўзини ҳузур-ҳаловат ва конформизмга берилганликда айблаб турадиган акаси хотирасига урилди. Келини Луисанинг одамовилиги, уларнинг бирпаслик шовқин солиб уришишлари; Гонсалонинг ўлими ҳақидаги хабар келганда хотинининг қаҳқаҳага ўхшаш йиғиси; кунларнинг бирида, ҳамма ухлаб ётганда, тонг чоғи ҳеч кимга билдирмай чиқиб кетгани кўз ўнгида жонланди. Аммо Каталина бедор бўлиб, дарпарда орасидан декча ва таёқ ушлаган эркак бақувват қўли билан болали бева аёлнинг тирсагидан тутиб сандиқлари ортилган қора фойтонга чиқиб олишига ёрдам берганини кўрган эди.

Унга фақат бу одамнинг қучоғига кириб, аммо унинг эркалашларига қаршилик кўрсатиб, акасининг ўлими учун қасд олиш қолган эди - дон Гамалиэль қизининг пешонасидан ўпиб қўйиб, ётоқхона эшикларини очди. Заҳарлангунча тириклай юрагига қалампир сепиб, уни ўлдирishi керак. Каталина ойнага қараб, ўзига разм солди, аммо юзида ўзининг пинҳона хаёллари изини кўрмади. Гонсалонинг кетиши учун, унинг аҳмоқона идеализми учун у отаси билан биргаликда ўч олади; у, йигирма ёшли қиз ўлимига қадар Гонсало билан бирга бўлган мана шу одамга узатилади - кўзёшлари нега... оқаётибди, нега ўзига оғир богаётибди? Ё ёшлигига ачинаётганими? - у марҳум акаси ва ўз-ўзига жони қоймай, хўрсинмай, титраётган афтини бужмайтирмай ўйлай олмас эди. Мабода ҳақиқатни мутлақо билиш имкони бўлмаса, у барибир нимани ҳақиқат деб билса, фақат ўшанга ишонаверади.

Каталина қора пайпоғини ечди. Кафтлари билан оёқларини сийпаб, кўзларини юмиб ётди: йўқ, стол тагидан оёқларини қидирган қўпол, қучли оёқни эслаш керак эмас, - ва иттифоқо юраги бошидан ўтказмаган, енгилмас соҳир сезги қаршисида тўхтаб қолди. Бордию вужуд парвардигор томонидан яралмаган бўлса... - у чалишган бармоқларини пешонасига босди, - кимса кимсанинг пушти камаридан яралган бўлса, бу ҳолда руҳ бутунлай бошқа нарса-ку. Агар қалб танани эркалашга мойиллик, итоаткорликни, нозга зориқишни тақиқлаётган бўлса, бунинг олдини олмоқ керак. У чойшабни ағдариб ташлаб, кўзларини юмганча чўзилиб ётди. Қўлини узатиб, чироқни ўчирди. Ёстиқни юзига босди. Бу ҳақда ўйламаслик керак. Йўқ, йўқ, керак эмас. Ҳақиқатни айтиш керак. Бошқа исмни айтиб, бор гапдан отасини бохабар этмоқ керак. Оҳ, йўқ. Отасини безовта қилиш шартми? Майли, шундай бўла қолсин. Ҳа. Яхшиси - янаги ойда. Бу одам қоғозларни, ерни, Каталина Берналнинг танасини олаверсин... Ер ютсин... Рамон... Йўқ, бу исмни тилга олмаслик керак, энди мавриди эмас.

У уйқуга кетди.

- Дон Гамалиэль, ахир ўзингиз айтдингиз-ку, - деди меҳмон эртасига эрталлаб. - Воқеалар ривожини тўхтатмаслик зарур. Келинг, деҳқонларга ўша ерларни берайлик - у ерлар яхши эмас, уларга тузукроқ даромад ҳам келтирмайди. Келинг, улар дурустроқ ҳосил кўтаролмаслиги учун ерларни участкаларга бўлиб ташлайлик. Кўрасиз, улар шунга ҳам бизлардан миннатдор бўлишади, охири оқибатда улар ҳеч вақога арзимайдиган ерларида хотинларини ишлашга қистайди, ўзлари эса бизнинг ҳосилдор ерларимизда ишлайди. Бошқа жиҳатни ҳам эътиборга олинг: сиз ўзингизга зарар келтирмаган ҳолда аграр ислохотлар қаҳрамони сифатида шуҳрат қозонишингиз мумкин.

Қария кулгисини тўлқинсимон оппоқ мўйловлари билан бекитиб, унга диққат билан разм солиб, деди:

- Сиз у билан гаплашдингизми?

- Гаплашдим...

У ўзини тутиб туролмади. У қўлини чўзиб, қизининг эгилган бошини кўтармоқчи бўлганида ияклари қалтираб кетди. Унинг қўллари ўрикдай, мойдай майин юмшоқ терига илк бор теккан эди. Ёмгирдан кейин бўғриққан гулларнинг, димиққан заминнинг тахир ҳиди анқиди. У қизни севарди. Баданига қўл теккизар экан, севишини биларди. Юзага келган ғалати вазиятга қарамай росмана севгисини у тушунишига мажбурлаши лозим эди. У қизни ҳаётида илк бор севгани каби сева оларди ва ўз муҳаббатини қандай исботлашини биларди. У яна қизнинг қизарган бўйнига қўлини теккизди. Қизнинг тоқати тоқ бўлди: киприклариди ёш йилтиради, ияклари бегона қўлдан холи бўлди.

- Чўчима, чўчишингга на ҳожат,- дея пичирлади эркак унинг лабларини кидираётиб.- Мен сени сева оламан...

- Биз сизга миннатдорлик билдиришимиз керак... Фамхўрлигингиз учун...- дея баъзўр жавоб берди қиз.

У қўлини кўтариб, Каталинанинг сочларини силади.

- Тушундингми? Мен билан яшайсан. Бошингдан нималарнидир чиқариб ташлайсан... Мен сирларингни ҳурмат қилишга ваъда бераман... Лекин сен менга ваъда беришинг керакки...

У эркакка қаради, кўзлари ўзи ҳеч қачон бошдан кечирмаган ғазабдан қисилди. Томоғи қуруқшади. Бу қандай жон бўлди ўзи? Ҳамма нарсани биладиган, ҳамма нарсани оладиган ва ҳамма нарсани синдирадиган бу одам ким бўлди ўзи?

- Бўлди қил...- Қиз ўзини кескин четга олди.

- Мен у билан гаплашдим. Лапашанг йигит. У сени лозим даражада сева олмаган. Ҳатто кавушини тўғрилаб қўйишга арзимайди.

Каталина гўё унинг қўли теккан жойларини артмоқчи бўлгандай бармоқларини бўйнига олиб борди.

- Ҳа, сендай кучли эмас... Сендай ваҳший ҳам эмас...

У қўллари ушлаб сиққанда, қиз қичқириб юбораёзди, эркак эса кулимсиради.

- Ўша Рамонсито Пуэблдан қорасини ўчирган. Сен уни қайтиб кўрмайсан...- У қизни қўйиб юборди.

Қиз патио бўйлаб, қушлар тинимсиз чуғурлаётган ранг-баранг қафаслар томон юрди. Бўяма сим эшикчаларни бирин-сирин очди. У қимир этмай уни кузатиб турди. Малиновка қафасдан учиб чиқиб, осмонга кўтарилди. Сенсотль кўрслик қилиб чиқмади - суви ва озуқасига кўниқиб қолган. Каталина уни жимжилоғига қўйиб, қанотларидан ўпди ва ҳавога қўйиб юборди. Охирги қуш учиб кетганда у кўзларини юмди, эркакка елкасидан қучишга ва уларни кутубхонасида босиқ ва вазмин ҳолда кутиб ўтирган дон Гамалиэль ҳузурига етаклаб кетишига ижозат этди.

Мен кимнингдир қўллари қўлтигимдан ушлаб, юмшоқ ёстиққа ўнғай ётқи-зишаётганини сезяпман. Намчил газлама ёнаётган ва қалтираётган танамга малҳам бўлмоқда. Кўзимни очяпман, кимнингдир юзини тўсиб турган очиқ саҳифали рўзномани кўряпман. Назаримда, бу менинг ҳар куни чиққан ва бундан кейин ҳам чиқажак, бунга дунёи дунда ҳеч ким тўсқинлик қила олмайдиган “Вида мехикана”¹ эди. Тереса - қаранг-а, рўзномани ким ўқияпти экан - чўчиб тушиб рўзномани йиғиштирди.

- Сизга нима бўлди? Ўзингизни ёмон ҳис этяпсизми?

Қизимни имо билан тинчлантираман, у эса яна рўзномани қўлига олди. Ҳа, мен гаройиб эрмак ўйлаб топганимдан мамнунман. Мамнунман. Рўзномада эркин матбуотга риоя этганлигим ҳақидаги бор ҳақиқатни айтиб, ўлимимдан кейин чоп қилинадиган мақола ҳолдирсам - зўр иш бўларди... Оҳ, ҳаяжондан яна қорнимда оғриқ турди. Тересага ёрдам бергин, дея ғайритабиий суратда қўлимни чўзаман, аммо қизим мук тушиб рўзнома ўқимоқда. Авваллари дера-

¹ “Мексика ҳаёти” (исп.)

задан кун ботаётганини кўрардим, дарпардалар шигиллашини эшитардим. Ҳозир эса оғир шифтли ва дуб шкафлар жойлашган нимқоронғи ётоқхонада, бирикки қадам нарида турган одамларни кўролмаёпман. Ётоқхона анча кенг. Аммо хотиним шу ерда. Лабларини бўяшни унутиб ва росланиб, қўлларида дастрўмлини эзгилаганча аллақерда ўтирибди, турган гапки, у менинг:

- Ўша куни эрталаб, мен уни зўр қувонч билан кутиб олган эдим. Кейин биз дарёни отларда кечиб ўтган эдик, - дея пичирлаётганимни эшитмаяпти.

Мени фақат анави, мен ҳеч қачон кўрмаган, соқоли қирилган ва қора қошли бегона одам тинглапти. У менинг тавба этишимни сўраб, жаннатдан жой ваъда қилмоқда, менинг хаёлимда эса дурадгор ва бўй етган қиз чарх урмоқда.

— Мана шу оғир дамларда бирор нарса демоқчимисиз?..

Мен унга нимадир дедим. Тереса ўзини тутолмай: “Уни тинч қўйинг, падре, тинч қўйинг! Бизнинг қўлимиздан ҳеч нарса келмаслигини кўрмаёпсизми! Агар у тошмехр ва сурбетларча яшагани каби ўз руҳини хароб этиб, ўлишни хоҳлаётган бўлса...” - дея сўзимни бўлди.

Ҳазрат уни қўли билан нари суриб, гўё ўпмоқчидай, лабларини қулоғимга яқин олиб келиб: “Улар гапимизни эшитмагани маъқул”, деди.

Бир амаллаб жилмайиб: “Унда қўлларингдан келганини қилларинг, деб икковини ҳам жўнатиб юборинг”, дедим.

У аёлларнинг жон аччиғидаги фиғони остида ўрнидан туриб, уларнинг билагидан тутди, Падилья эса уларнинг қаршилиқ кўрсатишига қарамай олдимга яқинлашди.

- Йўқ, лиценциат, биз сизга ижозат этмаймиз.

- Сеньора, бу эски одатимиз.

- Масъулиятни бўйнингизга оласизми?..

- Дон Артемио... Мен эрталабки ёзувни олиб келдим.

Ўрнимдан тураёпман. Кулишга тиришаман. Ҳаммаси одатдагидек. Падилья бениҳоя оромижон.

- Электр улагич столнинг ёнида.

- Ташаккур.

Ҳа, албатта, бу менинг овозим, кечаги овозим - кечагими ёки бугунги? Билолмайман. Мен Понс билан, бош муҳарририм билан суҳбатлашаёпман... Оҳ, лента чайналиб қолди, Падилья, уни тўғрилагин, у тескари айланяпти шекилли, овозим тўтиқушдай чийилляпти... А-ҳа, мана бу менинг овозим:

“- Сенга маъқулми, Понс?”

- Унчалик эмас, аммо ҳозироқ тўғрилаш мумкин.

- Шу тариқа бугун номерни ҳеч қандай такаллуфсиз уларга бағишла. Бичиб-тўқиб, уларнинг қонини қайнат.

- Сен айтгандек бўлади, Артемио.

- Ҳечқиси йўқ, бу омма учун янгилик эмас.

- Ҳа, йил сайин миямиз чархланиб боряпти...

- Мен асосий мақолаларнинг ҳаммасини ҳамда биринчи саҳифани кўрмоқчиман... Кечқурун уйимга ўт.

- Артемио, умуман олганда, ҳаммаси ўша руҳда. Қизил фитнани фош этишга бағишланган. Мексика инқилоби тиргақларини кўпоришга уринаётган чет эл интервенцияси...

- Шонли Мексика инқилоби!

- ...йўлбошчилар - чет эл агентларининг малайлари. Тамброни жуда зўр мақола берди, Бланко эса бир устун жўшқин мақола тайёрлаб, уларнинг сардорини дажжолга қиёслаган. Карикатуралар пичоқсиз сўяди!.. Аҳволинг тузукми ўзи?

- Унчалик яхши эмас. Тутиб турибди. Ҳечқиси йўқ, ўтиб кетади. Ёш бўлганимизда бунақа дардларга парво ҳам қилмасдик, нима дединг?

- Нимасини айтасан...

- Мистер Коркерига айт, бир келиб-кетсин”.

Йўталганим, сўнг эшикнинг гийқиллаб очилиб-ёпилгани эшитилди. Қорним тинч, дам бўлса ҳам қалдирамаяпти... Гам босади... беҳуда... Уларни кўриб

турибман. Киришди. Қизил ёғочдан ясалган эшик очилиб-ёпилди, қалин гилам қадам товушларини ютиб юборади. Деразани ёпишди.

- Очиб қўйинглар...

- Йўқ, йўқ. Шамоллаб қоласан, бадтар тобинг қочади...

- Очиб қўйинглар...

“- Are you worried, Mr. Cruz?”

- Дуруст. Ўтиринг, мен ҳозир сизга тушунтириб бераман. Ичасизми? Столчани олдингизга суриброқ ўтиринг. Негадир тобим қочиб турибди”.

Менга гилдиракчаларнинг ғийқиллаши ва шишаларнинг шақир-шуқури эшитилади.

“- You look O.K.²”.

Қадаҳга музнинг тушиши, соданинг сифонда вижирлаб қайнашини эшитаман.

“- Мен сизга қартага нима тикилганини тушунтириб бераман; ўзингиз эса охиригача ўйлаб кўрмабсиз. Касаба уюшмаларини тозалаш ҳаракати устун келса, биз дўкончамизни ёпишимизга тўғри келади, деб Марказий бошқармага хабар беринг...

- Дўконни?

- Нима дейишим мумкин. Бизнинг Мексикада айтишадики, иштонни ечганингдан кейин ҳаммасига...”.

- Учириг!- деб қичқирди Тереса, магнитофон ёнига югуриб келиб.- Бу нима деганингиз?..

Мен қўлимни қимирлатиб, огоҳлантиришга, қошимни қоқишга улгурган эдим. Бир неча сўзни эшитмай қолдим.

“- ...темирўлчилар касаба уюшмаси раҳбарларининг мақсади нима экан?”

Кимдир асабий равишда бурнини қоқди. Қаерда?

“- ...компанияларга мияси айниган бошлиқларни улоқтириб ташлаётганда, тушуняпсизларми?- улоқтириб ташлаётганда гап демократик ҳаракат ҳақида боряпти, деб ўйлаши ноўринлигини тушунтиринглар. Мутлақо мумкин эмас.

- I'm all ears, Mr. Cruz³”.

Мана шундай бўлиши керак, деб гринго аксирди. Ҳа-ҳа.

- Йўқ, йўқ. Сен шамоллаб қоласан, ўзингга бало орттирасан.

- Очиб қўйинглар!

Мен, нафақат мен, балки бошқалар ҳам шамолда бошқа ернинг ҳиди, бошқа жойларнинг тушки муаттар бўйдан тўйиб симиришга уринардик. Ўзимдан узоқ бўлган совуқ буғлардан, иссиқ чиринди буғлардан нафас олганим олган. Мен уларни деразани очиб қўйишга мажбур этган эдим, мен нимани хоҳласам, шу нарсадан завқ туйишим, ҳидларни фарқлай олишим мумкин эди: мана кузги ўрмонлар, мана хазонлар, мана пишган олхўрилар; ҳа, ҳа, чириган тропиклар, туз конларининг ўткир чанги; мачете зарбидан узилиб тушган ана-наслар; сояда қуриётган тамакилар; локомотив тутуни, денгиз тўлқинлари; қор босган қарағайлар; металл ва гуано - бу абадий ҳаракат ададсиз ҳид олиб келмоқда...

Йўқ, йўқ, улар менинг силламни қуритишади. Ўтиришади, туришади, гўё битта соядай, айрича ўйлай олмайдиган ва ҳаракат қилолмайдигандай яна бир вақтда ўтиришади. Ҳаво киришига халақит бермоқчи, мени бўғмоқчи бўлиб, кўзимни чирт юмиб, ўзим кўролмайдиган, ушлашим, ҳидлашим имкони бўлмаган нарсалар ҳақида ҳаёл суришга мажбурлаб, яна деразга орқа ўгириб ўтиришди. Бу ярамаслар - қачон улар менга кашишнинг бурним тагига тикилишини, ўлим тилашни, истиғфор қилишни бас этишаркин? Ана ҳазарчи тиззалаб ўтирибди. Ҳозир мен ундан юз ўтираман. Афсуски бунга қовурғаларим тагидаги оғриқ йўл бермаяпти. О-оҳ. Утиб кетади.

Қўйиб юборади. Уйқум келяпти. Яна қаттиқ санчиқ турди. Мана... О-ҳо-ҳо... Ва аёллар. Йўқ, улар эмас. Аёллар. Меҳрибонлар. Нима? Ҳа. Йўқ. Билмайман.

¹ Мистер Крус, безорта бўлмаясизми? (ингл.)

² Кўринишингиз тузук (ингл.)

³ Қулоғим сизда, мистер Крус (ингл.)

Турқини унутганман. Мен унинг турқини унутганман. Йўқ. Уни унутиб бўлмайди. У қаерда? Оҳ, у шу қадар чиройли эдики, унинг юзлари, - уни унутиб бўлмайди. У меники эди, уни унутиш мумкин эмас. Мен сени севардим, қанақасига унутай. Сен меники эдинг, сени қандай унутиш мумкин. Сен нақадар чиройли эдинг, ҳа, нақадар чиройли эдинг? Сен ҳақингда ўйлай оламан, сендан ором топаман. Сен қандай эдинг? Сени қандай чорласам бўлади? Нима? Нима учун? Яна уколми? А? Нима учун? Йўқ, йўқ, бошқа, ҳа, бошқа нарса ҳақида ўйлашим керак; оғрияпти, о-оҳ, оғрияпти... Бошқа ҳақида... Ана шу тинчлантиради... Ана шу...

Сен кўзларингни юмасан, аммо қобокларинг - метин қопқоқ эмаслигини, уларнинг орасидан нур, очиқ деразадан тушаётган қуёш нури сенинг юмуқ кўзларингга етиб келиб, қорачиғингга қадалаётганини сезасан. Юмуқ қобокларинг сенга чизгилар, нур, нарсалар рангини кўришга имкон бермайди, аммо нигоҳдан бебахра этмайди, ҳар оқшом уфқда эрийдиган мис танганинг мудом ярқироғини зинҳор тўса олмайди. Сен кўзларингни юмасан ва миянг кўрмоқчи бўлаётган нарсалардан кўпроқ нарса кўраётганингга ишонасан: бунинг устига у сенга яхлит бир оламни намоеън этиши мумкин. Кўзингни юмасан, мавжуд борлиқ сенинг хаёлотинг билан беллаша олмайди. Қобокларингни туширасан, қуёш нурига монанд ҳаракатсиз, ўзгармас бир нур қобокларинг тагида толиқтириши, кўрқитиши, ажаблантириши, қувонтириши, ғамга ботириши мумкин бўлган ҳаракатдаги бошқа бир дунёни яратади. Кўзларингни юмиб, сен мана шу кичкина ва пўк япасқи идиш - қобок орасига сизиб кираётган ёруғлик кучи ироданг, аҳволинг измида бўлмаган сезгига чорлаши мумкинлигини биласан. Шунга қарамай, кўзларингни бир фурсат юмган пайтинг, сен ўзингни бир дам сўқирман, деб хаёл қиласан. Бироқ қулоқларингни бир фурсат батамом бекитганигда ҳам ўзингни кар, деб тасаввур эта олмайсан, ниманидир - жиллақурса, бармоқларинг билан ҳавони сеза оласан, ўзингни хушдан кетган, деб тасаввур қилолмайсан, оғзингни тўлдириб турган туфугингни, унинг бадбўй таъмини тўхтатолмайсан; ўпка ва қонингга ҳаёт бағишлаб турган оғир нафас олишингни тўхтатолмайсан; чаламурда бўлолмайсан. Сен кўриш, эшитиш, сезиш, таъм, ҳид - билаверасан; наркотик олиб кираётган шприц игнаси танангга санчилганда, оғриқни сезмасданоқ додлаб юборасан. Оғриқ сезгиси теринг оғриқни сезмасданоқ миянгга етиб боради; етиб бориб, оғриқни кучлироқ сезишга тайёр турмоғинг учун сени оғриқдан огоҳлантиради, чунки сезган пайтинг ҳамиша бўшашасан, ҳамиша қурбонликка айланасан, ана шундагина биз бизга бўйсунмайдиган, биз билан ҳисоблашмайдиган куч мавжудлигини англаб етамиз.

Пировардида сезгиларинг шу тариқа ўзинг тасаввур этаётган оғриқдан ус-тун келади.

Ва сен ўзингни иккига ажралган - идрок этаётган одам ва амал қилаётган одам; миллионлаб асаб ҳужайраларига сезги бағишловчи, сенинг марказий асаб тизимингни қўзғатувчи, бош миянгни олд қисмига ҳаракат берувчи аъзолардан таркиб топган одамлигингни, сезувчи одам ва амал қилувчи одам эканингни ҳис этасан; миянг эса етмиш бир йил давомида дунё рангларини, тан бирикувларини, ҳаёт неъматини, ер ҳидини, шамол шовқинини йигиб, тўплаб боради - пировардида шуурингга, барча асабларингга, мушак ва безларингга улашиб боради, улар эса танангни сенинг келгуси ҳаётинг кечиши башорат этилган дунё сари йўллай боради.

Бироқ сен ҳушсиз чоғингда асаб толаларининг бир-бирига алоқадорлиги, сезгилар уйғунлиги бузилади: сен рангларни эшитасан, тан бирикувларини сезасан, товушларни англайсан, исларни кўрасан, тилинг теккан нарсдан ҳид туюсан. Сен ташқаридан келган буйруқ бош мияннинг тегишли қисмларига етиб бориб, яна қайтиши, амал қилиши, ҳаракатга айланиши, мулоҳазасизлик балосига ғарқ бўлмаслигинг, яна аввалги тартибга қайтишинг учун қўлларингни ёйиб юборасан; ёйиб юборасан-у, юмуқ қобокларинг тагида фикрларинг рангини кўрасан ва пировардида дахлдорлик манбаини кўрмасдан туриб, сен эши-таётган чойшаблар, чатишган бармоқларинг тагидаги ғижим чойшаблар шити-

рини эшитасан, билиб оласан. Бармоқларингни тўғрилаётиб, кафтларингда тер кўпчиганини ҳис этасан, эҳтимол, туғилган пайтингда уларда ҳаёт ёки бойлик, ҳаёт ёки муҳаббат чизгилари бўлмаганини эсларсан. Сен бус-бутун тоза кафтлар билан туғилдинг, туғиласан, аммо уларнинг силлиқ сирти кароматли белги ва чизгиларга тўлмоғи учун сенинг дунёга келишинг кифоя қилади. Сен кафтларинг чуқур, кўзга яққол ташланувчи чизиқчаларга тўлиб- тошганда ўласан, аммо ўлимингдан бир неча соат ўтиб, тақдирингнинг барча излари ўз кўлларингда ўчиб кетади.

Балонинг кўплиги йўқ.

Буйруқ, буйруқ: сен бармоқларинг билан чойшабга хиппа ёпишиб олиб, миянг амр этаётган сезгиларни ўзингча пичирлайсан. Катта қийинчилик билан сенга ташналик ва очликни, иссиқдан терлаш ва совуқдан қалтираш, туриш ёки йиқилишни буюраётган миянгдаги нуқталарни фикран жойлаштиришга уринасан. Чақириққа дарров жавоб берадиган бу хизматкорлар, бу югурдакларга миянгда иккинчи даражали ўрин ажратиб, бош майдонни ҳаёл, истак, қобилият, зарурат ёки тасодифлардан туғилган фикрга бўшатиб берасан. Борлиқ дунё сенга осон ва жўнгина намоён бўлмайди. Тақдирга ишонсанг, ҳаракат қилмасанг, сен уни англай олмайсан. Хавф-хатарлар тугуни ўз бошингни емаслиги учун сен фикрлаб боришинг керак; кўр-кўрона ҳаракат қилмаслигинг учун борлиқни ҳушёр баҳолашинг, шубҳа сени мужиб ташламаслиги учун исташинг керак. Ва сен омон қоласан, кўпларнинг ёшини яшайсан.

Сен ўз ўзингни тан оласан.

Сен бошқаларни тан оласан ва улар - у ҳам сени тан олишлари учун елиб-югурасан; ҳар қандай одам сенинг яширин душманинг эканини англайсан, чунки уларнинг ҳар бири сенинг истақларинг йўлидаги тўсиқлардир.

Сен истак ва истак объектларинг яхлит намоён бўлишини хоҳлайсан, мақсадга тезроқ етишни, хоҳлаган ва хоҳлаётган нарсаларинг яхлит бўлишини хоҳлайсан.

Сен кўзларингни юмиб ётибсан, аммо кўриш, хоҳиш, хотирлашни бас этган эмассан, чунки хоҳланган нарсаларгина сеники бўлади. Сен истаётган нарсаларингга ўтмиш, ҳа ўтмиш, фақат ўтмишни соғиниш билан етишишинг мумкин. Зинҳор келажакни эмас. Фақат ўтмишни.

Хотира - бу амалга ошган истак.

Ҳаммасини бошқатдан хотирла, ҳали кеч эмас.

Қазои қадаргача хотирла.

(1913 йил 4 декабр)

У тосига аёлнинг нам тиззаси тегиб турганини сезди. Қиз ухлаётган пайти озгина салқин терга ботарди. У қўлини Рехинанинг белидан олганида бармоқлари учига намчил чинни томчилар ўтирганини сезди. Қўлини текизар-текизмас елкасини майин сийпади, ухлаб ётибди, хаёлдан ўтказди у: Рехина шу алфозда ётавериши, елкасини соатлаб силаб-сийпаши мумкин. У кўзларини юмиб, ўзига қапишиб ётган дурқун баданнинг ғоят оромижонлигини пайқади; бу майин, кўз очиб юмгунча бинафша рангдан қора рангга ўтувчи иланг-биланг танани таҳлил этиш ва англаш, ўрганишга бир умр камлик қилар-ов, деб ўйлади. Рехинанинг бадани кутар, у эса оҳиста, кўзларини чирт юмганча матрасга чўзилиб, қўл ва оёқларининг бармоқларини каравотнинг симчиқларига етказди. Атроф - қоп-қора шаффоф бўшлиқ; тонг эса узоқ. Енгилгина тўрчивин уларни таналарига лозим бўлмаган ҳамма нарсадан, бир бутун оламдан узиб турарди. У кўзларини очди. Қизнинг лунжи унинг лунжига, тикандек ботадиган иягига сургалди. Фира-шира қоронғилик ҳукмрон эди. Унинг оғушида бир жуфт қора ўйиқдек Рехинанинг чўзинчоқ, ярим юмук кўзлари милтираб турарди. У чуқур сўлиш олди. Рехинанинг қўллари эркакнинг елкасида чирмашди, юзлар яна бир-бирига яқинлашди. Тослари оловдек ёнарди. У нафасини ростлаб олди. Ётоқхонада оҳорланган юбка, блузка, ёнғоқ ёғочидан ясалган стол устида беҳи, ўчирилган чироқдан бошқа ҳеч нимарса йўқ. Олдида намчил ва нозик, денгиз туфидан яралган жувон ётибди. Қизнинг тирноқлари

чойшабни мушукдек тимдаларди, чаққон оёқлари ила яна эркакнинг белидан сиқди. Лаблари тинимсиз унинг бўйинини қидирарди. У тўзғиган узун сочларини суриб, лабини Рехина томон чўзишга ботинганда, қизнинг сийналари сурурли ўйноқлади. Рехина, сасингни чиқарма; у қўли билан жувоннинг оғзини бекитганида нафас олишини сезиб турарди. Кўз ва тил ортиқчалик қиларди - фақат сурурга чулганган басир бадан бўлса бас. У тушуниб, эркак танасига янада қаттиқроқ қапишди. Қизнинг қўллари уни эркаларди, эркак ҳам уни, бўй етган қизни эркаларди - яланғоч ҳолида, ҳаракатсиз пайтида бунчалар ювош, ҳаракатлари бунчалар нафис ва майин, дея хаёлдан кечирди у: қиз дарпардани туширди, ювиниб, манқалдонда олов ёқди...

Улар бир-бирларини кучган куйи яна ухлаб қолишди. Фақат қўли, битта қўли ширин уйқусида қимирлаб турарди.

“- Мен изингдан бораман.

- Қаерда яшамоқчисан?

- Сизлар қўлга киритадиган ерда, қишлоқда яшириниб яшайман. Сени ўша ерда кутиб тураман.

- Нарсаларингни нима қиласан?

- Ўзим билан бир нечта кўйлагимни оламан. Сен менга мева-чева ва нонга лойиқ пул берсанг етади, мен сени кутаман. Қишлоққа киришларинг билан ўша ерда бўламан. Ўйлашимча, битта кўйлак етади”.

Мана ўша кўйлак, - юбка, бегона хонадаги стул устида қатланиб ётибди. У уйғониб, юбка ва бошқа лаш-лушлар - стол устида ётган тароқ, қора туфлича, кичкина сиргага завққа тўлиб-тошиб, қўл чўзади. Айни дақиқаларда у қизга айрилиқ ва мушкул учрашувлардан ўзга алланарса ҳам инъом этгиси келарди. Гоҳо тўсатдан берилган буйруқ, душман ортидан қувиш ёки шимолга чекинишга мажбур қилувчи мағлубият туфайли улар бир неча ҳафта кўриша олмасди. Бироқ у оққуш мисоли бу жангу жадал ва тасодифлар алғов-далғовида инқилоб тўлқини қаерга урилишини олдиндан биларди: агар у келишилган қишлоқда бўлмаса, эрта ёки кеч у бошқа ерда, албатта ҳозир нозир бўларди. У қишлоқма қишлоқ кезиб, хонадонларини тарк этмаган чолу кампирлардан батальоннинг қаерда жойлашганини сўраб-суриштирарди:

- Икки ҳафта бурун...

- Айтишларича, битта ҳам тирик жон қолмабди.

- Ким билади дейсан. Балки чекинишгандир. Бу ерда бир неча тупларини ташлаб кетишди.

- Кўзингга қара, федераллар¹ кўзғолончиларга ёрдам бераётганларни аёвсиз жазолайди.

Пировардида улар ҳозиргидек яна учрашишарди. Хонада мева ва тушлик тайёр турар, юбка эса стулда ётарди. Бир дақиқа ҳам зое кетмаслиги учун қиз уни шай бўлиб кутарди. Ахир унинг қандай юриши, чойшабни қандай ёзиши, сочларини қандай ёйиб юборишини кўришни зое деб бўлармиди? Охириги кийимини ечиб, бошидан то оёғига қадар ўпиб, намхуш тери ва сочи ҳидидан маст бўлиб, бора-бора унинг қаршисида тиззалаб қолар ва қиз икки қўлини унинг бошидан ўтказиб олмагунча симдек таранг тортилган тана титроғидан ҳаяжонга ботарди, қорнига дам бериш мақсадида қизни бағрига босмасди. Эркакнинг бошини бағрига босса, узук-юлуқ ҳансирашини эшитса бас, у қизни тушуниб, чойшабгача уни қўлида кўтариб борарди.

“- Артемио, сени яна кўриш насиб этармикин?

- Бунақанги гапни иккинчи марта эшитмай. Эсингда тут, биз ўлгунимизча бир-биримизни деймиз”.

Ва у қайтиб сўроқламади. У бу ҳақда сўраганидан, унинг муҳаббати бир кун келиб тугаши ёки бошқа ҳамма нарсалар баҳолангани каби муҳаббатни ҳам

¹ Федераллар — президент Франсиско Мадерони ўлдирган аксилинқилобчи генерал Викториано Уэрта бошчилигидаги аскар ва зобитлар армияси шундай деб аталган. Уэрта диктатурасига Эмилиано Сапат ва Франсиско Вилья, шунингдек, кейинчалик ўз ҳукуматини тузган Венусиано Каррансанинг “конституцичилар” армияси қарши кураш олиб борган (кейинчалик Карранса ўзининг собиқ иттифоқдошлари — Сапат ва Вильяга қарши чиққан)

вақт баҳолайди, деб ўйлашга ботинганидан хижил бўлди. Унинг бу йигирма тўрт ёшли йигит билан қаерда ва қай йўсин танишганини эшлашга на ҳожат? Қўшин у ёки бу қишлоқни ишғол этиб, диктаторга тегишли ҳудуднинг жанг билан қўлга киритган жойида мустақкам ўрнашиши ва озик-овқат ғамлашлари ҳамда янги ҳужумга тайёргарлик кўриш мақсадида тўхтаб, тин олган чоғларидаги аҳён-аҳён учрашувларидан, муҳаббатю бошқа нарсалардан хавотирланишнинг ўрни эмас эди. Улар бу борада ортиқча гаплашмасликка келишиб олдилар. Улар ҳарбий хавф ва айрилиқ онлари ҳақида зинҳор ўйлашмасди. Мабода уларнинг бири ногоҳ учрашувга келмай қолса, улар ўз йўлларидан; у жанубга, пойтахт томон; қиз эса шимолга, уни учратган ва севиб қолган Синалао соҳиллари томон кетаётган чиқарди.

“- Рехина... Рехина...”

- Денгизга ёриб кирган, тошкемага ўхшаш қоятошни эслай оласанми? У ҳали ҳам шу ерда турибди.

- Мен сени ўша ерда учратганман. Сен у ерга тез-тез келиб турардингми?

- Ҳар оқшом. Қоялар орасида кўрфазнинг тиниқ сувига ойнага термулгандек термуласан. Мен ўз аксимга қарардим, кунларнинг бирида ёнимда сени кўриб қолдим. Кечалари кўрфазда юлдузлар акс этса, кундузлари қуёш жилва қиларди.

- Уша оқшом ўзимни кўярга жой тополмай қолдим. Биз ўктамлик билан бостириб кирдик, тўсатдан ҳамманинг дами ичига тушиб кетди - кўрқоқлар таслим бўлишди. Бекорчиликдан нима қиларимизни билмасдик. Хаёлга урилмаган нарсанинг ўзи йўқ эди... Сен ўша қоятошда ўтирган эдинг. Оёғингдан сув томчиларди.

- Мен ҳам сени учратгим келарди. Сен баногоҳ ёнимда, ёнгинамда пайдо бўлиб қолдинг, денгиздан чиқиб келдинг. Сезгиларинг алдамаган, мен ҳам шуни хоҳлаб юрардим.”

Ҳали тонг отмаган, аммо сурмаранг тўр бир-бирига чатишиб кетган икки тана устидан сирғалиб тушган эди. У биринчи бўлиб уйғонди ва Рехинанинг ширин уйқусини бузгиси келмади. Уйқу - бамисоли нафис азалий ўргимчак уяси, ўлимнинг қиёфадoshi. Оёқлари букилган, қўллари эркакнинг кўкрагида, намчил лаблари хиёл очиқ. Уларга субҳи содиқдаги муҳаббат ёқарди, улар саҳарни янги кун туҳфа этаётган байрам сингари қаршиларди. Ғира-шира нур Рехинанинг юзини сал-пал ёритарди. Ҳадемай у уйғонади ва қишлоқни шовқин қоплайди. Ҳозир эса ширин ҳаловатда ухлаётган қорамағиз қизнинг нафас олиши сокин дунёнинг уйғоқлигидан дарак берарди. Уни - чойшабда кулчадек ётган силлик, жилосиз ярим ойни, - фақат бир нарса уйғотишга, танадаги уйқу сурурини фақат ҳаёт сурури алмаштиришга ҳақли эди. Аммо ҳақлими? Усмирлик хаёли уни йироқларга етаклаб кетди: қиз гўё муҳаббатдан ором олиб ухламоқда, айни муҳаббат уни бир неча сониядан кейин уйғотади. Бахт қачон ўткирлашади? У назокат билан Рехинанинг сийнасига қўлини теккизди. Яқинлашув лаззати, айнан яқинлашув, тотли толғинлик ва яна қайноқ муҳаббатдан, муҳаббатнинг янги амалидан жўшқин майл, саодат зоҳир бўлди. У Рехинанинг қулоқларидан бўса олди ва ёнгинасида туриб унинг илк бор табассумини кўрди; қувончнинг илк гимиридан фойдаланиб қолиш илинжида бошини яқинлаштирди. Баданига унинг қўллари тегди. Майл яна аланга олди...

Улар яна эндигина ҳаёт инаётган, шуур нурлари жилваланаётган, икки овоз ўзларича илк бор нарсаларга ном бераётган, ўзича бу нарсдан бошқа ҳамма нарса ҳақида ўйлаётган; қаердадир яшаётган, нимагадир ҳисоб олиб бораётган, бу яна узоқроқ давом этиши учун ҳеч нарса ҳақида ўйламасликка уринаётган; бошини денгизлар ва қумтепалар, мевалар ва бўронлар, уйлар ва моллар, балиқлар ва экинлар билан тўлдираётган - фақат айни ҳол чўзилишини ўйлаётган дунёга қайтишди; кўзларини юмиб, бошини даст кўтарди, қалтираётган чўзиқ бўйнида қон томирлари бўртиб чиқди; шунда Рехина ҳам оламдаги бор нарсаларни унутиб юборади, таслим бўлиб, қошларини чимириб, кулимсираб, узук-юлуқ нафас олади: ҳа, ҳа, унга тотли, ҳа, ҳа... о, қанчалар тотли. Бу ҳол тўсатдан ҳаммаси бирваракайига рўй бергани ва бир-

бирларини тўсатдан мушоҳада эта олмай қолган, улар бир вужудга айланиб, бир хил сўзларни такрорлай бошлаган дамгача давом этади.

“- Мен хурсандман.

- Мен ҳам хурсандман.

- Сени севаман, Рехина.

- Сени севаман, севгилим.

- Ёнимда бўлганигда ўзингни қўярга жой тополмайсанми?

- Ҳар доим... О, сен билан бирга бўлсам қанчалар яхши...”

Бу орада тупроқли кўчада сув ташигич бўька тақирлади, дарёда ёввойи ўрдаклар қағиллади, сурнай нағмаси ҳаққа қайтишдан мужда этди: темир-терсақлар тақиллади, туёқлар дупурлади, хонадонлардан доғланган ёғ ҳиди кўтарилди.

У қўлини чўзиб, қўйлаги чўнтагидан сигарета қидирди. Қиз деразага яқинлашиб, тавақаларни очди. Оёқ учиди туриб, қулочини ёйиб, субҳидам ҳавосидан баҳра олди. Ошиқ-мошиқлар кўз олдиди куёшга қўл бериб турган ёйсимон кўнғир тоғлар гавдаланди... Қишлоққа иссиқ нон ҳиди таралди, олис-олисдан ғорларнинг чирик тупроқларига араллашиб кетган мирта бўйи келди. У фақат қўллари икки томонга ёйилган, кунни бирга ўтказган ва уни қаравотга олиб келган яланғоч танани кўриб турарди.

- Нонушта қиласанми?

- Бироздан кейин. Чекиб олай.

Рехина бошини унинг елкасига қўйди. Узун ва ҳаракатчан қўллари унинг тосини силарди. Улар кулишди.

- Қизлик пайтим ҳеч нарсани ўйламасдим. Яхши нарсалар адоқсиз эди. Таътиллар, байрамлар, ёз, ўйинлар. Негалигини билмайман-у, бўй етишим билан ниманидир кута бошладим. Болалигимда бунақа бўлмасди... Айни ҳол мени ана шу қоятошга етаклаб борди. Ўз-ўзимга кутиш керак, кутиш керак, дедим. Нима учун ўша ёз бениҳоя ўзгариб кетганимни, болалигим билан қандай хайрлашганимни билмайман.

- Ҳозир ҳам қиз боласан.

- Сен билан бўлиб-а? Шунча воқеадан кейин ҳамми?

У хохолаб юборди ва уни ўпиб қўйди. Қиз унинг кўкрагида уядаги қушча каби эшилди. Ғўнғиллашга ҳам, ҳиққилашга ҳам ўхшамайдиган овоз чиқариб, унинг бўйнидан кучди.

- Сен-чи?

- Билмадим. Сени топдим, жуда қаттиқ севаман.

- Сени кўришим билан менга ҳеч нарса керак бўлмай қолганини тушунтириб бероласанми? Биласанми, шунда мен ўз-ўзимга: ҳозир ёки ҳеч қачон, деганман. Агар сен ташлаб кетсанг, менинг ҳаётим тугайди. Сенинг-чи?

- Менинг ҳам. Сен бу аскар шунчаки вақтичоғлик қилди, деб ўйлаяпсанми?

- Йўқ, йўқ. Мен сенинг форманга ҳам қарамабман. Мен сенинг сувда акс этган кўзларингни кўрганман, холос, энди эса сенинг аксинг доимо ёнимда бўлади.

- Азизам, севгилим. Қара-чи, кофемиз бормикин?

Улар ғўр муҳаббатларининг ўтган ярим йилдаги тонглиридан сира фарқ қилмайдиган айни тонгда хайрлашиб, қиз ундан кўшин тез орада бу ердан кетадими, деб сўради. У билмайман, генерал хоҳласа кетади, деб жавоб берди. Федералларнинг шу атрофда изғиб юрган отрядларини мажақлашга тўғри келади, аммо ҳар қандай шароитда ҳам казарма шу ерда қолади. Теваракда мол-ҳол, сув сероб. Кўним учун бебаҳо жой. Сонордан сўнг аскарларнинг она сути оғзидан келди, ҳордиқ чиқарса арзийди. Соат ўн бирда ҳаммамиз комендантура олдидидаги майдонда йиғилишимиз лозим. Бирор қишлоқ ишғол этилса, генерал доимо далада саккиз соатдан ортиқ ишламаслик керак, ерни деҳқонларга бериш керак, деб буйруқ қилади. Мабода яқин орада асьенда бўлса, дўконни кулини кўкка созуришга буоради. Камбағалларни бўйинтурукда ушлаб турганлар бўлса - бундайлар ҳар доим топилади, ҳар ким ҳам федераллар билан тил топишавермайди, - қарзларни ҳақиқий эмас, деб жория қилади. Шуниси ёмонки, бутун халқ қурол тутган, деҳқонман деган одам борки аскарга айлан-

ган, нафсиламрини айтганда, генералнинг фармони бажарадиган одам қолмади. Деярли ҳар бир қишлоқда, инқилоб тугагини, ер муаммоси, саккиз соатлик иш куни ҳақидаги масаланинг қандай ҳал этилишини кутиб ўтирган барча бойларнинг пулини тортиб олишса, кўнгилдагидай иш бўларди. Энди Мехикони босиб олиб, президент саройидан дон Панчито Мадерани қатл этган ароқхўр Уэртани улоқтириб ташлаш керак.

- Роса бошингни ачитдим-а!- дея минғирлади у мошранг кўйлагини оқ иштонини ичига солаётиб.- Роса бошингни қотирдим-а! Веракрус деган овлоқ бир жойдан Мехикога, у ердан Сонорога келиб қолдим, сўнг ўқитувчи Себастьян мендан қарияларнинг кучи етмайдиган ишни охирига етказишни: шимолга бориб, қўлимга қурол олиб, мамлакатни озод этишни илтимос қилди. Йигирма бир ёшга кирган бўлсам ҳам, ўша пайти она сути оғзимдан кетмаган гўдак эдим. Тўғриси, аёлларни ҳам билмасдим. Мени ўзим билган уч нараса: ўқиш, ёзиш ва попларга нафрат сочишни ўргатган Себастьян муаллимнинг ўғитларига амал қилмаслигим мумкин эмас эди-да.

Рехина столга икки чашка кофе қўйганда у жим бўлди.

- Уҳ, роса иссиқ-ку!

Ҳали эрта эди. Улар бир-бирини кучишган куйи йўлга чиқишди. Қиз эгнида оҳорланган юбка. У эса оқ куртка ва бошига фетрли сомбреро кийган эди. Улар паноҳ топган қулба чуқур жарлик бўйида эди. Жар лабидан пастга кўнғироқгуллар осилиб ётар, шохлардан эса падалъ ҳиди келарди: койот миждилаб ташлаган қўннинг сассиқ ҳиди димоққа уриларди. Жарлик тубидан сув жириллаб оқарди. Рехина сувда ўзи ўйлаб топган нарсани кўрмоқчи бўлиб, эгилди. Улар бир-бирларининг қўлларидан ушлашди: йўлак қишлоққа жарликнинг бошқа ёнидан кўтарилиб борган эди. Қулоғига тоғлардан қораялоқларнинг тақтуқ кертмак уяётган товуши чалинди. Йўқ, бу партўшакка қопланган йўлда бораётган туёқлар овози эди.

- Лейтенант Крус! Лейтенант Крус!

От жонҳолатда кишнаб, таққа тўхтади. Чанг генералнинг адъютанти Лоретонинг тер босган қувноқ юзига бамисоли ниқоб бўлиб ўтирди.

- Тезроқ юринглар,- деди у хирқироқ овозда пешонасини рўмолчаси билан артаётиб,- янгилик бор. Ҳозироқ йўлга чиқамиз. Нонушта қилдингларми? Казармада тухум беришяпти.

- Егим йўқ,- дея у кулиб жавоб қайтарди.

Енгил чанг Рехинага ҳам ўтирди. Лоретонинг оти кўздан ғойиб бўлиб, атрофни сукунат қоплаганда у чин эҳтирос билан суядиган ёш севгилисининг елкасидан сиқди.

- Мени шу ерда кут.

- Нима қор-қол рўй берган, деб ўйлайсан?

- Теварак-атрофда душман отрядларининг қолган-қутгани бўлса керак.

Кўрқма.

« Мен сени шу ерда кутайми?

- Албатта. Кетиб қолма. Мен бугун кечқурун ёки кечи билан, эртага эрталаб келаман.

- Артемио... Биз қачонлардир у ёққа қайтамизми?

- Қайдам. Яна қанча сарсону саргардон бўлишимизни ҳеч ким билмайди.

Буни ўйлама. Сени қанчалар севишимни биласанми?

- Мен ҳам. Бениҳоя. Бир умр.

Казарманинг марказий патиосида ва сайисхоналарда ҳужум ҳақида буйруқ олган аскарлар тантанавор хотиржамлик ила юришга тайёргарлик кўришарди. Тўпларни патио билан станция оралиғига ётқизилган рельсдан узунқулоқ хачирлар бирин-кетин тортиб борарди; уларнинг ортида эса қурол-яроғ ортилган лафетлар. Отлиқлар жиловларини калта қилишиб, ем-хашак солинган тўрваларни ечиб олишар, айилларни тортишар, жанговар, беозор ва итоаткор, порохларга топинувчи, ҳаммаёғини қана босган отларининг тўзғиган ёлларини майин силаларди. Икки юзта - саман, чавқар ва қора отлар казармадан измаиз чиқиб кетди. Пиёдалар милтиқларини тозалашар ва патрон тарқатаётган қувноқ пакана одамнинг ёнидан бирин-кетин бўлиб ўтишарди. Шимолликлар

четлари юқорига тик қайрилган кулранг фетр сомбреро кийиб олишган. Бўйинларида рўмолча. Патронтошларни камарларига боғлашган. Битта-иккитаси этик кийган, хом сурпдан тикилган миткал чолворлари тагидан сариқ кўн бошмоқлари ёки оддий уарача¹ лари кўриниб турарди. Йўл-йўл қўйлақларига ёқа кўндирилмаган. У ер-бу ер - кўчаларда, патиода, станцияда новдалар билан безатилган ҳинди соябонлари кўзга ташланади. Вара² чолғусини орқаларига осиб олиб, қўлларига мис карнайлар ушлаган бу одамлар ҳинди яки³лар эди. Бир томчи илиқ сув қолган. Бурчаклардаги қозонларда ловияли ёвғон шўрва, косаларда тухум қайнамоқда. Станциядан одамларнинг доду фарёди эшитилди - қишлоққа майя ҳиндилари тушган очиқ вагон етиб келган эди. Улар ноғораларини гумбуллатиб уришар ва рангдор ёйларини йўғон найзаларини силкишарди.

У олдинга суқилиб ўтди: казармада, деворга қийшиқ илинган харита ёнида генерал нутқ ирод этарди:

- Бизнинг ортимизда, инқилоб туфайли озод этилган жойларда федераллар қарши ҳужумга ўтишди. Улар бизни қанотдан ёнлаб ўтмоқчи. Бугун эрталаб дозоримиз тоғда, полковник Хименес эгаллаган қишлоқ томондан куюк тутун кўтарилганини кўрибди. Дозор тушиб келиб, бизни бундан хабардор этди. Ҳужум бошланганда, эсимда полковник бизни олов ёқиб, огоҳлантиришга амр этган, ҳар бир қишлоқда хода тайёрлатиб, ўрмонни куйдириб ер очтўрган эди. Аҳвол мана шундай. Биз икки қисмга бўлинишимиз керак. Ярмимиз тоғлар орқали ортга қайтиб, Хименесни қўллаб-қувватлайди. Қолганлар кеча мажлаб ташланган отрядни таъқиб этади. Айтмоқчи, бизга жанубдан катта босқин бўлмасмикин, текшириб кўришимиз керак. Бу қишлоқда битта бригада қолади. Душманнинг бу ерга келиши даргумон. Майор Гавилан... Лейтенант Апарисио... Лейтенант Крус... Сизлар орқага, шимолга қараб юринглар.

Хименес ёққан олов у туш пайти, довондаги дозор постидан ўтганда ўчди. Куйида мортирлар ва тўплар, ўқ-дорилар солинган яшик ва пулемётларни сассадосиз имиллаб тортиб келаётган аскарлар эшелони қораси кўринди. Отлиқ отряд тик қоядан машаққат чекиб пастга энарди, темирйўлдаги тўплардан федераллар яна босиб олгани эҳтимол тугилган қишлоқ ўққа тугилди.

- Эй, тезроқ!- деб қичқирди у.- Бизникилар ўз билганидан қолмайди, у ерга вақтида етиб борсак, бемалол дам оламиз.

У отлар туёғи текисликда базўр дупураётганини негадир тушунолмади, боши эгилиб, ўзига қандай буйруқ берилганини ўйлаш ёдига ҳам тушмади. У аскарларини бошқа қайтиб кўрмади, унинг қатъийлиги, собитқадамлиги қайгадир учиб кетди. Қалбини назокат, йўқотган нарсаси ҳақидаги чуқур қайғу, Рехинанинг кучоғига қайтиб келиб, дунёни унутиш истаги эгаллади. Ловуллаб куйдираётган қуёш гардиши гўё ёнида от йўртгириб келаётган ўз суворийлари ва олисдаги тўпчиларни ютиб юборгандай; мавжуд дунёни ўзга, у ва унинг муҳаббати яшашга ҳуқуқи ва халос этишга лойиқ бўлган хаёлидаги дунё суриб чиқарди.

“Денгизга бўртиб кирган, тошкемага монанд қоятошни эслай оласанми?”

У бўса олиш истагида қизни мушоҳада эта бошлади, мушоҳада этар ва уни ўз измига олишига ишонар, уйғотишдан чўчирди. Рехинани фақат битта эркак билади ва шундай кўради, деб ўйларди у, айни шу эркак унга эгалик қилади ва ҳеч қачон уни тарк этмайди. Уни ўйлаш баробарида ўзи ҳақида ҳам ўйларди. Жилонни қўйиб юборди: у ва уни забт этган муҳаббат мана шу аёлга сингиб кетарди. Қайтиш керак... Ўзи учун нақадар азиз эканини айтиш зарур... Ҳозир нима ҳақда ўйлаганини айтиб бериши керак... Чунки Рехина билиши керак...

От кишнади ва шиддат билан орқа оёқларида тик турди. Суворий қуруқ тупроққа, ўткир шох-шаббалар устига йиқилиб тушди. Федералларнинг гранаталари отлиқларга ёғилди. У ўрндан турганида фақат ёнаётган отининг туту-

¹ У а р а ч и — ҳиндиларнинг қўлбола бошмоғи.

² Ҳиндиларнинг мусиқа асбоби.

³ Я к и — мексикалик ҳиндилар қабилиси, Яки дарёси бўйида яшашади (Соноро штати).

П. Диас даврида аяқлар тез-тез исён кўтарар ва инқилоб даврида А.Обрегон қўшинлари сафида хизмат қилган.

нини, ўлимга чап берган кўрагини - совутнинг қип-қизил қонга беланганини кўрди, холос. Жасаднинг ёнида элликтача бошқа от қутурганча ер тепиниб ётарди. Атрофни зулмат босди: осмон бирмунча пастлашиб, порох исига ботди. Жон сақлаб қолишига тутун пағаси қалқон бўла олса-да, ўзини яланғоч новдали пастак дарахт тагига урди. Ўттиз метр нарида пастак, аммо қалин ўрмон бошланарди. Чор тарафдан даҳшатга тушган тушнуксиз бақриқ-чақриқлар ёғиларди. У олдинга талпиниб, кимнингдир оти жиловидан ушлади, сағрисига оёғини ошириб, ён тарафига осилиб, отни ўзига пана қилиб, шпор билан ниқтади. От йўрта бошлади, у эса бошини эгиб, тўзғиган сочлари туфайли ҳеч нарсани кўрмай, дир-дир қалтираганча юган ва эгардан маҳкам ушлаб олди. Ахийри кун ёруғи ариди, кўзини очганда ним қоронғилик тушган эди, ўзини отдан ташлаб, ўрнидан турди ва бориб дарахт танасига урилди.

Дод-фарёд бу ерга ҳам етиб келарди. Атрофни қалдироқ тугган, жанг авжига минган, аммо ўрмон ситамлардан нажот бергулик масофада йироқ эди. Шохлар сезилар-сезилмас тебранар, қалтакесаклар шитирлаб ўрмаларди. У дарахтга суянган куйи ёлғиз ўтирар экан, аста-секин қонини илитаётган ҳаёт қувончига сингиб кетди. Осойишталикнинг завқли сезгилари бошқа фикрларга ўрин бермасди. Аскарлар? Юраги бежавотир, бир маромда урмоқда. Балки уни қидиришаётгандир? Қўл ва оёқларида беҳоллик, оғирлик, чарқоқ сезилади. Унингсиз нима қилишаётган экан? Файритабий равишда юқорида, шох-шаббалар узра эҳтиёткорлик билан учаётган қушларни кузатди. Балки, бошқалар ҳам тартибга риоя қилмай ўзларини худо марҳамат этган мана шу ўрмончага уришгандир? Ҳа, тоққа, қуролдошларининг олдига пиёда чиқиб бориш қийин. Шу ерда кутмоқ керак. Бордию асир тушиб қолса-чи? Унинг мулоҳазалари баногоҳ узилди: лейтенантнинг шундоқ ёнидаги шохлар орасидан кимнингдир чинқириги эшитилиб, кимдир унинг қўлига йиқилиб тушди. У йиқилиб тушган одамни итариб ташламоқчи бўлди, аммо ожиз, жулдур кийими қонга беланган мажруҳ танани савқи табиийликда қўлидан қўймай турди. Ярадор бошини ўртоғининг елкасига қўйди:

- Беришяпти... бизга... иссиқ...

У елкасида аллақандай иссиқлик туйди: аскарнинг тимдаланган елкасидан қон сизиб оқарди. У аскарнинг оғриқдан буришиб кетган юзига разм солди: ёноғи кенг, оғзи ярим очилган, киприклари қалин, ўзиникидек қалта соқол ва мўйлаби ҳурпайган. Агар кўзлари яшил бўлса борми, туғишган инисидан сира фарқ қилмасди...

- У ерда нима бўляпти? Бизникиларнинг додини беришяптими? Отлиқлар қай аҳволда? Чекиндими?

- Йўқ... Йўқ... Олдинга боришяпти... Олдинга.

Ярадор соғ қўлини қийналиб силкиди - бошқаси шрапнелдан илма-тешик бўлиб кетган эди. Фамгин қиёфаси яна даҳшатли тусга кирди: у азобини енгиллаштириб, гўё ҳаётини узайтирмоқчидай.

- Ҳўш? Бизникилар олдга боришяптими?

- Сув, оғайни... Ёмон ҳис этипман...

Ярадор лейтенантни ажабтовур куч билан кучиб, унсиз ёлворгандек ҳушдан кетди. У кўрғошиндай тана оғирлиги остида қолди. Яна қуролли отишмалар авжга чиқди. Дарахтлар учи шамолда секин қимирларди. Осуда ва сокинликни яна шрапнель овози бузди. У ярадорнинг бақувват қўлини кўтариб, устига ағнаб тушган тана оғирлигидан халос бўлди. Аскарнинг бошидан ушлаб, уни эгри-бугри томирлар босган ерга ётқизди. Декчасининг оғзини очиб, сувдан тўйиб ичгач, кейин уни ярадорнинг лабларига тутди: сув унинг бўзарган иягини намлади. Лекин юраги уриб турарди. Ярадорнинг кўраги олдида эгилганча тиззалаб ўтирди ва ўз-ўзидан: у ҳаёт билан яна қанча олишаркин, деб сўради. Ярадорнинг белидаги залворли оқиш тўқани ечиб, ортига ўгирилди. У ёқда нималар содир бўлмақда? Гавдасини тик кўтарди ва ўрмон ичкарисига йўналиб, ярадордан тобора узоқлаша борди.

У юра-юра ўзини пайпаслар, қалта шаббаларни йириб яна пайпаслашга тушарди. Йўқ, ҳарҳолда тирик. Ҳаммаси жойида. Булоқ бўйида тўхтаб, декчасини тўлдирди. Булоқ жилгага қўшилиб, туғилмасидан бурун ўлимга маҳкум

этилган эди: ўрмондан чиқиши ҳамано уни қуёш забтига олди. У қўйлагини ечиб, бир ҳовуч сувни қўлтиғи, кўкраги, иссиқ ва ғадир-будур елкаларига, оч-сарик, силлиқ, ҳозиргина тирналган бақувват қўл мушакларига сепалади. Булоқнинг вижирлаб қайнаши аксини сувда кўришга имкон бермасди. Бу ўз танаси эмас - танасини Рехина забт этган, у ўз нозу қарашмаси билан уни талаб этарди. Ҳа, танаси ўзига эмас, Рехинага тегишли. Уни қутқариш керак. Рехина учун. Улар учун энди ёлғизлик ва айрилиқ абас, уларни ажратиб турган девор қулаб тушган: улар иккови бир умр яхлит вужудга айланганлар. Инқилоб ўтиб кетади, халқлар ва ҳаёт ўтиб кетади, аммо севги онлари мангу қолади. Энди унинг ҳаёти икковига тегишли. У юзини намлаб, яна ялангликка чиқиб олди.

Кўзголончиларнинг отлиқ отряди яланглик бўйлаб ўрмонга, тоққа қараб ўрларди. Отлар унга пешвоз юрди, у эса йўналишини йўқотиб, қуйига, олов ўрлаётган қишлоқ томон йўл олди. Отлар сағрисига тушаётган қамчилар шарақ-шуруғи ва милтиқларнинг қуруқ пақ-пақини эшитиб, тўхтади - даланинг ўртасида ёлғиз ўзи. Қочишяптими? Бошини чангаллаб, ортага бурилди. Ҳеч нарсага тушуниб бўлмасди. Мабода уйдан, казармадан чиқсанг, ёрқин мақсадга эга бўлишинг ва заррин ипни йўқотмаслигинг керак - шундагина нима рўй бераётганини аниқлаб олишинг мумкин. Бир дақиқа диққатингни бўлсанг кифоя, юришлари маънисиз, тартибсизликдан иборат уруш шахмати манъижсиз, тушнуксиз ўйинга айланаётганини англайсан.

Мана чанг-тўзон уюри... Учқур отларнинг важоҳатли башараси... Қичқирганча қилич сермаётган суворий... Олисроқда поезд тўхтаб турибди... Чанг-тўзон, яқин, яқин... Ана қуёш - қўл узатсанг етади, ақлдан озган бош устида ёниб турибди... Қилич пешонасини тилиб юборди... Ёнидан чопиб ўтаётган отлар уни оёғидан чалиб йиқитди...

У ўрнидан туриб, пешонасидаги жароҳатга қўлини теккизди. Яна ўрмонга қайтиш керак, фақат ана шу ер хатарсиз. Заминнинг оёғи осмондан келган эди... Қуёш кўзини қамаштирар, яйдоқ яланглик ва тоғлар занжири, сароб уфққа қоришиб кетган эди. Ўрмонга етиб олиб, дарахтга суянди. Қўйлагини ечиб, енгини йиртиб, унга бир неча бор туфлади-да, қонга беланган пешонасини намлади. Кутилмаганда, ёнида нотаниш одам этиклари билан қуриган шаббаларни чирсиллатиб синдириб келаётган пайти зирқираб оғриётган бошини латга билан ўраб боғлади. Хира тортган нигоҳи рўпарасида турган оёқлар узра секин юқори кўтарилди: инқилоб армиясининг аскарари, елкасида кимнингдир қонга ботган танаси, илма-тешик халтачаси пажмурда қўлларида олиб турибди - қон оқиши тўхтаган.

- Мен уни ўрмон ёқасида кўриб қолдим. Шўрликнинг куни битибди. Қўли бошига етган, менинг... менинг лейтенантим...

Дароз ва қорамағиздан келган аскар фарқловчи белгиларни аниқ кўриш ниятида кўзларини қисиб тикилди.

- Кун битибди. Улиқдай оғир.

Танани елкасидан шушириб, дарахтга суянди - унинг ўзи бундан ярим соат ёки ўн беш дақиқа олдин худди шундай қилган эди. Ёноғини ярадорнинг оғзига босди. У бу очилган оғиз, кенг ёноқ ва кўзлари ич-ичига ботиб кетган мурдани таниди.

- Ҳа, ўлибди. Эртароқ етиб келганимда, уни қутқариб қолармидим.

Аскар марҳумнинг кўзини катта чорсу шапалоғи билан бекитди. Оқиш тўқасини қадаб, бошини ҳам қилиб, оппоқ тишлари орасидан:

- Эҳ, лейтенантим. Дунёда мана шундай мардонлар бўлмаса, бизларнинг ҳолимиз не кечарди,- деган сўзлар ситилиб чиқди.

У шахт туриб, марҳум ва тирик одамга орқа ўгириб, яна яланглик сари интилди. Гарчи ҳеч нарса кўринмаса ва эшитилмаса ҳам, гарчи бутун олам соялар атрофида тўлганиб ётса ҳам у ер бежавотир. Гарчи уруш ва тинчликнинг жамики товушлари - сенсонтлар сайроғи, шамол, ҳўкизларнинг чўзиқ мўмўси - бошқа товушларни босиб кетар ва соғинчни етаклаб келувчи яккаш барабан даранг-дунгига уйғунлашиб кетарди. У кимнингдир жасадига қоқилиб кетди. Ўзи ҳам билмаган ҳолда унинг олдида тиз чўкди, бир дақиқа ўтгач, ноғораларнинг бир маромдаги дангир-дунгури орасидан бир сас етиб келди:

- Лейтенант... Лейтенант Крус!

Кимнингдир қўли лейтенантнинг елкасида турарди. У нигоҳини юқори кўтарди.

- Лейтенант, сиз оғир яралангансиз. Биз билан юринг. Федераллар думини тугди. Хименес қишлоқни қўлдан чиқармади. Рио-Ондога, казармага қайтсак бўлади. Отлиқлар, худога шукр, жангда жасорат кўрсатишди, назаримда уларнинг сафи кенгайиб кетгандай бўлди. Кетдик. Сиз, ёмон кўряпсиз, шекилли?

У ўзини зобитнинг елкасига ташлаб, пичирлади:

- Казармага. Ҳа, кетдик.

Урушнинг чигал йўлларидадан адаштирамай, ҳа адаштирамай, қочирмай борадиган ип йўқолган эди. Адаштирамай. Қўллари жиловни зўрға тутиб турарди. Аммо майор Гавиланнинг эгарига боғланган от Рехина кутаётган, водийни уруш майдонидан ажратиб турган тоғ бўйлаб секин кетарди. Ип йўқолган эди. Пастликда, олдинда, у бугун эрталаб чиқиб кетган, томлари тешилган ва кактус деворли, бинафша, қизғиш, сомон сувоқли оқланган уйлар - Рио-Ондо қишлоғи ястаниб ётарди. Унга жарнинг яшил лаблари ёнида, Рехина кутиб турган уй, деразаларни таниш осондек туюлди.

Гавилан олдинда борарди. Куёш уфққа бош қўйиб, тоғлар икки ҳарбийнинг эгик гавдасига соя ташлаган эди. Майорнинг оти секинлаган пайти лейтенантнинг оти унга етиб олди. Гавилан унга сигарет таклиф қилди. Тамаки бўрқсиди, отлар яна йўлда йўрғалаб юришда давом этди. У олов ёқилган пайти майорнинг юзида ачиниш зухур эканини ҳис этиб, бошини эгди. Нима дердик, хизматида яраша. Улар ҳақиқатнинг бир бўлагини билишади: у уруш майдонидан қочди - энди унинг офицерлик қадамаларини юлиб олишади. Аммо улар бошқа нарсани, у Рехинанинг олдига келиш учун омон қолмоқчи бўлганини билишмайди, тушунтирмоқчи бўлганида эса тушунишни хоҳлашмайди. Улар, шунингдек, ҳаётини сақлаб қолиш иложи бўлган ярадор аскарни ташлаб кетганини ҳам билишмайди. Рехинанинг муҳаббати унинг ташлаб кетган аскар олдидаги гуноҳини ювиб юборади. Шундай бўлмоғи керак. У бошини эгди ва ҳаётида илк бор номус нелигини ҳис этди. Номус. Аммо майор Гавиланнинг тиниқ, соф кўзларида гина-кудурат сезилмасди. Майор озод қўли билан қуёш ва чангдан ялтираб турган кўнғир соқолини силади.

- Биз сиз учун ҳаётимизни қурбон қилсак арзийди, лейтенант. Уларнинг ҳужумини сиз ва сизнинг одамларингиз даф этди... Генерал сизни қахрамон сифатида қарши олади... Артемио... Мен сизни оддийгина қилиб, Артемио, десам майлими?

Шундай дея майор ҳорғин жилмайди. Майор қўлини лейтенантнинг елкасига қўйиб ва унга саволомуз қараганча истеҳзо аралаш қўшиб қўйди:

«Анчадан бери бирга жанг қиламиз, лекин шу пайтгача бир-биримизни сенламаймиз.

Шишадай шаффоф тун пардаси ёйилди, фақат олис-олисларга чўзилиб кетган тоғлар учида, қоронғилик қўйнида уфқ қизариб турарди. Казармалар ёнида ёқилган гулханлар сўнаётганини узоқдан кўриб бўлмасди.

- Лаънатилар!- дея майор бўғилиб сўкинди. - Ярамаслар қишлоққа қўқисдан бостириб киришди. Казармага йўлай олмаслигини тушунса бўлади. Аммо бор аламларини қишлоқ одамларидан чиқармоқчи бўлишди: хоҳлаган расвогарликни қилишган. Улар аввалига бизга ёрдам бераётган қишлоқ одамларидан ўч олмоқчи эди. Ўн нафар одамни гаровга олишиб, агар биз таслим бўлмасак, осиб ўлдирамиз, деб хабар беришибди. Бунга жавобан генерал мортирдан ўққа тугди.

Кўчалар аскар ва деҳқонларга тўлиб-тошган эди. Санқи итлар тентираб юришар, санқи итлар каби бошпанасиз қолган болалар остоналарда уввос тортишарди. У-бу ерда ёнғин бўрқсир, аёллар кўчаларнинг ўртасида матрос тўшаб ва бутун қолган кулбаларида ўтиришарди.

- Лейтенант Артемио Крус,- деди секингина Гавилан аскарларга бош эгаётиб.

- Лейтенант Крус, - деган аскарларнинг шивири аёллар томон йўналди.

Оломон икки отлиқни олдинга ўтказиб юборди: одамлар асабий пишқираётган қоратўриқ ва ортидан хомуш эргашиб келаётган қора отни тисланиб ўтказиб юборишди. Лейтенант командирлик қилган отлиқ отряд одамлари у томон кўлларини чўзганча оёқларига уриб олқишларди, пешонасига боғланган қон юки латгани кўрсатишиб, секингина галаба билан табриклашарди.

Улар қишлоқни оралаб ўтишди - қорайган жарлик бўйига келиб қолдилар. Кечки шабада дарахтлар учини ўйноқларди. У кўзини катта очди: ана оқ уйча. Деразаларига қаради - ёпик. Баъзи хонадонларнинг эшиклариди чироқларнинг қизғиш тили милтираб турарди. Остоналарда чўккалаб ўтирган мусофир одамларнинг шарпаси кўринарди.

- Уларни осиб ўлдириш хаёлларингга келмасин!- лейтенант Апарисио отининг олд оёқларини кўтариб, қамчисини ҳаволатганча ёлвораётган одамларни четга суриб қичқирди.

- Ҳаммасини эслаб қолинглар! Ким билан урушаётганимизни билиб олинглар! Душман деҳқонларни ўз иниларини ўлдиришга мажбурламоқда. Уларни таниб қолинг. Душманлар ўз ерини бермаган яки уруғини битта қолдирмай қириб ташлади. Улар очликдан ўлгиси келмаган Рио-Бланко ва Канажа деҳқонларини отиб ўлдириди. Агар биз уларни яксон этмасак, улар бизни яксон этади. Билиб қўйинглар!

Ёш лейтенант Апарисионинг бармоқлари жар бўйидаги дарахтларга тиралиб қолди: бўйнидаги дағал хенекен ипидан нари-бери тўқилган арқон тугунидан ҳамон қон сизарди, аммо кўзлари чаноғидан чиқиб кетган, тили кўкарган, намиққан танасини тоғдан эсаётган шабада тебратарди, - улар ўлик эди. Кўз олдида тушқун ёки ғазабнок, аламоқ ёки овсар, забонсиз ғуссага ботган - кир-чир урачилар гап сотишарди, боланинг яланг товони, аёлларнинг қора туфлилари намоён бўлди. У отдан тушди. Яқинроқ борди. Рехинанинг оҳорланган юбкасини бағрига босиб, эркак бўлганидан буён илк бор бўғиқ ва узук-юлуқ, хўнграб йиғлади.

Апарисио ва Гавилан уни хонага бошлаб киришди. Ётишга мажбурлаб, ярасини ювишди, кир латгани ечиб, ўрнига бинт боғлашди. Улар кетгач, у ёстиқни кучоқлаб, юзини унга босиб ётди. Кўз юмса бас, ҳаммасини унутиб юборди. Уйку Рехина билан яқинлаштиради, бирлаштиради, деб ўзини инонтирмоқчи бўлди. Бунинг иложсизлигини тушунди; энди сариқ москит тўр тагидаги мана бу каравотда нам сочлар, силлиқ тана ва итоаткор сон аввалгидан кўра кучли ҳукмронлик қилади. У ҳозир аввалгидан ҳам шу қадар яқин, шу қадар меҳрибон бўлиб кетган эди; у фақат унинг учун яшар ва унга муте эди. Хотира юрагини ағдар-тўнтар қилар, боши оловдек ёнарди. Муҳаббатларининг ўтган ойларида у ҳеч қачон Рехинанинг чиройли кўзларига мана шундай ҳаяжон билан тикилмаган, ҳеч қачон ҳозиргидай шуъла сочаётган бир жуфт кўзни: қора олмос, қуёшдан ялтираётган денгиз туби, сертош туби, дарахтадаги қоп-қора олчага қиёсламаган, ҳеч қачон унга бу қиёсини изҳор этмаган эди. Изҳор этишнинг фурсати ҳам бўлмаган эди. Муҳаббат ҳақида бундай гапиришга фурсат тополмаган эди. Охирги сўзни айтиш учун вақт камлик қилган эди. Агар кўзларини юмса, у қайтиб келиб, ёндиргувчи эркалашлари билан титраётган бармоқларига жон бағишлар. Унинг ҳамиша бирга бўлмоғи учун балки ўзича тасаввур этмоқ керакдир. Ким билади дейсиз, хотира ҳақиқатан ҳам ҳаётни узайтирар, оёқларни маҳкам чатиштирар, деразани тонгда очтириб, сочларни таратар - анвойи бўйни, товушни, нозик ҳаракатларни руҳлантирар. У ўрнидан турди. Қоронги хонада тимирскиланиб мескал¹ ни топди. Бироқ ароқ илгаригидек сархуш бўлишга ёрдам бермади, - аксинча, хотира янада жонланиб, ўткирлашди.

Спирт унинг ичини таталади, у денгиз соҳилидаги қояга қайтиши мумкин эди. Қайтиши мумкин эди. Аммо қаёққа? Ҳеч қачон мавжуд бўлмаган, хаёлий соҳилгами? Ана шу дилбар қизнинг ривоятгами? У ўзини пок, ҳалол ва муҳаббатга лойиқ деб билмоғи учун қизнинг денгиз бўйидаги учрашув ҳақидаги

¹ М е с к а л ь — агава шарбатидан тайёрланадиган мексика ароғи.

эртагигами? Ғазаб билан мескал қуйилган стаканни урди. Мана шунақа, ароқ фақат ёлғонни урчителишга ярайди. Лекин ўша ёлғон жуда чиройли эди.

“- Биз қаерда танишган эдик?

- Эслай олмайсанми?

- Ўзинг айт.

- Кўрфаз эсингдами? Мен ҳар оқшом ўша ерга борардим.

- Эсимда. Сен ёнгинагда, сувда менинг аксимни кўргансан.

- Эслайсанми? Мен сенинг аксингсиз ўзимнинг аксимни кўргим келмасди.

- Ҳа, эслайман.”

У мана шу чиройли ёлғонга умрининг сўнги дамларига қадар ишониши керак эди. Йўқ, у бошқалар қаби ўзини Синалоа қишлоқчасига, тасодифан кўчада турган, дуч келган аёлни тутиб олишга урмади. Йўқ, бу ўн саккиз ёшли қиз денгиздан йироқ, шип-шийдам қақир тоғларда, зўрлик билан отга ортилмаган ва номуси зобитларнинг умумий ётоғида зўрлик билан топталмаган эди. Ва эркакни кучмаган қўллари илк дафъа уни энтикиб қучган, қаршилиқ завққа ўрин алмашган, очиқ нам лаблари у билан бирга бўлмоқ завқли экани, аввал у бундай бахтдан чўчиганини такрорласа ҳам, Рехинанинг ройиш юраги уни жимгина қабул қилмади. Рехина - орзуманд ва эҳтиросли қиз. У муҳаббат қувончини баҳололай билди ва ўзини уни севишга мажбур эта олди; у эркакни муҳаббат куйига тушган онларда уялтирадиган ҳамма нарсани унутиб юбориши учун денгиз ҳақида ва мудроқ денгизда унинг аксини кўргани ҳақида чўпчак тўқий олди. Рехина, аёл - ҳаёт демак. Ғоят ёқимли ва маъсума аёл, ажойиб жодугар. Қиз кечирим ва оқовларни кутмаган эди. Ҳеч қачон лейтенантнинг жонига тегадиган, диққатини оширадиган арзлар қилмасди. Қиз мудом у билан - у ёки бу қишлоқда бирга эди. Мудҳиш хаёлот - арқонда жонсиз осилиб турган тана, ҳозироқ тарқаб кетади... Балки қиз бошқа қишлоқдадир. Албатта, ҳар доимгидай яна йўлга тушди. Секин чиқиб, жануб сари равона бўлди. Федералларни ёнлаб ўтиб, бошқа қишлоқдан бир кулба топди. Дарвоқе қиз унингсиз, у эса қизсиз яшай олмасди. Ҳа. Фақат чиқиш, отга ўтириш, тепкини босиб ҳужумга ўтиш ва яна уни навбатдаги кўрфазда топиш қолган эди.

У қоронғида куртқасини тимирсикилаб топди. Патронтошларни устма-уст, кўндалангига осиб олди. Ташқарида уни симёғочга боғланган қора оти кутарди. Оломон ҳамон осилган одамлар атрофида ўралашиб юрарди, у бу манзарага қарамади. Отга ирғиб миниб, казармага йўртиб кетди.

- Бу ит-тдан тарқаганлар қаёққа гум бўлди?- деб у казармани қўриқлаётган аскарлардан бирига ўшқирди.

- Шу томонга, жарлик ортига, лейтенант. Билишимча, кўприк ёнида ўрнашиб, ёрдам кучларини кутишяпти. Назаримда, қишлоқни яна босиб олишмоқчи. Бизникага киринг, мазза қилиб овқатланиб оласиз.

У шошиларди. У сопол кўзалар учоқлар устидаги ходаларда тебранаётган ва шарт-шурт уриб хамир чўзишаётган патиога эмин-эркин кирди. Калла-почалар қайнаётган суёқ ошга қошиқ суқди, пиёз арчиб, қизил мурч, орегана қўшиб, иссиқ маис нондан тамадди қилди, чўчқанинг оёғини кемирди. У тирик қолди.

Казарма йўлагини ёритиб турган, четлари занглаган темир учоқдан машъални тортди. Ўзининг қора оти қорнига шпорини ниқтаб, ҳайдади. Кўчада кетаётган одамлар ўзларини базўр четга олиб қочарди; от оғриқдан сакрамоқчи бўлар, аммо у жиловни тортиб қоларди, у яна бир бор шпор билан ниқтаганда от тушунганини фаҳм этди. У энди кеча тоғ йўлидан қайтган ярадор, рўхсиз одамнинг отига ўхшамас эди. Бу ҳаммасини тушунган бошқа от эди. От ёллариини силкитиб, гўё суворийга: тагингдаги от ўзингдай шиддатли ва учқур, дегандай бўлди. Суворий ҳам машъални боши узра кўтариб, қишлоқ орқали жарлик бўйлаб кўприк олдига ошиқарди.

Кўприк ёнида милтираётган чироқ душманларнинг хира-қизғиш холли кепларини ялтиратиб турарди. Бироқ қора отнинг туёғи ўзи билан бутун замин залворини олиб келар, майсаю тиканлар, тупроқни тутамлаб осмонга отар, кўприкка интилаётган одам қўлидаги машъаладан учқун-юлдузлар учарди, пост

чирогидан сакраб ошиб ўтиб, ақлдан озган кўзларга, хавотирдан зир югураётган одамларнинг елкасига пистолетдан тинимсиз ўқ узарди. Душманлар тўпни тортиб келишди - улар жануб сари, нариги қишлоққа ошиқаётган суворийнинг ёлғиз эканини билишмасди...

- Йўлдан қоч, итдан яраганлар, оналарингни учкўрғондан кўрсатаман!... бир одамнинг овози минг одамникидай янграрди. Оғриқ ва хоҳиш овозлари, пистолет овози, порох солинган яшиқларни машъала билан қамчилаётган қўл, тўплар гумбури ва эгарланмаган отларнинг тумтарақай қочиши оламни тутди. Алкаш-чалкаш товушлар - отлар кишноғи, бақирёқ-чақирёқ ва портлашлар - бедор қишлоқда, бинафшаранг черков қуббасидаги қўнғирёқ жарангида, кўприкка қараб ташланган қўзғолончиларнинг отлари туёғидан титраётган замин қалдириғида тушнуксиз акс садо қайтарарди... Аммо нариги томонда осойишта тун, гулханлар ўчган, на федераллар, на лейтенант бор - у отнинг ёниқ кўзларида милтираб акс этаётган машъалани боши узра кўтариб, жанубга, қўлларида ипни ушлаган куйи жануб сари кетарди.

Мен тирик қолдим. Рехина. Сенинг отинг шундайми? Ҳа. Сен - Рехинасан. Сенинг отинг нима эди, номсиз аскар? Мен тирик қолдим. Сизлар ўлдингиз. Мен тирик қолдим. А-ҳа, менга тегишмади. Мени ухлаб қолган, деб ўйлашяпти. Сени эсладим, отинг эсимга тушди. Аммо унинг номини билмайман. Ва сиз икковларингиз қўл ушлашиб, кўзларинг косасидан чиққудай бўлиб, менга ташланасизлар, мени шу билан номусга ботирамиз, пушаймон қилдирамиз, деб ўйлайсизлар. О, бунинг иложи йўқ. Мен сизлар учун ҳаётимни тиккан эмасман. Мен ҳаётимни фақат ўзимнинг сабот-матонатимга тикканман, эшитяпсизларми, ўз сабот-матонатимга. Ҳеч нарсага қарамай кетдим. Ўзимга тегишлисини олдим. Саховатпешами? Муросами? Раҳм-шафқатми? Эҳ, уларсиз ҳам яшаш мумкин, ҳа, яшаш мумкин. Аммо сабот-матонатсиз яшаш душвор. Раҳм-шафқатми? У кимга керак? Итоатми? Каталина, итоаткор бўлганимда сен мен билан қандай муомала қилардинг? Агар мен сенга итоат этганимда, сен мени ўз нафратинг билан лойга чаплаб ташлардинг, мендан ажралиб кетардинг. Биламан, сен никоҳ ришталарининг муқаддаслигини рўкач қилиб, ўзингни оқлайсан. Ҳ-ҳе. Агар менинг бойлигим бўлмаса эди, сен аллақачон ҳаё-хуйт, деб кетардинг. Сен ҳам, Тереса, мен топган мол-дунё ортидан яшаб, менга нафрат сочяпсан, ҳақорат қиляпсан, агар мен камбағал, қашшоқ бўлсам, сен менга қанчалар нафрат сочишингни, ҳақорат қилишингни биламан! Башоратчи хонимлар, сизларнинг ортингизда менинг яшашга қобиллигим тургани йўқ, ўзларингни бирров шаҳарнинг ҳар бир буржида автобус кутавериш оёқлари шишиб кетган одамлар орасида тасаввур этинглар, ана шу шишган оёқлар орасида тасаввур этинглар, ўзларингни харид қилинган молларни ўраб берадиган дўкондаги сотувчи, идорада машинка чиққиллатиб ўтирган котиба ўрнида тасаввур этинглар. Ўзларингни ҳар бир песосини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан автомобиль олмоқчи бўлаётганлар, орзусига етиш учун ойлик маошининг бир қисмини ерга тўлаётган, музлатгичга қараб хўрсинаётган ва Муқаддас Девага чирёқ ёқаётганлар ўрнига қўйиб кўринглар. Ўзларингни бирров шанба кунлари кинода ерёнғоқ чақиб ўтирадиган, сеанс тугагач, такси қидиришга тушадиганлар, ойда бир марта ресторанда овқатланадиганларга қиёслаб кўринглар. Мен сизларни нимадан халос этганимни: бу оламда Мексикадан ўзга тўкин мамлакат йўқлигини ҳар ёқда жар солишларинг, “марьячи” мусиқаси остида “моле поблано” еб, сарапе кийганча Кантифлас¹ билан ёнма-ён гудайиб юришларинг, назру ниёз, муқаддас жойларга зиёрату ибодатларга ишонишларинг учун яшадим.

- Domine, non sum dignus...²

“- Саломлар бўлсин, сизларни бир нарсадан хабардор этмоқчиман. Биринчидан, улар Шимолий Америка банклари томонидан Тинч океани темирийўлла-

¹ М а р ь я ч и — халқ истеъдодларининг кичик ансамбли: моле поблано — ўткир подливкали гўшти таом: сарапе — мексикаликларнинг миллий кийими, ёпинчиқ; Кантифлас — Мексика киносининг таниқли комик артисти

² Парвардигоро, муносиб эмасман... (лот.)

рига берилаётган заёмлардан воз кечмоқчи. Сизлар, мана шу заёмлар бўйича темирйўл йилига қанчадан фоиз тўлаётганини биласизларми? Ўттиз тўққиз миллион песо. Иккинчидан, улар темирйўл магистралларини қайта таъмирлаш бўйича маслаҳатчиларни ишдан бўшатишмоқчи. Биз қанчадан олишимизни биласизларми? Йилига ўн миллиондан. Учунчидан, улар темирйўл қурилиши учун Шимолий Америка заёмларини тақсимлаётган биз маъмурларнинг ҳаммамизни ишдан четлатмоқчи. Ўтган йили қанчадан ишлаб топганларингизни, менинг ўзим қанча ишлаб топганимни биласизларми?..

- Three millions pesos each...¹

- Тўппа-тўғри. Лекин гап бунда эмас. Коммунист йўлбошчилар компанияга йилига йигирма миллион песо фойда келтираётган, бизга эса мўмай даромад бераётган вагон-совутгичларни ижарага беришни тўхтатмоқчи экан, деб “Нэйшнл фрут экспресс”га телеграф орқали хабар қилингллар. Бардам бўлинглар”.

Ҳе-ҳе. Жўн гап эмас. Телбалар. Агар мен уларнинг манфаатларини ҳимоя қилмаганимда... Телбалар. Оҳ, йўқол ҳамманг, эшитишга имкон берингллар. Мени тушунмай ҳам кўришсин-чи. Менинг имо-ишорам нимани англатишини билмай кўрсин-чи...

“- Утир, миттивой. Сенинг ишинг билан ҳозир шуғулланаман. Диас, сен ҳушёр бўл: полициянинг кўзғолончиларга қарши ҳужум уюштиргани ҳақида бир сатр ҳам ўтиб кетмасин.

- Аммо сенъор, ўлганлар борга ўхшайди. Бунинг устига воқеалар шаҳар марказида кечган. Қийин бўлар-ов...

- Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ. Тепанинг фармойиши бор.

- Аммо менга маълумки, хабарни шапалоқдай варақага жойлаштирса...

- Қизиқ, нима деб ўйлаяпсиз ўзи? Мен сизнинг ўйлашингиз учун тўла-маяпманми? Сизнинг ўйлашингиз учун сизнинг “органингизда” тўлашмайдимми? Уларнинг босмаҳонасини ёпиш керак, деб прокуратурага хабар берингллар...”

Кўп ўйлашим шарт эмас. Учқунни ўчирсам бас. Улкан мураккаб тармоққа ток бериш учун битта учқун етарли. Бошқаларига бутун бошли генератор керак. Бу менинг таъбимга тўғри келмайди. Мен учун лойқа сувларда сузиш, узоқ масофалардан туриб ҳаракат қилиш етарли, душманларни қопқонга тушириш шарт эмас. Ҳа, ҳа. Лентани қайтар. Бу унчалик қизиқ эмас.

“- Сенга ўзини Хуан Фелипе Коуго деб таништирган Мария Луис мени ҳам чув туширмоқчи... Диас, ишинг бўлмаса, сенга оқ йўл... Менга бир стакан сув бер, миттивой. Мени чув туширмоқчи, деб айтяпман-ку. Худди Федерико Роблес сингари, эсингдами? Мен билан ўйнашиб бўпти...”

- Тушунмадим, капитан?

- У Сонорода менинг ёрдамим билан шоссе ётқизиш учун концессия олган эди. Мен шоссе эхидатарийлардан² сотиб олган суғорма ерларимдан ўтишини ҳисобга олиб, қурилиш баҳосидан уч баробар қиммат бўлган бюджетни тасдиқлатиб олишига ёрдам берган эдим. Кеча менга хабар қилишларича, бу нокас ўша томонлардан ер сотиб олиб, шоссе йўлини ўзгартириб, ўз тасарруфидаги ерлардан ўтказмоқчи экан...

- Чўчқалар! Кўринишидан туппа-тузук одам.

- Мана шунақа гап, миттивой, мана шуни ушлаб олиб, ўз мақолангда бизнинг ҳурматли арбобимиз яқин орада ажралмоқчи, деган икки оғиз ёлғонни қистириб юбор. Унчалик ошириб юборма - бошланишида пўписа қилсак етади.

- Айтганча, бизда Коутонинг кабареда Коуго хонимга сира ўхшамайдиган, аллақандай қиз билан ўтирган сурати бор.

- Ҳар эҳтимолга қарши сақлаб қўй, агар муносабат билдирмаса...”

Тери тешикчалари бир-бири билан боғланмаган бўлса-да, булутни яхлит вужуд, дейишади. Мен бу ҳақда эслашимнинг сабаби бор, айтишларича, агар

¹ Ҳар биримиз уч миллиондан (ингл.)

² Деҳқон ширкатининг аъзоси — эхидо.

булутни тилка-пора этишса, майдалаб ташласа ҳам увоқланган териси бирлашишга ҳаракат қилар ва ҳеч қачон ўлмас экан, оҳ, ҳеч қачон ўлмас экан.

- Ўша тонг мен уни зўр қувонч билан кутиб олган эдим. Сўнг биз дарёни отда кечиб ўтган эдик.

- Сен уларни эгаллаб олдинг ва уни мендан тортиб олдинг.

Ҳазрат ўрнидан туриб, уввос тортаётган аёлларнинг қўлидан олди. Мен эса ўз дунёсида яшаб, ажойиботлар ҳақида сўзлаб берадиган ва бунинг учун текин марҳамат, текин чойшаб оладиган, бу марҳаматларни қариб-чуриб ўлгунига қадар азайимхонлар билан баҳам кўриб яшамоқчи бўлган дурадгор ҳақида, кейин унинг ўғли ҳақида ва агар биз ўз вақтида жамоатчилик билан алоқалар бўйича ўн икки мутахассисни эчкидай, тўрт томонинг қибла, деб қўйорганимизда, нимадан қутулишимиз мумкинлигини ўйлай бошладим. Каталина, Тереса ва Херардо ётоқхона тўридаги креслоларда ўтиришибди. Улар қачонгача менга ҳазратни тиқиштиради, ўлимга шошилтириб, истиффор этишга мажбурлайди? Ҳа, улар ниманидир билмоқ пайида. Лекин сизлар менинг роса, ҳа, роса кулгимга қоласизлар. Сен, Каталина, нимадир билиш пайида менинг кўнглимни овлайсан, сен менга ҳеч қачон айтмаган гапларни айтмоқчисан. О, сен билмоқчи бўлган гапларни мен биламан. Қизингнинг кенг пешонасига ҳам қизиқувчанлик битилган. Фаразли ва доғули Херардо бу ерда гирдиқапалак бўлиб, тилёғламалик қилиб, кўзёши тўкиб нимадир юлиб қолмоқчи. Улар мени тузукроқ билишмайди. Бу уч масхарабоз, учишни билмайдиган кўршапалаклар бойлик кўлимизга тушади, деб ўйлашади. Қанотсиз уч кўршапалак, уч каламуш. Улар менга бунчалар нафрат сочишади-я. Ҳа. Улар мендан гадойдан жиркангандай жирканишади. Улар ўзлари кийиб юрган мўйнадан, ўзлари яшайдиган уйдан, ўзларига зеб бериб турган тақинчоқлардан ҳазар қилишади, чунки уларни мен ҳада этганман. Йўқ, сизлар ҳозир мени холи қолдиришлар...

- Мени холи қолдиришлар...

- Ахир Херардо келди... Херардито... Куёвинг... унга бир қара...

- Э, бу меров...

- Дон Артемио...

- Ойи, бундай ҳақоратга чидаб бўлмайди, даҳшат!

- Унинг тоби йўқ...

- Ҳа, мен ҳали ҳеч нарса бўлмагандек ўрнимдан туриб кетаман, кўрасизлар...

- Сенга айтяпман-ку, у бизни майна қияпти, деб...

- Унга тегма.

- Сенга айтяпман-ку, у бизни майна қилиб ётибди, деб! Ҳамишагидек, бизни таҳқирлаш учун майна қияпти, ҳамишагидай.

- Йўқ-йўқ, доктор айтди...

- Доктор нималарни валдирамайди! Мен уни беш қўлда биламан. Яна ҳунар кўрсатяпти.

- Овозингни ўчир!

Жағингни тий. Улар лабларимга зайтун ёғи суришди. Қобоклар. Тирноқлар. Улар бунинг баҳосини билишмайди. Улар бирор муаммони ечишга рўбарў бўлишмаган. Қўллар. Ўзим ҳис этмаётган оёқлар. Униси ҳам, буниси ҳам билмайди. Улар ҳаммасини картага тикишга тўғри келмаган. Энди эса кўзларининг тагини бўйашмоқда. Этакларини кўтариб, тосларини мойлашмоқда.

- Ego te absolvo¹.

Улар билишмайди. У менга ҳеч нарса айтмади, ҳа, айтмади.

Сен қонинг айланаётгани, юрагинг ураётгани, қовуғинг бўшалаётгани, жигаринг сафро, буйрагинг сийдик ажратиб чиқараётгани, ошқозон беши қонингда қанд таркибини тартибга солиб турганини ҳеч қачон ўйламай-нетмай етмиш бир йил яшайсан. Булар сенинг ақлингга боғлиқ эмас. Сен нафас олаётганингни биласан, аммо нафас олишинг ақлингга боғлиқ эмаслигини ўйлаб ҳам кўрмайсан. Гарчи танангни идора эта олсанг ҳам беҳуш яшайсан: ўлимни,

¹ Сенинг гуноҳларингни кечаман (лот.)

оловдан ўтишни, шиша синиқлари устида ётишни қойилмақом ижро этасан. Сен ҳеч нарсани ўйламай-нетмай яшайверасан, ички аъзоларинг эса ўз йўригида ишлайверади. Шу кунгача. Бундан буён барча ғайритабиий функциялар ҳар сония ўзи ҳақида эслатиб туради, ўзига итоат эткизади ва пировардида сени нобуд қилади: сен ҳар сафар ҳаво ўпкангга қийинчилик билан қираётганини - нафас олаётганингни ўйлай бошлайсан; қорнингда қон томирларинг оғриқли тепишини сезган пайтинг томирларингда қон оқаётганини ўйлай бошлайсан. Ғайритабиий функциялар сени асоратга солиб, шунчаки яшаётганингни эмас, балки ҳаётингни қайд этиб боришга мажбур қилади. Батамом қуликка олади. Сен буларнинг ҳаммаси қандай рўй бераётганини тасаввур этишга ҳаракат қиласан; бошинг шу қадар тиниқки, ичингда бўлаётган ҳар бир ўзгаришни, ҳар қандай кескинлик ва дармонсизликни, энг даҳшатлиси, ичингда ҳеч нарса ҳаракатланмаётганини фаҳмлай оласан. Ич-ичингда, ичак-човоқларингни ўраб турган, ичак-човоқларингга туташ, ошқозон ва ичакка бириккан қон айланувчи ва лимфа томирли ёғ тўқимасининг бир бўлаги ошқозон ва мешқорин бўшлиғини таъминлаб турувчи қорин йўғон аортаси - қон дарёсидан қон олишни тўсатдан тўхтатганини сезасан. Сенинг ошқозон ости беги ортидаги қатқорин артерияларинг сиқилиб, ингичка ичакларга тушади ва ўн икки бармоқ ичагинг ва ошқозон ости безини озиклантириб турувчи бошқа артерияларга манба бера бошлайди; ўн икки бармоқ ичагинг, аортанг, юракнинг ўнг бўлмасига бориб қўйиладиган қуйи веналаринг, сийдик йўлининг кесиб ўтган қатқорин артерияларинг сенинг гениталь-феморал асабларинг ва кўктомир уруғдонларинг ёнидан ўтганча тўсилиб қолади. Етмиш бир йил мобайнида, мана шу қоронғи, шилимшиқ тана артерияларида сенинг кузатувингсиз қон айланади. Сен бунини бугун биласан. Қон манбаи тўхтаб қолади. Ирмоқлар қуриб қолади. Мана шу артериялар етмиш бир йил давомида чўнг залворни кўтаришига тўғри келади: унинг умуртқа қаттиқ қисадиган бир жойи борки, шу боис қон ана шу оралиқдан сизиб чиқиб, қуйига, олдинга, орқага айланади. Сенинг бўғилган қатқорин артерияларинг етмиш бир йил давомида синовдан ўтади, қонингнинг ўмбалоқ ошишларига тўзим беради. Ҳозир эса тўзим беролмайди. Босимга қаршилик кўрсатолмайди. Бугун қуйига, олдинга, орқага ҳаракатланаётган шиддатли оқим бартараф этиб бўлмас тўсиққа дуч келади: артериялар қисилиб, оғритади, қон массаси ичакларингни ёпиб турувчи нафармон тўсиқ олдида қотиб қолади. Сен артерия пульсига қараб, қон босиминг кўтарилаётганини пайқайсан. Қон айланишинг илк дафъа тўхтаса-да, аммо ҳаётинг соҳилларини ювиб туради; у қорин пардасида тўпланиб, иссиқ ичак-човоқларинг орасида совий бошлайди, аммо ҳаётинг соҳилларидан чекинмайди.

Мана шу пайт Каталина олдинга келиб, бирор нарса керакми, деб сўрайди, сен эса оғриқ олиб бориб-олиб келаётганини ҳис этасан, холос. Ҳушдан айрилаётиб, уни юпатмоқчи бўласан. Каталинанинг сабр-бардоши тугаб, қўлини узатади, ўша лаҳзаёқ ҳадикдан тортиб олади ва уни бўлиқ сийнасида турган қўли устига қўяди. Кейин яна қалтироқ кафтларини чўзиб, пешонангга босади. Назокат билан силайди, лекин сен дарди бедавога йўлиққанинг сабабли бунини сезмайсан. Сен Каталинанинг шунча йилдан бери илк бор бошингга қўлини қўйиб, пешонангни силаётгани, тердан намиққан, оқарган сочларинг йўлини очаётгани, ҳадик ва севинч аралаш силаётганига диққат қилмайсан, назокат кўрқувдан қолиб келган эди; у ҳаёли назокат билан силарди, қачонки у сенинг эркалашларни ҳис этмаётганингни билгач, ҳаёси буткул ғойиб бўлди. Эҳтимол, унинг бармоқлари тегиши билан сен елиб-нетиб юрган йилларда хира тортган, аммо иродангга қарши хотирангга маҳкам ўрнашиб қолган ва энди оғриқ орасида ўзини билдиратаётган бир воқеага боғлиқ сўзларни эслатар. Ҳозир унинг бармоқлари сен ўша пайти эшитмаган сўзларни такрорламоқда.

У ҳам бундан буён анча саботли бўлади. Ҳаммаси ана шундан бошланади. Сен уни ўзларингнинг умумий кўзгуларингда - ўпишаётган пайтларинг қиёфаларинг акс этгувчи ва сизларни ютиб юборгувчи, - туриб қолган ботқоқ сувида кўра бошлайсан. Нега сен бошингни бурмайсан? Ахир шундоқ ёнингда тирик Каталина турибди-ку. Нега сен унинг сувдаги совуқ аксини ўпмоқчи бўляпсан? Нега у юзини юзингга яқинлаштирмапти; нега уни ҳам сен каби туриб

қолган сув ғарқ этмоқда? Нега у сен эшитмаётсанг ҳам: “Барибир мен келдим”, деб бот-бот айтмоқда. Балки унинг қўллари беҳад эркинлик эркинликни қандай махв этишини сўйлаб берар. Учи йўқ куббага кўтарилаётган эркинлик ҳеч қачон осмонга етмайди, аксинча жарликка, ер қаърига қулаб тушади. Сен уни бегонасираш деб атайсан. Сен унинг мағрурлигидан ҳазар қиласан. Сен тирик қоласан, Артемио Крус, сен таваккал қиласан, эркинлигинг ҳаққи-ҳурмати тирик қолишинг учун таваккал қиласан. Сен ғалаба қозонасан, аммо душманни енгиб, ўз-ўзингга душман бўлиб қоласан ва мардона жанг олиб борасан: ҳаммани енгач, ўз-ўзинг билан жанг олиб борасан. Кўзгудан сенинг душманинг - адоватли нимфа, худолар қизи, шайтонларни йўлдан оздирганларнинг онаси, одам даврида ўлган ёлғиз худонинг онаси - кўзгудан Ҳазрати Парвардигор Пананинг онаси чиқиб келади ва сендаги такаббур “мен” ва мана шу саҳрои заминдаги охирги душманинг, сенинг худбин ва ўжарлигинг билан енгилган “менинг” сўнгги бор жангга киришади. Сен омон қоласан. Сен яхши фазилат бор-йўғи истаклигига, устунлик эса зарурлигига ишонасан. Барибир ҳам пешонангни ҳозир майин силаётган қўллар келиб, ўзининг сассиз овози билан сенинг кеккайган димоғингни босиб қўяди, охир-оқибат сенга ғолиблик эмас, инсонийлик кераклигини уқдириб қўяди. Унинг совуқ бармоқлари сенинг иссиқ пешонангга тураркан, дардингни енгиллаштирмоқчи бўлади, сенга шу бугун қирқ уч йил бурун айтилмаган гапни айтади.

(1924 йил 3 июн)

У мудроқликдан қутулиб эс-ҳушини йиққан чоғда унинг: “Барибир мен келдим”, деганини қай алфозда айтганини эшитмади. У ёнгинасида тиқилиб ётарди. Малла сочларининг тўлқини юзини тўсган; нам, совуқ танаси ёзги беҳолликка занжирбанд эди. У қўлини лабига тегизиб, бугун бўлажак жазирама кун, кечкурунги жала, кундузги иссиқнинг тунги салқин билан кескин алмашиниши ҳақида ўйлаб, кеча тунда нималар юз бергани хусусидаги хотираларни ўзидан қочирди. Юзини ёстиққа бекитиб: “Барибир мен келдим”, дея тақрорлади.

Тонг туннинг сўнгги парларини тарқатиб юборди, совуқ ва тиниқ ҳолда қия очиқ деразадан ётоқхонага сизиб кирди. Каталинанинг кўз олдида тунги зулмат уларни ўз бағрига олгани гавдаланди.

“Мен ёшман, ҳаққим бор...”

У қуёш тоғлар занжири учига чиққунча кўйлагини елкасига илиб, эридан йироқлашди.

“Ҳаққим бор, черков ижозат этган...”

У ўз ётоқхонаси деразасидан олис Ситлальтепетло чўққисининг оламга қай тарика уйғунлашиб боришини кузатди. Боласини кўлида ҳалинчак этганча дераза олдида турарди.

“Худойим, қанчалар эзгин-а. Эрталаб ҳаммасини - журъатсизлигингни ҳам, қаҳрингни ҳам, нафратингни ҳам тушунасан...”

Унинг кўзлари боғга кираётган ҳинди кўзлари билан тўқнашди, у жилмайган куйи похол соябонини кўлига олиб, таъзим этди...

“Уйғонишинг ҳамона ёнингга донг қотиб ухлаётган одамни кўрасан...”

Соҳибнинг уйдан чиқиб келаётганини кўриб, ҳиндининг оппоқ тишлари янада ялтираб кетди.

“Унинг мени ўлгудай қаттиқ севиши чинмикин?”

Соҳиб кўйлагини тор шими ичига солди, ҳинди дераза олдида турган аёлга тескари ўғирилди.

“Ҳаш-паш дегунча орадан беш йил ўтиб кетди...”

- Вентура, сени каллаи саҳар бу ерга нима бошлаб келди?

- Мени бу ерга қулоқларим етаклаб келди. Сувингиздан озгина ичсам бўладими?

- Албатта. Қишлоқда ҳамма нарсани тайёрлаб қўйишдими?

Вентура бошини қимирлатиб тасдиқлади, ҳовузга яқинлашиб, кадигага сув олиб ичди ва яна сув олди.

“Балки унинг ўзи ҳам нега менга уйланганини унутиб юборгандир...”

- Қулоқларинг сенга нима деди?

- Қария дон Писарро сизни роса ёмонлади.

- Буни ўзим ҳам биламан.

- Қулоқларим яна шундай дедими, мана шу якшанба бўлажак байрамда дон Писарро сиз билан орани очиқ қилмоқчи экан...

“...ана энди росмана яхши кўрмоқда...”

- Вентура, қулоқларингни худо ёрлақасин.

- Эй раббано, қулоқларимни ювиш ва тозалашга ўргатган онамни ёрлақасин.

- Энди нима қилишим кераклиги сенга аён.

“...севмоқда ва гўзаллигимдан ҳайратга тушмоқда...”

Ҳинди сассиз кулимсиради, тўзғиган сомбрероси четларини текислаб, черепица билан ёпилган айвонга чиқди-да, тебранма креслода ўтирган сулув аёлга кўз ташлади.

“...меникидай эҳтирос билан...”

Вентура унинг ҳар йили, мудом, баъзан қорнини дўппайтириб, баъзан тик ва сукут сақлаб, учигача галла уюлиб босилган, гичирлаб бораётган араваларга, ҳўкизларнинг тамгалар урилаётган пайтдаги бўкиришларига, янги дала ҳовли эгаси яратган боғда ёзда техокотларнинг тақиллаб тушишларига парвойи фалак бўлиб ўтиришини ўйлади.

“...мени забт этган...”

У ҳар икки эркакка қаради. Уларга бўрилардан чаптастик қилиб қочиб қутулаётган куёнча мисоли қаради. Дон Гамалиэлнинг бехос ўлими уни эрга текканидан кейинги ойларда ўзини халос қилувчи, киброна ҳимоя воситаларидан мосуво этган эди: отаси даврида бўйсунушнинг, иерархиянинг ўзига хос тартиби ўрнатилган эди, илк иккиқатлиги ҳам унинг ётсираб юришига, уятли баҳоналарига оқлов бўларди.

“Худойим-ей, нега мен ўзимни кечаси ҳам кундузгидек сезмайман?”

У ҳинди қараб турган томонга бошини бурганида рафиқасининг тахтадай қотган юзини кўрди, ҳаётларининг дастлабки йилларида совуққонлигига деярли эътибор бермади: ўзи унча аҳамиятли санамаган, ҳали таркиб топмаган, бирор шаклга келмаган, ном олмаган, қандай ном олиши хаёлига келмаган муносабатлар оламини англаб етишга ҳафсала қилмади.

“...кундузгидек бўлолмайман?...”

Бошқа дунё, кечиктириб бўлмайдиган ишлар уни ўзидан орттирмасди.

(“- Сеньор ҳукумат биз ҳақимизда бош қотирмаяпти, сеньор Артемио, шу боис бизга ёрдам беришларини сўраяпмиз.

- Йигитлар, мен сизларга бажонидил ёрдам бераман. Қишлоқларингиз асфальтланишига ваъда бераман, аммо бир шартим бор: сизлар бундан кейин галлангизни дон Кастуло Писарронинг тегирмонига олиб бормайсизлар. Кўриб турибсизлар, қария бир парча ерини ҳам кўз қиймаяпти. Унга хушомад қилиш ортиқча. Ҳаммангиз менинг тегирмонимга олиб боринглар, унларингизни ўзим бозорда пуллаб бераман.

- Биз бунга розимиз. Аммо бундай тутум учун дон Писарро теримизга тикади-ку.

- Вентура, ўзларини ҳимоя қилиши учун уларнинг қўлига милтиқ бер”.)

У креслода секингина тебранарди. Оғзини очмаган кунлар, ҳатто ойларни санаб, хотирларди.

“У кундузлари қиладиган совуқ муомаламга зинҳор эътироз билдирмайди”.

Ҳаммаси унингсиз, ўз навбати билан бораётган эди. Ҳамма ёғини тер ва чанг қоплаган бақувват эркак отдан сакраб тушиб, ҳорғин қабарган қўлларида қамчисини ушлаганча ёнидан ўтар ва эртага тонг азон туриб, навбатдаги узоқ ва силлани қуритадиган, ҳосил беражак, даромад келтиражак, мартабасини

оширажак - у шундай деб ўйларди - майдонларни кўздан кечириши учун ўзини каравотга ташларди.

“Тунги эҳтиросларим унинг учун етарли бўлса керак”.

Мўъжаз водийнинг Берналь, Лабастиди ва Писарронинг эски асьендаларига туташ суғорма майдонларида маис плантациялари мавжуд. Ундан нарига, тошлоқ текисликлар бошланган жойда магей¹ ниҳоллари ўтказилган.

“- Вентура, норозилар борми?”

- Бор, лекин лом-мим дейишмаяпти, соҳиб, чунки қийналаётгани билан энди турмушлари аввалгидан кўра яхши бўлиб қолганини сезишяпти. Лекин улар сиз уларга қуруқ ерларни берганингиз, суғорма ерларни ўзингизга қолдирганингизни сезиб қолишди.

- Нима бўпти?

- Насия берганингиз билан дон Гамалиэль каби фоиз оласиз-ку.

- Шунақа дегин, Вентура. Мен жуда катта фоизларни қария Писаррога ўхшаш заминдорлардан, савдогарлардан олишимни уларга тушунтириб қўй. Лекин мендан норози бўлишса, уларга насия бермаслигим мумкин. Мен уларга ҳиммат қиляпман...

- Йўқ-йўқ, улар...

- Тез орада Писарро гаровга қўйган ерлар меники бўлишини, шундан кейин қариядан олинган суғорма ерларни уларга ажратиб беришимни шипшиб қўй. Яна озгина сабр қилиб туришини, менга ишонаверишини, кейинчалик бир гап бўлишини ҳам айтиб қўй.”)

У асл эркак эди.

“Аммо чарчоқ ва ғамхўрликлар уни мендан ажратиб турибди. Мен ундан бир зумлик тунги муҳаббатни тиламайман.”

Жамоани, сайру сайрон ва Пуэблонинг шаҳарга хос қулайликларини манзур кўрувчи дон Гамалиэль қишлоқдаги уйини ташлаб, бор хўжалигини куёвиге ижарага берган эди.

“Мен иккиланмасликни ҳам, мулоҳаза этмасликни ҳам отам тайинлаганидек, хоҳлаганидек бажардим. Отам. Мен сотилганман ва шу ерда бўлишим керак...”

Дон Гамалиэль тириклик чоғи у ҳар икки ҳафтада Пуэблогга борар ва бутун кунни отаси билан бирга ўтказар, буфетларни ўзига манзур ширинликлар ва пишлоқ билан тўлдириб ташлар, у билан бирга муқаддас Франциско ибодатхонасига, муқаддас Себастьян де Апарисиога бориб, қоқсуяк одамлар рўпарасида таъзим этар, Париане бозори, ҳарбий майдонни кезарди, Эррериан соборининг улкан тош тоғоралари қаршисида хоч билан чўқинар, отасининг кутубхона ва падио бўйлаб юришларини маҳлиё бўлиб кузатарди...

“Ҳа, албатта, менинг таянчим, тиргагим бор эди”.

...у барибир ҳаммаси изга тушиб кетишидан умид узмаган ва болалигида кўникиб қолган аввалгидек шарт-шароитни қумсарди; шу боис қишлоққа, эрининг олдига кўнгли тортмай қайтарди.

“Қўлу оёқларим боғланган, сотилган. Унинг сўқир кўланкасиман.”

У ўзини эри мана шу ифлос заминда яратган, ўзига ёт бўлган дунёнинг муваққат одами, деб ҳисобларди.

Унинг қалбига шаҳар уйининг серсоя патиоси, қизил ёғочли столга тўшалган, янги зигир толасидан тўқилган дастурхон устидаги ноз-неъматлар, қўлбола идиш ва бежирим кумуш анжомларнинг жаранги,

“...кесилган нок, беҳи, шафтоли компотларининг...”

бўйи азиз эди.

(“- Сизларнинг дон Леон Лабастидани хонавайрон этганларингдан хабарим бор. Пуэблогдаги ўша учта ҳашаматли уй анча-мунча баҳоланади.

- Кўряпсизми, Писарро, Лабастиди мендан роса қарз олишга олди-ю, фоизларини тўламади. У ўз бўйнига ўзи арқон тортди.

- Эски зодагонларнинг синишини кузатиш мароқли. Лекин менга бундай фалокат яқин йўламайди. Мен Лабастидидай меров эмасман.

¹ Агаванинг бир тури, спиртли ичимликлар тайёрланади.

- Сиз ўз мажбуриятларингизни вақтида бажарасиз ва воқеалардан илгариллаб кетмайсиз.

- Крус, сизга сўз бераманки, мени ҳеч ким синдира олмайди”.)

Дон Гамалиэль куни битганини олдиндан сезган, дафн маросимини дабдабали ўтказиш мақсадида ўзича ҳар битта майда-чуйдани хомчўт қилиб чиққан эди. Куёви қарияга минглаб жарақ-журуқ песо беришни ўздан соқит қилолмасди. Дон Гамалиэлнинг бошига сурункали бронхит етди, кўкраги гўё суюқ ойнага тўлиб, қулқуларди; ҳаво ўпкасига хириллаш, балғам ва қони орқали сизиб ўтиб, базўр етиб борарди.

“Ҳа, мен унга эҳтиросларини қондириш учунгина керакман”.

Дон Гамалиэль тобутим ортилган арава нуқра билан нақшланган, қора бахмал билан ёпилган ва оқиш ялтироқ жиловлар ҳамда қора укпарлар билан ясангирилган сақкизта отга қўшилсин, деб амр этган эди. Қария ўзини гилдиракли креслода залдан айвонга олиб чиқишларини буюрди ва иситмаси баландлигидан қизарган кўзлари билан отларнинг кўчада тобут қўйилган аравани секин тортиб боришини кузатди.

“Оналик ҳиссами? Кувонч ва оғриқсиз кўз ёрди”.

У жувондан тўртта катта сарғиш чилчироқни тозалаш ва уларни ухлаган ва жаноза пайти танаси ёнига қўйишни илтимос қилди, марҳумнинг сочи ўлимдан кейин ҳам бир неча соат ўсишини айтиб, ундан сочини ўзи олиб қўйишни, бўйин ва ёноқларини жундан тозалашни, мўйлов ва соқолини сал қиртишлаб қўйишни ўтиниб сўради. Унга оҳорланган қўйлак ва фрак кийгазди, - кўппакка эса заҳар берди.

“Мағрурлигидан жим ва қимирламай ўтирибди”.

Дон Гамалиэль мол-мулкни қизига мерос қолдирди, куёвини эса узфруктуарий ва бошқарувчи этиб тайинлади. Буни фақат васиятномасидан билишди. Бемор у билан кўз ўнгида улғайган бола сингари муомала қилди; ўғлининг ўлими ва илк ташрифи ҳақида мутлақо эслатмади. Ўлим кўрқинчи гўё унга нохуш воқеалар билан муроса қилишга, алаалоқибат йўқотган оромини топишга ёрдам бергандай туюлди.

“Бордию унинг муҳаббати чин бўлса, мен уни рад этишга ҳақлиманми?”

Қария ўлимидан икки кун олдин гилдиракли креслодан тушиб, тўшакка михланиб қолди. Орқасию ёнига ёстиқ қўйиб олган қария аввалгидай дангал ва хушқад, қирғий бурунли ва ипакдай соқолли юзини кўтарганча ёнбошлаб ётарди. Аҳён-аҳён қизим шу ердамикин, деб кўлини чўзарди. Кўппак каравот тагида гингшиб кўярди. Охири аниқ ажралиб турган лаблари кўрқинчдан акашак бўлиб қолди, кўли бошқа қайтиб чўзилмади. Кўкрагида қотиб қолди. У отасининг қўлларига тикилиб, ёнида ўтирарди. Ўликни биринчи марта кўриши эди. Онаси атак-чечак пайти ўлиб кетган эди. Гонсало эса қаерлардadir жон узган.

“Мана абадий сукут. Шу қадар яқин. Мана, жонсиз қўл.”

Дабдабали ясатилган тобут қўйилган аравани бир неча оила муқаддас Франциско ибодатхонасига, сўнг қабристонга кузатиб боришди. Унинг эри билан учрашиб қолишдан чўчиган бўлса ажаб эмас. У Пуэблодаги уйини ижарага топширишга буйруқ берган эди.

“Ёлғизман, буткул ёлғизман. Болам бўшлиқни тўлдиролмади. Лоренсо ҳаётимни тўлдиролмади. Йўқ. Иби, менинг ҳаётим ҳаётимни синдирган манавиндан бошқа билан ўтганда, қай тахлит кечарди”.

(“- Қария Писарро кунбўйи кўлидан милтиқ қўймай, ўз асьендаси олдида ўтиради. Асьендасининг фақат деворлари қолган.

- Ҳа, Вентура. Фақат деворлари қолган.

- Бир нечта йигитлар ҳам қолган. Бизга ҳеч нарса керак эмас, биз у билан ўлгунча бирга бўламыз, дейишяпти.

- Яхши, Вентура. Уларнинг афти ангорини эслаб қол”.)

Кунларнинг бирида у орқасидан зимдан кузатишаётганини сезиб қолди. Аввалги йиллардаги лоқайдлигини истамаган ҳолда ўзгартирди. Оқшомнинг нохуш дамларида унинг кўзлари эрининг нигоҳини, унинг кўзларини излар, эрининг қишлоққа совуқ тушган оқшомлари эски камин устига энгашиб олов ёқиши ёки оёғини чарм курсига бир маромда қўйишини кузатарди.

“Эҳ, менинг нигоҳларим жавоб нигоҳни қидирган, жуда ночор, ўз-ўзимга ачиниш ва безовталиққа тўла бўлган. Дарвоқе, отамнинг ўлимидан сўнг мен соғинч ва ҳимоясизлик ҳисси билан кураша олмаганман. Мен ўзимни янги ҳиссиётлар чўлғаб олган, деб ўйлаганман...”

У эрининг унга бошқача - мамнун ва ишонч билан, - гўё унинг оғир дамлари ўтиб кетганини ишора этиб қараётганига шубҳа қилмасди.

(“- Энди, соҳиб, ҳамма дон Писарронинг ерларини бўлиб беришингизни кутмоқда.

- Уларга айт, сабр қилишсин. Ўзлари Писарро ҳали таслим бўлмаганини кўриб туришибди-ку. Агар қария мен билан олишмоққа журъат этиб қолса, қўлларидан милтиқни қўймасликларини тайинла. Иш бир ёқли бўлиши ҳамано ерларни бўлиб бераман.

- Мен сизни сотмайман. Мен дон Писарронинг унумдор ерларини ижарачиларга беришингизни ҳам, Пуэблдан участкалар сотиб олишингизни ҳам яхши биламан.

- Вентура, майда мулкдорлар деҳқонларни ҳам иш билан таъминлайди. Мана бунни ол, тортинма...

- Раҳмат, дон Артемио. Ахир сиз биласиз-ку, мен...”)

Фаровонлик пойдевори қўйилганига ишонч ҳосил қилиб, у хотинига ўз куч-қудрати бахтига хизмат қилажагини намойиш этмоққа шай эди. Уша оқшом, нигоҳлари тўқнаш келган чоғда, улар сассиз эътибор билан бир-бирларига тикилиб қарашди, у анча ойлар ўтгач, илк бор, отининг абзали яхшимикин, деб ўйлаб, елкасидаги қора сочларини сийпаб қўйди.

“...у эса камин олдида турганча менга бениҳоя... бениҳоя ҳарорат билан тикилиб, кулиб қарадики... Мен бундай бахтни рад этишга ҳақлиманми?...”

(“- Вентура, уларга айт, милтиқларни топширишсин. Энди уларга зарур эмас. Энди ҳар бирининг участкаси бор, йирик участкалар эса менга ёки менинг одамларимга тегишли. Қўрқадиган жойим йўқ.

- Тушунарли, соҳиб. Улар ҳаммасига рози ва берган кўмагингиз учун сизга раҳмат айтмоқда. Айримлари каттароқ нарсага умидвор экан, аммо улар ҳам энди рози бўлиб, шунисигаям шукр, дейишмоқда.

- Ун-ўн иккита ишончли йигитларни саралаб олиб, уларнинг қўлига милтиқ бериб қўй. У томондан ҳам, бу томондан ҳам норозиларнинг кўнглини олишимиз керак”.)

“Кейин эса қалбим қаҳрга тўлди. Мен ўзим келдим... Ва менга ёқиб қолди! Нақадар уят!”

У хотирасидан энг аввалини ўчириб ташламоқчи бўлди ва уни ўзига турмушга чиқишига мажбурлаган воқеаларни эсламасдан туриб севмоқ истади. Хотинининг ёнида ётаркан, у шивирлаганча - у бунни биларди, - чатишган бармоқлари шунчаки жавоб бўлиб қолмай, балки кўп нарса англантишини айттарди.

“Балки у менга кўп нарса берармиди, билмайман. Мен фақат эримнинг муҳаббатини, ташна эҳтиросини биламан - агар жавоб бермасам, у ўлиб қоладигандек туюлади...”

У вазият ўзига қарши чиқаётганини ўйлаб, ёзғирарди. Уни Пуэбло кўчаларида илк бор учратиб ва зотини ҳам суриштирмай ўзинг мени севиб қолгандинг, деган фикрга хотинини қандай ишонтириши мумкин?

“Биз бир-биримиздан ажралаётганимизда, ухлаётганимизда, янги кунни қаршилайётган чоғларимизда кунни ҳам тунгги муҳаббат билан тўлдириш учун унга қўл узатолмайман, ўзимни бунга мажбурлай олмайман”.

Шунга қарамай у жим туриши лозим эди: биринчи изоҳ навбатдагисини бошлаб келар ва уларнинг ҳаммаси бир кунга ва бир жойга, бир турма камерасига, октябрнинг бирор тунига муқаррар етаклаб келарди. Ўтмишга қайтишдан қутулмоқ учун унинг сўзсиз боғланиб қолишига эришмоқ керак; у ўз-ўзига эркалаш каломга муҳтож эмас, дерди. Аммо шу ондаёқ уни бошқа шубҳа чулғаб оларди. Уни бағрига босганида, қиз унинг нима демоқчи эканини тушуниб етармикин? У нозу карашманинг асл маъносини баҳолай олармикин? Унинг жавоб кучишлари шунчалик ҳароратли ва ёд бўлиб кетганмикин? Балки

у эрига тақлид қиляптими? Бу ғайритабиий жўшқинликда ўзаро тушунишга бўлган умид сўниб кетмадими?

“...Мен эса унга ҳадик аралаш жавоб берардим. Ёки тунги муҳаббат ҳақиқатан ҳам ўзига хослигига ишонч ҳосил қилишим учун жавоб берардим”.

У сўраш ва гапиришга журъат этолмади. Ҳаммаси ўз-ўзидан барҳам топишига, бунда кўникма, муқаррарлик ва зарурат ўз кучини кўрсатишига ишонарди. У яна нимага умид боғлаши мумкин? Унинг бирдан-бир келажаги - унинг билан бирга бўлиш. Балки бу оддий ва ошқора далил пировардида дастлабки вақеаларни унутишга мажбур этар. У мана шундай фикр, тўғрироғи, орзу билан ёнида ухлаб қоларди.

“Парвардигор-о, эҳтирос совуққонлигим сабабларини унутишга мажбур этгани учун мени кечир... Парвардигор-о, манави куч, манави чақноқ мовий кўзларга бардош беролмайман. Унинг ҳирсли, нозик қўллари мени кучганда иродам қайга йитиб кетади ва... у на ижозат, на изн сўрайди. Мен буни унинг юзига солишим мумкин... Оҳ, таърифлашга сўз йўқ, таърифини топгунингча, ҳаммаси йитиб кетади...”

(“- Нақадар сокин тун, Каталина... Бир оғиз гапдан чўчийсанми? Сукунатни бузгинг келмайдими?

- Йўқ... Жим бўл.

- Сен ҳеч қачон ҳеч нарса сўрамайсан. Баъзан бу менга жуда ёқади...

- Гапир, гапир. Биласанки, нарсалар бор...

- Аксинча. Гапиришга арзитайди. Сен менга чин дилдан, чин дилдан... Ҳеч қачон хаёлимга келмаганки...”)

Ва у келарди. Ўзини севишга ижозат этарди. Аммо уйғонгач, ҳаммасини бир бошдан хотирлаб, эркак иродасига ўзининг сассиз совуққонлигини қарши кўярди.

“Сенга ҳеч нарса айтмайман. Сен мени тунда енгасан. Мен эса - кундузи. Сенинг ўша пайтдаги эртагингга асло ишонмаганимни ҳам айтмайман. Отамга унинг боёнлиги, тарбия кўрганлиги хўрланишини яшириб туришига ёрдам берарди, аммо икковимиз учун билдирмай, бир умр ўч оламан”.

У тўзғиган сочларини ўрганча гижимланган чойшаб устидан турарди. Гарчи улар ўтказадиган тун, иккинчи марта оғироёқ бўлиши, дўмпайган қорни бошқа нарсалардан дарак берса-да, шамчироқни ёқиб, сассиз ибодат қилар, кундузи эса мағлуб бўлмаганига сассиз ишора этарди. Фақатгина росмана ёлғиз қолган, ўтмиш ҳақидаги фикрларни чорлайдиган қаҳр, лаззатдан бино бўлган уятсизлик унинг фикрларини забт этмаган дамларда, у ўз-ўзича, у, унинг ҳаёти, унинг ички қудрати

“...кўрқинч уйғотувчи ажойиб саргузаштга тортади...” деб тан оларди.

У гўё мулоҳазасизликка, жоҳил урф-одатларга етти ёт, синаб кўрилмаган йўл бўйлаб боришга чорлаётгандай. Гўё ўзидан олдин ҳеч нарса яралмагандай, Одам ота отасиз, Мусо тахтсиз ўтгандек, у ҳамма нарсани яратган, ҳамма нарсага жон бағишлагандай эди. Дон Гамалиэлнинг ҳаёти, дунёси бундан бошқача кечган эди...

“Ким у? Қандай қилиб бунга эришди? Йўқ, унинг билан ёнма-ён боришга менда журъат етишмайди. Мен ўзимни кўлга олишим керак. Болалигимни эслаб, кўзёши тўкмаслигим зарур. Фоят соғиндим”.

У отасининг уйида ўтган бахтиёр кунларини емирилган ва ҳеч қандай мулкдан яралмаган, муддати узайтирилган заёмлар, асоратга солувчи фоизлар, обрўси ер билан битта бўлган, шафқатсиз ва очкўз одамларнинг ақл бовар қилмас ранго ранглиги билан таққосларди.

(“- У бизни хонавайрон қилди. Энди, биз танишишда давом эта олмаймиз, сен у билан бир одамсан, бу одамнинг бизни қандай шип-шийдам қилганини ўзинг ҳам кўриб турибсан-ку”.)

Ҳақ рост. Шу одам.

“Бу одам туфайли ақлдан оздим ва ҳарҳолда айни шу одам мени ростакмига севади; менинг гоҳ уят, гоҳ лаззатни ҳис қилишимга мажбурлаётган бу одамга ҳеч нарса айтгим йўқ... Ўша уят энг ёмон хўрлик, ўша лаззат, энг, энг...”

Бу одам ҳаммани маҳқум этгани келган: у уларнинг бутун бошли оиласини маҳқум этди, у эса ўзини, қалбини эмас, ўзини сотди. Каталина дала тарафга очиладиган дераза олдида, эквалиптлар кўланкаси тушган водий манзараларига соатлаб термулиб ўтирарди. Гоҳ-бегоҳ иккинчи боласини кутиб, бешик тебратиб кўяркан, у бу учар билан ўтажак келагагини тасаввур этишга уринарди. У хотинининг баданига ҳазил-ҳузул қилиб, нозик таъбни йиғиштириб кўйиб, одоб доирасидан чиқиб йўл топгани каби ўзига ерда, замин узра ўз-ўзига йўл соларди. Ҳар хил қаланғи-қасанғиларга - ўз капатас¹ лари, кўзлари ёниб турадиган пеонлар, хатти-ҳаракати ёқимсиз одамларга дастурхон ёзарди. Дон Гамалиэль ўрнатган тартибга барҳам берган эди. Хонадонни батраклар тушунарсиз, зерикарли ва беадаб гапларни гаплашадиган молхонага айлантириб юборган эди. У кўшниларининг ишончини қозонди, қулоғига хушомад сўзлар ёқарди. Улар уни Мехикога, янги конгрессга борса арзийдиган одам, деб ўйлашарди. Ўзларининг манфаатини учдан бошқа ким ҳимоя қилиши мумкин? Мабода у бозор кунлари рафиқаси билан қишлоқлар ораласа борми, ўзи ҳам эрининг катта ҳурматга сазоворлиги ва уларнинг ўз депутати этиб сайлашига ишонч ҳосил қиларди.

Вентура яна таъзим бажо келтириб, сомбреросини кийди. Пеон тўрт киши ўтириб кетадиган аравани четан девор ёнига суриб келди, у ҳиндига тескари қараб, тебранма курсида ўтирган иккиқат хотинининг олдига борди.

“Ёки ичимдаги ҳазардан бир умр озиқ олиш бурчимми?”

У кўлини чўзди, хотини унинг тирсагига суянди. Чириган техокотлар оёқ остида қисирлаб ёрилар, итлар тўрт кишилик арава ёнида ҳура ва сакрар, қароли дарахти шаббалари муздек шабнамни тў: арди; у хотинининг аравага чиқишига ёрдамлашаркан, ғайритабиий йўсинда унинг кўлини сиқиб, кулимсиради.

- Сени бирон нарсдан хафа қилдимми, билолмаяпман. Агар шундай бўлса, кечир.

Бегона лаҳза. Унинг юзида бесаранжомликнинг кўланкаси ҳам кўринмасди. Мана шунинг ўзи кифоя эди. Эркалашдан йироқ битта енгил ҳаракати унинг ожизлиги, сирли назокати, таянч топишига бўлган хоҳишини фош этиб кўйган эди.

“Агар ҳал этолсам эди, ҳал этолсам эди”.

Аммо унинг кўли кўлларидан то бармоқларига қадар тушса ҳам, илк учрашувларидаги каби жавоб тополмади. У юганин тутди, ёнидан жой олган хотини эрига қиё боқмасдан ҳаворанг соябонини ёзди.

- Болага эҳтиёт бўлинг.

“Мен ўз ҳаётимни биратўла икки ҳиссиётга итоат эттиргандай тун ва кунга ажратиб юбордим. Ё раб, нега мен биттасига итоат этолмайман”.

У кўзини кунчиқар тарафдан узмади. Йўл бўйлаб уруннинг тупроққа тўйиниши учун деҳқонлар экин пайти ҳар хил нарсаларга тўлдириб ташлаган, жўяклари қўлда тортилган маис майдонлари ястаниб ётарди. Олисда қирғийлар парвоз этарди. Коҳинларнинг яшил ҳассалари юқорига тик кўтарилган, мачетелар дарахтлар танасидан кертмак ўярди, - шарбат йиғиш пайти келган. Фақатгина осмондаги қирғий янги соҳибнинг ҳовлиси - Берналь, Лабастиди ва Писарронинг бобомерос ерларини ўраган, сувга ботган унумдор участкаларини кўриши мумкин эди.

“Ҳа. У мени севади, севса керак”.

Шаффоф сувли ариқчалар тезда поёнига етди, ғайритабиий манзара оддий - магейлар бўлиқ ўсган оҳакли текисликка ўрин алмашди. Арава ёнидан ўтиб бораётганларида, ишчилар мачете ва омовларни туширди, чўпонлар эшакларни савалаб ҳайдади: қақроқ водий узра чанг кўтарилди. Арава асаларилар гувғувини эслатиб кетаётган художўйларга етиб олди.

“У мени севиши учун ҳар нарсада унга ён босишим керак. Нима, менга унинг эҳтирослари ёқмайдими? Нима, менга унинг жаҳлдор сўзлари, ўжарлиги, муҳаббатига тасдиқловлари ёқмайдими? Ҳатто иккиқат ҳолимда ҳам у мени ташлаб кетмаяпти. Ҳа-ҳа, ҳаммиси тўғри...”

¹ Кузатувчи

Художўйларнинг имиллаб бориши уларни йўлдан қолдирди. Болалар оқ, четига адип қадалган кўйлак кийишган, айримларининг қора бошларида сим ва ялтироқ қоғозлардан ясалган қўлбола тожлар ҳилпираб турарди. Ёноқлари қизил, нигоҳлари қотиб қолган, хоч билан чўқинтирилган, шолрўмолли аёллар қадимий дуоларни пичирлаганча болаларнинг қўлларидан етаклаб боришарди. Айрим художўйлар чўккалаб юриб, тасбеҳ ўгириб, яланг оёқларини базўр судраб босарди. Бошқалари эса тавба-тазарру этгани бораётган, оёғига яра тошган беморларни қўлтиқлаб олишган; учинчилари эса ўрма қамчи билан гуноҳқорни савалар ва гуноҳқор эса шир ялангоч елкаси ва белини учи ўткир пояга ўралган савоққа мамнун тутиб турарди. Тиканли супурги буғдойранг пешонасини тирнар, нопаль¹ тумори ялангоч кўкрагини тилиб ташларди. Ҳиндилар қаломидаги марсия қатирма ва қадоқ босган, оёқларидаги тўзиган пойабзалдан кўтарилаётган, қон томчилари сачраётган чангга қоришиб кетарди. Арава тўхтаб қолди.

“Нега мен буларнинг ҳаммасини эркин ва самимий қабул қила олмайман? Ахир танам уни ўзига ром этган, тунлари унинг эҳтиросини кўзғасам, кундузи совуққонлигим ва ётсирашим билан унга азоб бераётган бўлсам, демак, мен уни ўзимга бўйсиндирганман. Нега ҳал эта олмаслигим керак? Нега мен ҳал этишим керак?”

Беморлар ёнбошларига пиёзбош бўлаги босишар ёки аёлларнинг қўлидаги илоҳий новдаларга қўл теккизиб қўйишарди. Юз, юзлаб одамларларнинг марсиясига армонли уввос ҳамоҳанг эди: башарасидан сўлаги аримайдиган туллаган кучуклар бўғилиб нафас олар ва акиллаганча имиллаб кетаётган оломон орасида чувалашиб борарди. Одамлар олисда, қизғиш рангли, кошинкор пештоқли ва сариқ қадама нақшли гумбази ялтираб кўринаётган минора сари ошиқарди. Тавба қилаётган қонсиз лабларга шиша тутишар, ияклари қуюқ атала - пулькага буланарди. Ёшланган, доғ тушган кўзлар, экзема тошган юзлар, сочи тақир олинган касал болалар, сифилис туфайли ўйиқ бурунлар - булар ҳоқинчиларнинг теуллар² худоси шарафига барпо этилган муқаддас ибодатхонаси сари пиёда, чўккалаб, эмаклаб бораётган, босқин этилган одамлар танасида қолдирган муҳрлардир. Оёқлар, қўллар, табаррук буюмлар, оқаётган терлар, оҳ-воҳлар, ғурралар, бургалар, қорақўтирлар, лаблар, тишлар юз, юзлаб эди. Улар юзлаб.

“Йўқ, мен бир умр унинг хотини бўлиб қолишим керак, мен учун бундан бошқа йўл йўқ. Нега энди мураса қилолмаслигим керак? Буни айтмоқ осон. Аммо нафратимнинг сабабларини унутмоқ мушкул. Худойим, худойим-ей, менга айт-чи, мен ўз қўлларим билан ўз бахтимни қирқмаямпанми, айт-чи, унинг ҳаққи-хурмати отам ва акамни унутишим керакми...”

Арава тупроқ йўлда заҳмат чекиб, муқаддас гўшага шошилмай пою пиёда, чўккалаб, эмаклаб бораётган одамлар ўртасидан олдинга ўтишга уринарди.

Қоҳинлар сафи йўл четига чиқиш ва маросимдан ўтиб кетишга имкон бермасди. Ибодатчилар томонидан беихтиёр суриб юборилаётган экипажда, соябон тутган оҳу кўзли, қизғиш солинчакли, териси бир текис оқ, оғзи ва бурнини дастрўмоли билан бекитган, ҳаворанг шоҳи кўйлаги тагидаги сийнаси бўлиқ, қорни дўмпайган, оёқларига ялтироқ туфли кийган оппоқ жувон секингина тебраниб кетарди.

“Бизнинг ўғлимиз бор. Отам ва акам ўлган. Нега менга ўтмиш ором бермаяпти? Олдинга қараш керак. Аммо мен ҳал этишга ожизман. Ёки воқеалар тадрижи, тақдирнинг ўзи тақдиримни менингсиз ҳал этсинми? Эҳтимол. Ё парвардигор. Мен иккинчи ўғилни кутяпман...”

Аввалига оқсоч ҳинди чолнинг қабариб кетган қўллари, кейин чачвон ёпинган аёлларнинг ялангоч қўллари у томон чўзилди. Баданига тегмоқчи бўлган бармоқлар, хўрсиниқли пиш-пишлар орасидан: “Онажон, онажон”, деган ва эркаловчи, ҳайратни ифодаловчи сўзлар зўрға эшитилади. Арава тўхтади. Баланд бўйли, қора костюмли, уқали шляпасини қошигача тушириб олган одам ўрин-

¹ Кактуснинг бир тури.

² Ҳиндилар томонидан Мексикадаги испан конкистадорларига берилган номлардан бири.

дикдан сакраб тушиб, йўл бўшатинглар, дея қичқирганча қамчисини қора бошли одамлар устида ҳаволатди.

“Э худо, қайси гуноҳим учун бу синовни бошимдан кечиришга мажбур этдинг?..”

У юганин ушлаб, отни илкис ўнгга бурди. Қора от бир неча ибодатчини оёғидан чалиб юборди, сопол кўза ва қақаглаб типирчилаётган товуқлар тўрларини тегиб учирганча олд оёқларини тик кўтариб кишнади, туёқлари билан йиқилган ҳиндилар бошига тепки туширди, тердан ялтираётган бўйнини тортиб, кўзлари косасидан чиққудай бўлиб, илкис бурилди. Алҳол аёлнинг танасига уларнинг яраси юқиб қолгандай, ўзини ҳасрат, иркитлик, тер, куюк пулькага фарқ бўлгандай сездди. У ўрнидан турди, оғироёқлиги мувозанат сақлашига кўмак берди, жонҳолатда от сағрисига жилов билан урди. Оломон икки ёнга бўлиниб кетди, кўркувдан бақариқ-чақириқлар ва соддадил ҳайратли овозлар янгради. У қўлларини осмонга чўзган, қоҳинлар деворига ёпишиб олган одамларнинг ёнидан физ ўтиб, орқага қайтди.

“Нега сен менга танлашим керак бўлган ҳаёт инъом этмадинг? Мен бу мақсадда яралган эмасман...”

У оғир нафас олиб, ўзини бу ваҳм солувчи одамлардан йироқроқ, асьендага, жазирама офтоб нури тушмайдиган, улар экиб парваришлаган мевали дарахтлар панасига олди.

“Мен бир ожизаман. Мен эмин-эркин яшашни хоҳлайман, бошқалар мен учун ҳал этаверишсин. Йўқ... Ўзим ҳал эта олмайман... Ҳал эта олмайман...”

Ибодатхона ёнидаги офтоб тик тушиб турган ерга стол қўйилиб, устига рўзномалар тўшалган эди. Ловияли овқат сузилган катта лаганлар ва суви қочган нонлар устида пашшалар гуж-гуж бўлиб учарди. Олча димламали пулькали графинлар, макка сўталари ва уч хил рангдаги бодом мағизлари ноз-неъматларга кўрк бахш этиб турарди. Муниципалитет бошлиғи черков эшиги олдига чиқиб, уни йиғилганларга таништирди, номига ҳамду сано ёғдирди, унинг муниципалитет илтимосига рози эканини билдирди, бошлик уни парламент депутатлигига номзодликка кўрсатиб, номзодни бир неча ой олдин Пуэбло ва Мехико ҳукуматлари билан келишиб қўйганини қўшиб қўйди. Ҳукумат унинг инқилобий хизматларини, унинг аграр ислохотларни ҳаётга тадбиқ қилиш мақсадида армияни тарк этгани ҳақидаги таҳсинга сазовор ҳаракатини, ҳокимият-сизлик даврида шахсий ҳаётини таҳлика ва гаров остига қўйиб, ўз музофотида тартиб ўрнатганини эътироф этди.

Атрофда ибодатхонага кириб-чиқаётган художўйлар ўзларининг Муқаддас Девеси ва худоларига муножот ва арз этар, бир хил ва бўғиқ оҳангда марсия айтишар, хўнграб йиғлашар, ваъза қулоқ солиб, графинларга қўл узатишарди. Кутилмаганда кимдир қичқириб юборди. Ўқлар ёғилди. Номзод ҳатто қошини ҳам чимириб қўймади, ҳиндилар мук тушиб нон ейишарди. У сўз навбатини ҳиндилар ногораларининг тантанавор садоси остида маҳаллий ва маърифатли нотикқа берди. Куёш тоғ ортига чўкаётган эди.

- Мен огоҳлантирган эдим, - деди Вентура сомбреросига йирик ёмғир томчилари тўхтовсиз урилаётган пайти. - Булар дон Писарронинг жангарилари. Улар сизни черков эшиги олдига чиқишингиз ҳамону нишонга олишган.

У бошяланг бўлиб, елкасига макка сўтаси рангига ўхшаш ёмғирпўш илди.

- Уларни нима қилиш керак?

- Чаламурда ҳолида ётишибди, - деб Вентура истеҳзоли жилмайди. - Биз уларни арафада қуршаб олгандик.

У оёғини узангига қўйди.

- Уларни Писарронинг остонасига улоқтириб ташланглар.

У кимсасиз оппоқ залга кирганида хотинини кўришга тоқати етмади. Хотини креслода тебраниб, совиган қўлларини ишқалаган қуйи ёлғиз ўтирарди, бу одамнинг пайдо бўлиши устига муздек сув қўйиб юборгандек бўлди, гўё эрининг нафаси, танасидан таралаётган совуқ буг, овозидаги нажоткор оҳанг ҳавони совутиб юборган эди.

У шляпасини стол устига ташлади; нағаллари фишт тўшаматга тақ-туқ урилди. Ўткир бурун каваклари дилдираб кетди.

- Улар... Улар ўтакамни ёриб юборди.

У жавоб бермади. Устидан ёмғирпўшини ечиб, камин ёнидаги стулга илиб қўйди. Черепицаларга ёмғир томчилари уриларди. У илк бора ўзини оқлашга уринди.

- Хотиним қаердалигини сўрашди. Бугун мен учун жуда аҳамиятли кун бўлди.

- Дарвоқе, биламан...

- Сенга нима дейишим мумкин... Ҳаммага... Олға интилиш учун ҳаммага ҳаётда йўлдош керак.

- Албатта...

- Сен эса...

- Мен ўз ҳаётимни танламаганман!- деб у кресло балдоғидан ушлаганча чинқирди.- Агар сен бошқаларни ўз иродангга итоат эткизмоқчи бўлсанг, улардан ҳеч қандай миннатдорлик... ҳеч қандай...

- Демак, менинг иродамга? Нега сенга ёқаман? Нега сен каравотда завқ-шавқдан оҳ-воҳ қиласан-у, кундузи бурнингни жийириб юрасан? Ким сени тушунади?

- Ярамас!

- Тилёғламалик қилмасдан, негалигига жавоб бер?

- Ҳар қандай эркак билан шундай ҳол бўлиши мумкин.- У нигоҳини кўтариб, эрига тик қаради. Гап тамом. Бундан кўра ўлган маъқул.- Сен нимани биласан? Мен сени бошқа одам, бошқа ном билан...

- Каталина... Мен сени севганман... Гап менда эмас-ку...

- Мени холи қолдир. Мен сенга шунақасига ҳам боғланиб қолганман. Сен нима ихтиёр этган бўлсанг - олдинг. Шу ёнига ҳам шукур қил, иложсиз нарсани сўрама.

- Нега сен норозисан? Ахир мен сенга ёқаман-ку, биламанки...

- Мени тинч қўй. Тегажоқлик қилма. Ожизалигимни юзимга солма. Қасам ичаманки, энди қайтиб келмайман...

- Сен ахир менинг хотинимсан-ку.

- Яқинлашма. Мен уйни тарк этолмайман. Биз - сеникимиз... Биз - сенинг бойликларинг улушимиз.

- Ҳа. Улгунингча менинг бойлигим бўлиб қоласан.

- Аҳамияти йўқ. Нима билан овунишимни ўзим биламанки... Ўғилларим мен билан бирга бўлади... Худо ҳам. Менга бундан ортиги керакмас.

- Демак, худо сен билан! Майли, синаб кўр!

- Мени сенинг хўрлашинг хафа қиляпти. Энди қаердан бошпана топишни биламан.

- Нега?

- Тўхта, кетма... шунинг учунки, мен отамни ғорат қилган ва акамни сотган одам билан яшяпман.

- Каталина Берналь, ҳали, афсус чекасан. Сен менга яхши фикр бердинг - мен бундан кейин сен билан ётганимда отанг ва акангни эслатиб тураман...

- Етар хўрлаганинг.

- Ҳаддингдан ошма.

- Қўлингдан келганини қил. Аммо сен ҳақиқатдан кўрқасан. Сен акамни сотгансан.

- Акангнинг сотгунча сабри етмади. У азоб чекишга тоқат қилолмади. У тирик қолишни ўзига эп кўрмади.

- У ўлди-кетди, сен эса тирик қолиб, унинг ўрнига хўжайинлик қиляпсан. Менинг билганларим мана шулар.

- Йўқ, ҳаммаси эмас, сенинг жиғи-бийронинг чиқиши мумкин - аммо мен сенга асло, ҳатто ўлдирсанг ҳам эркинлик бермайман. Мен ҳам томоқдан гиппа бўғишни биламан. Сен аҳмоқлигинг учун пушаймон ейсан...

- Ҳа, мени муҳаббатингга ишонтирган пайтинг, ҳайвоний қиёфада бўлганинг шундан экан-да.

- Мен сенинг ёнимда эмас, аксинча ҳамиша бирга бўлишингни хоҳлаган эдим...

- Менга яқинлашма. Буни сен ҳеч қачон сотиб ололмайсан.
- Яхшиси бугунги кунни хаёлингдан кўтар. Ахир бир умр бирга яшашимиз-ни ўйласанг-чи.

- Наридур. Ҳа, мен айнан олдимизда турган узоқ йиллар ҳақида ўйлаётман.

- Унда мени кечир. Яна бир дафъа илтимос қиламан.

- Мени кечирасанми?

- Кечиролмайман.

- Мен сенинг унутиб юборишингга йўл қўя олмаслигимни, мен ҳақиқатан ҳам севган одамгина унутишга ҳақли эканини кечира оласанми? Мен ҳозир унинг қиёфасини элас-элас эслай оламан... Унинг қиёфасини унутишга мажбур этганинг учун ҳам сени ёмон кўраман... Агар мен биринчи муҳаббатимни билганимда эди, мен яшадим деб айта олардим... Сен мени тушунишга урин, мен уни сендан ҳам ёмон кўраман, чунки у кетиб қолди ва қайтиб қорасини кўрсатмади... Буларни унга айтолмаслигим сабабли сенга айтаяпман... Буни кўрқоқликка йўйсанг ҳам майли... Қандай хоҳласанг... Билмадим... Мен... мен ожизман... Сен эса, хоҳласанг бошқа аёлларни севишинг мумкин, аммо менинг улушим - сен билан бирга бўлиш. Агар у мени куч билан ишғол этганда эди, унинг қиёфасини унутиб юборган, уни эсламаган бўлардим ва захримни сочиб ўтирмасдим. Аммо у менинг қалбимда бир умр армон бўлиб қолди, тушунасанми? Тўхта, кетмай тур... Чунки мен ўзимни ҳар нарсада айблаётмайман - у эса бу ерда эмас, - барча айбларни сенга тўнкайман ва фақат сени ёмон кўраман - ахир сен кучлисан ва барчасига чидай оласан... Айт-чи, бунинг учун мени кечироласанми? Мен эса ўзимни ва уни кечиролмагунимча сени кечиролмайман... Бундай бўш... Айтганча, мен ўйлашни ҳам, гапиришни ҳам хоҳламайман. Мени тинч қўй, мен энди худодан кечирим сўрайман, сендан эмас...

- Ўзингни бос. Менга кўпроқ сенинг ўжар сукутинг ёқади.

- Буёғи ўзингга ҳавола. Менинг қалбимни истаганча поралашинг мумкин. Сенга қуролни ўзим тутқаздим. Тутқазимнинг сабаби, сен ҳам менга нафрат билан қара ва биз алдоқчи ҳаёт билан абадулабад хушлашайлик...

- Ҳаммасини унутиш ва бошидан бошлаш осонроқ кечарди.

- Йўқ, биз бундай қилолмаймиз.

У креслода қимирламай ўтираркан, дон Гамалиэлнинг ўгитини эслади. Мағлубиятга мағрурлик билан жавоб бермоқ керак. Қасд олмақ учун аввал ўзингни қурбон қилмоғинг керак.

- Мени ҳеч нарса ишонтиролмайди. Мени ишонтиришинг учун бирорга далил келтироласанми?

- Бу жуда осон.

- Менга тегинма деяпман, қўлингни торт!

- Нафрат билан қараш ҳаммасидан осон. Севмоқ анча мушкул, севги кўп нарса талаб қилади...

- Албатта. Шундай бўлиб чиқади ҳам.

- Шундай бўлса нима бўпти, ўзингни бос.

- Мендан нари тур!

У эрига қайтиб бошқа қарамади. Улар лом-мим демай ўтиришди, назарида пешонаси ва орқа елкасида санчиқ турган баланд бўйли, думалоқ юз, қалин мўйловли одам ўлгандек бўлди. У хотинининг шаҳло ғамгин кўзларидан яна нимадир уқмоқчи бўлди. Унинг маҳкам қисилган, нафратдан буришган лабларидан ҳеч қачон айтмайдиган мана бу сўзлар тўкилаётгандек эди:

“Шунча қилгиликларингдан кейин ҳам сен муҳаббатга лойиқман, деб ўйлаётсанми? Ҳаёт қонунлари алмашиши мумкин, бунинг учун мукофот ҳам олиши мумкин, деб ўйлаётсанми? Менга бегона дунёда сен қалб поклигини йўқотгансан. Сен уни ҳиссиётлар оламидан қайтариб ололмайсан. Сенинг, назаримда, ўз боғинг бўлган. Менинг ҳам бир парча жаннатим бор эди. Энди икковимиз ҳам улардан мосуво бўлдик. Эслаб кўр. Сен ўз ихтиёринг билан бир умр йўқотган, қурбон қилган нарсаларни мендан тополмайсан. Сенинг қайдан келиб қолганинг менга қоронғи. Шуни биламанки, сен ҳаётда нимаики йўқотган бўлсанг,

кейинчалик мени ҳам: орзу-хаёлларим, қалбим поклигини йўқотишга мажбур этдинг. Биз энди асло аввалгидек бўлолмаймиз”.

Мана шундай фикрларни хотинининг ҳам кўзидан уқмоқчидай туюлди. У хотинининг сукут сақлаб туриши сабабларини хаёлан тасаввур этарди. Унинг сўзлари муҳаммат кўрқувга чўки кетган эди. Қаттол. Гарчи муҳаббатга ишончини йўқотган эса-да, бу даҳшатли сўз камгап, эҳтиёткор умр йўлдоши, келгуси ҳаётининг йўлдоши бўлмиш хотинининг оғзидан зинҳор чиқмаслиги керак эди. У тишини тишига босди. Нафрат ва ётсираш тугунини фақат бир нарса ечиши мумкин. Бор-йўғи бир неча сўз - ҳозир ёки ҳеч қачон. Агар хотини тушунса, улар ҳаммасини унутиши ва бошдан бошлаши мумкин. Агар тушунмаса...

“Ҳа, мен тирикман ва соппа-соғман, сенинг ёнингданман, чунки менинг ўрнимга бошқалар ўлиб кетди. Мен сенга улар ўлган, дейишим мумкин, сабаби мен ўз вақтида қўлимни ювиб қўлтигимга артганман ва ўз йўлимдан кетганман. Мени қандай бўлсам, шу ҳолда, айбларим билан қабул эт ва менга бошқача яшай олмайдиган одамга қарагандай қара... Менга захрингни сочма. Каталина, севгилим, сиқилиб кетдинг. Ахир мен сени севаман. Гуноҳлариму муҳаббатимни торозига қўйсанг, муҳаббат палласи босиб кетишини кўрасан...”

Ва айтишга жазм этолмади. У ўз-ўзини сўроққа тутди: нега жазм қилолмадим. Нега у эридан ҳақиқатни айтишни талаб этмади? У, гарчи иродасизлик уларни янада ажратиб юбораётгани, муваффақиятсиз муҳаббатлари масъуликни хотини билан баҳам кўришга мажбурлаётганини англаб турса-да, ҳақиқатни айта олмасди. Бироқ у гуноҳини, баҳам кўраётган гуноҳларини хотини билан биргаликда ювиши мумкин эди.

“Бир ўзим - йўқ, бир ўзим удалай олмайман”.

Ҳал этувчи, сукутли бир дақиқа ўтди-кетди...

“Нима дердим, мен кучлиман. Менинг кучим тақдир зарбаларини мардона ўтказаятганимда”.

...У ҳам имконсизликнинг имконини тополмади, тескари кетолмади...

У ётоқхонада бола ёлғиз қолганини мингирлаб, ўрnidан турди. У залда бир ўзи қолиб, ўзича хотинининг ҳозир фил суягидан ясалган чормих олдида чўк тушиб, бугун сўнгги бор:

“гарчи сенга бизники бўлиши муқаррар нарсаларни инкор этишни сассиз тақлиф қилсам-да, сенинг халос бўлишингни аниқловчи менинг тақдирим ва айбларимдан халос айла. Сен энди қайтиб келмайсан...”

дея худога илтижо қилишини тасаввур этиб турарди.

У қўлини кўкрагига чалиштириб, бошини кўтариб, қоп-қора осмонда порлаётган биринчи Зухрага, бирин-кетин милтираб турган бошқа юлдузларга бош силкиб, тун қўйнига чиқди. Қачонлардир мана шундай кечаларнинг бирида, у ҳам юлдузларга боққан эди, айтганча, эсламаса ҳам бўлади. Ўзи аввалгидан ўзгарган, юлдузлар ҳам ёшлигидаги каби милтирамас эди.

Ёмғир тинди. Боғда тешокотларнинг, олхўри ва гокларнинг ҳиди гупиллади. У бу ерга мевали дарахтлар кўчати ўтказган эди. Мулки - уй ва боғини экинзор майдонлардан ажратиб турадиган ихота барпо этиб, бу ерда мазза қилиб ҳордиқ ёзарди.

Нам ер этиклари тагида пилчиллаганда қўлини шими чўнтагига солиб, секингина эшик сари йўналди. Уни очиб, қўшни уйлардан бирига тикилиб қолди. Хотини илк бор ҳомиладор бўлганда у ана шу ҳинди жувонниқига бориб турарди - жувон уни сассиз лоқайдлик билан, ҳеч нарсани сўрамай ва ҳеч нарсани хаёл этмай қабул қиларди.

У уй эшигини таққилатмай, этиги билан бир тепиб очиб кирди. Ширин уйқудаги қора бадан ҳароратини сезиб, уни елкасидан туртиб уйғотди. Қиз ҳадик аралаш соҳибининг буришган юзига, тиниқ мовий кўзлари устидаги жингалак сочларига, дағал мўйлов ва соқоли ҳалқасидаги қалин лабларига қаради.

- Кўрқма, кетдик!

У оппоқ мўл хонаки қўйлагини кийиб, устига шолрўмол ташлади. У қизни уйдан олиб чиқди. У арқон солинган ғўнажиндек бўғиқ ҳансирарди. У юлдузлар милтираётган осмонга боқди.

- Анали ялтироқ юлдузни кўряпсанми? Қўл узатса етгудай, тўғрими? Биласанми, ҳеч қачон унга етиб бўлмайди. Бирор нарсага қўлинг етмагудай бўлса, “керак эмас”, дейишни ўрган. Кетдик. Данғиллама уйда мен билан яшайсан.

Қиз бошини эгиб, орқасидан эргашганча боғга кирди.

Жаладан ювилган дарахтлар қоронғиликда ялт-юлт этарди. Тўйинган замин маст этувчи ҳид таратарди. У чуқур хўрсинди.

У тепада, ётоқхона эшигини қия очиб қўйиб, ётган эди. Тунчироқни ёқди. Девор томонга қараб, оёғини қисганча ўзининг елкасидан қучди. Аммо шу заҳоти полда юраётган қадам товушларини эшитди. Ўрнидан туриб, қадам товушларига ҳамоҳанг равишда хона бўйлаб юрди. Ёеихтиёр каравотчада ухлаётган болани тебратди. Қорнини сийпади. Даҳлизда эрининг қадам товушлари эшитилмасмикин, дея қимирламай қулоқ осиб ётди.

Менинг ўйлашга ҳам, хоҳиш билдиришга ҳам мадорим қолмаган; нима хоҳлашса, шуни қилаверишсин. Дардга кўникалади: нимадир узоқ давом этса, кўникмага айланади. Қовурғалар тагида, киндик атрофидаги ичакларда турган оғриқ - бу менинг дардим, жонимни олаётган дард. Тилдаги тахир таъм - бу менинг одатдаги таъмим. Қаппайган қорин бу менинг иккиқатлигим нишонасидир. Ҳақиқатан ҳам иккиқатман. Кулгили. Қорнимни сийпаб кўраман. Бармоқларимни киндигимдан бошлаб пастга юргизаман. Қандайдир бошқача. Думалоқ. Пўк. Аммо совуқ тер бошқа кўпчимамайди. Баъзан каравотга яқинлашаётган Тересанинг сумкасидаги ойнадан юзимда қон йўқлигини кўриб қоламан-у, хонада ўғри бордек сумкасини ерга қўймайди. Чаламурдаман. Шайтонга аён. Врач кетган. Бошқа врачларга учрашаман, деб кетди. Мен учун жавоб бергиси йўқ. Шайтонга аён. Мана улар. Киришди. Қизил ёғочдан ясалган эшик очилиб-ёпилди, қалин гилам қадамлар товушини ютиб юборди. Деразаларни ёпишди.

- Деразани очиб қўйинглар...

- Йўқ, йўқ. Шамоллаб қоласан, бадтар бўласан.

- Очинглар...

- Domine, non sum dignus...

- Худога солдим...

- ...чунки унга ишонасан...

Тўппа-тўғри. Ғоят тўғри аниқланган. Ҳаяжонланишга асос йўқ. Бу ҳақда ўйлашнинг ўрни эмас. Агар худо йўқ бўлса, уни ҳақоратлаш чикора? Мана шундай фикрлардан енгил тортасан. Нима хоҳлашса, шуни қилаверишсин. Фалаён кўтариш - демак, бу икир-чикирлар мавжудлигини тан олиш. Ҳаммасига туфлаш даркор. Илгари қандай ўйлаганман, билмайман. Осийман. Ҳазрат мени тушунди. Осийман. Бу уларга завқ бераётган бўлса, эътироз қилиш чикора. Шунақаси маъқул. Зерикаётган башаралар бужмайган. Энг маъқули шу. Буларга жуда катта аҳамият берилмоқда. Воқеаларнинг бош иштирокчиси учун, мен учун заррача аҳамиятсиз. Ҳа. Шундай. Ҳа. Мен эса булар тез орада ҳар қандай аҳамиятини йўқотишини, қолганлари эса, аксинча, аҳмоқона тантанага айрича маъно беришга уринаётганини англаб турибман: ўз ғуссаларини, ёт қалбни халос қилаётганларини намоён этишлари керак-ку. Ҳм, нима хоҳлашса, шуни қилаверишсин, мен кўлимни қорнимга қўяман. Оҳ, ҳаммаларинг қуриб, ёзувларни эшитишга имкон беринглар. Мени тушунмай кўринглар-чи... Менинг мана бу ишорам нимани англатишини тушунмаслик...

“...бу ерда, Мехикода ҳам мана шундай вагонлар чиқариш мумкинлигини тасдиқлашади. Аммо биз бунга йўл бермаймиз, тўғрими? Йигирма миллион песо, яъни бир ярим миллион долларни нега йўқотишимиз керак...

- Plus our commissons...¹

- Каттиқ шамоллагансиз, сизга муз қўшиб ичиш мумкин эмас.

- Just hay fever. Well, I'll be...²

- Гапимни охиригача эшитинг. Бундан ташқари, улар тоғ-кон компанияларига Мексика марказидан чегарагача кемаларда юк ташиб бориш ставкалари

¹ Бизнинг коммисион ҳақимиз ҳам қўшилади... (ингл.)

² Оддий тумов, Мен... (ингл.)

фавкуллода оз миқдорда белгиланган, дейишмоқда; аслида бу субсидиядир; компанияларимиз рудадан кўра сабзавот ташиб кўпроқ даромад топиши мумкин.

- Nasty, nasty...¹

- Худди шундай. Транспорт харажатларини оширишса, ўз-ўзидан аёнки, конларимизни эксплуатация қилиш зарар келтира бошлайди.

- Lessprofits, sure, lessprofitsure, lesslessless...²

Нима бўляпти, Падиля? Падиля, жоним биродар, нималарни валдирашяпти? А, Падиля?

- Лента тугади. Бир дақиқа. Ҳозир қайта ўрайман.

- У барибир эшитаётгани йўқ, лицензиат.

Падиля оғзининг бир чети билан илжайгандай бўлди. Падиля мени биледи. Мен эшитяпман. Оҳ, мен эшитяпман-ку. Бу товуш менга мадор бағишляпти. Ўзимнинг товушим, ҳа, ўзимнинг эски товушим. Мана ўша овоз орқага айланаётган, олмахондай чир айланаётган лентада чийиллади, аммо бу менинг овозим. Менинг исми фамилиямда ўн битта ҳарф бор, аммо уларни ҳар хил: Амуқ Реострир Суртек Марси Итсаи Еримор деб ўқиш мумкин. Бироқ бу алмойи-жалмойи сўзлар йигиндисининг ўз синоати бор, ўз ўқи бор - Артемио Крус. Шундай қилиб бу менинг овозим, мен уни чийиллашидан билиб турибман, у бироз тинч тургач, яна маъни ташиб жаранглайди:

“- Марҳамат, мистер Коркери. Америка рўномаларига телеграф орқали узатинг, бу уларда қизиқиш уйғотса ажабмас. АҚШ матбуоти мексикалик темирйўлчи-коммунистларга захрини сочсин.

- Sure, if you say they're commies, I feel it my duty to uphold by any means out...³

- Ҳа, ҳа, ҳа. Яхшиямки, бизнинг идеалларимиз, бизнинг мақсадларимиз бир жойдан чиқмоқда. Тўғрими? Иккинчидан, ўз элчингиздан Мексика ҳукуматига тазийқ ўтказишни илтимос этинг - ҳукумат яқинда шаклланди ва ҳали жуда гўр.

- Oh, we never intervene⁴.

- Кечирасиз, яхши тушунтиролмадим шекилли. Элчига масалани эҳтиросга берилмасдан танишиб чиқиш ва ўзининг холис фикрини билдиришни тавсия этинг - ахир у, Мексикадаги Шимолий Америка фуқароларининг манфаатларини ҳимоя қилиши керак-ку. У баъзи бир одамларга чет эл инвестицияси учун қулай бозор муҳити яратиш зарурлигини тушунтирсин, ахир бу ташвиқот...

- O. K., O. K.”

Оҳ, бу истилоҳлар, сўзлар, ишоралар менинг ҳорғин бошимни бунчалар пармалайди-я. Оҳ, қанчалар диққатбозлик, қанчалар мавҳум нарсалар. Аммо - мен буни айтганман - бу менинг ҳаётим, мен уни эшитишим керак. Афсуски, улар менинг ишорамни тушунмайди, мен бармоқларимни базўр қимирлатаман: ўчириб қўйишса қани эди. Жонга тегди. Керак эмас, мижгов, мижгов... Уларга бошқа нарса дегим келади...

- Сен уларга эгалик қилдинг, уларни мендан айириб олдинг...

- Ўша куни мен уни зўр қувонч билан кутган эдим. Сўнг биз дарёни отда кечиб ўтган эдик...

- Сенинг айбинг. Сенинг. Сен айбдорсан...

Тереса рўномани қўлидан тушириб юборди. Каталина каравотга яқинлашаётди, мен эшитмайдиган даражада пичирлади: - Унинг аҳволи жуда ёмон.

- У ҳалиги зорманданинг қаердалигини айтдими?- дея Тереса шивирлаб сўради.

Каталина, йўқ, дегандек бош ирғади.

- Адвокатларнинг қўлида ҳеч вақо йўқ. Қўлда ёзган бўлса керак. Айтганча, бизнинг ҳаётимизни чигаллаштириш учун у васият қолдирмай ўлиши мумкин.

¹ Расво, расво... (ингл.)

² Даромадсиз, албатта, даромадс, даромадсдаромадс... (ингл.)

³ Албатта, агар улар, сиз айтаётганингиздек, коммунистлар, менинг бурчим — кучимиз етганча ҳамма нарсани қилиш... (ингл.)

⁴ О, биз ҳеч қачон аралашмаймиз (ингл.)

Мен кўзларимни юмиб, ўзимни карликка олиб, кулоқ соламан.

- Ҳазрат ота ундан ҳеч нарса сўрай олмадимиз?

Каталина, чамамда, яна бош ирғади. Мен унинг бошимда тиззалаб ўтираётгани ва секингина тутилиб гапирётганини сезиб турибман:

- Аҳволинг тузуқми?.. Биз билан бироз гаплашгинг келмаяптими?.. Артемио... Бу жуда жиддий... Артемио... Биз сенинг васият қолдирган-қолдирмаганини ҳам билмаймиз. Биз қоғознинг қаердалигини билмоқчимиз холос...

Ҳаромилар, агар сизлар дўкондорнинг олдида ялтоқланиб, уй бекасидан юрак ҳовучлаб туришларинг, каззоб оқловчи ёки товламачи врачнинг ёрдамига муҳтож бўлиб қолишларингга тўғри келганда эди; ҳаромилар, агар сизлар исқирт дўконларда сув қўшилган сутга навбатда туришларинг, бирмунча меросдан ҳам солиқ тўлашларинг, мулкдорларнинг эшигига зир қатнаб, қарз сўрашларинг, навбатда турганча яхши даврлар келишини орзу этишларингга тўғри келганда эди, шахсий машинасида юрадиган, Ломас де Чапультепекдаги уйида яшайдиган, қоракузан мантосини, қахрабо маржонини кўз-кўз қилиб, хорижда-хориж юрадиган Артемио Круснинг хотини ва қизига, шубҳасиз ҳавасларинг келарди. Агар мен мана шундай саботли ва қатъиятли бўлмаганимда оғир меҳнатдан қанчалик силлаларинг қуришини ўзларингча тасаввур этиб кўринглар, мен ҳимматли ва итоатли бўлмаганимда ўз ҳаётларинг қандай кечишини тасаввур этиб кўринглар. Мен чиққан чуқурликда ёки мен ҳушимга келган тепаликда инсоний фазилатлар мавжуддир. Унинг ўртаси йўқ, унда ёмғирли кунларда, сут деб ортда туришларга ғайирлик йўқ. Ҳаммаси ёки ҳеч нарса. Сизлар менинг ўйиним қондасини биласизларми? Уларни тушунасизларми? Ҳаммаси ёки ҳеч нарса, ҳаммаси қора рангда ёки ҳаммаси қизил рангда - ҳаммаси ичак-човоғига! Сени ё юқоридагилар ё пастдагилар отиб ўлдириши учун ҳайиқмай, орқасини ўйламай-нетмай ўйнашинг, орқа-ўнгига қарамай боришинг керак. Бу сизлар ҳурмат қиладиган рамақижон, ўртамиёна, маҳмадана, фитначи, майхонаю борделларнинг кунда-шундаси, кўриниши хунук одам эмас, балки мен каби инсон бўлиш демакдир. Аксинча, мен бундай одам эмасман. Менинг сизларга бақириб-чақирим ёки столга уришим учун ичишим шарт эмас; менинг сизларни кўнглимдагидек бўлишларингиз учун дўппослагим ҳам йўқ, сизларнинг муҳаббатингизни талаб этиш учун ҳурлик чекиш менга ёт. Мен сизлардан на муҳаббат, на тушуниш талаб этмай бойлик бердим. Чунки мен сизлардан ҳеч қачон ҳеч нарса талаб этмаганман, мендан ажраб кетолмадинглар, мени лаънатласаларинг-да, менинг тўкин-сочин ҳаётимга ёпишиб олдинглар, конвертдаги арзимас моянаси учун одамни бучалик ҳақорат қилмас эдиларинг, мени хоҳ-беғоҳ ҳурмат қилсаларинг-да, ўртамиёна одамни бунчалик ҳурмат қилмас эдиларинг. Эҳ, сиз қари риёкорлар, қари макиёнлар, кўрнамаклар, ҳамма нарсаларинг бўлса-да, ҳақиқий ҳаёт ҳақида ўйламай кўйдинглар. Сизлар жиллақурса, мен берган бойликлардан фойдаланишни билсаларинг, қимматбаҳо безакларда юришни ўргансаларинг эди. Ҳаммасини айтиб бўлдим, эшитяпсизларми, сотиб олиш мумкин ва мумкин бўлмаган нарсаларнинг ҳаммасига эга бўлдим. Рехинани, эшитяпсизларми, Рехинани севар эдим. Унинг оти Рехина эди, у мени севарди, у мени пулим учун севмасди, ортимдан бориб, пастда, менга ҳаётини бағишлаган эди, эшитяпсизларми? Сен, Каталина, ўғлингга нималар деганингни биламан:

“- Отанг, Лоренсо, отанг... Сен ўйлайсанки... Буни кечириш мумкин, деб ўйлайсанми?.. Йўқ, билмайман, қила олмайман... Муқаддас нарсалар ҳаққи ҳурмати. Барча тақводор жафокашлар...”

- Domine, non sum dignus...

Сен дардинг оғирлиги туфайли исириқнинг ич-ичингга сингиб кетувчи ҳидидан тин олиб, кўзларингни юмганча деразанинг ёпиқлиги, энди тунги мусаффо ҳаводан нафас ололмаслигингни сезиб ётасан. Тепангда фақат исириқ бўйи анқийган ва сўнгги бор гуноҳларингни юваётган ҳазратнинг қиёфаси турибди. Сенинг юрагинг сиқияпти, аммо ўлимнинг арафасидаги нотовон исёнинг уларга завқ бермаслиги учун муроса қиласан. Ўзларича ҳовлиқаверишин, сен эса ҳеч кимга ҳеч нарса қарз эмассан, сенинг ҳеч кимга ҳеч нарса қарз

бермайдиган ҳаёт ҳақида ўйлагинг келади. Тўғри, бунга, бу ҳақда ўйлашингга у, яъни аёл ҳалақит беради. Сен уни Рехина деб атайсан. Сен уни Лаура деб атайсан. Сен уни Каталина деб атайсан. Сен уни Лилия деб атайсан. Бу хотира қолган нарсаларга гов бўлади ёки унга миннатдор бўлишингга мажбур этади. Бироқ бу миннатдорликни, сен ҳарҳолда - қаттиқ оғриқдан тиришганингча - ўз-ўзингга раҳмдил бўлиш, мавжуд бўлмаган йўқотишга йўясан, чунки сен тўрт ном билан севган бу аёл сендан кўп нарса олиш баробарида сенга кўп нарса ҳам беради. Ким кимдан қарздор?

Сен ўзингни беҳуда тилка-пора этмайсан, чунки сен ҳеч кимга қарздор эмасман, деб ўзингча хуфиёна онт ичасан. Шу боис Тереса билан Херардони унутмоқчи бўласан, чунки қазинг ўғли билан сендан йироқда, онаси билан яшаганини важ қиласан, уларни танимайман, деб ўзингни оқламоқчи бўласан. Сен ўзингни Тересанинг нотаниш - на вақт, на хотира билан яшайдиган ёқим-сиз, шалвираган йигитга турмушга чиққани билан оқламоқчи бўласан. Себастьян-чи? Сен ўқитувчинг Себастьян ҳақида ўйлагинг келмайди, унинг баҳайбат кўллари эски линейкани олиб, қулоғингга тушириши тушингга ҳам кирмайди. Ўқувчилик чоғинг, ёзиш, санаш, доира ва уйчалар расмини чизиб юрган пайтларинг, бўрга бўялган бармоқларинг доска ёнида бир муддат қанчалар симиллаб оғриганини эслашни хоҳламайсан, - чунки булар сенинг узиб бўлмас қарзларингдир.

Исирик бўйи бора-бора босиб олади, барибир димоғингга урилаверади. Паэс ота сенинг уйингга яшай бошлайди - Каталина уни ертўлага қамаб қўяди. Ва сенинг ҳеч нарсада, ҳеч нарсада айбинг бўлмайди. Сен ўша кеча у билан нима ҳақда гаплашганларингни эсламайсан. Ҳозир - сенми ёки у - ихтиёрий суратда аёллар кийимини киядиган, ихтиёрий суратда ўзини бичадиган, ихтиёрий суратда олампаоҳнинг йўқ қонини сўриб сархуш бўладиган махлуқнинг оти нималигини ким айтганини эслай олмайсан?.. Аммо буни ким айтишга журъат этади? Онт ичаман, севмаслиги мумкин эмас, чунки севги оллоҳнинг неъматини ва у одамларни оқлаганча ҳар бир мавжудотда яшайди: худонинг неъматини ва марҳаматини билан биз танага эгамиз, ҳаёт бизни ундан жудо этмоққа уринаётганда бир дақиқа муҳаббатимизни унга бағишлаймиз. Уятни ҳис этмаслик лозим, ҳеч нарсани ҳис этмаслик лозим, ана шунда ўз азобу уқубатларингни унутасан. Гуноҳ боқий эмас, чунки сўз ва бизнинг қисқа, шошқалоқ муҳаббатимиз атиги бир кунлик ва ҳеч қачон абадий эмас, - бу биз кейинчалик тавба-тазарру билан ювиб юборадиган, ҳаётнинг муқаррар ғазабини тан олиш учун излаб топган, юпанч холос. Аммо ўзимизда мужассам бўлган қаҳрнинг асллигини тан олмасдан туриб тавба-тазарру қилиш мумкинми? Бегуноҳ бўла туриб, тиззаллаганингча, гуноҳқорлигингни тан олиш ва истиғфор қилиш мумкинми? Ўз ҳаётингни унут, чироқни ўчиришимга ижозат эт, ҳамма нарсани унут, шундагина биз биргаликда самога тиловат этганча гуноҳларимиздан кечишни ялиниб-ёлворамиз - айна ҳол хотирамиздан муҳаббат дамларини ўчиришга мажбур қилади, - парвардигор томонидан яратилган танамиз гуноҳлардан фориғ бўлиш учун амалга оширган ва оширмаган майллари ҳаққи худога ҳамду сано ўқийди, ҳамду сано ўқиб, сирли-синоатли завққа ботади, ҳамду сано ўқиб бағрингга уруғ қадайдди. Ахир яшаш - худонгни алиштириш демакдир; бизнинг тирик одамлигимизни тасдиқлайдиган ҳар бир хатти-ҳаракатимиз, ҳар бир қадамимиз худонгнинг муқаддас бурчларини бузишни талаб этади.

Ўша кеча сен борделда майор Гавилан ва ўзингнинг барча эски жўраларинг билан суҳбат қурасан. Ўша кеча барча айтилган гапларни: агар вата-нимиз манфаатлари бизнинг шахсий фаровонлигимизга мос тушса, унга тўкин-сочинлик тилаймиз; бизлар ақллимиз ва узоққа бора оламиз, деган гапларни кескин, таъсирчан ва худбин овозда ким айтганини, улар айтганмиди ёки сен айтганидинг, эслашинг мушкул кечади. Келинглр, энди зарур ва имкони бор нарсаларни қилайлик: бизга фойда келтирувчи, зўравонлик ва шафқатсизликка асосланган жамики қонунларни бирданига ижро этайлик, токи улар бошқа такрорланмасин. Келинглр, халққа берадиган хайр-эҳсонлар миқдорини белгилаб олайлик, шундагина инқилобий тўнта-

ришни дарров амалга ошириш мумкин, аммо улар биздан эртага ҳам талаб этишгани этишган, агар биз муҳайё этган нарсаларимизнинг ҳаммасини бериб қўйсақ, кейин ҳаётимиздан бошқа бирор нарса таклиф этолмай қоламиз. Лекин ўз қаҳрамонлигимиз меваларини тотимасдан туриб ўлиб кетишимиздан маъно борми? Нимадир заҳирага қолдиришимиз керак. Биз азроил эмас, одамлармиз. Агар биз ҳокимият тепасидагиларни қўллаб-қувватласак, кейин нимани хоҳласак, шунини қилишимизга ижозат бўлади. Ҳокимият ағдарилиши ҳамоно бизни ҳам ахлатга қорийдилар. Вазиятни ҳушёрлик билан баҳолаш керак: биз ёшлармиз, аммо музаффар инқилоб қаҳрамонлари билан қуршаб олинганмиз. Яна не мақсадда курашиш керак? Очиқдан ўлиш учунми? Бу керак бўлганда, ҳокимият тақсимланмайди, зўравонлик адолатдандир.

Кейин-чи? Кейин биз ўламиз, депутат Крус, авлодларимиз ўз билганича иш тутаверсин.

Domine, non cum dignus. Domine, non sum dignis. Ҳа, киши ўз гунаҳлари билан худога илтижо қилади, кишининг ўзи гуноҳ қилган бўлса, уни ўзи кечиради; руҳоний ана шундай одам бўлишга ҳақли, чунки унинг нотовонлиги бошқаларнинг гуноҳини ювишдан бурун фақат ўзининг гуноҳларини ювишига яраши мумкин.

Сен барча айбловларни бўйнингга олмайсан. Сен ўзинг яратмаган, ўзинг тайёр ҳолда топган ахлоқ учун жавоб бермайсан; оҳ, сен энди эслагинг келмаётган - сен муаллиминг Себастьян тиззасида ўтириб, ўтказган кунларинг, сенинг иштирокингиз ёзилган бурчларнинг қули эмас, балки эркин одам бўлишинг учун билишинг лозим топилган энг жўн нарсаларни ўрганган кезларинг бахтли кунлар бўлишини хоҳлар эдинг.

Оҳ, сен ўша сандон ёнида, Себастьян муаллим ҳориб-чарчаб келиб, сенинг ҳаётдан устун келишинг, бошқа ўз қоидаларингни яратишинг учун бир ўзингга сабоқ берган, сени ҳар хил ҳунарларга ўргатган, нонни ҳалол топишга ўқитган кунлари ҳаётингдаги масрур кунлар бўлиб қолишини хоҳлайсан. Сен - исёнкорсан, сен - озодсан, сен - янги одамсан. Йўқ, сен энди булар ҳақида ўйлашни хоҳламайсан. У сени ҳаётга йўллади, сен инқилобий йўлни танладинг: мен бу хотиралардан қутула олмайман, аммо у сени қайта безовта қилмайди.

Сен бизга ҳаёт томонидан мажбур этилган турли ахлоқий мезонларнинг мавжудлигига жавоб бермайсан;

сен - айбдор эмассан,

сен - айбдор бўлишни хоҳламайсан,

сен танламагансан, ўша тунни асло танламагансан.

Давоми бор.



Сухроб СИПЕХРИЙ

Сувнинг қадам товуши

Онамнинг бедор тунларига багишлайман

Кошонликман,
Турмушим ёмонмас.
Бир бурда нонга, бир оз ақлга, игнани учидек
илҳомга эгаман.
Онам бор, дарахт баргидан тузукроқ,
Дўстларим, оқар сувдан афзалроқ.
Парвардигор шу яқингинада:
Мана бу шаббўйлар бўйида-ю, у баланд қарағай ёнида.
Ҳар наредан хабардор сув юзида-ю, гиёҳнинг
бўй чўзиб ўсишида.

Мусулмонман.
Қиблам бир қизил гул.
Жойнамозим булоқ, муҳрим¹ нур.
Дашт менинг саждагоҳим.
Мен деразалар ларзасидан покланаман.

Намозимда ой сузилади, айланади камалак.
Намозим ортидан кўринади тош:
Намозимнинг зарралари биллурга айланган.
Мен намозимни сарв минораси бошида
Азонини шамол айтган чоғда ўқийман
Мен намозимни ўтнинг “такбирулэхроми”² да
Мавжнинг “Қад-қомат”и³ изида адо этаман.

Менинг Каъбам сув бўйида
Менинг Каъбам ақоқиё⁴ тагида.
Менинг Каъбам шабададек боғдан боққа,
шаҳардан шаҳарга кўчиб юради.
Боғнинг ёруғлиги “Ҳажаруласвад”им⁵.
Кошонликман.
Касбим наққошлик
Гоҳида қалам билан бир қафас чизиб, енгиларга сотаман.
Токи унга қамалган лолақизғалдоқ саси
Танҳо юракларингиз баҳрини очса.

¹ Шио оқимининг Имомия мазҳабида намоз ўқиганда жойнамоз устига қўйиладиган тош.

² Намозга туриш.

³ Намозга кириш, ният қилмоқ.

⁴ Оқ акас.

⁵ Маккадаги қора тош.

Хом хаёл, хом хаёл... биламан
Тасаввурим жонсиздир.
Яхши биламан, чизмаган ҳовузим балиқсиз.

Кошонликман.
Насабим балким
Ҳиндадаги бир гиёҳга, балким Сийлак¹ тупроғидан
бир сафолга,
Балким, Бухоро шаҳридаги озод бир аёлга тортадир.

Отам қалдирғочларнинг икки бор келиши,
икки қор ёғиши,

Икки бор супада ушлаш даврида,
Замонлар ортида оламдан ўтганлар.
Отам вафот этганда, осмон кўм-кўк эди,
Онам хабарсиз уйқудан чўчиб уйғонди,
синглим гўзалроқ бўлди.
Отам вафот этганда, қоровуллар бари шоир бўлганди.
Баққол мандан сўради: неча ман² қовун хоҳлайсан?
Ман ундан сўрадим: бир сир³ дилхушлик қанча?

Отам расм чизарди.
Тор ясаб, ҳам чаларди.
Ёзуви ҳам чиройли эди.

Боғимиз донолик сояси томонда эди.
Бизнинг боғ ҳислар ва гиёҳлар туташган жойда,
Бизнинг боғ нигоҳ, қафас ва ойна бирлашган нуқтада эди.
Бизнинг боғ нур, қуш ва кўз учрашган жойда эди.
Бизнинг боғ балким, саодатнинг яшил доирасин
бир бўлаги эди.

Худонинг пишмаган мевасин
ўша кунлар уйқумда чайнардим.

Фалсафасиз сув ичардим.
Билимсиз тут терардим.
Анор ёрилиб, пишгач, қўл унга хоҳиш фаввораси бўларди.
Токи чулу⁴ куйлар экан, эшитиш завқидан юрак қуярди.
Гоҳо ёлғизлик дераза ортига юзин тирарди.
Шавқ келарди, қўлини сезги бўйнига осарди.
Фикр ўйнарди.
Ҳаёт зўр ва у ажиб байрамга, чумчуқ тўла
чинорга ўхшарди.

Ҳаёт ўша дамлар менга нур ва қўғирчоқлар қатори,
Бир кучоқ эркинлик эди.
Ҳаёт ўша дамларда, мусиқа ҳовузи эди.

Гўдаклигим аста-аста юриб ниначилар кўчасидан
секин-секин узоқлашди,
Мен ўз юкимни боғлаб хаёлот шаҳридан кетдим,
Кўнглимда ниначи фироқи.

Мен дунёга кетдим, меҳмон бўлгани
Ғам-андух даштига,

¹ Кошоннинг жанубий-ғарбий томонидаги қадимий худуд.

² Оғирликнинг энг катта ўлчов бирлиги.

³ Энг кичик ўлчов бирлиги.

⁴ Қовурилган гуруч сотувчи.

Ғам = андух
 Андух = ғам
 Ғам = андух
 Андух = ғам

Ирфон боғига,
 Билимнинг нурафшон айвонигача бордим,
 Мазҳаб зинасидан юксакроқ чиқдим,
 То шак-шубҳа кўчасин тағига,
 Эҳтиёжсизликнинг салқин ҳавосигача,
 Севгининг шалоббоқшомигача бордим.
 Мен ишқнинг нариги бетида бир
 кишининг васлига етдим.

Бора-бора аёлга етдим,
 То лаззат чироғи,
 Истак сукути,
 Танҳолик қанотин овозигача бордим.

Ер юзида нарсаларни кўрдим:
 Ойни ҳидлаётган гўдакни,
 Ёруғлик типирчилаётган дарчасиз қафасни кўрдим.
 Севгини малакут томига етказувчи нарвонни кўрдим.
 Нурни ўғирда янчаётган аёлни кўрдим.
 Уларнинг тушлик дастурхонида нон, яшил ликобчада шудринг,
 бир коса қайноқ севги бор эди.

Мен уйма-уй юриб чаковак¹ овозин истаган гадони
 Ва биргина қовун пўчоқ учун ҳам намоз
 ўқиган фаррошни кўрдим.

Варрак ямлаётган кўзичоқни,
 Бедани тушунадиган эшакни,
 “Насихат” яйловида тўқ бир сигирни кўрдим.

Шоирни кўрдим, савсан гулига мурожаат
 қилганда уни “сиз”ларди.

Сўзлари биллурдан терилган китобни,
 Баҳордан ясалган қоғозни,
 Майсалардан узоқ музейни,
 Сувдан йироқ масжидни;
 Ноумид фақиҳнинг² ёстиғи устида, саволга лиммолим
 кўзани кўрдим.

Кўрдим “иншо” юклаб олган хачирни,
 “Панду масал”нинг бўш саватин юклаб олган туяни,
 Тонналаб “ё ҳу”³ юклаб олган орифни кўрдим.

Поездни кўрдим, ёруғлик таширди.
 Фиқҳ ортиб, зўрға кетаётган,
 Сиёсат юклаб олган (бўм-бўш),
 Нилуфар уругию сайроқи қуш овозин
 ташиётган поездни кўрдим.

Минглаб қадам фалак авжида тайёра кўрдим,
 Ойнасидан тупроқ кўринарди унинг;
 Кўринарди попишак кокили,
 Капалак қанотининг холлари,
 Ҳовуздаги қурбақа акси,
 Бир пашшанинг танҳолик кўчасидан ўтиши,
 Чинор устидан, ерга қўнаётган бир чумчуқнинг
 равшан истаги

Ва юксалган қуёш,
 Ҳамда қўғирчоқни тонг бирла чиройли қучоқлаши
 кўринарди;

¹ Эрон мумтоз мусиқаси.

² Шариатни биладиган олим.

³ Бу ерда “ё Оллоҳ” зикри назарда тутилган.

маалакут томига етказувчи нарвонни кўрдим.
 Тастиқлаб олган хачирни,
 “Панду масал”нинг бўш саватин юклаб олган туяни,
 Тонналаб “ё ҳу” юклаб олган орифни кўрдим.

ишқ

Шаҳват гулхонасига борадиган зиналар,
Шаробхона ертўласига
Ҳаётнинг риёзий идрокига
Тажаллий томига борадиган зиналар кўринарди.

Онам ҳов пастликда
Пиёлаларни хотира дарёсида юварди.

Шаҳар кўринарди:
Тошнинг метин деворларининг ҳандасий ўсиши,
Шифтлари каптарсиз юзлаб автобуслар...
Гул сотувчи гулларини кимошди савдосига кўярди,
Бир шоир икки настарин дарахти орасига арқон боғларди,
Мактаб деворига бир бола тош отарди,
Бир гўдак отасининг рангсиз жойнамозига
Ўрик данагини туфларди.
Бир эчки жўгрофий харитадаги: “Хазар”¹ дан сув ичарди
Дорда либос кўринарди: рангсиз сийнабанд.

Араванинг гилдираги от тўхтаб қолишини ғамида,
От аравақашнинг ухлаб қолишини ташвишида,
Аравақаш эса ўлимин дардида.

Ишқ кўринарди, мавж ҳам бор эди.
Қор кўринарди, дўстлик ҳам бор эди.
Калима ҳам мавжуд эди.
Сув бор эди, унда ашёларнинг акси бор эди.
Иссиқ қондаги тўқималарнинг салқин соягоҳи,
Ҳаётнинг рутубатли томони,
Инсон табиатида андуҳнинг шарқи,
Аёл кўчасида беҳуда кезиш фасли,
Фасл кўчасида ёлғизлик ҳиди.

Ёзнинг кўлида бир елпиғич кўринарди.

Уруғнинг гулгача бўлма сафари.
Печакгулнинг хонадан хонага бўлма сафари.
Ойнинг ҳовуздаги сафари.
Ҳасрат гулининг тупроқдан бош кўтариши.
Ток ниҳолнинг девордан қуйилиши.
Уйқу кўприги устига шудрингнинг ёғилиши.
Ўлим хандақидан шодликнинг учиб кетиши.
Сўздан сўнг ҳодисанинг юз бериши.
Бир тирқишнинг нур хоҳиши билан тўқиниши.
Бир зинанинг қуёшнинг баланд оёғи билан тўқиниши.
Ёлғизликнинг бир овоз бирла тўқиниши.
Нокларнинг саватдаги бўшлиқ билан гўзал низоси.
Анор ва тишнинг қонли тўқнашуви.
“Нози”² ларнинг ноз³ пояси билан муҳорабаси.
Тутиқушнинг зукколик бирла жанжали.
Пешонанинг муҳр совуқлиги билан тўқнашуви
Саждалар билан масжид кошини тўқнашуви.
Шамолнинг совун кўпикларига ҳамласи.

¹ Каспий денгизи.

² Шоирнинг сўз ўйини: миллатчилар, немис миллатчилари маъносида.

³ сарв.

Капалаклар лашкарларнинг “дафъэ офат”¹
дастурига ҳужуми.

Ниначилар тўдасининг “қувурсоз”²
ишчилари сафига ҳамласи.

Қора найқаламнинг қўроғошинли ҳарфларига ҳамласи.
Сўзнинг шоир тилига ҳамласи.

Бир шеър қўли билан бир асарнинг эгаллаб олиниши.

Бир сор² савти билан бир боғнинг эгалланиши.

Икки салом қўли ила кўчанинг эгаллаб олиниши.

Уч-тўрт ёғоч отлиқ қўли билан бир
шаҳарнинг босиб олиниши.

Бир копток, икки қўғирчоқ шавқи ила бир
байрамнинг эгаллаб олиниши.

Тушдан кейин ёстиқ устидаги бир шилдиरोқ
овознинг тиниши.

Уйқу кўчаси бошида бир қиссанинг тўхташи.

Куйнинг амри ила ғам-ғуссанинг тарқалиши.

Ёрқин чиरोқ фармони ила ой нурининг чекиниши.

“Давлат” қўли билан бир толнинг кесилиши.

Ях гули қўли-ла бир маҳзун шоирнинг қатл этилиши.

Ер юзида ҳаммаси мавжуд эди:

Тартиб Юнон кўчасидан ўтарди.

Бойўғли “муаллақ боғида” сайрарди.

Шамол Хайбар³ довонида тарих хашакларидан
бир ўрамини Шарққа ҳайдарди.

Тинч “Нагин”⁴ қўлида бир қайиқ гул таширди,
Банорасда⁵ ҳар кўчанинг бошида мангу чиरोқ ёнарди.

Одамларни кўрдим.

Шаҳарларни кўрдим.

Даштларни, тоғларни кўрдим.

Сувни кўрдим, тупроқни кўрдим.

Нур ва зулматни кўрдим.

Баъзи гиёҳларни нурда, баъзисини зулматда кўрдим.

Баъзи жонзотларни нурда, баъзисини зулматда кўрдим.

Инсониятни нурда, инсониятни зулматда кўрдим.

Кошонликман, аммо

Менинг шаҳрим Кошонмас.

Менинг шаҳрим йўқолган.

Мен тер тўкиб, туннинг бошқа томонида бир уй қурганман.

Бу уйда шабнамли ўтнинг ном-нишонсизлигига яқинман,

Мен боғчанинг нафас товушини эшитаман.

Бир япроқдан тўкилаётган вақтда зулматнинг товушини,

Дарахт орқасидан ёруғлик йўталини,

Ҳар тошнинг орасидан сувнинг аксиришини,

Баҳор шифтидан қалдирғочнинг чуғурлашини.

Ёлғизлик дарчаси очилиб-ёпилишининг тиниқ овозини.

¹ Эронда самолётлар билан кимёвий дори орқали экинзорлардаги ҳашоратларни қириш дастури.

² Чугурчиқ.

³ Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон ва қадимги Эроннинг қатнов йўли.

⁴ Ҳиндистондаги кўл номи.

⁵ Ҳиндистондаги шаҳар номи.

Номаълум муҳаббатнинг бокира товушини,
 Қанотда учиш завқининг пасаювчи сасини
 Руҳнинг юксакликдан айрилиш ноласини,
 Чин истак қадамининг товушини эшитаман.
 Томирдаги қоннинг қонуний қадам товушини,
 Кудуқ каптарларининг тонгдаги парвози,
 Жума кечасидаги юракнинг уришини,
 Чинни гулнинг хаёлдаги жараёнини,
 Олисдан ҳақиқатнинг буғубор сас тарашини,
 Модданинг елдек эсиши овозини эшитаман.
 Шавқ кўчасидаги иймон ковушининг сосини,
 Нам севгининг кўзлари устидаги ёмғир товушини,
Етукликнинг ғамли мусиқасини,
 Анорзорлар ноласини,
 Тунда шодлик шишасининг парчаланишини,
 Гузаллик қоғозининг пора-пора бўлишини,
 Фурбат косасининг шамолда бўшаб-тўлишини эшитаман.

Мен ернинг ибтидосига яқинман.
Гулларнинг юрак уришини санайман.
 Дарахтнинг яшиллик одатию сувнинг намлик
 қисмати ила танишман.

Менинг руҳим ашённинг янги томонида оқади.
 Менинг руҳим ёш.
 Руҳимнинг гоҳо шавқдан йўтали тугади.
 Менинг руҳим бекорчидир.
 Ёмғир томчиларию гиштлари дарз кетган
 жойларни санайди.
 Менинг руҳим гоҳо йўл бошидаги тош мисоли
 ҳақиқатга эга.
 Мен икки қайиннинг бир-бирига
душманлигини кўрмадим.
 Мен толнинг ўз соясини ерга сотганини кўрмадим.
 Қайрағоч шохларини қарғага бахшида айларди.
 Япроқ бор жойда, менинг ҳаяжоним гуллайди.
 Кўкнорнинг бутаси борлиқ оқимида мени ювган.

Капалак қанотичалик, тонг оғирлигини биламан.
 Гулдон мисоли ўсиш мусиқасига қулоқ соламан.
Мевага тўла бир сават сингари, тезроқ
манзилга етиш истагидаман.
Майхона каби хасталик чегарасидаман.
 Денгиз бўйидаги бир бино каби, мангу баланд
 тортишишдан ҳадикдаман.

Мен бир олма билан бахтиёрман.
 Масрурман мойчечак бутасини ҳидлашдан,
 Мен бир ойна ва бир пок дийдор
 билан қаноатлангум.
 Пуфак бехосдан ёрилса кулмайман.
 Агар бир фалсафа ойни иккига бўлса кулмайман.
 Мен бедана қанотининг сасларини танийман,
 Тоғ эчкисининг туёқ изини, хубора¹
 кўксининг рангларини ҳам.

¹ Каптардан каттароқ, кул ранг, тоғ чўққиларида яшайдиган қуш.

Ровоч қаерда ўсишини,
 Чугурчиқ қачон келишини, каклик қачон сайрашини,
 лочин қачон ўлишини,
 Биёбонда ухлаганда ой нелигини,
 Истак новдасидаги ўлимни
 Тишларнинг кучоқлашиш остидаги ертути
 лаззатини яхши биламан.

Ҳаёт ёқимлидир.

Ҳаётнинг ўлим уфқларидек қанотлари бор,
 Парвозлари бор муҳаббатга тенг,
 Ҳаёт, сен ва менинг эсимиздан

 чиқиб кетадиган одат тоқчаси устидаги нарса эмас.

Ҳаёт ризқини терувчи қулнинг жозибасидир.
 Ҳаёт янги қора анжирнинг ёз оғзида қамашидир.
 Ҳаёт ҳашорат кўзига дарахтгача бўлган узоқ масофа.
 Кўршапалакнинг тундаги ҳадикли парвози.
 Ҳаёт бир муҳожир қушдаги мавжуд бўлган ғариблик ҳисси,
 Уйку кўпригидан қайрилайётган поезднинг
 чинқирғидир.

Ҳаёт тайёранинг тор ойнасидан пастдаги боғчага боқиш.
 Фазо кемасининг учганлик хабари,
 “Ой”нинг ёлғизлигини силаш,
 Бошқа сайёрада гулни ҳидлаш илинжидир ҳаёт.

Ҳаёт ликопчани ювишдир.

Ҳаёт кўчадаги ариқчадан ўн тийинлик танга
 топиб олишдир.

Ҳаёт кўзгунинг “квадрат”и дир.
 Ҳаёт гулнинг абадиятга “даражаси”,
 Ҳаёт юрагимиз зарбида ерни “кўпайтма”си,
 Ҳаёт оддий бир хил нафаслар “ҳандасаси”дир.

Қаерда бўлмайин, борман,
 Осмон меникидир.
 Дераза, фикр, ҳаво, ишқ, ер маникидир.
 Гоҳида гурбат кўзиқоринларини
 Ўсиб чиқишининг
 Нима аҳамияти бор?

Мен тушунолмаيمان — ли
 Нима учун отни олижаноб ҳайвону қаптарни гўзал дейишади.
 Ва нега ҳеч кимнинг қафасида бургут бўлмайди.
 Йўнғичқа гулнинг қирмизи лоладан нима ками бор?
 Кўзларни ювмоқ, ўзгача кўрмоқ керак.
 Сўзларни ювиш лозим.
 Сўз ёмғирдек мусабфо бўлмоғи керак.

Соябонларни ёпмоқ,
 Ёмғир остига бормоқ керак.
 Фикрни, хотирани ёмғир остига келтирмоқ керак.
 Шаҳарнинг барча аҳолиси билан ёмғир остига
 бормоқ керак.

Дўстни ёмғир остида кўрмоқ керак.
 Ишқни ёмғир тагидан қидирмоқ керак.
 Аёл билан ёмғир остида юрмоқ керак.
 Ёмғир остида сайр этмоқ керак.
 Ёмғир остида нилуфар гулини экмоқ, гапирмоқ, бирор
 нарса ёзмоқ лозим

Ҳаёт ҳар лаҳзада шалаббо бўлишдир.
Ҳаёт “ҳозир” ҳовузчасида чўмилишдир.

Либосларни иргитайлик:
Сувгача бир қадам.

Ёруғликни смирайлик.
Бир қишлоқ тунининг оғирлигин ўлчайлик,
 бир кийикнинг уюкусинию
Лайлак уясининг тафтини идрок этайлик.
Чаманзор қонунини оёқости қилмайлик.
Узумзорда таъм тугунини ечайлик.
Ой чиққанда ҳайратга чўмайлик.
Тунни ёмон нарса деб сўйламайлик.

Саватни олайлик.
Барча қизилу яшилларни солиб кетайлик.
Эрталаб нонуштада нон ва пишлоқ еяйлик.
Ҳар сўз занжири бошига бир ниҳол экайлик.
Сепайлик икки бўғин орасига сукут уруғини.
Шамол варақламайдиган китобни,
Шабнам сиртин нам этмайдиган китобни,
Тўқималарнинг ўлчами мужассам бўлмаган китобни ўқимайлик.

Пашшани табиат бармоғи учидан учиб
 кетишин хоҳламайлик.
Йўлбарсни мавжудот эшигидан чиқиб
 кетишин хоҳламайлик.

Билайлик, агар қурт бўлмаганда ҳаётда нимадир
 етишмаган бўларди.

Шодлик бўлмаганда, дарахт қонунига зарба етарди.
Ўлим бўлмаганда қўлларимиз ниманидир излаб
 юрардим.

Агар нур бўлмаганда парвоз мантиқи
 бошқача бўлишин билайлик.
Билайлик, маржондан илгари денгизлар бўшлиқдан
 иборат эди.

Қаердамиз, сўрамайлик
Шифохонада очилган гулни ҳидлайлик.

Иқбол фаввораси қайда деб, сўрамайлик.
Ҳақиқат қалби нега кўк дея сўрамайлик.
Ота-боболарнинг қандай шомлари, қандай кечалари
 бўлганлигини суриштирмайлик.

Орқада тирик фазо йўқ.
Орқада куш сайрамайди.
Орқада шамол эсмайди.
Орқада яшил сановбар деразаси ёпилган.
Орқада жами фаввораларни чанг қоплаган.
Орқада ҳорғин тарих.
Орқада хотира мавжи совуқ ва
 ором садафи соҳилга иргитилган.

Ердан бир дона қумни олайлик,
Оғирлигин сезайлик.

Иситмалаб қолганда тўлин ойни ёмон демайлик.
Иситмалаганда гоҳо ойнинг пастга шўнғигани-ю,
Арши аълога қўл етишин кўрганман.

Сахранинг¹ яхшироқ сайрашини кўрганман.
 Гоҳида оёғимнинг жароҳати
 Ернинг паст-баландини менга ўргатди.
 Баъзида бемор тўшагимда гул жуда улканлашиб кетарди.
 Фонус шуъласи-ю, норинж беҳат катта туюларди.
 Ўлимдан ҳайқмайлик.
 Чирилдоқнинг ағдарилиб қолиши ўлим эмас.
 Ўлим фикрнинг ёқимли об-ҳавосида мужассам.
 Ўлим қишлоқ тунининг моҳиятида тонгдан сўзлайди.
 Ўлим ток шингили билан оғизга келади.
 Ўлим томоқ-ҳалқумда куйлайди.
 Ўлим шабпарак қанотин чиройли парвозидир.
 Ўлим гоҳо райҳон узади.
 Ўлим гоҳо шароб ичади.
 Гоҳида сояда ўтириб тикилади бизларга.

Тақдирнинг бетига сира эшикни ёпмайлик,
 деворлар ортидан овозни эшитурмиз.

Пардани очайлик:
 юракка эркин туйғулар киришига имкон берайлик.
 Балоғатни истаган бутгасининг остида тунашига
 қўйиб берайлик.
 Фариза²нинг ўйинга ҳой-ҳавосини чекламайлик.
 Оёғидагини ечсин, фасллар кетидан, гуллар
 устидан учсин.
 Ёлғизликни куйлашига қўйиб берайлик.
 Бирор нарса ёзсин.
 Кўчада кезсин.

Оддий бўлайлик.
 Банкнинг кассаси ёнида бўлсак ҳам, дарахтнинг тагида
 бўлсак ҳам, оддий бўлайлик.
 Қизил гулнинг “сири”ни таништириш бизнинг ишимиз эмас.
 Бизнинг ишимиз, балким
 Қизил гул “жоду” сида қулоч очишдир.
 Донолик ортида бекат қурайлик.
 Бир япроқ жозибасида қўлни ювиб дастурхон устига борайлик.
 Ҳар тонгда куёш чиққач, қайтадан туғилайлик.
 Ҳаяжонларнинг парвозига чегара қўймайлик.
 Осмон, ранг, овоз, дераза, гул тушунчаларини намлайлик.
 “Борлик”нинг икки бўғини орасига
 осмонни мужассам қилмайлик.
 Ўпкани абадият-ла тўлдириб-бўшатиб турайлик.
 Илм юкени қалдирғоч елкасидан ерга туширайлик.
 Булутни, чинорни, чивинни, ёзни яна бир карра англайлик.
 Ёмғирнинг намли қадами узра муҳаббат тепалигига чиқайлик.
 Эшикни ғиёҳ, ҳашарот, нур ва инсоният юзига очайлик.

Бизнинг ишимиз эҳтимол *Зинка*
 Нилуфар гули ва аср ўртасида
 Ҳақиқат овози изидан боришдир.

Кошон, 1965 йил.

Форс тилидан НАРГИС таржимаси.

¹ Саъва.

² Ҳис-туйғу.

МАРВАРИД ИЗЛАГАН ШОИР

*Агар мени излаб келар бўлсангиз,
оҳиста ва секинроқ келинг,
токи менинг чиннидек нозик
танҳолигим дарз кетмасин.*

С. СИПЕХРИЙ

Янги асрнинг бизга таниш ва нотаниш фарёдлари тўлқини ичида Худонинг қалбларга таскин бергувчи ёқимли садосини эшитмоқчи бўлсангиз, Машриқзаминнинг мусулмон ва ошиқ бир шоири — Кошон фарзанди Сухроб Сипехрий шеърларига муружаат қилинг. У сўз санъати сеҳри орқали Сизни илоҳий нурлар тажаллийси бўлмиш Борлиқ ва Инсон сирлари билан ошно этади.

Ўзининг покиза ва беғубор шоирона самимияти, ирфоний дунёқарашини янгича усул ва тафаккур орқали гўзал бир шаклда ифодалай олиш қудрати билан номини абадиёт китобига муҳр этган Сухроб Сипехрий ўттиз йиллик шоирлик ва мусаввирлик фаолияти давомида “Саккиз китоб” (“Ҳашт китоб”) номли шеърӣ девон ва мингдан ортиқ тасвирий санъат асарларини мерос қолдирди. У умр китобидан бор-йўғи 52 саҳифани арақлаган бўлса-да, ўзини келажак шоири сифатида (Сухроб Сипехрий 1928 йили Кошонда туғилди ва 1980 йили Техронда вафот этди. Шоир Кошонда дафн этилган) танита олади.

Машҳур англиз ёзувчиси Уилям Ҳамлет (1730-1778) айтганидек, “ҳаётлик чоғида буюк саналган киши буюк бўлиб қолавермайди, тарихнинг ўзи буюк ҳакамдир”. Сухроб тарих синовларидан ёруғ юз билан ўтаётган шоирлардан бири.

Агар Сухроб Сипехрийнинг куллиёти бўлмиш “Саккиз китоб” девонини мутолаа қилиб, унинг ижодига хос бўлган асосий хусусиятлар доирасида фикр юритмоқчи бўлсак, шубҳасиз, Шарқнинг бу табиатсевар, самимий ва ориф шоирида муҳим хусусият мужассамлашганини илғаб оламиз.

Биринчи навбатда, Сухроб орифмашраб шоирдир. Аммо бу билан у ўз юртининг анъанавий ирфоний қарашлари чегарасида, ўтмиш орифлари тафаккури доирасида фикр юритган, ижод қилган, деб бўлмайди. Зеро, Сипехрий ижодидаги маънавий сайру сулуқ фақатгина Сипехрий маслағига тааллуқли ирфон эмас, балки ирфоний таълимотнинг мусавфо сарчашмаларидан бўлмиш ҳинд ва япон фалсафий тафаккури, бутун Шарқ ирфонининг энг гўзал намунаси.

Сухроб бу дунёқараш ва маънавий сайру сулуқ билан 1953-1961 йиллар давомида мазкур юртларга қилган сафарлари

асносидаёқ яқиндан танишган ва унинг таъсирини ўзида ҳис этган эди.

Сухроб шеърятининг иккинчи хусусияти — табиатсеварлиги хусусида гапирганда, у сўнги асрлардаги Фарб мутафаккирлари каби илоҳий маънавиятни инкор этмайди, балки унинг ирфоний дунёқарашини фақат бир нарсага, азалий ва абадий ҳақиқатга — Ҳақиқий Борлиқнинг мавжудлигига, Инсон ва Табиат бу Ягона Ҳақиқатнинг тажаллийсидир, деган эътиқодга қаратилган.

Иккинчиси томондан, ундаги табиатсеварлик хусусияти тасвирий асарларида ҳам ҳайратомуз даражада кўзга яққол ташланиб туради. Зеро, унинг мингдан ортиқ тасвирий санъат асарлари Пок Табиатдан олган илҳом ҳосиласидир.

Сипехрийни самимий шоир сифатида талқин этганимизда эса, унинг ўз фикр-туйғуларини сўзлар тўлқинида қанчалик эмин-эркин, табиий суздира олиши, натижада ҳатто, гўзалликдан завқланиш бахтидан бенасиб кишини ҳам ўзининг ирфоний қарашларига мафтун эта билишини назарда тутмоқчимиз. Бу самимий ҳолат шоирнинг учта шоҳ тўплами — “Сувнинг қадам товуши” (“Садои пой об”), “Йўловчи” (“Мусофир”) ва “Яшил ҳажм” (“Ҳажми сабз”)да бошқа китобларига қараганда ҳийла кўпроқ сезилади. Сухробнинг шуҳрат чўққисига қай тарзда кўтарилганлигини унинг “Саккиз китоб” девонидаги шеърларини чуқур таҳлил ва тадқиқ этиш орқали аниқлаш мумкин.

Сухроб Сипехрий 19 ёшида форс мумтоз шеърятининг анъанавий жанрларида, ошиқона романтизм қайфиятда ёзган илк шеърларини “Чаман оғушида ёхуд севги оромгоҳи” (“Дар канори чаман ё оромгоҳи ишқ”) номи билан 26 бетлик мажмуада чоп эттирди. Бу китоб Сухробнинг кейинги асарларига хос фикрий ва баёний тизимдан анча узоқ эди. Бу узилиш шунчалик қатъий эдики, Сухроб ўзининг бутун умри давомида яна ўша тафаккур ва ифодага қайтишни хоҳламайди. Ҳатто, бу китобни алоҳида шаклда қайта чоп эттиришга ҳам, девонига киритишга ҳам розилик бермади.

Сухроб 1951 йили ўзининг илк эркин шеърлар тўпламини “Рангнинг ўлими” (“Марги ранг”) номи билан 73 бетли китоб ҳажмида эълон қилди. Бутунлай Нимо услубидаги (Нимо Юшиж янги форс

шеърятининг асосчиси) бу тўплам шакл ва мазмун-моҳият жиҳатидан жўшқин, таъсирчан шеърлардан иборат эди. Шоир бу янги мажмуа билан “эски жамиятни қулатиб, қайтадан қурайлик”, демоқчи бўлади, гўё. Йигирма иккита шеърдан иборат ва ўн олтинчи шеърнинг сарлавҳаси билан номланган бу тўпламда шоир жамият аҳли чеҳрасига соя солган дардни куйлайди:

Ёлғизлик бағрида анчадан буён
Лабимда сукутнинг синиқ бўёги.
Олисдан бир нидо чорлар мени, лек
Оёқдан тортмоқчи туннинг ботқоғи.
Анчадан буён мен каби барчанинг
Лабига соқитлик ранги суртилган.
Бу сукут қаърида силкиниш бўлмас
Оёқлар, қўллар тун бағрида қолган.¹

Сипехрий Европа ва Осиёнинг кўпгина мамлакатларида бўлди. Жумладан, Париж, Лондон, Рим, Токио ва Ҳиндистон шаҳарларида яшаб, илм ўрганди. Бу саккиз йиллик сафарлар ва изланишлар унда янгича бир дунёқарашнинг шаклланишига, унинг ҳаётга янгича тафаккур билан ёндашишига сабаб бўлди. Шоир руҳиятидаги ўзгаришлар 1961 йилдан бошланган эди. Уша йили у ўзининг иккита шеърый тўпламини — “Қуёш” (“Овори Офтоб”) ва “Ғамнинг шарқ томони” (“Шарқи андуҳ”)ни чоп эттирди. 32 та шеърни ўз ичига олган, 75 бетдан иборат бўлган “Қуёшнинг айланиши” тўплами билан шоир Осиёнинг ирфон оламига кириб бораганини баралла эълон қилди. Энг муҳими, у бу тўплам билан ўзини Нимо Юшижнинг фикрий ва услубий таъсир доирасидан чиқаришга муваффақ бўлди. У Нимодан фарқли ўлароқ, “Инсоннинг нажот йўли ташқаридан эмас, ичкаридан бўлиши керак” деган фикрга қаттиқ ишонарди.

“Қуёшнинг айланиши” тўпламига киритилган шеърларнинг ҳаммасини ҳам диққатга сазовор деб бўлмайдик. Аммо “Дуо” (“Ниёйиш”) ва “Яқинроқ кел” (“Наздик ой”) каби шеърлардаги ваҳдатал-вужуд фалсафаси кишини беихтиёр ўзига жалб этади:

Нурни босиб ўтдик.
Олтин даштни ёзиб тутатдик.
Эртакни тердик ва ҳоргин сочдик...
...Сукутимиз қўшилиб кетди
ва биз “Биз” бўлдик.
Ёлғизлигимиз
Олтин даштгача чўзилиб кетди.
Чеҳрамиздан сесканди қуёш.
Топдигу, кулдик.
Яширдик, куйдик.
Ҳар неки баҳамроқ, ёлғизроқ.

Юқориде ажабшодик:

Мен ерга тушдиму банда бўлдим,
Сен кўкка юз тутдинг, Худо бўлдинг.

“Ғамнинг шарқ томони” мажмуасида 25 та шеър мавжуд бўлиб, 51 бетни ташкил этади. Бу тўплам шоир ижодиётида алоҳида ўринга эга. Агар “Сувнинг қадам товуши”, “Йўловчи” ва “Яшил ҳажм” китобларини Суҳроб ижодий маҳоратининг энг юксак чўққилари деб билсак, шоирнинг маънавий ва лисоний гўзалликка интилиши жараёнида “Ғамнинг шарқ томони” тўплами унинг кейинги уч тўпламида бино этилган буюклик қасрини бунёд этиши учун мустақкам замин яратиб берди.

Бу мажмуанинг талайгина мисра ва байтларидан ваҳдат, фано, Худонинг ҳузур ва шоирнинг бу муаттар ҳиддан иложи борича кўпроқ баҳраманд бўлишига қаратилган ҳаракати сезилиб туради.

У “Тугёнимга” шеърда Мавлавийдек фано қиссасини най лабларидан, “Девони Шамс” ғазаллари оҳангида баён этади:

Мен созман, овозга ҳамрозман,
эринмай олгин, олгину чалгин.
Торимга “Ло” чертгин,
фанонинг йўлини тутгин...
...Бошим устида Куръон,
ёстигим Инжил, тўшагим Таврот
ич кийимим Авасто.
Туш кўраман: сувдаги
нилуфарда бир Буддо.

Суҳроб бу икки шеърый тўпламнинг чиқиши ва Ҳиндистонга қилган сафаридан тўрт йил ўтгандан сўнг, 1965-1967 йиллар оралигида ўзининг уч шоҳ асари — “Сувнинг қадам товуши” (1965), “Йўловчи” (1966) ва “Яшил ҳажм”ни (1967) яратди. Бу тўпламлар унинг Эрон ва жаҳондаги мухлислари орасида қозонган шуҳратини яна ҳам оширди ва уни ўша даврдаги энг машҳур ва сеvimли шоирлар қаторига қўшди.

“Сувнинг қадам товуши” асарида янги ирфоний қарашларни ўртага ташлаб, содда ва самимий сўзлар ёрдамида ўзининг маънавий сайру сулукини тасвираб беради. “Сувнинг қадам товуши” да бутун Борлиққа, унинг таркибига кирган барча ашёга муҳаббат чўққисидан қарашни, Табиатга Борлиқдан тараладиган тажаллийнинг бир бўлагига сиғингандек топилишни инсонлар онгига синдиради ва “мазҳаб биллапоясидан кўтарилиши” билан ишқ мазҳабини танлашни тавсия этади. Бу тўпламда тажаллий, хилқат ва ўлим, ёлғизлик ва узлат, ҳар бир дамнинг қадрига етиш, талаб ва ишқ, маърифат, истиғно ва тавҳид, ҳайрат ва фано каби ту-

¹ Шеърлар Жаъфар Муҳаммад таржимасида берилмоқда.

шунчаларнинг ҳар бири янгича талқинда, Сухробнинг янги ирфоний тилида баён этилади.

Сипехрий бу тўпламдан сўнг яна сафарга чиқади ва сафар сўнгида “Яшил ҳажм”даги яшил ҳаётга етиш учун “Йўловчи”ни яратади.

“Яшил ҳажм” тўплами 73 бетлик китоб бўлиб, 25 та шеърдан таркиб топган. Ундаги баъзи бир шеърлар форс шеърятининг ўн бир асрлик тарихида энг гўзал намуналардан саналади.

Сипехрий “Сувнинг қадам товуши” биланоқ катта шухрат қозонган эди, аммо фақат бунинг ўзи шоирнинг абадий ном қолдириши учун етарли эмасди. Сухроб сафарга отланди. “Йўловчи”ни яратди ва охир оқибат “Яшил ҳажм” билан ўзининг шеърят оламидаги улуғворлиги ва шоирлик камолатини намоевн этди. “Яшил ҳажм”га киритилган ҳар бир шеър марвариддек нур сочиб туради, қалбларни гўзал туйғулар билан лиммо-лим этади. Сухроб бу мажмуада “Йўловчи” руҳиятидаги ҳайрат ва изтироблардан қутулиб, умр бўйи излаган орзу-армонларига етади, Борлиқдаги барча ашёлар билан бирлашиб, хилқатдошларига яшил ҳажмдаги мусаффо ҳаётдан салом етказди. Дўстнинг қисқача манзилини тавсифлаб берадиган “Дўст уйи қайда?” (“Хона дўст кужост?”) шеъри эса Сухроб Сипехрийнинг мазкур тўпламдаги ирфоний қарашларини ўзида мужассамлаштиради.

Шоир “Йўл-йўлакай салом” шеърида Борлиқ билан уйғунлашган ҳолда, халоскор аскар тилидан ўзининг қайтишидан хабар беради. Ҳамма нарсага ҳаёт ва поклик рангини инъом этувчи қайтиш:

Бир куни келгум
ва салом келтургум.
Томирларга кўйгум нур ва айтгум:
Эй саватларингиз уйқуга тўлганлар!
Олма олиб келдим,
Қўешнинг қизил олмаси!
Келгум,
бир дона ёсуман гулини гадога бергум.
Чўтир юзли гўзал аёлга
тақдим этгум янги сирга.
Суқирга айтгум:
Нақадар ажойиб богнинг жамоли!

Шоир “Денгизлар ортида” номли шеърида Афлотундан Ибн Синогача, Ибн

Синодан бугунги файласуфлар ва шоирларга идеал бўлиб келаятган шаҳарни излаб сафарга отланади:

Бир кема кургум
Сувга туширгум...
Фурбатли бу юртдан бош олиб кетгум.
Кемада тўр йўқ
ва дилда марварид орзуси.
Мен ҳамон сузишда давом этгум...
Мен ҳамон қуйлашда давом этгум.
Дарёлар ортида бордир бир шаҳар
Унда нур сочгувчи қуёш қўлами
Азонда очилган кўзларга тенгдир.

“Гулистона” шеърида эса ўзининг рўё бўлган орзуларига етганини мамнуният билан эълон қилади:

Нақадар бепоён саҳролар!
Нақадар баланд чўққилар, тоғлар!
Гулистонда бир номаълум ўтнинг
ҳиди келарди...
Ҳаёт бўшлиқдан иборат эмас:
Меҳрибонлик бор,
олма бор,
иймон бор.
Ҳа, лолалар бор экан, яшамоқ даркор.

“Яшил ҳажм” фақат шеърий тўпламгина эмас, балки шеърят атрофидаги мулоҳаза ҳамдир, унинг абадий қудратига таслим бўлмоқдир, табиат, ашёлар маъноси, ҳаёт фалсафаси хусусидаги мулоҳазалардир.

Сипехрий 1977 йили 46 бетдан иборат, 14 шеърдан таркиб топган ўзининг сўнгги шеърий тўплами — “Биз ҳеч ким эмасмиз нигоҳдан ўзга”ни олдинги еттита китобининг охирига қўшиб, “Саккиз китоб” номи билан нашр эттирди.

“Биз ҳеч ким эмасмиз нигоҳдан ўзга” тўплами Сипехрийнинг ҳаётдаги янги кашфиётлари мажмуаси эди.

Бу Сухробнинг сўнгги китоби эди.

Сухроб шеърлари Эрон Исломо Инқилобидан (1979) сўнг ирфоний қарашларга лиммолим бўлганлиги туфайли ёшлар эътиборини ўзига жалб этди, кўпгина ёш шоирлар унинг “Саккиз китоб” девонидаги услубга тақлид эта бошладилар. Бу китоб бугунги кунгача Эронда 17 мартаба қайта нашр этилган, энг кўп мухлис орттирган шеърий китоблардан биридир.

Иброҳим ХУДОЁВ
филология фанлари доктори,
Эрон Исломо Республикасининг
Ўзбекистондаги элчихонаси ҳузуридаги
маданий-маърифий алоқалар ваколатхонаси раиси.

Тўлепберген ҚАЙИПБЕРГЕНОВ

Сахро булбули

(Уч пардали драма)

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

Бердақ
Бердақнинг аёли
Ҳурлиман
Ажиниёз
Эрназар олакўз
Эрназар кенегес
Хон ясовули
Юзига парда ёпган
навкарлар
Даллол
Бош уста

Савдогарлар
Бийлар
Бойлар
Ҳоким
Овул оқсоқоллари
Деҳқонлар
Балиқчилар
Чорвадорлар
Халқ
Қорақалпоқ
навкарлари

Бошларига қора парда ёпган навкарлардан бошқалар миллий қора қалпоқ кийиб юрадилар. Пешоналарида ва елкаларида тўрт шохли қўчқор мугузининг, икки ёнларида эса садоқларининг тасвири бор.

БИРИНЧИ ПАРДА

КЎРИНИШ

М у с и қ а. Унинг фониди Бердақнинг “Менга бер” деган шеъри ай-тилади ва парда аста-секин силжиб очила бошлайди.

ШОИРНИНГ ИНЖА КЎНГЛИ

*Раҳимжон ОТАУЛИ
таржимаси*

Бердимурод Қарғабой ўғли — Бердақ қардош қорақалпоқ халқининг фахри, айна чоғда Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий, Абай Қўнонбойўғли ва Маҳтумқули каби бутун туркий халқлар адабиётининг улкан намояндасидир. Афсуски, бу улкан сиймо хусусида Мухтор Аvezовнинг “Абай йўли” эпопеяси ва Ойбек домланинг “Навоий” романи ёнида тура оладиган салмоқли ва кўламдор асар яратилмапти. Мустабид тузум даврида яратилган “Абай йўли” ва “Навоий” асарлари ҳам, агар мустақиллик даврида ёзилганида эди, улғустозларимиз бу асарларни бошқачароқ ёзишлари аниқ эди.

Мухтарам юртбошимиз даъватлари билан мустақиллик шароитида ҳазрат Навоийни тўғри таниб олиш, замладан, бадиий насрда Навоий сиймосини тўғри таниш, ерқинроқ ва

Барчани яратган қодир худойим,
Берсанг бу бандага ҳақлик йўлин бер.
Эгри юрсам ортар менинг гунойим,
Бу қалбимга тўғрилиқнинг йўлин бер.

Жаҳон хазинаси олсам қўлимга,
Сарф айламак учун ҳақнинг йўлига,
Бердимурод каби ҳақнинг қулига,
Тангрим, саховатли она меҳрин бер.

Туркистон, Хоразм маконим менинг,
Бешқалъа, денгизнинг атрофи элим,
Кўп яшаш орзусин айлайди кўнглим,
Менга ҳам давлатли инсон умрин бер.

Устидан йўл берса не денгиз дарё,
Мени тўздирмаса бу замон гиря,
Минг йилдан сўнг қандай бўлади дунё,
Кўрайин, Луқмоннинг узоқ умрин бер.

Парда тўла очилади

Тепаси ўтовга ўхшаш қора қалпоғи бошига жуда ярашган 20-21 ёшлардаги Бердақ шошилиб кириб келади. Эғнидаги бежирим тикилган хуржундан доторнинг дастаси худди милтиққа ўхшаб кўриниб турибди. Парданинг иккинчи чеккасидан кўзлари соғинч ва қувончдан чақнаб Бердақнинг аёли чиқиб келади.

Б е р д а қ н и н г а ё л и. Марҳабо, суюкли шоввозим! Хуш келдингизми? Ҳозир кимдир куйга солиб айтиб турган шеърни эшитгандирсиз? Эсингиздами, сиз бу шеърни мен келин бўлиб тушган кечада биринчи марта уйку аралаш алаҳсираб айтган эдингиз. Кейин ўнгингизда айтиб берувдингиз. Сафарга кетганингиздан буён хаёлимда шу шеър. Ҳар куни Яратганга илтижо қилиб, “Эй қодир эгам, суюкли ёрим сендан нимаики тиласа, ижобат қил!” деб ўтинаман.

Б е р д а қ. (Аёлини қучоқлаб суюди.) Омон-эсон ўтирибсизларми? Элимни, кенг далаларимизни, денгизни шунақанги соғиндимки! Биласанми, “Орол” сўзи кўпгина туркий тилларда “отов” деб аталади. Чунки у Ҳазрати Нуҳ пайгамбарнинг кемаси тўхтаган отовда пайдо бўлган денгиз... (ўйланиб) Ота-боболаринг, аждодларинг яшаб ўтган кенг маконни зиёрат қилишнинг гашти ўзгача экан!..

Б е р д а қ н и н г а ё л и. Олти ойлик сайёҳат-а!..

ҳаққонийроқ тарзда қайта яратишга ҳаракат қилинмоқда. Бундай хайрли саъй-ҳаракатлар қутилган натижаларни береди, иншооллоҳ.

Навоийдан савод очдим,
Фузудийдан дурлар сочдим

деб фахрланган Бердақ, шубҳасиз, ўз халқи-ю ўз даврининг энг улуғ шоири эди ва ҳамиша шундай бўлиб қолади. Атоқли қорақалпоқ адиби Тўлепберген Қайипбергеновнинг “Бердақ” драмаси улуғ шоирларимиз ҳақида яратилган саноқлигина асарлардан биридир. Унда Бердақнинг қорақалпоқ халқи ва, умуман, туркий халқларнинг тарихий тақдирини хусусидаги изтиробли ўйлари анча таъсирчан қаламга олинган.

Асар сизни шоирнинг инжа кўнгли ва мураккаб ҳаёти хусусида жиддий мушоҳадага ундай олади деб ўйлайман.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон қаҳрамони,
Ўзбекистон халқ шоири.

КЎРИНИШ

Бир гуруҳ овулдошлар йиғилади. Бердақ улар билан бирма-бир саломлашиб чиқади.

О в у л о қ с о қ о л и. Бердимурод, иним, мана, кўп жойларни пойи-пиёда кезиб чиқдинг. Юравериб чарчагандирсан?

Б е р д а қ. Машхур Маман бий ўз даврида “Куч ақлига керак” деса, Ойдўс бобо “Куч ожизга керак” деган экан. Эрназар оға билан бир учрашганимда у “Куч кучлига керак” деган эди...

Ё ш й и г и т. Қайси Эрназарни айтяпсиз?

Б е р д а қ. Эрназар олакўзни-да!

Ё ш й и г и т. Сиз Маман отанинг ҳам, Ойдўс бобонинг ҳам, Эрназар олакўз оғанинг ҳам айтганлари тўғри деб ўйлайсизми?

Б е р д а қ. Менимча, ҳар бири ўз замони, ўз шароитидан келиб чиқиб айтган. Мен, масалан, “Куч шоирга керак” дегим келади. Агар Худо кўнглимга солиб, улуғ шоир Бобораҳим Машрабдай Туркистон, Ҳиндистон, Арабистонни пиёда кезиб чиқиш менга ҳам насиб қилса, бунинг учун албатта куч керак!

О в у л о қ с о қ о л и. Бердимурод, болам, энди бизга кўрган-билганларингдан озгина гапириб бер...

Б е р д а қ. Майли.

О в у л о қ с о қ о л и. Қани, ҳаммангиз жойлашиброқ ўтириб олингизлар!...

Б е р д а қ. Ўҳ-ҳу, ота, айтаверса, эл оралаб — юрт кезишнинг ўзи ҳам бир мактаб экан! Кўравериб кўзим очилди. Аввало Ҳазрати Султонимиз Хўжа Аҳмад Яссавийнинг қабрини зиёрат қилдим.

О в у л о қ с о қ о л и. Зиёратинг қабул бўлсин. “Мадинада — Муҳаммад, Туркистонда — Хўжа Аҳмад” деган гап бекор айтилмаган.

Б е р д а қ. Куллуқ! Бир пайтлар ҳазрат соҳибқирон Амир Темур у кишини тушларида кўриб, азиз пиримизнинг қабри тепасига улуғ мақбара қурдирибдики, кўриб, дунё тургунча турар деб ўйладим.

О в у л о қ с о қ о л и. Баракалла!..

Б е р д а қ. Туркистондан чиқиб, Тошкентдан ўтиб, Самарқандга келдим. Бу шаҳарни ҳам кўрдим. “Самарқанд сайқали рўйи замин аст” деганларича бор экан. Кўриб кўзим тўймади. Достонларимизнинг нима учун “Мусулмон вилоятида, Самарқанд сайқалида, қорақапоқ халқида...” деб бошланишини тушунгандай бўлдим. Бухорога келиб кўрдимки, бу шаҳар ростдан ҳам ислонинг Туркистондаги қуввати экан. У дини ислом ва илми-урфоннинг маркази сифатида Бағдоддан қолишмайди, қабилидаги фикрларни эшитиб, кўнглим тўлиб-тошди. Фақирга Бағдодни кўриш насиб қилмади, бироқ Бухоро мени ўзига мафтун қилди... Хивани бўлса, ўзларингиз яхши биласиз, кўп оқсоқолларимиз шу шаҳарда ўқиган. Бу шаҳри азимнинг ободлиги, гўзаллиги, жаҳон фанида тутган ўрни барчага маълум. Бу ҳақда жаҳонгашта сайёҳлар ҳайратланиб ёзганлар... Кўҳна Урганч шаҳридаги Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Маҳмуд аз-Замахшарий ва ҳазрат Нажмиддин Кубро қабрларини ҳам зиёрат қилдим...

О в у л о қ с о қ о л и. Минг яша, шоир болам!

Ё ш й и г и т. Сиз борган тарафларда ҳам қорақалпоқлар борми экан?

Б е р д а қ. (Кулимсираб) Нима десам экан? Аслида-ку, барча туркий халқлар бир ота-бир онанинг фарзандлари. Барчаси бизлар сингари меҳмондўст. Тароз шаҳридан Тошкент шаҳрига етиб боргунча йўл-йўлакай мен кўниб ўтган уйларнинг анча-мунчасида абдира-сандиқ устига кўрпа-тўшакнинг йиғиб қўйилиши худди бизларникидай. Узун ёстиқларнинг қуроқ билан жуфт кўзли, уч кўзли қилиб қошлаб қўйилиши ҳам худди бизларникидай. Шунга қараб, ҳов, ўша кўч-кўчларда кўчолмай қолиб кетган оғайниларимиздан экан, деб ўйласам-да, баъзиларининг ўзбекчага, яна бировларининг қозоқчага босимроқ гапиришларига қараб, ўтмишни кўзгаш билан айрилиқ яраларини янгилайманми деб сўрамадим. Тошкент шаҳрида эса, мен боргунимча Дўстмуҳам-

мад қорақалпоқ деган киши ҳокимлик қилганини эшитиб, ўзимча қувондим. Нарироққа ўтсак, ҳатто Чингизхоннинг ҳужумларига қарши тура олган баҳодир Темур Малик ўзимизнинг қанглилардан... Берироқ келадиган бўлсак, улуғ соҳибқирон Амир Темурнинг атоқли саркардаларидан бири Амир Сайфиддин нукус уруғидан, шайх Нуриддин бўлса жалойир уруғидан, Аббос баҳодир деганлари қипчоқ уруғидан эканини билиб, кўнглим кўтарилди. Улуғ мутасаввиф шоир Сўфи Оллоёр эса, қирқ уруғидан, Утарчи теварагидан эканини билиб, унинг киндик қони томган, босган излари қолган ерларни зиёрат қилиш учун Каттақўрғон шаҳрига ҳам атайлаб бориб қайтдим. У, шаҳарда одамларнинг ҳикоясидан эшитдимки, лашкарбошилиқ лавозимида бўлган. Унинг ўғли Муллабекнинг лашкарлари сафида 200 та қорақалпоқ бор экан.

О в у л о қ с о қ о л и. Борган жойларингда сенинг қорақалпоқлигингни, шоирлигингни билишдимми?

Б е р д а қ. Менинг ниятим ўзимни танитиш эмас, эл-юртни таниш эди, оқсоқол. Бепоев Ватанимиз Туркистоннинг жаҳонга машҳур шаҳарларини ўз кўзим билан кўриш-билиш учун бордим. Лекин билганим шу бўлди: бизнинг уруғларимиз барча туркий халқларда, уларнинг кўпгина уруғлари эса бизда аралашиб юрган экан.

Ё ш й и г и т. У ёқларда одамлар қандай касблар қилар экан?

Б е р д а қ. Ҳаммалари ўзимизга ўхшаган одамлар. Бироқ шаҳарларида кўзга яққол ташланадигани шуки, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг “Тирикчиликнинг ўндан тўққизи савдода” деган ҳадисларига кўпроқ амал қилишар экан.

О в у л о қ с о қ о л и. Бизнинг туркий боболаримиз азалдан савдосотиққа мойил. Шунга қулай бўлсин деб, шаҳарлар орасидаги масофани ҳисобга олган ҳолда, тўрт кундан узун бозор, уч кундан калта бозор қилганлар. Сирасини айтганда, савдо-сотиқ йўқ жойда одамлар орасида тузукроқ қарим-қатнаш ҳам бўлмас эди.

Б е р д а қ. Кўп элатларда, шаҳарларда одамларнинг ўзларига тўқ яшаётганларини кўриб, ўз халқи учун яхши шароитлар яратган ҳокимлар, бийлар, оқсоқоллардан мамнун бўлдим. Бироқ айрим оч-яланғоч, бечора, бахтсизларни кўриб, улар яшаб турган элатларнинг бошлиқларидан нафратланган пайтларим ҳам бўлди.

О в у л о қ с о қ о л и. Балки бунга фақатгина бошлиқлар айбдор эмасдир...

Б е р д а қ. Билмадим. Баъзи элатлар яшнаб турган кўм-кўк далалар, чеки-чегараси йўқ боғ-роғлар... Емиш кўп. Бизнинг элатларнинг чегарасига кириб келганимдан кейин баъзи овулларнинг боғ яратиш тугул, одамлар соялайдиган бир туп терак ҳам экмаганини кўриб, уларга ичим ачиди.

Ё ш й и г и т. Бизнинг одамларимиз улуғ пайғамбаримизнинг “Одамлар сояланадиган бир туп дарахтни кесган кишининг бошини кесиб, дўзахга ташлаш керак” деган гапидан тегишли хулоса чиқаролмайдилар.

О в у л о қ с о қ о л и. Кўй, бундай дема!

Б е р д а қ. Қани, овулдошларим, мен йўғимда элда не янгиликлар бўлди?

О в у л о қ с о қ о л и. Омончилик, болам. Бир қувончли хабар — Пўрқон отов томонда қўриқдан очилган Бўзатов элати бу йил бултургидан ҳам зўр. Ҳамма экин-тикинлар мўл ҳосил бериб, довруғи чор тарафга таралиб турибди.

Ё ш й и г и т. Шундай. Яқиндан буён Бўзатовга ён-ёқдан савдогарлар ҳам келишяпти.

Б е р д а қ. Бизнинг оғайниларимиз эккан экинларнинг ҳосили бошқаларга ҳам маъқул бўлаётгани қандай бахт! Сафар олдидан Ажиниёз оғани кўриб улгуролмаган эдим.

О в у л о қ с о қ о л и. Шоир жуда хурсанд, кайфияти яхши. Бўзатовга ҳар тарафдан савдогарлар келаётганини кўргани сайин қувонганидан дунёга сизмайди...

Б е р д а қ. Илойим... Мен ҳам тезроқ кўргим келяпти.

О в у л о қ с о қ о л и. Бердимурод, биз сени толиқтириб қўйдик. Дам ол. Бўзатовда эртага калта бозор. Узун бозорига борарсан.

(Келганлар ўрнидан қўзғалишади, парда ёпилади.)

КЎРИНИШ

Бўзатовнинг шовқин-суронли бозори. Ҳар жой-ҳар жойда кийим-кечаклар, буюмлар сотилиб, чеккароқларда турли хил тасмлар пиширилмоқда. Мева-чева, қовун-тарвуз бозорлари қизгин... Ҳар хил кийинган хитойликлар, ҳиндлар, руслар, эронликлар, араблар... Савдо-сотик авжида.

Ж а р ч и. Ҳой яхшилар, эшитмадим деманглар! Бугунги бозорнинг энг тўрида Хитойдан келтирилган ипақлар, Самарқанд билан Кўқондан келтирилган шойилар. Ҳиндистон рўмоллари, Ўрусия элининг ҳар хил газламалари сотилмоқда!.. Ҳой яхшилар, эшитмадим деманглар...

Я н а ж а р ч и. Фарангистондан келтирилган ойналардан олинглар. Шомдан келтирилган тароқлар бор!..

Б о з о р д а г и ш о в қ и н л а р. Ойна бор, тароқ бор, олмасанг ҳам қараб қол...

— Чимбойда тўқилган бўзга келинлар!

— Қўнғирот усталари ясаган чархлар, беллар, кетмонлар...

— Бўзатовнинг ширин-шақар олмалари, мазали олмуртлари, тилими тилни ёрадиган қанддек қовунларига кеп қолинг!

— Бўзатовнинг мевалари, қовун-тарвузлари қишга чидамли бўлади...

— Хиванинг шамчиروқлари бор!

— Хўжайлининг лампачироқларига келинлар.

— Уйдаги ризқ-рўзни бозордаги савдо бутлайди. Қани, бера қол!..

Б е р д а қ. (Бозор манзараларини завқланиб томоша қиляпти.) Худога шукур. Биз томонларга ҳам оламдан савдогарлар кела бошлабди... (Бозорнинг бир чеккасидаги соябон остида бир гуруҳ қизлар ва йигитларнинг қовун еб, ҳазиллашиб кулишиб ўтирганларини кўради. Ўзича) Мен ҳам мана шулардай қовун чақмоқлаб юриб, ўзимга умр йўлдоши топган эдим. Қизлар билан танишишда барча туркий халқлардан бизнинг бир ўзгачалигимиз ҳам мана шу! (Уларга яқин келади.)

Қ и з я н г а с и. Йигитлар, шуни унутмангизларки, бозор — бу савдо-сотикқа келганлар учун ҳам, қовун чертакка қизлар билан танишиш ниятида келганлар учун ҳам синов майдони. Синашайлик, сўзлангизлар...

Й и г и т о ф а с и. Ой бўлмаса одам ақлдан адашади, кун бўлмаса кўнгилни кир босади. Қизлар сандиқ, йигитлар қалит. Қалит бўлмаса, сандиқни ким очади. Қизлар сандиқ, йигитлар қалит... Майли, биздан эшитингизлар...

Қ и з я н г а с и. Лекин йигитнинг ўзи эмас, тили қалит, қизнинг ўзи эмас, кўнгли сандиқ...

Й и г и т о ф а с и. Яхши қизнинг сандиғида асл зот кўп бўлади, агар сўзласа, оғзидан дур сочилади.

Қ и з я н г а с и. Ёмоннинг оғзи ёмон, сўзи совуқ. Сўзласа оғзидан изғирин эсади.

Й и г и т о ф а с и. Қани, ким айтади: “Хон яхшими, бий яхшими? Ўй яхшими, қир яхшими? Жумбоқ яхшими, жавоби яхшими?”

Қ и з я н г а с и. Одил бўлса хон яхши, бемалол бўлса бий яхши, ўтлоқ бўлса ўй яхши, кунчувоқ бўлса қир яхши. Йигит айтган жумбоқни ечиб берган қиз яхши...

(Бердақ оҳиста ортига бурилади.)

КЎРИНИШ

Бир сотувчи билан олувчининг кўллари кўшиб ушлаб, унинг устига иккинчи кўлини кўйиб, икки томоннинг келишганига қувониб турган даллол, оппоқ соқоли кўксига тушган бир қариянинг бозорга кириб келаётганига қараб туради.

Қ а р и я. Ассалому алайкум!

Д а л л о л. Ва алайкум ассалом, оқсоқол. Отахон, сизни икки-уч бозордан буён кўраман. Ҳеч нима сотмайсиз ҳам, олмайсиз ҳам?..

Қ а р и я. Болам, мен бозорга бир нима сотиш ё сотиб олиш учун келаётганим йўқ...

Д а л л о л. Бозор деганлари ҳаётдаги яхши билан ёмоннинг, арзон билан қимматнинг кўзгуси. Шу кўзгуга қараш учун келганингиз ҳам айб эмас...

Қ а р и я. Шундай деса ҳам бўлади. Мени танимасангиз керак? Мен ҳам ёш пайтимда “Ипак йўли” бўйлаб Кунчиқардан Кунботарга, Кунботардан Кунчиқарга карвон тортиб, “савдогар қорақалпоқ” деган от чиқарган одам эдим.

Д а л л о л. Кечирасиз, оқсоқол. Сиз ҳақингизда кўп афсоналар эшитганман. Қани кўлингизни беринг-чи! (*Кўришади.*) Исмингиз Аваз бўлса керак. Ё исмингиз айтилмай, “савдогар қорақалпоқ” деган лақабингиз билан айтилишига буткул кўнқингизми?

Қ а р и я. Албатта. Қорақалпоқлар озчилик бўлгани учун ҳар хил касбагилар ҳам озчилик. Шундай бўлганидан кейин ҳар бири ўз отини кўйиб, миллати билан аталишини ўзига бахт деб билади. Ол, энди мени ўз вақтида кўрган-билган тенгдошларим, замондошларимнинг кўпчилиги боқий дунёга кетди. Ёшим ҳам тўқсонга келди. Савдогарликка ҳолим йўқ. Лекин менинг отимни эшитиб, ўзимни таниган баъзи одамлар бозорда мени кўрмаса, “Савдогар қорақалпоқ ҳам ўлибди-да” деб ўйламасин, деган хаёл билан бозорда ўзимни кўрсатишга келаман. Кўпинча Қўнғирот, Хўжайли, Чимбой бозорларига бориб кўриниш берадиган эдим. Бўзатовда бозор очилганидан бери Хўжайли ё Чимбойнинг узоқ бозорига борсам, энди Қўнғиротнинг, Бўзатовнинг калта бозорларида кўриниш берадиган бўлдим.

Д а л л о л. Кўп яшагайсиз, ота. Бир саволим бор: бозордаги менга ўхшаш даллолларнинг ишларига қандай қарайсиз?

Қ а р и я. Қалбини пок сақлаб, сотувчини ҳам, олувчини ҳам алдаш ниятида бўлмаса, бу жуда яхши касб.

Д а л л о л. Ҳеч қачон ҳеч кимга нисбатан хаёлимда шумлик бўлган эмас. Биласиз, бозорда кўпинча бир-бирини танимайдиган одамлар олди-берди қиладди. Ҳар икки томонга холис хизмат қилиб, уларни келиштиришга уринаман.

Қ а р и я. Сиз ҳазрат Навоийга боғлиқ бир ривоятни эшитганмисиз?

Д а л л о л. Йўқ.

Қ а р и я. Ундай бўлса эшитинг.

(Бердақ бу суҳбатга қизиқиб, айни чоғда, ўзини танитмаслик учун ортига чекинган ҳолда уларга яқинлашади.)

Қ а р и я. Ҳазрат Навоий ҳар куни ишга бозор оралаб ўтар экан. Бир даллолга саломини канда қилмас экан. Кунлардан бир куни Ҳазрат Навоий даллолни кўрса ҳам тўхтаб салом бермай кетаверибди. Даллол бунга ажабланиб, “Навоий ҳазратлари, нега менга салом бермай кўйдингиз? Ахир, мен сизга кўпроқ ёқаманми деган умидда намоз ўқиб, рўза ҳам тутаяпман-ку” депти. Ушанда ҳазрат Навоий “Биламан, лекин сен авваллари одамларга хизмат қиладиган эдинг, энди фақатгина ўз бошингга хизмат қиладиган бўлиб қолдинг” депти...

Д а л л о л. Жуда яхши ривоят экан. Мана, бизнинг элимизни дунёга танитадиган бозор Бўзатов бўлади. Бунинг устига, Эрназар қурдира бошлаган шаҳар битса, худо хоҳласа, оламга балиқ чиқарадиган яна бир бозоримиз пайдо бўлади.

Қ а р и я. Худойим ёшларга ақл-фаросат, Эрназарга куч-қувват бергай!

Б е р д а қ. (*Эшитган-кўрганларидан мамнун ҳолда бозор чеккасига қараб оҳиста одимлайди.*) Илоё, халқимнинг орзулари рўёбга чиққай!..

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

(*Ўзича.*) Ажиниёз оға бугун бозорга келмапти. Уйига борай-чи... (Ўйла-ниб) Кўп овулларни, одамларни кўрдим... Бўзатов халқи экин-тикинларию, боғ-роғидан унумли ҳосил олиб турса, Орол денгизи мўл балиқ берса, ҳали бой элатга айланамиз... Оролни ҳам қаттиқ соғиндим. Дийдорлашиб қайтай-чи (*у олға юради*).

Чироқ ўчиб ёнади

КЎРИНИШ

Амударёнинг Орол денгизига ҳайқириб қуйилаётган жойида, жар ёқасида бир-бирига юзма-юз ўгириб гурунглашаётган икки одамни кўради.

Б е р д а қ. (*Ўзича.*) Бутун қорақалпоқ халқини иккига бўлиб турган икки бошчи Эрناзар олакўз билан Эрназар кенегеснинг бошини қўшиб тинглаш орзуида эдим. Булар бир-бирларига қай даражада содиқ дўст, қай даражада душман экан, анигини билай-чи. Гап пойлаётганимни Худонинг ўзи кечиргай... (*Сергакланади.*)

Э р н а з а р к е н е г е с. ... Эрназар оға, мени тўғри тушунинг, мустақил қорақалпоқ хонлигига эга бўлиш учун Хива хонига қарши уруш қилиб қон тўкишнинг кераги йўқ. Биларсиз: Рус подшолиги Орол денгизига ўзи юрадиган кема чиқармоқчи. Шундан сўнг нима бўлиши номаълум. Менимча, бизгача юрт бошқарган Маман бий билан Ойдўс бободай улуғларимизнинг йўлидан юрганимиз маъқул. Ўзингиз биласиз, ҳар бир янги авлод учун ота-боболарнинг йўлидан тўғрироқ йўл йўқ...

Э р н а з а р о л а к ў з. Сен элимизнинг бошпанадан бошпанага, макондан маконга кўчиб-қўниб, ўтган йўлларини назарда тутяпсанми, иним?

Э р н а з а р к е н е г е с. Халқимизнинг кейинги 130-150 йиллик тарихини мендан яхшироқ билишингизга ишонаман. Боболаримиз Туркистонда жунғорлар босқинига учраганидан кейин учга бўлинган. Бироқ уларнинг ўзаро боши қўшилган бир кичкина бўлагигина аввалига Сирдарёни ёқалаб кўчиб, Янгикент, Кўктўнли қўрғонини қурсалар-да, мустаҳкам қўним топполмай, афсонавий Маман бий бошчилигида тагин ота-боболарининг қадимий макони Хоразмга келган. Шундан буён халқимиз бир нави осойишта кун кечириб келяпти. Худога шукр, кўраётган кунимиз унча ёмон эмас.

Э р н а з а р о л а к ў з. Мен ҳам Хивадан жабр кўрдик демоқчи эмасман. Бироқ бундан 20-25 йил аввал Ойдўс бобо кўзғолони бўлди.

Э р н а з а р к е н е г е с. У Ойдўс бобонинг иши эмас, тушунмаган бийларнинг иши эди.

Э р н а з а р о л а к ў з. Менда ўч олиш нияти йўқ. Халққа эркинлик керак. Атрофдаги қайси элатлар ё халқлар билан алоқа қилмоқчи бўлсак, фақатгина Хивадан рухсат сўрашга мажбур аҳволда яшаймиз. Хоҳлаган пайтимизда шу рухсатни олиш учун хоннинг атрофидаги кичкинагина амалдорларнинг олдидан ҳам мунғайибгина қайтиб келаяпмиз. Шу ҳол мени ўйлантиради.

Э р н а з а р к е н е г е с. Эрназар оға, ақл-заковат деганлари баайни бир куёш, сизнинг ўйларингиз менга нимагадир булут қоплаган куёшни эслатаяпти. Биласиз-ку, афсонавий Маманбий халқни азалий ватани Хоразмга бошлаб келганида аввало уруш-жанжалсиз, тинч-хотиржам яшашни, ёш авлодга илм, касб-ҳунар ўргатишни ният қилган. Хива ҳам ўз навбатида уларга қаршилиқ қилмай, аксинча, қучоқ очиб кутиб олган, болаларимизга илм, касб-ҳунар ўргатган. Шу йўллар ҳозир ҳам очиқ. Қайсидир нодон подшодан кўрган жабр-ситамлар сабаб пароканда бўлган элга ачинган Маманбий “Барча аёллар тугсин!” деб оғзаки фармон тарқатганини биласиз. Худога шукр, ўзимиздан кўпайяпмиз. Халқимизни яна бир марта қириб олмайлик, оға. Ойдўс бобонинг айтганини қилмаган бийлар элни қандай фожиаларга гирифторн қилганини ўз кўзларингиз билан кўргансиз.

Э р н а з а р о л а к ў з. Энг ёмон нарса — ўзингдан чиққан бало.

Э р н а з а р к е н е г е с. Темирни занг емиради, дилни адоват кемиради. Длингизни адоватдан холи тутинг, Эрназар оға!

Э р н а з а р о л а к ў з. Гапларинг маънисиз демайман. Лекин бир ҳикматли гапни эслатсам, Рустам Золдан “Сен кучли полвонсан, сенинг ҳам чарчайдиган пайтинг бўладими?” деб сўраганларида “Эзмалар билан гаплашганимда чарчайман” деган экан.

Э р н а з а р к е н е г е с. Гапимиз чап келди, оға.

Э р н а з а р о л а к ў з. Халқимиз тарихини мен ҳам сал-пал билишимга ишонмаётганга ўхшайсан. Масалан, Туркистонга жунғорлар босқинидан кейин “оқтовон чувринди” атаниб пардек тўзғиган халқнинг учдан бир қисмининг бошини қовуштириб Сирдарё этакларига бошлаб келган Ўразан ботир билан Мурод шайх халқнинг ўзини бошқариш эркига эришиш йўлида не машаққатларни бошларидан кечирмаган. Ҳалигина ўзинг эслатганиндай халқни сақлаб қолишга бошқа чора тополмай, улкан мамлакатни бийлаган ўрис подшолиги бизга эркинлик берар, эркимизни ҳимоя қилар деган умидда Ўразан ботирнинг ёлғиз ўғли Маман бий бошчилигида элчилар тайёрлаб, унга Мурод шайхнинг ўғли Хилват шайхни ёрдамчи қилиб, ўрис подшосидан ёрдам сўраш учун юборган... Ўрисларнинг ўша пайтдаги аёл подшоси уларни қабул қилиб, умид уйғотадиган ёрлиқ бериб, кўп нарсаларга ишонтариб қайтарганини ҳам биламан. Кейин уларни қўллаб-қувватламаганини ҳам биламан. Бироқ ўрис халқи улуғ халқ. Балким, саройдаги ювиндихўрлар подшога айтмагандир.

Э р н а з а р к е н е г е с. Шуни билиб туриб, Туркистондаги энг кучли хонликлардан бирига қарши нега элни кўтармоқчисиз?

Э р н а з а р о л а к ў з. Сен менинг қонимни қайнатма! Оғзаки келишувлар натижасида алданиб қолишдан қўрқаман. Мен ёш кезларимда бутун Хоразмнинг, Хива хонлигининг довуғи учун полвонлик қилганман. Эрон полвонини курашда йиқиб, хонга обрў олиб берганман. Бизнинг қора кучимиз, холис ниятимиз инобатга олинмай, хоннинг атрофидаги калтафаҳмлар сабабли ўз ҳақ-ҳуқуқимиздан ноумид қолаверишимиз керакми энди?

Э р н а з а р к е н е г е с. Яна Хивага бориб, хон ҳузурига кириб, масаланинг шу томонларини тушунтиринг!

Э р н а з а р о л а к ў з. Энг ёмон нарса “Мен сизга хизмат қилиб қўйганман” дейиш эмасми?

Э р н а з а р к е н е г е с. Кифтини келтириброқ айтиш керак-да, оға!

Э р н а з а р о л а к ў з. Қолаверса, хон ёлғиз ўзимни қабул қилмайди. Аъёнлари билан бирга қабул қилади. Аъёнлар суҳбатга аралашгач, хон ҳам бир нима деёлмайди. Хоннинг бошини гаранг қилаётганлар ҳам ана ўша аъёнларку, ахир.

Э р н а з а р к е н е г е с. Гапингиз тўғри. Ҳар қалай, ўйлаш керак. Бироқ менинг сиздан ёлғизгина ўтинчим шуки, халқни бўлмайлик. Бирлашсак, кучаямиз, ана ўшанда уришмай ҳам ўз мақсадимизга эришамиз.

Э р н а з а р о л а к ў з. Итдан қўрққан мушукдай писиб, хонга орқа ўгириб яшайверамизми энди? *(Бош чайқаб.)* Барча туркийларнинг донишманд ва жасур подшоҳи, улуғ соҳибқирон Амир Темур ҳақида эшитганми-сан?

Э р н а з а р к е н е г е с. Очигини айтсам, кам эшитганман.

Э р н а з а р о л а к ў з. У ҳолда эшит. Менинг ўша улли бобомиз соҳибқирон Амир Темур йўлидан юргим келади.

Э р н а з а р к е н е г е с. Қандай йўл экан у?

Э р н а з а р о л а к ў з. Улуғ соҳибқирон бутун туркий қавмларнинг бошини бириктириб, буюк бир мамлакат бунёд этиш мақсадига керак бўлганида қилич кучи билан эришган. Олгин Ўрдага бориб, ўжар Тўхтамишхонни, Усмонлиларга қарши от суриб бориб, уларнинг Йилдирим Боязид деб аталадиган қайсар подшоҳини урушда енгиш йўли билангина улкан мамлакат туза олди. Улуғ соҳибқирон ўзининг олижаноб ниятларига қарши турган Хоразм хонлигига ҳам тўрт мартаба хужум қилган...

Э р н а з а р к е н е г е с. Эрназар оға, сизнинг Амир Темур бўлишингиз учун аввало Самарқанддек дорус салтанатингиз бўлиши керак.

Э р н а з а р о л а к ў з. Менинг бош мақсадим — аввало халқимнинг оти билан аталадиган кичикроқ бир мамлакат тузиш. Мана, Бўзатовнинг довуғи чиқиб келяпти. Уни келажакда Самарқанд даражасига етказиш қийин бўлмас балки!

Э р н а з а р к е н е г е с. Қандай қилиб?

Э р н а з а р о л а к ў з. Кунчиқар билан Кунботарда, Қибла билан Орқада тарикдек сочилиб кетган қорақалпоқларни бир жойга йиғсам деб орзу қиламан. Манови дарёга, денгизга назар сол. Агар шу дарё шу денгизга келиб қуймаса, суви икки қирғоқни емириб, ҳар жой-ҳар жойда майда-чуйда ясама кўлларни пайдо қилади. Кичик кўлмак бу ҳали денгиз эмас. Худди шундай. Ҳар тарафда ўз уруғи билан ё ўзларича яшаб юрганлар: “қорақалпоқлармиз” десалар ҳам, тўла маънода қорақалпоқлар эмас.

Э р н а з а р к е н е г е с. Шундай қилиб, “қорақалпоқ” деган янги бир отов яратмоқчимисиз?

Э р н а з а р о л а к ў з. Ундай дема, иним. Халқимни бутун инсониятдан, қардош туркий халқлардан бўлиб ташлаш ниятим йўқ. Агар бу оламни улкан бир уммон десак, ўша уммонга қуйиладиган кичикроқ бир жилға бўлсак ёмонми? Муҳими, денгизга ўзича оқадиган жилға бўлсак...

Э р н а з а р к е н е г е с. (Уйчан.) Шундай даражага етмасак, баҳорда ёққан қордек ерга тушар-тушмас йўқолиб кетаверамиз.

Э р н а з а р о л а к ў з. Ҳа балли! Ўз отимиз билан аталадиган хонликка эришсак, миллий шоирларимиз, олимларимиз пайдо бўлади. Уларга халқимизнинг келиб чиқиш тарихини ёздирамиз. Биласанми, бундан юз йил бурун Жиян Жиров айтиб кетган “Бўсган эл” достонининг ўзини, масалан, қирқ одам ёд билади десак, шу қирқи қирқ хил айтади. Шунақаям тарих бўладими?

Б е р д а қ. (Таъсирланиб беихтиёр гудранади.) Ўта доно гап! Рости, юз йилдан буён Жиян Жировдан бошқа яна қандай шоирлар бўлганини ҳам билмаймиз. Халқ бор-йўғи биттагина шоир етиштирмагандир, ахир... Жиян Жировнинг достонига ўхшаб, бугунги шеърларни ҳам юз йилдан кейин юз хил айтиб юрсалар... Бу қандай чалкашлик! Миллатнинг номи билан хонлик тикланса, бошқа хонларга ўхшаб халқ тарихини биладиганлар, ёзадиганларни саройга тўплар эди... Ажнийёз огадек шоирларнинг яратган шеърларини Саройга тўплаб сақлар эди... (Ўридан туриб, ҳамсуҳбатларга яқинлашади.) Ассалому алайкум, элимизнинг қўш куёши! Иккалангизни бир жойда кўриб, менинг ҳам кўнглим олам-жаҳон нурга тўлиб кетгандек бўлди!..

Э р н а з а р о л а к ў з. Кел, иним! Етук олимлардан эшитишимча, қадимий юнон олими Арасту “Шоир — тарихчидир” деган экан. Элга тарихчилар ҳам керак.

Э р н а з а р к е н е г е с. Мен кетдим. Бирингиз куёш, яна бирингиз унинг тарихчиси бўлиб икки кўлдовли гаплашаверингизлар.

Б е р д а қ. Бундай қилманг, оқсоқол! Ёришган кўнглимни хуфтон қилиб кетманг!

Э р н а з а р к е н е г е с. (Бердаққа нописанд қарайди.) Эрназар олакўз, билиб қўйингки, сиз соҳибқирон Амир Темур эмассиз, ҳеч қачон бўлолмайсиз ҳам! Манови эркатойингиз ҳам ҳали тарихчи эмас! (Ортига қарамай кўздан йироқлашади.)

Б е р д а қ. Суҳбатларингизнинг белига тепдимми дейман, Эрназар оға...

Э р н а з а р о л а к ў з. Икки одам гаплашганида бир-бирини тўғри тушунса, гап гапга қовушса, бу жаҳон кенг кўринади. Акс ҳолда у игнанинг кўзидай тор туюлади. Мен бу кенг жаҳонга сизга ўтирган эдим.

Б е р д а қ. Кечирасиз, бир ақли расо бобомиздан “Инсоний меҳр-муруват нима?” деб сўраганларида “Қариндош-уруғлар, дўст-биродарларнинг хатокамчиликларини кечириб яшашда” деган экан.

Э р н а з а р о л а к ў з. Мен уни ҳамиша кечираман. Шу ерда гаплашишга таклиф қилган ҳам ўзим эдим. Майли, буёғини қўятур... Ўзинг олти-етти ой кўринмай қолдинг?

Б е р д а қ. Эрта кўкламда пойи-пиёда сафарга чиқиб, Туркистон томонларни, машҳур шаҳарларни томоша қилиб қайтдим.

Э р н а з а р о л а к ў з. Тошкент шаҳрига Дўстмуҳаммад қорақалпоқ деган бир қондошимиз ҳоким бўлган деб эшитган эдим. Кўрмадингми?

Б е р д а қ. Отини эшитдим. Мен боргунимча доврўғ қозонган ҳоким бўлган экан. Бироқ мен ҳеч қаерда ўзимни “қорақалпоқман” деб таништирмадим.

Э р н а з а р о л а к ў з. Насиб қилса, ҳали таниқли одам бўласан, иним. Кўрган элатларингнинг турмуши қандай экан?

Б е р д а қ. Бойлари ҳам, ўртамиёналари ҳам бор. Йўқсуллари ҳам, оч яланғочлари ҳам тўлиб ётибди.

Э р н а з а р о л а к ў з. Барча қорақалпоқлар бир хонликка бирлашиб яшаганларида бизларнинг ҳам қашқирни ҳуркитадиган ҳайбатимиз бўлар эди.

Б е р д а қ. (Хўрсинади.) Кошки шундай бўлса, оға. Бироқ қон тўкиш йўли билан эмас!

Э р н а з а р о л а к ў з. Бу гапинг, умуман олганда, тўғри. Эрназар кенегес ҳам шу гапни айтади. Қон тўкмаслик кераклигини мен ҳам биламан. Худо йўлига қурбонлик қилинмай туриб яхшилик йўқ-ку... Энди икковимиз тортишмайлик, иним. Ундан кўра айтчи, саёҳатингда азиз-авлиё боболарининг қабрларини зиёрат қилдингми?

Б е р д а қ. Иншоолло, зиёрат қилдим.

Э р н а з а р о л а к ў з. Қани, кўрган-билганларингдан гапир. Бундан етти юз йил аввал яшаган Нажмиддин Кубронинг Кўҳна Урганчдаги қабрини зиёрат қилдингми?

Б е р д а қ. Зиёрат қилдим. Улуғ шайх бобомиз Чингизхон лашкарлари Урганчга бостириб келганида уларни дарвозадан киргизмай бир қўлига Қурбон, бир қўлига қилич ушлаб сўнгги нафасига қадар ортга чекинмай турган экан.

Э р н а з а р о л а к ў з. Ҳамма гап мана шунда-да!

Б е р д а қ. Нажмиддин Кубро ҳазратларининг васиятларидан менга қаттиқ таъсир қилгани “Мачитлар билан мадрасаларга қатналадиган йўл қабристонлар ёнидан ўтиши керак ёки мачит билан мадрасаларнинг деразаларидан қабристонлар кўришиб туриши керак” деганлари бўлди.

Э р н а з а р о л а к ў з. Тўғри-да! Кунига ҳеч бўлмаганда бир маротаба қабристонга назар ташлаган одам бу дунёда ҳеч кимга ёмонлик соғинмайди.

Б е р д а қ. Алҳамдулилло!..

Э р н а з а р о л а к ў з. Иним, баъзан сенинг шоирлигингни ўйлаб, айнан Ойдўс бобо шаҳид кетган йили туғилганинг учун, Оллоҳ Таоло халққа Ойдўс бобони қайтадан, донишманд шоир сифатида берган бўлса керак, деб ўзимча қувонаман. Бироқ сенинг қўлдовли уруғидан бўлганинг учун эмас! Кошки бугун қорақалпоқнинг суюкли шоири бўлсанг. Бизнинг элимизга Нажмиддин Кубродай дарвозада тура оладиган донишманд керак. Тушундингми? Яхши қол. Мен ҳам кетдим.

Б е р д а қ. (Унинг ортидан ажабланиб қараб, бир муддат ўйланиб туради-да, денгиз соҳилига тиз букиб ўтиради.) — Эй улуғ денгиз! Очарчиликларидан боболаримизга қайнар қозон бўлган денгиз! Утинчимни эшит! Мен ҳозир элимизнинг икки арслони бир-бири билан таллашиб-тортишганига гувоҳ бўлдим. Бу олағиз гапларни сен ҳам эшитган бўлсанг, атрофга ёйма! Амударёнинг сувини ютгандай ютиб юбор уларни! Уруғлар орасида адоват пайдо бўлиб, оқибати қон тўкишга айланмасин! Элим эндигина ўзидан кўпайиб келаётган эди...

Чироқ оҳиста ўчиб ёнади

Б е р д а қ. (Ҳали ҳам ўша ўринда. Осмонни булут қоплаб, уст-устига чақмоқ чақилади. Атроф қоронғилашади.) Яна адашдимми? Бошим айланиб кетди-ку! Ё худо, нималар бўляпти ўзи? Бир зумда бу ниманинг аломати? Икки бийнинг осмонга ҳам таъсири борми ё? Худованди карим, элимнинг бийларига, халқимга қаҳрингни сочма! Уларни кечир! Сукроти ҳакимнинг “аввало ўзингни ўрган, ана шундагина дунёни ўрганасан” деган ҳикмати айтилганига минг йиллар бўлди. Биз ҳали-ҳануз ўзимизни билолмадик-ку!.. Минг йиллардан буён бизларга нега ақл-ҳуш кирмади?..

Қадимда ўтган доно боболаримиз “Элимнинг нишони куч билан чидам” деган эканлар. Буларнинг қай бири нишон?..

(*Кўзлари тиниб йиқилади.*)

Халқимизнинг кўп бало-офатларга чидамлилиги ўлимнинг нишонасими ё? Чидаёлмай куч кўрсатса ҳам ўлимга нишон! Шуниси ҳақиқатга яқинроқ... Кучлиларга қарши куч кўрсатиш ҳақиқатан ҳам ўлимга олиб келади...

Эй кўм-кўк денгиз! Мен сени ҳеч қачон жонсиз, тил-забонсиз деб ўйлаган эмасман. Чунки сен ростдан ҳам тирик жонсан. Тил-забонинг бор! Кувонишни ҳам, йиғлашни ҳам биласан. Сенинг тилингни мен тушунаман, қани айт-чи, икки Эрназарнинг қай бири элга керак? Мен қай тараф бўлай...

Денгиздан овоз. Эй шоир, сен ўқтин-ўқтин менинг соҳилимга келиб, ўзингча сўзланасан, куч-қувват сўрайсан. Сен ўзи қайси диндасан? Бундай қилиб ойга, қуёшга, юлдузга, оловга, сувга, денгизга сифиниш Зардушт пайғамбарнинг таълимоти эмасми? Ёки сенинг пайғамбаринг Муҳаммад ўзигача ўтган барча пайғамбарларни инкор этмагани, балки тасдиқлагани учун сенга Зардушт пайғамбарнинг таълимотлари ҳам маъқулми?

Б е р д а қ. Ё Олло, мен кимман?!.. (*Мук тушиб, нишонасини ерга босади.*)

Парда ёпилади

КЎРИНИШ

Парданинг олдида уч-тўрт балиқчи сўзлашиб келмоқда.

1 - Б а л и қ ч и. Менимча, Эрназар кенегесга эргашишимиз керак.

2 - Б а л и қ ч и. Мен Манғит уруғидан бўлсам, нега кенегесга эргашишим керак?

1 - Б а л и қ ч и. Мен Хитой уруғидан бўлсам ҳам, Эрназар кенегесни маъқул кўраман. Фикри тиниқ одам.

3 - Б а л и қ ч и. Эрназар кенегеснинг фикри тиниқ бўлса, Эрназар қўлдовлининг фикри мужмалми?

4 - Б а л и қ ч и. Қипчоқ бўлмаса, мен ҳеч кимга қўшилмайман.

2 - Б а л и қ ч и. Шу уруғчилигимиз ҳаммамизнинг бошимизга етади-ёв. (*У соҳилда ётган бир одамни олисданоқ кўриб қолади.*)... Ие, анови ётган ким? Уликми-тирикми?

1 - Б а л и қ ч и. (*Диққат билан қараб.*) Қимирламайдику.

3 - Б а л и қ ч и. Шоирга ўхшайдими?

1 - Б а л и қ ч и. Қайси шоир?

3 - Б а л и қ ч и. Бердимурод шоирни айтаман.

1 - Б а л и қ ч и. Узи! Эрназар олакўзнинг уруғидансан деб кенегеслар пичоқлаб кетмадими экан?

2 - Б а л и қ ч и. Бердимурод шоир Туркистонга юрт кезиб кетди дейишувди-ку... (*Улар ажабланганча тез-тез юриб келиб, Бердақнинг устига энгашадилар.*)

1 - Б а л и қ ч и. Ие, ўша-ку! (*Шоирнинг бошини чайқайди.*) Бердимурод.

Б е р д а қ. (*Сесканиб кўзини очади.*) Мен қаерда ётибман? Сизлар ким бўласиз?

Т ў р т т а с и б а р а в а р. Сен Орол бўйдасан. Бизлар балиқчилармиз...

2 - Б а л и қ ч и. Илойим, шу шоиримиз омон бўлсин! Биласизми, мен бир гал ундан “Қорақалпоқда қайси уруғни афзалроқ кўрасан” деб сўраганимда, у ердан икки қўлида икки сиқим тупроқ олдида “Шу иккисидан қай бири афзалроқ?” деб сўради. Ўйланиб қолганимни кўриб, икки кафтидаги тупроқни кўшиб, “қара, нима фарқи бор?.. Фақат уруғларга бўлинганини айтмасанг, барча қорақалпоқлар бирдек-ку! Ҳатто миллатларни ҳам бир-бирларидан ажратиш керак эмас. Одам борки, барчаси баробар. Бари шу тупроқдай қўшилиб яшай олади” деди.

3 - Б а л и қ ч и. Ақлли гап! Бердимурод ёш бўлса ҳам ақлли шоир. Худо унга ақл-заковат берган, ўзини эса бизларга берган.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Б е р д а қ. (Кўзларини уқалайди.) Кечирасизлар... чарчабманми... Ассалому алайкум, оқсоқоллар!

1 - Б а л и қ ч и. Сен ҳам бир ажойиб воқеани эшитиб, кўргани чиққанми эдинг, ё иним?

Б е р д а қ. Қандай ажойиб воқеа?

2 - Б а л и қ ч и. Денгизда эшкаксиз юрадиган катта кема келди. Ўрислар ҳайдаб келди.

Б е р д а қ. Эшкаксиз кема?!

1 - Б а л и қ ч и. Нега ажабланасан, шоир. Шундай кема ясатиш кераклигини афсонавий Маман бий бундан юз йил аввал билган. Шу ниятда устасини ҳам топиб келган. Аттанг, ичи тор уруғ бошлиқларидан бири биздан аввал элга янгилик олиб келадиган Ёбгу уруғидан чиққан одамни яшагани кўймайман деб, устаси билан бирга қўшиб ўлдирган.

Б е р д а қ. Оббо, қарғиш ургур-ей!.. Қайси ўлдирган?

2 - Б а л и қ ч и. Калитдек тойчоққа туядек мулла деганларидек қорақалпоқда нима кўп — уруғ кўп. Ҳар уруғнинг ўзи ҳам ич-ичидан бўлиниб, бир-бири билан ёвлашиб ўтираверади.

Б е р д а қ. Энг катта бало шу! Улуғ соҳибқирон Амир Темурнинг энг зўриши барча туркийларнинг қавмларга, уруғларга бўлинишини йўқотишга ҳаракат қилгани экан.

4 - Б а л и қ ч и. Тарихни кўя тур, шоир. Бизлар ўша эшкаксиз юрадиган кемада сендай бир шоир кўрдик.

2 - Б а л и қ ч и. Отини Тарас Шевченко деди.

Б е р д а қ. Ораларингизда ўрисча биладиганингиз борми?

3 - Б а л и қ ч и. Денгизда эшкакли кемада юриб баъзида ўрис балиқчилари билан учрашадиган бўлганимиз учун бир-икки сўзни эглаб гапира оламиз. Ўша Тарас Шевченко деган шопмўйлов одамшавандагина экан. Касбикорини сўраган эдик, у кўксига уриб “Я — Навои, я — Физули, я — Махтумкули” деди. Шунисига қараб, шоир экан деб чамаладик.

Б е р д а қ. Ундай бўлса, мен ҳам кўришим керак экан.

1 - Б а л и қ ч и. Кўринг, афтидан, улар ҳали анча бўлишади. Шоир денгиздан қирғоққа чиқиб, бир нарсаларни ёзиб, чизиб юрибди. Бизларни ҳам бир муддат қаққайтириб қўйиб сувратимизни чизди.

Б е р д а қ. Яқин орада кетиб қолмаслигини аниқ биласизми?

1 - Б а л и қ ч и. Бемалол юришларидан шундай чамаладик.

2 - Б а л и қ ч и. Бердимурод, сизни учратганимиздан жуда хурсандмиз.

4 - Б а л и қ ч и. Ёш бўлсанг ҳам сендан сўрайдиган гапларимиз бор эди.

Б е р д а қ. Марҳамат.

1 - Б а л и қ ч и. Эрناзар олакўз ҳам, сиз ҳам қўлдовлисиз. Шунинг учун ёш бўлсангиз ҳам сиз билан маслаҳатлашиб турар?

Б е р д а қ. Ҳар нарсада уруғни ўртага тиқиштиравериш яхши эмас. Барчамиз туб-илдизимиз бир қорақалпоқмиз. Эрназар олакўз хонлик тузмоқчи экан, қўлдовли хонлигини эмас, қорақалпоқ хонлигини тузмоқчи.

2 - Б а л и қ ч и. Уруғни бизлар гап қилмаймиз. Ҳокимлар билан бийлар, бойлар билан оқсоқоллар ҳар бир одамни уруғи билан аташни яхши кўришади.

4 - Б а л и қ ч и. Каттаконларнинг айтганларини такрорламасанг, яшашинг қийин.

1 - Б а л и қ ч и. Нотўғри гапираётган бўлсак, кечирасиз.

Б е р д а қ. Кулоғим сизларда.

1 - Б а л и қ ч и. Эрназар қўлдовлининг янги шаҳар қуриб бошлаганини биласизми?

Б е р д а қ. Ўз кўзим билан кўрдим. Бироқ сиз уруғини қўшмай, “Эрназар олакўз” дейверсангиз бўларди.

1 - Б а л и қ ч и. Агар у аввалбошдан бизнинг кўнглимиздагидай ишлар қилса, ҳаммамиз унга эргашар эдик...

Б е р д а қ. Нима демоқчисиз?

2 - Б а л и қ ч и. Агар афсонавий Маманбийни ўзимизникилар ўлдирганида у Оролга ўрислардан аввалроқ катта кема солган бўлар эди...

Б е р д а қ. Тушунмадим?

1 - Б а л и қ ч и. Сиз ўз хаёлларингиз билан яшайдиган шоирсиз.

2 - Б а л и қ ч и. Катталарга лаганбардор, ювиндихўр шоирлар ҳам бўлади.

1 - Б а л и қ ч и. (*Йўлдошларига.*) Бундай гапларнинг нима кераги бор!.. Бердимуроджон, ҳозир ҳокимларимиз, элбошчиларимиз “муस्ताқил қорақалпоқ хонлигини қуришимиз керак” деган шиор остида ҳар бири фақатгина ўз бошига ёғ суриб, ўз уруғининг қўмочига кул тортиб юрганини кўряпсизми?

Б е р д а қ. Масалан?

1 - Б а л и қ ч и. Эрназар кенегес бир гапни айтса, Эрназар қўлдовли бошқа гап айтиб юрибди, қипчоқлар ҳам, манғитлар ҳам ўзим бўлсам дейди. Бири иккинчисини ўлдирса-да, бўшаган ўринга ўзи ўтирса!

Б е р д а қ. Бу гапингиз тўғри!

3 - Б а л и қ ч и. Агар тўғри бўлса, шу гапларни бизнинг номимиздан эмас, ўз номингиздан халойиққа баралла айтсангиз экан.

Б е р д а қ. Хотиржам бўлаверинг, мен сизларни сотмайман. Муддаонгизни очиқ айтинг. Менга халқнинг дил сўзлари керак.

1 - Б а л и қ ч и. Бизлар Эрназар олакўзнинг янги шаҳар қуриб бошлаганидан хурсандимиз. Илоё нияти йўлдоши бўлиб, халқни бахтиёр қилсин. Лекин у тарихни фақат ўзидан бошламай, аввало элнинг ўзигача яшаб ўтган улуғларини ўйлаши керак.

2 - Б а л и қ ч и. Марҳумни сийламаган тирик бой бўлмайди.

Б е р д а қ. Мен ҳам шу фикрдаман.

1 - Б а л и қ ч и. Ундай бўлса, қулай фурсатини топиб, Эрназар қўлдовлига айтсангиз-чи, кўринишидан, у аллакимларнинг “Ойдўс бобонинг ўзи хон бўлгиси келиб турибди” қабилидаги бичиб-тўқилган гапларига ишониб, бундай гап-сўзга ўрин қолдирмайман деб, биринчи қорақалпоқ хонлигига бошқа миллат кишини тайёрлаётган экан.

Б е р д а қ. (*Ўйлаиб.*) Бундай мўлжали борлигини эшитмаганман.

1 - Б а л и қ ч и. Мана эшитдингиз. Айтиб қўяй, бошқа миллатдан хон кўтарса, ўз дўстларини ҳам душманга айлантиради.

2 - Б а л и қ ч и. Мана, у янги шаҳар қуриб бошлади. Бироқ биз Ойдўс бобонинг “Маслаҳат тепа”сини яхши биламиз. У жойда ёғочдан гумбаз шаклида тикланган беш уй бор эди. Бири бобонинг қабулхонаси, иккинчисида унга яқин бийлар ўтирарди. Учинчи — кенг уйда маслаҳатлар ўтказилар эди. Тўртинчиси — отбоқарлар хонаси, бешинчиси — ошхона эди. Атрофига ўтовлар тикиб, унда хизматкорлар ҳам оларди... Ойдўс бобо ўлдирилгач, бари бузилди. Ҳатто қўлдовлилар ҳам унутди. Энди “Маслаҳат тепа”га бориб, ўчоқларнинг ўрни қорайиб ётганини кўрасиз... Агар Эрназар олакўз янги шаҳар бошламай, ана ўша “Маслаҳат тепа”ни Ойдўс бобо тириклик пайтидаги ҳолатига келтирганида эди, халқ унга ёппасига эргашар эди. Афсуски, у ҳозир фақат ўз шухратини кўзлаб турибди.

4 - Б а л и қ ч и. Тўғри-да. Улуғ боболаримиз ўлса ҳам, ўлдирилса ҳам, уларнинг ўлмас руҳлари тепамизда чирқираб турибди. Аждодлар руҳини шод қилмай, авлодлар ҳеч қачон шод бўлмайди.

Б е р д а қ. (*Теран ўйларга чўмиб, оғир хўрсинади.*) Бошлиқ қанча кўп билса ҳам халқдан кўпроқ билолмайди. Гапларингизда жон бор. Майли, ўйлаб кўраман.

1 - Б а л и қ ч и. Яна бир ўтинчимиз бор эди...

Б е р д а қ. Сиёсатчиларга ҳам осон эмас!..

2 - Б а л и қ ч и. “Сиёсатчилар осмонга қараб юрадиган ҳавойи одамлар — қачон қоқилишни билмайди” демоқчимисиз?

1 - Б а л и қ ч и. Нима бўлганда ҳам, Эрназар қўлдовлига тушунтиринг: ё Эрназар кенегесни айтганига кўндирсин, ё ўзи унинг айтганига юрсин. Икки одам уришса, бунга ақллиси айбдор...

2 - Б а л и қ ч и. Сизга бу гапларни айтишимизга сабаб шуки, уч кун аввал олдимизга қўлдовли уруғидан уч одам келиб, “Эрназар олакўз элимизда муस्ताқил хонлик ўрнатмоқчи. Ёш йигитларингизни унга навқарликка юборингизлар” деб кетган эди. Эртасига кенегес уруғидан бир тўп одам ке-

либ: “Эрназар олақұз элни қонга ботирмоқчи. Унга қарши отланиш учун ёш йигитларингизни Эрназар кенегесга навкарликка юборинглар” деб кетди.

4 - Б а л и қ ч и. Бундай икки томонга тортқилашлардан барчамизнинг ақлимиз ҳайрон.

1 - Б а л и қ ч и. Бошчилар шундай қилаверса, эртанги куни йиғлайдиган ҳам, ўладиган ҳам қорақалпоқнинг боласи...

3 - Б а л и қ ч и. Билишимизча, ўз хонлиги, подшолигига эга элларнинг балиқчилари ҳам, деҳқонлари ҳам, чорвадорлари ҳам худди бизларга ўхшаб, билак кучи-ю, пешона тери билан яшайди. Шундай бўлгач, ортиқча даҳмазанинг нима кераги бор ўзи?

2 - Б а л и қ ч и. Менинг тушунишимча, мустақил хонликка интилиш ўзи — хон, қўланкаси — майдон бўлгиси келадиганларнинг ишига ўхшайди. Мен баъзан барча туркий қавмлар, айниқса, қорақалпоқларнинг қонида бир бузилиш деймизми, суюлиш деймизми, ишқилиб, бир бало бор, деган хаёлга бораман. Халқ оғзидаги афсоналарни теранроқ ўйлаб, хулоса чиқарсак, улуғ Амир Темурга қадар ҳам, яъни бундан 1300 йил аввал Бумин ҳоқон бошчилигида барча туркий халқларнинг марказлашган давлати тузилган. Шарқий Туркистон, Марказий Мўғулистон, Олтой ўлкаларидан бошлаб, Темир дарвозаси бўйлаб, то Қора денгиз соҳилларига қадар бўлган жойлар ана шу давлатга қараган... Бироқ бу давлат 31 йилгина ҳукм сурган, холос. Орадан роппа-роса юз йил ўтгач, туркийларнинг марказлашган давлати яна тузилган. Бу салтанатга Элтариш исмли ҳоқон асос солган. Афсуски, у ҳам 70 йилча ҳукм суриб, унинг ўрнида туркийларнинг ола-оғизлиги сабабли, яна қайтадан ҳар хил майда-чуйда давлатлар пайдо бўлган... Хуллас, айтаверсанг, фахрланиб тилга олса арзигулик ҳодисалар билан бир қаторда ўзингни ўзинг ёмон кўриб кетадиган ҳоллар ҳам оз эмас...

Б е р д а қ. *(Ҳам ҳайрат, ҳам миннатдорлик ҳислари билан қараб.)* Сизларни учратганимдан хурсандман. Ўйласа, ўйлагулик суҳбат бўлди.

1 - Б а л и қ ч и. Айтгандек, ўша Тарас Шевченкони кўрмоқчи бўлсанг, эсингда бўлсин, улар Манғишлоққа жойлашган. Ўша шоирни оқпошшо биз тарафларга сургун қилиб юборган дейишади... Денгизга эшкаксиз, буғ билан юрадиган кема боради. *(Балиқчилар кетишга тарабдудланади. Бердақ денгиз томонга йўл олади.)*

Б е р д а қ. Оқсоқоллар, омон бўлингизлар!

Б а л и қ ч и л а р. Сафаринг бехатар бўлсин! *(Бердақ денгиз бўйлаб ёлғиз кетиб бормоқда.)*

Парда ёпилди

ИККИНЧИ ПАРДА

КЎРИНИШ

Б е р д а қ. *(Ёпиқ парданинг олдида ёлғиз ўзи сўзланиб келмоқда.)* Тополмадим-да! Денгизда саёҳат қилувчилар учун қаер бехатар бўлса, шу ер кўнимжой. Кейинги кунлари дарё тошиб, денгиз суви юқори кўтарилди. Улар шундан фойдаланиб, Манғишлоқ томонга қайтиб кетишганга ўхшайди. Энди нимасига ўкинаман? Ўша Тарас Шевченкога учрашганимда ҳам тилини тушунармидим?... Учрашиш насиб қилмаган экан... Майли, омон бўлсин! Оқпошшо биз тарафларга сургун қилиб юборганмиш. Агар оққўнгил одам бўлса, худо бахтини берсин. Энди элнинг қибла томонларини оралаб, Султон Увайс бобонинг қабрини зиёрат қилай. Одам боласи гоҳида ўз юртидаги азиз-авлиёларнинг қадрига етмайди. Айниқса, биз қорақалпоқлар шундай элмиз. Бир-биримиз тугул, улуғ боболаримизни ҳам танимаймиз. Уларнинг ҳурматини жойига қўймаймиз.

(Парданинг олди оҳиста ёришади. Қоратовнинг чўққилари, Чилтиқ деб аталган тепалик, адирликлар... бир томонда Хўжақўл кўзга ташланади.)

Гоҳ Хўжақул томонга, гоҳ пурвиқор тоғ чўққиларига назар ташлаб, улуғвор Бердақ турибди. Толиққан. Уйчан. Бўйнига осилган дуторини қўлига олиб, оҳиста чертади. Ҳазин тартади. Кўзларидан ёш сизади. Дуторнинг дастасини ушлаган кўйи парда тутган қўлининг енги биланн кўзёшларини сидиради... Кўшиқ айтади.)

Йўғимдан топмадим дарак,
Сардоримни излар эдим.
Мен шўрлига даврон керак,
Давронимни излар эдим.

Кўпни кўрган қарияни,
Ахтариб фоний дунёни,
Кечиб денгиз ҳам дарёни,
Мен йўғимни излар эдим.

Қуённи ўлдирса қамиш,
Йигитни ўлдирар номус.
Эдигей билан Алпомиш
Тирилса, мен излар эдим.

Чор китобга қучоқ очдим,
Навоийдан савод очдим.
Фузулийдан дурлар сочдим,
Дилдорларни излар эдим.

Маҳтумқулини ўқиганда
Айтар эдим ҳар замонда:
“Каминг борми, беклар, унда” —
Сўзин тавоф қилар эдим.

Мен чарх уриб, Шомга кетсам,
Билганимни баён этсам.
Асли ғайри элга етсам,
Қайдан мадад олар эдим?

Берса менга Доғистонни,
Туширса ҳам зимистонни,
Яхши деса Ҳиндистонни,
Йўғим излаб борар эдим.

Ўтган Арасту, Афлотун,
Яратиб илмнинг кентин,
Ечиш учун фикр бандин,
Мен маърифат излар эдим.

Бедил, Аттор, “Бидиённи”
Такрорлаб оттирдим тонгни,
Замон қийнар кўп одамни,
“Ҳидоя”ни излар эдим.

Бир сабабчи ёлғиз олло,
Фирдавсийдек борми доно?
Тушунтирар “Шарқий мулло”
Мен олимлик излар эдим...

Парда олдида нур тобора кучаяди. Тоғ чўққилари Бердақнинг кўз олдига яқинлаб келгандек, жуда баланд бўлиб кўринади.

Б е р д а қ. (*Тоғ чўққиларига узоқ термулиб туриб, муножот қилади.*) Эй Қодир Худойим, мўмин бандаларингнинг хаёлига неларни солиб, кўзларига неларни кўрсатасан... Олам алломалари яратган, ўзим билган илмларни чама-лаб қарасам, манови пастликдан (*оёғининг остига бир кўз ташлаб, кейин юқорига қараб қўл чўзади*) анови баланд-баланд тоғ чўққиларига қарагандай бўламан. Фақат юксаликка кўз тикиб яшаш нақадар оғир экан! Ингичкагина бўйин бошни кўтаролмай уюшиб қолади. Кўзлар тинади.. Қанчалик зеҳн солиб қарамайин, баланд тоғлар устида қандай ҳодисалар, қандай сирли олам, қандай одамлар, инсоний умрлар борлигини кўзларим илғаёлмайди... Билиш иштиёқидан суякларим сирқирайди. Менга қадар ҳам неча-неча боболарнинг суяклари сирқираган. Келгуси авлодларимиз ҳам худди шу пастликда ўз олдига хонлик ололмай суяги сирқираган кўйи ўтиб кетишмаса майли эди ишқилиб. Бечора боболарим мустақил ўтов тикиб, элга хонлик олиш умидида қанча-қанча салтанатлардан, хонликлардан паноҳ қидирмади. Ҳаммаси пуч бўлиб чиқди. Агар Эрназар олақўз ўйлагандай мустақил қорақалпоқ хонлигини тикласак, натижаси қандай бўлар эди? Илм-фанга кенг-равон йўллар, ақалли сўқмоқлар очиларми эди? Биз учун сўқмоқлар ҳам етарли эди... Афсуски, бу ўйларимнинг ҳаммаси ушалмас армон. Қанчалик қийин, қанчалик машаққатли бўлмасин, ўша армонга етсак эди... кўрсак эди... Хаёл-параст шоир, ўзинг ўйлаб қара, “хонлик”, “давлат”, “салтанат” деб аталган чўққиларда яшаётган элларнинг оддий фуқаролари кўраётган кун бизнинг кўраётган кунимиздан юқорими?.. Йўқ... йўқ... Юқори эмас. Бир жиҳатдан Эрназар кенегеснинг фикрларига ҳам тўла кўшилса бўлади... Балки музокара йўли билан, дастлабки пайтларда нималарнидир бой бериб бўлсада, хонлик олиш мумкин дир... Ўшангача чидаб бўладими? Ҳайдаган тарафга юравериш керакми?.. Йўқ... йўқ... Бошқалар бизни тўқайдаги подапода ҳайвонлар сингари халқ деб ўйламасин. Бундай исноддан халос бўлиш учун Эрназар Олақўзнинг фикрларини қўллаб-қувватлаган маъқул. Хонлик бор жойда илм-фан бор, дунёни таниш-билиш бор... Масалан, Турон, Эрон, умуман, Ўрта Осиё халқлари илм-фан маркази деб, қаерларни тавоф қилмади?..

Ҳирот, Шероз, Шом, Макка, Мадина... Миср, Москов — Макарья... Маъқул... Ота маконимиз Туркистоннинг фахри, оламнинг устунлари саналмиш Бухоро, Самарқанд, Хива... ҳатто Оқмачитни ҳам тавоф қилади... Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом “Бешиқдан қабргача илм изла” деганларида барчани, подшоликлар билан хонликларни ҳам назарда тутиб айтган бўлсалар эҳтимол... Қаерда хонлик бўлса, ўша ерда китоблар чиқади... Хонлиги йўқ менинг элимнинг атоқли жировидан... қани, нима қолди? Бугунги Ажиниёз шоирда китоб борми?.. Ўзимнинг ёзганларимни ўзимдан бошқа ким ўқийди?.. Нима бўлганда ҳам Эрназар олақўзни қўллаб-қувватлашимиз керак. Афсуски, у бир йўла улуг соҳибқирон Амир Темурнинг йўлидан бормоқчи... О, қодир Эгам! Мен нималарни орзу қилиб, қайларга талпиниб турибман? Ўзимга келсам... Уруғчилигимиз, қавмларнинг бир-бирларига ишонмасликлари сабабли ҳалигача мустақил хонлик бўлолмаймиз. Энди бўла оламизми, худо билади. Икки Эрназарнинг икки тарафга тортқилаши давом этаверса, уруғлар халқ бўлиб бирлашмайди... (*Икки қўлини очган кўйи тиз чўкиб, илтижо қилади.*) Эй Худо, бизни бунчалик парчалаб-бўлақлайвермай, бу ёруғ оламга улуг соҳибқирон Амир Темурни қайтариб берсанг-чи!..

КЎРИНИШ

(*Эрназар олақўз пайдо бўлади.*)

Э р н а з а р о л а қ ў з. Ие, Бердимуроджон, тоғларга қараб, Худога муножот қилиб турибсанми дейман?

Б е р д а қ. (*Сергак тортиб.*) Ассалому алайкум! (*Тезда ўрнидан туриб, қўл олиб кўришади.*)

Э р н а з а р о л а к ў з. Айланайин, иним, сенинг ўқиб, йўл юриб кўрган-билганларинг, сенинг орзу-армонларинг халқимизга сув билан ҳаводай керак. Қани энди бизнинг болаларимиз сен отларини атаган элларни, олимларни излаб, уларнинг китобларини ўқийдиган даражага етса.. Бирини Макка билан Мадинага, иккинчисини Миср билан Шомга, учинчисини Ҳиндистонга, тўртинчисини Москвага, бешинчисини Эронга, олтинчисини Фарангистонга юборсак... Болаларимиз ҳам ўзлари илм излаб хоҳлаган шаҳарларига борсалар...

Б е р д а қ. Худо ниятларингизга етказсин, оғажон!

Э р н а з а р о л а к ў з. Билсанг, ҳозиргина сен эшиттириб айтган орзулар менинг ниятларимни яна ҳам кучайтирди. Сенинг овозингни эшитишга элимизнинг ҳар бир чеккасидаги ҳар бир жон илҳақ-ку, иним.

Б е р д а қ. (*Уялиб ерга қарайди.*) Мақтовларингиз ёқимли, лекин, лекин... Улуғ шоир Абдураҳмон Жомий айтганидай:

Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда,
Йўлдошинг бўлар у гамли замонда.

Агар сиз яратажак хонликнинг шарофати билан бизга ўхшаган келгуси авлодларимизга китоблар қолдирадиган даражага етсалар, руҳимиз авлодларимизнинг қувончига ҳам, гамига ҳам шерик бўлиб яшар эди.

Э р н а з а р о л а к ў з. Худо хоҳласа, шундай кунларга етамиз.

Б е р д а қ. Айтганингиз келсин, оға. Оллоҳ мадакор бўлғай! (*Икки кафтини очиб*). Қани, биргаликда дуо қилайлик!

Э р н а з а р о л а к ў з. Ўзинг ниятимизга етказгайсан, Худованди карим! Овмин, оллоҳи ақбар!

Б е р д а қ. “Кўп қарининг ичида бир бола доно бўлар, кўп боланинг ичида бир қари бола бўлар”, деган эканлар, оға. Сиз хонлик тузсангиз, шу бир ҳикматли гапда айтилган қариларнинг орасидаги бир бола доно бўлгани каби гаройиб воқеа юз бериб, буткул оламни ҳайратга солар эди-да!

Э р н а з а р о л а к ў з. Хонликка аввало пойтахт керак. Шунинг учун шаҳар қуришни бошладим. Айрим машҳур шаҳарлардан қурувчилар ҳам чақирганман. Узим шу тоғда Шоббоз туманига бориб келяпман. Зўр усталари бор экан, ёрдамга келмоқчи. Самарқанддан ҳам икки-уч куннинг ичида келиб қолишади.

Б е р д а қ. Илоё, ишингиз ўнгидан келиб, мақсадингизга етинг, оға!

Э р н а з а р о л а к ў з. Қани, юрмайсанми? Шаҳримизни кўрсатай. Одам юбориб Хивадан, Бухородан олдирган усталарим яхши-яхши тархлар чизиб, бўлажак шаҳарнинг ўрнини ҳар томонлама ўлчаб-чамалаб, дастлабки қозикларини қоқиб бошлашди...

Б е р д а қ. Майли, оға. Мен Султон Увайс бобонинг қабрини зиёрат қилиб қайтдим. Энди манови гўзал манзараларни томоша қилиб турган эдим, ажойиб вақанимиз бор-да, оға. Туркистонни кўрган кўзларим билан ўз элимизни кезиб юрибман. Сиз Бўзатовда шаҳар қуриб бошлаганингиздан халқ жуда хурсанд. Ўтган гал Бўзатовда бўлганимда “Ипак йўлининг четроғида бўлса ҳам гўзал бир манзилга айлангирадиган жой экан” деган гапларни эшитган эдим.

Э р н а з а р о л а к ў з. Яхши гапларинг учун раҳмат... Мен Шоббозга кетгунимга қадар усталар бўлғуси хон саройининг, икки мадраса, бир улкан кутубхона, шаҳарнинг тўрт чеккасидаги тўрт карвонсаройининг ўринларини мўлжал олиб бўлган эди... Юр, кетдик!

Чироқ ўчиб-ёнади. Парда очилади.

ҚЎРИНИШ

Янги шаҳар қурилиши. Бировлар ип тортиб ўлчамоқда. Бировлар ёзмоқда.

Ў з б е к ч а к и й и н г а н б о ш қ у р у в ч и. Ҳой, биродар, ҳушёр бўл, хон саройининг энини икки газ кам ўлчадинг. Ипни бир оз бўшат!

(*Нарироқда ип тортиб турганларга.*) Ҳой, биродар, сен мадрасанинг бўйини чўзиброқ юбординг-ку... Кутубхона кичик бўлмалардан иборат бўлишини унутма! Араб, форс, туркий, ўрис, ҳинд, инглиз, хитой тилларидаги китоблар алоҳида-алоҳида қўйилади. Туркий китоблар хонаси энг кенг бўлма бўлсин! (*Чеккароқда кўринган Эрназар билан Бердақ мамнун ҳолатда бир-бирларига қарашиб, қурувчиларга яқин келадилар.*)

Э р н а з а р о л а к ў з. Ҳормангизлар!

Б о ш у с т а. (*Бурилиб қарайди.*) Саломат бўлинг!

Э р н а з а р о л а к ў з. (*Усталарга Бердақни таништиради.*) Халқимизнинг суякли шоири. Исми Бердимурод. Менинг уруғимдан. Кўлдовли.

Б е р д а қ. (*Эрназар олакўзга хафаланиброқ қарайди.*) Оға, бу усталарга уруғнинг қизиғи йўқдир дейман, миллати бўлса бошқа гап!

Б о ш у с т а. Хафа бўлма, шоир. Эрназар олакўзнинг уруғидан бўлиш ҳам бахт.

Э р н а з а р о л а к ў з. Халқимизнинг фахри. Худо хоҳласа, шаҳар битганида бу шоирга мадрасанинг қошидан энг яхши бўлма ажратаман.

Б о ш у с т а. Шоир ҳамма элларда азиз! Ҳусайн Бойқаро подшо бўлгандан кейин элга донг таратган улуғ шоир Алишер Навоийни бош вазир қилиб қўйгани учун тарихда Навоий билан баравар Ҳусайн Бойқаронинг ҳам номи тилга олинади.

Э р н а з а р о л а к ў з. Ана, эшитдингми, Бердимуроджон! Ҳурматли усталар сенинг келажагингни ҳам белгилаб беришди.

Б е р д а қ. (*Узини анча эркин тугиб.*) Қадрли усталар, кўп шаҳарларни кўриб, анча-мунчасининг қурилишига қатнашгансиз. Шаҳарни айна шу ерда барпо қилиш мақсадга мувофиқми? (*Усталар бир-бирларига қарашади. Эрназар олакўз шошилиб гап қўшади.*)

Э р н а з а р о л а к ў з. Яқин орада бўладиган қорақалпоқ хонлигининг бош шаҳарини тезроқ битказишга жуда шошиляпман. Шундай бўлса-да, бу усталарни элга чақиртиргандан кейин, аввало қаерга шаҳар курган маъқул деб, кўп ерларни оралатдим. Кўп оқсоқоллар билан ҳам маслаҳатлашдим. Буюк Хоразмнинг қадимий пойтахти бўлган Қиётнинг ўрнига қурилган Шоббозни кўрсатиб, шу ерни бўлажак хонликнинг марказига айлантириш керакми, деб сўрадим ҳам. Чунки аллома бобомиз Беруний туғилган Қиёт шаҳри бизнинг янги хонлигимизга марказ бўлса, албатта, нур устига нур эди. Бунинг устига, Қиётнинг кўпгина эски деворлари сақланиб қолган... Тайёр андоза! Булардан ташқари, ўз элимизнинг кўпгина қариялари билан ҳам маслаҳатлашдим. Улар орасида кимлардир Қоратовнинг устидан, кеча икковимиз учрашган Чилпиққа яқин жойдан шаҳар сол, деб маслаҳат қилди. Бировлар Хўжақулнинг ёқаси қулай, дейишди. Яна бировлар “Қорақалпоқлар денгиз соҳилида яшаб ўрганган халқ, шунинг учун шаҳарнинг бир томони қўлга туташсин, дейишди. Хўжайлини ё Қўнғиротни пойтахт қилиш керак, дегувчилар ҳам бўлди... Чимбой бош қалъа бўлсин дегувчилар ҳам оз бўлмади. Масалан, менга шу фикрларнинг барчаси ёқди. Шундай қилиб, Шоббозга ҳам, Хўжақул бўйларига ҳам, Чилпиққа ҳам бордим... Қўнғиротда ҳам, Чимбойда ҳам, Хўжайлида ҳам бўлдим. Албатта, кўпдан кўп фикр чиқади. Охирида манови Бош уста билан ҳам маслаҳатлашдим. Чунки ёлғиз бир одамнинг маслаҳатига қулоқ солсанг, бошқалари ўпкалайди. Шунинг учун ўзимча кўп ўйланиб, янги қуриладиган даштаки хонлигимизнинг пойтахти ҳам даштакиликни билдириб турсин, яна Орол денгизига ҳам яқин бўлсин, деб шу бир даштни мўлжал қилдим. Бош устамизга бу фикр маъқул келди.

Б о ш у с т а. Тўғри-да! Янги хонликнинг маркази аввалдан яшаб келадиган хонликлар пойтахтидан олисроқ бўлгани маъқул. Шунда у ўзича ўсиб-унади. Бунинг устига, қорақалпоқлар, бари бир, Оролдан узоқлашмасликлари керак. Орол Нуҳ алайҳиссаломнинг кемаси тўхтаган энг сўнги манзилда пайдо бўлган мўъжизавий денгиз, деган нақл бор. Бунинг устига, Орол денгизи не-не очарчиликларда, босқинчиликлар сабабли экинлар экилмай қолган кезларда қорақалпоқларнинг боболарини кўп марта ўлимдан омон сақлаб қолган қайнар қозон вазифасини ўтаган денгиз.

Б е р д а қ. Қўлингизга гул битсин, уста! Илоё, сиз қурган бу шаҳар бахт шаҳри, фозил шаҳар бўлғай!

Б о ш у с т а. Овмин!

Б е р д а қ. Овмин!

Б о ш у с т а. Оққўнгил шоир, сен Оллоҳ Таолонинг ўз элингга юборган тили бўлғайсан илойим!

Э р н а з а р о л а қ ў з. Қани, қадрли усталар, ишларингизни давом эттираверингизлар. Уч кун ичида Шоббоздан ёрдамчилар етиб келади.

Б о ш у с т а. Раҳмат! (*Усталар ишларига тарқалишади.*)

Э р н а з а р о л а қ ў з. (*Қошида ёлғиз ўзи қолган Бердаққа.*) Шаҳарнинг ўрни қандай?

Б е р д а қ. (*Андак ўйланиб.*) Маъқул.

Э р н а з а р о л а қ ў з. Ёқмадимми?

Б е р д а қ. Кўнглимга келган бир гапни айтсам ўпкаламайсизми?

Э р н а з а р о л а қ ў з. Айт, жоним, айт! Ҳақиқий шоир элининг чироғи деб бекорга айтишмаган.

Б е р д а қ. Мен Ойдўс бобо даврида яшаган бир отадан (*жойи жаннатда бўлсин*) тириклигида “Сизга Ойдўс бобонинг ишлари маъқул эдимми?” деб сўраганимда, у киши “Маъқул эди, бироқ унга бир нарсани эслатгандим, ўшани рўёбга чиқаролмай, армонда кетди-ёв” деди. “Нимани эслатувдингиз?” деб сўрадим. У киши тушунтирди: “Ойдўс бобо ўз отига боғлаб бутун шаҳар билан “Маслаҳат тепа”ни қуриш орқали тарихни ўзидан бошлашни ният қилмай, ҳеч бўлмаганда, халқимиз фаровонлиги деб ўрис подшолигига бориб, Ёрлиқ олиб, кейинчалик ўша Ёрлиғи шунчаки бир қоғоз эканини тушуниб, алданганини билгач, халқни тағин ортга, азалий отамаконига қайтарган, узок йўлга кўчиш азобларига чидамаган халқ аччиғланиб, отига тескари мингазса-да ўз халқига қарши турмай, сазойига рози бўлган афсонавий Маман бийнинг қабри тепасига бир мақбара қурдириб, ўша машҳур бобомизнинг руҳини ҳам, халқни ҳам шод қилганида яхши бўларди-да” деди... Буни эслашимдан мақсад — мен ҳам сизга “Эрназар оға, сиз манови усталарингиз билан Ойдўс бобонинг қабри тепасига бир нима қурдириб келсангиз бўлмасмикан?” демоқчиман. Чунки, нақл қилишларича, Амир Темур улуғ пири комилимиз Ҳожа Аҳмад Яссавийга атаб мақбара қурдирганидан кейин ишлари ўнгидан келаверган экан.

Э р н а з а р о л а қ ў з. Маъқул. Аввало хонликни тиклаб олайлик. Кейин сени хонликка бош маслаҳатчи қиламан. Ана кейин, ҳатто халқимизнинг Туркистондаги маънавий отаси Мурод шайхга ҳам, халқнинг сеvimли қаҳрамони Ўразан ботирга ҳам, номи тилларда дoston Маманбийга ҳам, Ойдўс бобога ҳам улуғ-улуғ мақбаралар тиклатамиз. Ростдан ҳам, халқимизнинг тарихи-ку, улар!

Б е р д а қ. Раҳмат, оға... (*Чироқ ўчади, парда ёпилади.*)

КЎРИНИШ

Бердақнинг уйи, бир қисми кўринади. Пастаккина мўъжаз хонтахтага бағрини бериб, қоғозга термулиб, боши эгилган кўйи шеър ёзиб ўтирибди. Анчадан сўнг бошини кўтаради. Уйга чўмади.

Б е р д а қ. (*Сўзланади.*) Шоирлик Оллоҳнинг одам боласига, халққа инояти, дейдилар. Балки шундайдир. Лекин бул иноятдан баҳраманд бўлишнинг ҳам йўли бор... Ундан ҳам ўзинг учун, ҳам халқинг учун тўғри фойдалана олишинг керак. Агар тарихга назар ташласак, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си, Навоийнинг “Ҳамса”си, Фузулийнинг ғазаллари халққа беминнат хизмат қилишнинг юксак намуналари. Мен ҳам бундай асарлар ярата оламанми?.. Ҳай, қайдам-ов! Бунга гумоним бор. Чунки бу улуғ донишмандлар кўп подшолар билан ишлашган, шоҳ саройларида яшашган. Ҳукмдорлар ҳам улар билан маслаҳатлашиб иш кўрган...

Шулар ҳақида ўйласам, ўйлаб ўйимнинг тагига етолмайман. Чексиз уммоннинг қоқ ўртасида ёлғиз сузишга чоғланган одамга ўхшайман... На кемам, на эшкагим бор!.. Ҳар қалай, жудаям ёлғиз эмасман... атрофимда ўзимга ўхшаб кemasиз-эшкаксиз ҳаёт уммонига чўкиб ётган халқим бор... Кўз олдимда икки солга бўлиниб, миниб, атрофдагиларни “Қани, буюққа чиқмайсизми?” дея қўл сермаб чақираётган икки одам кўринади. Улардан бири — Эрназар олакўз, иккинчиси — Эрназар кенегес! Кemasиз-эшкаксиз сузаётган одамлар уларнинг сув юзасида базўр кўриниб турган солларидан умидвор бўлиб, бир муддатлик ҳаловат истаб, ўша икки солга интилишади... Менинг фахмлашимча, икковида ҳам қўлбола сол бор, холос. Қўлбола солнинг эса, умри қисқа — сув синггани сайин оғирлашиб, денгизга чўкиб кетади...

... Ҳар қалай, Эрназар олакўзнинг минган соли нисбатан пишиқроққа ўхшайди. Уруғчиликка қарши бўлсам-да, ўзим ҳам айнан унинг уруғидан бўлганим учун қон тортиб шундай ўйлаётганим йўқми? Агар у ўз мақсадига эришса, улуғ соҳибқирон Амир Темурнинг умр йўли баёнида Шарафиддин Али Яздий яратган “Зафарнома”дан ибрат олиб бир дoston ёзиш орзуим эди. Шояд орзуим ушалса. “Яхши ният — ярим давлат” дейдилар...

КЎРИНИШ

Б е р д а қ н и н г а ё л и. (*Киради.*) Халақит берган бўлсам кечирарсиз, шоввозим... Атрофда аллақандай отлиқлар...

Б е р д а қ. (*Оғироёқ аёлига меҳри товланиб қарайди.*) Балки қайдадир тўй бўлаётгандир... Неча кундан бери уйдман... ўзингга қара, эҳтиёт бўл, тагин... Яқинроқ кел, жоним. Сен менинг илҳом парийимсан. Илҳомим қочиб ўтирувдим, сен билан бирга илҳом ҳам келди.

Б е р д а қ н и н г а ё л и. Ҳамма эрлар ҳам сиздек меҳрибон бўлса экан...

Б е р д а қ. Бўлади. Билсанг, пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларида “Эркаклар, аёлларнинг олдидан кесиб ўтишда эҳтиёт бўлинг, балки у оғироёқдир, эрта бир кун ундан улуғ донишманд, элнинг фахри бўладиган азамат туғилса ажаб эмас, ўша фарзанднинг ҳаққи-хурмати аёлларни хурмат қилинг” деган гап бор. Афсуски, бизда ҳозир кўп ишлар жаноби пайгамбаримиз васият қилганларидек эмас...

Б е р д а қ н и н г а ё л и. (*Оҳиста юриб келиб эрининг бўйнидан қучиб эркаланади.*) Раҳмат, жоним.

Б е р д а қ. Кучоғимга кел, суюклим. (*Аёлини авайлаб қучиб, сочларини силайди.*) Билсанг, мен туғилажак фарзандимизга исм ўйлаб қўйдим.

Б е р д а қ н и н г а ё л и. Қандай исм?

Б е р д а қ. Агар Худо бериб, ўғил кўрсак, ҳазрат Навоийнинг севимли қахрамони исмидан олиб Фарҳод қўяман. Фарзандимиз Фарҳоддек тоғ кўприб, халқига оби ҳаёт бағишласин.

Б е р д а қ н и н г а ё л и. Қиз туғсам-чи?

Б е р д а қ. Сендек парининг қизи бўлганидан кейин “Ҳурлиман” бўлади-да. “Қизим менинг ишларимни давом эттирсин” деб худодан сўрайман.

Б е р д а қ н и н г а ё л и. Қанийди шундай бўлса! (*Ташқарида от туёқларининг гурсиллаши кучаяди.*)

Б е р д а қ. Тинчликми?..

Б е р д а қ н и н г а ё л и. Уч кундан буён овулда отлиқлар кўпайишиб қолди.

Б е р д а қ. Балки кимдир тўй қилаётгандир?..

Б е р д а қ н и н г а ё л и. Сиз кўп кунлардан буён берилиб ёзаётганингиз учун ҳалақит бермай деб айтмадим. Овулда юрган отлиқлар тўйчиларга ўхшамайди. Кўпчилиги қурол-яроғ тақиб олган. Таёқ, чўқмор, болта кўтарганлар ҳам бор.

Б е р д а қ. Нима дейсан?! (*Ялангоёқ ҳолича ташқарига югуриб чиқади. Олисларга назар ташлайди.*) Ҳов анови отлиқлар овулимиз устидан ўтдими?

Б е р д а қ н и н г а ё л и . (Эрининг ортидан келиб.) Ҳа, шундай. Кўчада учраган эркакни қамчилаб-уриб ўтаяпти...

Б е р д а қ . Ҳаммалари Эрназар оғанинг янги қалъаси томонга кетишяпти. Бир фалокатдан ўзинг асра, Худойим!..

Б е р д а қ н и н г а ё л и . Уйга киринг, шоввозим. Оёғингизга кийиб олинг.

Б е р д а қ . (Олисларга кўз тиккан куйи) Э худо, бу қанақаси? Тинчлик-микан? Этигимни олиб чиқ. (Аёл уйга йўл олади. Бердақ бетоқатланиб у ён-бу ён юради...)

Парда ёпилади

КЎРИНИШ

Парда олдида қўлларига таёқ, чўқмор, болта ушлаган одамлар шошилиб ўтиб туради...

Парда очилади

КЎРИНИШ

Эрназар олакўз қурдира бошлаган шаҳар... Қўлларида қилич, найза, чўқмор, таёқ тутган одамлар. Йиғлаётган аёллар, болалар... Бир-бирини аяш, меҳр-шафқат йўқ, уруш. Урушаётган томонларнинг навкарлари бир-бирларига ўхшайди.

Ҳаммага кўринарли жойда Бош уста ўлиб ётибди. Унга ҳеч ким қарамайди. Яна бир жойда шаҳар ўрнини ип билан ўлчовчи уста ипига ўралашиб ўлиб ётибди. Ёнида қулоғига қалам қистирган ўлчаб ёзувчилар қўлларида қоғози билан ўлган. Яна ҳар хил алфозда ўлиб ётганлар талайгина.

Жанг қилаётганларнинг ҳайқириқлари, дод-фарёдлари эшитилади.

— Ҳой, Отажон қипчоқ, нега ўз уруғингни қўйиб кўнғиротларга ёрдам беряпсан?

— Саид қипчоқ, қиличингни ташла!

— Ҳой Карим анна, кўзинга қара!.. Хўжаназар шуйитнинг тарафига ўт!..

— Кенегеслар, шафқат қилинглар!

— Кенжамурод қўлдовли, ортинга қара, оға-иниларингнинг ҳолини кўр!

— Сен қай тарафсан, ҳой, Пиржонхўжа?

— Ўртга қаранглар, нотаниш навкарлар!..

Б е р д а қ . (Кўз олдида рўй бераётган харосотга ҳайрат билан қараб, ўзаро қиличлашаётган йигитларнинг орасига тушмоқчи бўлади.) Ҳой, йигитлар, қўйинг, уришманг! Ҳой қорақалпоқлар, нега бир-бирингизни аямайсиз!.. (Бердақнинг гапларини ҳеч ким эшитмайди. Найза кўтарган бир гуруҳ йигитлар ўтади. Яна бир гуруҳи саҳнага кириб келади. Хон навкарлари бостириб, кўринганга найза санчиб бормоқда.)

Ж а р ч и н и н г о в о з и . Халойиқ! Қорақалпоқлар! Қўлдовлилар! Ким Эрназар олакўзни ўлдирса, ўша одамга улуғ хоннинг минг танга ҳадяси бо-ор!.. Ким Эрназар олакўзнинг бир навкарини ўлдирса ё ярадор қилса, юз тилла ҳадя олади.

— Эшитмадим деманглар, хоннинг марҳаматидан қуруқ қолманглар!..

(Эрназар олакўз билан Эрназар кенегес қиличбозлик қилиб келади. Эрназар кенегес танг аҳволда қолганида бир хон навқари, уч кенегес Эрназар олакўзга ташланади. У энди тўрт қиличбозга қарши бир ўзи жанг қилади...)

Б е р д а қ . Эрназар оға, эҳтиёт бўлинг! Эл сиз тарафда...

Э р н а з а р о л а к ў з . (Қиличбозлик қилар экан, ортига қарамайди.) Раҳмат, шоир! Мард майдонда синалади. Мана, менга қўлдовлининг бир шери марди ёрдамга келди. Шулар омон бўлсин!..

Б е р д а қ. Ё худо, халқимни майда-чуйда уруғларга бўлиб ташлаганинг озлик қилгандай, нега уларни бир-бирларига ёвлаштирдинг?.. Э худо, барча туркийларни бирлаштирган улуг соҳибқирон Амир Темурни қайта яратсангчи!.. Бундай ўзаро ёвлашишларни кўришга тоқатим қолмади-ку!.. Бу урушга нима сабабчи, ким айбдор?.. (*Тўрт қиличбозга буй бермай жанг қилаётган Эрناзар олакўз икки рақибини енгиб, учинчисига қилич кўтарган кезде унга ёрдамлашмоқчидек ёнига келган аллаким, — Эрназар олакўз Бердаққа мақтаган ўша йигит кутилмаганда унинг елкасига пичоқ уради... Эрназар олакўз елкасида пичоқ санчилган куйи олға интилиб, нарироқдаги Эрназар кенегес билан қучоқлашмоқчи бўлади, бироқ унга қўли етмай юзтубан йиқилади. Шу пайт аллақандай бир ёш қиз пайдо бўлиб, Эрназар олакўзнинг бошини суяб у билан бирга йиқилади.*)

— Элниг суйган ули, ўзингни тут (*Қиз унинг елкасидан пичоқни суғуриб олмоқчи бўлади, бироқ кучи етмайди*)...

Б е р д а қ. (*Аҳволни кўриб.*) Эй худойим-эй, бу қандай кўргилик?! (*Бир гуруҳ кишилар саҳнага орти билан юриб киришади ва — чекиниб келаётиб, бошқа тарафга қараб турган шоир уларнинг орасида қолиб йиқилади. Орқасидаги дутори ерга тегмай, дастаси найзадек тиккайиб қолади. Уруш майдонидаги навкарлар бир-бирларини қувлашиб чиқадилар. Саҳнада одамлар сийраклашади.*)

Ж а р ч и н и н г о в о з и. Эй халойик! Уруш тамом! Уруш тамом! Халқ душмани Эрназар қўлдовли ўлдирилди! Унинг хон қилиб кўтаргани Зорлиқ тўра ўз ихтиёри билан асирга тушди...

Б о ш қ а ж а р ч и. Эрназар қўлдовлининг гуруҳига қарши қилич кўтариб, калласини ер билан яксон қилишга қатнашганлар, совға олиш учун рўйхатга ёзилинлар!..

(*...Қуролли-қуролсиз одамлар саҳнада у ёқдан-бу ёққа шошилиб ўта бошлайди. Бақирӣқ-чақирӣқ, шовқин-сурон!..*)

Аллақадан Ажиниёз пайдо бўлади. У мурдалар орасида қоққан қозикдек қаққайиб турган дутор дастасини узокдан таниб, “Ҳой, Бердимуроджон!” дея югуриб унинг ёнига боради. Бердақ жавоб бермайди. Ажиниёз унинг қошига чўккалаб, кўкрагини ушлаб кўради.

А ж и н и ё з. Худога шукур, тирик экан! Э худо, ўзинг паноҳингда асра! Элни эртанги улуг шоирдан жудо қилма (*Дуторини эгнидан олиб, чалқанча ётқизади, кўксига қулоғини қўйиб тинглайди. Қўлларини силкитиб, уқалайди.*) Кўзингни оч, Бердақжон! Мен Ажиниёзман!

Б е р д а қ. (*Қимирлайди. Ўзича сўзланади.*) Эй худо, халқимни... нега бир-бирига ёв қилиб яратдинг?..

А ж и н и ё з. Бердимурод, айланайин, кўзингни очсанг-чи!

Б е р д а қ. (*Кўзларини очади.*) Ие, Ажиниёз оға, сизми? (*Хўрлиги келиб базўр сўзлайди.*) Ажиниёз оға! “Шунча кўп ўқиб нимани билдинг?” деган саволга нега “Ҳеч нарса билмаслигимни билдим” деб жавоб берганига тушунмай юрувдим... Ҳамиша халқим билан бирга яшасам ҳам уни шу вақтгача тўғри тушунмаганимга бугунги урушни кўриб тушундим. Халқимиз... йўқ, йўқ, оға, қалбимга ўчмас доғ тушди...

А ж и н и ё з. Турақол, чирогим...

(*У турмоқчи бўлади, бироқ ҳоли келмайди. Ажиниёз суяб, туришга кўмаклашади.*)

Чироқ бир ўчиб ёнади

Ўша манзара. Фақат ўликларнинг жасадлари, ярадорлар олиб кетилмоқда. Бердақ билан Ажиниёз ҳали-ҳануз ўша жойда ўтирибди. Бир келинчак қовоқчада сув олиб келиб беради. Бердақ ичади.

Б е р д а қ. Ажиниёз оға, Эрназар олакўзни ўзимизникилар ўлдирганини ўз кўзларим билан кўрдим...

А ж и н и ё з. Куйинма, иним. Жалолиддин Румий “Одамлар икки хил дарёга ўхшайди. Биридан ширин-шакар сув оқса, иккинчисидан заҳар-заққум оқади” деган экан. Қора ниятли илонсифат одамлар ҳали қуриб битган эмас.

Б е р д а қ. Биз қорақалпоқларнинг қоқ ярмимиз илонсифат бўлсак керак. Эрназар оғани четдан келган хон навкарлари ё Эрназар кенегес ўлдирмади. Ўзи ҳам, мен ҳам шубҳаланмайдиган ўз оғайниси, қўлдовли ортидан келиб пичоқлади. Эрназар оға уни ўзига яқин тутиб юрганини сезса-да, ҳеч бир гумонсирамай, “менинг ҳимоячим” деб ишониб юрувди... Бу аянчли манзарани кўриб хушимни йўқотдим... Қалбимда қора тугун пайдо бўлди...

А ж и н и ё з. Улуғ одамларни аввало яқин маслақдошлари, дўст-биродарлари, ҳатто энг яқин қариндошлари ўлдириши қадимдан бор. Бу нарса айниқса бизнинг туркийларда кўпроқ.

Б е р д а қ. Лаънат бўлсин бундай чиркин одатга!

А ж и н и ё з. Тур, иним, тур, ҳолингни кўриб душманларинг қувонмасин! Биласан-ку Пайғамбари Ақрам оғасининг ўғли, чорёрлардан бири, дини исломнинг байроғи бўлган ботир саркарда Ҳазрати Алига Куфа шаҳрида номоз пайтида қилич урган ким эди? Ислом динини байроқ қилиб кўтарганлардан бири эди... Жаҳон аҳли фахрланса арзийдиган олим, шоҳ, саркарда Улуғбекни ким ўлдирди? Ўз ўғли Абдулатиф! Бошқаларни қўя турайлик, ўзимизнинг баҳодир Маманбийимизни кимлар ўлдирди? Ўз овулдошлари! Ойдўс бобонинг бошини олган ким эди? Отбоқари!.. Айтаверсак, тарихда бундайлар оз эмас... Улганга қўшилиб ўлиш йўқ. Тур, иним! Белингни маҳкам боғла! Элдаги ҳар бир хонадоннинг қулфати менга қандай кулфат бўлса сенга ҳам шундай кулфат эканини тушунаман, жигарим! Лекин сен касал бўлиб қолма... Ҳаммасини юрагингга яқин олаверма... Ҳар инсоннинг қачон қандай ўлиши унинг илоҳий ёзмишида белгилаб қўйилган...

Б е р д а қ. Илоҳий ёзмиш! Илоҳий ёзмиш!

А ж и н и ё з. Бир ривоят тингла. Кунлардан бир куни Сулаймон подшо офтобшувоқда ўтирган эди, аллаким унинг олдига югуриб келиб йиқилдида: “Ҳой Сулаймон пайғамбарим! Подшоҳим! Мени кутқар!” деди. “Кимдан кутқарай?” сўради Сулаймон. “Ортимга қара, Азроил менга соядек эргашиб юрибди. Менинг эса, ўғлим йўқ”. Шунда Сулаймон подшо пайғамбарлик қудрати билан довул пайдо қилибди. Довул ундан паноҳ сўраб келган бандани осмонга учириб кетибди. Шу пайт Азроил келиб Сулаймон подшога: “Эй Оллоҳнинг суюкли пайғамбари, жуда яхши иш қилдингиз. Бу банданинг азалий ёзмишида сувга чўкиб ўлиш битилган эди. Мен ортидан эргашиб денгиз тарафга юз бурсин десам, у қирга қараб қочди. Ахийри у сизга келди. Сиз довул билан осмонга учирдингиз. Энди учиб бориб денгизга тушади... Шундай қилиб, илоҳий ёзмишидагини кўради...” дебди.

Худди шундай, Эрназар олакўзнинг илоҳий ёзмишида шундай ўлим бўлса, не илож?.. Манови ҳикматли гапни тушун, Бердақ. Юнон файласуфи Суқрот дўстларига: “Ўлсам мени қаерга кўмсангиз кўмаверинг, чунки мен энди танамда эмас, сизларнинг қалбингизда яшайман” деган экан. Хафа бўлма, Эрназар олакўз энди дўстларининг, халқининг қалбида яшаб қолади.

Б е р д а қ. Халқининг келажagini деб эзгу иш бошлаган улуғ одам халқнинг бир ҳаромзодаси томонидан ўлдирилса... ақлга сиғмайди!

А ж и н и ё з. Ўша ҳаромзоданинг дунёни тушуниши шундай бўлса не илож.

Б е р д а қ. Ё фалак!

А ж и н и ё з. Ҳар инсонда икки маъни бор. Бири ўзиники, иккинчиси халқиники. Кўпчилик одамларда биринчи маъни босимроқ...

Б е р д а қ. Билмадим, тушунмадим, оға. Бу кенг жаҳон менга тангу тор кўриниб турибди. *(Аста хиргойи қилиб қўшиқ айтади.)*

Кўринди бу дунё, оздир вафоси,
Кўнглимдан кетмайди жабру жафоси.
Ҳақ бўлмаса бандасининг паноси,
Бу дунёнинг иши вайрон кўринди.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Дунёси қурисин хазон ургандай,
Тепамизда найза ушлаб тургандай,
Ҳар бандага охирзамон қургандай
Замон менга қора туман кўринди...

Чироқ ўчиб ёнади

Саҳна ўзгармайди

Ажиниёз билан Бердақ ҳали ҳам ўша ўрнида. Атрофда шовқин-сурон кучайиб,
“Ҳа, лаънати!” деган сўкиш эшитилади. Икки шоир бурилиб қарайди.
Бир-бирига қўшиб боғланган бандиларни Эрназар кенегеснинг навкарлари хон
навкарларига қўшиб ҳайдаб бормоқда. Бандиларнинг олдида эрмак учун устига
калта зарбоф тўн, бошига ўйинчоқ тож кийдирилган, оёқларига кишан урилган
Зорлиқ тўра бормоқда.

Э р н а з а р к е н е г е с. Ҳа, Зорлиқ тўра, йигитларингни йўлга бошла!

(Навкарлар кулишади.)

Бандилар ҳазин овозда Бердақнинг “Кўринди” кўшиғини ҳазин кўйга солиб
айтганча олға бормоқдалар.

Б е р д а қ. Ўз элининг битмас-туганмас бахтсизлигини кўравериш қанча-
лик оғир ҳасрат экан!

А ж и н и ё з. Шунинг учун ҳам бутун Туркистонда доврўф қозонган
бобомиз Мурод шайх бундан юз ўттиз йилча илгари бу дунёнинг ноҳақлик-
ларини, гирромликларини, алдам-қулдамларини кўраверишга чидаёлмай, ўз
кўзларини ўзи ўйиб олган-да!.. Бироқ дини исломда ўз жонига қасд қилиш
гуноҳи азим. Банданинг иши, ҳар нечук, бандалик.

Б е р д а қ. Бу дунёнинг кўпдан-кўп ўйинлари юрагимга жароҳат устига
жароҳат босаяпти. Айниқса, бир отадан ўсиб-унган туркийларнинг бир-бирла-
рини тушунмай ёвлашувлари... қаттиқ афсусланарли ҳолдир... Жаҳондаги бар-
ча туркийларнинг келиб чиқиши, кўрган-кечирганларини тўла ўрганиб ул-
гурмаган бўлсам-да, ақалли Мовароуннаҳрда яшайдиган туркийларнинг ил-
дизи бирлигини ўзларига тушунтирадиган шажаравий китоб ёзиш керак, деб
ўйлаб юрибман.

А ж и н и ё з. Туркий уруғларнинг қайта бирлашиши мумкин бўлса қанийди...

Б е р д а қ. Оллоҳ Таоло бизларга ҳамиша ҳам қаҳрли назар билан қарай-
вермас, кунлардан бир кун орзуларимиз ушалса не ажаб!

КЎРИНИШ

Нимадандир хурсанд ҳолда бир аёл киради, иккаласи ҳам унга ажабланиб
қарайди.

А ё л. Иккала шоири замон бир жойда экан...

А ж и н и ё з. Тинчликми? Нима хабарлар бор?

Б е р д а қ. Эрназар олақўз тирик қолибдими?

А ё л. Ўзларингиз биласиз, шоири донишмандлар, бу дунёда туғилиш ҳам
ҳақнинг буйруғи, ўлиш ҳам...

Б е р д а қ. Нима демоқчисиз?

А ё л. Суюнчи сўраб келдим.

А ж и н и ё з. Нима учун?

А ё л. Манови шоир қизлик бўлди.

А ж и н и ё з. Қиз қутлуғ бўлсин, Бердимуроджон! Ҳар инсон учун бу
дунёда ота бўлишдан улўғроқ бахт йўқ!

Б е р д а қ. Ё раббий! Бу дунёда бахт билан бахтсизлк жуфт қилиб яратилганини билсам-да, ўз бошимда синаб кўрмаган эдим...

А ж и н и ё з. (*Чўнтагидан пул чиқариб суюнчи сўраган аёлга узатади.*) Сенинг ҳам бахтингни берсин, чирогим!

Б е р д а қ. (*Устидаги чопонини ечиб, аёлга узатади.*) Хушxabар учун қуллуқ!

Ажиниёз олиса кимларнидир кўриб, улар томонга жадал йўл олади.

Б е р д а қ. (*Олислаб бораётган Ажиниёзни кўриб ажабланади.*) Нега хайрлашмай кетиб қолди? (*Қараса, хушxabар олиб келган аёл ҳам кетиб қолган.*) Дунёнинг ишлари жумбоқ экан. Мен элнинг ботирига қайғуриб ўтирганимда Ажиниёз шоир ёнимда эди. Менга хушxabар келганида... у одамгарчилик юзасидан суюнчисини берди-ю, кетди-қолди. Бировнинг қайғуси қайғу, қувончи қувонч эмасми?.. Йў-ўқ... у менинг қайғумни бўлишди. Менга тасалли, таскин берди. Лекин менинг ёлғиз ўзимга, хонадонимга кулиб боққан бахт уни қувонтирмади, шекилли? О-о, шоири замон, ўзинг қалайсан? Эл тақдирига қайғуриб, Эрназар олакўзнинг ўлиmidан халқнинг бош устидаги ёлғиз қуёши ботиб, кўз олдинг қоронғулашгандек бўлувди... Фарзанд кўрганинг ҳақидаги хушxabарни эшитиб, ўша қуёш қайта чиққандай, қувонганингдан суюнчига ёлғиз чопонингни ечиб бердингми? Авваллари ўзингча ҳар бир инсон халқ бахти учун ўз бахтидан кечиши керак, деб ўйлардинг. Эндичи? Сен учун хонадонингнинг бахти аълороқми ё элингнинг бахти?.. Мана, мен ҳам ўзимни икки одам деб ҳис қиляпман. Бири — халқим деб, иккинчиси — оилам деб яшайдиган одам! Энди бу икки одамни мурсага келтириш учун нима қилишим, қандай сўзлар излаб топишим керак?..

Парда ёпилади

КЎРИНИШ

Ёпиқ парда олдида бир балиқчи билан бир деҳқон суҳбатлашиб келмоқда.

Б а л и қ ч и. Халқимизга кўз тегди. Бир ёқда Бўзатов гуллаб-яшнаб, элнинг ризқи бутун бўлиб, жаҳоннинг кўп мамлакатларидан савдогарлар келиб, иккинчи ёқда Эрназар олакўз янги бир шаҳарнинг қурилишини битириб, янги хонлик тикласа, халқимизнинг оти оламга ёйилар эди. Энди гуриллай бошлаган оловга сув сепилгандай бўлди.

Д е ҳ қ о н. Эрназар олакўзнинг ўзиям сал шошилдими дейман-да. Шошилган қиз эрга ёлчимас экан...

Б а л и қ ч и. Асли азалдан шўрпешона халқ бўлиб яралганмизми, қайдам, "Оролга буғ билан юрадиган кема туширган ўрислардан бири қорақалпоқча билар экан. У: "Бизнинг ўрис йилномаларида сизларни "пешоналар" — дейди", деган эди. Мен нотўғрироқ эшитдим-ов. Балки "пешоналар" эмас, "шўрпешоналар" демоқчидир.

Д е ҳ қ о н. Халқимизнинг тарихи ҳақидаги афсоналарга қулоқ тутсак, ҳамиша "мана, энди яхши кунларга етдик" деб турганда бир ишқал чиқадиқолади. Бир пайтлар ота-боболаримиз Хоразмда яшаб турганда, элни ёв босиб, қувғинга учраб, Эдил, Ёйиқ бўйларига кўчиб, кейин яна кўп марта кўчиб, ахийри шу ўз ватанимизни топиб, энди хонлик тиклаймиз деганимизда ... аввалига Ойдўс бободан, энди Эрназардан айрилдик.

КЎРИНИШ

Бир тарафдан Бердақ кириб келади.

Б е р д а қ. Ассалому алайкум, оқсоқоллар! Тарихнинг тубидан гап суғуриб оляпсизларми дейман?

Д е ҳ қ о н. Эрназар олакўз ўлган куни қиз кўрибсан. Кутлуғ бўлсин!

Б а л и қ ч и. Сиз тунов куни ўрис кемасидаги шоирни кўраман деб кетган эдингиз.

Б е р д а қ. Ўша ўрис кемасидагиларни кўролмай армонда қолдим-да!

Б а л и қ ч и. Шу кемадаги ўрислардан бири “ўтмишини билмаган одам бугунини тушунмайди” деган эди. Сиз бу гапга қандай қарайсиз, шоир?

Д е ҳ қ о н. Шоирдан аввалроқ мен айтай: бошимизга қандай кулфатлар ёғилаётган бўлса, ҳаммаси ўтмишни билмасликнинг оқибати.

Б е р д а қ. (Уйланиб.) Тўғри айтасиз. Тарихни халқ-ку, билади, лекин бахтга қарши, бошчиларимиз билмайди-да! Шунинг учун элнинг бошига кулфат олиб келадиганлар ҳам ўшалар.

Б а л и қ ч и. Эрназар олакўз шаҳид кетганидан буён гап тагида гап борлигини тушунмаганлар ҳали ўзларига келолмай турганидан фойдаланган шум ниятлилар Бўзатов атрофига йиғилаётганга ўхшайди.

Б е р д а қ. Нима дедингиз?

Б а л и қ ч и. Шундай!

Д е ҳ қ о н. Айниқса, энди элга ботирлар керак. Элнинг Эрназардек ботирини ўз оғайнилариغا ўлдиртирганлар Бўзатовнинг ўрнини қўлга айлантириб юбормасалар бас.

Б е р д а қ. Ие, бу гап қаёқдан чиқди?

Д е ҳ қ о н. Уйингдаги қувончингга берилиб, элда нималар бўлаётганидан беҳабарга ўхшайсан. Эрталаб нуқул қора парда ёпинган отлиқларнинг Бўзатов томонга ўтиб кетаётганини кўрдим. Бу ниманинг аломати деб, балиқчи жўраμισ билан гаплашиб турган эдик.

Б а л и қ ч и. Эл бошига иш тушганида қурол билан бўлмаса ҳам, сўз-у созинг билан уларга мададкор бўларсан деб сендан умидвор эдик...

Б е р д а қ. Сизларга тушунмадим?

Б а л и қ ч и. Нимасини тушунмайсан? Элнинг бош бийи Ойдўс бобонинг калласи олинганига 30 йил тўлмай туриб, элнинг бош бийи Эрназар олакўзнинг калласи олинди. Энди икки йил тўлмай туриб, Эрназар кенегеснинг калласи олинса керак-ов.

Д е ҳ қ о н. Ана ўшандан кейин халқ қулоғи кесилган итга ўхшайди, тамом!

Б е р д а қ. У хон тарафидаги одам-ку...

Д е ҳ қ о н. Сарой ўйини...

Б е р д а қ. Сарой ўйини... Қора парда ёпинган навкарлардан хавфсираб қолдим.

Б а л и қ ч и. Менимча, бу атрофда Бўзатовдек янги савдо марказининг пайдо бўлиши кимгадир ёқмаган...

Б е р д а қ. Бир шумликни била туриб, бу ерда ўзимизча фол очиб ўтирмай, юрингизлар, Бўзатовга борайлик.

Д е ҳ қ о н. Кетдик...

(Учовлон бирга кетади.)

Парда очилади

КЎРИНИШ

Бўзатов бозори. Аввалги гавжумлик йўқ. Ҳаммаси вайрон: ағдарилган, йиқилган, синган... Дўконлар ҳам, идиш-товоқлар ҳам. Савдогар қорақалпоқ билан даллол ёнма-ён ўлиб ётибди. Аллақерда отишмалар, аллақимларнинг “Бос!”, “От!” “Ур!”, “Ҳайда!” буйруқлари эшитилади. Йиғлаб-сиқтаган хотин-халаж, бола-бақралар овози, аллақимларни қарғаётган чол-кампирлар товушлари эшитилади.

Улар оҳиста яқинлашиб саҳнага кириб келишади. Юзларига, бошларига қора парда ёпгани сабаб кимлиги номаълум навкарлар пайдо бўлади. Икки навкар Бердақнинг ортидан қамчи ўйнатиб келмоқда...

1-Н а в к а р. Энди бизга қарши турмаган шоир қолувди!

2-Н а в к а р. Қўшиқларингга қурут олиб шим. (Иккинчи тарафдан бир

тўп одамларни ҳайдаган навкарлар киради. Юзларига парда тутган навкарларнинг бошлиғи бир чеккада синиб ётган сандиқнинг устига чиқади-да, қиличини юқори кўтарди.)

Ю з и г а п а р д а т у т и л г а н н а в к а р б о ш и. Мени эшитинглар! (*Ҳамма жим бўлиб, унинг оғзига қарайди.*) Менинг ботир, до-вюррак навкарларим! Сизларга ғалаба муборак! Бойлик муборак! Энди манови беадабларни бўлса, Эронга ҳайдаш керак! (*Кўшоқлаб боғланган яна бир гуруҳ ҳайдовчиларга қаршилиқ кўрсатиб, бўй бермай келмоқда.*)

Бу бемеҳрларни Гуржистонга қул қилиб сотишга тайёрланглар! (*Улар олиб кетилади. Урнига яна бошқа бир гуруҳ тутқунлар ҳайдаб кирилади.*)...

Мана, булар Шомга сотиладиган экан!.. Мановилар бўлса ювошроқ кўри-нади, яқинроқдаги Ҳазор элига сотилсин... (*Яна бир тўп асирларни кўрсатиб*) буларни Ироққа... (*яна бир тўп асирлар олиб кирилади*) буларни эса Гурганга... (*Бир гала қиз-келинчақлар ҳайдаб кирилади*) буларни эрақак зотидан узоқроқ, қуёшни ҳам кўрсатмай, алоҳида сақланглар! Қўлим бўшаганида ёлғиз ўзим битта-битта кўздан кечириб синайман. Қайсинисини ботир навкарларимдан қай бирига тортиқ қилишни ҳам ўзим биламан. Қолганларини қайси хонликка, қайси мамлакатга сотиш кераклигини ўзим белгилаб берман!..

(*Қўллари орқасига боғланган шоир Ажиниёзни ҳайдаб олиб киришади.*) Шоир мана! Бу шоир халқни бизга қарши қўзғашга ҳаракат қилди. Шоирлар руҳан кучли бўлса бордир, бироқ жисмонан нимжонгина бўлади. Катта пулга сотиш учун кучли қўллар керак. Буни бозор кўтармайди. Бунисини анови ёш шоирга қўшинглар!

(*Бердақни имлаб кўрсатади.*) Икковини қўшганда бир қулнинг пулига олмайди, Яхшиси, кичкинасига уч, каттасига етти дарра уринглар-да, оёқ қўлларини бўшатинглар!..

(*Халқ ханг-манг. Иккала шоир лом-мим демайди. Жаллодлар шоирларни ҳам-манинг олдига чиқариб, буйруқ буйича Бердаққа уч дарра уради. У базўр чидайди. Кейин Ажиниёзга етти дарра уради. У йиқилади. Энди бетига парда тутган лашкарбоши ўлиб ётган Савдогар қорақалпоқ билан Даллолга қўли билан ишора қилади.*) Саситмай тез олиб кетиб кўминглар! (*У сандиқдан сакраб тушиб, чиқиб кетади.*)

Қуруқликдаги балиқдек тўлганиб, Ажиниёз ётибди. Бердақ эмаклаганча унга яқин келиб, юзига энгашади.

Б е р д а қ. Ажиниёз оға! (*У бошини базўр кўтаради. Бердақ унинг тиззалаб ўтиришига кўмаклашади.*)

А ж и н и ё з. (*Икки елкасидан нафас олиб.*) Бу ҳасратларни кўра-била туриб тирик қолиш қанчалик оғир!.. Юрагим қинига сиғмай турибди. Худди бир сиқим игна ютгандекман. Ичакларимга қадалиб тургандек.

Б е р д а қ. Чиданг, оға. Худойим барча инсонга сизнинг элсеварлигин-гизни бергай деб тилайман.

А ж и н и ё з. Сен ҳам ўзингга қара. Элнинг бошига тушган бу қулфат сенга ҳам осон бўлиб тургани йўқ. Нима қиласан энди, йилдан-йилга, кундан-кунга бизнинг элда кун кўриш ҳам қийинлашиб кетяпти. (*Утирган ҳолида ёнбошига йиқилади.*)

Б е р д а қ. (*Унинг бошини суййди.*) Ўзингизни тутинг, Ажиниёз оға, Сулаймон подшонинг узуги ҳақидаги афсонани эсланг, енгил торгасиз.

А ж и н и ё з. (*Чидаёлмай ингранади.*) Ҳозир ҳеч нарсани эслагидек ҳолим йўқ.

Б е р д а қ. Менинг сезишимча, бизга ташқарида душман йўқ. Ўзимизга ўзимиз душманмиз...

А ж и н и ё з. Дарёнинг суви тиниқ, тоза-покиза бўлса, ундан оқиб чиққан ариқ-сойларнинг суви ҳам шундай бўлади. Бироқ ўзимиздаги иллатни бошқаларга кўз-кўз қилаверсак, бу ҳам ножўя иш. Шунинг учун дарди-мизни ичимизга ютганимиз маъқулми дейман...

Б е р д а қ. Нима демоқчилигингизни тушундим, оға. Бироқ келгуси авлодларга кўнгил ҳасратларини изҳор этиб кетиш керак-ку. Шундай шеърларингиздан эшитайлик...

А ж и н и ё з. Улуғ донишманд Афлотун “Фарзандларингизнинг одобахлоқи, бор дунёқарашини ўзингиз билангина чеклаб қўйманг, чунки улар сизга замондош эмас, сиздан кейинги замоннинг одамларидир” деган эди.

Менинг қалбимдаги қўшиқлар бўлса, эртанинг дарди эмас, бугуннинг дарди, иним... Майли, эшит (Ҳазин оҳангдаги қиссахон товуши билан қўшиғини ёддан ўқийди.)

Б е р д а қ. Сулаймон подшога оталаридан мерос узукда “Бу дунёда ҳамма нарса ўткинчи” деган ёзув бўлиб, уни ҳеч қачон бармоғидан олмас экан. Кунлардан бир куни худди сиз билан менинг бошимга тушган Бўзатов ҳасратига ўхшаш воқеа унинг ҳам бошига тушиб юрак-бағри ўртанганидан қўлидаги узугини олиб отиб юборибди.

Узук юмалаб кетаётганида ичида ҳам ёзуви бор эканини кўриб қолибди. Нима ёзув экан деб ўқиса, “бу кунлар ҳам ўтиб кетади” деган ёзув экан. Шундан кейин Сулаймон подшо узукни қайтадан бармоғига тақибди... Шукур қилайлик, Ажиниёз оға. Ота-боболаримиз бундай кулфатларнинг қанчақанчасига чидамаган! Бу кўргиликлар ҳам ўтиб кетади.

А ж и н и ё з. Утишга ўтади-я... Бироқ одамлар, ҳатто келгуси авлодлар юрагида мангулик доғ бўлиб қолаверадиган ҳасрат бўлди... Халқимизга бахт салгина қулиб боқиб, ишлари юришиб бошласа, унга қарши тиш қайрайдиган очкўзлар ҳам кўпаяди. Эндигина жаҳонга оти чиқиб бошлаган Бўзатов ҳам дабдала қилинди...

Б е р д а қ. Сиз билан бизнинг кўнглимиздан кечаётганларни шеърга туширишдан бошқа илож борми?

А ж и н и ё з. (Уйлаиб.) Тўғри айтасан... Оллоҳ Таоло бировга экин эк деб кетмон билан бел, бировга элнинг кўзини оч деб. илм-билим, яна бировга элингни ҳимоя қил, деб қилич билан найза берганидай, бизга, халқни куйла, уни руҳлантир деб шоирлик берган...

Б е р д а қ. Халқимизнинг бахтига Оллоҳ Таоло қай кўз билан қарашини бандаси билмайди. Бироқ менинг билишимча, кўргилиklarимизга аввало ўз одамларимиз айбдор бўлади-туради. Бир туман элатимиз иккинчи туман элатимизнинг бахт-иқболини кўролмай, бахиллик қилмаганида бундай бўлмас эди...

А ж и н и ё з. Эрназар олакўзнинг ўлими ҳам қимматга тушди. Эл қўлдовлилар, кенегеслар бўлиб иккига ажралди.

Б е р д а қ. Бу кулфатнинг бош сабабчиси ҳам ана ўшанинг балоси бўлса керак.

А ж и н и ё з. Душманлар ташқарида пайт пойлаб туришади-да...

Кетар бўлдик, бизлар энди бош олиб,
Хўш, омон бўл, биздан қолдинг, Бўзатов.
Хўшлашайлик қора кўзга ёш олиб,
Хуш, омон бўл, биздан қолдинг, Бўзатов.
Ер ҳам эл биландир, эл ҳам ер билан
Ерсиз элнинг умри дарбадар билан.
Умри ўтар юракдаги шер билан,
Бизга сенинг қадринг ўтди, Бўзатов.

Сен боғ эдинг, булбул учди, зоғ қолди,
Жисми жонинг ёнди, дилда доғ қолди.
Отовжоним, сени тагин ёв олди,
Боши қутли, охири вой, Бўзатов.

Отадан айрилди қалпоқли ўғлон,
Сотилди, ҳур бошин айлади гулом,
Кимлар Ироқ кетди, кимлар кетди Шом.
Кимлар Гуржи, Техрон тушди, Бўзатов.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Б е р д а қ. Келгуси авлодлар “Сўзлари бунчалик дардли, бечора боболаримиз ўша ғам-қулфатнинг ўзига қандай чидади экан” деб ажаблансалар эҳтимол. Бу қўшиқ қачон, қаерда айтилмасин, тилимизга тушунмайдиганлар ҳам бу жабр-ситамлар халқнинг юрак нидоси эканини сўзсиз тушунадиган бўлибди.

А ж и н и ё з. Менинг ниятим келгуси авлодларни қайғуга солиш эмас. *(Бирдан муסיқа янграб, саҳна ортидан халқ гувраб чиқиб, “Бўзатов”ни янада ҳасратлироқ оҳангда такрорлайди.)*

Б е р д а қ. Ана, шундоққина кўз олдимизда сизнинг сўзларингиз халқ тарихига айланди. *(Ажиниёзнинг кўзларидан ёш қуйилади.)*

А ж и н и ё з. Бизгача ўтган шоирлар айтганларидай, мен ҳам бу кенг оламини ўзимнинг муштдеккина юрак-бағримга сиғдириб яшар эдим. Лекин бу кенг олам, ўзим ястаниб ётган бу чеки-чегараси йўқ сахро кўзимга тор кўринаётгандай... Бош олиб кетмасам бўлмайдиганга ўхшайди.

Б е р д а қ. Тўғри айтасиз, Ажиниёз оға. Ростдан ҳам, калтафаҳм ҳокимлар, уруғ бошлиқларининг пойинтар-сойинтар ишлари жаннатмакон юртимизнинг шўрини қуритиб юборяпти...

Парда ёпилади

УЧИНЧИ ПАРДА

КЎРИНИШ

Б е р д а қ н и н г у й и. Хотини, қизи Хурлиман учаласи.
Бердақ қизи билан дуторда сўнгги маротаба машқ қилмоқда.

Б е р д а қ н и н г а ё л и. Хурлиман, бу сафар куйларинг ҳам, қўшиқларинг ҳам чакки эмас, яхши ижро қилаяпсан.

Х у р л и м а н. Оғам ҳам айтсин!

Б е р д а қ. Онангнинг айтгани тўғри, қизим. У менинг чалганларимни ҳам баҳолаб келган. Ҳамиша тўғри баҳолайди. Гоҳида янги куй изласам, онанг ёнимда ўтирарди.

Х у р л и м а н. Тушундим, оға.

Б е р д а қ н и н г а ё л и. Қизим, энди тегирмонга кириш. Бир қоп буғдой тозаланиб турибди.

Б е р д а қ. Кўрдингми, қизим, сенга шунақа кўп халақит беради. Мен эса фақат экин ва ҳосилни йиғиштириш пайтида меҳнатга аралашмасам, бошқа пайтда дуторим, қоғоз-қаламим билан машғул бўлардим.

Х у р л и м а н. Оға, тегирмон тортсам, унинг ҳам ўзига яраша гашти бор.

Б е р д а қ н и н г а ё л и. Мен ҳам сенга ёрдамлашай... *(Қизининг кетидан чиқади...)*

КЎРИНИШ

Б е р д а қ. *(Ёлғиз. Ўз хаёлига шўнғиб у ёқ-бу ёққа юради. Хаёлан гапирарди.)* Умр ҳам шунчалик тез ўтиб бормоқда. Ўттиз ёшгача қийин экан. Қолгани мисли чақмоқ тезлигида ўтаётир. Мана:

Сибизғи эмас, соз бўлдим,
Уним чиқмади, оз бўлдим.
Палапон эмас, роз бўлдим,
Қўнишга кўл бўлган эмас...
Уф, умр, умр!
Уним чиқмади, оз бўлдим...
Уним чиқмади, оз бўлдим.

Мана, ёшим ҳам бориб қолди. Энди пайғамбар ёши. Мабодо ёшим ундан ошса, Оллоҳ Таолонинг эҳтиром ёшини ҳам яшайман. Бугунгача ўзим гувоҳи бўлган воқеаларни кўз олдимга келтирсам юз яшаганга ўхшайман. Нима кўрсам, элим билан кўрдим. Элим билан бирга кўп ҳасратларни бошдан кечирдим.

Мен Ойдўс бобо ўлдирилган пайтда туғилганман. Уттиз ёшга кирганимда Эрназар олакўз қатл этилди. Тақдир дегани шу экан-да! Эрназар олакўз ўлдирилган пайтда менинг қизим Ҳурлиман туғилган эди. Ойдўс бобо ўлдирилгач, халқимизнинг ҳасрати кўпайди. Шу оғларда Оллоҳ Таоло менга шоирлик инъом этди. Эрназар олакўз ўлганда туғилган қизимга Оллоҳ Таоло хушовоз билан созандалик ато этди. Балки иккаламизни ҳам халқининг ҳасратини сўз билан, соз билан куйлаб юрсин деб дунёга келтирдимикин?.. Бу ёлғиз Оллоҳга аён. Лекин ҳаётим давомида халқимнинг қувончини кўра олмаганим — энг асосий ҳасратим.

Бердимурот Бердақ бўлди,
Боғини ҳеч ким билган эмас!..
Ухх!..
Бердимурот Бердақ бўлди
Доғимни ҳеч ким билган эмас!..
Доғимни ҳеч билган эмас...

Оллоҳ Таоло бир инсонга бунчалик ҳасрат берар экан?.. Агар мен ўзимга Бердақ таҳаллусини танламаганимда, ҳатто, ўзимга ўзим ҳам тушунолмай ўтардим...

Ана... шундай қилиб, Эрназар олакўз шаҳид бўлгандан сўнг!.. Ухх...

Золим бийларнинг қилиғидан,
Ақллиликнинг йўқлиғидан.
Ичдан қилган шумлиғидан,
Ғофил бўлди Эрназар бий...

деб тўлганиб йиғлаганман... Шу ҳасратдан сўнг халқ ўзига кела олмаётганида “Бўзатов” кўтарилиши бошланди. Бунинг ҳасрати шунгача бўлган барча ҳасратлардан оғир бўлди. Халқнинг энг ардоқли ўғиллари, энг гўзал қизлари банди қилиниб, тўда-тўдаси билан кўп элларга қул қилиб сотилди... Фожиа “Зивар” таҳаллусли Ажиниёз шоир ҳаётига ҳам қонли излар солди. Шоир бу азобларга чидай олмай, ўз элига сиғмасдан, ўзга элларга дарбадар бўлиб кетди. Унинг бу дарбадарлигининг бир яхши жиҳати — ўзидан кўра халқининг номи ни улуғлашга хизмат қилди... Қандай дейсизми? Мана бундай; шу саёҳатдан келганидан сўнг учрашганимизда, у ўзининг кўп маротаба қозоқ шоирлари билан айтишувини фахр билан хикоя қилган эди... У Чингиз тоғининг бурилишидаги қишлоқлардан бирида бўлган айтишувида:

У ёқ-бу ёқ бўлиб икки сон бўлган

Бўлим-бўлим эллар қорақалпоқда...

деб ашула айтганимдан сўнг Абилай хоннинг авлодларидан бири, қорақалпоқ онадан туғилган Чўқон исмли йигит ёнимга келди. Ўзи жуда билимдон экан. Менга: “Қорақалпоқлар саҳродаги катта шоирлар ва ашулачилар... эканлигига кўзим етди” деб катта фахр билан гапириб берган эди.

Аттарг, унинг 34 ёшида “Бўзатов” қўзғолони пайтида елкасига урилган етти дарра кўзларига зарар етказган экан, эрта кўздан қолди...

“Бўзатов” ҳасрати элни шунчалик вайронагарчиликка гирифтор қилгани етмагандек рус подшолиги билан Хева хонлиги ўртасидаги ихтилофлар кучайди, яна биз кўплаб ҳасратларга дучор бўлдик... Чунки, Дарёнинг жанубидаги қорақалпоқлар Хева хонлиги қармоғида қолдирилди. Шимолдаги қорақалпоқлар эса рус подшолигининг ихтиёрига берилди. Бу эса оз сонли аҳолини иккига бўлибгина қўймасдан, уларни пароканда қилди... Бир онадан туғилган оғанилар атайин иккига ажратилди.

Қозоқ элларида халқининг кўплигига фахр туйғуларини уйғотиш мақсадида “У ёқ-бу ёқ бўлиб икки сон бўлган, бўлим-бўлим эллар қорақалпоқда” —

деб, шеър ёзган улуғ шоир Ажиниёз халқининг келажак тақдирига, энди уларнинг қайта қўшилиб, бир халқ бўлимига шнонмай, “Мен барчага ёлгончи бўлдим” деб куйлади.

Ҳақиқатдан ҳам, шоири ёлгончига айланган эл бахтсиз элга айланади. У бу ҳасратга чидай олмай, руҳий изтироблар азобида 54 ёшида оламдан ўтди...

Дарҳақиқат, бу бўлинишдан кейин халқ тақдири олдингидан ҳам оғирлашди. Хева хонига содиқ бўлиб хизмат қилганларни рус подшолиги, рус подшолигига содиқ бўлиб хизмат қилганларни Хева хонлиги оғир жазоларга гирифтор этди. Халқнинг, унинг раҳнамоларининг ҳаётини хавф остида қолдирди.

Мен ёшлигимда Туркистоннинг шаҳарлари бўйлаб саёҳат қилганимда, ҳаётни ўрганганимда келажак ҳали олдинда-ку, деган хаёл билан яшардим. Қирқ ёшдан сўнг Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Шом, Мисрни оралаб, Макага зиёрат қиларман, деган умидда эдим. Омон келсам, ота-боболаримизнинг излари билан Эдил, Ёйиқ соҳилларини, рус элини оралаб қайтарман деб орзу қилар эдим.

Бу орзумга етмай, мана, олтмиш ёшга келиб қолдим. “Олтмиш — у худди туш” дейди, доно халқимиз. Умримнинг нақд тушига энди етдим, деб ўзимни ўзим илҳомлангиришга уринсам ҳам, тушдан кейинги куёш менга аён. У пастга томон тез ботишга шошилади...

Майли, тақдирим қандай бўлса ҳам, мен бир инсонман. Лекин элимнинг тақдири келажакда қандай бўлишига рус подшолиги кўпроқ яхшилик қилади-ми ёки ёмонлик қилади-ми? Бу менга қоронғу эди. Халқимнинг пайдо бўлиши ва келиб чиқиши ҳақида қадимий афсоналар яратилган Кўнғирот, Хўжайли шаҳарлари — то кўҳна Урганчга чўзилган барча элатлар Қипчоқ, Куйик кўпир, Хева Хоразм хонлигида қолди...

Рус подшолиги шимолий қорақалпоқларга гўё ғамхўрлик қилгандек Шоббоз шаҳридан нарироқдаги Тўрткўлни рус номига ўзгартириб Петро-Александровск деган шаҳар қура бошлади.

Халқ саводсиз деб, энди русча мактаб ҳам очмоқчи шекилли... Билмадим, билмадим, келажакимиз қандай бўлишини билмадим...

Бу дунё торми, кенгми?
 Ўйлаб маъносин билмадим.
 Бу шум умр менга тенгми?
 Нима бўлишин билмадим...

Бундан 140-145 йиллари илгари номи афсонага айланган отамиз Маман бий Ўразан ботир ўғли шу кенг макондан нажот ахтариб, русларнинг буюк подшоҳига бош эгиб бориб, шартнома тузиб қайтган эди.

Аксинча шу кенг маконда улуғ подшоҳнинг кўзига кўринмай қолиб, халқимиз Сирдарёнинг Оролга куйиш ёқаларидаги макон жойларидан ҳам кўчирилмади. Ўшандан бери қайси рус подшоҳи бизни излади, сўзим тухмат каби ёлгон бўлмаслиги учун Ажиниёз шоирнинг қозоқлар ўртасида бўлиб эшитган бир янгилигини ёдга олайлик. Мекшеев деган бир рус олими Оқмачитга яқин жойдаги Кўктўнди кўрғонни қорақалпоқлар қуриб кетган эди, деб ёзганмиш... Боболаримиздан қаерда, қандай кўрғон, қалъа, боғлар қолмаган?.. Бир пайтлари жаҳон маданиятида донғи кетган Кердерлар қалъасини Ёнбошқалъа, Қўйқирилганқалъа, Қирққиз қалъа, Гавир қалъани... санаб адоғига етиш қийин, неча-неча буюк қалъаларни араб, форс илм-фанида номлари машҳур бир қанча кароматли боболаримизнинг барча мусулмон вилоятларининг халқларига зиёратгоҳ бўлган буюк, кароматли қабрларини ташлаб кўчган эди... Энди, худога шукур, шу ота-боболар маконларига қайтиб келиб яшамоқдамиз...

КЎРИНИШ

Б е р д а қ н и н г а ё л и. Азизим, ташқарида хабарчи келиб турганига анча бўлди. Сенинг хаёлларингни бузмаслик учун киритмай турдим. Жуда шошиб турган экан.

Б е р д а қ. Қандай хабар айтмоқчи?
 Б е р д а қ н и н г а ё л и. Ойтека бойнинг тўйи бор экан, шунга таклиф қилиб келган.
 Б е р д а қ. Майли, кирсин!
 (Бердақнинг хотини эшик томон юради.)

Парда ёпилади

КЎРИНИШ

Ёпиқ парда олдида девоналар, етим-есирлар, ҳар томондан йиғлашмоқда.

1-д е в о н а. Бердақ шоирнинг тўйга бормаганига кўп вақт бўлган эди.
 1-е т и м. Уйида ўтириб катта дoston ёзганмиш.
 2-е т и м. Унинг дoston ёзганидан кўра тўйда шеър айтгани бизга афзал.
 3-е т и м. Албатта. Пул кўп тушади. Пули кўп бўлса, бизга ҳам кўп беради.
 2-д е в о н а. Шу йўлдан қайтармикин?
 1-е т и м. Тўйга шу йўлдан бораётганини кўрдим.
 1-д е в о н а. Бердақ шоир тўйга қайси йўл билан борса, шу йўл билан қайтади.
 2-е т и м. Бердақ шоирдан бошқа бахшилар тўйдан қайтса, нега садақага пул тақсимламайди?
 1-д е в о н а. Бу ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Бердақ шоир жуда меҳрибон инсон.
 2-е т и м. Уйида ортиқча мол-дунё ҳам йиғмайди.
 1-е т и м. Бердақ шоирдек сахий одамлар кам...
 2-д е в о н а. Тўхтанглар, сахий шоир овози! (Ҳамма тинглайди.)
 1-д е в о н а. Қандай баланд овоз! Бутун қорақалпоқ элига эшитилади-я.
 1-е т и м. Тинчланинглар, эшитайлик!

Аста-секин парда очилади.

Етимлар, девоналар кўринмай қолади. Кўп одамлар ўртасида Бердақ куйла-япти.

Б е р д а қ.

Сувга шуъла сочган кўк юлдузлар
 Сояда ўтирган нозанин қизлар.
 Эсимга тушганда юрагим жизлар
 Қайси боғнинг анори бор, замонда,
 Золимлар эзмоқда халқларни чексиз,
 Юзида қони йўқ нуқул иймонсиз
 Баъзилар ўтирар термулиб нонсиз,
 Душманлар жабри ўтган замонда.
 Бу дунёда айтган билан фойда йўқ,
 Шод бўлармиз деган энди ўйда йўқ,
 Қўнглим шод бўлмас бундай замонда.
 Ўйласанг бу дунё бепоён экан,
 Бойлар — йўлбарс, тулки, халқ — қуён экан.
 Қоронғу қоплаган қайғули замонда
 Йилдан йилга замон тескари айланди,
 Йўл тополмай ақллилар ўйланди.
 Чечанлар тилларидан бойланди,
 Қоронғу қоплаган ғафлат замонда.

О в о з л а р. Кўп яша, Бердақ!

— Халқнинг сўзлар тилисан ўзинг!

— Халқимизнинг бахтига омон бўл!

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

136

КЎРИНИШ

Шошилинич ҳолда тўй эгаси Ойтека бой билан Туман ҳоқими келади. Томошабинлар уларни кўриб ҳайрон. Жим-житлик ҳукм суради.

Ҳ о к и м. Қани, бахши, тур ўрнингдан! *(Бердақ ҳайрон. Томошабинлар ҳам ҳайрон.)*

О й т е к е б о й. Мен ўз халқимнинг асл элсевари бўлганим учун, бугунги тўйимга чақирилган ўзбек, туркман, қозоқ, қирғиз бахшилари билан бирга ўзимизники ҳам айтсин, бошқалар билан беллашсин, иложи бўлса, енгсин, деб Бердақни ҳам таклиф қилган эдим. Сен, Бердақ, ҳамкасбларинг билан беллашиш ўрнига “Замонда” деган қўшиқ айтиб, бутун Хева хонлигининг, бутун рус подшолигининг, туманимиз ҳоқимининг, бий ва қишлоқ оқсоқолларимизнинг ва менинг кайфиятимни буздинг! Раҳбарларда нима гуноҳ бор? Замонда нима гуноҳ? Ёлғиз Худонинг бизга инъом этган одил ва эркин замонида яшамоқдамиз. Ҳурматли ҳоқимимиз ҳам сенинг тилагингни тилаб, шу тўйда Бердақ ютса, барчамизга обрў деб сени тинглаш учун келган эди. Барчамизнинг, одил, халқсевар ҳоқимнинг сенга бўлган ихлосларини пучга чиқардинг-ку!..

Ҳ о к и м. Ойтеке бой, тўй сеники, шу боис гапни кўп чўзмасдан, олдиндаги дастурхонни йиғиштир!

О й т е к е б о й. Эй йигитлар! Йиғиштиринглар олдингиздаги дастурхонни. *(Икки йигит олдинга ўтади.)*

Ҳ о к и м. Бу нодон шоирнинг сўзлари хонга етмагай!

1-б о й. Бу бахши, менимча, ҳоқимнинг душмани! Хон билса, элида шундай шоир бор экан деб ҳоқимни зиндонга ташлайди.

Ҳ о к и м. *(Ҳовлиқиб Ойтеке бойга.)* Ҳаракат қил, тез қимирла! Дуторни ол! *(Бердаққа юзланади.)* Ҳалойиқ, мана бугун элимизнинг энг атоқли бойининг тўйи. Бу шоир замонни шундай қоралайди, ундан қандай ёмонлик кўрдикин? Очиқ айтсин! Йўқса, тухмат учун тили кесилади. Лекин бутун қорақалпоқ элига номи машҳур бойнинг тўйи бузилмасин деб жиндек сабр сақлаб турибман. *(Бердақ туради. Томошабинларнинг ташлаган пулларини олдиға ёзилган катта оқ рўмолдан йиғиштиради.)*

О й т е к е б о й. Тегмангиз! Томошабинлардан тушган пулларни талон-торож қилмай, харажатимизни қопламасам, тўй берганимдан не фойда? *(Эргаштириб юрган ёрдамчисига буюради.)* Ол қўлидан! *(Уосилади. Бердақ бермайди.)* Кўрдингизми қандай зикна?!

Ҳ о к и м. Бердақ шоир, Бердақ бахши деганда яхши одамми десам, худди молпарастнинг ўзи-ку!

1-т о м о ш а б и н. Бердақ, сенга нима бўлди?

2-т о м о ш а б и н. Замонни тўғри баҳолаганинг учун ҳамма сени тинглашга келган эди. Пулга осилиб, обрўни тўққинг-ку!

О й т е к е б о й. Пул учун ор-номусини сотадиган инсон эканлигини мен ҳам билмас эдим. Пулга қизиқиб, элинг, бошчиларнинг замонини хўрламайдиган шоирлар кўп орамизда.

Ҳ о к и м. Қани, шулардан бири чиқсин!

О й т е к е б о й. Ҳа, шоир бола, мана бу Бердақнинг дуторини ол қўлидан!

Н о м а ʼ л у м ш о и р. *(Кўпчилик орасидан узун озғин биров олдинга ўтиб Бердақнинг қўлидан дуторини тортиб олади.)* Ҳалойиқ, тингланглар!

О й т е к е б о й. У дутор ушласа, олтин сўзлар оғзидан сувдек оқади. Тингланглар! Шоир, аввал ҳоқимни таърифлаб қўшиқ айт!

Н о м а ʼ л у м ш о и р. Гал-галай куйига айтаман. Тингланглар!

Туш отингдан, келчи ҳоқим қошимга,
Биз чиқайлик Қиронтовнинг бошига...
Гал-галаййй...
Номингиз ҳам ўйиб ёзилсин!
Товнинг тегирмондек тошига.

О в о з л а р. Азамат, азамат!

Ҳ о к и м. Шоирга сарпо ёпинглар!

О й т е к е б о й. (*Эгнидаги чопонини ечиб ёнади.*) Бердақ шоирга пул тушса сеники. (*Пул ўралган рўмолни Бердақдан тортиб олишга интилади*)

Ҳ о к и м. Эй, Ойтеке бой, майли тўйингиз бузилмасин. Пул зикна шоирнинг ўзида қолсин, дуторини олингиз!

Н о м а ъ л у м ш о и р. Бердақ азалдан пул учун туғилган.

Б е р д а қ. Ўзи ўғрига бошқалар ўғри, ўзи ғарга бошқалар ғор, ўзи ювинди-хўрга бошқалар ювиндихўр бўлиб кўринади...

Ҳ о к и м. (*Жаҳли чиққан.*) Шоир, бари бир дуторингни олиб қоламиз. Сўраб келганинда гаплашамиз.

Б е р д а қ. Майли... бироқ пулга тегманглар!.. (*Томошабинлар ҳайрон.*)

Парда ёпилади

КЎРИНИШ

Парда олдида аввал кўринган деворлар, етим-есирлар яна пайдо бўлади. Уларга хайр-саховат тиловчи қариялар, кўзи ожизлар кўшилган. Ҳаммаси шошиб, йўлга тикилишиб туришибди.

С ў з л а ш у в л а р. Оч қадик. Бердақ шоир қайтмади-ку? Тўй ҳали тарқамаган шекилли.

— Катта дабдабали тўй. Юртимиздаги энг машҳур Ойтеке бойнинг тўйи!

— Шаҳардаги ҳокимнинг ўзи саронжомлик қилиб юрибди, — деб эшитдим.

— Тўйнинг дабдабаси бўйича унга ўзбек ва туркманлардан ташқари шимолдаги қозоқлардан, ҳатто Олатовдаги оқ қалпоқли қирғизлардан бахшилар чақиртирилган...

— Ана ўзи келаяпти! Ўзи!

— Қани, тартиб бузмасдан қатор туринглар!

— Эгнида хуржини бор, бироқ дутори кўринмайди-ку?

— Ие?!

— Кимнинг кўзи ўтқир? Кайфиятига қаранглар!

— Ёмон эмас шекилли?

КЎРИНИШ

Б е р д а қ. (*Кутувчиларга яқин келади. Улар салом бериб, бош эгиб туради.*) Ассалому алайкум, менинг биродарларим! Кўп кутиб қолдингиз-а? (*Ҳамма жим-жит эгилиб, қўлларини ёзади, эгнидаги хўржинидан пул тугилган оқ рўмолни чиқариб, очади-да, кутиб турганларнинг биронтасиниям бўш қолдирмасдан, ҳамма пулини тақсимлаб, бўшаган рўмолни чеккада турган бир аёлга ташлайди.*)

Бердақ ҳамма пулини улаштириб бўлгач, хўржинининг тагини қоқиб, яна иккита рўмол олади-да, четда ийманиб турган икки етим қизнинг бошига солади.)

Б е р д а қ. Қани, дўстлар, қўлларингизни очинглар, Худо Сизларни кўриб, замонимизни обод этсин! Омин!

Ҳ а м м а. Омин! Омин! Омин!

(*Бердақ хайрлашиб кетади.*)

Қ а р и д е в о н а. (*Атрофдагиларга.*) Мен орангиздаги янги одамман. Кўп элларни оралаб, кўпгина яхши-ёмон ишларни кўрдим. Бундай сахий сахро булбулини учратмаганман. Биласанми, бир афсона бўйича Искарилот Зулқарнайин бир ҳарбий сафарга отланганида ҳамма пули-

ни, мол-дунёсини саркардаларига, навкарларига ва етим-есирларга улаштириб берар экан. “Ие, ўзингизга ҳеч нима қолдирмадингиз-ку”, деганида: “Мен келажакдан умид қилиб яшайман” дер экан. Бердақ шоир ана шундай келажакка умид қилиб яшар экан! Демак, у ўзининг буюк шоирлигига, шунинг учун оч қолмаслигига ишонади.

1-е т и м. Ҳокимларимизнинг, бошчиларимизнинг етим-есирларга, оч-яланғочларга озгина меҳри бўлганида эди, замон бундай бўлмас эди...

Парда очилади. Етимлар кўринмай қолади

КЎРИНИШ

Бердақ уйида, жуда қариган. Устида сиёҳ, дават, қоғозлар ётган хонтахтага кўксини кўйиб, ўзининг ёзганларини ўқиб ўтирибди.

Б е р д а қ.

Бу дунёга келгали
 Бўлдими, менинг деганим?..
 Маъракада ўпоқ бўлдим,
 Дарбадардай сўпоқ бўлдим.
 Кўлга борсам кўшоқ бўлдим,
 (Бошини кўтаради.)
 Уйлангиз энди халойиқ,
 Шуми бизга лойиқ?..
 Поёнсиз дунё бемурод,
 Ўтганлардан ол ибрат.
 Кўп йиғлама, Бердимурод,
 Айтсанг дардинг кўпдур сенинг...

(Туради.)

Кўй, кўнглим! Кўп ранжима! Энди Шиблий шайх қабрига бориб кўнглимни босиб, унинг руҳи билан сирлашиб келай.

Дарҳақиқат, ўз еримизда ётган ҳамюрт кароматли одамларнинг руҳларини яхши қадрламаймиз-ов. Бир элат оқсоқолларига, “халқингиз обод бўлсин” деган фотиҳаси билан шу элга “Халқобод” деб ном берган Шиблий шайх ўз даврида катта каромат соҳиби бўлган-ку... Аттанг, замонида тўғри тушунилганми?

КЎРИНИШ

Эшикдан секин силжиб Ҳоким киради-да, сўнгги сўзларини эшитиб, бошқа ҳеч кимни киритмаслик учун эшикка орқасини суяб туради (Шивирлайди.)

Ҳ о к и м. Шоир ёлғизликда нималарни ўйлайди экан? Тинглайинчи... (Бердақ уни пайқамайди. Хаёлини давом эттиради.)

Б е р д а қ. Шиблий шайхнинг исми шарифи кимлигини ҳамма билавермайди. Агар Навоийни ўқимаганимда эди, мен ҳам билмас эдим. У буюк Шиблий шайхнинг исми шарифи Жаафар бинни Юнус экан. Ҳижрий 334-йилда 87 ёшида Оллоҳнинг омонотини топширган ва шу Халқобод элатига дафн этилишини ўтинган. Улуғ шайхнинг тўғри дўзахга борадиган новвой ҳақида айтгани эл оғзида бугунги кунгача афсона...

КЎРИНИШ

Ташқаридан итарилган куч билан эшик очилиб кетиб, Ҳокимнинг ҳамроҳи кўлига дурор ушлага ҳолда чалқанчасига йиқилади-да, ҳовлиқиб бирдан туради. Бу шовқиндан сесканган Бердақнинг Ҳокимга кўзи тушади.

Б е р д а қ. Ассалому алайкум! Келинг, келинг!

Ҳ о к и м. (Унга қарамай, ҳамроҳининг қўлидан дуторни олиб, орқасига тегиб юборади.) Лаънати! Шунча шошилиб, ҳовлиқиб менга нега ҳалақит бердинг!

Ҳ а м р о ҳ и. (Туриб.) Хуржинни ҳам келтирайми?

Ҳ о к и м. Чик! Хуржинни янгага топшириб, ўз қўлинг билан кийинтир! Чақирмасам кирма!

Б е р д а қ. Утираверса ҳам бўларди-ку!..

Ҳ о к и м. Ҳамроҳлар доноларни тинглаб ўрганса, ўзини доно санаб, эгасини танисмай кетади.

Б е р д а қ. (Ғазаб билан ҳокимга қарайди.) Хотинимни чақирай, чой қайнатсин!

Ҳ о к и м. Менинг ҳамроҳим унга сарполарни бериб бўлсин. Сиз менга хаёлингизнинг давомини айтингиз. Шундай қилиб, Шиблий шайх дўзахга борадиган новвой ҳақида нима деган?

Б е р д а қ. (Кулимсираб.) Шундай афсона борлигини қаердан эшитдингиз?

Ҳ о к и м. Мен салом бериб кирган пайтда ўзингиз хаёл суриб ўтирган экансиз... Эшикнинг очилганини пайқамадингиз, мени кўрмадингиз... Шеръ ёзиш сирларингизни кўрайин деб нафасимни ичимга ютиб турдим.

Б е р д а қ. Ундай бўлса, майли, тинглангиз. (Иккаласи ҳам ўтиради.) Шу “Халқобод” элатида (биллингиз Шиблий шайхгача шу элатнинг номи бошқача бўлган) бир новвой бор экан. У Шиблий шайхнинг кароматли шуҳратини эшитиб, унга хизмат қилишни, фотиҳасини олишни, орзу қилиб юрар экан. Шундан, бир куни, у тандирдан нон чиқараётганида бир дарвеш келиб салом беради.

Новвой унга “Нон енг” деб дастурхонга солиб икки чўрак узатади, дарвеш оч экан. Икки чўракни олиб, қўйнига солади-да, кетаверади. Новвойнинг бунга жаҳли чиқиб, “Сендек дарвешдан алданадиган мен эмас” деб қўлидан икки чўрагини олиб қолади. Дарвеш индамасдан йўлига равона бўлади. Бунни кўрган новвойнинг ёрдамчиси “Ие, Сиз, Шиблий шайхни бир кўрсам, меҳмон қилсам, деган армон билан юрар эдингиз. Ҳалиги дарвеш ўзи эди-ку?!” дейди. Новвой бирдан ўкинч билан ёнбошига уриб, дарвешнинг орқасидан югуриб кетади ва узр сўраб бир оқшом меҳмон бўлишини ёлвориб сўрайди. “Ундай бўлса, майли, бироқ овулингнинг оқсоқолларини ҳам қўшиб чақир” дебди. Новвой худди шундай қилибди.

... Қишлоқ оқсоқоллари Шиблий шайх билан суҳбатлашиб ўтирганида биттаси “Эй, Кароматли шайх, очиқ айта оласизми, бизнинг қишлоқни оралаб, тўғри дўзахга борадиган одамни учратганмисиз?” деб сўрайди. Шунда Шайх оқсоқоллар жамоасига қараб “аввало барчангизга фотиҳа берайин, илоҳим халқингиз обод бўлсин!” дебди... Шундан бошлаб ўша эл “Халқ обод” аталган. “Овулингиздан тўғри дўзахга борадиган одамни билмоқчи бўлсангиз, у бугун ҳаммамизнинг бошимизни қўшиб, зиёфат бераётган Новвой” дебди.

Ҳ о к и м. Нега?!

Б е р д а қ. “Ғарибларга, оч-яланғоч ва муҳтожларга ҳеч нима бермай, ўз шуҳрати учунгина одамни ҳурмат қиладиган кишиларнинг жойи, албатта, дўзах” дебди.

Ҳ о к и м. “Шиблий шайх” қабри бундан бошқа жойда ҳам бормикин?

Б е р д а қ. Ёшлигимда Туркистонга борганимда, Тошкент шаҳрига Дўстмуҳаммад қорақалпоқ деганининг ҳоким бўлганлигини эшитганман. Шу сабабчи бўлса керак, Шиблий шайх номи у ёқда ҳам бор.

Ҳ о к и м. Ўтган гал тўйда дуторингизни олиб, қийнаганим учун менга кек сақласангиз, кечиринг, деб дуторингизни шахсан ўзим келтирдим (узатади).

Б е р д а қ. Раҳмат! Кек ҳақида ўйламангиз. Мабодо менга ёмонлик қилган ҳокимларга, бий ва бойларга кек сақлаб, улардан ўч олиш йўлларини ўйлаб юрадиган бўлсам, ўтмишдаги буюк донолар китобларини ўқишимга, халқимиз тақдирига доир афсоналар тинглашимга, улар ҳақида ўйлашимга, халқимиз керак бирон-бир нарсалар ёзишимга вақт топармидим?.. “Поклик эгилса ҳам синмайди...” Мана, охирида дуторимни ўзингиз келтирдингиз.

Ҳ о к и м. Сиз улуг шоирсиз. Куёш қаерга қандай нур сочса ҳам беқадр бўлиб қолмайди. Ростини айтсам, Сизга хизмат қилган янгамизга бир қатор

янги либослар келтирган эдим. Ҳамроҳимга ўзига топширақол деганим шу эди. Агар янгани чақирсангиз, кийиб ҳам улгургандир.

Б е р д а қ. (Ҳайрон.) Ёпиримай!

Ҳ о к и м. Элимизда бир-биримизнинг муҳтожлигимизни битириб, бир-биримизни мақтаб, эл эгаларини ҳам улуғлаб яшаганимизга нима етсин?..

Қани, чақиринг, янга келсин... Ҳу, янга!!!

Б е р д а қ. (Узича.) Бунга мендан нима керак бўлди экан? (Ташқарига қараб чақиради.) Эй, Ҳурлиманнинг онаси!!!

КЎРИНИШ

Ҳоким келтирган янги либосда Бердақнинг хотини киради.

Б е р д а қ. (*Ё кулишини, ё жеркиб юборишини билмай, ҳайрон.*) Ўзгариб кетибсан-ку?!

Ҳ о к и м. Янганинг қувончли юзини кўрдим. Бахтлиман! Шоир оға, энди Сизга мукофот, мендан эмас, ҳурматли хонимиздан бўлади. Уйни тайёрлаб туринглар, ҳозир Хон ясовулини эргаштириб келаман. (*Ҳоким чиқиб кетади.*)

Б е р д а қ н и н г а ё л и. Ҳокимни кузатишингиз керак эмасмиди?

Б е р д а қ. Керак эди... Лекин сен, бу либосларни олиб тилимни танглайим-га ёпиштирдинг-ку.

Б е р д а қ н и н г а ё л и. Сен ҳам ҳокимдан, хон ясовулидан илиқ сўзларингни аямай қўяқол. Қайсарлигингдан нима фойда топаяпмиз?

Б е р д а қ. Ҳокимнинг порахўрлигини, ялтироқ сўзларга чечанлигини, иккиюзламачилигини биламан. Шунинг учун лаганбардорлик қила олмайман.

Б е р д а қ н и н г а ё л и. Довдирама, азизим. “Яхши сўз билан илон инидан чиқади”. У шоир мени мақтаб ёзса керак деб юраверсин. Шунинг учун ўзини кўрганда жуда бўлмаса, камтарона сўзлаш. Дарвоқе, улар келгунча чой қайнатиб қўяйин. (*Чиқиб кетади.*)

Б е р д а қ. (*Ўз жойига ўтириб, алланарсаларни излаб, яна бошини кўтарди. Осмонга қўл чўзади.*) Халқимнинг, барча туркийларнинг тарихини, тақдирини ўйласам... Соҳибқирон Амир Темур доимо кўз ўнгимда гавдаланади. Эҳ, Оллоҳ замон алғов-далғов бўлиб турганда Амир Темурни қайтадан берсанг нима қиладиди?.. Эҳ, Оллоҳ!

Замон нечук замон бўлди,
Замон эмас, туман бўлди.
Тумандан ҳам ёмон бўлди,
Бандага ўзинг паноҳ бер!...
Паноҳ бер... Кудрати кучшим.

КЎРИНИШ

(*Овул бийи киради.*)

О в у л б и й и. Ҳоким ҳазратлари мартабаси улуғ хон ясовулини бошлаб келмоқдалар.

Б е р д а қ. Келсин!..

(*Шошилинич қовушини кийиб, чопонини елкасига ташлайди-да, овул бийининг ортидан ташқарига чиқади.*)

КЎРИНИШ

(*Бердақнинг аёли кириб кўрпачаларни қайта тўшайди. Бердақ меҳмонларни бошлаб киради. Овул бийи пойгакда қўл қовуштириб туради.*)

Б е р д а қ. (*Остона ҳатлаганларга эшилиб қуллик қилади.*) Хуш келибсизлар, азиз меҳмонлар... Қани, тўрга!..

Ҳ о к и м. (*Пойгакдаги овул бийига бурилиб қарайди.*) Мартабаси улуғ хон ясовулиннинг хурматига овул оқсоқолларини тез йиғиб келинг! Тезроқ қимирланг!

О в у л б и й и. Бош устига. (*Чиқиб кетади.*)

Х о н я с о в у л и. (*Ҳокимга бурилиб.*) Сиз менинг навкаримни ҳам ичкарига таклиф қилинг!

Ҳ о к и м. Маъқул. (*Чиқиб кетади.*)

Х о н я с о в у л и. Ҳокимингиз ниҳоятда ақлли инсон-да! Ҳақиқий элпарвар!

Б е р д а қ. Бизнинг элимизга, ҳокимимизга илтифотингиз учун ташаккур!

КЎРИНИШ

(*Эшикдан ҳоким билан навкар киради.*)

Х о н я с о в у л и. Сиз худди хон саройининг олдида тургандек улуғ Бердақ шоирнинг эшиги олдида туринг! Бундай улуғ шоирнинг эшигида пос-бонлик ҳам сиз учун шараф эканини унутманг! Овул бийи чақиртирган оқсоқоллардан бошқалар кирмасин!

Н а в к а р. Куллуқ! (*Чиқиб кетади.*)

Ҳ о к и м. (*Узини эркин ҳис қилиб, жуда яйраб-яшнаган авзода.*) Юксак мартабали хонимизнинг шунча иззат-икроми учун чексиз миннатдор бўлсангиз керак, шоир оға?

Б е р д а қ. (*Тушунмайди.*) Албатта!.. (*Бердақнинг аёли ҳоким олиб келиб берган янги либосда дастурхон кўтариб киради.*)

Ҳ о к и м. (*Маъноли кулиб хон ясовулига қарайди.*) Янгамизнинг устидаги либосга қаранг, зап ярашибдими! Шоҳона илтифотнинг қадрига етганнинг садағаси кетсанг!

Б е р д а қ н и н г а ё л и. Ҳоким қайним, боягида бир камбағал тўйга боришда юртга ўзининг йўқсиллигини сездирмаслик умидида ўзига тўқ қўшнисининг тўнини сўраб кийган экан. Ўша қўшниси тўйда камбағал дўст-қадрдонлари ўртасида яйраб ўтирганида “Ҳой, қўшни, устингдаги тўнимни қачон қайтарасан?” деб сўраган экан...

Х о н я с о в у л и. (*Бердақнинг авзойи бузилганини пайқаб.*) Янгамиздан шундай ўтқир гаплар, нозик қочиримлар чиқмаганида улуғ шоир бўлармиди?.. Шоир оға, Сизни туркий халқларнинг “Шажара”сидан дoston ёзятти деб эшитдим. Озгина тингласак бўларди?

Б е р д а қ. Меҳмоннинг илтимосини ерда қолдирадиган қорақалпоқ бўлмайди... Марҳамат... Билсангиз керак, биз барча туркийлар бир ота-онадан ўсиб-унганмиз. Кейин бир-биримиздан туғилишиб, ўзимиздан кўпайишиб, ҳар биримиз ўзимизча ўтов қуриб, хонликларга, подшоликларга, миллатларга бўлиниб кетганмиз.

Х о н я с о в у л и. Сизни буюк Хива хони жуда-жуда элсевар донишманд деб билади...

Б е р д а қ. Эшитингизлар:

Расулulloҳ буроқ миниб
Арши Аълога борган экан.
Худо билан роз айтишиб
Ҳақ дийдорин кўрган экан...
Гул юзлари шамсу қамар —
Абу Бакр, ҳазрат Умар,
Усмон, Али — тўрт хорёр
Пайғамбарга ёрон экан.
Ўттиз уч минг саҳобаси,
Жумла араб қабиласи
Хизмат этдилар барчаси
Пайғамбарлик замон экан...

Хон ясовули. Бамаъни сўзлар!
Бердақ.

Ёздим халқнинг шажарасин,
Эшитиб шажаранинг маъносин,
Барчанинг ота-бобосин,
Айтиб баён қилсам экан...
Энас ибн Малик иши —
Пайғамбарнинг саҳобаси.

Энас қозоқнинг бобоси —
Урани “алаш” бўлган экан.
Сахро халқи кечиб-кезмак.
Кентли ердан Ватан тузмак.
Маликнинг бир ули ўзбек
У сипойи бўлган экан.
Ўзбекка расул назар солди.
Мол-дунёси обод бўлди.
Ўзбек аёлни кўп олди,
Жуда ўсиб-унган экан.
Ўзбек азалдан бий бўлди,
Сипоҳилик йўлин қувди,
Бойбичасидан Мойқи тувди,
Халққа оға бўлган экан.
Мойқининг ули Сейилхон,
Ундан эгиз ул тувилган,
Отлари Озорбой, Туркман бўлган.
“Жон”и кейин қўшилган экан.

КЎРИНИШ

Овул бийи. (*Киради.*) Оқсоқоллар тўлиқ келишди.
Хон ясовули. Андақ тўхтаб туришсин. Шоир, сиз давом этаве-
ринг...
Бердақ.

Энаснинг бир ули Қирғиз,
Айтганидан қайтмас ҳаргиз.
Ёвда қолса-да, ёлғиз,
Мунгли йўлдош қолмаган экан.
Маликнинг бир ули Рози ҳақ,
Ёшлигида кийди гулпоқ,
Кийган экан қора қалпоқ,
Шундан “қорақалпоқ” бўлган экан.

Хон ясовули. Ў-ў, қандай зўр! Бош кийим энг қадрли кийим.
Шунинг оти билан аталиш жуда зўр, зўр.
Бердақ. Ўзимизнинг Қиёт шаҳрида туғилиб ўсган шажараси улуғ ал-
лома бобомиз Ал Беруний она юртимга эътибор қилгани учунмикан, “Қа-
димги лашкарлар орасида юқори лавозимдагилар ўзларини бошқалардан аж-
ралиб кўрсатиш учун тож ё қалпоқ кийишарди” деб ёзган. Халқимиз ўша
қалпоқ кийганлар руҳи билан яшаб келяпти...

Тотган пайғамбар тузидан
Маликнинг кенжа қизидан,
Кўп тўйинган увизидан
Уйғур ул бўлган экан...

Х о н я с о в у л и. (*Эшик олдидаги Овул бийига*) Айтинг, энди киришсин.

6-7 одам салом бериб киради. Ҳаммалари хон ясовулига бош эгиб саломлашади. Бердақнинг аёли ўзининг одатдаги кийимларида чойнак-пиёлалар кўтариб киради. Ҳоким бир хон ясовулига, бир Бердаққа қараб, қаттиқ безовталанади.

Х о н я с о в у л и. Биродарлар, Худонинг ердаги сояси бўлган улуғ Хива хонидан улуғроқ ҳеч ким йўқ. Бас шундай экан, аввало худонинг ердаги соясига хизмат қилсак бўлмайдимиз?

Ҳ а м м а. Қуллуқ, улуғ хонимизнинг қамчиси! (*Бердақ ҳеч нимага туншунмай, бир хон ясовулига, бир ҳокимга қарайди.*)

Х о н я с о в у л и. Мен сизга айтсам, ҳурматли бийлар, оқсоқоллар, биродарлар, элингизда Бердақдек шажарачи шоир борлиги сизнинг бахтингиз...

О в о з л а р: Албатта... Албатта...

О в у л б и й и. Барчамизнинг, қолаверса, Бердақ шоирнинг ҳам бахти қуёшдек нур сочиб турган улуғ хонимизга боғлиқ. Илоё қуёшимиз ҳамиша омон бўлсин!

1-о в у л о қ с о қ о л и. Бердақдек улуғ шоирларимизнинг эшигига посбон қўйгани учун хон ясовули ҳам минг яшасин.

Ҳ о к и м. (*Икки кўзи лиқ тўла хуржунни кўтариб киради.*) Оғир экан.

Х о н я с о в у л и. Худонинг ердаги сояси бўлмиш улуғ хонимиз бизларга “Инсонга инсоннинг қувончини кўришдан ортиқроқ қувонч йўқ” деб ўргатади. Шунинг учун элнинг бир мўътабар инсони “Бердақни қувонтириб қайтинг” деб мени юборди.

(*У хуржунининг ипларини ечиб очади. Барча ўтирганлар ўринларидан турадилар...*) Қани, қорақалпоқ элининг суюкли шоири Бердақ Қаргабой ўғли, менга яқинроқ келинг! (*Бердақ яқинроқ келади. У хуржунидан сулув чўғирма чиқаради.*) Мана, бу сизнинг олтин бошингизга. Бундай чўғирмани хон ўзига содиқ, энг ҳурматли фуқаросига инъом этади!.. (*Кийдирадида, хуржунидан хонатласдан тикилган зарбоф чопон чиқаради.*) Бу улуғ хонимизнинг ўзлари киядиган чопонларидан бири! (*Кийгизади ва хуржундан зарбоф белбоғ олади.*) Улуғ хонимизнинг белбоғларидан бири! (*Бердақнинг беллига боғлаб хуржундан сариқ рангли бежирим маҳси билан гулмихланган ковуш чиқаради.*) Улуғ хонимиз фақат ўзларига атаб тиктирган маҳси-ковушларидан танлаб бердилар! (*Қўлига ушлаатади.*) Шошилмай кияверасиз. (*Хуржуннинг иккинчи кўзидан танга тўла ҳамён чиқариб, уни шиқирлатади.*) Бунинг неча тилла эканини айтмайман, Худо хоҳласа, умрингизнинг ярмига етади. Хонга ёқсангиз, кўнглига йўл топсангиз, у киши жуда сахий, яна марҳамат қилади...

Инъомлар қутлуғ бўлсин!

Ҳ а м м а. Муборак бўлсин, шоир!

Б е р д а қ. (*Хондек кийинган, бир қўлида ковуш-маҳси, иккинчи қўлида пулли ҳамён.*) Улуғ хонимизнинг бундай илтифотларига муяссар бўлганим учун бошим кўкка етиб, қалбим қувончга тўлганидан тилимга сўз келмай қолди. Оллоҳ Таолонинг ердаги сояси бўлган хонимизга мингдан-минг раҳмат. Бироқ улуғ хонимизга бир ўтинчим бор эди...

Х о н я с о в у л и. (*Кўтаринки кайфиятда.*) Айтинг! Бугун ҳар қандай ўтинчингиз ижобат бўладиган кун.

Б е р д а қ. Ундай бўлса, ҳурматли ясовул, сиз менинг бир тилагимни улуғ хонга етказа оласизми?

Х о н я с о в у л и. Албатта! Хон ҳазратларининг ўзлари ҳам сизнинг нима деганингизни сўрайди, ахир.

Б е р д а қ. Ундай бўлса, айтингки, мен ўзимни улуғ хоннинг бундай ажойиб илтифотларига муносиб деб ҳисобламайман. Чунки мени хоннинг ўзи ҳеч қачон кўрган эмас, сўзларимни ҳам ҳеч қачон ўз қулоқлари билан эшитган эмас...

Хон ясовули. “Сийпаганни эшак билмайди” деган мақолдан улуғ хонимиз беҳабар деб ўйлайсизми?

Бердақ. Улуғ хонимизнинг ақли етмайдиган гап ҳам, мақол-матал ҳам йўқ. Шуни билганим ҳолда мана шундай ечимга келдим.

Ҳоким. Сен ўзингни эмас, халқимизни масҳара қиляпсан. Сени хонга мен мақтаб борган эдим. Агар сарпога интизор, пулга ўч бўлмаганингда, покдомон бўлганингда, ўша тўйда дуторингни ташлаб, йиғилган пулни маҳкам бағринга босиб олиб кетмаган бўлар эдинг.

Бердақ. Аёлимга олиб келган либосларингизни ҳам қайтариб олинг.

Ҳоким. Худо не берса ҳам ўзи эмас, бировнинг қўли билан беришини тушунмай, қанақасига шоир бўлиб юрибсан?

Бердақ. Худога шукр, унинг ҳеч ким орқали эмас, ўзи бериб қўйган бахши-шоирлиги бор. Шу менинг кун кўришим учун етади.

Хон ясовули. Навкар! (*Ташқаридаги навкар зипиллаб киради.*) Манови нарсаларни хуржунга солиб опчиқ! (*Навкар буйруқни адо этади.*) Энди манови ҳокимнинг қўлларини орқасига қайтариб боғла! (*Навкар бу буйруқни ҳам бажо келтиради. Хон ясовули аччиғланиб чиқиб кета туриб овул бийига буюради.*) Бу уйга ўт қўйинглар! (*Овул бийи ўчоқдан ўт олишга интилади. Оқсоқоллар уни қўплашиб тўхтатадилар.*)

Овул бийи. Хон ҳукми — худо ҳукми! Мени бўшатириллар! (*Ташқаридан ўт қўйилгани маълум бўлиб ичкарига тутун киради.*) Ана, ўт! (*Ҳамма ташқарига югуради... Ўт ўчирилади. Барчалари қайтиб кирадилар.*)

Оқсоқол. Хон ясовули улуғ хондан ёмон фармон олиб келмаса майли эди...

Бердақ. Овулдошларим, уларнинг менга қилган совға-саломларини, менимча, улуғ хонимиз билмайди. Ҳаммаси ўз ҳокимимизнинг ўйлаб топган шумлиги. Шундай қилсам, Бердақ хонни мақтаб, замонни олқишлаб шеърлар ёзади, мен ишни мана шундай дўндирдим деб хонга мақтаниб бормоқчи бўлган...

1-оқсоқол. Нима, хон ясовули унинг алдовига учганми?

Бердақ. Порахўрларнинг кўзи фақат бир қисим тупроққагина тўяди. Агар улуғ хонимизнинг атрофидагилар пулга сотилмаганида, хон, ҳақиқатан ҳам, Оллоҳ Таолонинг ердаги сояси эканини бутун халқ тан олар эди. Мен шунга ишонаманки, Хоннинг ёлғиз ўзидан ёмонлик чиқмайди.

2-оқсоқол. Бу сарполар фақатгина ҳокимнинг қилвирлиги эканини исботлай оласизми?

Бердақ. Чимбойдаги Олим машиначига, Қолман малақайчига, Салмон этикчига борсангиз биласиз. Пулни ҳам Айтеке бойдан олиб менга беришяпти... деб ўйлайман...

1-оқсоқол. Астафурулло! (*Ҳамма такрорлайди.*)

2-оқсоқол. Бизнинг машиначиларимиз ҳам, этикчиларимиз ҳам, малақайчиларимиз ҳам Хивадаги хон чеварларининг шогирдлари.

1-оқсоқол. Шогирдлар устозларидан ўзиб, чопонга хоннинг муҳрини босадиган бўлганини қаранг-а!

Овозлар. Астафурулло! (*Ҳамма шу гапни такрорлаб ёқасини ушлайди. Айримлари қўрқиб туради...*)

Бердақ. Овулдошларим, қўрқмангизлар! Улар хонга бориб “Биз сизнинг рухсатингизсиз шундай-шундай қилиб эдик, Бердақ олмади” деб айтолмайди. Айтса, Улуғ хон “Шоир тўғри қилибди, унга менинг отимни нега сотдингиз?” деб ўзларини жазолайди.

Ҳурлиман. (*Чойнак-пиёлаларни кўтариб киради.*) Отам тўғри иш қилди, ҳурматли эл оқсоқоллари. Қўрқманг! Отамнинг тўрт қатор шеърига диққат қилинг:

Оқ буғдойни қўйиб сули сепгандан,
Тоза шоли туриб оқшоқ эккандан,
Беҳудага қирқ кун қайғу чеккандан,
Тан сихатда бир кун шодлик яхшироқ...

Ўтирингизлар! Ҳалигина хон ясовулига ваъда қилинган сизлар энди Сизларга сўйилади. (Ҳамма бир-бирига ажабланиб қарайди.)

Ҳ у р л и м а н. Илтимос, шошилмангизлар!..

Парда ёпилади

Парда олдидан биров, икков, уччов бўлиб одамлар ўта бошлайди. Улар ўзаро сўзлашадилар:

— Бердақ шоир ўрис пошшосининг Тўрткўлдаги ҳокими Иванов дегани билан учрашиб қайтибди...

— Ўшанга боряпсанми?

— Ҳовва, ўзинг-чи?

— Ўрис пошшосининг тузуми қандай эканини шоирнинг ўз оғзидан эшитиш керак-ку!

— Ёмон бўлса-чи?

— Амударёнинг жанубидаги оғайниларнинг ёнига кўчамиз.

— Ўрис ҳокимига шоирнинг ўзи борганми?

— Чақиртирган. Бўбечунеге келиб олиб кетган.

— Шунақанги амал ҳам чиқибдими?

— Ўрис подшолигига қарашли кўпгина янги лавозимлар пайдо бўлганидан хабаринг йўқми. Бўбечунек дегани ўрис ҳокимига бизларни тушунтирадиган ёрдамчи экан.

— Бўлис дегани-чи? Нима бу?

— Бир неча оқсоқолларнинг устидан қарайдиган лавозим...

— Майли, лавозимлар келар-кетар... Ҳов ўшанда хоннинг сарпойини олмай қайтарган эди, энди бу гал ўрис ҳокимининг сарпойини олдимикан?

— Борсак биламиз-да!..

Парда очилади

Бердақнинг уйи. Одамларга лиқ тўла. Оқсоқоллар. Бола-бақра, хотин-халаж, ёшлар ҳам бор. Ҳурлиман хизмат қилиб юрибди.

Б е р д а қ. Шундай қилиб, дўстлар, сизларнинг нима учун менга келганларингизни ўзимча чамалаб турибман. Ҳовва... дўстлар, Тўрткўлга бордим. Амударёнинг нарёғида яшайдиган қорақалпоқ элатининг ҳокими Иванов деган ўрис қабул қилди. Анча сўхбатлашди. Бўбечунеге орқали саволлар берди, у орқали ўз ўйларини ҳам айтди.

1-о д а м. Бўбечунеге қорақалпоқларни дурустроқ биларканми?

Б е р д а қ. Миллатини сўрамадим. Бироқ сиз-биздан ёмон гапирмайди. Иванов қорақалпоқларга ҳоким бўлиш мақсадида ёшлигидан тайёрланганга ўхшайди. Халқимизни, ўтмишдаги тарихимизни ҳам яхши билади. Сизнинг халқингиз дунёдаги энг кўп азоб чеккан, кўп маконлардан маконларга кўчиб-кўнган, бироқ азалдан бу халққа хос куч-ғайрат, ўзини ўзи бошқариш қобилияти, донишмандлик... сабаб тарихдан йўқолмай, оз миқдорда бўлса-да, яхши сақланиб қолган халқлардан бири. Лекин бири бўлмаса иккинчиси ё учинчиси ғамхўрлик қилар деган умидда кўп хонликлардан, подшоликлардан паноҳ излаб, кўчиб-кўниб яшагани учун ҳар кўчиб-кўнишда баъзи қавмлар сочилиб-тўкилган олтин зарраларидай бўлиб қолиб кетаверган ҳам. Бунга биттагина далил келтирай. Ўша жойларда яшаб қолган авлодлар ҳали-ҳануз бир мамлакатда “қалпоқлар”, иккинчисида “қора бўрклилар”, учинчисида “қорақалпоқлар” деб аталса, Афғонистон тарафларда “кулоҳи сиёҳ” деб аталади. Бир пайтлар ўрис подшолигида яшаган аждодларимизни бўлса, аввалига “печенеглар” (сизнинг тилингизда “пешоналилар”) дейилган бўлса, баъзи ҳужжатларда “черние клобуки”, яъни “қора телпақлилар” деб ёзилган...” деди ўша одам.

2-о д а м. Булар биз эшитмаган янгиликлар-ку.

1-о д а м. Нега энди? Бу ҳақдаги халқ афсоналарини ҳам эшитмаганмисан?

1-о қ с о қ о л. Қўйинглар, Бердақни тинглашга келдик.

Б е р д а қ. Ўша Иванов бундан юз эллик йил аввал афсонавий Маман-бий ўрисларнинг Елизавета деган аёл подшосига борганини ҳам билар экан. Ойдўс бобо, Эрназар олакўз, Бўзатов кўтарилишлари ҳақида ҳам бизларнинг анча-мунчамиздан яхшироқ билади, десам, балки ишонмассиз.

2-о д а м. Ундай бўлса, биз ғарибларни кенг бағрига олиш учун кўп тай-ёрланган экан. Илоё оқибатини берсин.

1-о д а м. Бий Эрражаб тентак бир гапида уларнинг Кауфман деган лаш-карбошиси билан гаплашганини айтиб, ўшанда у қуроли кучли ўрисларнинг босқинчилик ниятига қарши туролмай ноилож таслим бўлганимизни очик юзига айтдим, деган эди...

Б е р д а қ. Бий Эрражаб тентакнинг бу гаплари тўғри. Буни Иванов ҳам билар экан. Менга тушунтирди.

2-о д а м. Астағфурулло!

Б е р д а қ. Ҳозирча сизларга униси яхши, буниси ёмон деб узил-кесил бир нима деёлмайман...

3-о д а м. Ўрис ҳокими ҳам сизга сарпо кийдирмоқчи бўлгандир?

Б е р д а қ. Подшоларнинг, хонларнинг одамлари керакли одамларни ўзларига қаратиш учун нима қилиш мумкинлигини билишда бир-бирларидан қолишмайди.

3-о д а м. Ундай бўлса, бу сафар ўрис ҳокимни хафа қилмагандирсиз?

Б е р д а қ. (Мийиғида кулиб.) Олмоқнинг бермоғи бор деганлар. Мен кимларгадир қарздор, тилим қисик бўлиб яшашни ёмон кўраман.

3-о д а м. Сиз кўп ўқигансиз, ёшлигингизда Туркистонга саёҳат қилиб, бутун оламга донг таратган шаҳарларни кўргансиз. Хуллас, кўпни кўрган, билимдон одамсиз. Энди шундай бир саволимга жавоб беринг-чи! Амударёнинг жанубида яшаб, Хива хонлигига қараган қорақалпоқлар ютдими, ё дарёнинг шимолидаги ўрисларга қараган қорақалпоқлар ютдими?

Б е р д а қ. О-о, оғайнилар! Битта тўртлик билан жавоб берсам.

Бул дунё дунё бўлдию,
Подшо одил бўлган эмас.
Шоирлар қалам олдию.
Хатга тўғри солган эмас...

3-о д а м. Бундан чиқди, сизга ҳам ишониш керак эмас экан-да?

1-о қ с о қ о л. Бердақ оға сарой шоирларини, юқоридагилар нимани берса, жон-жон деб олаверадиған шоирларни назарда тутиб айтяпти-да!

3-о д а м. Ўрис ҳокими бизнинг тарихимизни биладиган бўлса, аввалгиларни кўя турайлик, сўнгги бий Эрназар олакўзнинг ишларига қандай қарар экан?

4-о д а м. Амир Темур даврида туркийлар бир улкан давлат бўлганини афсоналардан биламиз, у қурган салтанат емирилганидан кейин ўрнига майда-чуйда хонликлар пайдо бўлганига афсусланиб яшасак-да, Мовароуннаҳрдаги туркийларнинг суянган тоғи, абадий уриб турган юраги деб ўзбек хонликларига ҳалигача ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, уларга ишониб яшаймиз. Ўрис ҳокими бунга қандай қарайди экан?

3-о д а м. Бизлар, алҳамдулилло, мусулмонмиз, ўрислар билан яшаша ола-мизми?

Б е р д а қ. Дўстлар, оғайнилар, ҳар бирингизнинг кўнглингизда сонминг ўйлар борлигини тушуниб турирман.

Ўрис ҳокими мени қақирганда ҳамма муаммоларни ечиб берди, мен билан маслаҳатлашди деб ўйлайсангиз хато қиласиз. Энди яшашни масаласига келсак, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ўзигача ўтган Иброҳим, Мусо, Довуд, Сулаймон, Исо... хуллас, барча пайғамбарларга ҳурмат-эҳтиром билан қараш кераклигини уқтирган... Биз буткул одамзод билан, барча диндагилар билан шу ер юзида бирга яшашамиз... Бироқ ўзимизнинг ҳозирги шу яшаб турган ота маконимиздан бошқа ҳеч жойга сиғмаймиз, десангиз бошқа

гап! Ўзларингиз айтгандай, Мовароуннаҳр туркийларининг суянган тоғи ўзбеклар экани маълум. Шу билан бирга шимолдаги қўшнимиз қозоқлардан, жанубдаги қўшнимиз туркманлардан, Хоразм, Қўқон, Бухоро хонликларидан бўлиниб яшашимиз қийин бўлиши ҳам турган гап. Бундан ташқари бизлар, умуман, Туронзамин халқлари Шарқдаги Хитой, Жануб ва Жануби-Ғарбдаги Ҳиндистон билан Эрон, Каспий денгизининг нариги томонидаги Қоф тоғларида яшаётган халқлардан, Шимол ва Шимоли-Ғарбдаги бепоён ҳудудларда яшаб турган ўрислардан узилиб ва ё уларни ўзимизга душман санаб яшаёлмаймиз. Ростини айтсам, менимча, бизларга ташқаридан келадиган душман йўқ, агар душманимиз бор десак, у фақат ўзимизнинг орамизда. Бизга ўхшаган халқларга душман орттирмай яшаш қулай... Мен ҳам етмишни қоралаб боряпман, орангизда кўпни кўрган ёши улуғлар бор, шулар билан, элимизга ҳар томонлардан келган сайёҳлар билан гаплашиб кўрган бўлсангиз яхши биласиз... Хонми, подшоми, султонми, қиролми, ҳукмдор борки, барчаси фақатгина ўз даврини “олтин давр” деб ҳисоблайди. Шунга ишонмагунингча қўймайди. Бундай таърифларнинг анча-мунчасини эшитгансиз. Қани ўша “олтин давр”лар?

2-о д а м. Дунёнинг ишлари ечиб бўлмас бир жумбоқ экан-да!..

Б е р д а қ. Тўғри айтасиз. Ўйлаб қарасангиз, ҳар бирингиз фақатгина жумбоқ ечиш учун яшаб юргандексиз.

3-о д а м. Шуни айтинг!

1-о д а м. Ўрис ҳоқими Тўрткўлда ўрис мактабини очтирганмиш. Энди ўша пайтгача ўқиган арабча билимимизни нима қиламиз? Бу аҳволда бешолти йилдан кейин ҳаммамиз саводсиз бўлиб қолмаймизми?

Б е р д а қ. Саволингиз ўринли. Иванов менга шуни ҳам эслатиб, “Биз сизларга улкан илм, чуқур билим берамиз. Сиздан ўтинчим шуки, одамларга шуни тушунтиришга ёрдам қилинг” деди. Мен унга қарши чиқмадим ҳам, “маъқул” демадим ҳам. “Кўрайлик-чи, ўйланиб кўрай-чи” дедим.

2-о д а м. Яхши жавоб берибсиз.

Б е р д а қ. Жавобим унга маъқул бўлмади. “Биласизми, энди сизларда йил ҳисоби ҳам ўзгаради. Сизлар йил саногини Муҳаммад пайғамбарнинг Маккадан Мадинага чекинган, яъни, ҳижрат қилган йилидан бошлаб келгансиз. Бизлар Исо пайғамбарнинг туғилган кунидан йил ҳисобини бошлаймиз” деди.

3-о д а м. Ие, дунёдаги жамики халқлар ҳижрий йил билан ҳисоб юритмайдими ҳали?

Б е р д а қ. Ҳар бир диннинг ўз ҳисоби бор.

4-о д а м. Хўш, Исо пайғамбарнинг туғилганига неча йил бўлибди ўзи?

Б е р д а қ. 1900 йилга яқинлашиб қолди.

4-о д а м. Айтишларича, ҳар юз йилда дунё бир эврилиб турар экан. Йил ҳисобини Исо Масиҳнинг туғилганидан бошлайдиган бўлсак, демак, янги бир юз йилликни яқунлай деб турган эканмиз-да!..

1-о д а м. Ундай бўлса, шоир, бир дуо қилинг: келгуси юз йилликда яшайдиган авлодларимиз бахтли бўлсинлар! Ўзлари мустақил бир давлат қурсинлар!

Б е р д а қ. (Ўрнидан туради. Ҳамма ўрнидан туради.) Илоё келгуси юз йилликда авлодларимиз бахтли бўлсинлар! Бир бутун эл бўлсинлар! Ўз хонликларига эга бўлсинлар! Бу йўлда улар яна бир офатга учрамасинлар! Пароканда бўлмасинлар!..

Ҳ а м м а. Овмин, оллоҳи ақбар!

4-о д а м. Дуруст фотиҳа қилдингиз, Бердақ оға! Агар халқимиз яна бир офатга учраб пароканда бўлса, тарихдан изсиз йўқолади...

1-о қ с о қ о л. Келгуси насларга Худойимнинг ўзи паноҳ бергай!

Б е р д а қ. Илоё айтганингиз келсин! Халойиқ, озгина дам олиб, маданий ҳордиқ чиқариш мақсадида қизим Ҳурлиманга навбат берсак нима дейсиз?

1-о қ с о қ о л. Қизингиз Ҳурлиман Хивага бориб келди деб эшитган эдик. Янгиликлар бордир?

Х а м м а. Ундай бўлса тинглайлик! Соз билан бўлсин!

Б е р д а қ. Ол, қизим, менинг дуторимни қўлингга ол! (*Узатади. У қўш қўллаб, пешонасига тегизиб олади.*)

Х у р л и м а н. Халойиқ! Мен отамнинг ўтинчи билан Хоразмга ҳунар кўриш учун бориб келдим. У ёқларда биздагидан бошқачароқ экан. Бахшининг созига ёшлар жўр бўлиб ўйнар экан. Овулга келиб анча ёшларга шу ҳунарни ўргатдим ҳам.

4-о д а м: Қани, яхшилар, ўртани очинглар! (*Ҳамма ортига чекиниб, давра кенгайди.*)

Х у р л и м а н. Отамнинг “Паноҳ бер” қўшиғини айтаман. Сал мунглироқ. (*Соз чалиб бошлайди.*) Қани, ёшлар уялманглар! (“Паноҳ бер” қўшиғини айтди. Ёшлар ўйнайди.)

Паноҳ бергил бизга ўзинг,
Тўлиб ётар айтар сўзим,
Аломатни кўрди кўзим,
Бизларга ўзинг паноҳ бер.

Элда юрган эсарлар бор,
Оғриб ётган касаллар бор,
Яна етим-есирлар бор,
Шуларга ўзинг паноҳ бер.

Қанотидан қайрилган бор,
Ярим йўлда майрилган бор,
Тулпоридан айрилган бор,
Уларга ўзинг паноҳ бер.

Халқ киройи халқ бўлсин,
Душманлари ориқ бўлсин,
Бечорага ёруғ бўлсин,
Мўмин бандага паноҳ бер.

Тилагимни қабул этгил,
Йўқса мени гумроҳ этгил,
Душманнинг бошига етгил,
Биз ғарибларга паноҳ бер!

Х а м м а. Раҳмат! Минг яша! Илоё барча тилақларинг қабул бўлғай! Овмин!

1-о д а м. Бердақ оға, бизга очигини айтинг-чи: Амударёнинг шимолида яшаб турганлар жанубга кўчсинми, ё дарёнинг жанубида яшаб турган қорақалпоқлар шимолга кўчсинми? Ўзи оз сонли халқ, бундай икки давлатга бўлиниб яшасак, оқибати яхши бўлмайди-ку!

Б е р д а қ. Эсланг! Оталаримиз айтадиган қадимий эртақлардан бирида ўз бахтини қидириб йўлга чиққан бир етим ногаҳон уч йўлнинг дарбандига келиб тўхтайди. Қараса, ҳар дарбандда ёзув бор. Ўқийди. Биринчисида: “Юрсанг адашасан, бошинг кетиши ҳам мумкин. Хавф-хатарлардан эсон-омон ўтсанг, бахтингни топишинг ҳам эҳтимол”, иккинчисида: “юрсанг қийналасан. Мақсадингга етишинг даргумон”, учинчисида эса: “Юрсанг етурсан муродга” дейилган экан... Ростини айтсам, ҳозир бизнинг халқимиз ўша эртақдаги етимга ўхшаб ўз ҳаёт йўлининг уч дарбандига юзма-юз келиб турибди. Афсуски, Бахтни тезроқ топиш учун қай йўлдан юриш кераклигини ҳеч ким билмайди.

2-о д а м. Бу келгуси юз йилликда яшайдиган одамлар — келажак авлодларнинг қай йўл тутишига боғлиқ, демоқчисиз-да?

Б е р д а қ. Шундай.

1-о д а м. Шоир оға, Сизни ҳам чарчатиб қўйдик. Барчамизга бир дуойи фотиҳа қилиб жавоб берсангиз.

Б е р д а қ. Чарчатмадингиз. Аксинча, менга ғайрат бахш этдингиз. Шундай бўлсада, дуойи фотиҳа сўраганда бермаслик номусулмонлик. Майли, сўраган экансиз, фотиҳага қўл очинг!

Қадимги Эрон подшоси Ануширвони одил румлик, ҳиндистонлик, эронлик уч донишмандни ҳузурига чақириб, “Қани, айтинглари, инсон, учун энг оғир нарса нима?” деб сўрабди. Ушанда румлик донишманд: “Инсон учун энг оғир нарса қариган чоғингда мададкорсиз қолиш” дебди... Эй халойиқ, илоё ҳеч бирингиз қариганда мададкорсиз қолмагaysиз! Ҳиндистонлик донишманд эса: “Инсон учун энг оғир нарса — касалга чалиниб, ғам-кулфатга қўмилиб қолиш”, деб жавоб берибди. Эй, халойиқ, ҳеч бирингиз ҳеч қандай касалга чалинмагaysиз, ғам кўрмагaysиз! Эронлик донишманд бўлса: “Инсон учун энг оғир нарса — бу дунёда эндигина яхши яшаб бошлаганингда барчага манзур бўлаётган савоб ишингни охирига етказмасингдан келган ногоҳоний ажал” дебди... Эй, халойиқ, Илоё, барчамиз яхши яшаб, одамларга хайрли ишлар қилиш билан ўз мурод-мақсадимизга етайлик! Овмин!

Ҳ а м м а. Овмин!

Б е р д а қ. Энди мен ҳам ўз қалбимдаги яна уч тилагимни айтай. “Инсон учун энг оғир нарса — фарзанд жафоси”. Илоё, фарзандларингиздан жабр жафо эмас, фақат яхшилик кўриб яшагaysиз! Яна “Инсон учун энг оғир нарса — халқнинг отини йўқотиш”. Илоё, ҳеч қачон халқимизнинг оти йўқ бўлмагай! “Барча туркийлар учун энг оғир ҳасрат — ўзаро низо-нифоқлар”. Эй Худо, барча туркий халқларни қайтадан бир улуг салтанатга бирлаштириб, дунёга донғини чиқарадиган Буюк Одамни яратсанг-чи! Қисқаси, бир-бирингизга қувонч улашиб яшагaysиз! Овмин!

Ҳ а м м а. Овмин!

Б е р д а қ. Биродарлар, мени кўп сўзлади деб айбламасангиз, Саъдий Шерозийнинг тўрт сатр шеърида тилга олинган “Мардаш” деган шаҳар номини “Чимбой” дея ўзгартириб, айтиб берсам майлими?

Ҳ а м м а. Бажонидил тинглаймиз! Қани, эшитайлик!

Б е р д а қ.

Эшитдим. Машриқда бир чинни косанинг
Қирқ кунлик меҳнатдан очилар нақши.
Чимбойда ҳар куни ясалган юз косанинг
Баҳосини ўзларингиз биларсиз яхши.

Ҳ а м м а. Тўғри, Чимбойда ҳамма нарса шошилинич ишланади, шунинг учун сифатсиз бўлади...

Б е р д а қ. Энди Низомий Ганжавийдан бир байт:

Ҳар туннинг сўнгида нурли қуёш бор
Сабру тоқат сўнгида завқу-қувонч бор...

Ҳ а м м а. Ҳар туннинг сўнгида нурли қуёш бор,
Сабру тоқат сўнгида завқу қувонч бор.

Б е р д а қ. Биродарлар! Сизларга шуни эслатмоқчиманки, агар ўрис ҳокими айтганидай, янги — мелодий йил ҳисобига ўтадиган бўлсак, сана 1900 йилга яқинлашиб қолади. Барчамиз янги аср бўсағасида турибмиз... Арафада уч насиҳат айтгим бор.

Ҳ а м м а. Айтинг, донишманд шоир, айтинг!

Б е р д а қ. Биринчиси — Ҳазрати Баҳовиддин Нақшбандийнинг “дил ба ёру даст ба кор”, яъни, “Дилингиз Оллоҳнинг ёдида, лекин қўлингиз меҳнатда бўлсин” деган насиҳатини унутманг. Яхши, фаровон яшашнинг калити меҳнатда. Яъни,

Тиззангни оғритиб, белинг сизлатиб,
Еган бир зогоранг болдан яхшироқ.

Иккинчиси — ҳазрат пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифларига риоя қилиб, “бешиқдан то қабргача илм излаш”, яъни ўғил-қизларингизни яхшироқ ўқитишнинг пайида бўлинг. Яъни,

Сув ичида бежавотир сузиш учун
Бир қайиқ олти юз солдан яхшироқ.

Учинчиси — ўз кўнглимдаги гап: ҳар бир инсонга аввало ўзига ўзидан бошқа душмани йўқ бўлганидек, ҳар халқнинг ҳам аввало ўзига ўзидан бошқа душмани йўқ, менга ишонаверинг!

Ҳ а м м а. Сизга ишонамиз, улуғ шоир!

Б е р д а қ. Абу Абдулло Рудакий айтганидек:

Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун!
Жаҳоннинг қайғуси йиғилса бутун,
Дўстдан ажралишдек бўлмас қора кун!..

... Дўстларим, мени кўргани келганингиз учун сизларга таъзим қилиб, ҳар бирингизнинг мартабангиз улуғ, ўғил-қизларингиз кўп, улар ақли, билимли, бахтли бўлғай деб тилайман. Авлодларимизни Худо ўз паноҳида асраб, улар биз кўрган мунг-ҳасратларни кўрмасинлар. Овмин!

Ҳ а м м а. (*Дуоини фотиҳа қилади.*) Овмин, оллоҳи акбар!

Т а м о м



Фулом КАРИМ

Олмония таассуротлари

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида 18 минг жилдга жамланган 40 мингдан зиёд қўлёзма асарлар, 30 мингдан ошиқ тошбосма китоблар ва бир неча ўн мингдан иборат ҳужжатлар тўпланган. Улар асосан араб, форс ва туркий тилларда битилган. Ҳамид Сулаймонов номидаги собиқ Қўлёзмалар институти фонди ҳам қўшиб олингач, хазинада сақланаётган қўлёзмалар қарийб бир ярим баробарга ошди. Жаҳондаги барча қўлёзма хазиналарида олиб бориладиган асосий илмий йўналишлардан бири қўлёзмаларни тавсифлаб каталог (фиҳрист)ларини тузишдир. Каталогда ҳар бир муайян қўлёзма асар ҳақида энг зарур маълумотлар, яъни унинг номи, муаллифи, ёзилган ва кўчирилган йили, тили, қисқача мазмуни, тўлиқ ё нотўлиқлиги, қайси хат ва сиёҳда битилганлиги, сақланиш ҳолати, муқоваси ва ҳоказолар ёритилади. Бундай маълумотлар барча соҳалар мутахассисларига ўзларини қизиқтирган қўлёзмани тез топиб олишга ёрдам беради. Таъбир жоиз бўлса, каталоглар хазина бойликлари акс этадиган кўзгулардир.

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида қарийб ярим аср давомида қўлёзмаларни тавсифлаш бўйича катта ишлар олиб борилди. Айрим сермахсул ва китоблари кўп кўчирилган Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳусрав Деҳлавий каби муаллифлар асарлари қўлёзмалари тавсифини ўз ичига олган махсус каталоглардан ташқари, етти мингдан ошиқ қўлёзма асарларни қамраб олган “Шарқ қўлёзмалари тўплами” нинг ўн бир жилди нашр этилди. Аммо ҳануз хазинадаги асарларнинг ярмидан кўпроғининг илмий тавсифи тузилмаган. Бунинг сабаби шуки, каталоглаштириш узоқ муддат талаб қиладиган жараёндир. Чунки, қўлёзма асарлар ўрта асрлар фанининг турли тармоқларига, яъни тарих, адабиёт, фалсафа, ҳуқуқ, математика, физика, химия, астрономия, медицина, фармакология, география, тилшунослик, муסיқа, дин, тасаввуф ва бошқа соҳаларга оид бўлиб, уларнинг илмий тавсифини тузиш тадқиқотчидан маълум даражада билим, тажриба, қунт ва чидам талаб қилади.

Мустақиллик даврида Шарқшунослик институтининг жаҳондаги бошқа илмий марказлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари кенгайди. Янги даврда бутун жаҳонда Марказий Осиё халқларининг тарихи ва маданиятига қизиқиш кучайди. 1998 йилда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ҳамда Германиянинг Ҳалле шаҳридаги Мартин Лютер номидаги университет ўртасида XVIII-XX асрларда ёзилган тасаввуфга оид қўлёзма асарларни илмий тавсиф қилиб, каталогини нашр эттиришга доир ўзаро илмий ҳамкорлик шартномаси тузилди. Чунки, сўнгги йилларда институт жамоаси муайян мавзулардаги асарлар тавсифини ўз ичига олган тематик каталоглар яратиш йўлига ўтган бўлиб, аллақачон тайёр қилинган тарих ва табиий фанларга оид каталоглар, ушбу шартнома доирасида Германиянинг моддий ёрдами эвазига чоп қилинди.

Ҳамкорлик шартномасида ёш ўзбек тадқиқотчиларининг немис шарқшунос олимларининг бой тажрибаларини ўрганиш учун Германия илмий марказларида бўлишлари кўзда тутилган эди. 1999 йилнинг баҳори ва ёзида олти нафар ёш тадқиқотчи: ЎзРФА Шарқшунослик институти илмий ходимларидан Нурёғди Тошев, Шарифа Тошева, Санжар Фуломов, Шовосил Зиёдов, ушбу сатрлар муаллифи ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети филология факультети ўқитувчиси Афтондил Эркинов беш ой муддат мобайнида Германияда илмий сафарда бўлди. Сафар ҳаражатлари Ўзбекистонда ҳам ўз бўлимини очган “Германия техникавий ҳамкорлик жамияти” томонидан қопланди. Ушбу ҳамкорлик лойиҳаси ташаббускори ва асосчиси германиялик таниқли шарқшунос олим, Мартин Люттер номидаги университет профессори Юрген Паул эди. Жаноб Ю.Паул ўз она тилидан ташқари инглиз, француз, рус, араб, форс, ўзбек тилларини яхши эгаллаган ва серқирра фаолиятли олимдир. У илмий тадқиқот ишлари ҳамда университетда дарс бериш билан бирга Германияда ҳар йили тўрт марта нашр қилинадиган “Исло” илмий журналнинг бош муҳарриридир. Олимнинг асосий ишлари Марказий Осиё халқлари тарихи ва маънавий меросини тадқиқ қилишга бағишланган. Ю.Паулнинг “Чигатой улусида шайхлар ва ҳукмдорлар” (Берлин, 1990), “Агнографик адабиёт тарихий манба сифатида” (Фрайбург-Мюнхен, 1990), “XV асрда Ўрта Осиёда Нақшбандия таълимотининг сиёсий-ижтимоий аҳамияти” (Берлин, 1991) каби тадқиқотлари халқаро миқёсда юксак эътирофга сазовор бўлди. Шунингдек, жаноб Паул ўзбек шарқшунос олимлари эришган илмий ютуқларни Европа илмий марказларида тарғиб қилиш ишига ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Ўзбек олимлари Бахтиёр Бобожонов, Аширбек Мўминов ва Ю.Паул ҳамкорлигида яратилган “Шайбонийлар қабртошларидаги битиклар” номли йирик илмий тадқиқот 1997 йилда Германиянинг Висбаден шаҳрида ўзбек, немис ва рус тилларида чоп этилди. Ушбу қимматли нашрга Германиянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Рэйнхард Биндзайл жаноблари сўзбоши ёзган.

Биз икки ой давомида Ҳалле шаҳридаги Германистика институтида немис тилидан ўз билимларимизни чуқурлаштирдик. Дарсларни тажрибали домлалар — доктор Вайн ва доктор Ҳанш ўтишди. Заале дарёси соҳилида жойлашган Ҳалле қадимий шаҳар. Илк ўрта асрларда бу ерда машҳур туз конлари бўлган ва ҳозирда ҳам эски ташландиқ конлардан бирида ўрта асрларда туз қазиб олиш ва ишлов бериш дастгоҳлари қўйилган музей мавжуд. Шаҳарнинг номи ҳам қадимда “туз” маъносини билдирар экан. Ҳалле Саксония-Анхалт ўлкасининг энг йирик шаҳри ҳисобланади. Шаҳар университети бир неча асрлик тарихга эга. XVIII асрда яшаб ижод қилган буюк немис композитори Георг Фридрих Гендель Ҳалледа туғилган ва 1958 йилда, вафотининг юз йиллиги муносабати билан шаҳар марказида унга ҳайкал ўрнатилган. Г.Ф.Гендель кўплаб тарихий шахслар қатори Соҳибқирон Амир Темур ҳақида ҳам опера ёзган бастакорлардандир.

Март ойи охирида университетга қарашли Шарқшунослик институтида илмий семинар бўлди. Унда биз ҳам ўз маърузаларимиз билан иштирок этдик. Маърузаларнинг немисча матнини ҳозирлашда бизга германиялик ҳамкасбимиз Аннетте Кремер катта ёрдам кўрсатди. Аннетте асосий ғарб тиллари билан бирга турк ва ўзбек тилларини ҳам жуда яхши эгаллаган. Унинг тадқиқот мавзуси отиноийлар ва уларнинг жамиятидаги ўрни ҳақида. Аннетте Ўзбекистонда бир неча бор бўлиб, ўз илмий иши учун гоят кўп материал йиққан. Бу материалларнинг бир қисми ёзма адабиётлар бўлса, салмоқли қисми ўзи отиний бўлган ёки отиноийлардан сабоқ олган аёллар билан бевосита мулоқот пайтида кассетага ёзиб олинган оғзаки маълумотлардир.

Семинарда камина Амир Темурга замондош муаррих Муъиниддин Натанзийнинг “Мунтахаб-ут-таворих” асари, Санжар Фуломов “Амир Темур ва Йилдирим Боязид ёзишмалари”, Шовосил Зиёдов “Имом ал-Мотуридий мероси”, Нурёғди Тошев “Алоуддин Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонгушой” асари, Шарифа Тошева “XIX аср Бухоро тарихнавислиги”, Афтондил Эркинов “Девони ҳикмат”нинг қўлёзма нусхалари” мавзуларида маъруза қилдик. Семинарда иштирок қилган немис олимларининг маърузалари мавзуси ҳам асосан Марказий

Осиёга алоқадор эди. Масалан, профессор Бригит Хофман тарихчи Рашидиддиннинг “Жоме ут-таворих” асари, Анке фон Кугелген “XIX асрдаги Бухоро амирлиги тарихининг айрим масалалари”, Патрик Франк “Шарқ адабиётида Ҳизр ҳақидаги маълумотлар” каби қизиқарли маърузалар қилишди. Профессор Ю.Паулнинг маърузаси “Германияда ислом тасаввуфининг ўрганилиши ҳақида” эди. Маърузадан биз немис шарқшунослигида доимо Марказий Осиёдаги тасаввуф таълимотини ўрганишга катта аҳамият бериб келингани ва бу соҳада йирик тадқиқотлар амалга оширилганини билиб олдик. Жумладан, йирик немис олими Фриц Майер Нажмиддин Кубро мероси устида самарали илмий тадқиқотлар олиб бориб, улуг аждодимизнинг бир қанча муҳим асарларини нашр этган. Унинг шогирди Бернд Радке эса, асосан Ҳаким Термизий ижоди билан шуғулланиб, бир қанча қимматли тадқиқот ва нашрларни амалга оширган. Семинар савол-жавоблар ва илмий баҳслар билан жуда қизгин ўтди.

Биз Йена шаҳрида бир ой бўлиб, қўлёзма асарларга илмий тавсиф ёзиб, каталоглар тузишда катта тажрибага эга бўлган олимлар Роземария Квиринг-Цохе ва Флориан Зобиройдан немис шарқшунослик мактабига хос бўлган қўлёзма асарларни тавсифлаш услубларини ўргандик.

Сўнгги икки ой давомида эса биз Берлин Давлат кутубхонасининг Шарқ бўлимида ҳали тавсиф этилмаган форс ва туркий тиллардаги қўлёзма асарлар устида ишладик. Бу кунлар биз учун жуда унумли ўтди ва Марказий Осиё, Эрон, Ҳиндистон тарихига оид 65 та қўлёзма асарнинг илмий тавсифини туздик ва мазкур каталог Германияда нашр қилинадиган бўлди. Диққатга сазовор жойи шундаки, бизнинг изланишимиз жараёнида баъзи жуда ноёб асарлар ҳам кашф қилинди. Мазкур асарларни чуқур тадқиқ қилиш Марказий Осиё ва унга қўшни ўлкалар тарихини ўрганиш учун янги маълумотлар бериши шубҳасиздир. Юқоридаги уч шаҳардан ташқари биз Германиянинг яна бир қанча шаҳарларига сафар қилдик. Ҳар бир шаҳарда университет ва марказий кутубхоналарига бориб, Марказий Осиё тарихи ва маданияти билан шуғулланувчи мутахассислар билан учрашишга интилдик. Ҳайделберг шаҳрида бўлганимизда биз билан учрашиш учун Тюбинген шаҳридан ёш тасаввуфшунос олим Флориан Шварц келди. Унинг бир неча йил илгари ёқлаган диссертацияси XVI аср биринчи ярмида Мовароуннаҳрда нақшбандия тариқати шайхларининг ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳақида экан. Шунингдек, Флориан бухоролик тарихчи олим Голиб Курбонов билан ҳамкорликда Бухоро вилоят кутубхонасида сақланаётган қўлёзма асарлар тавсифини қамраб олган каталог тузиб нашр этган. Флориан Ўзбекистонда бир неча бор бўлган ва бухоролик талаба қиз Дилдорага уйланган экан. У бизга Бухорода бўлиб ўтган тўйда олинган суратларни кўрсатди. Бамберг шаҳрида уйғуршунос олим Михаил Фредерик билан танишдик. Йенада ёш тангашунос олимлардан бири ўзи нашр қилган Марказий Осиё тангалари каталогини институтимиз учун совға қилди. Асосан Самарқанд, Бухоро ва бошқа баъзи шаҳар зарбхоналарида зарб қилинган бу қадимий ноёб тангалар қайсидир йўллар билан Германияга бориб қолган ва ҳозирда ушбу мамлакат музейлари ёки илмий марказларида сақланмоқда. Мюнхенда биз Шарқшунослик институти ва Бавария Давлат кутубхонасида бўлдик. Институтда Эрон ва араб мамлакатларидан олиб келинган янги адабиётлар кўп. Аммо Марказий Осиё мамлакатларидан келтирилган илмий адабиётлар кам. Шу сабабли “ўзаро китоблар алмашишни йўлга қўйсак, яхши бўларди”, дейишди. Бизда бу институтдаги қўлёзмаларни таъмирлаш ишлари катта таассурот қолдирди. Бу иш учун янги дастгоҳ ва технология ихтиро қилинган, буни ўрганиш ва ўзларида қўллаш учун ҳатто Япониядан ҳам мутахассислар келиб ишлашаётган экан. Кўз олдимизда тешилган, йиртилган, қурт еган варақларни таъмирлаб кўрсатишди. Компьютерда варақнинг ранги, қалинлиги, материали ва ҳоказолар аниқланади ва шунга биноан махсус моддалар билан таъмирланади. Бу усул гарчанд қимматга тушса-да, ноёб қўлёзмаларни емирилишдан сақлаб қолиб, умрини анча узайтиради. Бу ерда Наманган Давлат университетининг катта ўқитувчиси Мусо Тожибоев билан кўришдик. Мусо ака асли немис тили мутахассиси бўлиб, Ёёте институти орқали Германияга икки ой муддатга малака оширишга келган. Ўз соҳасидан ташқари Машраб ижоди ва унинг Евро-

пада ўрганилишига қизиққани учун шарқшунослик институтига ҳам келиб турар, кўпчилик ходимлар билан яқиндан таниш бўлиб олган экан. Учрашганимиздан жуда хурсанд бўлдик. Чет элларга сафар қиладиган ўзбек зиёлилари янада кўпаяверсин, деб тилаклар қилдик.

Лейпциг шаҳрида бўлганимизда ҳам шарқшунослик институтини зиёрат қилдик. Бу илм даргоҳида махсус туркийшунослик бўлими йўқ экан-у, лекин ўзлари қизиқиб Сўфи Оллоёр ижоди билан шуғулланаётган ёш олимларни кўрдик. Ўзбек тилидаги анча-мунча адабиётларни йиғишган. Буларни ходимлар ўз илмий сафарлари пайтида олиб келишган. Нотаниш сўзлар учраса, ҳозирча катта ўзбекча-русча луғатдан кўриб, русчасини ҳам билишмаса, сўнгра катта русча-немисча луғатдан қарашади. Ўзбекча-русча луғатлар эса мумтоз адабиётимизда қўлланилган барча сўзларни қамраб олмаган. Хуллас, муаммолар кўп ва ўзбек маданиятига қизиқувчилар учун катта ўзбекча-немисча илмий луғатга эҳтиёж кучлидир. Бир илмий ходим “Ўзбек халқ ижодида алвасти образи” деган мавзу билан шуғулланаётган экан. Лейпцигда тасодифан бир илмий мажлиснинг устидан чиқиб қолдик ва унда иштирок қилдик. Унда мўғул, олтой ва ўзбек эртақларининг қиёсий таҳлили ҳақида илмий маъруза ўқилди. Қизиғи шундаки, маърузачининг ёнида “қиссахон” ҳам ўтирар, эртақлардан парчаларни ифодали ва таъсирли қилиб ўқиб берарди. Маърузадан сўнг у “Майна” номли ўзбек эртагини тўлиғича немис тилида санъаткорона айтиб берди.

Берлинда ўзбек тили ва адабиётининг йирик тадқиқотчилари доктор Зигрид Клайнмихел ва профессор Ингаборг Балдауф хонимлар билан бўлиб ўтган учрашувлар ҳам бизда катта таассурот қолдирди. Уларнинг ўнлаб шоғирдлари ўзбек тилини катта қизиқиш билан ўрганаётганларидан мамнун бўлдик. Зигрид опа бизнинг дарагимизни эшитиб, ўзи кутубхонага қидириб келди. З. Клайнмихел ўзбек тилига оид дарслик яратган. Олиманинг асосий илмий тадқиқотларидан бири “Шарқ ижодий анъаналарига доир” номли қалингина китобидир. Унда асосан 1910-1934 йиллардаги ўзбек драмаси ва насри тадқиқ этилган. Маълумки, бу даврдаги адабиёт турли ёзувларда яратилган ва нашр этилган бўлиб, салмоқли қисми ўша давр матбуот нашрларидагина сақланиб қолган. Жуда кўп ноёб материаллар жалб қилинган бу қимматли тадқиқот олиманинг бир неча йиллик матонатли изланишларининг маҳсулидир. Ушбу китобга олмоншунос олим Шавкат Каримовнинг “Эътироф ва эътиқод: адабиётимиз немис тадқиқотчиси талқинида” номли тақризи “Жаҳон адабиёти” журналининг 1998-йил феврал ойи сонида чоп этилгандир. Зигрид опа бизни Фарбий Берлиндаги ўзи ишлаётган Фрайе университетига таклиф қилди. Мазкур университетнинг туркшунослик институти осуда ва кўкаламзор кўчалардан бирига жойлашган. Ҳовлидаги дарахтларда олмахонлар бемалол чопқиллашиб юрибди. Туркий тиллардаги адабиётлардан иборат кутубхона ташкил қилинган. Ходимлар ўзларини қизиқтирган мавзулар: Аҳмад Яссавий мероси, ўзбек аёллар фольклори ва ҳоказолар юзасидан тадқиқотлар олиб боришади: Зигрид опа ўзбек ва уйғур классик адабиётларидан дарс берар экан. Биз унинг турли илмий тўпламларда чиққан Алишер Навоий ижодининг баъзи жиҳатларига доир мақолалари билан танишдик. Университетдаги ўзбекшунослар асосан классик адабиёт ва жадидлар фаолиятига, шунингдек, фольклор масалаларига кўпроқ эътибор беришаётганини кузатдик. Замонавий ўзбек адабиёти ва Ўзбекистондаги ҳозирги адабий жараёни тадқиқ этаётган олимни учратмадик, ҳисоби. Аммо сўнгги йилларда Ўзбекистон тарихи ва маданияти масалалари билан шуғулланишни истовчи ёш олимлар сони тобора кўпаймоқда экан.

Германиядаги ўзбекшуносликнинг марказларидан яна бири Гумболдт университетининг Шарқшунослик институтидир. Институт ўзбек шўъбасининг мудири профессор Ингаборг Балдауф ўзбек тили, адабиёти ва ёзувига оид бир неча китоблар муаллифидир. Балдауф хоним ва у кишининг талабалари бизни баҳор сайлига таклиф қилишди. Немислар бу хил дам олишларни жуда ёқтиришади. Бранденбург дарвозаси ва Рейхстагдан то Фарбий Берлингача бўлган бир неча километр йўлнинг ҳар иккала томони дарахтзор. Дарё соҳили ҳам яқиндир. Баҳор ва ёзда, айниқса, шанба ва якшанба кунлари бу ерлар табиат кўйида дам олгувчилар билан гавжум бўлиб кетади. Одамлар очиқ ҳавода

кабоб қилиб гурунглашиб ўтиришади. Сайил пайти барча ўзбекча гапиришга ҳаракат қилди. Дарсда фойдаланиш учун бизнинг ҳар биримиздан видео ёрдамида “интервью” олишди. Профессор ва талабаларнинг муносабатлари бетакаллуф ва расмиятчиликдан холи. Бирга волейбол ўйнашади, қизиқ гаплар гапириб кулишади. Балдауф хонимнинг ўзи то “бўлди, раҳмат тўйдик” дегунимизча хуштаъм кабоб пишириб бизни сийлади.

Профессорнинг лутфан ижозати билан мен бир неча бор ўзбек тили дарсларида қатнашдим. Эътироф этиш лозимки, маърузалар анча қизиқарли ўтаркан. 20-йиллар ўзбек шеърлятига бағишланган бир маърузада Боту ва бошқа ўзбек шоирларининг шеърлари таҳлил этилди. Шеърларнинг ислоҳ қилинган араб алифбосидаги аслият нашридан олинган нусхалар немисча таржимаси билан дарс олдиан талабаларга тарқатиб чиқилди. Балдауф хоним 20-йиллар шеърлятидаги турли оқимлар ҳақида гапириб, ўша даврда футуризм номли оқим кучайганини айтди. Айни даврда рус шеърлятининг ўзбек шоирлари ижодига таъсири сезиларли бўлгани учун, у ўз талабаларига рус шоири Сергей Третьяковнинг (1892-1939) немис тилига таржима қилинган футуризмга оид мақолалари тўпламини ўқиб чиқишни тавсия этди. Дарслардан ташқари илмий семинарлар ҳам мунтазам ўтказилиб туради. Уларда ҳар бир талаба ўзини қизиқтирган бирон мавзуда маъруза тайёрлаб чиқиш қилади. Сўнг биргаликда муҳокама этишади. Маърузалардан биридан сўнг, Балдауф хонимдан ўн дақиқа суҳбатга рухсат сўраб, қарийб бир соат вақтларини олдим. Олимага ўзимни қизиқтирган баъзи саволларни бердим:

— Шеърларни кирилл ёки лотин ёзувида эмас, аслиятда, яъни ислоҳ қилинган араб ёзувида талабаларга тарқатингиз. Бу уларга оғирлик қилмасмикан?

— Мен ўзбек алифбоси ислоҳотлари ҳақида тадқиқот яратганман. Ушбу китобимни ёзиш жараёнида барча ўзбек ёзувларини ўрганиб чиқдим. Шундай хулосага келдимки, аср бошидаги ўзбек шоирлари ижодини янги нашрларидан кўра, илк бор чоп қилинган тўпламлар ва газета тахламларидан топиб ўрганиш тадқиқотчига кўп нарса беради. Бизнинг мақсадимиз талабаларга фақат ўзбек тили ва адабиётини ўргатиш эмас, балки тадрижий равишда уларда тадқиқотчилик малакаларини ҳам шакллантиришдир.

— Шеърларнинг таржимони ким?

— Дарсга тайёргарлик кўриш пайтида уларни ўзим таржима қилдим ва аслият билан бирга нусхаларини кўпайтирдим. Ҳар бир маърузадан олдин талабалар қўлига бирон материал тутқазилса, уларнинг қизиқишлари ортиб, диққатлари кучаяди.

— Ҳозир 20-йиллар адабиётини ўтгапсиз. Маърузаларингиз қайси давргача?

— 37-йилгача.

— 37-йилдан кейинги адабиётимиз сизни қизиқтирмайдими?

— Йўқ, ундай эмас. Аммо мен асосан жадидчилик даври бўйича мутахассисман. Шунинг учун маърузаларим ўзим яхши билган даврга оиддир. Аммо кейинги давр адабиётини ҳам бир ўзбекшунос сифатида бақадриҳол ўзим учун ўқиб ўрганаман.

— XX аср ўзбек адабиётида асарларини бугун жаҳон китобхонлари ўқийдиган ёзувчилар пайдо бўлмади. Сиз бу ҳолнинг сабабини қандай изоҳлайсиз?

— Ўзбеклар қадимий ва бой маданият соҳибидирлар. XX аср биринчи ярмида ҳам ўзбек адабиётида зўр юксалиш бўлди. Бу даврдаги айрим ўзбек адибларининг истеъдоди бошқа халқларга мансуб ва жаҳоншумул шухрат қозонган кўплаб ёзувчиларникидан ўтса ўтардики, асло қолишмасди. Аммо мустабид тузум ва қирғинбаротлар уларнинг нодир истеъдодлари тўла камол топишига йўл қўймади. Ўзбекча ибора билан айтсак, Фитрат, Қодирий, Чўлпон ва Усмон Носирлар истеъдодларининг ўн гулидан бир гули ҳам очилмади.

— Ҳозирги ўзбек адабиёти ҳақидаги фикрингиз қалай?

— Мен йирик ўзбек адибларидан Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповлар ижодини юқори баҳолайман. Бугунги кунда фаол ижод қилаётган адиблардан Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикоялари ва Баҳром Рўзимухаммад шеърлари менга ёқади. Бу адиблар ижоди таржима қилиниб нашр этилса, Оврўпа китобхонлари орасида ҳам муваффақият қозониши мум-

кин, деб ўйлайман. Албатта, ҳозирги даврда бирон ёзувчи асарларининг кенг-роқ тарқалиши, унинг ижоди қанчалик тарғиб-ташвиқ қилинишига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Мен ва шоғирдларим Ўзбекистондаги ҳозирги адабий жараёндан бохабар бўлиб туришга интиламиз. Аммо ҳозирда адабий журнал ва газеталарни олиш осон эмас. (Балдауф хоним жавондаги “Шарқ юлдузи” тахламларига ишора қилди. У ерда журналнинг асосан кечмиш йиллардаги сонлари турарди.) Ҳозир фақат Ўзбекистонга борганда топилган сонларини олиб келяпмиз. Биз валюта тўлаб обуна бўлишга тайёрмиз. Бундан журналга ҳам фойда келади. Аммо негача чет элга обуна масаласи ҳеч ҳал бўлмапти.

Дарс ва семинарлардан ташқари ўзбек ёки бошқа шарқ тиллари тўғрақлари машғулотлари ҳам бўлиб тураркан. Бу машғулотларда асосан халқ ашула ва лапарларини ўзбек мусиқа асбоблари жўрлигида ижро этишади. Бу тўғрақларда қатнашиш талабаларнинг талаффузи яхшиланиши ва улар ўзбек халқ санъатининг ўзига хос жиҳатларини чуқурроқ ҳис қилишларига ёрдам беради.

Германия олий ўқув юртларида таҳсил олишаётган ўзбекистонлик талабалар билан ҳам учрашдик. Ақлли, бамаъни ва тиришқоқ йигит-қизлар. Чет тилларини яхши эгаллашган. Уларнинг юртимизга етук мутахассис бўлиб қайтишларига шак-шубҳа йўқ.

И. Балдауф талабалари орасида афғонистонлик ўзбек қизи Руҳина ҳам бўлиб, у Афғонистондан Германияга кўчиб келиб яшаётган ўзбеклар оиласидан экан. Руҳинанинг отаси бизни меҳмонга таклиф қилди. Оилада ўн иккита бола борлигини эшитиб, тўғриси, кўпчилик бўлиб меҳмонга боришга ўнғай-сизландик. Бирон кафедра учрашиб суҳбатлашсак ёки биз турган манзилга келсангиз, дедик. Аммо, қўярда-қўймай бизни уйларига боришга кўндиришди. Уй эгаси Абдуманноп Тошқин домла асли Германияда фалсафа ихтисослигига ўқиб, докторлик даражасига эришган. Келиб чиқиши Афғонистоннинг Сарипул вилоятидан. Ватанидаги нотинчлик туфайли Германияга кўчиб келган. Зиёли ва фозил одам бўлгани учун Берлинда ўзбек тилида “Қарлиғоч” (“Қалдирғоч”) номли газета нашр этишни йўлга қўйган. Ҳажми ва тиражи унча катта бўлмаган бу газетанинг ношири ва муҳаррири А. Тошқиннинг ўзидир. Биз олдин “Миллий тикланиш” газетаси сонларидан бирида Абдулҳаким Шаръий Жузжоний домланинг “Қарлиғоч” газетаси дастлабки сонларига бағишланган тақризини ўқиган эдик. Энди газета тахламларини ўзимиз варақлаб кўрдик. Баъзи сонлари нусхаларини ношир лутфан ҳадя қилди. Асосан туркий халқлар маданиятига доир мақола ва хабарлар. Маҳмуд Қошғарий девони, Комрон Мирзо ижоди, қадимги Шумер тилининг туркий тилларга ўхшашлиги ҳақида илмий фарозлар ва ҳоқафо мақолалар бор.

Ош, чучвара ва бошқа ўзбек таомлари тортилган тўкин дастурхон устида анча маҳалгача суҳбатлашиб ўтирдик. Оиланинг катта фарзандлари бари талаба экан. Бектош университетнинг тиббиёт факультетида ўқиса, Эркин физикани ўрганаяпти. Турон ва Оқойлар ҳали ёш. Болалар немис тили билан бирга ўзбек ва форс тилларини ҳам билишади. Тўрт ёшли қизалоқ Оқой ўзбекчалаб элик-кача санашни ўрганган экан бизга айтиб берди, уни рағбатлантириб ҳар ўнликни санаганда қарсак чалиб турдик.

Уйдаги китоб жавонларида Кант, Гегель, Шопенгауэр асарларининг немис тилидаги кўп жилдлик тўла нашрларидан ташқари шарқ тилларидаги фалсафий ва тарихий асарлар ҳам анчагина эди. Домла Шарқ фалсафасини чуқур тадқиқ этиш лозимлиги ҳақида куйиниб гапирди:

— Фарб файласуфлари асарларидаги кўпгина фикр ва хулосалар бир неча асрлар илгари Шарқ мутафаккирлари томонидан бошқачароқ шаклларда бўлсада айтилган. Кўпгина бу фалсафий фикрлар бадий асарларга сингдириб юборилган. Гегелнинг ўзи Жалолиддин Румий фалсафасидан кўп нарса олганига иқроор бўлади.

Бектош ва Эркин ҳам соҳалари бошқа бўлишига қарамай, Марказий Осиё тарихига жуда қизиқишар экан. Бу мавзулардаги суҳбатда эркин иштирок эти-

шаётганидан анча-мунча илмий китобларни ўқиб туширишгани аён эди. Бизку, ҳар биримиз бирон мавзуда тадқиқот олиб бораётган тарихчилар эдик, ўз мавзумиз ҳақида гапирганимизда Тошқин домла “Бу китоб ҳам шу мавзуга оид” деб ўрнидан турар ва жавондан ғарб ёки шарқ тилларидаги бирон асарни олиб кўрсатар эди. Китоблардан ташқари Марказий Осиё тарихига оид кўпгина эски ва янги нашрлардан нусхалар олдирилиб, муқовалатиб қўйилган эди.

Берлинга ўзбек зиёлилари келганини эшитишса, албатта уйларига чақирисар, биздан олдин ҳам бир неча бор ўзбекистонликлар бу оилада меҳмон бўлишган экан. Ҳар жиҳатдан Отабекка менгзаса бўладиган Бектош бизни кузатаётиб, “Ўтган кунлар”ни қандай ўқиганини гапириб берди. Кирилл алифбосида ўқишга ҳали унчалик тажрибаси бўлмаса-да, китобни икки кун давомида ўқиб тугатибди. Ўша куни меҳмонлар келишига қарамасдан мутолаадан бош кўтара олмай, то тугатмагунча уларнинг олдига ҳам чиқмабди. Ўқиб бўлгач, ниҳоятда таъсирланганидан дабдурустан онасига “Мен уйланадиган қизнинг исми Кумуш бўлади”, деб юборибди. “Балким Кумушбингизни Ўзбекистондан топарсиз”, деб кулишдик.

Германияда олий ўқув юртларига кириш анча осон. Кириш имтиҳонлари йўқ деса ҳам бўлади. Бирон соҳа бўйича ўқимоқчи бўлган киши ўрта мактабни тугатгани ҳақидаги ҳужжатларини ўқув юртига топширади. Ўрта мактабни битиришда олган баҳолари йиғиндисидан ҳосил бўлган балл етса, у талабалар сафига қабул қилинади. Мабодо бал етмаса-ю, аммо кишининг ўқишга иштиёқи кучли бўлса, у навбатга ёзилади. Бир ёки бир неча йилдан сўнг навбати етгач, уни чақириб қабул қилишади. Хуллас, ўқиш истаги бўлган кишиларга олий ўқув юртига кириш муаммоси йўқ деса бўлади. Барча ўқув юртлари компьютер ва бошқа замонавий ўқув анжомлари билан жаҳозланган. Кўпчилик талабаларнинг қўлда кўтариб юрса бўладиган кичик шахсий компьютерлари бор. Бундай компьютерлардан дарсда фойдаланиш ва кутубхоналарда ишлаш мумкин.

Талабалар университетлар ошхоналарида тушлик қилишади. Бу ерда овқатлар нархи кўчага нисбатан икки-уч баробар арзондир. Театрлар ва музейлар чипталари ҳам талабалар учун арзон қилинган.

Ҳар бир университет ўз журналини нашр этади. Унда илмий хабарлар, талабалар ҳаётига доир муаммолар ёритилади. Собиқ талабалар билан улар ҳаётда нималарга эришганлари ва қандай муаммоларга дуч келишгани ҳақидаги суҳбатлар чоп этилади. Бу журналлар кутубхоналар ёки талабалар ошхонасига кириш йўлакларида қўйилиб, бепул тарқатилади. Барча университетлар ўз китоб дўконига эгадир. Уларда кўпроқ талаба ва ўқитувчилар учун зарур бўлган илмий адабиётлар сотилади. Гумболдт университети китоб дўкони Берлиндаги энг катта китоб дўконларидан биридир.

Немислар ўз мумтоз адабиётлари ва фалсафаларини ғоят қадрлашади. Класик ёзувчи ва файласуфлар асарлари доимий равишда нашр қилинади. Уларнинг алоҳида жилдлари ёки асарлар тўпламини исталган катта китоб дўконидан харид қилиш мумкин. Германияда китобсеварлар учун қулай ҳоллардан бири шуки, янги китоблар ҳақида маълумот берувчи журналлар бепулдир ва улар китоб дўконларида алоҳида жойда тўп-тўп қўйилади. Хоҳлаган киши олиши мумкин. Бундан ташқари, нашриётлар ҳам йилнинг ҳар чорагида нашр қилган китоблари номлари, қисқача мазмуни ва нархи ҳақида маълумот берувчи китобчалар чоп этишади ва булар ҳам китоб дўконлари орқали бепул тарқатилади. Асарларнинг кассеталар ёки компьютер дискларига ёзиб сотилиши ҳам кенг тарқатилган. Харидор қидираётган китоб айна пайтда дўконда бўлмаса, дарҳол компьютер орқали буюртма беришади ва уни бир кун кейин келиб олиб кетишингиз мумкин. Китоб чет элдан буюртма қилинса, бир неча кун кутишга тўғри келади, лекин унга ошиқча нарх қўйилмайди. XX аср Шарқ адабиётидан Чингиз Айтматов, турк ёзувчиси Яшар Камол, араб адиблари Жуброн Халил ва Нажиб Маҳфуз, шунингдек, бир қанча япон ёзувчилари китоблари кўп нашр қилинар экан.

Германияда ҳар бир ёш йигит ёки қиз ўзи танлаган соҳада чуқур билим олиши учун барча имкониятлар мавжуд. Масалан, китоб дўконларининг бир-

гина адабиётшунослик бўлимини кўздан кечирганда ҳам, китобларнинг кўплиги ва хилма-хиллигидан ҳайратга тушасиз: немис ва жаҳон адабиёти тарихи, турли адабий оқимлар, айрим ёзувчилар ижодига доир китоблар, “Роман қандай таҳлил қилинади?”, “Драма, шеър ёки ҳикоя қандай таҳлил қилинади?” деб номланган амалий қўлланмалар, луғатлар ва ҳоказолар. Турли муаллифларнинг муайян бир мавзуга турлича ёндошиб яратган асарлари жавонда ёнма-ён туради. Уларни бир-бирига таққослаб кўриб, ҳар ким ўзига ёққанини олади. Мактаб ўқувчилари ва талабалар учун немис классик ёзувчилари асарларининг талқин ва таҳлиллари алоҳида китобчалар қилиб чиқарилган. Гёте ва Шиллернинг айрим шеърларига довр таҳлил қилиниб нашр этилган, Немислар жаҳондаги энг кўп ўқийдиган халқлардан биридир. Барча газеталар кўп саҳифаликдир. Ҳар бир соҳага оид нечталаб журналлар нашр қилинади. Ҳалле, Йена, Лайциг, Мюнхен, Берлин шаҳарларидаги биз кўрган катта китоб дўконлари ҳашаматли саройни эслатади.

Биз икки ярим ой мобайнида ишлаган Берлин Давлат кутубхонаси биносини маҳобатли қошона деса бўлади. Унинг катта бўлимлари ойнаванд деворлар билан ажратилган. Бир бўлимдан бошқасига ўтиш осон. Кутубхонанинг ҳам адабиётшунослик бўлимини тасвирлайдиган бўлсак, бу ерда жаҳон классиклари асарлари, адабиётшуносликка оид илмий тадқиқотлар, маълумотномалар жавонга териб қўйилган. Немис, инглиз, француз, италян ва бошқа тиллардаги адабий журналларнинг янги сонларини ҳам шу ердан топасиз. Европа классиклари асарлари немисчасидан ташқари аслият тилларида ҳам қўйилган. Буларнинг барчасидан китобхон бемалол ўқув залида фойдаланавериши мумкин. Шарқ бўлимида шарқ тилларидаги китоблар, шарқшуносликка оид адабиётлар, турли журналлар мавжуд. Ўқув залида Ўзбекистонга доир китоблар сақланадиган жавон ҳам бор. Аммо у ҳануз Шарқий Европа бўлимида, собиқ Иттифоқ халқларида оид китоблар қўйилган жавонлар қаторида турибди.

Ўқув залида бўлмаган китобларни каталог ёки компьютердан қидириб топиб, буюртма қилиш керак. Компьютер сиз излаётган китоб ушбу кутубхона ва Берлиндаги бошқа кутубхоналарда бор-йўқлиги ҳақида маълумот беради. Нодир бўлмаган китоблар бир ой муддатга уйга ҳам берилади.

Германияда замонавий ёзувчилар ижодини тарғиб-ташвиқ қилишга катта эътибор берилади. Ажойиб тарафларидан бири шуки, бунда китоб дўконларидан кенг фойдаланилади. Ёзувчиларнинг янги асарлари нашр этилса, албатта тақдимот маросими бўлади. Тақлифномалар кўпинча китоб дўконлари орқали тарқатилади. Яъни, кўпроқ китоб сотиб олган харидорга тўхфа қилинади. Улар асосан бепул, баъзан машҳур ёзувчилар билан учрашув бўлганида эса, нарх қўйилади. Буюк адиб Чингиз Айтматов билан бўлган учрашув 350 минг аҳоли яшайдиган Ҳалле шаҳрининг катталиги Тошкентдаги Марказий Универмагга баробар келадиган марказий китоб дўконининг бир қанотида ўтказилади. Уч юз ўринга чипталар олдиндан сотилган бўлса-да, ўша кун яна кўп мухлислар келишди. Қўшимча чипталар сотилиб, мухлисларнинг бир қисми тик туриб севимли адибнинг сўзларини тинглашди. Бу учрашув адибнинг “Қирғизистонда болалик” асарининг немис тилидаги нашри муносабати билан ўтказилаётган эди. Ушбу асарнинг немисчага таржима қилган ёзувчи Фридрих Хитцер Германия бўйлаб сафари домида Чингиз оғага ҳамроҳ бўлиб, учрашувларда таржимонлик ҳам қиларди.

(Фридрих Хитцер ва олмоншунос олим Шавкат Каримовнинг Чингиз Айтматов асарларининг Германиядаги шуҳрати ҳақидаги суҳбатлари “Адибнинг германиялик мухлислари” сарлавҳаси билан “Жаҳон адабиёти” журналининг 1998 йил, 12-сонида эълон қилинган).

Учрашув ҳақида эълон бир неча ой бурун адабий журналлардан бирида берилган бўлиб, ўша пайтдаёқ китоб дўконидан Айтматов асарлари кўргазмаси ташкил қилинди. Қирғизистонни кезиб чиқиб, адиб асарларидаги манзараларни эслатадиган гўшаларни суратга олган бир мухлис томонидан тайёрланган каттакан фотоальбом ҳам нашр қилинган эди.

Бугунгача ҳам Германиянинг қатор шаҳарларида учрашувлар ўтказиб келган Чингиз оғани қарсақлар билан кутиб олдик. Адиб гуллар билан безатилган

жойга ўтиргач, мухлислар олқишларига ўз миннатдорчилигини билдирди ва дўстона суҳбат бошланди:

— Шу пайтгача менинг ўз китобхоналарим билан учрашувларим кўпроқ клублар ва саройларда бўлган. Бугун эса китоб дўқонида ўтмоқда. Бошқа учрашувларда фақат менинг китобларим кўринса, бугун бошқа юзлаб муаллифлар китоблари орасида менинг асарларим денгиз ўртасидаги бир оролдек турибди. Сизлар менинг ўқувчиларим, яъни менга энг яқин кишисизлар. Сизлар менинг китобларимни севиб ўқиркансизлар, демак бизнинг орамызда кўпгина умумийликлар бор. Шу сабабли мен ўзимнинг кўнглимдаги баъзи энг азиз ижодий ниятларимни сизларга гапириб бераман.

Шундай дея, Чингиз оға Германия сафари давомида дилида туғилган янги бир ижодий режа ва ёзилажак асарнинг тахминий сюжетини айтиб берди.. Сўнгра суҳбат адибнинг болалиги ҳақидаги китоб устида давом этди. Чингиз оға ёзувчи бўлишида болалик пайтидаги кўрган-кечирганлари катта роль ўйнаганини, илк асарлари асосан болалик хотиралари таъсирида ёзилганини сўзладилар. Ўсмирлик пайтда тақдир тақозоси билан Чингиз оға почтальонлик вазифасини ҳам бажариб, унга ўз қишлоғидаги кўллаб хонадонларга қорахат элтишга тўғри келган. Мусибатзада кишилар баъзан ўз ғазаб-нафратларини қборахат келтирган болага ҳам сочишарди. Сўнгра суҳбат мавзуси ҳозирги даврга кўчди. Адиб уруш тарғиботи энг оғир жиноят эканини таъкидлаб деди: — Барча даврлардаги урушларда асосан ёшлар қурбон бўлишган. Генераллар, сиёсатчилар, яъни урушни бошлаб ундан манфаат кўзлаганлар ўзлари жанг майдонига киришни хоҳлашмайди. Мен бу ерда кўпгина ёшларни кўряпман. Сизлардан шуни илтимос қилардимки, ирқий, миллий, диний низолардан ҳазар қилингиз. Агар сизлар тинчликни асрасангиз, ўз ҳаётингиз ва келажагингизни асраган бўласиз.

Бу сўзлардан сўнг узоқ вақтгача қарсақлар янграб турди.

— Энди менинг ўз ҳаётим давомида қилган хулосам, яъни афоризимни эшитинг, — давом этди Чингиз оға, — Олов агар ўз йўлида учраган нарсани ёндирса ва кул қилса, у айбдор эмас, чунки бу унинг стихияси. Сув агар ўз йўлида учраган нарсани емирса ва ғарқ қилса, у айбдор эмас, чунки бу унинг стихияси. Лекин одам бирон бир ёвузликни содир этса, у айбдордир. Чунки унга ақл берилган. У Оллоҳ ато этган ақли билан мулоҳаза қилиб, ёвузликдан ҳазар этмоғи лозим.

Мазмунли ва мароқли суҳбатдан сўнг адиб китобларига дастхат ёзириб олиш бошланди. Узун навбат ҳосил бўлди. Кечқурун саккиз-тўққизлар бўлишига қарамай, дўқонда савдо қизиб сотувчиларнинг қўли-қўлига тегмасди. Пештахтада адибнинг ўнга яқин китоби турарди. Баъзилар битта-иккитасини олса, баъзилар бир қучоқ китобни кўтариб, дастхат ёздиришга элтарди. Шу сабабли Чингиз оға анча толиқиб қолдилар. Биз сабр билан одамларнинг тарқалишини кутиб турдик ва Чингиз оға билан бирпас суҳбатлашиш бахтига мушарраф бўлдик.

— Асарларингизни энди немисчада ўқияпмиз, бу немис тилини ўрганиб олишимизга ҳам катта ёрдам берапти, — дедик адиб китобларини дастхат ёздириш учун узатарканмиз.

— Мен сизларни Германияда учратаётганимдан жуда хурсандман. Немис тилини, умуман ғарб тилларини чуқур ўрганинглар, чунки бу замон талабидир, — деди Чингиз оға. Немис қизи Аннеттанинг ўзбекчада бемалол гапириши офани завқлантирди.

— Менга дастхатни қирғизча ёзиб беринг, қирғиз тилини ҳам ўрганиш ниятим бор, — деди Аннетта. Адибнинг мухлислари унга гуллар ҳам совға қилишган эди. Чингиз оға энг чиройли долаларни Шарифа ва Аннеттага тақдим этди. Мен адибга Мухтор Шохонов билан ҳамкорликда ёзилган “Чўққида қолган овчининг оҳи-зори” асарини олдин “Жаҳон адабиёти” журналида, сўнгра алоҳида китоб ҳолидаги ўзбекча тўлиқ нашрини ўқиганимни айтдим.

— Ҳа, бу нашрлардан хабарим бор, — деди Чингиз оға мамнун бўлиб.

— Бу асарда ўз таржимаи ҳолингизга оид анчагина эсдаликларингиз бор экан. Шулар асосида бир автобиографик роман ёзмайсизми? Мен сизнинг ўз муҳаббатингиз ҳақидаги бир асарни назарда тутяпман.

Шу сўзларни айтишим биланоқ адиб қиёфасида ўзгариш, тўғриси маъюслик ифодаси пайдо бўлганини сездим. Фожиали тарзда тугаган муҳаббат хотиралари янгилигича тургани, эсседи юрак дардлари ва айрилиқ изтиробларининг ўндан бири ҳам ўз ифодасини топмагани менга аён бўлди.

— Мен ўйлаб кўраман, — дедилар оға.

— Ваъда берасизми? — дедим ҳазиллашиб.

— Бўпти, ваъда бераман, — дедилар оға, балки менинг хиралигимдан тезроқ кутулиш учун.

Бирга суратга тушиб, хайрлашаётганимизда Чингиз оға “Хайр, саломат бўлинглар, тинмай ўқиб-ўрганглар. Бу йўлда сизларга омад тилайман”, — дедилар. Хуллас, бу кун ҳаётимиздаги энг унутилмас кунлардан бири бўлди ва унга мушарраф этгани учун карами кенг Оллоҳга шукрлар қилдик.

Камина Германиядалик пайтимда немис миллатининг китобхонлик даражаси юқорилигининг сабаблари ҳақида кўп мулоҳаза қилиб кўрдим. Аввало, Германияда жамиятнинг аксар аҳолиси шаҳарларда яшайди. Шаҳар аҳолисининг эса, табиийки, китоб ўқиш учун бўш вақти кўпроқ бўлади. Ҳозирги пайтда қишлоқлардаги шарт-шароит ва қулайликлар ҳам шаҳардагидан деярли фарқ қилмайди. Бундан ташқари, тараққиёт натижасида қўл меҳнати жуда камайиб, одамларнинг кўпчилиги ақлий меҳнат билан машғул.

Ақлий меҳнат билан шуғулланиш маълум даражада маълумотли бўлишни талаб қилади. Маълумотли одамлар эса бадиий китобларни ҳам танлаб, эстетик завқ билан бирга кўпроқ интеллектуал озуқа бера оладиган асарларни ўқишади. Юзаки ва саёз асарлар уларнинг маънавий эҳтиёжини қондирилмайди. Шу сабабли ёзувчилар талабчан китобхонларга мос асарлар яратиш учун ўз устиларида тинмай ишлашади. Номдор адибларнинг кўпчилиги ҳеч қерда ишламайдиган эркин ижодкорлардир. Сермаҳсул ёзувчилар учун китоблари нашридан оладиган қалам ҳақи етарли бўлиб, бошқа жойда ишлашга ҳожат йўқ.

Ўзбек адибларининг баъзи асарлари ҳам немис тилида нашр этилган ва катта кутубхоналарда топилади. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари, Алишер Навоий ижодидан намуналар бир неча бор нашр қилинган. XX аср ўзбек адиблари асарлари асосан рус тили орқали ўгирилган. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси”, Раҳмат Файзийнинг “Ҳазрати инсон” романларининг немис тилидаги нашрлари мавжуддир. Айниқса, Темур Пўлатов асарлари Германияда катта шухрат қозонган. Мазкур ёзувчининг китоблари бир неча бор чоп қилинган бўлиб, немис тилида унинг ижодига бағишлаб илмий тадқиқотлар ҳам ёзилган. Шунингдек, Худойберди Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб” асари алоҳида китоб ҳолида нашр этилган.

Германияда, ўзбек халқ оғзаки ижоди билан шуғулланувчи йирик мутахассислар бор. Номи ўзбек зиёлиларига яхши таниш бўлган Илза Сиртаутас хоним ўзбек халқ эртақларидан намуналарни немис тилига таржима қилиб, тўплам ҳолида чоп этган. Сўнгроқ олима АҚШга кўчиб кетиб, мазкур мамлакатдаги йирик ўзбекшунослардан бирига айланди. Профессор Карл Райхл ҳам ўзбек эртақларини аслиятдан таржима қилиб нашр этган. У, шунингдек, “Равшан” достонини немисчага ўгириб ўзбекча асл нусхаси билан биргаликда нашрга тайёрлаган. Бу илмий нашр бўлиб, унга ўзбекча-немисча луғат илова қилинган.

Германиянинг барча шаҳарларида музейлар кўп. Немис халқи тарихи ва маданияти билан танишишда уларнинг ўрни беқиёсдир. Лейпциг шаҳрида ниҳоятда улкан этнография музейи бор экан. Бу музейда деярли бутун жаҳон халқларининг турмуш тарзлари ҳақида тасаввур уйғотадиган экспонатлар қўйилган. Ҳар бир қитъа учун катта зал ажратилган. Осиё залида Ўзбекистон бўлими ҳам мавжуд. Унда Бухоро, Фарғона хунарамандчилигидан намуналар ва аёллар тўқиган чиройли кашта ва сўзаналар қўйилган.

Шунингдек, Лейпцигдаги Авлиё Томас черковида бўлдиқ. Ўз пайтида бу ерда буюк композитор Иоганн Себастиан Бах ишлаган бўлиб унинг қабри ҳам ушбу черков ёнидадир.

Германиянинг туристлар ва зиёратчилар кўп келадиган шаҳарларидан бири Виттенбергдир. Бу шаҳар у қадар катта бўлмаса-да, ўрта асрда унда Германия

ва бутун Европа тарихига сезиларли таъсир кўрсатган воқеалар содир бўлган. Ушбу шаҳардан чиққан Мартин Лютер христиан динидаги протестантлик мазҳабига асос солган ва бу мазҳаб Германияни шимоли ва бошқа баъзи мамлакатларга тарқалган.

Виттенбергни немислар кўпинча “Лютерштат-Виттенберг”, яъни “Лютер шаҳри Виттенберг” дейишади. Бу ерда иккита қадимий черков бор. Бирида Лютер қабри жойлашган. Иккинчисида Лютернинг замондоши бўлган машҳур рассом Лукас Гранах чизган расмлардан намуналар бор. Виттенбергдаги Мартин Мотер уйи ва Лукас Гранах устахонаси ҳам музейларга айлантирилган Германиядаги энг қадимий университетлардан бири ҳам шу шаҳарда ташкил қилиниб, унда ўз пайтида буюк итальян олими Жордано Бруно ҳам маърузалар ўқиган экан. Кейинчалик у Ҳаллега кўчирилиб, Ҳалле университетига қўшилган ва ҳозирда Мартин Лютер номидаги Ҳалле-Виттенберг университети деб аталади.

Ундаги Лютер даврида ташкил этилган илоҳиёт факультети шу кунларда ҳам мавжуддир. Виттенберг шаҳри бутун дунёдаги протестантлар учун зиёратгоҳ жой ҳисобланади.

Германиянинг энг гўзал шаҳарларидан бири Дрездендир. Ёдгорлик ва музейларга бойлигидан уни “Элбадаги Флоренция” деб ҳам аташади.

Элба дарёси бўйлаб кемада сузиб шаҳардан қирқ чақирим наридаги қирол саройига бордик. У музейга айлантирилган. Сарой теварагидаги истироҳат боғида бир пайтлар Япониядан келтирилган, ёши икки юздан ошган доим яшил камелия дарахти бор экан. Лавҳада ёзилишича кўплаб ёш ниҳоллардан фақат шуниси яшаб қолган. Олдин қишда ёғоч билан ўраб олинар экан, ҳозирда ойнаванд тўсиқ қилинган. Биз борганимизда бу нодир дарахт қип-қизил бўлиб гуллаган ва жуда чиройли кўринарди.

Дрезденда жаҳонга машҳур расмлар галереяси бор. У Цвингер саройида жойлашган. Галереядан Рафаэль, Рембрандт, Рубенс, Веласкес каби буюк рассомлар асарлари жой олган. Итальян, немис, испан, француз рассомлари асарлари алоҳида залларда сақланади. Рафаэлийнинг “Сикстин Мадоннаси” асари хазинанинг дурри шахворидир.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, уруш пайтида Дрезден шаҳри Америка ва Англия ҳарбий ҳаво кучлари ҳужуми оқибатида ер билан текислаб ташланган. Уша даврда олинган фотосуратларни кўриб бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Аммо шаҳардаги қадимий бинолар аслида қандай бўлса, шундайлигича тикланган. Албатта бу катта маблағ ва меҳнат талаб қилади. Немислар эса ўз қадимий шаҳарларининг тарихий қиёфасини тиклашга ғоят катта эътибор беришар экан. Деярли ҳар бир қадимий шаҳарда кенг кўламдаги таъмирлаш ишлари олиб борилаётганининг гувоҳи бўлдик.

Ўлкамизнинг жаҳоншумул шухратига сабаб бўлган, аммо узоқ давр ва турли ҳодисалар таъсирида вайрона ёки ярим вайронага айланган Варахшадаги бинолар, Самарқанддаги Улуғбек расадхонаси ва Шаҳрисабздаги Оқсарой каби нодир обидаларни аслига яқин қилиб тиклашда Германия бинокорларининг улкан тажрибаларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Чунки Клавихо Оқсарой ҳақида, Бобур ва Абдуразоқ Самарқандий расадхона ҳақида анчагина маълумотлар ёзиб қолдиришган бўлиб, улар мазкур биноларни қайта тиклашга асос бўла олади.

Нюренберг шаҳрини томоша қилишимиз анча осон кечди. Чунки бизни бу ерда Германиядаги турк ёшлари жамиятининг Нюренберг шаҳри ва вилоятидаги раҳбари Меҳметжон кутиб олди. Унинг уйида уч кун меҳмон бўлдик. Жамият аъзолари Германияда яшайдиган турклар ўз асл ватанлари маданиятини унутиб юбормасликлари учун ғамхўрлик қилишаркан. Улар амалга ошираётган хайрли тадбирлардан бири камбағалроқ оилаларнинг болаларига турк тилини текин ўргатиш эди. Биз келганимиз муносабати билан кечкурун бир қанча турк йигит-қизлари йиғилишди. Биргаликда суҳбатлашиб, туркча ва ўзбекча кўшиқлар айтдик. Бир-бирларимизни таржимасиз тушунганимиздан бағоят хурсанд эдик.

Нюренбергни кўпчилик иккинчи жаҳон урушидан сўнг йирик фашист жиноятчилари суд қилинган шаҳар сифатида билишади. Шаҳардаги қадамжолар-

дан бири буюк рассом Албрехт Дюрернинг уй музейи экан. Музейнинг ҳар хонасида ноёб экспонатлар қўйилган. Марказдаги залда ҳар ярим соатда Дюрер ҳаёти ва ижодига оид қизиқарли фильм намоиш қилинади.

Нюренбергда ўйинчоқлар музейи ҳам бор экан. Унда энг қадимги даврда қўлда ясалган ва ҳозирги замонда фабрикада ишлаб чиқарилган юзлаб турлитуман ўйинчоқлар сақланади. Улар орасида аслзодаларнинг арзандалари учун олтин-кумуш каби қимматбаҳо маъданлардан ясалган ўйинчоқлар ҳам бор. Кейинги асрларда ясалган ўйинчоқлар орасида техника тараққиёти билан боғлиқ машина, самолёт, кўп қаватли уйлар кабилар кўпдир. Улар шунчаки ўйинчоқ қилиб ясалмасдан, қисмларга ажраладиган қилиниб, боланинг қизиқишини ва мушоҳадасини оширишни кўзда тутиб ясалгани кўриниб турибди. Хуллас, болалар учун қанақа ўйинчоқлар ясалишининг ҳам тараққиётга маълум даражада таъсири бўлар экан.

Германиядаги энг машҳур ва доимо одам гавжум бўладиган жойлар буюк шоирлар Иоганн Вольфганг Гёте ва Фридрих Шиллер хотиралари билан боғлиқ қадамжолардир, десак муболаға бўлмаса керак.

Иена шаҳрида мен Шиллернинг боғ ҳовлисини зиёрат қилдим. Шоир бу ерда бир қанча машҳур асарларини яратган экан. Ҳовлидаги супада бу ерда ижод қилгани ва Гёте билан суҳбатлар кургани ҳақида лавҳалар осиглик. Шиллер Иена университетида тарих профессори бўлиб, кейинчалик Гёте таклифига кўра Веймарга кўчиб боради.

Вейнар боғ-роғларга бурканган гўзал шаҳар. Унда Гёте, Шиллер ҳамда ўша даврда адабиёт ва санъат ҳомийси бўлгани билан тарихда ном қолдирган бой хотин Анна Амалия уй музейлари мавжуд. Анна Амалия меҳмонлар учун ўз уйида чиройли театр қурдирган экан. Гётенинг шахсий кутубхонасида етти минг жилддан ошиқ китоб бор экан. Гёте асарлари ва у ҳақдаги китобларнинг турли нашрлари саноғига етиш қийин. Айрим китоб дўконларида алоҳида Гёте бўлимлари бор. Шаҳарда немис миллий театри олдида Гёте ва Шиллерга ҳайкал урнатилган.

Сўнгги йилларда Европада ҳар йили бирон шаҳарни қитъанинг маданият пойтахти деб белгилаш одат бўлган. Шу йили Веймар Европанинг маданият пойтахти бўлди. Шу сабабли туристлар ҳар йилгидан ҳам кўпроқ эди.

Веймар каби буюк маданият марказига яқин бир жойда уруш йилларида Бухенвальд концентрацион лагери жойлашган. Лагерга қорамтир ўрмонзорлар оралаб бир пайтлар тутқунлар қурган йўлдан борилади. Бу ердаги барча манзаралар инсон руҳига оғир таъсир қилади. Германияда миллий маданиятга оид гўшалар ва қадамжолар каби, инсоният ва миллат номига доғ туширган машъум фожиалар кечган жойлар ҳам, одамлар хотирасидан ўчмаслиги учун музей-қўриқхоналарга айлантирилган. Бухенвальд лагерида ўн минглаб тутқунлар очлик, касаллик, кондаги оғир меҳнат ва турли қийноқлардан ўлиб кетишган. Музей ёнидаги китоб дўконида иккинчи жаҳон уруши ва хусусан, Бухенвальд концлагери ҳақида нашр қилинган ўнлаб турли китоб ва альбомлар турибди.

Музейдаги хотира дафтарига “Бу ерда ҳалок бўлган ватандошларимизга Оллоҳнинг раҳмати ёғилсин” деб ёздик. Дафтардаги кўпгина ёзувлар урушга нафрат, бундай фожиалар қайта такрорланмаслиги учун огоҳликка чақириқларга тўла эди. Аммо уруш даҳшатларидан ўзига сабоқ чиқара олмаганлар ҳам бор экан. Бир жоҳил дафтарга “Раҳмат сенга, Гитлер, маза қилиб томоша қилдик”, — деб ёзиб кетибди. Турган гапки, бу ёзув минглаб зиератчиларнинг ғазаб-нафратини уйғотди.

Германияда фашистлар ташкилотлари ҳозирда ҳам бор. Турли касблар эгаси бўлган суҳбатдошларимиздан мазкур ташкилотлар ҳақидаги фикрларини сўраганимизда барчасидан тахминан бир хил жавоб олдик: “Бундай ташкилотларга асосан қаланғи-қасанғилар ва уларнинг таъсирига тушиб қолган баъзи ишсиз ёшлар аъзо бўлишади. Фашизм жиноятларидан яхши хабардор кишилар улардан ҳазар қилишади”. Дарҳақиқат, ҳозирги Германияда фашизмнинг кучайиши учун шарт-шароит ва замин йўқ. Жамиятнинг асосий кўпчилиги фашистлар ҳукмронлиги йилларини Германия тарихидаги аянчли ва шармандали давр сифатида эътироф этишади.

Германиянинг барча шаҳарлари, ҳатто энг кичикларида ҳам театрлар бор деса бўлади. Биргина Берлиннинг ўзида 70га яқин катта-кичик театр мавжуд экан. Ҳафталик, ойлик афишалар ва томошаларга оид журналларда кўпинча қўшни шаҳарлардаги театрлар репертуарлари ҳақида ҳам маълумотлар берилади. Шаҳарлар ораси яқин бўлгани учун шаҳардаги қизиқарли спектаклни томоша қилиб келиш қийинчилик туғдирмайди. Энг асосий муаммо билет масаласидир. Баъзан билетлар 10-15 кун олдиндан тугаб қолади.

Илк бор Ҳалле шаҳри театрида Шекспирнинг “Қирол Ричард III” асарини томоша қилганда, мени театр залининг одатдагидан бошқачалиги ҳайрон қолдирган эди. Унда томошабинлар икки томонда ўтириб, сахна ўртада жойлашган, актёрлар шундоққина томошабинлар олдида роль ижро этишарди. Декорациялар жуда кам бўлиб, асарнинг таъсир кучига асосан актёрларнинг юксак даражадаги ижроси туфайли эришилади.

Театрлар бир-биридан тубдан фарқ қилади. Мюнхен шаҳрида кўрганимиз рокоо услубида қурилган қадимий театрнинг ички кўриниши, безаклари жуда зўр эди. Спектакль бўлмаган пайтларда ҳам одамлар бу театрнинг ичини томоша қилиш учун чипта олиб киришарди.

Йена шаҳри театри зали бунинг аксича безаксиз ва оддий эди. Театрнинг гиштин биноси шувалмаган ва оқланмаган ҳам. Кўнглимдан “ўзимиздаги кўпгина колхоз клубларидан унча фарқ қилмас экан” деган ўй кечди. Бу фикрнинг тасдиғидек томоша пайтида каттақон сигир сахнага чиқарилди. Хуллас, режиссёрларга катта эркинлик берилган. Ҳар қандай асарни ўз билганича, хаёлига келган ғаройиботларни қўшиб сахналаштиришади.

Тарихий асарларнинг сахна талқинида ҳам икки хил йўл мавжуд. Биринчиси асарни воқеалар кечган тарихий даврга мослаб сахналаштириш. Иккинчиси эса асарни қисман ёки тўла замонавийлаштириш.

Берлин театрларидан бирида Шиллернинг “Макр ва муҳаббат” асари томошасига кирдим. Тўғриси, классик асар кўрармиз, деб кутгандим. Аммо актёрлар замонавий кийимларда чиқишди. Асар тўла замонавийлаштирилган. Бош қаҳрамонлар севги сахналарини ҳам ўта замонавий қилиб юборишди. Томошабинларнинг аксарияти ёшлар эди. Умуман, Германия театрларида томошабинларни кўпроқ жалб қилиш мақсадида спектаклларни ранг-баранглаштириш, классик асарларни ҳам замонга мослаштиришга интилиш кучлидир.

Шунча театр ва кинотеатрлар ҳам халқнинг томоша ва ўйин-кулгига бўлган эҳтиёжини қондиролмайдди, шекилли, Германияда ҳар йили карнаваллар ва халқ сайиллари ўтказилиб туради. Наумбург шаҳрида шундай халқ байрамларидан бирининг устидан чиқиб қолдик. Аслида бу шаҳарга XI асрда қурила бошлаган ва XIII асрда қуриб битказилган немис меъморлик санъатининг дурдоналаридан бири ҳисобланган ғоятда маҳобатли соборни томоша қилишга борган эдик. Германиянинг ҳар бир тарихий шаҳрида мавжуд бўлган бозор майдонида (Маркплац) рицарлар байрами бўлаётган экан. Майдонда ўрта асрлар манзарасини яратишга ҳаракат қилиб, эски халқ ҳунармандчилигига оид сават тўқиш, темирчилик ва ҳоказо устaxonалар қурилган. Усталар ўрта асрларга хос кийимларда ўз ҳунарларини намойиш этишмоқда. Алоҳида бир жойда рицарлар қурол-яроғлари, совуқ қалқонлари ёйиб қўйилган. Рицарлар кийимини кийиб, қурол яроғларини тақиб олган кишилар қиличбозлик, найзбозлик машқларини қилиб кўрсатишди. Ўрта асрларда ихтиро қилинган милтиқлардан осмонга ўқ узишди.

Кейинчалик Берлинда маданият карнавалини томоша қилганимизда ҳам ҳунармандчилик буюмларининг кенг кўламда намойиш қилинганидан таажжубланган эдик. Германияда тараққиёт нечоғли илгариласин, қўл ҳунармандчилиги ҳам ҳамон мавжуд ва қўлда ясалган буюмлар қиммат туради ва қадрланади.

Юксак тараққиёт ва юксак маданият бир-бирига чамбарчас боғлиқлиги ҳақидаги мулоҳазалар Германиядаги беш ойлик сафар давомида каминга чиқазган асосий хулосалардан биридир.

маданият ҳам

ЯН ПАРАНДОВСКИЙ

Сўз кимёси

МУҚАДДИМА

Менинг китобларимдан биронтаси ҳам бу қадар катта тарихга эга бўлмаган ва бошидан шунчалар саргузаштларни кечирмаган. Ҳаммаси чорак аср олдин жўнгина бир маърузадан бошланди. Мени Вильно шаҳарида адабий пайшанбаликларидан бирига таклиф қилишди ва мен нима тўғрисида гапирсам экан деган масалада бироз қийналиб қолдим, чунки ўша кезларда бир асарни таҳрир қилиш билан банд бўлганим учун қўлимда дурустроқ бирон нарса йўқ эди. Бирдан ялт этиб бошимга бир фикр келиб қолди — адабий кечада ёзувчининг меҳнати тўғрисида гапириб берсам қалай бўларкин?

Жуда хурсанд бўлиб кетдим. Ўшандаги мовий куз кунини яхши эслайман. Бу фикр бутун вужудимни қамраб олди — мен зўр илҳом билан алоҳида-алоҳида саҳифаларга бўлажак маърузанинг режасини ва айрим тафсилотларини қоралай бошладим. Эртасигаёқ Вильнога адабий кечада қатнашишга рози эканини маълум қилдим ва маъруза мавзуини хабар қилдим.

Вильнога мен ноябрдагина бора олдим — қиш яқинлаб қолган эди, Остробрамск дарвозаси яқинидаги собиқ монастирнинг деразалари остида шамол увилларди. Бу ўша — Мицкевич турмада ўз камерасида ўтирганида эшитган шамолнинг ўзи эди. Мен ҳам шу ҳужрада хотиротлар ва арвоҳлар қуршовида тунадим. Ҳатто менда битта шамдан бошқа тузукроқ чироқ ҳам йўқ эди — “Импровизация” дан шеър ўқий бошлашим билан бу “нобоп шам” ўчиб қолди.

Озод
ШАРАФИДДИНОВ
таржимаси

Ян Парандовский (1895-1978) ҳозирги поляк адабиётининг ёрқин намояндalarидан. У Львовда туғилган, шу ерда гимназияда ўқиган сўнгра Львов дорилфунунининг филология факультетини битиради. У ўн ёшидан қўлига қалам олади, кейин кўпгина насрий асарлар яратади. Лекин у бадий асарлари билан эмас, илмий-оммабоп асарлари ва биографик романлари билан шухрат топади. Булар ичида “Мифология”, “Олимп Эрос”, “Олимп доираси” каби асарлари бор. Шунингдек, у Оскар Уайльд тўғрисида “Ҳаёт қироли” ва Петрарка тўғрисида “Петрарка” романини яратган. Ян Парандовскийнинг энг машҳур асари “Сўз кимёси” дир (1951). Сўз санъатининг азалий сирлари ҳақида ҳикоя қилувчи бу асар бениҳоя материалга бой. Унда адабиётнинг бетакрор дунёси мукамал очиб берилган. Шубҳасиз, бу асар ҳар бир китобxonга адабиётни чуқурроқ тушунишда жуда катта ёрдам беради. У ўнлаб тилларга таржима қилинган. “Сўз кимёси” — 13 бобдан ташкил топган. Биз бу асарнинг дастлабки икки бобини журналxonлар эътиборига ҳавола қилмокдамиз. Умид қиламизки, эълон қилинаётган боблар ўзбек китобxonини ҳам лоқайд қолдирмайди ва унинг адабиётнинг сирли ва жозибадор олами билан таништиришга хизмат қилади.

Маърузадан кейин бўлиб ўтган баҳс мени маъруза мавзуини жуда ўринли танлаганимга ишонтирди. Тингловчилар ёзувчи меҳнати ҳақидаги маълумотларга жуда муштоқ эдилар. Улар мендан маъруза вақтида беришим мумкин бўлганга қараганда кўпроқ маълумот беришимни талаб қилишди, улар устма-уст саволлар бериб, баъзи мавзуларни кенгроқ баён қилишимни, янги мавзуларни тилга олишимни талаб қилишди. Худди шу аҳвол ҳар гал бирон янги даврада маъруза ўқиганимда турли шаклларда такрорланаверди. Маърузамни ёзиб келган қоғозларнинг орқа томонида ҳар хил қайдлар пайдо бўлди, тингловчилар билан гаплашган гапларим ёзиб қўйилди. Менда бу мавзуни кенгроқ ишлаш фикри туғилди, негаки бу масалаларга қизиқаётганлар жуда кўп эди. Аммо бу мавзуни бошқа ишлар орқага суриб қўйди. Охир пировардида мен ҳамма нарсани унутиб юборгандай кўринишим ҳам мумкин эди. Нега десангиз, мен аввалига ўзимнинг “Олимпия доираси” асарим билан, ундан кейин эса “Кўкни олов чулғанда” асари билан жуда банд бўлдим.

Орадан кўп ўтмай пайқаб қолдим — ўқиган нарсаларим ҳақидаги мулоҳазаларимни ва ёзувчи меҳнати тўғрисидаги ўйларимни беихтиёр қоғозга тушира бошлабман. Ажойиб кунлардан бирида буларнинг барини — айрим-айрим ва рақлар, эски конвертлар, лахтак-лахтак қоғозларни йиғиб, битта махсус папкага жойлай бошладим. Бир неча йил мобайнида папка жуда семириб кетди. Бу — айни уруш арафасида рўй берди. 1939-йилнинг сентябрида мен уйдан чиққанимда, табиийки, бу папкалар уйда қолган эди. Мен ҳеч қанақа папкалар ва қоғозлар тўғрисида бир лаҳза ҳам ўйлаганим йўқ десам, бу гап, албатта, ҳеч кимни ажаблантирмас керак. Фақат қайғули 1941-йилдагина менинг қўлимга битта умумий дафтар тушиб қолди ва мен бу дафтарга йиғилган материални шошмай жойлаштириб чиқиб, аниқ китоб ёзиш мақсадида уларни қайта ишлай бошладим. Бу китобнинг ҳажми қандай бўлиши тўғрисида менда ҳали тасаввур йўқ эди, жуда кўп ёзсам юз-юз йигирма бет ёзаман-да деб ўйлаган эдим. Биринчи қоралама дафтарга иккинчичи қўшилди, кейин эса оккупация йилларидаги дарбадарликларим чоғида мен улардан ажралмай қўйдим. Бу дафтарлар сақланиб қолди, агар улар Варшавада қолганларида эди, менинг ҳамма китобларим ва қўлёзмаларимнинг қисмати уларнинг ҳам бошига тушар эди.

Урушдан кейин “Сўз кимёси” мен билан бирга Швеция, Норвегия, Францияларни кезиб чиқди, соатлаб умри Стокгольмдаги Қирол кутубхонасида, Париждаги Миллий кутубхонада ўтди — қўлёзма кўз ўнгимда катталашиб китобга айлана борди. Польшага қайтиб келганимдан кейин у ўзига хос текширувдан ўтди — мен шу ёзувлардан фойдаланиб, дорилфунунда бир курс маъруза ўқидим. Бу маърузалар бўлгусви китоб учун жуда муҳим бир босқич бўлди. Қайдлар ва ёзувларда истаган масала жуда ихчам, баъзан бор-йўғи бир неча сўзда баён қилинарди, маърузаларда эса масала кенгайиб кетар, ҳар хил тафсилотлар билан бойирди. Улар янги-янги саволлар туғдирарди, натижада бундан кейин нималарга эътибор бериш кераклиги менга аён бўлиб қолар ва айрим муаммоларга мен баҳслар ва семинарларда қайта-қайта муножаат қилардим.

Мана, қораламалар билан ишламай қўйганимга анча бўлиб қолди, машинада оққа кўчириб ҳам бўлинди, турли боблар босилган, қоғозларнинг нави ва бичими ҳар хил эди, нафақат қоғоз балки ҳарфларнинг шакли ҳам хилма-хил эди. Буларнинг бари мамлакатлар, шаҳарлар, кўчалар тўғрисида хотиралар уйғотар, гоҳ кўз ўнгимда қарағай ҳидларига тўлган Вигбюхольм гавдаланар, гоҳ Сен-Мишель ва Люксембург боғининг кузги дарахтлари намоён бўлар, баъзан эса қор босган сокин Люблин пайдо бўларди.

Тўсатдан бу саҳифаларни шабада юлқиб ўйнай бошлади. Турли журналларнинг илтимоси айрим парчаларни тайёрламоқда ва навбатма-навбат эълон қилмоқда эдим. Уларни чоп эттирар эканман, ҳар қайсисига мос келадиган сарлавҳалар кўярдим. Бир йилдан кейин мен ўзимнинг китобимни таниёлмай қолдим. Унинг қисмларидан биронтаси ҳам дастлабки қиёфасини сақлаб қолмапти, композицияси ўзгариб кетипти, кўпинча бир парча икинчисига суқилиб кириб қолипти, баъзан эса биронта очофат қисм унғ боғлиқ бўлмаган ва ундан анча нари турадиган қисмнинг ичидаги бор-будини “еб” кўярди,

баъзан эса баъзи бир мутлақо янги парчаларни ҳам қўшишга тўғри келди. Уларни қисм деб айтсакмикин, ёки булар аввалда кўзда тутилмаган бобмикин, майли-да!

Мен нима қилишмни билмай гаранг бўлиб қолдим. Менинг ёзувчилик фаолиятимда тез-тез рўй бериб турадиган ҳолат рўй берди — ўтириб, ҳаммасини бошидан янгидан ёзиб чиқиш иштиёқига тушиб қолдим. Лекин мен бунақа кўнгил майлларига берилиб кетолмас эдим, чунки китоб икки ойдан кейин босмаҳонада бўлмоғи керак эди. Ёз фасли эди, кўп қисми газета қийқимларидан ташкил топган бир уюм варақлар мен билан бирга таътилга чиқди. Уетка деб аталган чоғроқ маҳзун шаҳарча хотирамга ўрнашиб қолди. Мен бу шаҳарчада бир-бирини алмаштириб лип-лип ўтиб турган кунлар мобайнида “Сўз кимёси”нинг тарқоқ саҳифаларини бир-бирига тикиш билан банд бўлдим. Шу шаҳарчада китобнинг узундан-узоқ саргардонлиги хотима топди ва бир неча ойдан сўнг китоб босилиб чиқди. Китобни янги саргузаштлар кутмоқда эди. У жуда тез тарқаб кетди, қисқа муддат ичида у нодир китобга айланиб қолди. Одатда асрлар давомида яшаб келган асарларга нисбатан қўлланадиган “нодир”, “ноёб” деган муборак унвонларни туғилганига атига бир неча ой ўтган китобга нисбатан қўллаш жоиз бўлса, менинг китобим ҳам “ноёб” асарлар сирасига кириб қолди. Китоб теварагида қанчадан-қанча гап-сўзлар бўлди, латифалар тўқилди, булар муаллифнинг иззат-нафсига роса хуш ёқди. Баъзан эса борган сари нархи кўтарилиб бораётган бу нодир китобни излаб топиш билан ўзим ҳам шуғулланишимга тўғри келди — уни баъзи бир ошналаримга тортиқ этишим керак эди — шундоқ қилмасам, улар менинг хасис эмаслигимга ва китобимни уйда босиб ётмаганимга асло ишонмас эдилар.

Ҳаётлигида библиографик нодир асарнинг муаллифига айланиб қоладиган муаллифларнинг аҳволи анча ноқулай ва ғалатиноқ. Мени танишадиган китоб дўконларни четлаб юришга тўғри келди, бўлмаса, “Сўз кимёси”нинг янги нашри қачон чиқиши ҳақидаги саволларга кўмилиб кетган бўлардим. Худди шунга ўхшаш муаллифлик кечасидан кейин устимга ёпирилиб мени ҳолижонимга қўймайдиган китобхонларни хаёлимга келтиришим биланоқ дарҳол изтироб чекишга бошлайман. Мен вақтим йўқ эканини, бошқа ишлар билан банд эканимни, бошлаб қўйган ишларимни тугатишим биланоқ “Сўз кимёси” тўғрисида ўйлаб кўришимни айтиб, улардан қутилишга ҳаракат қилман. Менинг гапларимни кўпинча шунчаки бир баҳона деб қабул қилишар эдилар.

Бироқ бу гаплар рост эди. “Одиссея”, “Қуёш соати”, “Петрарка” деган китоблар галма-галдан “Кимё” билан шуғулланишимга ҳалақит бериб турди. Ҳолбуки, бу китоб бутунлай кўнглимдан чиқмай қолган эди. Бироқ бу ҳол менга ёрдам беришдан кўра жиддий бир тўсиққа айланди. Уқтин-ўқтин мен китобнинг саҳифалари орасига мулоҳазалар ёзилган варақларни тикиб қўяр, ёхуд китоб ҳошияларига муҳим қўшимчаларни ёзиб қўярдим. Варақлар ҳам, ҳошиядаги битиклар ҳам шу даражада кўп йиғилиб қолдики, китобни бу аҳволда босмаҳонага жўнатиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Ҳаммасини тартибга келтириш ва машинкада қайта бостиришга бериш керак эди. Бу ишни фақат бу йил ёзда — “Петрарка”ни тамомлаганимдан кейингина амалга ошириш имкони бўлди.

“Сўз кимёси” яна семириб кетди, унинг бирор боби йўқки, унга бир неча саҳифа қўшилмаган бўлсин, мутлақо янги қисмлар пайдо бўлди. Шунга қарамай, мен китоб энг сўнгги чегарасига етди, бундан буён у тугал бир асар сифатида тинчгина умргузaronлик қилмоғи мумкин деб ўйламайман. Яқин орадаги қайта нашр вақтида, ҳатто ундан ҳам аввал — корректура ўқиш вақтида кўзимга аён кўриниб турибдики, китобнинг бир неча жойида жумлаларнинг равон оқими янги қўшимчаларнинг ёриб кириши билан бузилди. Бу қўшимчалар аллақачон менинг ён дафтарларимда пайт пойлаб ётибди.

Сирасини айтганда, бунга ўхшаган китобларда ҳеч қачон сўнгги нуқтани қўйиб бўлмайди. Уларга ҳамиша янги кузатишлар ва мулоҳазалар қўшиб боришади, уларнинг кенг ҳошияларига ҳамиша бирон янги фактни ёхуд янги фик-

рни ёзиб қўйишга истак бўлади. Бунинг боиси шундаки, бу мавзу муаллифнинг тажрибаси ва унинг ўз асарига садоқати билан барабар бир вақтнинг ўзида кенгайиб боради. Шундай ёзувчилар борки, улар ўз асарлари тўғрисида гапиришни ёқтирмайдилар, уларнинг қаламкаш дўстлари билан улфатчилик қилишга тоқатлари йўқ, улар ҳатто китоб ҳам ўқимайди, аммо кўпчилик ёзувчилар бошқа ёзувчилар тўғрисида мулоҳаза юритишдан тортинмайдилар ва шахсий эътирофлардан ҳам ўзларини олиб қочмайдилар. Баъзилар ўз асарларига ёзилган муқаддималарда ёки хотираларида фикр билдирайдилар, бошқалари эса танқидий мақолаларда, эсселарда, фельетонларда ўз қарашларини баён этайдилар. Бундай асарларда улар конкрет мисолларда ёзувчилик санъати муаммоларини қўйиш ва ҳал қилиш имконига эга бўладилар; ҳатто энг босиқ ва оғир ёзувчилардан ҳам шундай мактуб ёздириб олиш ёхуд уни суҳбатга тортиш мумкинки, уларда адиб билиб-билмай нималарнидир эътироф этади ёхуд нималарнидир ўргатади.

“Сўз кимёси”да муайян миқдорда эътирофлар ва ақл ўргатишлар бор, албатта, бироқ айрим китобхонларга улар боридан кўра кўпроқ туюляпти. Бундай китобхонларнинг назарида мазкур китоб биринчидан шахсан ўзимнинг ёзувчилик меҳнатим тўғрисидаги қисса бўлиб туюлиб, фақат мен бу ҳикояни бошқа ёзувчиларнинг тажрибаларидан олинган мисоллар билан пардалаб берган эмишман, иккинчидан эса бу асар ҳали касб сирларини эгаллаб улгурмаган ёзувчилар учун панд-насиҳатдан иборат эмиш. Тўғриси айтганда, бир вақтлар менда шунақа ният бўлган эди. Лекин мен бу ниятни бошқача тарзда амалга ошироқчи бўлгандим, яъни “ёзувчилик санъати мактаби” деган ном остида мактаб ёхуд институт очмоқчи бўлгандим. Аммо менинг лойиҳамни эшитиб роса лол қолишди, гашлари келди, ошкора ёқтиришмади. Мени ўртага олишиб, “адабий даҳолар учун тайёрлов мактаби”ни очмоқчимисан деб дашном беришди, лекин дашном берганларнинг биронтаси эсламадики, ёзувчилик санъатига кириш нафақат бўлғувси даҳоларга керак. Ахир, ўзи ҳеч қачон ёзувчилик қилмаса-да, касби-корининг тақозосига кўра сўз билан рўпарама-рўпара келадиган кўпгина одамларга ҳам адабиёт алифбесини билмоқ зарур-ку! Ахир, мен адабиёт учун таклиф қилган нарса кўпдан бери бошқа санъатлар соҳасида мавжуд-ку? Масалан, музыка учун консерваториялар, рассомлар ва ҳайкалтарошлар учун тасвирий санъат мактаблари мавжуд.

Менинг ўша лойиҳам аллақачон унут бўлиб кетди, бу китобнинг унга алоқаси йўқ. Бу на устига парда тортилган кундалик, на ёзувчилик санъати бўйича дарслиқдир. Унинг мақсади — китоб билан мулоқотга киришадиган одамлар учун китобнинг туғилиш жараёни билан адиб ҳаёти ва ижодининг турли қирралари билан таништиришдир. Ёзувчининг китобини қўлга олган кўпгина китобхонлар масаланинг бу жиҳатлари тўғрисида ўйланиб ҳам ўтирмасликлари мумкин. Мен тадқиқотчи олим эмасман, шунинг учун ҳам бу китобга қалбимнинг кўрини имкони борича кўпроқ тўқишга ҳаракат қилдим. Ахир, бутун ҳаётингни бағишлаган, ҳамма орзу-умидларингни тўхта этган нарсангга қалбингни кўрини тўқасан-да!

Ян Парандовский

И Қ Т И Д О Р

Деҳқончилик, кемачилик, савдо-сотик, тиббиёт жамики кашфиётлар, хунарлар ва санъатларнинг сарчашмаларида ўз мифологияси бўлгани каби адабиёт сарчашмасида ҳам ўз мифологияси бор, чунки инсон фикри жамики кашфиётларни ғайритабиий кучларнинг иштирокисиз ўзиники деб эълон қилишга журъат этган эмас. Шунинг учун адабиёт ҳам бир замонлар ўз бешигини худолар ва қаҳрамонлар дунёсидан излаган. Бу — ижодий иқтидорнинг ғаройиблигига ва сўз санъатининг сирли тарихига ҳам мос келади. Тангрилар ўзлари танлаб олган одамларининг оғзига тулпуриб қўйишган, Пайғамбарлар “оловли тош”ни тилга олишади, Гесиод эса Геликон тоғларининг адирларид отасининг

қўйини боқиб юрган кезларида илоҳалар унга қандай қилиб қўшиқлар ўргатишганини ҳикоя қилади. Бир неча эпиграммада биз асарларилар ухлаб ётган Афлотуннинг лабларига асал суриб кетганини айтишади. Кейинчалик бу тим-солларнинг ўрнига “Тангрининг инояти”, “истеъдод, иқтидорнинг тугма экани” тўғрисидаги тушунчалар келади.

Худодлар ёрлақан одамлардан пайғамбар ва авлиёлар чиқади. Эски Аҳд китобларини сўз санъатининг энг юксак парвозлари қаторига қўймоқ керак. Лекин ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайдик, Исаия билан Иеремия ўз маҳоратларини ёзувчилик усулларини пухта ўйлаш йўли билан ўзлаштирган бўлсинлар ёки улар ўзлари учун ифода шакллари танлаганларида бу шакл уларга адабиётда қандай ўрин олиб келиши мумкинлигини олдиндан синчиклаб ҳисоб-китоб қилиб чиққан бўлишсин. Худди шунингдек, ҳоварий Павелнинг мактублари ҳам ўз услубига кўра жуда зўр илҳом билан ёзилган. Уларда юнон адабий анъаналари дадил равишда бузилган. Уларда фикрнинг — ҳар қандай қилиб бўлса-да айтилмаса бўлмайдиган, ҳатто грамматик қонун-қоидаларнинг бузилиши эвазига бўлса-да, муқаррар тарзда айтилиши зарур бўлган сўз билан аёвсиз ва шиддатли кураши акс этган: фикр ифодаланиши керак, лекин сўз фикрга бўйсунганини истамайди. Айни шунинг учун бу ўриндаги мажбурлаш жуда қудратли бўлади, шу даражада қудратли бўладики, уни илоҳий ҳодиса сифатидагина, илоҳий қудратнинг намоён бўлиши дебгина қараб бўлмайди. Ҳолбуки, ана шу мажбурлаш ижоднинг ҳақиқий манбаидир, ижоднинг ўзи эса улуғ қалбнинг шугъласи, холос. Замондошлари унинг қалбидаги оловнинг жонли ёлқинларига рўпара келганида бундай одам нечоғлик қудратли таъсир кучига эга бўлмоғи керак.

Мистикларнинг асарлари ҳам кишини худди шу даражада ларзага солади. Уларда сўз ифодалаб бўлмайдиган нарсаларни ифодаламоғи керак. Бундай асарларда сўз қалбнинг шунақа ҳолатларига садоқат билан хизмат қиладики, аслини олганда сўз бунинг учун яратилган эмас. Бу ҳолатлар сўзнинг хизматидан фойдаланмай ҳам кунларини кўраверишлари мумкин. Мистикларда баъзан сўз инсон табиатининг номукаммаллигига гувоҳ сифатида кўринади. Бу номукаммаллик инсон табиатининг тингловчиларсиз ва ҳамкорларсиз иш юритишга ноқобиллигида намоён бўлади. Жазава, завқ, хаёлот манзаралари билан суғорилган сеҳр қувватлари сўзда мужассам топади, лекин эндиликда бу қалб кўри совиб қолган бўлади. Бундай ҳолларда сўнган ёлқин учун фақат бир имконият қолади — у шундай бир маънавий муҳит билан мулоқотга киришмоғи зарур бўладики, бу муҳит ўша сўнган ёлқинни янгидан ёндираолсин. Бошқача айтганда у ўзига яқин, ўзи билан қардош мистик қалб билан мулоқот қилмоғи зарур бўлади. Аммо бепоён Коинотда икки юлдузнинг учрашуви нақадар имконсиз бўлса, бундай учрашувнинг рўй бериши ҳам шунчалик қийиндир. Кундалик ҳаётда эса сўнган қулни титкиловчи шарҳчилар қолади, холос.

Инсоният динларида, миллатларда, жамиятларда, ғояларда, аъмолларда ҳаммаша ўзларининг авлиёлари бўлади. Улар ўз динлари, миллатлари ёхуд ғоя ва аъмоллари учун жонларини фидо қилишга тайр, уларга мадад беришга, уларни улуғлашга ҳаракат қилишади. Буларни амалга оширишнинг табиий воситаси ҳаракат, фаолиятдир, сўз эса кўпинча бу воситалар ўрнини босувчи омил сифатида кўринади, баъзан эса ҳаракатдан воз кечилганда, бунинг оқибати сифатида сўз асосий воситага айланади. Агар шароит тақозо қилмаса-ю, авлиё ота черков ёки бирон диний мазҳабнинг раҳбари ўрнини эгалламаса, халқ устидан ёхуд бирон-бир инсонлар жамоаси устидан, масалан, сиёсий партия устидан ҳокимликни қўлига кирита олмаса, бундай ҳолларда сўз ягона қуролга айланиб қолади. Эҳтимол, биз бу улуғвор атамани бир оз суниистеъмол қилаётгандирмиз, лекин “авлиёлик” сўзи ёзувчилик фаолиятининг ана шу турини бошқа ҳар қандай сўздан кўра яхшироқ ифодалайди. Бундай камситилган фаолият одамларининг сўнги қаторларида қариб қолган давлат арбоблари ёхуд истеъфодаги генераллар туради. Улар хотиралар, рисоалар, памфлетлар ёзишди ва баъзан бу ёзганлари муаллифларнинг фаолиятига қараганда узокроқ умр кўради.

Ёзувчи бўлиб туғилмоқ керак деб ҳисоблайдиган одамлар бу ерда шубҳа учун анча-мунча асослар топиши мумкин. Пайғамбар, авлиё, сиёсий арбоб,

доҳийлар ёзувчиликни ўзларининг асосий мақсадлари деб билмайдилар, ўз истеъдодлари чинакамига намоён бўладиган асосий соҳа деб ҳисобламайдилар, ёзувчилик улар фаолиятининг шаклларида бири, холос, у ҳаммавақт ҳам фойдали бўлавермайди, баъзан обрўга путур етказмоғи ҳам мумкин, баъзан эса бундай фаолият билан шуғулланмай кўяқолган ҳам маъқул. Ёзувчилик дастлабки пайтларда уларнинг эътироф этилишининг ўрнини босган. Уни гоёга, жамоат манфаатларига, илм-фанга хизмат қилишга мажбур қилишган ва шундай бўлганки, қалам ўзи курашган аъмолнинг ғалабасини мустақамлаш ўрнига, фақат ўзининг шон-шухратини ёйиш билан машғул бўлган.

Мана, масалан, Жан Жак Руссони олайлик. У “Иқрорнома”сида Париж билан Венсен оралиғида бот-бот сайр қилиб тургани ҳақида ҳикоя қилади. Уларнинг орасидаги масофа икки миллни ташкил қилар экан. Сайри давомида у тўхтаб, бир пас дам олиб олар экан. Бундай пайтларда у ҳамиша ёнида олиб юрадиган бирор китобчани ўқир экан. “” Бир кун “Меркюр де Франс” журналинини ўзим билан олиб олдим ва сайр қилиб юриб, уни варақлаб чиқдим. Журналда Дижондаги Академия танлов эълон қилиб, китобхонлар эътиборига жавоб бериш учун бир савол таклиф қилинган экан. Савол бундай эди: “Илм-фан ва санъатларнинг тараққиёти одамлар ахлоқини ёмонлаштирдими ёхуд яхшилашга ёрдам бердими?” Мен бу саволни ўқиб чиқдим-у, тўсатдан кўз ўнгимда бошқа бир дунё намоён бўлди ва ўзим ҳам бошқа одам бўлиб қолдим. Венсенга етиб боргунча ҳолатимни роса авжига чиқди ва бамисоли жинни бўлиб қолаёзим. Дидро бу ҳолатимни сездим, мен унга сабабини айтдим. У мени фикрларимни қозога тушириб, бу танловда иштирок этишга қистай бошлади. “Иқрорнома”нинг бошқа бир жойида Руссо яна бир нечта қизиқ тафсилотларни илова қилади. “Мабодо бирон замонда кўққисдан пайдо бўлган илҳом деган нарса мавжуд бўлса, ҳозир мен танлов ҳақидаги гапларни ўқиб чиқиб, худди шу аҳволга тушган эдим. Руссо юраги ўйнаб кетганини, кўзлари тиниб, боши айланганини айтади, йўл бўйидаги дарахтлардан бирининг тагида йиқилиб қолганини, у ерда аллақандай ваҳшиёна жазавасини босолмай ярим соатдан мўлроқ ётганини, кейин оёққа турганида эса устидаги жилеткаси кўзёшларидан жиққа ҳўл бўлиб кетганини эътироф этади. Дидро билан Мармонтелнинг баёнида воқеа бир мунча бошқачароқ тусга эга эди. Дидро Жан-Жак Руссони ҳур фикрлиликнинг кишини гангитиб кўядиган чигал йўлларига бошлашда ташаббус мендан чиққан, мен туртки берганман деб даъво қилади. Дидронинг ҳикояларида анча-мунча миқдорда ғашлик, бахиллик сезилиб туради. Лекин дабдурустан фикри ёришиб кетгани ва кўққисдан ўз йўлини кашф этгани ҳақидаги гап қолади. Буни чинакам иқтидор ҳодисаси деса бўлади.

Гарчи уни Санъатлар овози эмас, Фикр овози чорлаган бўлса-да, Руссо ўшандан бошлаб ёзувчига айланди, бир мавзудан иккинчи мавзу сари борди, муҳаббати тарихини баён қилди, табиат гўзалликларини бамисоли рассомдай тасвирлади, оҳангдор насрда қалбидаги дардлардан, сиру асрорлардан ҳаммани огоҳ қилди. Бу ўринда не демоқ керак? Танлов мавзуси билан боғлиқ воқеа шунчаки бир тасодиф бўлганми? Бу икки ҳодиса тасодифан бир-бирига уйқаш келиб қолганми? Мутлақо бундай эмас. Йиллар мобайнидаги орзулари ва дастлабки изланишлари, машқлари билан Руссо заминга ишлов бериб юмшатиб кўйган эди. Шу заминга уруғ ташланган эди. Рост ўша дақиқага қадар бастакор сифатида шуҳрат қозонишни орзу қиларди — аллақачон унинг папкасидан “Нарцисс” деган Мариво услубида насрда ёзилган кичик комедия, “Янги дунёнинг кашф этилиши” деган трагедия ва бир даста шеърий миниатюралар жой олган эди. Сиёсатчилар ва доҳийларда ҳам ёзувчи бўлишнинг ана шундай ниш урган белгилари ошкор қилинмай ва амалга оширилмай қолиб кетаверган. “Анабасис” — Ксенофонтнинг ҳарбий компаниялар вақтида тутган кундалиги, аммо унинг педагогик романи (Руссонинг “Эмил”ининг прототи-пи) ҳам, Сўқрот ҳақидаги хотиралари ҳам, тарихий қайдлари ҳам мавжуд. Наполеон ўзининг ҳарбий юришларини тасвирлаш ва прокламациялар ёзиш билан ўз қаламига мангулик шуҳратини келтирмасдан аввал, ёшлигида соф адабий асарлар ҳам машқ қилган. Юлий Цезар “Галл уруши ҳақидаги қайдлар”-ини ёзгунга қадар услубият муаммоларига қизиққан.

Одамда ёзувчилик майллари ва қобилиятининг тўсатдан уйғониши унинг ўзи учун — қутилмаган ҳодиса бўлади, бироқ бу унинг ичида анчадан бери пишиб, етилиб келаётган бўлади. Минглаб одамларни айнан бир хил ижтимоий, сиёсий ва диний эҳтирослар илҳомлангириси мумкин, бироқ уларнинг ичида биргина инсон — Станислав Ожеховский турли-туман сеймлар ва сеймчалардаги даҳанаки жанглардан қаноат ҳосил қилмай, ўзининг ғазабини, кўнгил ёлқинларини, ташвишларини, нафрати ва орзу умидларини қўйма олтиндек бебаҳо насрда ифодалаб беради. У ўзининг ақл-заковати, қобилиятлари билан бошқалардан ўзи кетганми? Бунга шак-шубҳа йўқ. Аммо бу қобилиятлар ичида биттаси борки, гарчи у узоқ вақт ўзини ошкор қилмай келган бўлса-да, бошқаларига қараганда кучлироқ ривожланган. Бу — сўзда қанча яширин қудрат бор эканини ҳис қилаолиш ва бу қудратни бўйсундира олиш қобилиятидир.

Бирор гоядан илҳом оладиган ёзувчи билан ёзувчилик инстинктининг ундови билан ижод қиладиган ёзувчи ўртасида тафовут бор. Гоядан илҳом оладиган ёзувчи бир неча хил фаолият қуроллари орасидан қаламни танлаб олади ва борди-ю, қаламни танлаш унинг учун бирдан-бир ягона имконият бўлган бўлса, олдига қўйган вазифасини адо этиши биланоқ қаламни бир чеккага йиғиштириб қўяди. Иккинчи тоифа ёзувчи учун эса ҳаётдан кўз юмгандан кейингина ижод тамом бўлади. Петрарка айтганидек: “Seribendi vivendique mihi unus finies egi” (“Мен яшашдан тўхтаганимдан кейин ёзишдан тўхтаман”). Бу баъзан жамият билан тўқнашувларга олиб келади. Изтиробли адашишлар ва кўнгил қолишларнинг сабабчиси бўлади, баъзан эса ўтмишда маҳорат юксакликларига кўтарилган шоир арзон-гаров муваффақиятга эришиш дардида сахна асарлари ёза бошласа, фожеаларга ёхуд қайғули масхарабозликларга олиб келмоғи мумкин. Донолик билан ўз-ўзидан воз кечишнинг намунасини Вальтер Скоттда кўриш мумкин. “Кўпдан бери мен, — дейди у, — шеър ёзмай қўйганман. Бир вақтлар мен бу санъатда анча-мунча ғалабаларга эришганман, эндиликда бу ишда бошқаларнинг мендан устун чиқишларини кўпда кўргим келавермайди. Ақл-идроким менга маслаҳат бериб, Байрон даҳоси олдида сен елканларингни йиғиб қўяқол деди”. Шундан кейин у ўзи учун ижоднинг янги саҳифасини кашф этди — бу тарихий роман соҳаси эди. Бу соҳада унга тенг келадиган рақиблир топилмади.

Ёзувчи учун “фалон ёзувчи тамом бўлипти” ёки “фалон ёзувчининг ижодидан путур кетипти” деган гаплардан кўра қаттиқ ботадиган ва малол келадиган гап йўқ. Шу гапни эшитган дақиқасидан бошлаб у титроқ кўли билан ўзининг аввалги шухратини барбод эта бошлайди. Кучли шахслар ўз вақтида хиёнаткор қаламларини синдириб ташлайдилар. Мицкевич ҳаммаси бўлиб борйўғи бир неча йилгина шоир бўлган ва ҳамма нарсасини — балладаларидан тортиб “Пан Тадеуш” гача шу йилларда яратган. Шундан кейин у сиёсатчи, публицист, дорилфунун профессори ва пайғамбар бўлган, умрининг охирида эса солдат бўлди. Лекин у қандай қиёфага кирмасин, бари бир, ҳаммиша шоирлигича қолаверади, негаки, шоирона ижод фақат шеър ёзишдангина иборат бўлмайди — чинакам шоирнинг бутун ҳаётини ҳам шоирона ижод таркибига киритса бўлади. Аммо кўпинча бошқача бўлади: вақтида ўз ишидан воз кечаолмаган адиб гўё кўп йиллар мобайнида эришилган маҳорат ундаги ижод даъватининг кучи ёхуд тасвирдаги ёрқинлик ўрнини босаолади деган хато фикр билан ўзини овутиб юради. “Мен анчадан бери шеър ёзмай қўйганман, — деб тан олади кекса Сюлли Прюдон, — агар бирор одам мендан янги шеърларимдан сўраб қолса, шартта ғаладонни очаман-у, тусмоллаб, кўлимга биринчи илинган қоғозни оламан. У тугалланмаган парча бўлиб чиқади. Шу зумдаёқ бир замонлардаги қофиялар руҳимда ажиб бир ҳолатни юзага келтиришади. Бу ҳолат шу қофиялар вазидан бир замонлар руҳимда туғилган кайфиятнинг айнан ўзгинаси. Ёшлик садолари жаранглагандай бўлади, аввалги ҳислар қалбга илиқлик бағишлайди, қуриб қолган булоқ қайтадан кўз очади”.

Бир замонлар кунлардан бирида бундай булоқ биринчи марта қайнаб тошгани — ҳар бир шоирнинг ҳаётида бу энг гўзал кун ҳисобланади. Таажжубланадиган жойи шундаки, ана шу кунни хотирадан излаб топиш, календар бўйича

уни аниқ белгилаш жуда қийин. Шоирнинг шоирлиги қандай шароитларда воқе бўлганини қайт тиклаш камдан-кам одамга насиб бўлади. Ҳолбуки, ёзувчининг туғилиши кишини лол қолдирувчи улуг ҳодисадир. Бу жуда қудратли, биринчи муҳаббатга ўшаб кишини бутунлай чулғаб оладиган кечинмадир ва баъзан у, айниқса, шоирларда айни шу биринчи муҳаббат билан боғлиқ ҳам бўлади. Поэзия худди баҳордай қалбга инади. Олам тўсатдан кўз ўнгингда бутунлай янгиланган тарзда, мовий рангларда намоён бўлади. Шоирлар эрта тулға кирадилар, баъзан улар ўттиз ёшларига қадар берадиган нарсаларининг ҳаммасини бериб бўладилар. Масалан, Шеллини эслайлик — у ўттиз ёшида вафот этган эди, Байрон икки-уч йил ортиқроқ умр кўрган, Рембо эса ўсмирлик ёшидан чиқиб улгурмаёқ ижод қилишдан тўхтаган эди. Словацкий бениҳоя кўп иш қилган. Сил касалига чалинган бу одам бу ишларнинг ҳаммасини қирқ йиллик умрида қилиб улгурган. Лукреций ҳам қирқ ёшдан ошган эмас. У шуниси билан ажойибки, у фалсафий поэма яратган ва бу поэмани ўзининг эҳтиросли, жўшқин ёшлик руҳи билан тўлдирган эди. Яницкий, Семп-Шажиньскийлар ҳам оламдан ёш ўтиб кетишган. Жанг майдоида ҳалок бўлганида Кёрнер йигирма икки ёшда эди. Лермонтов йигирма етти ёшида ҳалок бўлган. Пушкин эса ўттиз саккиз ёшида оламдан кўз юмган. Уларнинг иккови ҳам дуэлда ўлдирилган. Поэзиянинг ёрқин алангасида ёниб адо бўлган шоирона қалбларнинг рўйхати юзлаб одамларни ўз ичига олади.

Поэзия шундай бир ҳаёт босқичида намоён бўладики, бунда туйғулар ҳали навқирон ва беғубор бўлади, одам ҳамма нарсдан кучлироқ тарзда оламга мафтун бўлади, ҳамма нарса одамнинг кўзига янги ва гаройиб бўлиб кўринади. Ёшлик субъективликка, лирикага мойил бўлади. Ёшлик оламда бошқа шахслар мавжуд эканини тан олмайди, оламни ўзиники деб ҳисоблайди, уни ўзининг мулки деб билади ва ҳеч ким билан баҳам кўришни истамайди. Наср бўлса, бутунлай бошқа масала — у балоғатни талаб қилади. Хўрсинишлар, қойил қолишлар, завқ-шавқ, истигоралар кифоя қилмайди. Ҳаётнинг ич-ичига кириб бориши керак, кўп нарсани билмоқ зарур, ҳаммадан аввал, проза санъатини эгалламоқ керак.

Гардернинг бир неча жуда жўн концепцияларини ҳисобга олмаганда, биронта ҳам жиддийроқ назарий фараз йўқки, унда илк даврларда инсониятнинг ўзаро шеърий тилида гаплашгани тўғрисида гап бўлсин, лекин шунга қарамай ҳар бир адабиётнинг тарихи насрдан эмас, шеърдан бошланади. Негаки, биринчи март — кундалик оддий тилдан юқори кўтарила олган нарса шеър бўлган ва кўпинча бадиий насрнинг биринчи атак-чечак жумлалари шаклланиб улгурмасдан анча аввал шеърий баркамол ривожланиш даражасига эришган бўлади. Унинг нозик механизми жуда секин шаклланган ва прозанинг пишиб етилиш жараёни айнан бошидан охиригача, албатта, ўз-ўзидан аёнки, анча сиқиж ҳолда ҳамма ёзувчиларда тақрорланади. Деярлик ҳамма ижодкор гўё тадрижий ривожланиш қонуниятларини тасдиқламоқчи бўлгандай шеърдан бошлашади, баъзан эса ўзларини ҳақиқий иқтидорлари нимада эканини анча вақтгача англаб етмай, ўзларини тўлалигича насрга бағишлашларидан олдин анча-мунча шеърий китоблар ҳам эълон қилдилар, кейинча эса бундай китоблардан ўзлари хижолат чекиб юрадилар. Бироқ бу ўринда ҳам бошқа ҳамма жойларда бўлгани каби одамни лол қолдирувчи истиснолар бор. Анатолий Франс шеърий самоларида ўтказган ёшлигидан воз кечган. Баъзилар насрга ҳам, шеърийга ҳам барабар хизмат қилишади. Масалан, Поль Валери, қай бир даражада ўқтин-ўқтин шеърлар ҳам ёзиб турадиган Жюль Ромен, бизнинг Польшада эса Ивашкевичлар шундай эди.

Шеърий тўғрисида ҳаёт баҳорининг туҳфаси сифатида гапирар эканмиз, ёши бир жойга етиб қолган пайтда яртиладиган шеърийни ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак. Балоғат ёши — фалсафий лирика, драма, эпослар давридир. Данте ўзининг канқанлари ва сонетларини ёзиб юрган кезларда “Илоҳий комедия” сини ёзаолмас эди. “Пан Тадеуш” балладалар даврида яратила олмас эди. Бундай асарлар бутун умрни талаб қилади, уларни барпо этмоқ учун ҳаётни билмоқ, мулоҳазалар юрита билмоқ, балоғатга етган ва қуюлган ақлзаковат маданияти зарур бўлади. Худди шу тарзда аста-секин наср усталари ўзларининг чинакам йўлларини топиб оладилар. Гайдн ҳақида бировларнинг

ёзганларидан кўчириб олинган илк асарини эълон қилганда Стендаль ўттиз ёшдан ошган эди. Жозеф Конрад ўттиз ёшга қадам кўйгандан кейингина ёза бошлаган. Бернард Шоу қирқ ёшга боргандагина ўзининг биринчи комедиясига қалам уришга журъат қилган, ўзининг “Очлик” деган романи билан ўз ризқини топиб олгунга қадар Кнут Гамсун тақдирнинг кўпгина хангомаларини бошидан кечирган эди. Фақат йигирма беш ёшида ўзининг “Будденброклар” романини ёзган Томас Маннгина бундан истиснодир.

Жеромскийнинг “Кундаликлар”и илк ёшлигидан бошлаб жуда оғир шароитларда, очлик ва яланғочлик азобларини тортиб, муҳтожликлар кўриб неча марталаб дунёдан ҳафсаласи пир бўлган дақиқаларда туғилган ҳамда шаклланган адибнинг йўли ҳақидаги ғоятда ҳаяжонли асардир. Ҳойнаҳой, бу қадар самимият билан ёзилган, бир-бирини қувиб ўтаётган қунлар ва соатларни бу қадар тўла акс эттирган бошқа яна шундай ҳужжатни адабиётдан топиш қийин. Ёш йигит фақат ўзининг ёзувчилик меҳнатини ўйлаб, адиблик шуҳрати иштиёқида ҳар қандай тўсиқларга, ҳар қандай одамларнинг ғашлигига қарамай ўз иқтидорини рўёбга чиқариш учун зўр шиддат билан қаҳрамонона кураш олиб боради. У машаққат билан ўзига керакли билимларни излаб топиб ўзлаштиради ва шу йўл билан ўз дунёсини яратади, у тушликдан воз кечиб, унинг пулига театрга ёхуд суратлар кўргазмасига боради, кейин эса ўзининг музхонага ўхшаш кулбасида совуқдан уюшган бармоқларига пуфлай-пуфлай тасвираб беради. Жеромский ёшлигиданоқ шунақа одам эди — унинг учун санъат нондан кўра муҳимроқ эди. Унинг “Кундаликлар”ида буларнинг бари шу қадар маҳорат билан кўрсатилганки, бунақа асарларни яна топиш анча амримаҳол.

Ёзувчини унинг касб-корига олиб келадиган куч, сира енгиб бўлмайдиган қудратли даъват нимадир? Бундай даъватнинг илдизларини қидирар эканмиз, биз инсон табиатининг хусусиятларидан бирига эътиборимизни қаратмоғимиз лозим. Бу хусусият ҳамма одамларга хосдир. Бунга эътибор бериш жуда ҳам муҳим. Негаки, сўз санъатини эгаллаган ижодкорларни аллақандай алоҳида ҳодиса сифатида ёхуд ноёб бир махлук, психологик жумбоқ тарзида умумий оммадан ажратиб қўйиш керак эмас. Ҳамма одамларга хос бўлган бу хусусият шундан иборатки, одамлар ҳаётда мавжуд бўлган ҳар қандай ҳодисани сўзда ифодалашга эҳтиёж сезадилар ва бу билан боғлиқ равишда ўз-ўзларини намоён қилишга ҳам эҳтиёж сезадилар. Бу эҳтиёж деярлик физиологик эҳтиёждир ва унинг заифланиши ёхуд бутунлай йўқ бўлиб кетиши инсон табиатининг моҳиятига зид келади. Мабодо шундай заифлашиш рўй берса, камдан-кам одамларда рўй беради. Камгап ёхуд индамас одамлар кишини ташвишга солишади ёхуд кулги туғдиришади. Кулги — ўз-ўзини ҳимоя қилиши шаклида безовталикнинг ўзига хос кўринишидир. Ҳамма одамлар ўз табиатларига кўра эзма бўлишади. Улар тинимсиз гапиришади — ўзларининг ишлари тўғрисида, ёруғ дунёда нималар бўлаётгани тўғрисида, ўзлари тўғрисида ва ҳаммадан ҳам кўпроқ ўзлари ҳақида гапиришади. Ўзи тўғрисида бошқаларга гапириб бермоқ — бу ўз қобидан ташқарига чиқиш демакдир, бу — қисқа фурсатга бўлса-да оёғига чирмашган турмуш занжирларини узмоқ, изтиробли ёлғизлик балосидан халос бўлмоқ ва ниҳоят, бошқалар билан ўзимизнинг ҳайратомузликимизни баҳам кўрмоқдир. Бу ўринда ёлғизлик тилга олинди. Ҳа, биз туғилгандан то вафотимизга қадар ўзимизнинг туйғуларимиз, фикрларимиз, тушларимиз, изтиробларимиз, қувончларимиз, хавотирларимиз, орзу-умидларимиз бағрида ёлғиз бўламиз. Бу ерда ҳайратомузлик тилга олинди. Ҳа, ҳамма одамлар ҳайратомуздир. Ҳамма кишини лол қолдирадиган ажойиб саргузаштларни бошидан кечиради, ҳар бир одамнинг қалбида олам минг хил рангдаги ажиб шуълали каналик нурларида инкишоф этади. Ҳар бир одам лоақал муайян дақиқаларда бу тўғрида ўзига ўзи ҳисоб беради, бироқ кўпчилик одамларга бу тўғрида ҳатто ўз ичида тан бермоқ учун жасорат етишмайди. Жуда кўп одам — ҳадиксирайдиган махлук бўлади. Уларнинг оғзига урилган сукут муҳрини бузмоқ, олиб ташламоқ учун баъзан ё изтиробли, ё қувончли зўр кечинмалар зарур бўлади. Ана шундагина энг индамас одамларнинг ҳам жағи очилиб, оғизларидан ошкора сўзлар чиқа бошлайди. Дил изҳорининг одатдаги шакллари —

эътироф, иқрорнома, ҳасби ҳол, дилкаш суҳбат кабилардир. Камроқ ҳолларда кундаликлар ёки мемуарларни кўришимиз мумкин. Улар кўпинча одамлардан пинҳона тарзда ёзилади, лекин улар инсон ҳужжати сифатида заифроқдир, негаки, сўзларни қоғозга туширганда уларнинг замиридаги фикр бир оз хира торгади, бунақа нарсаларни ёзиб юбормаган одамнинг ёзгани самимийликдан маҳрум бўлади, адабий қолиплар эса уларни баъзан узил-кесил қимматига путур етказди. Бироқ ана шу шахсий ёзувларнинг ўзиёқ адабий асардир, тўғрироғи, адабий асарнинг бошланмасидир. Балки улар ҳеч кимга ошкор этилмаган бир умид билан ёзилгандир — муаллиф бу ёзганларини ўқийдиган ўқувчилар ҳам чиқиб қолса ажаб эмас деган умидда қалам тебратгандир. Ёзадиган одамга бундай илинж ҳеч қачон бегона бўлмайди.

Урушдан аввал эълон қилинган ишчилар, деҳқонлар ва муҳожирларнинг хотираларида чинакамига шов-шувга сабаб бўладиган бой материаллар бор эди. Улар оддий одамлар оммасининг ичида ғам-аламлар, ўз аҳволдан қониқмаслик, турли-туман иштиёқлар нақадар кўп эканини намойиш қилди, баъзан эса бу одамлар қалбида ёзувчилик иқтидори яшириниб ётганини ошкор қилди. Ўз вақтида фикрлар, туйғулардаги бундай бойликни, катта ҳаётий тажрибалар самараларини топиб аниқлашга унчалик рағбат бўлмаган, мабодо бўлса ҳам узоқ вақтлар мобайнида жуда заиф бир ҳолатда бўлган. Аммо алғов-далғовли мудҳиш воқеалар рўй бериши биланоқ ижодга даъват уйғонди. Урушдан кейинги йилларда худди шундай бўлди; шафқатсиз ва мудҳиш уруш кўпгина мамлакатларда одамларни қўлга қалам олиб, бошидан кечганларини ёзишга мажбур қилди. Дўзахни бошидан охиригача кесиб ўтган одам яна қайтадан ўзининг одатдаги сукут ҳалқасига биқиниб ололмасди. Ҳатто болалар ҳам қўлларига қалам олдилар. Масалан, ўн тўрт ёшли Анна Франк шундай қилди — унинг Голландияда яшаганида бошидан кечирган даҳшатли йиллари ҳақидаги кундаликлари кўп тилларга таржима қилиниб, бутун дунёни кезиб чиқди. Бу кундаликлар қизалоқнинг ёзувчилик истеъдоди борлигидан далолат беради. Бизда Польшада Давид Рубинович деган ёш бола кўримсиз дафтарларга истигло даврининг даҳшатли кунларини ёзиб чиққан экан. Бу ёзувлар кишини янада қаттиқроқ ларзага солувчи шаҳодатномалар бўлди. Улар тил-забондан маҳрум қилинган, уриб-тепкилаб, унут бўлишга маҳкум этилган миллионлаб одамларнинг садоси бўлди.

Ёзувчи умум учун муштарак бўлган интилишларни ифодалайди, ўз қалбини ва ўз дунёсини ифодалайди ва бунда у инсон табиатининг туғма даъватига бўйсунди, шу билан бирга у ўзи ёза билмайдиган, бошидан кечганларни айтиб беролмайдиган одамларнинг бамисоли ифодачиси бўлиб қолади. Бошидан кўп нарсани кечирган одам ҳозирги машҳур америка ёзувчиси Эрскин Колдуэллга ўхшаб шундай дейди: “Мен шунинг учун ёзаманки, кўрган одамларим ва ашёларим ҳақида ҳикоя қилиб беришни истайман. Мен ҳатто ўйлайманки, булар тўғрисида ҳикоя қилиб беришга мажбурман”. Миллионлаб китобхонлар уни бу қарашларининг тўғрилигига ишонтирганлар. Лекин шундай бўлиши ҳам мумкинки, келажакдаги китобхонлар авлоди бу қарашларга қўшилмасликлари ҳам мумкин. Аммо бутун адабиёт тарихи бўйлаб ўтиб келган одамларнинг юксак эҳтиромлари ўзига хос лаҳзалардан гувоҳлик беради — бу лаҳзаларда одамлар ёзувчининг сўзида ўзини кўрган, ёзувчининг сўзида ўз фикрларининг ифодасини кўришган. Улар бу фикрларни ўзлари ифодалаб бера олмасликлари мумкин эди. Кўпроқ ёки озроқ даражада бу гап ҳар битта адабий асарга, ҳатто газеталарнинг якшанба сонларида босиладиган жўнгина шеърга ҳам тааллуқлидир.

Баъзан шундай таассурот туғиладики гўё бутун дунё одамларни ҳам, буюмларни ҳам мангулаштирувчи сўз айтишни илтимос қилиб, унинг ишига далда бериб туради. Замон тиним билмай доимо олдинга югуришда давом этади — адабиёт вақтнинг ана шу югуришини бир зум тўхтатиб турмоғи керак бўлади. Адабиёт ўтмишдами, ҳозирми содир бўлган ҳар қандай воқеани шундай тасвирлайдики, натижада у мангуга ҳозир содир бўлаётгандек бўлиб муҳрланиб қолади. Тадеуш ҳамон боғнинг чайқалиб турган эшигига тикилади, Гётенинг шеърида оқшом чоғидаги сукунат дақиқаси ҳамон давом этади, Флобернинг асари яшар экан, Руан кўчалари бўйлаб Бовари хонимнинг каретаси ҳам шал-

дираб югуришдан тўхтамайди. Худди шунга ўхшаган тарзда кўпдан-кўп оддий буюмлар ўзларнинг ишларини бажараверадилар. Дунёнинг биронта музейи шунақа буюмларга эгалик қилиши билан мақтана олмайди. Бу музейларда “Одиссея”даги қулфлар-у илмоқлар ҳам йўқ — шоир уларни зўр илҳом билан бениҳоя аниқ қилиб тасвирлаб берган. Ўйлаш мумкинки, бу буюмларнинг мангу яшашини таъмин қилишга шоир ўзини гўё мажбур деб ҳис қилган.

Ҳамма одамларга хос бўлган юрак дардларини изҳор этишга мойиллик ёзувчида алоҳида қувват касб этади. Шундай туюладики, бу адиб ҳаётига зарур бир иловадир ва у ёзувчи ҳаётига қувват ато этади. Ҳодисаларнинг қандайдир лаҳзасини мангуга муҳрлаб қўйишга интилиш беқиёс муваффақиятларга олиб келиши мумкин: янги қадриятлар барпо этилади. Албатта, бу янги қадриятлар янги фалсафий концепциялар, қимматли илмий кашфиётлар, етакчи ғоя бўлмоғи шарт эмас, балки бирон шеърнинг исталган мисраси, воқеликнинг истаган парчасини акс эттирувчи насрнинг истаган жумласи ҳам ўшандай қадрият ўрнига ўтиши мумкин. Албатта, хаёлот ёрдамида яратилган асарларда бу нарса бойроқ ва ёрқинроқ кўриниши мумкин. Бундай асарларда олам бутунлай ўзгарган ҳолда намоён бўлади, бу дунё бутунлай бошқача қонунларга бўйсунди. Бу қонунлар оламни шундай бир уйғунлик сари етаклайдики, бу уйғунлик ҳақида инсоният ҳамиша орзу қилади. Бу янги қадриятлар инсон ҳаётининг асл моҳиятини, унинг ҳақиқий шаклларини ифодаловчи образларда намоён бўлади. Афсуски, бу асл моҳият ва ҳақиқий шаклларни биз кўпинча турмуш уринишлари бағрида ё пайқамай қоламиз, ёки етарли даражада тушунмаймиз. Айни ана шу асосда кўпчилик ёзувчилар ўз касблари учун қонуний ифтихор қилишга етарли баҳонаи сабабни кўрган эдилар. “Ягона чин инсон шоирдир” деган эди Шиллер. Бу эса XV аср гуманистларига “ёзувчилик меҳнатининг муқаддаслиги” тўғрисида гапиришга баҳона бўлган эди. Ёзувчи инсон қалбини хаёлотнинг худудсиз дунёсига яқинлаштириш, дахлдор қилиш билан уни кенгайтиради ва олам тимсолидан оддийлик, жўнлик чангини қоқиб ташлайди, шу йўл билан у қолган одамларни инсонийликнинг юксакроқ поғоналарига кўтаради.

Ёзувчи нафақат умуминсоний эҳтиёжга — дардларини айтиб, юрагини бўшатиш эҳтиёжига дахлдор, балки у ана шу эҳтиёжни анча-мунча кенгайтиради ҳам, негаки, у алоҳида бир устунликка эга — у ўзининг ижоди билан ўзини теран изтироблардан, кишини қийнайдиغان ўй-фикрлардан халос этади.

“Мен, — деб эътироф этади Гёте, — мени қувонтирган, қайғуга солган, қийнайдиغان нарсаларнинг ҳаммасини образларга айлантиришга, поэзия бағрига жойлашга кўникиб қолганман. Менинг ҳамма асарларим битта катта иқрорноманинг бўлақларидир”.

Шак-шубҳа йўқки, Гёте бу йўлда ўзини ёлғиз деб ҳис қилган эмас. Мангу яшайдиган бир умумий қоида бор — муаллифнинг шахсий иқрорлари ва эътирофларидан мутлақо ҳоли бўлган санъат асарини топиш ғоятда мушкул. Гётенинг ижоди ана шу қоиданинг жуда яхши мисоли бўла олади. Шуниси ҳам борки, ёзувчи ўзи тўғрисида гапирмоқ учун, албатта, иқрорнома ёки кундаликлар шаклига мурожаат қилмоғи мутлақо шарт эмас. У бунга ўзи ўйлаб топган тўқима образнинг тили билан айтади. Биринчи қарашда бу образ адабнинг ўзига сира ўхшамайди, бундан нафақат адабий китобхон, баъзан эса ҳатто муаллиф биографиясининг ҳамма сирларидан хабардор бўлган тадқиқотчи ҳам алданиб қолади. Масалан, Гонзаг Труц Расиннинг фожиалари муаллифнинг ички ҳаётидаги жуда катта фожианинг айрим-айрим саҳналаридан ўзга нарса эмаслигини исбот қилиб берган эди. Аммо бунга исбот қилгунча унга жуда катта зийраклик ва назаркардалик зарур бўлган эди. Ҳар қандай иқрорнома сингари адабий асар ҳам инсон қалбидаги зилдек дардни енгиллатади, уни изтиробларидан оғир туйғулардан ёхуд нохуш ўйлардан халос этади. Муҳаббат бобидаги омадсизлик Гётени жуда оғир руҳий аҳволга солиб қўйганди. У ҳатто ўз жонига қасд қилишни ўйлаб бошлаганди. “Мен бу оғир кайфиятни енгиб ўта олдим ва яшашга қарор қилдим. Аммо тинч, хотиржам яшамоғим учун шундай бир асар ёзмоғим зарур эдики, ҳаётимнинг ўша ғоятда муҳим давридаги ҳамма туйғуларим, орзуларим ва фикрларимни шу асарда ифодалаб бермоғим шарт эди”. Вертер ана шу тарзда майдонга келган. Қотиб қолган қайғу-

андухларни, таассуфларни, хавотирликлар, ғашлик ва ғазабни сўзга ишониб топшириш — рухан покланмоқ демакдир. Баъзан эса бу нобуд бўлишдан ёки жинни бўлиб қолишдан сақлаб қоладиган ягона чорадир.

Сўз орзунинг эгиз оғасидир, у сизга шундай бир сирли эшикни очиб берадики, бу эшик орқали сиз истаган вақтингизда эркинликка чиқа олишингиз мумкин. Сўз ёрдамида кишини диққинафас қилиб юборадиган замондан, зериктирувчи манзарадан, чидаб бўлмайдиган турмуш шароитидан, ниҳоят, ўз-ўзингдан осонгина қочиб қутулиш мумкин. Айниқса, ўз-ўзингдан, чунки у ўта сурбет, елимдай ёпишқоқ махлуқ, роса жонингга тегиб кетган, лекин на илож — ўлгунингча ҳам ундан ҳеч қаёққа қочиб кетолмайсан. Рюккертнинг шеърий мисраларини эслайлик. Шуман уларни музыкага солганидан кейин бу мисралар янада чуқурроқ таъсирчанлик касб этди: “Қанот беринг, парвоз қилайин, адирлар-у водийлар оша, ортда қолсин ҳамма-ҳаммаси, ҳатто ҳаёт, ҳатто ажал ҳам!”

Адабиётнинг анчагина қисмини “қочиш руҳи” билн изоҳлаш мумкин. Ана шу руҳ олис-олис афсонавий ўлкаларга нафақат саргузашт романларнинг муаллифларини, балки шоирларни ҳам чорлайди. Худди ронантизм даврларида рўй берганидек, уларни тўсатдан Шарқ жозибаси чулғаб олади. Ана шу руҳ тарихий асарларга йўл кўрсатади, у бизни эпосга олиб киради, эпосда эса ҳар қандай хаёлпараст дайди ҳам узоқ муддатга ўзига бошпана топа олади — Мицкевич “Пан Тадеуш”нинг эпилогида ўзини эзиб, бўғиб турган муҳитдан қочгани тўғрисида очикдан-очик гапирди. Пиранделло янада очикроқ ёзди: “Мен турмуш кишанлирдан халос бўлмоқ учун ёзаман. Агар менинг кўнглимда бирон пьеса ёхуд романнинг нияти ғимирлаб турмаса, назаримда гўё парвардигори олам мендан бутунлай юз ўгириб олгандай бўлаверади”. Бунга ўхшаган ва ҳатто улардан ҳам ошкорроқ эътирофларни жуда кўп ёзувчиларда учратиш мумкин, мабодо, бирон ёзувчи бунақа гапларни айтмаган бўлса, бу ҳали ўша туйғулар унга ёт эканидан далолат бермайди. Ўзлигидан халос бўлиш лаззатидан маҳрум бўлса, ўз хаёлотни яратган ҳаёт бағрига сингиб кетиб, шу ҳаётда яшаш, уларни ифодаловчи сўзлардан баҳра олиш туйғуларидан бегона бўлса, шу ҳам ёзувчи бўлдимми?

Бошқа нималарнидир кўмсаш, вақтда, фазода, табиат қўйнида, урф-одатларда, имон-этиқодда, ҳис-туйғуларда алланечук ўзгачаликларни тилаш — баъзан бутун бошли даврларда енгиб ўтиб бўлмайдиган эҳтиёжларга айланган эди, ҳатто “қочиш руҳи” бутун-бутун авлодларни муҳожирликка маҳкум этган. Бундай қочиш, албатта, қандайдир ёрқин, ялтироқ, ҳашаматли ва нозиктаъб нарса томон йўналтирилган бўлиши шарт эмас — у ўзига мутлақо бошқа йўналишдаги нарсаларни ҳам танлаб олмоғи мумкин. Ҳаддан ташқари серназоқат турмуш тарзида, ўта нозик маданий салонлар шароитида одамлар оддий ва жўн нарсаларга эҳтиёж сеза бошлайдилар. Петроний ва унинг “Сатириком”ини эслайлик. “Сатириком” — ўта сурбет юлғичларга, мутгаҳамларга, ҳаёсиз қўшмачиларга тўла эди. Бу қадимий мисол энг қадимий бўлмаганда ҳам, лоақал антик адабиётдан олинган ҳаммамизга жуда яхши таниш бўлган мисолдир. XVIII аср одамлари эса “bon sauvage” — “эзгу ёввойи”ни излаб хаёлан саёҳатлар қилганлар. Уларнинг назарларида бу “эзгу ёввойи” одам ўзининг соддалиги ва тўпорилиги билан уларга сертакаллуф қилиқлар ва ясама манзаратлардан дам олишга имкон бермоқлари даркор эди. Баъзан шаҳардан тўйиб кетилган чоқларда қишлоқни кўмсаб қолинган, осуда ва сокин қишлоқ ҳаёти ўзига чорлаб қолган пайтлар ҳам бўлган. Худди шунга ўхшаш воқеалар санъатнинг бошқа соҳаларида ҳам тез-тез учраб туради. Бир гал мен америкаликларнинг тасвирий санъат кўргазмасига борганман. Кўргазма жуда ғалати эди. Кўргазмадаги суратларда бийдай далада турган шамол тегирмонлари, кўҳналиқдан қийналиб қолган хароба кулбалар, ўрмондаги тилғалар устига қурилган кўприкчалар, қармоқларига тикилиб хаёл суриб ўтирган балиқчилар тасвирланган эди. Бу суратларга қараб туриб, уларнинг осмонўпар бинолар ўлкасидан, улкан фабрикалар, баҳайбат кўприклар мамлакатидан келтирилганини топиш жуда мушкул эди. Менга маълум бўлишича, Minder wertigkeits gefuһe, яъни инсонда ўзининг баркамол эмаслигидан озурда бўлиш туйғуси мавжуд эканини тан оладиганлардан ҳеч ким Вовенарг асарларига суянчиқ қидириб мурожаат қилган эмас

ва шундай қилиб, тўғри иш қилган, чунки бу олим томонидан берилган таъриф Фрейднинг тушунчасидан анча нозикдир. Ижодда фақат кемтикларни тўлдириш заруриятини кўрганлар ҳам ўзларини бу француз мутафаккирига қарам деб ҳис қилган эмаслар. Ҳолбуки, Вовенаргнинг фикрини ҳозирги замон тилига худди шу тарзда ағдармоқ керак эди. Шундай қилиб, ижод муаллифининг келиб чиқиши унчалик рангдор бўлмаса ёхуд тақдир зарбалари, моддий етишмовчиликлар сингари кемтикларни тўлдирмоғи керак эди. Тўқима дунё барпо этилади, чунки воқеий дунё инсонни жуда ночор, аянчли ва ҳамма нарсадан ҳафсаласи пир бўлган махлуққа айлантирган. Чиндан ҳам адабиёт ўзининг бадбашара қиёфасини қаҳрамонлик қўшиқларининг япроқлари остига яширадиган Тиртейларга бой. Адабиёт ўзларининг совуқ кулбаларида дилдираган қашшоқларга ҳам тўла — улар сўзлардан қасрлар ва саройлар қуришади, унда ўзининг ҳалол камбағал оиладан чиққанидан хижолат чекадиган олифталар ҳам, тўда-тўда графлар-у маркизлар ҳам етарли. Ёзувчилар ўз китобларини, айниқса, графлару маркизлар билан тўлдиришга ўч бўлишади. Ницше ўз шахсиятидаги кемтикларни аъло инсон деган сохта гоёда ифодалаган эди.

Адабиётнинг жуда кўп донгдор вакиллари саркарда, сиёсатчи ёки лоақал аслзодалар давраларининг гули бўлиш имкониятига эга бўлмаганларида адабиёт улардан маҳрум бўлиб қолади. Ўзининг мемуарлари билан донг чиқарган герцог Сен-Симон сўз орқали ёхуд сўзда адолат ва ҳокимият излаган одамнинг жуда ажойиб намунаси бўла олади. У аччиғи келиб ва дарғазаб бўлиб саройдаги зиёфатлардан қайтиб келарди. Худди қирол каби бичими катта қоғозларга дардини тўкиб соларди. Бу хотираларда у вазирлар ва элчиларни қоралар уларнинг хатти-ҳаракатларидаги пасткаш ниятларини кўрсатар, саройдаги ғийбатларни фош қилиб ташларди. Бу дунёнинг зўрларидан путур кетиб, ўзлари нобуд бўлишларини башорат қиларди, ўзи хоҳлаганлардан аламини олиб, ўзи хоҳлаганини яхшилаб сийларди. Қаламни бир чеккага қўйиши билан эса яна содиқ фуқарога айланиб қолар, яна бардошли бўлиб олар ва хокисор жилмайиши билан Людовик XVI нинг мутақабурлигини, бастардларнинг сурбетлигини, уларнинг клеветларининг қабиҳлигини кўтаришда давом этарди. Ламартин ўзининг мемуарларида ўзининг давлат арбоби бўлиш учун туғилганини, бунинг ўрнига шоир бўлиб юрганини алам билан ёзади.

Унга ўхшаганлар сон мингта. Улар ҳаракат қилиш имкониятидан маҳрум бўлганлари учун хаёлпарастликка берилганлар, фалсафий назариялар яратганлар, утопиялар тўқиганлар, улар ҳам муҳаббат бобида бирон-бир муваффақият қозониш учун етарли асослари бўлмаган ҳолда шеърда ёхуд насрда ўзлари яратган тўқима қаҳрамонлари ёрдамида чиройли аёлларнинг кўнгилларини овлаганлар ва уларнинг васлларига эришганлар. “Ҳаётда нимаданки сиқилиб юрган бўлсам, — деб ёзади Шатобриан ноёб бир ошкоралик билан, — ижодда мен шуларнинг ҳаммасига ўзимни эга қилиб кўрсатдим. Ҳолбуки, уни тақдирнинг эркатойи деб ўйлаш мумкин эди. Стендал эса ана шу тарзда табиатдан “ўч олиш”нинг ажиб намунасини кўрсатган. Матильда уни алдади, лекин Люсьен Левен Шатель хонимга уйланади, Пьетрагуа хоним унга хиёнат қилади, бунинг баробарида герцогиня Сансеверина Фабриционинг қўйнида эс-хушидан жудо бўлади. Стендал романларида улугдан улуг муҳаббат узумининг ҳосил байрами содир бўлади — адиб шу йўл билан шахсан ишқ-муҳаббат бобида бошидан ўтган муваффақиятсизликларининг нордон узуми учун аламини олади.

Саломатлиги ночорроқ бўлишига қарамай, ҳарб ишларида ва шикор бобида абжиргина бўлган Сенкевич жисмонан бақувват ва қиличбозлик маҳоратига эга бўлган одамлардан завқланган. У ўзига етишмаган сифатларнинг ва тўрт девор ичида ўтириб орзиқиб орзу қилганларининг ҳаммасини бажони дил қаҳрамонларида берган. Шунинг учун ҳам Збишшо синган бутоқни сиқиб ширасини чиқаради; Скшетуский Чаплинскийлар эшигини қийма-қийма қилиб ташлайди; Тачевлик Повла паришонхотирлиги сабаб болгани икки буклаб қайи-

риб ташлайди. Ҳатто нозик ва нимжон Петроний ҳам бир қўлида Виницийнинг иккала қўлини худди пўлат омбир билан қисгандек қаттиқ қиса олади. Сенкевичнинг ўрнига, чўққи соқол жанобнинг ўрнига Кинцин жон-жаҳди билан жанг қилади; рассом Яцек Мальчевскийнинг суратига қараб ҳукм қилганда бўйи Сенкевичнинг бўйи билан баробар бўлган пан Володиевский унинг вакили сифатида намоён бўлади.

Тўқима ҳаёт бағрига кўчиб ўтиш, ўзининг нимжонгина танасини ва ғарибгина оилавий муносабатларимизни қордек покиза ва гўзал нарсаларга айлантириш, ёқимли ва ёрқин умргузаронлик даражасига кўтариш, ўзининг ижобий сифатларини идеал даражага етказиш, ўзининг қусурларини муваффақиятсизликка маҳқум бўлган персонажлар устига юклаш ёки аксинча қусурларни фазилат деб даъво қилиш, ҳатто баъзи бир ёмон сифатларни ҳам оқлашга интилиш — бунга ўхшаш найрангларнинг ҳаммаси адабиётда минг хил вариантларда учраб туради. Уларнинг барчаси бизни мангуликка белгилаб қўйилган худудлар ичига қамаб қўйишга интилувчи, жуда қийинчилик билан ўзгариши мумкин бўлган шароитларда сақлашга тиришувчи тақдирдан бизни тортиб олишга ёхуд жилла бўлмаганда унинг устимиздан бўлган ҳукмронлигининг бир қисмини бекор қилишга йўналтирилган. Бу — жуда катта қувватга эга бўлган рағбатдир. У ўзининг қувватига кўра бошқа кўпгина эҳтирослардан сира қолишмайди ва кўпинча ҳатто улардан қудратлироқ ҳам бўлиб чиқди.

Бэкон Веруламский мустақилик туйғуси тўғрисида ёзган эди. Агар биз унинг ёзганларини эсласак, бу рағбатнинг иккови ҳам, яъни қочиш ва товон олиш янада чуқурроқ талқинга эга бўлар ва янада ишончлироқ далилланган бўларди. Мусақилликка интилиш — инсон табиатининг энг олижаноб белгиларидан биридир, у инқилоблар оловини ёқувчи жонли ёлқин, тараққиёт ва озодлик йўлини ёритувчи машғалдир. Мустақилликка интилиш одамни нарса-ҳодисаларнинг бир маромдаги оқимини бузишга мажбур қилади, кучли шахсларнинг тақдирини қатъий белгилаб беради, саргузашт ишқибозларини ва кашшофларни туғдиради, одамларни ҳамма қитъаларнинг шу пайтгача кимсасиз ва тадқиқ қилинмай ётган бўшлиқларида томир ёйишга мажбур қилади. Санъат ижодкорларга шунақа ҳокимият бахш этадики, етарли даражада бақувват ҳаёлот иқтидорига эга бўлганларида ер юзидаги ҳар қандай ҳукмдор ҳам ижодкорларга ҳавас қилган бўларди. Қалам ижодкорнинг қўлида сирли таёқчага айланади. Бу сирли таёқча воқеликнинг сон-саноксиз аралаш-қуралаш ҳодисалари бағридан шу пайтгача ҳеч кимга маълум бўлмаган оламни чиқариб олади, шу билан бирга ижодкор шу яратилган янги дунёнинг сардорига айланади ва бу дунё ўз сардорига гап-сўзсиз бўйсунди.

Гомер ўзини “шоҳоншоҳлар”дан қудратлироқ ҳис қилиб, Саламандрда ахейликлар ва трояликларни жанг майдонига олиб чиққан эди. Данте ўзининг нариги дунёсини яратар экан, марҳумлар тақдирини ҳал қилиш ҳуқуқини эгаллаб олади — у кимларгадир жаннатдан жой ажратади, кимларнидир дўзахга жойлайди. Лекин нафақат Гомер ёки нафақат Данте, балки энг камсуқум романнавислар ва драматурглар ҳам ўз олдиларига реалист сифатида кундалик ҳаётда кўрганларининг бўлақларини ҳаққоний тасвирлашдек оддий вазифа қўйсалар-да, шундай ҳолларда онглими ёки гайришуурий тарздами, кучлироқ ёки заифроқ бир даражада одамлар ва табиат устидан ҳеч нарса билан чеklangан ҳокимиятга эгаликларидан лаззатланадилар. Шунинг учун баъзи китобхонларнинг анойлигидан ажабланмаса ҳам бўлади. Бундай китобхонлар ёзувчиларга мактуб йўллаб, газетада ёки журналда босилаётган роман персонажларининг фаолиятида уларнинг яқин-ўртада нобуд бўлишлари мумкинлигига ишоралар пайдо бўлганида муаллифдан қаҳрамон ҳаётини сақлаб қолишини ялиниб-ёлбориб илтимос қилдилар. Айни ана шундай китобхонлар ёзувчининг ҳокимиятини тасдиқлаб берадилар. Бу ҳокимият эса ўша биз ижодни рағбатлантирувчи асосий омиллардан бири деб таърифлаган ҳокимиятдир.

Ўз асарларида ёзувчи бекаму-кўст, мукамал эркинлик қарор топган мамлакатга эгалик қиладилар. Баъзи даврларда бундай мамakat якка-ю ягона бўлиб чиқади. Шекспирга тенг келадиган бирор подшо бормикин? Стратфорддан чиқ-

қан камсукумгина одам барпо этган қиролликдан кўра қудратлироқ қиролликни қайдан топса бўлади? Ахир, Балъзак ҳам ўз давлатини барпо қилган эмасми? Кимнинг ихтиёрида Балъзакникидек кўп ходими бор — унинг ихтиёрида вазирлар, ҳар хил даража ва ҳар хил тоифадаги амалдорлар, генераллар, бутун Оврупаннинг молиявий ишларини ётқизиб турғизадиган банкирлар, улгуржи савдо қиладиган йирик коммерсантлардан тортиб баққолларгача, черков ходимлари, роҳиблар, йирик дин арбоблари, зодагонлар тоифасига мансуб олифталар, рассомлар, ҳайкалтарошлар, шоирлар, матбуотда шу юритувчи қобилияти ва эпчил журналистлар, шажараси қадимий дворянлар, янги чиққан зодагонлар, мешчанлар, деҳқонлар, ҳалол одамлар ва қаллоблар, бетавфиқ аёллар ва сатанглар бор. Балъзак ана шу давлатни бошқарган, кимларнидир юксак мансабларга тайинлаган, кимларнидир истеъфога жўнатган, кимларнидир бадавлат қилган, жамиятлар таъсис этган, сармоялар тўплаган, жамиятда туғилиш ва ўлиш даражасини ҳисобга олган, никоҳлар ва қўйди-чиқдилар билан шуғулланган, ҳатто уйлар қуриб, янги йўллар ўтказиб, боғлар барпо этиб, дарёлар устидан кўприклар ўтказиб, замин қиёфасини ўзгартирган ва Луи-Филипп бошқарган ҳудуддан кўра ана шу ўзи барпо этган давлатда яхшироқ ва мазмунлироқ ҳаёт кечирган.

Тарихий мавзуларда ёзадиган ёзувчилар бағоят ажойиб бир қобилиятга эга — улар ўзлари ўйлаб чиқарган қаҳрамонларини ишончли тарихий шахс сифатида жамият ҳаётига олиб киради ва китобхонлар машҳур тарихий ҳодисалар муаллифнинг ҳаёлот оламидан келиб қолган ана шу келгиндилар билан боғлиқ бўлганига астойдил ишонадилар. Аммо ҳақиқатан ҳам яшаб ўтган тарихий шахслар санъаткорнинг қалами билан таниб бўлмас даражада ўзгариб кетади ва баъзан ўқувчиларнинг тасаввурда шундайлигича сақланиб қолади. Шекспир чинакам Макбетни ана шу тарзда қиёфасини ўзгартиришга мажбур қилган — ҳақиқий Макбет гоётда фозил ва саховатли қирол бўлган, у Римни зиёрат қилиб ва камбағалларга тез-тез садақа улашиб турган.

Қалам моҳият эътибори билан адибнинг жуда зўр, мўъжизакор қуролидир. Кимнинг пешонасига ёзувчи бўлиш ёзилган бўлса, у боалик йиллариданоқ ўз кўнглида бир туйғуни олиб юради, майли, ҳали бу туйғуни у англаб етмагандир, ҳали бу туйғу мудроқ ҳолдадир, лекин у барибир бор. Бу туйғу ўзини сўз мулкининг султони деб ҳис қилишдир. Мана ўн беш ёшли Флобернинг болалик завқига тўлиб-тошган овози: “Ўзимизни санъатга бахшида этайлик, негаки, у халқлардан, қироллардан, тожлардан ҳам улугроқ, у бизнинг завқёб қалбларимиз тўрида бошида илоҳий туғи билан ҳукмронлик қилади!”

Мен абадий ижоддаги рағбатлантирувчи омиллар ҳақида гапирганимда, ҳамма замонларда ҳамма ёзувчилар ифтихор билан тилга олган ёрқин шиорлардан биронтасини ҳам келтирмадим. Бу, албатта, жуда галати ва ҳатто ножоиз туюлиши ҳам мумкин. Аммо мен диний, миллий ва ижтимоий аъмолларни ўзим юқорида “авлиёлар” деб атаган тоифадан топдим ва ҳақиқий сўз санъаткорини ижодга рағбатлантирадиган омилларнинг таҳлилидан уларни чиқариб ташладим. Ахир, ҳақиқий ёзувчилар ҳам турли хил аъмолларга хизмат қилмоқлари мумкин, улар ҳам қалблар устидан ҳукмрон бўлишни даъво қила оладилар, лекин буларнинг ҳаммаси анча кейин, уларнинг ижодлари бошлангандан кейин анча ўтгач рўй беради. Мицкевичнинг биринчи асарлари орасида ватанпарварлик руҳида ёзилганлари йўқ — уларнинг орасида на “Ёшларга қасида”, на “Филаретлар кўшиғи” бор, бироқ уларнинг ўрнига биз “Шаҳарда қиш”ни кўраимиз. Бу шерь бир қатор адабий жумбоқлардан ташкил топган. Унда муаллифнинг ягона мақсади — сўз ёрдамида бир қатор образлар чизиш бўлган, бирдан бир лаззатланадиган нарсаси эса ўзининг навқирон маҳоратини намойиш қилиш бўлган. Аслида санъаткор бўлиб туғилган Мицкевич илҳом билан сонетларига жило беришга киришади. Бу ерда ҳали вақти-соати келиб ундан улуг миллий шоир чиқишига заррача ҳам ишора йўқ. Худди шу воқеалар ёшлик йилларида Сенкевичнинг ҳам бошидан кечган. У аввалига новеллалар, этюдлар, чучмал хотиралар ёзган, кейин эса у “ғоянинг улуг кўнғироғига занг уриш пайти келди” деган эътиқодга келгандан сўнг буларнинг баридан воз кечган.

Ҳозир ҳеч ким ўзини, “санъат санъат учун” деган қарашнинг тарафдори деб тан олишни истамайди. Уша назария тарафдорларини истисно қилганда ёзувчилар ҳаммиша бирон вазифани бажаришга тайёр бўлишган, баъзан мана шунақа вазифа мавжуд деб ишонтирса, ёзувчи индамай ишониб кетаверган ёки жамоатчилик фикрининг босими остида бу вазифани индамай бўйинларига олишган. Негаки, адабиётга эътиқодлар, қарашлар, ахлоқ, илм-фанга боғланмаган ҳолда мустақил тарзда ҳаёт кечириш камдан-кам насиб этган. Бунақа босимлар таъсирига тушган ёзувчиларнинг ўзлари ҳам бунга ишона бошлаганлар. “Мен бутун ақл-заковатимни жамики юмор туйғусини ишга солиб, бу романда инсоний заифликларнинг усидан кулмоқчи бўлдим ҳамда шу йўл билан одамларга уларнинг қусурларидан қутулишларига ёрдам бermoқчи бўлдим” — деб ёзди Филдинг “Том Жонс”га муқаддимада. Бунга ўхшаш гаплар адабиёт ривожининг ҳамма босқичларида тез-тез такрорланиб туради, чунки адабиётга фақат “санъат санъат учун” деган шиорнинг ўзи билан, яшаш жуда қийин. Ижодий кучларнинг табиий ривожини, муттасил бойиб борадиган ҳаётий тажриба, интеллектуал манфаатларнинг кенгайиши, ҳис-туйғуларнинг балоғатга етиши биз “ёзувчининг шаклланиши” деб атайдиган нарсанинг чуқурлашувига ёрдам беради ва эртам-кечми бу ёзувчини ёшлигида биринчи марта қўлига қалам олганда ўйлаб кўришни ҳаёлига ҳам келтирмаган муаммоларга эътиборини қаратишга мажбур қилади.

Турли-туман эмоционал майллар, масалан, дардга айланган ватан ишқи каби кўтаринки туйғулар ёки ғазаб, нафрат, интиқом каби салбий туйғулар ҳам таъсир кўрсатади. Бу туйғулар салбий бўлгани билан қуввати жиҳатидан ижобий туйғулардан қолишмайди. Уларнинг ҳаммаси адабиётда ўз вакилларига эга ва бу вакиллар нафақат ўртамиёна ёзувчилар ўртасида, балки ёрқин истеъдоддилари орасида ҳам кўп учрайди, деб эътироф этади Жан Жак Руссо. Муболагасиз айтиш мумкинки, Тацит ўзининг “Анналари”ни мустабидлик туфайли чеккан жамики хўрликлари учун ўч олиш мақсадида ёзган. Лекин шунга қарамасдан, у китобининг кириш қисмида “Sine fra ef studio” деган машҳур сўзларини ёзиб қолдирган эди. Бу ибора кўпларни чалғитишга муваффақ бўлди, чунки уни ўқиганлар Тацит асарини чиндан-да “ғазабсиз ва эҳтироссиз” деб ишонишди.

Янада кучлироқ таъсир қиладиган ва ўзининг домига оладиган омиллардан яна бири — рақиблик туйғуси ва шон-шуҳрат иштиёқидир. Бошқалар билан тенглашмоқ, улардан орқада қолмаслик, аксинча, улардан ўтиб кетиш истаги, сўз ва фикр дунёсида улардан кўра юқорироқ ўринга кўтарилиш орзуси ҳам ижодкорга катта қувват беради. Худди шунингек, бир вақтлар кимлар томонидан ёпиштирилган ёрликдан қутулиш хоҳиши ҳам адибни ёзишга ундовчи омил бўлмоғи мумкин. Масалан, Конрадни эслайлик. Уни “денгиз куйчиси” деб аташса бирдангина унинг ғазаби жўшиб кетарди. У ўз илҳомига бўғов солган мана шу халқани парчалаб ташлашга тинимсиз интилар эди. Реймонт Сенкевичнинг “Трилогия”си таъсирида ўзи ҳам зўр бериб ижод қила бошлади ва эҳтимолки, ўзининг “Мужиклари” мавзусини шу йўлда топган бўлса ҳам ажаб эмас. Йирик ёзувчиларда одатда мана шу рақобат руҳи катта-катта музаффариятларга олиб келади ва шу пайтга қадар уларнинг ўзларига ҳам маълум бўлмаган имкониятларни олиб беради. Аммо истеъдодлари унча катта бўлмаган ёзувчиларда эса бундай рақобат кўпинча оғир мағлубиятларга, кучли изтиробларга ва ҳатто кучлари етмайдиган мавзуларни эгаллаш учун тенгсиз курашда ҳалокатга ҳам олиб келмоғи мумкин.

Шунингдек, биринчи қарашда майдароқ кўринадиган оддий қаноат ҳосил қилиш, мамнун бўлиш каби туйғуларга ҳам беписанд қараш керак эмас. Улар нафақат ёзувчи илк бор қоғоз устига эгилиб сўздан маст бўлган адиб ижодининг дастлабки босқичларини белгилаб беради, балки бу туйғулар ҳам ижоднинг кейинги босқичларида ҳам ёзувчининг қўлига қалам тутқазди ва бу ҳодиса биз ўйлаганга қараганда кўпроқ рўй беради. Айниқса, шоирларда неча маргалаб шундай рўй берганки, сўз худди қўшиқ каби ёлғиз қувончнинг ўзидан тугилган, ҳаётий кучларнинг тўлиб-тошганидан ҳосил бўлган.

Ниҳоят, ташқи рағбатлантирувчи омилларни ҳам тилга олмасдан ўтиб бўлмайди. Бу омиллар, эҳтимол, адибни йўқдан бор қилмас, ҳеч кимни ёзувчига

айлантириб қўймас ҳам, лекин улар кул ичидаги чўғдан аланга ҳосил қилишга ёрдам беради. Шундай даврлар ҳам бўлганки, бунга мода катта ёрдам берган — мода муайян синф мансуб бўлган ёки жамиятда муайян мавқени эгаллаб турган одамларни адабий ижод билан шуғулланишга мажбур қилган. Бу ўринда жамият тан олган бошқа касби-корлардаги каби муайян камолот чўққиларига эришиш мумкин эди, шу билан бирга истеъдодининг кучи билан мода қолипларини ёриб чиқмоқ ҳам мумкин эди. XIX асрдан бошлаб, адабий ҳаётга коммерция бошқача рағбатларни олиб кирди. Баъзи бир бадавлат жамиятларда баъзи бир ёзувчилар жуда катта бойлик орттирганлар, бу эса тадбиркор ва абжир одамларнинг эътиборидан соқит қолган эмас. Тўғриси айтганда, шу пайтгача айна шу йўл билан адабиётга кириб келган бирорта ҳам улуғ санъаткор учраган эмас, лекин адабиётда эпчил сўз чайқовчилари, сўз фабрикантлари, олғирлар ва чаптастлар тиқилиб ётипти ва кўпинча кенг омма уларга ишонч билдиради. Ҳолбуки, улар бундай ишончга мутлақ сазовор эмаслар. Ҳатто адабий касблар биржаси ҳам бор. Масалан, “The writer” (“Ёзувчи”) деган Америка журналида эълон чиқишти — унда ҳамма нарсани қамраб олувчи мавзуларда ёзилган романлар ва драмаларга, иддимоялар ва сонетларга, қофияланган ва оқ шеърларга таклиф ва талаб борлиги айтилган. Бу асарларда баҳор булутларидан бошлаб, фабрика чиқиндиларигача, садизмдан тортиб авлиёликкача ҳамма нарса акс этган бўлиши мумкин. Бу журналда кишининг гашига тегадиган энг ёмон жойи унинг номидир.

“Ёзувчи” сўзидан ҳозирги пайтда жуда қаттиқ суистеъмом қиладилар. Яқин-яқинларгача ёзувчи ва адабиётчи сўзларини қўллашда анчагина эҳтиёт бўлишар ва камсуқумлик билан бу икки сўз ўртасидаги тафовутни сақлашга ҳаракат қилишарди. “Ёзувчи” деганда алланечук “рицар” унвонига сазовор бўлган олижаноб инсон тушунилар, “адабиётчи” деганда эса унинг қуролбардори назарда тутиларди. Адабиётчи фурсати келганда “ёзувчи” деган фахрий номни қўлга киритиб қолишдан умидвор бўлмоғи мумкин эди. Бу номни қўлга киритгандан кейин эса унга ҳам орттирма даража билан кучайиб борувчи таниқли, машҳур, йирик, доврўқли, улуғ деган сифатлар қўлланарди. Агар бирор одам ва айниқса ҳали қуйилиб улгурмаган бирор ёш-яланг ўзини “ёзувчи” деб атаसा, бу мақтанчоқликка йўйиларди. Чунки у ўзини “ёзувчи” деб атаб, шу билан гўё ўзининг адабиётга муқим кириб олганини, унда муайян ўрин тутишини эълон қилаётгандек туюларди. Шунинг учун “адабиётчи” деган таъриф билан кифояланган одамни анча камтар, камсуқум ва олижаноб деб ҳисоблашар, чунки бу сўз фақат касб-корнигина кўрсатар эди, холос. Ўзининг бирон бир касб-корга мансублигини айтишда ҳеч қанақа мутакаббирлик йўқ эди. Ҳозир эса қўлига қалам ушлаганларнинг биронтаси ҳам бунақа камсуқумликдан анча узоқ туришади ва бекор қилишади.

Ёзишга иқтидори бор бўлиб ёзиб турган ва ҳатто ёзганларини чоп этиб турадиганларнинг ҳаммаси ҳам ёзувчи бўлавермайди. Ёз-ёз касалига чалинганларни айтмаёқ кўя қолайлик, ҳатто кўпгина фойдали китобларнинг муаллифлари — улар дostonлар, драмалар, романлар ёзганми, бунисидан қатъи назар, ҳеч қачон адабиётга кирмайдилар. Фақат ёзув пайдо бўлган энг дастлабки пайтлардаёқ тартиблар анча эркин бўлган — адабиёт ҳаммани қабул қилаверган, ҳатто жиндай серҳафсала қофиябоз ҳам агар унинг овози забонсиз аср бўшлигида овози янграган бўлса, у чинакам шоир билан бир қаторда мангулик китобига кириб қолиш имкониятига эга бўлган. Тарих мобайнида тартиблар қаттиқлаша борган. Буни Вольтер ўзининг “Луғат”ида жуда яхши кўрсатиб берган. У шундай дейди: “Романлардан бошқа ҳеч нарса ўқимаган, ҳар қандай санъатдан ҳоли бир-икки пьесани бир амаллаб қоралаб чиққан ёки ҳеч қанақа билимга эга бўлмаган ҳолда ямаб-чатиб бир-иккита панд-насихатни ёзган одам ҳеч қачон адабиётга кирмайди”. Вольтер бу ўринда “gens de lettres” иборасини, яъни “адабиёт одамлари” деган иборани қўллайди. Буни у “адабиётчи” деган маънода қўллайди. Бизнинг давримизга келиб, бу ибора касб-корни англатувчи маъно касб этди. Агар Вольтер айтган гапларни Адабиётчилар жамиятининг низомномасига киритса, бу нуфузли ташкилот ҳаш-паш дегунча ўзига кирадиган аъзоларнинг кўпчилигидан маҳрум бўлар эди.

“Муаллиф” деган сўз кунда қўлланадиган энг жўн ва оддий сўзлар қаторидан ўрин олди ва бугун биронта одамнинг хаёлига бу сўзда ёзувчи учун энг фахрли унвон ифодалангани келмайди ҳам. Лотинча *a u c t o z* сўзи *a u g e r e* феълидан келиб чиқади ва бирор нарсанинг миқдорини кўпайтирмақ, оширмақ деган маънони билдиради. Ҳарб майдонларида галаба қозониб, қўлга киритган ҳудудлари билан мамлакат чегараларини кенгайирган музаффар саркордалар шу номга сазовор бўлишган.

Шундай қилиб, “автор” деган унвонга ўз асарлари билан халқнинг маънавий бойликларини кўпайтирган, халқ учун гўзаллик бобида янги ҳудудлар очишга эришган ёзувчиларгина тақдирланишга муносиб бўлишган. Аммо кўпдан бери ана шу сийқаси чиққан унвон билан ҳатто такбирнома тузувчиларни ҳам тақдирлайдиган бўлиб қолишган.

Римликлар тўрт тоифа *artificum* ни сўз санъаткорини фарқлашган. Булар нотиклар (ораторлар), шоирлар, файласуфлар ва тарихчилардир. Бундай тасниф асрлар мобайнида сақланиб қолган, фақат сўнги авлодларгина адабиёт соҳасининг маъносини торайтириб, инглизлар айтган *fistion*-дан, яъни тўқмадан иборат қилиб кўйишган. Адабиёт тарихига бағишланган асарларда поэзия, драма, романдан ташқари ҳикоявий характерга эга бўлмаган проза тўғрисида фақат аҳён-аҳёндагина эслатиб ўтадилар, адабиёт дарсликларида эса ҳатто шуни ҳам қилишмайди. Тақризчилар пьеса шаклидаги ҳар қандай бемаъни саҳна асарига ёхуд роман шаклидаги бўлган-бўлмаган асарлар тўғрисида эътиборларини аямай узундан-узоқ қулоч-қулоч мақолалар ёзадилар, ҳолбуки, ақлзаковати, билимдонлиги, услуби билан адабиёт салтанатида жуда катта ҳурмат-эътибор қозонган эсселарнинг муаллифлари, тарихчилар, файласуфлар борки, бизнинг бояги тақризчиларимиз лоақал уларнинг номларини ҳам билишмайди.

Мазкур китобимизда ораторлик санъати Демосфен ва Цицерон, Боссюэ ва Скарги кабиларнинг номлари билан фахрланишини айтиб ўтайлик; унутмайликки, унда, яъни нотиклик санъатида илк бор гўзал сўзга сифиниш авж пардаларга кўтарилган, биринчи бўлиб шу сўз билан ҳар томонлама шугулланган ҳам нотиклик санъатидир, у услубнинг умумий қоидаларини, унинг алоҳида йўсинларини ҳам ишлаб чиққан, бадий наср ҳам ўзининг жамики ҳусни таровати билан нотиклик санъати олдида қарздордир. Насрдаги хилма-хил жумлаларда, иборалар қурилишида, таққосларда, истиораларда ифодаланадиган бениҳоя бой фразеология заҳиралари ҳам ораторлик санъати туфайли камолга етган. Бу бойлик қадимги замонлардан бошлаб ҳозирга қадар авлодлардан авлодларга мерос сифатида ўтиб келмоқда. Драматурглар ва романнависларнинг қаламларига узлуксиз равишда озуқа бериб келаётган мавзулар, вазиятлар, сюжетлар соҳасидаги сон-саноксиз ниятлар ҳам, ниҳоят, “санъатлар ичида энг муқаддаси” ҳисобланган поэзиянинг ўзи ҳам суҳандонликнинг, сўзга чечанликнинг туғишган синглизидир. Шеърий сатрларда бўгинларнинг сони бир хил бўлишига кўникмасдан аввал, улар ранг-баранг ва жарангдор қофиялар билан жилолана бошламасдан анча аввал буларнинг бари нафис нотиклик санъатининг уйғунлигида мавжуд эди. Тўғри, ҳозирги замон нотикларининг нутқларини тинглаганингда буларнинг ҳаммасини тасаввур қилиш жуда қийин.

Фалсафа билан тарих бадий адабиёт доирасидан чиқиб кетди. Улар бошқа фанлардан ва биринчи навбатда — аниқ фанлардан ибрат олиб, фикрни ихчам ва лўнда қилиб ифодалашнинг ўзи кифоя деб ҳисоблашади. Улар фикрни бошқалар англай оладиган, қийналмай тағига ета оладиган қилиб, ёки ўрта асрларда айтганларидек, *seribere distenete et perspicue* — равшан ва мухтасар ёзмоқ зарур деб билишган. Лекин шуниси ҳам борки, ҳозирги пайтларда ҳам кўпчилик ёзадиганлар учун бу етишиб бўлмайдиган бир орзу бўлиб қолиб кетмоқда. Лекин шундай замонлар бўлганки, файласуфлар Гомернинг гекзаметридан фойдаланишган ва Лукреций худди бронзадан қуйилгандай қуйма сатрларда Эпикур таълимотини баён қилиб берганида, шунингдек, Ксенофан ва Эмпедокл қалами остида гекзамер неча марта лаб муваффақиятга эришган эди. Афлотун диалогнинг моҳир устаси бўлди ва насрда энг улғусталардан бири

бўлиб етишди. Бэкон Веруланский, Декарт, Лейбниц, Шопенгауэр, Бергсонлар ўз жумлаларининг тузилишига фалсафий системаларининг қурилишидан кўра кам аҳамият берган эмаслар ва бунинг учун ҳеч ким улардан таъна қилмаган.

Олим Л.П.Кушу Паскал кўлёмаларини қўлдан ўтказиб, ўрганиб чиққан, у файласуфнинг қалами қандай қилиб сўзлар билан курашганини, бачкана ва зайф сўзлардан қандай қилиб халос бўлганини, қандай қилиб теша тегмаган, жарангдор ибораларни топганини, Паскал ҳар бир фикрни қандай қилиб чархлаганини, уни ортиқча юқдан, лата-пугталардан, хас-хашакдан фориф қилиб, қандай қилиб уни аниқ, қисқа, ихчам, лўнда қилишга деярлик яланғоч ҳолга келтиришга муваффақ бўлганини ёзган.

Адабиёт Геродот, Фукидид, Саллюстий, Тацитларнинг номини ифтихор билан тилга олади. Цицерон тарихни *genus maxime oratorum* — нотиклик санъатининг олий тури деб айтган эди. Антик даврда, ўрта асрларда, гуманизм даврида тарихни шундай тушунишган. Бизнинг Галл Анонимимиз “Солнома”-ларидаги деярлик ҳар бир жумлани айтиб кўрган, ҳатто қўшиқ қилиб айтиб кўрган, Кадлубек ўз услубининг ҳаддан ташқари жимжимадор ва серҳашам бўлгани туфайли бир оз ясамароқ туюлса-да, шунга қарамай, ўз даврининг жуда ажойиб ёзувчиси бўлган эди. Длутош эса кейинги даврларда ҳам ана шунақа ажойиб ёзувчи бўлиб қолди. XIX аср тарихчилари Маколей, Ренан, Шайноха, Кубалялар услубнинг моҳир усталари бўлганлар, улар ҳам чинакам сўз санъаткорлари эдилар. Уларнинг юксак санъати тарихий роман жанрининг бадий савиясига катта таъсир кўрсатган. Агар услуби жозибатор бўлмаганда Ипполит Тэннинг асарлари аллақачон назариялари билан бирга унут бўлиб кетган бўларди. Бугун унинг назариялари кўпда бизни ҳаяжонга солавермайди, аммо Тэн ўз саёҳатларини тасвирлаган жойларда ва санъат ҳақидаги очерклариди яратган жуда ажойиб манзаралар олдида биз лоқайд қололмаймиз. Афсуски, бизнинг давримизда услубининг баркамол бўлиши устида қайғурадиган тарихчи бу билан фанда ўзининг обрўйини тўкиб қўйиши ҳеч гап эмас. Бироқ бу вақтинча ҳодисадир, шундай бир кун келадики, унда моҳир қаламлар тарихий тадқиқотларга яна мафтункор жозоба бахш этгусидир.

Бир замонлар фалсафа таркибига ҳамма табиий фанлар, ҳамма математик фанлар ва гуманитар илмлардан баъзи бирлари кирган. Ҳатто Ньютон ўзини файласуф деб ҳисоблаган, биринчи термометрни ҳам “фалсафий асбоб” деб аталган. XIX аср илмларни шу даражада хиллаб ажратиш ташладики, ҳар бир фан ўз усули билан иш юрита бошлади ва ўз атамаларидан фойдалана бошлади. Уларнинг ҳеч қайсиси адабиётга яқин бўлишни, у билан ошначилик қилишни истамасди, фақат ўқтин-ўқтингина унга баъзи бир материалларни етказиб бериб туради. Масалан, Метерлинк шундай бўлган (“Асаларилар ҳаёти”, “Буюк байрам” ва ҳоказолар шулар жумласидандир), лекин бу унга “чегарадош соҳадан” олинган ўша асарларга менсимай қарашга ҳалал бермайди. Лекин шундай бўлса-да, баъзан олим ҳам бадий сўзнинг ёрдамидан фойдаланишга жаҳд қилади: Фламарион, Бельше, Седлецкийлар шулар жумласидандир. Бу ерда ҳам баъзан дурдона асарлар туғилиб қолиши мумкинлигини ҳеч қачон эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

Услуб ҳақидаги энг дастлабки ишлардан бирининг муаллифи табиатшунос Бюффон бўлди. Унинг Академияда сўзлаган машҳур нутқи — “Услуб ҳақида нутқ” — бадий прозанинг нутқи сифатида қаралиши мумкин, унинг “Услуб — бу инсондир” деган ҳикмати эса сон-саноқсиз танқидий асарларнинг етакчи шиори бўлиб қолган. Бюффон ўз ижодий фаолияти билан “олим қандай ҳолларда бир вақтнинг ўзида ёзувчи ҳам бўлаолади?” деган саволга жавоб берди. Флуренс “Бюффоннинг кўлёмалари” деган тадқиқотида унинг маҳорат сирларини очиб берди. Бюффон ўзининг “Табиат босқичлари” деган асарининг ҳар бир бобини қайта-қайта ёзиб чиққан ёхуд айтиб туриб янгидан ёздирган, шу йўл билан у бир вақтнинг ўзида оламнинг илмий тасвирини ҳамда санъат асарини яратмоқчи бўлган. У ҳақли равишда француз насрининг классиклари орасидан ўрин эгаллаган.

Ёзувчилик санъатининг чегараларини на адабий жанрлар бўйича, на янада камроқ даражада мавзулар бўйича белгилаб бўлади. Агар баъзан худди шу йўл

билан ёзувчилик санъати чегараларини белгилашга уринишса, бундайлар ўз даврининг хурфотлари таъсирига берилиб иш тутган бўладилар. Роман XVIII асрда ва ҳатто XIX асрнинг бошларида ҳам ҳали санъат асари деб ҳисобланган эмас. Биз учун эса у прозанинг баъзи бир жанрларининг, жумладан, эссе ёки диалог каби жанрларнинг тўлақонлигини бир мунча тўсиб қўйган. Шундай даврлар ҳам бўлганки, шеърият гарчи сифати жиҳатидан насрдан ўтиб кетган бўлмаса ҳамки, шуҳрати жиҳатидан ундан устун бўлган; ҳатто ҳозир бизнинг кунларимизда ҳам қофияланган ёки қофияланмаган қинғир-қийшиқ мисралар ёзилган саҳифалар бизнинг назаримизда матнга тўлиб тошган, сатрлари бир чизик бўлиб тизилган саҳифалардан кўтаринкироқ, шоиронароқ туюлади.

Мен фақат битта адабиёт тарихини биламанки, у биз одатда адабиёт деб атайдиган соҳа билан чекланмайди. Бу Кембрижда барпо этилган “Оврўпа адабиёти тарихи” деб аталган асардир. Ун тўрт жилдан ташкил топган бу асар Кембрижда 1907-1916 йилларда босиб чиқарилган. Унда нафақат адабиёт, балки фалсафа, сиёсат, иқтисодиёт, парламентга хос суҳандонлик, диний рисолалар, газета-журналлар, ҳатто хусусий мактублар, кўча қўшиқлари, саёҳатлар, спорт ўйинлари ҳақидаги ҳисоботлар, ҳатто рўзғорда тугиладиган жўжалик дафтарлари, пазандалик тавсияномалари, хушфёллиқ қонун-қоидалари мажмуалари ҳам ўрин олган. Материални бунақа мўл-кўл жойлаштиришда бир оз меъёрдан чиқиб кетилгандай кўринса-да, бунга чидаса бўлади, негаки унда ҳар қайси даврдаги адабий манзара жуда кенг ва ғоятда ёрқин берилган. Аммо биз бу китобда Кембриж ибратига амал қиладиган бўлсак, “ёзувчи” деган тушунча бутунлай кўмилиб кетиши мумкин эди. Ёзув санъатига мурожаат қилинган, бирор баҳона сабаб билан қалам тебратган ҳар қандай одамни “ёзувчи” деган ном билан аташ жоиз эмас. Ёзувчининг сўз санъаткори сифатидаги характерли белгиларини, унинг хаёлотидан, илҳомидан, оламни жуда теран бир инсонийлик билан идрок этишдан изламоқ керак. Ёзувчининг ёзувчилиги у танлайдиган бадий воситаларда намоён бўлади — бу воситалар ёзувчи кўрсатмоқчи бўлган таассуротларни имкони бор қадар кенг ва теран кўзгалмоғи ёхуд чақирмоғи мумкин бўлсин. Бошқача айтганда, у эстетик самарага эга бўлсин, бу самара эмоционал, интеллектуал йўналишга эга бўлсин. Ва яна эҳтимолки, ёзувчининг ёзувчилигини ҳамма нарсадан аввал унинг ўз услубидан изламоқ керакдир.

Давоми бор



А.П. ЧЕХОВ

Ҳажвиялар ва юмористик ҳикоялар

ДАДАСИ

III -синф талабасининг қоқ балиқдек қилтириқ ойиси худди кўнғиздек бақ-бақалоқ ва дум-думалоқ дадасининг хонасига кирдию томоқ қириб қўйди. Даданинг тиззасида ўтирган уй ходимаси шу заҳоти сакраб туриб, “лип” этиб, деразага осилган қалин парда орқасига беркиниб олди; лекин ойи бунга мутлақо парво қилмади, чунки у эрининг баъзи бир майда-чуйда ишқибозликларига кўпдан бери кўникиб кетган, шу боис мутамаддин эрининг шўхликларига оқила хотин кўзи билан қарарди.

— Бўғирсоғим, — деди у эрининг тиззасига келиб ўтираркан, — сен билан бир масала юзасидан маслаҳатлашгани келувдим. Лабингни артиб ол, сени ўпмоқчиман.

Дада кўзларини пирпиратди ва енги билан лабини артди.

— Нима дейсан? — деб сўради у хотинидан.

— Айтмоқчиманки, дадаси... Ўғлимизни нима қилсак бўларкин-а?

— Нима бўпти унга?

— Ҳали билмайсанми? Э худоим-е! Нега бунақа-я, нега ҳамма оталар беғам-бепарво бўлишаркин-а? Тавба қилдим! Бўғирсоғим, ҳеч бўлмаса, оталик бурчингни бажарсангчи, агар... эр бўлишни хоҳламасанг, ё бўлолмасанг!

— Яна бошландими? Минг марта эшитганман бу таъналарни!

У бетоқат бўлиб бир қимирлаб қўйган эди, сал бўлмаса, хотини тиззасидан сирғалиб тушиб кетаёзди.

— Сиз, эркакларнинг ҳаммангиз бир гўр — ҳақ гапни эшитишни ёқтирмайсизлар.

— Ўзинг бу ерга ҳақ гапни айтгани кирдингми, ё ўғлимиз ҳақида гапирмоқчимисан?

— Ҳа, бўпти, бошқа гапирмайман... Бўғирсоққинам, ўғлимиз гимназиядан яна ёмон баҳолар олиб келди.

— Хўш, нима бўпти шунга?

Қодир
МИРМУҲАМЕДОВ
таржимаси

Буюк рус адиби Антон Павлович Чеховнинг (1860-1904) асарлари ўзбек китобхонларига кўпдан бери таниш. Унинг асарларини ўзбек тилига ўгиришда А.Қаҳҳор, М.Исмоилий, О.Раҳимий, О.Шаропов, Ш.Толибов, М.Мирзоидов каби забардаст адиб ва таржимонларимиз меҳнат қилганлар. Лекин Чеховнинг мангу қайнар булоқдек сербарака ижодида ўзбек китобхониға ҳали етиб келмаган жуда ажойиб асарлар борки, бугун уларнинг айримлари билан журналхонларимизни таништириш фойдадан ҳоли бўлмас, деб ўйлаймиз. Маълумки, А. П. Чехов ўз ижодининг дастлабки даврида жуда кўп ҳажвий ва юмористик асарлар ёзиб, уларни даврий журналларда чоп эттирган.

Бугун биз ҳурматли журналхонларимизга муаллифнинг ана шу асарларидан айримларини таъсия қилмоқчимиз.

— Вой, нега ундай дейсан? Ахир бунақада уни имтиҳонга киритишмайди-ку! Имтиҳонга кирмаса, тўртинчи синфга ўтолмайди!

— Ўтмаса ўтмасин. Шунгаям ота гўри-қозихонами? Фақат ўқиса, уйда тўполон қилмаса бўлди-да.

— Ахир ўғлимиз ўн беш ёшга кирди, дадаси! Нима, шу ёшда учинчи синфда ўтирса уят бўлмайдами? Тавба қилдим... анави нотавон арифметика муаллими, биласанми, ўғлимизга яна “икки” қўйипти... Бу нима деган гап, ахир?

— Буми? Бу — уни яхшилаб савалаш керак, деган гап, вассалом.

Аёл жимжилоғи билан эрининг дўрдоқ лабини артди, артаркан, гўё нозкарашма билан қошларини чимиргандай ҳис қилди ўзини.

— Йўқ, бўғирсоғим, жазолаш ҳақида гапирма менга... Ўғлимизда айб йўқ... Бу қасддан қилинган душманлик... Камтарлик қилиб нима қиламиз, ўғлимиз жудаям ақли баркамол бола, унинг қаёқдаги қаланғи бир арифметика дарсини билмаслигига ҳеч ақл бовар қилмайди. У ҳамма дарсни яхши билади, мен бунга ишонаман!

— Ўғлинг ёлғончи, лўттибоз, билдингми? Агарда камроқ шўхлик қилиб, кўпроқ ўқисайди... Қани, онагинам, стулга ўтиб ўтир. Тиззамда ўтириш ўнғайсиз бўлса керак!

Она даданинг тиззасидан қушдай енгил кўтариларкан, роҳат курси томон гўё хиром қилиб боргандай бўлди.

— Тавба, шунақаям кесакка ўхшаган, тепса-тебранмас бўладими одам! — дея пичирлади аёл роҳат курсига ўтириб кўзларини юмаркан.

— Йўқ, сен ўғлингни яхши кўрмайсан! Ўғлимиз бирам яхши, бирам ақлли, бирам чиройлики... Ўртага фитна оралаган, душманлик оралаган! Йўқ, у бир синфда иккинчи йилга қолмаслиги керак, мен бунга чидолмайман!

— Чидайсан... ўша баччагаринг ёмон ўқиганидан кейин... Эҳ, оналар, оналар!.. Бўпти, борақол энди, жонгинам, мен бу ерда баъзи зарур ишлар билан... шуғулланишим керак...

Дада стол томонга ўтирилди ва қандайдир бир қоғоз устига энгашиб, худди талинкадаги гўштдан кўз узолмаётган итдай, ер остидан дераза пардаси томон қаради.

— Йўқ, дадаси, мен кетмайман... кетмайман! Сезиб турибман, рўпарангда ўтириб олганим сенга малол келяпти, лекин барибир, чидайсан, мен ҳам чидайман... Дадажониси, сен арифметика муаллимининг олдига бориб, уни ўғлимизга яхши баҳо қўйиб беришга кўндиришинг керак... Сен унга, ўғлимиз арифметикани чуқур билади, фақат саломатлиги яхши бўлмаганидан, муаллимларнинг кўнглини тополмаган, деб айт. Хуллас, уни мажбур қил. Ахир капкатта йигитнинг учинчи синфда ўтириши яхшими? Бир ҳаракат қилиб кўр, бўғирсоққинам! Вой, эшитдингми, Софья Николаевна, ўғлингиз Парисга¹ ўхшаркан, деб айтди.

— Бу мақтови яхши, албатта, лекин барибир, бормайман! Тентираб юргани вақтим йўқ.

— Йўқ, дадаси, борасан!

— Бормайман... Гап битта... Бўлди энди, кетақол, жонидан... Мен бу ерда баъзи бир муҳим ишлар билан шуғулланишим керак...

Она ўрnidан турди ва:

— Борасан! — деди баралла.

— Бормайман!

— Борасан!! — дея қичқирди она, — агар бормасанг, агар биттаю-битта ўғлингга раҳминг келмаса, унда...

Она худди жазаваси тутган трагик артистдек чийиллаганча қўли билан дераза пардасига ишора қилди... Дада хижолат тортиб, эсанкираб қолди, кейин аллақандай тутуруқсиз бир қўшиқни ҳиргойи қила бошлади ва бирдан камзулини ечиб ташлади... Ҳар гал шунақа машмаша бўлганида хотини унга дераза пардасини кўрсатар ва эр доим ўзини йўқотиб қўйиб ғирт жинни бўларди-

¹ Гомернинг “Илиада” достонидаги қаҳрамон йигит. У жуда гўзал бўлган ва соҳибжамол Еленани ўз шаҳри Иллионга ўғирлаб келган.

қоларди. Дада таслим бўлди. Ўғилчани чақириб, ундан яхши ўқишга сўз беришни талаб қилдилар. Ўғилчанинг жаҳли чиқди, хўмрайганча қовоғини осилтириб олди, кейин: “Мен арифметикани муаллимнинг ўзиданам яхшироқ биламан, лекигин бу дунёда “беш” баҳони фақат гимназист қизлар-у бойвачча йигитлар-у хушомадгўй лаганбардорларга чиқаган экан: бас, шунақайкан, менда нима айб? — деди у ва йиғлаб юборди. У арифметика муаллимининг уй адресини беҳато айтиб берди. Дада соқол-мўйловини қиртишлади, тепакал бошини тароқ билан таради, дурустроқ кийимини кийиб, “”биттаю-битта ўғлига шафқат қилиш” учун кўчага чиқди.

У аксарият дадаларга кўндоқда теккан одат бўйича, арифметика муаллимининг уйига рухсат сўрамай кириб борди. Бировнинг уйига эшик тақиллатмай кирганинда нималарни кўрмайсан, не гапларни эшитмайсан! У муаллимнинг ўз хотинига айтган гапини эшитиб қолди: “Мен учун сен ниҳоятда қимматлисан, Ариадна!... Шунинг учун инжиқликларингнинг ҳад-ҳудуди йўқ”. Шунда хотин эркаланиб, эрининг бўйнидан маҳкам кучоқлаб оларкан деди: “Мени кечирасан-у, жоним! Сен менга арзонга тушган бўлсанг ҳам, аммо мен учун жуда-жуда қимматлисан!” “Дўндиққина экан, — деб кўнглидан ўтказди дада, — лекигин агар башанг кийинганида янаям латофатли бўларди”.

— Салом, яхшимисизлар! — деди у эр-хотин олдига суллоҳлик билан яқинлашиб, товонларини бир-бирига “шак” этиб ураркан. Муаллим нима дейишини билмай, аввалига эсанкираб қолди, хотини эса, чўғдек қизариб кетди ва “ғир” этиб қўшни хонага кириб кетди.

— Мени авф этасиз, — деб гап бошлади дада жилмайганча, — балки мен, ҳалиги... сизни сал-пал безовта қилиб қўйгандирман... Ҳа, жуда яхши тушуниб турибман... Саломатмилар, тақсир? Ижозатингиз билан ўзимни танитсам... Камина, кўриб турганингиздек, қаланғи-қасанғилардан эмасман... Мен ҳам давлат хизматидаман... Ҳа-ҳа-ҳа! Йўқ, сиз асло безовта бўлманг!

Жаноб муаллим, одат юзасидан, хиёл жилмайгандай бўлди ва назокат ила уни стулга таклиф қилди. Дада бир оёғида гир айланиб стулга ўтирди.

— Камина, — деб гапида давом этди у жаноб муаллимга тилла соатини кўз-кўз қиларкан, — сиз билан бир чақчақлашгани келгандим... Ҳмм.. Сиз мени авф этинг, албатта... Мен ўқимишли, билимдон одамлардай жимжимадор сўзларни топиб гапиришга нўноқман. Биз — тўпори одамлармиз, гапни пўскалласини айтамыз-қўяқоламыз... Ҳа-ҳа-ҳа! Сиз университетда таҳсил олган бўлсангиз керак?

— Ҳа, университетда.

— Яхши-и! Ҳа-а, бўлмасамчи... Ҳаво бугун анча иссиқ-а... Сиз, Иван Фёдорович, ўғилчамга “икки” қўйибсиз... Ҳмм... Лекин... бунинг аҳамияти йўқ, мен сизга айтсам... Ҳар ким экканини ўради... Тўғри, қобилият ўз йўлигаю дарс — ўз йўлига экан... Ҳе-хе-хе! Аммо одам хижолат тортаркан, мен сизга айтсам. Наҳотки менинг ўғлим арифметикани ёмон билса?

— Сизга нима десам экан? Ёмон билади, деб ҳам бўлмайди уни, лекин очигини айтсам, шуғулланмайди. Ҳа, у дарсни яхши билмайди.

— Хўш, нега яхши билмайди?

Муаллим ҳайрон бўлиб қўзларини катта-катта очди.

— Нега бўларкан? — деди у. — Негаки дарсни ёмон билади ва шуғулланмайди.

— Кечирасиз, Иван Фёдорович! Менинг ўғлим жудаям берилиб тайёрлайди дарсини! Ўзим у билан шуғулланаман... У кечалари ухламай дарс тайёрлаб чиқади... У ҳамма дарсларни аъло даражада билади... Тўғри, сал-пал тўполончиरोқ... Бу ҳақда гап йўқ. Бола-да... шўхлик қилгиси келади... Ахир айтганларку: бола бўлса шўх бўлсин, шўх бўлмаса... Ҳмм? Ҳаммамиз ҳам ёш бўлганмиз, шўхлик қилганмиз! Сизни безовта қилиб қўймадимми?

— Йўғ-э, нега ундай дейсиз? Аксинча, беҳад миннатдорман сиздан... зотан сиз каби оталар биз, педагоглар билан жуда кам учрашадилар... Турган гапки, бу ҳол сиз, оталарнинг бизларга астойдил ишонганингиздан далолатдир. Ҳар жабҳада сезилиб туради бизга бўлган ишончингиз.

— Бўлмасамчи... Энг муҳими — тумшук тикмаймиз... Демак, ўғлим IV синфга ўтмайди, шундайми?

— Ҳа. Зеро унинг бошқа фанлардан ҳам йиллик баҳоси “икки”, нафақат арифметикадан.

— Бошқа муаллимларнинг ҳам олдига боришим мумкин. Хўш, арифметика нима бўлади? Ҳҳҳ-е! Тузатарсиз?

— Иложим йўқ, тақсир! (Муаллим жилмайди.) Иложим йўқ... Мен ҳам унинг тўртинчи синфга ўтишини хоҳлардим. Бунинг учун мен кўп ҳаракат қилдим, лекин ўғлингиз дарс билан шуғулланмади, менга кўрслик қилди. Бир эмас, бир неча марта у билан нохуш гаплашишга тўғри келди.

— Ҳа, энди... ёш-да, ёш... Илож қанча?... Келинг энди, “уч”га тўғрилаб кўяқолинг баҳосини!

— Мумкин эмас!

— Бе, қўйсангизчи! Шуям гап бўптию! Биз ҳам биламиз нима мумкину нима мумкин эмаслигини. Буни қилиш мумкин, Иван Фёдорович!

— Қилолмайман! Бошқа “икки”чилар нима дейди? Худо ҳаққи, қўлимдан келмайди бу иш!

Дада кўз қисиб қўйиб деди:

— Кўлингиздан келади, Иван Фёдорович! Эҳ, Иван Фёдорович, нима қиламиз гапни чувалаштириб? Шу арзимаган нарса устидаям уч соат гап сөтиб ўтиришимиз керакми?... Мана, сиз ўзингиз илмли одам сифатида айтинг — нима қилсак одилона иш қилган бўламиз? Сизнинг одиллигингиз қанақалигин биз ҳам биламиз. Ҳе-хе-хе! Лўндасини айтиб кўяқолмайсизми, Иван Фёдорович, шама қилмасдан! Ахир сиз ўғлимга “икки”ни атайин, қасддан қўйгансизку... Хўш, бунинг нимаси одиллик?

Муаллим ҳайратдан кўзларини катта-катта очди ва... вассалом; нега у хафа бўлмади? — Бу жумбоқ тоабад муаллимнинг қалб асрори бўлиб қолади мен учун.

— Ҳа, қасддан қўйгансиз, — деб такрорлади дада. — Сиз меҳмон келишини кутгансиз, тақсир... Ҳе-хе-хе-хе!.. Ҳай, на чора? Марҳамат... Мен розиман!.. Ўғлимнинг қобилияти ўзи билан қолади... Кўриб турибсизки, камина ҳам меҳнатнинг қадрига етаман... Сизлар бу масалада (Ўз бошига бармоғини тирайди) қанчалик ривожланган бўлманг, лекин... барибир, ўзингизга аён... ҳм... эски расм-таомилларимиз ҳали ҳам энг афзал, энг фойдалидир... Мана, оз бўлсаям, кўпдай кўрасиз.

Дада пишиллаб-пишиллаб чўнтагидан картмонини чиқарди ва битта йигирма беш сўмликни муаллимнинг кафтига қистирди.

— Олаверинг, тақсир!

Муаллим чўғдай қизариб кетиб, бутун вужуди ғужанак бўлди ва... вассалом. Нега у бу отани уйдан ҳайдаб чиқармади? — Бу жумбоқ тоабад жаноб муаллимнинг қалб асрори бўлиб қолгай мен учун...

— Сиз, — деб гапида давом этди дада, — тортинманг... ахир мен ҳам одамман — тушунаман... Кимки, олмайман, деса — ўша албатта олади... Ҳозирги пайтда ким олмайди, дейсиз? Олмасдан, отагинам, кун кўриб бўлмайди... Одатланмаганмисиз, дейман-ов ҳали? Марҳамат, тортинманг.

— Йўқ, илтимос қиламан...

— Камми? Йўқ, бошқа беролмайман... Олмайсизми?

— Кечиринг, ахир қандай қилиб...

— Иштиёрлари... Лекин барибир, “икки”ни тўғрилаб қўйинг! Мендан ҳам кўпроқ онаси илтимос қилиб юборди... Биласизми, шу “икки”нинг дарагини эшитгандан буён тинмай йиғлагани-йиғлаган... Шўрлик юрак ўйноғи бўлиб қолди, яна алламбало дардларгаям чалинган...

— Рафиқангизнинг дардига ҳамдардман, лекин иложим йўқ.

— Агар ўғлим IV синфга ўтмаса, унда... биласизми, нима бўлади?.. Ҳм... Йўқ, сиз унинг баҳосини тўғриланг, албатта!

— Жон-жон деб тўғрилардим... аммо қўлимдан келмайди... Чекадиларми?

— Гранд мерси... Ҳарҳолда, уни юқори синфга ўтказсанглар ёмон бўлмайди... Қандай рутбадалар тақсирим?

— Рутбам... Титулярний... аниқроғи, VIII даражадаги мансаб. Ҳм...

— Тушунарли... Яхши, сиз билан барибир, келишиб оламиз... Бир қалам сурсангиз бўлди, вассалом! А, лабей! Келишдикми? Ҳе-хе!

— Сира-сира иложим йўқ, азбаройи худо!

Дада бир оз ўйланиб сукутга толди, сўнг яна жаноб муаллимга ҳамла қила бошлади. Бу ҳамла яна узоқ вақт давом этди. Муаллим ўзининг қатъий “иложим йўқ, тақсир” деган сўзларини камида йигирма мартача такрорлади-ёв. Ниҳоят суллоҳ дада муаллимнинг жонига тегиб, тоқатини тоқ қилди. Энди у муаллимга хира пашшадай ёпишиб олиб, уни ўпа бошлади, мана, мени арифметикадан имтиҳон қилинг, деб ялтоқланди, кейин устма-устига бир нечта адабсиз латифалар айтиб, ўзини сурбетларча тута бошлади. Муаллимнинг ундан кўнгли айниди.

— Ваня, кетадиган вақтинг бўлди! — деб қичқирди шу пайт унинг хотини кўшни хонадан. Дада бу гапнинг маънисига тушунди ва ўзининг бақ-бақалоқ гавдаси билан муаллим кирадиган эшикни тўсиб олди. Тинкаси қуриган муаллим инграб юборди... Ниҳоят, у жуда зўр бир вақтни ўйлаб топгандай бўлди.

— Бўпти, майли, — деди у дадага, — агар бошқа ҳамкасабаларим ҳам ўз фанлари бўйича ўлингизнинг йиллик баҳосини ўзгартириб “уч” қўйишса, мен ҳам унинг баҳосини тўғрилаб берганим бўлсин.

— Шу лафзингизда турасизми?

— Ҳа, агар улар баҳони ўзгартиришса, мен ҳам ўзгартираман.

— Келишдик! Кўлни ташлан! Сиз одам эмас, тилла одамсиз! Мен уларга сиз ҳақингизда, баҳони тузатдилар, деб айтаман, “Қойилмақом иш бўлди — келиннинг кўнгли тўлди!..” Бир шиша шампан виноси мендан. Бошқа муаллимларни қачон уйларидан топса бўлади?

— Хоҳласангиз, ҳозир боринг.

— Мана, сиз билан танишиб ҳам олдик-а? Энди бизникига ҳам бир қадам ранжида қиласиз-да... шунчаки, чақчақлашгани?

— Жоним билан. Саломат бўлинг!

— Оревуар! Ҳе-хе-хе! Ҳм!.. Яшаворинг, йигитча!.. Яхши қолинг! Ўша ҳамкасаба ўртоқларингизга сиздан салом айтаман-да энди-а? Албатта айтаман... Мухтарама рафиқангизга мендан самимий саломлар... Бизникига албатта боринг!

Дада пошналарини бир-бирига уриб, шляпасини кийди ва зумда кўздан ғойиб бўлди.

“Яхши одам экан, — деб кўнглидан ўтказди жаноб муаллим, меҳмоннинг орқасидан қараб қоларкан. — Дилбар одам! Кўнгли очиқ — дилидаги тилида. Қалби пок, кўли очиқ кўринади... Бунақалар менга ёқади”.

— Ўша куни кечқурун ойижон яна даданинг тиззасида ўтирарди (уй ходимасига эса ундан кейин навбат тегди). Дада хотинини, “ўғлимиз” IV синфга ўтади, деб ишонтираркан, ўқимишли одамларни пул қистириш билан эмас, кўпроқ яхши муомала ва назокатли сўзлар билан ийдириш осон эканлиги ҳақида гапирарди.

БИР КЕСАК БИЛАН ИККИ ҚАРҒАНИ УРМОҚЧИ БЎЛДИЮ, ЛЕКИН...

Соат 12га жом чалди, минг ботмон ери, боз устига, ёшгина хотини бўлган майор Шёлколобов тепакал бошини чит кўрпа тагидан чиқариб, баралла сўқинди. У кеча боғ ўртасидаги шийпон ёнидан ўта туриб, ўзининг навниҳол хотини Каролина Карповнанинг яқинда уйларига меҳмон бўлиб келган амакиваччасига ҳаддан зиёд илтифот кўрсатиб, дилкашлик қилаётганини ва ўзи эри майор Шёлколобовни тўнка деб атаганини, бу ҳам етмагандек, аёлларга хос енгилтаклик билан, мен эримни ҳеч қачон севган эмасман, ҳозир ҳам севмайман, бундан кейин ҳам сева олмайман, негаки у хашаки мужикка ўхшаган овар одам, жиннисанғи ва ичкиликка ўлгудек ружу қўйган, деб гапирганини эшитганди. Хотинини ўз эрига бундай муносабатда бўлиши майорни ҳайратга солган, қаҳрини қайнатиб, дарғазаб қилганди. У кечаси билан то тонг отгунча мижжа қоқмай чиқди. Миясида турфа хил хаёллар ғужғон ўйнардди, икки юзи

худди хўрознинг тожисидек қип-қизариб кетганди; у муштларини жон-жаҳд билан дўлайтирар, кўксида эса шунақанги тўс-тўполон, дўпир-дўпир аавж олган эдики, майор бунақанги суронни Туркиянинг Қарс шаҳри бўсағасида бўлган жангда ҳам кўрмаган ва эшитмаган эди. У кўрпа остидан бошини чиқариб ёруғ жаҳонга назар ташлади ва бўралаб сўкиниб каравотдан ерга тушди-да муштларини силкитганича хона ичида уёқдан бу ёққа юра бошлади.

— Ҳой галварслар! — деб бақирди у.

Эшик гийчиллаб очилиб, майорнинг қаршисида уй ходими, сартароши ва фарроши вазибаларини ўтовчи Пантелей пайдо бўлди; у эгнига бойнинг эскисини кийиб олган, кўлтиғида эса кучук бола бор эди. У эшикнинг ёндорига суяниб тураркан, кўзларини мутеона пирпиратди.

— Менга қара, Пантелей, — деб гап бошлади майор, — сен билан одамлардай дилкашлик қилмоқчиман... дилдан, очикчасига. Гавдангни тўғри тут! Муштумингдаги пашшаларни учуриб юбор! Ҳа, балли! Айт, саволларимга чин юракдан, астойдил жавоб берасанми ё йўқми?

— Жавоб бераман.

— Менга бунақа бақрайиб қарама. Тўраларга бунақа қараш одобдан эмас. Оғзингни юм! Фирт хўкизнинг ўзисан-а, ошна! Ҳузуримда ўзингни қандай тутишни билмайсан. Қани, пешонангни тириштирмасдан менга ростини айтчи! Хотинингни дўппослаб турасанми ё йўқми?

Пантелей оғзини кафти билан ёпиб овсарона тиржайди.

— Ҳар сешанба куни, жаноби олийлари! — деб ғўлдиреди у ва ҳиринглаб кулди.

— Жуда яхши. Нега ҳиринглайсан? Бу сенга майнавозчилик эмас! Оғзингни юм! Менинг олдимда қичинма: мен бу қилигингни ёқтирмайман. (Майор ўйга толди.) Назаримда, ошна, хотинини дўппослайдиганлар фақат мужиклар бўлмас керак. Хўш, сен бу ҳақда нима деб ўйлайсан?

— Ҳақ рост, жаноби олийлари.

— Масалан!

— Масалан, шаҳарда Пётр Иванич деган бир судья бор... Танисалар керак? Бундан ўн йилча олдин мен шу жанобнинг ҳовлисида хизматда бўлганман. Бир сўз билан айтганда, пошахон барин, мен сизга айтсам... Лекигин кайфи тарақ бўлган пайтларда... ҳай-ҳай... эҳтиёт бўласан... Ичиб маст бўлиб келганларида, ҳар гал бойвуччанинг биқинига мушт ниқтардилар. Агар ёлгон гапираётган бўлсам, тил тортмай ўлай! Шунақа пайтларда, ҳе йўқ, бе йўқ, аралашига, мениам биқинимга дарча очиш пайига тушардилар. Бойвуччани урганларида ҳар доим: “Сен, овсар хотин, мени яхши кўрмайсан, дердилар, шунийчун, дердилар, сени ўлдираман-у бу ёруғ дунёдаги ҳаётингга хотима ясайман-қўяман” — дердилар.

— Бойвучча нима дерди?

— Қечиринг, дерди.

— Йўғ-е? Ростданми? Ундай бўлса жуда соз-у!

Сўнг майор мамнуният билан кафтларини бир-бирига ишқай бошлади.

— Рост бўлганда қандоқ, жаноби олийлари! Ахир калтакламай бўларканми хотинни, жаноби олийлари? Мана, масалан, менинг хотинимни олинг... Қанақасига дўппосламай? Гармонияни босиб мажақлаган бўлса, ундан кейин, жаноблари учун пиширилган сомсаларни еб қўйган бўлса... Ахир тўғримиз шундай қилиши? Ҳм!..

— Сен, тўнка, мулоҳаза қилма! Нега мулоҳаза қиласан? Барибир, ҳеч қандай бамаъни гап чиқмайди сендан, тўғримиз? Сен бировларнинг ишига тумшурингни тикма!.. Бойвучча нима қиляпти?

— Ухлаяптилар.

— Ҳай, таваккал! Бор, Марьяга айт, бойвуччани уйғотиб ҳузуримга таклиф қилсин... Шошма!.. Сен нима дейсан? Мен мужикка ўхшайманми?

— Бе, нимага энди мужикка ўхшашингиз керак экан, жаноб олийлари? Баринлар мужикка ўхшасин, деб қаерга ёзилган? Йўқ, ҳечам ўхшамасиз!

Пантелей елкасини учуриб қўйди, эшик яна гийчиллади ва у хонадан чиқиб кетди; майор бўлса ташвишли қиёфада юз-қўлини ювиб кийина бошлади.

Шу пайт хонага майорнинг йигирма ёшлардаги дилбаргина хотини кириб келди.

— Жонгинам! — деди кийиниб улгурган майор ғоят назокатли истеҳзо билан, — ўзингнинг энг қимматли вақтингдан атиги бир соатгинасини каминаи камтарин қулинг учун ажрата олмайсанми?

— Вой, жоним билан, ўргилай! — деб жавоб қилди майорнинг завжаси ва пешонасини эрининг лабига ўптиргани тугди.

— Мен, жонгинам, бир қўлда сайр қилсам девдим... сен билан... Шу хусни латофатинг, париваш қоматинг билан менга ҳамроҳ бўлолмайсанми?

— Майлику-я, лекин ҳаво иссиқлик қилмасмикин? Ҳа, яхши, отагинам, жоним билан бораман. Сен эшкак эшасан, мен дарғалик қиламан. Тамадди қилгани бирон егулик олволмаймизми? Қорним жудаям...

— Газак қилгани ул-бул олганман, — деб жавоб қилди майор ва чўнтагига солган қамчини қўли билан пайпаслаб қўйди.

Шу гапдан кейин орадан ярим соат ўтгач, майор ва унинг хотини қайиқда кўлнинг ўртасида сузиб бориб қолишган эди. Майор тер тўкиб эшкак эшар, хотини рулни бошқарарди. Тоқати тоқ бўлган майор хаёл оғушида ўтирган хотинига кўзларини чақчайтириб тикиларкан, ғазабланиб ичида: “Ҳали сен шунақамисан? Шунақами? Шошмай тур ҳали!” — дерди. Қайиқ кўл ўртасига етиб борганида у бирдан дўриллаган овоз билан: “Тўхта!” — деб бақирди. Қайиқ тўхтади. Майорнинг икки юзи ловлагидай қизарди, бутун вужудини, худди безгак тутгандай, титроқ босди.

— Вой, нима бўлди сенга, Аполлоша? — деб сўради хотин эрининг важоҳатига ҳайрон бўлиб боқаркан.

— Демак, мен, — деб гўлдиради эр, — тў-ўнкаман-а? Хўш, мен... мен... кимман мен? Ҳали мен хашаки овсарманми? Демак сен мени севган эмассан, севмайсан ҳам? Шундайми? Ҳали сен... мен...

Майор ўшқириб, қўлини боши узра кўтарди ва қамчи силкий бошлади шунда қайиқда... отетрога, а тогес!!.. шундай даҳшатли тўс-тўполон кўтарилдики, уни наинки ёзиб тасвирлаш, ҳатто тасаввур қилиш ҳам маҳол эди. Қайиқда кўтарилган ғавғони ҳатто Италияда сабоқ олган ва ғоятда ўткир тасаввур соҳиби бўлган рассом ҳам тасвирлашга қодир эмас эди.

...Шёлколов ўз бошининг арчилган тухумдай сип-силлик эканлигини ҳис этишга ҳам улгурмай, майор хотини эрининг қўлидан юлиб олган қам-чидан ҳали фойдаланганича ҳам йўқ эдики, қайиқ... бирдан тўнкарилиб кетди ва...

Худди шу пайт майорнинг собиқ калитдори, ҳозирда эса, волост мирзаси лавозимида хизмат қилаётган Иван Павлович қўл бўйида сайр қилиб юрарди. У папирос чекаркан, қишлоқ жувонларининг қўлда чўмиладиган саодатли онларини кутиб, ўзининг бу сайрдан кўзлаган мақсадини мулоҳаза қиларди. Шу пайт у ногоҳон аллакимларнинг даҳшатли фарёдини эшитиб қолди. Эшитди-ю ўзининг собиқ соҳиблари овозини таниди. “Ёрдам беринглар!” — деб қичқиришарди майор ва унинг хотини. Мирза ўйлаб-нетиб ўтирмасдан, камзулини, шими ва этигини ечдию уч марта устма-уст чўқиниб олиб, чўкаётганларга ёрдам бериш учун қўл ўртасига сузиб кетди. Шунга айтиш жоизки, мирза йигит хат ёзишда ва ёзилган хатларни ўқишда уқувсизгина бўлса ҳам, сувда сузишнинг кифтини келтирарди, шунга кўра у бор-йўғи уч-тўрт дақиқада чўкаётганлар олдига етиб борди. Етиб боришга бордию лекин боши қотиб гаранг бўлиб қолди.

“Қайси бирини қутқарай? — деб ўйлади у. — Оббо-о!” Бир йўла икки кишини қутқаришга Иван Павловичнинг кўзи етмасди — биттасиям етиб ортади. У гангиб қолиб, афтини минг қиёфада бужмайтирар экан, дам майорга ташланар, дам унинг хотинини қутқармоқчи бўларди.

— Фақат биттангизни қутқара оламан! — деди у. — Икковингизга кучим етмайди... Наҳанг эмасманку ахир...

— Ваня, ўргилай сендан, мени қутқар, — деб чийиллади совуқдан дағ-дағ титрай бошлаган аёл майорнинг этагига маҳкам ёпишиб олганча, — мени

¹ О бу қандай замон... бу қандай одоб-ахлоқ (лот.)

қутқар! Агар қутқарсанг, сенга эрга тегаман! Ҳамма авлиё анбиёлар ҳаққи қасамки, гапим чин! Вой дод, чўкяпман!

— Иван! Иван Павлович! Бир мурувват кўрсат... зўр йигитсанку ўзинг! — деб дўриллади майор оғзига кирган сувни фарғара қиларкан. — Мени қутқар, оғайни! Бир сўм арақ пули оласан! Саховатингни кўрсат, отагинам, жувонмарг бўлишимга йўл қўйма... Бошингдан тилла сочаман... Бўла қолсангчи! Нега бақ-раясан?... Қутқарсанг, синглинг Марьяга уйланаман... Азбаройи худо, уйлана-ман! Синглинг жуда дилбар қиз... Хотинимни қутқазма, чўкиб кетаверсин! Мени қутқармасанг — улдираман жонингдан бездириб...

Иван Павловичнинг боши айланиб сал бўлмаса ўзи чўкиб кетаёзди. Икковларининг ваъдалари ҳам яхши — бири-биридан ширин эди. Қай бирини танла-син! Аммо вақт зиқ! “Бир амаллаб икковларини қутқараман! — деб қарор қилди у. — Зўр бўлади! Ахир яхши бузоқ икки онани эмади, дейдиларку! Худо хоҳласа, бир иложини қиламан. Э худо, ўзинг мадад бер!” Иван Павлович бир чўқиниб олиб, майор хотинини ўнг қўлтиғига қистирди, шу қўлининг кўрсаткич бармоғига эса, майорнинг галстугини илиб олди-да ихраб-сихраб соҳил томон суза кетди. “Оёқларингизни шапиллатинг!” — деб буюрди у чап қўли билан сузишда давом этаркан ва айни чоғда ўзининг порлоқ истиқболи ҳақида ши-рин-ширин хаёллар сураркан. “Бойвучча — хотиним бўлади, майор — куёвим... Мазза! Давринг келди, ўйна-кул, Ваня! Ана энди ширин пирожнийларга роса мириқаман... Энди қимматбаҳо сигаралар чакишга ўтамыз!.. Худога минг қатла шукр!” Бараварига икки кишини ушлаганча, яна шамолга юз тутиб, бир қўллаб сузиш Иван Павлович учун жуда оғир эди, лекин порлоқ келажак ҳақидаги ширин орзулар унга мадад берди. У оғзи қулоғига етиб тиржайиб, гоҳ ҳиринг-лаб кулиб, ахири майор билан хотинини эсон-омон қирғоққа олиб чиқди. Унинг қувончи ичига сиғмасди. Лекин шу пайт у, бир-бирини кучоқлаб ўпи-шаётган майор билан бойвуччани кўрдию... бирдан ранги қув ўчиб кетди, “их”, дедию шўр пешонасига бир мушт урди-да хўнг-хўнг йиғлай бошлади; бу аснода, сувдан чиқиб, майор билан унинг хотинини ўраб олган ва довюрак мирза йигит томонга ажабланиб кўз ташлаётган қиз-жувонларни у ҳатто пай-камади.

Эртаси куни Иван Павлович майорнинг иғвоси билан волост маҳкамасидан ҳайдалди, бойвучча бўлса, “Жўна, ўша сени севган барининг олдига!” — деб Марьяни ўз кошонасидан ҳайдаб юборди.

Нафақат тогли орзуларидан, ҳатто ўз хизмат жойидан ҳам жудо бўлган Иван Павлович энди машъум кўл бўйида кезиб юраркан, нола чекарди:

— Эй, одамлар, одамлар! Миннатдорлик деганда нимани тушунасиш ўзингиз?

УЧРАШИШГА УЧРАШДИЛАР-У, ЛЕКИН...

Гвоздиков имтиҳондан ўтиб конкага ўтирди ва олти тийинга (у доим кон-канинг иккинчи қаватида юрарди) шаҳар чеккасига етиб олди. Бу ердан у ўзи яшаб турган боғ ҳовлигача уч чақирим йўлни яёв босиб ўтди. Дарвоза олдида уни ёш хоним — боғ бекаси қарши олди. Гвоздиков бу хонимнинг ўғилчасига арифметикадан сабоқ берарди ва бу хизмати учун текинга овқатланар, яна турар жой билан таъминланиб, ойига беш сўм пул ҳам оларди.

— Хўш, қалай? — деб сўради бека унга қўлини узатаркан. — Бўлдимиз? Ўтдингизми имтиҳондан?

— Ўтдим.

— Bravo, Егор Андреевич! Неча олдингиз?

— Одатдагидек... Беш... Ҳм...

Гвоздиков беш эмас, фақат уч плюс олганди... лекин... лекин... ёлгон гапирса нима бўпти... имкони туғилганда? Имтиҳон топширувчилар ҳам худди овчиларга ўхшашади: ёлгонни сувдай ичишади. Гвоздиков ўз хонасига кириб, стол устида ётган ихчамгина пуштиранг конвертни кўрди. Ундан қалампиргул ҳиди келарди. Гвоздиков конвертини йиртиб елимини ялади сўнг хатда шу жумлаларни ўқиди:

“Майли, розиман. Роппа-роса соат саккизда кеча бошингиздан шляпангиз учиб тушган зовур ёнида бўлинг. Мен сизни дарахт тагидаги скамейкада кутаман. Хуллас, мен сизни севаман, фақат бунақа аммамнинг бузоғига ўшаб шалвираманг. Одам деган сал абжирроқ бўлиши керак. Кеч киришини сабрсизлик билан кутаман. Мен сизни жонимдан ортиқ севаман.

Сизнинг С.

P. S. Матан кетган, биз ярим кечагача вақтичоғлик қилишимиз мумкин. Оҳ, қандай бахтлиман-а! Бувим ухлаб қолади, ҳеч нимани сезмайди”

Гвоздиков хатни ўқиб чиқиб, оғзи қулоғига етгудек жилмайди, худди тойчоқдек диканглаб сакраб, уй ичида уёқдан-буёққа тантанавор юра бошлади.

— У мени севади! Севади! Севади!!! Қандай бахтиёрман-а, аканг қарағай! О-о-о! Там-тара-рам!

Гвоздиков хатни яна бир марта ўқиб чиқиб, уни ўпди, авайлаб тахлади ва анатомия столи ғаладонига солиб қўйди. Унга овқат олиб келишди. Ишқий мактубдан эсанкираб, дунёдаги ҳамма нарсаларни хаёлидан фаромуш қилган йигит нима қилаётганини билмай, келтирилган овқатни: хўрдани ҳам, бурдани ҳам, гўштни ҳам пок-покиза туширди. У тушлик қилиб бўлиб, каравотга чўзилиб ётди ва ҳар хил нарсалар: дўстлик, муҳаббат, мансаблар тўғрисида хаёл сура бошлади... Сонянинг қиёфаси мудом унинг кўз олдидан лип-лип ўтаверди.

“Эссиз, соатим йўқ-да! — деб ўйлади у. — Агар соатим бўлганда, кечгача қанча вақт қолганини кузатиб ўтирардим. Аксига юриб, вақт ҳам жуда секин ўтяпти”.

Хаёл суриб ётавериш жонига теккач, у ўрнидан турди, бир оз хона ичида юрди, сўнг ошпаз хотинни чақириб пивога юборди.

“Бас, шундай экан, — деб ўйлади у, — биз қиттай-қиттай қиламиз... вақт-ни тезроқ ўтказиш учун”.

Пиво келтиришди. Гвоздиков олпита шишанинг ҳаммасини қатор тизиб қўйиб, уларга меҳр тўла кўзларини тикди, сўнг ичишга киришди. Уч стакан ичганидан кейин, унинг кўксида ва бошида биттадан чироқ ёнгандай бўлди; ҳаммаёқ унга жудаям ёқимли, чароғон ва хушманзара бўлиб кўринди.

“Соня мени бахтиёр қилади! — деб ўйлади у иккинчи шишага қўл узатаркан. — Ҳа, уни... худди шу қизни орзу қилгандим мен... О, қандай соз!”

Иккинчи шишадан кейин, бошидаги чироқни кимдир ўчириб қўйгандек бўлди, кўз олди сал қоронғилашди. Лекин вужудини шодмонлик қамраб олганди! О, икки шишадан кейин бу дунёда яшаш қандай яхши! Гвоздиков учинчи шишани ичишга киришаркан, ўз тумшуғи олдида қўлини силкитиб, бу дунёда мендан бахтлироқ одам йўқ, деб қасам ичди. У ўзига ўзи қасам ичди ва бу қасамга астойдил ишонди.

— У менинг қайси жиҳатимни яхши кўриб қолганини биламан! — дея гўлдиради у. — Биламан! У менинг беназир ва беқусур инсонлигимни яхши кўриб қолган! Шунақа! Ҳа, у кимни севишини, нима учун севишини билади... Беназир инсонни! Мен унақа-бунақа... қаланғи-қасанғи одам-мас-ман... Мен Гвозд... ман...

У тўртинчи шишани ича бошларкан деди:

— Ҳа, тақсир-р! Мен унақа-бунақа!.. У менинг... даҳо эканлигимни... Оламшумул даҳолигимни... ёқтириб қолган! Мен кимман? Ва нимаман? Сиз — Гвоздиков, дерсиз? Ҳа, мен Гвоздиковман, лекигин қанақа Гвоздиков? Хўш, нима деб ўйлайсиз?

Тўртинчи шишанинг ярмига етганда, у столга мушт урди, сочларини хурпайтирди ва деди:

— Ҳали мен кўрсатиб қўяман уларга кимлигимни! Олдин курсни битириб олай! Фақат шугулланишимга имкон беринг, холос! Мен — илм-фан муҳибиман... У менинг фан муҳиб эканлигимни севиб қолган. Ҳали мен унга... мени танлаб тўғри қилганлигини исботлайман! Нима, менга ишонмайсизми? Даф

бўлинг, ишонмасангиз! Уям ишонмайдими? У-я? Соня-я? Бунақада, уям даф бўлсин! Исботлайман! Ҳозир-оқ илм олишга киришаман!.. Олдин манави стаканни ичиб юборай... Ҳаммангиз аблаҳсиз!

— Гвоздиков аччиқ устида стаканни бўшатди, токчадан дарс ёзилган дафтари олиб, ўртасидан ўқий бошлади:

“Па-пастки жа-жағнинг чиқ-қишига оғ-оғиз очиқ ҳолда зарб билан йиқ-йиқилиш саб-баб бўлади...”

— Сафсата! Жағ... Зарб... Бало-баттар... Куруқ гап!

Гвоздиков дафтари ёпиб, бешинчи шишани бўшатишга киришди. Ниҳоят олтинчи шишани ҳам ичиб битириб, бирдан маъюс бўлиб қолди. У бутун оламнинг, хусусан, одамзоднинг ҳақир-у нотавонлиги ҳақида ўйлай бошлади... Шундай хаёлларга берилиб ўтириб, беихтиёр шиша оғзига унинг тиқинини қўйди, сўнг чертиб яшил нуқтага теккизмоқчи бўлди. Мана, у пойлаб туриб, тиқинни чертиб яшил нуқтага теккизди, шунда унинг кўз олдида қора, яшил ва кўк доирачалар гужғон ўйнай бошлади. Тўққизил рангдаги шундай доирачалардан бири жилмайганча, учиб келиб, ўзининг ям-яшил игначалари билан Гвоздиковнинг кўзига тегди ва елимсимон суоқлик чиқарди... Йигит кўзлари юмилиб кетаётганини ҳис қилди...

Кўзимнинг ичида алланима чийилляпти! — деди у ўзига ўзи. — Очиқ ҳавога чиқмасам бўлмайди, Ах... Ахир кўр бўлиб қоламан-у... Сал... сай... сайр қилишим керак... Бу ер дим. Ҳамма печларга ўт ёқишипти... Эш... эшшаклар!! Чийиллашиб печларга ўт қалаб ётишипти! Аҳ-моқлар!” Гвоздиков шляпасини кийиб хонадан чиқди. Ташқарида қош қорайиб қолган эди. Соат тўққиздан ошган. Осмонда юлдузлар милтиларди. Ой чиқмаган, демак тун қоронғи бўлади. Гвоздиковнинг димоғига баҳорги ўрмоннинг салқини урилди. Бу ерда ишқий rendez-vous¹ нинг барча белгилари муҳайё эди: япроқлар шитирлар, булбул хониш қилар, ҳатто... “у” ҳам зулмат ичидан оқариб кўриниб турарди. Йигит хатда эслатилган ерга қандай бориб қолганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Соня ўтирган ўрнидан туриб йигит сари пешвоз юрди.

— Жорж! — деди у энтикиб нафас оларкан. — Мен бу ердман.

Гвоздиков тўхтаб кулоқ солди ва тепага, дарахтларнинг учига қаради. Наза-рида, уни кимдир осмондан туриб чақиргандай эди.

— Жорж, бу менман! — дея такрорлади қиз унга яқинроқ келиб.

— А?

— Бу менман.

— Нима? Ким у? Кимни чақиряпти?

— Бу мен, Жорж... Юринг... Утирайлик.

Жорж кўзларини ишқалаб, қизга бақрайиб қаради...

— Нима керак сизга?

— Жиннивой! Танимаяпсизми, нима бало? Наҳот ҳеч нима кўрмаяпсиз?

— А-а-а-а... Кечирассс... Нима ҳаққингиз бор... кеч... кеччаси бировнинг боғига киришга? Муҳтарам жаноб! Жавоб беринг, муҳ-муҳтарам жаноб, йўқса мен сизни тум... тумшуфингизга туш-шир ...

Жорж қўлини чўзиб, қизнинг елкасидан чангаллаб олди. Қиз хандон ташлаб кулди.

— Вой, жудаям қизиқсиз-а! Ҳа-ҳа-ҳа... Томоша кўрсатишга уста экансиз! Қани, юринг... Чақчақлашамиз...

— Кимни чақ... чақамиз? Нимани чақамиз? Сиз нима учун? Мен нимага? Нега куласиз?

Қиз хоҳолаб кулди ва йигитни қўлтиқлаб олиб судрай бошлади. Йигит орқасига тисарилди. Шу тобда у аравага қўшилган саркаш етакчи отга, қиз эса олға талпинувчи шатакчи отга ўхшарди.

— Мен... мени уйқум келяпти... Кўйворинг... — деб базўр гўлдиради у. — Мен бош қотиришни хоҳламайман... майда-чуйда нарсаларга...

— Кўйинг, бўлди энди, бўлди... Нега бунча кеч қолдингиз? Дарс тайёрладингизми?

¹ Учрашув (франс.)

— Тайёрладим... Мен доим тайёрлайман... Па... пастки жа... жағни чиқ-қишига оғ... оғиз очиқ ҳолда зарб билан йиқ-йиқилиш саб-баб бўлади. Жағлар аксар пайтларда ресторан ва қовоқхоналарда кўпроқ м-мушт билан чиқ-қарилади... Пиво хоҳлайман... Жигули пивоси...

Икковлари бир амаллаб скамейкага етиб олишди ва ўтиришди. Гвоздиков тирсақларини тиззасига қўйиб, юзини муштларига тиради ва отга ўхшаб пиш-қирди. Бошидаги шляпаси сирғалиб қизнинг қўлига тушди. Қиз энгашиб унинг юзига мўралади.

— Сизга нима бўлди? — деб оҳиста сўради у.

— Нима иш-ишингиз бор? Иш-ишингиз бўлмасин... Ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ менинг ишимга ар-аралашингизга. Ҳаммалари аҳмоқ, сиз ҳам аҳмоқсиз.

У бир оз жим қолгач илова қилди:

— Мен аҳмоқман...

— Хатни олдингизми? — деб сўради қиз.

— Олдим... Сонь... қадан... Сонядан... Сиз — Сонямисиз? Нима бўлти шунга? Бемаънилик... “сабрсизлик” сўзида “б” дан кейин “и” ёзилмайди. Ургилдим сиздақа саводхондан! Жин урсин ҳаммангизни!

— Мастмисиз, нима бало?

— Й-й-йўқ... аммо мен адолатпар... пар-вар-ман... ман! Нима ҳақингиз бор... ҳақ... Пиводан одам маст бўлмайди... Нима?.. Қайси?..

— Уятсиз! Маст бўлмасангиз нега бетугуруқ гапларни вайсаб ётибсиз?

— Й-йўқ... Бош келишик — мени, қаратқич келишик — сени, жўналиш келишик — уни... бош келишик... *Processus condyloideus et musculus-sternocleido-mastoideus.*¹

Гвоздиков хоҳолаб қулди, сўнг бошини тиззаларига эгди...

— Ухлаяпсизми? — деб сўради қиз.

— Жавоб бўлмади. Қиз ўқсиб-ўқсиб йиғлай бошлади.

— Ухлаяпсизми, Егор Андреевич? — дея такрорлади у.

Бу саволга жавобан дўриллаган хуррак эшитилди. Соня ўрнидан турди.

— Аб-л-лах!! — деди қиз жирканч билан. — Ярамас! Ҳали сен шунақамисан? Мана сенга бўлмаса! Мана сенга! Мана сенга!

Ва Соня ўзининг жажжигина қўлчаси билан Гвоздиковнинг энсасига беш мартагача шапатилади... О, қандай шапатиладики... Унинг оёқлари шляпани тепкилади. Ҳа, аёллар жудаям қасоскор бўлишади!

Эртаси куни Гвоздиков Соняга қуйидаги мазмунда хат юборди:

“Мени авф этинг. Кеча ҳузурингизга боролмадим — қаттиқ бетоб эдим. Учрашувга бошқа вақт тайинлашингизни сўрайман. Масалан, бугун кечкурун.

Сизни севувчи Егор Гвоздиков”.

Бу хатга қуйидаги жавоб ёзилди:

“Шляпангиз шийпон ёнида ётибди. Уни ўша ердан олишингиз мумкин. Пиво муҳаббатдан лаззатлироқ, шунинг учун пиво ичаверинг. Сизга халат беришни хоҳламайман.

Энди сизники эмас С...”

P.S. Менга жавоб ёзманг. Мен сиздан нафратланаман”.

ҚИШЛОҚ ТАБИЪЛАРИ

Земство касалхонаси. Эрталабки пайт.

Доктор даҳа полиция бошлиғи билан овга кетган, шунинг учун бугун касалларни фельдшерлар: Кузьма Егоров билан Глеб Глебичлар қабул қилиш-

¹ Кўк томир ўсимтаси ва кўкрак-ўмров-эмизгич мушаклари. (лот.)

моқда. Қабулга келган касаллар ўттиз чоғлиқ. Кузьма Егоров касалларнинг рўйхатдан ўтишини кутиб, қабулхонада қаҳва ичиб ўтирипти. Ёруғ дунёга келганидан буён юзи ювуқсиз, сочи тароқ кўрмаган Глеб Глебич столга кўкраги ва қорни билан ётиб олиб, хуноб бўлганича, касалларни рўйхатга олмоқда. Одатда, бу рўйхат номига, фақат статистика учун қилинади. Рўйхатга касалнинг исми шарифи, фамилияси, тоифаси, турар жойи, саводи, ёши, табиб қабулидан ўтгач эса — нима билан оғригани ва қандай дори-дармон берилгани ёзилади.

— Жин урсин бунақа перони! — дейди жаҳл билан Глеб Глебич каттакон дафтарга ва кичкинагина парча қоғозларга жимжимадор “м” ва “а” ҳарфларини қийналиб-сийналиб ёзаркан. — Бу қанақа сиёҳ ўзи? Сиёҳ эмас, катрон-ку! Маҳкама раҳбарларига ҳайронман! Касалларни рўйхат қилишни буюришадию сиёҳ олиш учун йилига атиги икки тийин пул чиқаришади! — Кимнинг навбати? — деб қичқиради у.

— Юз-кўзи рўмолга ўралган бир мужик билан “бас” овозли черков хонишчиси Михайло яқин келадилар.

— Кимсан?

— Иван Микулов.

— А? Нима? Аниқроқ гапир.

— Иван Микулов!

— Сендан сўраётганим йўқ! Четга чиқ! Энди, сен. Исминг нима?

Михайло жилмаяди.

— Билмайсанми ўзинг? — деб сўрайди у.

— Нега иршаясан? Жин урсин! Бу ерда бош қашишга вақт йўғ-у бунинг майнавозчилик қилгани ортиқча! Исминг нима?

— Ие, ахир ўзинг билмайсанми? Нима бало, кайфинг борми, дейман?

— Биладан, лекигин, барибир, сўрашим шарт, негаки, қоида шунақа. ...Кайф деган нарса бизда бўлмайди. Худога шукр, ароққўр эмасмиз сиз жанобларига ўхшаган. Ичсак ҳам ётволиб ичмаймиз... Исминг ва фамилиянг?

— Нега энди айтишим керак, ўзинг шундоқ ҳам билганингдан кейин? Беш йилдан бери биласан мени... Ё унутиб қўйдингми олтинчи йилга ўтганда?

— Унутганим йўқ, лекин қоида шунақа! Тушунасанми ўзинг? Ё рус тилини билмайсанми? Қо-и-да!

— Қоида экан, майли, жин урсин сени! Ёз! Михайло Федотич Измученко...

— Измученко эмас, Измученков.

— Майли, Измученков бўлақолсин... Хоҳлаганингни ёз, фақат мени тузатсанг бўлгани... Менга деса, Овсар Иванич деб ёз. Барибир...

— Қайси тоифадансан?

— “Бас” тоифасидан.

— Ёшинг нечада?

— Ким билади дейсан... Мени чўқинтиришганда қатнашмаганман, ёшимни айтолмайман.

— Қирқ ёш бўладими?

— Балки бўлар, балки бўлмас. Хоҳлаганингни ёз.

Глеб Глебич Михайлога тикилиб, бир пас ўйланиб туради-да, сўнг “37” деб ёзади. Лекин ўйлаб кўриб, “37”ни ўчиради ва “41” ёзади.

— Саводинг борми?

— Ие, черков хонишчиси ҳам саводсиз бўларканми? Калла!

— Одамлар олдида сен менга бунақа бақирмасдан, ундан кейин, “сиз”лаб гапиришинг керак. Кимнинг гали? Кимсан? Исминг нима?

— Микифор Пуголов, Хапловоданман.

— Хапловолларни боқмаймиз! Бир киши кирсин!

— Худо хайрингизни берсин, раҳм қилинг... жаноби олийлари... Йигирма чақирим йўл босиб келдим...

— Хапроволларни даволамаймиз! Ким кейингиси? Нарн тур! Бу ерда чекилмасин!

— Мен чекаётганим йўқ, Глеб Глебич!

— Бўлмаса, кўлингдаги нима?

— Бу бармоғим — бойлаб олганман, Глеб Глебич!

— Сигарка эмасми? Хапловликларга қарамаймиз! Кимнинг навбати?..

Глеб Глебич беморларни рўйхатга олиб бўлади. Кузьма Егоров қаҳвасини ичиб тугатади. Энди қабул бошланади. Глеб Глебич ўзига ишнинг фармацевтика, яъни доригарлик қисмини олиб, дорихонага киради, Кузьма Егоров эса муолажа қилиш билан шуғулланади ва бўйнига пешбанд оседи.

— Марья Запласина! — чақиради Кузьма Егоров рўйхат дафтарига қараб олиб.

— Бағдаман, отагинам!

Қабулхонага афт-башараси олма қоқидай бужмайган, жуссаси шу тақдир зарбидан анжирдек эзилиб япасқи бўлган жиккаккина бир кампир киради. У чўқиниб олиб, табиблик қилаётганга эҳтиром ила таъзим қилади.

— Қҳм... Эшикни ёп!.. Қаеринг оғрийди?

— Бошим, отахон.

— Қҳм... Қаммасими ё бир палласими?

— Қаммаси, отагинам... қамма палласи...

— Сен, кампир, бошингни бунақа ўраб юрма... Олиб ташла бу рўдапони! Бош доим совуқда, оёқ иссиқда, гавда ўрта-миёна ҳароратда бўлиши керак... Қорнинг оғрийдими?

— Оғрийди, отагинам, оғрийди...

— Қҳм... Қани, пастки қовоқларингни пастга тортиб тур-чи! Яхши, бўлди, қўйвор. Сенда қон кам... Мен сенга томизғи дори бераман... Қар куни эрталаб, кундузи ва кечқурун ўн томчидан ичасан.

Кузьма Егоров ўтириб, дори қоғози ёза бошлайди.

“Rp. Liduog Ferni¹” кунига уч марта ўн томчидан Марья Запласинага. Деразада турганидан 3 гр., токчада турганини Иван Яковлич, очманглар, деб айтганлар”.

Кампир томчиларни нима билан ичишни сўрайди, эгилиб таъзим қилади ва жўнаб кетади. Кузьма Егоров дори қоғозини девордаги туйнукдан дорихонага ташлайди ва навбатдаги беморни чақиради:

— Тимофей Стукотей!

— Шу ердаман.

Қабулхонага бўйи дароз, ўзи чўпдай ориқ, хумкалла Стукотей кириб келади; узоқдан қараган одамга у соққа тутқичли хассага ўхшаб кўринади.

— Қаеринг оғрийди?

— Юрагим, Кузьма Егорович.

— Қайси жойи?

Стукотей кўли билан кўкраги остини кўрсатади.

— Қҳм... Кўпдан берими?

— Нақ мавлуди Масих байрамидан бери... Қозир бу ёққа яёв юриб келдим, камйда йўлда ўн марта ўтириб дам олдим-ов... Аъзойи баданим қақшайди, Кузьма Егорич... Тер босади, Кузьма Егорич.

— Қҳм... Яна қаеринг оғрийди?

— Сирасини айтсам, Кузьма Егорич, қаммаёғим оғрийди, илло сиз фақат юрагимни даволасангиз бўлгани, бошқа жойларимга эътибор берманг... Қолган дардларимни хотин-халаж бир амаллаб тузатар... Сиз менга, қанақа бўлсаям, озгина спирт берсангиз бўларди — юрагим санчмаслиги учун. Нуқул юрагим санчгани-санчган, баъзида шунақаям қаттиқ санчадики... оғриқ... жон-жонимдан ўтиб кетади... куракларим атрофининг зириллаганига чидолмайман... Бошим худди харсангтош боғлангандай оғирлашади... Яна, бот-бот йўтал тутади.

— Иштаҳа борми?

— Тариқчаям йўқ...

Кузьма Егоров Стукотейга яқин бориб, уни энгаштиради ва муштумини унинг кўкраги остига босади.

— Шунақада оғрийдими?

— Вой... оҳ-қ... ввв... Оғрияпти!

¹ Темир эритмаси (лот.)

— Мана бундачи?

— Ууу... Ҳлиб қоламан!!

Кузьма Егоров унга бир неча савол беради, кейин ӯйланиб туриб, Глеб Глебични чақиради. Консилиум, яъни машварат бошланади.

— Тилингни кўрсат-чи! — дейди Глеб Глебич беморга юзланиб.

Бемор оғзини катта очиб тилини чиқаради.

— Кўпроқ чиқар!

— Бундан ортиқ чиқариб бўлмайди-да, Глеб Глебич.

— Бу дунёда қилиб бўлмайдиган нарса бўлмайди.

Глеб Глебич беморга бир пас тикилиб туради, пешонасини тириштириб, нималарнидир ӯйлайди, кейин елкасини учуриб қўйиб, индамай қабулхонадан чиқиб кетади.

— Каттар бўлса керак! — деб қичқиради у дорихонадан туриб.

— Унақада, бунга *olei ricini*¹ билан *ammonii caustici*² беринг, — деб қичқиради Кузьма Егоров. — Эрталаб, кечқурун қорнига сурсин! Кирсин бир киши!

Бемор қабулхонадан чиқиб, йўлақдан дорихона дарчаси томон юради. Глеб Глебич чой стаканининг учдан бир қисмига касторка (канақунжут мойи) қўйиб, Стукотейга узатади. Стукотей стакандаги суюқликни шошилмасдан қултумлаб ичади, тили билан лабларини ялайди, кўзларини чирт юмиб, бармоқларини бир-бирига ишқайди, яъни газак қилгани бирон нима сўрайди.

— Манави сенга спирт! — деб қичқиради Глеб Глебич нашатир спирт қуйилган идишни беморга узатаркан, — Мовут латтага томизиб эрталаб ва кечқурун қорнингни ишқалайсан... Идишни қайтариб обкелиб берасан! Суянма! Наритур!..

— Михайло Измученков! — деб чақиради Кузьма Егоров.

— Қабулхонага “бас” Михайло киради.

— Михайло Федотичга саломлар! Хуш кептилар! Қаерингиз оғрийди?

— Томоғим, Кузьма Егорич! Гапнинг сираси, ижозатингиз билан, менинг дардимга бефарқ қарамассиз, деган умидда... олдингизга келувдим... Томоғим унчалик оғриётганиман йўғ-у, аммо кўп зарар етказяпти. ... Шу томоғимнинг касрига қўшиқ айтолмаяпман, регент³ бўлса, ҳар бир ибодатдан тушган пулдан қирқ тийиндан чегириб олиб қоляпти. Кеча кечки ибодатдан йигирма беш тийин ушлаб қолди. Бугун улуғларникида жаноза ўқилди, хонишчиларга уч сўм беришипти, лекин бетоб бўлганим сабабли, менга шўмилдириқ ҳам тегмади. Шу боис, ижозатингиз билан томоқ оғриғи масаласида шуни айтмоқчиманки, жуда қаттиқ қириляпти, овозим хириллаб қолди. Бамисоли, томоғимга мушук кириб олгану кекирдагимни тинмай тиндалаётгандай... Қҳм... қҳм...

— Қиздирадиган ичимлик ичгандирсиз балки?

— Томоғимнинг нимадан оғриб қолганини сизга аниқ айтолмайман, лекин шуни айтишим мумкинки, ижозатингиз билан, қиздирадиган ичимликлар те-нор овозларга таъсир этадию илло басларга заррача ҳам зиён қилмайди. Бас овоз, Егор Кузьмич, ичимликдан яна йўғонроқ, салобатлироқ бўлиб янграйди, мен сизга айтсам... Лекин басга кўпроқ шамоллаш таъсир қилади.

Глеб Глебич туйнукдан бошини чиқаради.

— Кампирга нима берай? — деб сўрайди у. — Деразадаги темир эритмаси тамом бўлди. Токчадагини оламан-да энди.

— Йўқ, йўқ! Иван Яковлич, очманглар, деган. Жаҳли чиқади.

— Бўлмаса нима қилай?

— Бирон нима бервор!

“Бирон нима” деган сўз Глеб Глебичнинг тилида “сода” деган маънони билдирарди.

— Қиздирадиган ичимликлар ичмаслигингиз керак.

¹ Касторка мойи (лот.)

² Нашатир спирти (лот.)

³ Р е г е н т — черковда хор дирижёри.

— Шундоғам уч кундан бери оғзимга олмаяпман... Томоғимнинг оғриши шамоллашдан... Тўғри, бас овоз ароқдан хириллай бошлайди, аммо хириллашдан октава¹ пайдо бўлади, Кузьма Егорич, бу жиҳати яхши, мен сизга айтсам... Хуллас, бизнинг тоифа ароқсиз кун кечиролмайди. ... Ароқ истеъмол қилмаган хонишчи қанақасига хонишчи бўлсин? Унақа хонишчи хонишчи эмас, балки, ижозатингиз билан, бир ханги, холос!.. Агар касбим черков хонишчиси бўлмаганда, ўша байталмон ароқни сира-сира оғзимга олмаган бўлардим. Зеро ароқ бу — шайтоннинг қони...

— Кулоқ солинг... Мен сизга порошок бераман... Сиз уни шишага солиб, сув билан чайқатинг-да эрталаб ва кечқурун ўша эритма билан томоғингизни чайинг.

— Ичиб юборсам ҳам бўладими?

— Бўлади.

— Жуда яхши... агар ютиш мумкин бўлмаса, алам қилади. Оғзингни чайқаб-чайқаб, кейин туплаб ташлайсан — увол! Гапнинг пўскаллеси шуки, Кузьма Егорич, мен сиздан яна бир нарсани сўрамоқчийдим... Менинг ичим бўш — ичбуруғ дардим бор, шунга кўра, ижозатингиз билан, ҳар ойда қон олдириб тураман, яна гиёҳлар қайнатмасини ичаман, айтингчи, шу аҳволимда уйлансам бўладими?

Кузьма Егоров бир оз вақт ўйланиб қолади, сўнг дейди:

— Йўқ, маслаҳат бермайман!

— Бағоят миннатдорман сиздан... сиз ажойиб табибсиз, Кузьма Егорич! Ҳамма дўхтирлардан ҳам аълосиз! Худо ҳаққи! Қанчадан-қанча ҳожатманд одамлар сизнинг дуои жонингиздалар! О-о-о! Уларнинг сон-саногии йўқ!

Кузьма Егоров камтарлик қилиб, бошини эгади ва шартта рецепт ёза бошлайди: *Natri bicarbonici*, яъни сода.

ЧИҚДИ

Тушлик қилиб бўлинди. Ошқозон вилоятида андак масъудлик вужудга келди, оғизлар очилиб, қисилган кўзларни мудроқ боса бошлади. Эр сигара тутатиб, бир керишди-да, кушеткага чўзилиб ётди. Эрининг бош томонида ўтирган хотин мудраб пишиллаш бошлади... Эр-хотин бахтиёр эди.

— Уёқдан-буёқдан гапириб ўтир... — деди эр ҳомуза тортаркан.

— Нимани гапирай? Мм... вой, айтгандай! Эшитдингми? Софи Окуркова эрга тегибди... анави... ҳалиги бор-у... хах... фон Трамбга! Ана машмашаю мана машмаша!

— Нимаси машмаша?

— Трамб аблаҳ-ку! У шунақанги ярамас... шунақанги виждонсизки! Фирт бетайин, бетутуруқ одам! Ахлоқи бузуқ фосиқ банда! У графнинг қўлида иш бошқарувчи бўлиб хизмат қилганида бойиб олди, энди темир йўлди ишлаб, ўғирлик қилиб ётибди... Ҳатто ўз сингисини ҳам тўнаб қон қақшатди... Бир сўз билан айтганда, ўлгудек қабих ва ўғри. Тавба, келиб-келиб шу одамга тегиб ўтирипти-я!.. Қандай кун кечираркин у билан? Ҳайронман! Шундай ахлоқ-одобли қиз-а... эссиз-эссиз! Мен бунақанги нусхага ўлсам ҳам турмушга чиқмасдим! Ҳатто миллионер бўлганида ҳам!.. Энг дилбар йигит бўлганида ҳам тупирардим башарасига! Бунақанги аблаҳ эрни мен ҳатто тасаввур ҳам қилолмайман!

Хотин “дик” этиб ўрнидан турди ва жаҳли чиққанидан қизариб кетиб, уёқдан буёққа юра бошлади. Кўзларида ғазаб учқунлари порлади. Гапларининг самимийлигига шубҳа йўқ эди...

— Ўша Трамб шундай бир махлуқки... Бунақа одамларга турмушга чиқмоқчи бўлган аёлларни мен фирт овсар ва беҳаё деб ҳисоблайман!

— Ҳм... Шунақа де! Демак сен унақа одамга эрга тегмасдинг?.. Ҳм.. Хўш, агар ҳозир менинг ҳам аблаҳ одам эканлигимни билсанг... Нима қилган бўлардинг?

¹ Басдан ҳам пастроқ пардадаги йўғон овоз.

— Менми? Сендан воз кечган бўлардим! Сен билан бир лаҳза ҳам яшамасдим! Мен фақат ҳалол, диёнатли одамни яхши кўраман! Агар ўша Трамбинг кирдикорларидан юздан бирини сенда кўрсам, мен... шу заҳоти, adieu дердим-у сендан воз кечиб, бош олиб чиқиб кетардим!

— Ў-ў... ҳм... Ҳали шунақамисан?.. Билмаган эканман... Ҳе-хе-хе.. Сен, хотин, ҳозир ғирт ёлгон гапирдинг, лекин зиғирчаям қизармадинг-а!

— Мен ҳеч қачон ёлгон гапирмайман! Қани, бир аблаҳлик қилиб кўрчи, ўшанда кўрасан! Қани уриниб кўр...

— Нима қиламан уриниб? Узинг ҳам яхши биласан... Мен ўша сенинг фон Трамбингдан минг карра устаси фарангроқман... Трамб — бир думалоқ жонсиз кесакдек гап менинг олдимда. Ҳа, нега ҳайрон бўляпсан? Бунинг ҳеч ажабланадиган ери йўқ... (Пауза.) Қани, айтчи, мен қанча маош оламан?

— Йилига уч минг.

— Баракалла... Бир ҳафта бурун сенга олиб берганим маржон қанча туради? Икки минг... Шундайми? Ундан кейин, кечаги олган қўйлагингга беш юз тўладим... Икки мингга боғ-ҳовли сотиб олдим... Ҳе-хе-хе... Кеча раранг мендан минг сўм сўраб олди...

— Ахир, Пьер, қўшимча даромадларинг ҳам борку...

— Отлар... хусусий докторимиз... кийимларингни бичиб-тикувчиларга тўланадиган хизмат ҳаққи — булар ҳаммаси пул туради, жоним... Яна ўтган куни ўзинг қарта ўйнаб юз сўм ютқазиб қўйдинг...

Эр ўрнидан туриб ўтирди ва иягини муштларига тираганча, узундан-узун рўйхатни айбнома сифатида санаб чиқди. Кейин у ёзув столи ёнига бориб, хотинига бир нечта ашёвий далилларни кўрсатди...

— Мана, кўрдингми, жонгинам, ўша сенинг фон Трамбинг менинг олдимда ҳашаки бир киссавур, холос... Adieu! Бор, бундан кейин ҳеч кимни бунақа қоралама!

Мен ҳикоямни тугатдим. Лекин эҳтимол китобхон:

— Хўш, шундан кейин хотин эридан чиқибдими? — деб савол берар.

Ҳа, чиқди... нариги хонага.

МАСЛАҲАТ

Эшик... Хона ичидаги оддий бир эшик. У ёғочдан ясалган ва оддий оқ бўёқ билан бўялган, жўнгина ошиқ-мошиқларга ўрнатилган, лекин... нега у бу қадар савлат тўкиб турипти? Нақ Олимпия совриндори дейсиз! Эшикнинг нариги томонида ўтирган одам... лекин бу бизнинг ишимиз эмас.

Эшикнинг бу томонида икки киши гаплашиб турипти.

— Мерси!

— Бу сизга, жужуқларга сут-пут олиб берарсиз. Хизмат ҳақингиз, Максим Иванич. Шу десангиз, ишим уч йилдан бери чўзилиб келади, бу ҳазилакам гап эмас... Кам бўлсаям кўпдай кўрарсиз-да... Фақат илтимос, отагинам, бир уриниб кўринг! (Пауза.) Мен яна валинеъматимиз Порфирий Семёничга ҳам миннатдорчилик изҳор этсам девдим... У киши менинг энг улуг ҳожатбарорим, ишимнинг амалга ошиши ҳаммадан ҳам кўпроқ шу кишига боғлиқ... Бинобарин, жанобларига ҳам бирон нима тортиқ қилсам ёмон бўлмасди... чунончи, икки-уч юз...

— У кишигами? Икки-уч юз? Нима деяпсиз? Сиз сал талмовсираб қолибсиз, азизим! Чўқиниб олинг! Порфирий Семёнич унақа одамлардан эмас.

— Олмайдиларми? Афсус... Мен самимият билан бермоқчидим, Максим Иванич... Бу... ҳалигидай... ҳеч қанақа пора эмас... бу чин дилдан бериладиган назр... мукофат деса ҳам бўлади... катта хизматлари учун... Мен курумсоқ одам эмасман, хизматларини қадрига етаман... Ҳозир хизматдаги қайси одам фақат маошга яшаб кун кўради? Ҳм... Хуллас... бу пора эмас, балки, мен сизга айтсам, қонуний хизмат ҳақи...

— Йўқ, бу мумкин эмас! Хўжайин шунақа одамки... шунақа одамки!..

— Мен у жанобни яхши биламан, Максим Иванич! Олижаноб одамлар!

Қалби пок, саховатли зот... одамохун... лутф-марҳаматли... Кечаю кундуз дуои жонларидаман... Лекин фақат... шу ишим жуда чўзилиб кетди-да! Ҳа, энди, буям ўтиб кетар... Камина у кишининг барча яхшиликлари учун озроқ туҳфа тортиқ қилсам дедим-да... Тахминан, уч юз сўмча...

— Олмайдилар... у кишининг феъли шунақа! Бир сўзлик одамлар! Бунақа пул билан у кишининг ҳузурига зинҳор кира кўрманг... У киши тинмай заҳмат чекадилар, кечалари ухламай, одамларнинг ташвишини қиладилар, илло миннатдорчилик ёки шу қабилдаги масалалар бўйича — зинҳор-базиҳор... Одатлари шунақа. Қолаверса, укиши сизнинг пулингизга зор эмаслар! Ўзлари миллиончилар!

— Эҳ, аттанг... мен у кишига ўз миннатдорчилигимни изҳор этишни жудаям хоҳлаган эдим! (Паст овоз билан.) Ишим ҳам юришиб кетган бўлармиди... Ахир уч йилдан бери чўзилиб келяпти-я, отагинам! Уч йилдан бери! (Баралла овоз билан.) Нима қилишимниям билмай қолдим... Умидларим пучга чиқадиган бўлди... Ҳожатимни чиқаринг, отагинам! (Пауза.) Уч юз сўмча бера оламан... Бу аниқ. Ҳозир десалар, ҳозир...

— Ҳм... Ҳа... нима қилсак экан-а? (Пауза.) Яхшиси, сизга бир маслаҳат берай. Баски, сиз у жанобга, кўрсатган ҳимматлари ва қилган меҳнатлари учун албатта миннатдорчилик изҳор этмоқчи экансиз, унда... майли, кириб айтиб боқаман... тушунтираман... маслаҳат бериб кўраман у кишига...

— Барака топинг, отагинам! (Узоқ давом этган пауза.)

— Мерси... Хўжайин рози бўлдилар... Лекин сиз учун юз сўм эмас... Бунақа арзимаган пул билан ҳатто яқин ҳам йўламанг. У киши учун бунақа пул-нуль, ташландиқ қоғоз... кераксиз матоҳ... Сиз у кишига минг...

— Икки минг! — дейди кимдир эшик ортидан.

Парда тушади. Илойим, ҳеч ким бу ҳақда ёмон фикрда бўлмасин!

САРТАРОШХОНАДА

Эрта тонг. Ҳали соат еттиям бўлгани йўқ-у Макар Кузьмич Блесткининг сартарошхонаси аллақачон очилган. Сартарошхона эгаси ҳали юз-кўзини ювмаган, ҳамма ёғи доғ-дуғ бўлса ҳам, хийла башанг кийинган йигирма уч ёшлардаги йигит хонани супириб-сидириб, уёқ-буёқни йиғиштириш билан овора. Гарчи йиғиштирадиган нарсалар унчалик кўп бўлмаса ҳам, у терлаб кетган: битта жойни латта билан артса, бошқа бир ердаги қотган нарсани тирноғи билан кўчиради, яна деворда ўрмалаб кетаётган қандалани уриб учириб юборади.

Сартарошхона мўъжазгина, торгина, исқиртгина. Унинг ёғоч деворига аравакашнинг офтобда унниқиб кетган кўйлагини эслатувчи гулқоғозлар ёпиштирилган. Хонадаги ойналари доғ-дуғ ва хира иккита дераза оралиғида, очилганда ҳам, ёпилганда ҳам гийчилловчи торгина рамақижон эшик бор, эшик тепасига заҳдан кўкариб кетган кўнғироқча осилган бўлиб, у ўзидан-ўзи ҳеч қандай сабабсиз зириллаб, хаста одамдай инграб-инграб кўяди. Сиз бу ерда деворга осилган тошойнага бир қаранг у ҳеч раҳм-шафқат қилмай, башарангизни ҳайратомуз қийшайтириб кўрсатади! Одамларнинг соч-соқоллари шу тошойна олдида олинади. Худди Макар Кузьмичнинг ўзига ўхшаб ҳамма ёғи доғ-дуғ ва исқирт столча устида ҳамма нарса: тароқ, қайчи, устара, бир тийинли сочмой, бир тийинли упа бор. Ҳолбуки, бутун сартарошхонанинг ўзи уч мири турмайди.

Эшик тепасидаги хаста кўнғироқ инграб жингиллайди: эгнига ошланган теридан тикилган калта пўстин, оёғига пийма кийган, бошига эса аёлларнинг шолрўмолини ўраган кекса бир одам ичкарига киради.

Бу одам Макар Кузьмичнинг чўқинтирган отаси Эраст Иванич Ягодов. Бир вақтлар у маъмурий суд маҳкамасида қоровул бўлиб ишлаган, энди бўлса, Қизил Ҳовуз яқинида яшаб чилангарлик билан шуғулланади.

— Макарушка, салом, чирогим! — дейди у сартарошхонани йиғиштириш билан банд бўлган Макар Кузьмичга.

Улар ўпишиб кўришадилар. Ягодов бошидаги шолрўмолни ечиб ташлаб, чўқиниб олади ва курсига ўтиради.

— Йўл анча узоқ-да! — дейди у ихраб-сихраб. — Қизил Ҳовуздан то Калуга дарвозасигача яёв юриб келиш ҳазилакам йўлми?

— Аҳволларингиз қалай?

— Чатоқ, укам. Яқинда ёмон безгак тутди мени.

— Йўғ-е? Безгак, денг?

— Ҳа, безгак. Бир ой ўрин-кўрпа қилиб ётдим, ўлиб қоламан, деб ўйладим. Попни чақиртириб, баданимга зайтун мойи сурдирдим¹. Энди сочим тўкиляпти. Доктор, олдириб ташла, деб айтди. Янги сочинг бақват бўлиб ўсади, деди. Мна шунинг учунам ўзимга-ўзим, Макарнинг олдига борақолай, дедим. Ҳар нечук, бегона сартарошга боргандан ўзимнинг жигарим маъқул-ку. Ҳам сочимни тозалаб олади, ҳам ҳақ сўрамайди, дедим. Тўғри, сал узоқроқ, илло узоқ бўлса нима? Буям ўз йўлига бир сайл-да, чирогим.

— Майли, жоним билан. Марҳамат.

Макар Кузьмич пошналарини бир-бирига уриб таъзим қилади ва чолга жой кўрсатади. Ягодов ўтириб тошойнадаги ўз аксига қарайди ва, чамаси, кўнгли таскин топади: кўзгуда лаби дўрдоқ, бурни ялпоқ, кўзлари манглайига ўрнашган қийшиқ башара акс этади. Макар Кузьмич мижознинг бўйнига ҳаммаёғида сариқ доғи бўлган оқ чойшаб боғлайди ва қайчисини шиқиллатиб унинг сочини ола бошлайди.

— Сочингизни киртишлаб таги билан оламан? — дейди у.

— Ҳа, қал қилиб ол. Бир татарга ўхшатиб қўй, тухумдай сип-силлиқ қил. Кейин сочим қалин бўлиб ўсаркан.

— Холам қалайлар?

— Чаккимас, тупроқдан ташқари. Кунни кеча майорнинг хотинига доялик қилди. Бир сўм беришипти.

— О-о... Бир сўм... Кулоғингизни ушлаб туринг!

— Мана, ушладим... Эҳтиёт бўл, тагин кесиб олма. Вой, оғритдинг! Сочимни юляпсанми, нима бало?

— Парво қилманг. Бизнинг ишимизда шусиз бўлмайди. Анна Эрастовна қалайлар?

— Қизимми? Ёмон эмас, ўйноқлаб юрипти. Ўтган ҳафта, чоршанба кунни уни Шейкинга унаштирдик. Нега бормадинг?

Қайчи шиқилламай қолади. Макар Кузьмич кўлларини тушириб, ҳаяжонланиб сўрайди:

— Кимни унаштирдингиз?

— Аннани-да.

— Нега энди? Кимга?

— Шейкинга-да, Прокопий Петровичга. Унинг холаси Златоуст тор кўчасида рўзгорбоши бўлиб хизмат қилади. Яхши аёл. Турган гапки, ҳаммамиз хурсандмиз, худога шуқр. Бир ҳафтадан кейин тўй. Боргин, бир ўйнаб келасан.

— Ахир бу нима деган гап, Эраст Иванич? — дейди ранги докадек оқариб кетган Макар Кузьмич ва ҳайрон бўлиб елкаларини учиради. — Нега бундай қилдинглар ахир? Бу... Бундай бўлиши ҳеч мумкин эмас! Ахир Анна Эрастовна... ахир мен уни яхши кўрардим, мен умидвор эдим. Нима қилиб қўйдингиз?

— Нима қибмиз? Унаштирдик... яхши одамга.

Макар Кузьмичнинг юзида совуқ тер томчилари пайдо бўлади. У қайчини столга қўйиб, мушти билан бурнини ишқай бошлайди.

— Мен ният қилгандим... — дейди у. — Бундай бўлиши мумкин эмас, Эраст Иванич! Мен... мен севаман уни, аллақачон унга қалбимни бағишлаганман... Холамлар ҳам ваъда бергандилар. Мен сизни доим ўз отамдек ҳурмат қилардим... доим келганингизда сочингизни текинга олиб қўярдим... Ҳамиша ҳожатингизни чиқариб келардим, дадам қазо қилганларида сиз мендан девонимизни сўраб олгандингиз, яна ўн сўм пул ҳам олувдингиз, лекин ҳалигача қайтариб бермадингиз. Эсингиздами?

¹ Насроний одамнинг ўлими олдидан ўтказиладиган таомил.

— Нега эсимда бўлмас экан? Эсимда. Аммо сен, Макар, қанақасига куёв бўла оласан? Куёвлик сиёҳи йўқ сенда! На ақчанг бор, на мансабинг, касбинг ҳам ғирт хашаки касб...

— Шейкин бойми?

— Шейкин артелчи. Унинг бир ярим минг сўм пули бор. Ана шунақа, иним... Гапирсанг-гапирмасанг, барибир, ғишт қолипидан кўчди. Орқага қайтиб бўлмайди, Макарушка. Бошқа қаллиқ қидир ўзингга... Қиз зотига қирғин кептими? Бўлақол, сочимни олиб қўй энди. Нима қилиб турибсан?

Макар Кузьмич донг қотиб жим туриб қолади, сўнг чўнтагидан рўмолчасини олиб, йиғлай бошлайди.

— Ке, қўй энди! — деб уни юпатмоқчи бўлади Эраст Иванич. — Бас қил! Хотинларга ўхшаб ўкириб йиғлаганинг нимаси? Сен олдин менинг бошимни бир ёқли қил, кейин, майли, йиғласанг-йиғлайвер. Ол қайчингни!

Макар Кузьмич қайчини олиб унга бир дақиқача тикилиб турди-да, кейин паришон ҳолда яна столга ташлайди. Унинг қўллари қалтирайди.

— Йўқ, ололмайман! — дейди у. — Ҳозир ололмайман, соч олишга ҳолим йўқ! Мен бахтиқаро одамман! Анна ҳам бахтсиз! Биз бир-биримизни севардик, ваъдалашиб қўйгандик. Ёвуз одамлар, шафқатсиз одамлар бизни бир-биримиздан жудо қилдилар. Кетинг, Эраст Иванич! Сизни кўргани кўзим йўқ.

— Бўлмаса, эртага келақолай, Макарушка. Эртага ҳаммасини олиб қўйсан.

— Майли.

— Сен кўп куюнма. Эртага барвақтроқ келаман олдингга.

Сочининг ярми олинган Эраст Иванич сургун қилинган маҳбусга ўхшарди. Бунақа чала бош билан юриш ноқулай, лекин илож қанча... Чол боши ва бўйнини шол рўмол билан ўрайди-да, сартарошхонадан чиқади. Макар Кузьмич ёлғиз қолгач, ўтириб олиб, яна пиқ-пиқ йиғлай бошлайди.

Эртаси куни эрта тонгда Эраст Иванич яна келади.

— Нима истайсиз? — деб совуққина сўрайди Макар Кузьмич.

— Сочимни охиригача олиб қўй, Макарушка. Кеча ярми чала қолувди.

— Марҳамат, ҳақини олдиндан тўлайсиз. Текинга соч олмайман.

Эраст Иванич лом-лим демай қайтиб кетади, ҳали ҳанузгача унинг бошидаги сочининг ярми узун, ярми қалта. У сочни пулга олдириш — исрофгарчилик, деб ҳисоблайди, шунинг учун, бошининг ярим палласидаги сочи иккинчи палласидаги ўсиқ сочи билан тенглашишини кутиб юрибди. У тўйни ҳам шу — икки хил палла бош билан ўтказди.

АММАМНИНГ БУЗОҒИ

Яқинда мен болаларимнинг мураббияси Юлия Васильевнани ўз хонамга таклиф қилдим. У билан ҳисоблашиб қўймоқчи эдим.

— Утиринг, Юлия Васильевна! — дедим унга. — Келинг, ҳисоб-китоб қилиб қўйайлик. Эҳтимол, сизга пул керакдир, лекин тортинчоқлик қилиб, ўзингиз сўрамайсиз... хў-ўш... Сиз билан ойига ўттиз сўм маошга келишгандик...

— Қирқ сўм эди...

— Йўқ, ўттиз сўм... Мен ёзиб қўйганман... Мен ҳамиша мураббияларга ўттиз сўмдан тўлаб келганман. Хў-ўш, ҳаммаси бўлиб икки ой яшадингиз.

— Икки ой-у беш кун...

— Роппа-роса икки ой... Менда шундай ёзилган. Демак, сизга олтмиш сўм бериш керак... Бундан тўққизта якшанба кунини чегириб ташласак... ахир сиз якшанба кунлари Коля билан шуғулланмадингиз... фақат уни ўйнатиб сайр қилдингиз... кейин, яна учта байрам куниниям чиқариб ташласак...

Юлия Васильевна чўғдек қизариб кетди ва титроқ қўллари билан кўйлагининг бурмаларини пайпаслай бошлади, лекин... чурқ этиб оғиз очмади.

— Учта байрам куни... Демак, яна ўн икки сўмни чегириб ташлаймиз... Коля тўрт кун касал бўлиб ётганида дарс ўқимади... Сиз фақат қизим Варя билан шуғулландингиз... Уч кун тишингиз оғриганида, хотиним тушлиқдан кейин дарс ўтмаслигингизга рухсат берувди... Ун икки-ю, етти — ўн тўққиз. Олиб ташланса... қолади... ҳам... қирқ бир сўм... тўғрими?

Юлия Васильевнанинг чап кўзи қизариб, жиққа ёш бўлди. Ияги титрай бошлади. Асабийлашиб, йўтали тутди, бурнидан нам келиб, рўмолчаси билан артинди, лекин — яна чурқ этмади!..

— Янги йил олдидан сиз чой финжони билан ликопчани синдириб қўйдингиз. Икки сўм оламиз... Аслидаку финжон (чашка) қимматроқ туради, у мерос буюм эди, лекин, майли... бўлганича бўлди... кетса, мендан кетипти! Ундан кейин, сизнинг эътиборсизлигингиз оқибатида, Коля дарахтга чиқиб камзулини йиртганди... Яна ўн сўм чегирамиз... Уй ходимаси ҳам айнан сизнинг эътиборсизлигингиз туфайли Варянинг ботинкасини ўғирлаб кетди. Ҳолбуки, сиз ҳамма нарсани назорат қилишингиз керак. Чунки маош оласиз. Демак, яна беш сўм олиб ташлаймиз... Унингча январда сиз мендан ўн сўм олгандингиз...

— Олмаганман, — деди Юлия Васильевна эшитилар-эшитилмас пичирлаб.

— Лекин менда ёзиб қўйилган!

— Ҳа, майли... яхши...

— Қирқ бирдан йигирма еттини олсак, қолади — ўн тўрт...

Иккала кўз филт-филт ёшга тўлди... Чиройлигина нозик бурунчани тер босди. Бечора қиз!

— Фақат бир марта олувдим, — деди у титроқ овоз билан. — Хотиниңгиздан бир марта уч сўм олгандим... Бошқа ҳеч олмаганман...

— Шунақами ҳали? Буни қаранг-а, ёзиб қўймаган эканман! Ўн тўртдан учни олсак, ўн бир қолади... Мана пулингиз, ойим қиз... Олинг!

Шундай деб мен унга ўн бир сўм узатдим... У пулни қалт-қалт титраётган бармоқлари билан олиб, чўнтагига солиб қўйди.

— Мегсі, — деб пичирлади у.

Мен сакраб туриб кетиб, хона ичида юра бошладим. Жуда қаттиқ жаҳлим чиққан эди.

— Нима учун мегсі? — деб сўрадим.

— Пул учун...

— Ахир мен сизни тўнадимку, жин урсин, сизни ноҳақ шилдимку! Мен пулингизни ўғирладим! Нега мегсі, дейсиз?

— Бошқа жойда ишлаганимда мутлақо ҳақ беришмасди...

— Беришмасди? Бунинг ажабланидиган ери йўқ! Мен сиз билан ҳазиллашдим, шафқатсиз сабоқ бу сизга... Мен саксон сўмингизни бекаму кўст бераман сизга! Ана, ҳақингизни конвертга солиб тайёрлаб қўйганман! Лекин, айтинг, одам деган шунчалик ҳам лалайган бўладими? Нега ахир қаршилик қўрсатмайсиз? Нега индамайсиз? Ахир ҳозирги пайтда андиша билан яшаб бўларканми? Ахир аммамнинг бузоғига ўхшаб шалвираб яшаб бўладими?

Мураббия зўр-базўр тиржайиб қўйди ва мен унинг чеҳрасида: “Бўлади!” деган жавобни ўқидим.

Кейин мен бу бешафқат сабоғим учун Юлия Васильевнадан кечирим сўрадим ва унга маоши — саксон сўмни тўла-тўкис тўладим. У ҳанг-манг бўлиб қолди ва бир неча марта қимтинибгина мегсі, деди-да хонадан чиқди... Мен унинг орқасидан қараб қоларканман, кўнглимдан ўтказдим: “Бу замонда зўр бўлиш нақадар осон-а!”

ДИПЛОМАТ

(Кичик пьеса)

Титуляр маслаҳатчи Кувалдиннинг хотини Анна Львовна бандаликни бажо келтирди.

— Энди нима қиламиз? — деб кенгаша бошлади марҳуманинг қариндош-уруғлари ва таниш-билишлари. — Эрига хабар қилсак бўларди. У хотини билан турмаса ҳам, уни, барибир, яхши кўрарди. Яқинда келиб, хотинининг қарши-сида тиз чўкиб: “Анnochка! Ахир қачон менинг бир лаҳзалик гуноҳимни кечирасан?” — дея ёлборган эди. У яна зор-зор қақшаб шунга ўхшаш илтижолар қилган эди. Унга хабар қилиш керак...

Марҳуманинг кўзлари жиққа ёш холаси бу ерда, қариндошлар кенгашида қатнашаётган полковник Пискарёвга юзланди:

— Аристарх Иванич! Сиз Михаил Петровичнинг дўстисиз. Бир илтифот кўрсатинг, унинг олдига бориб, — ҳозир у ўз идорасида, — юз берган бу бахтсизлик ҳақида хабар қилинг!.. Лекин сиз, азизим, бирданига, худди томдан тараша тушгандай, эсанкиратиб қўйманг уни, тагин бирон фалокат юз бериб ўтирмасин. У жуда таъсирчан одам. Сиз гапни узоқдан бошланг: уни аста-секин тайёрланг дипломатчисига... ана ундан кейин...

Полковник Пискарёв фуражқасини кийиб, йўллар бошқармасига жўнади, бугундан бева қолган Кувалдин шу идорада хизмат қиларди. Полковник маҳкамага кирганида, Кувалдин баланс чиқариб ўтирарди.

— Михаил Петровичга саломлар, — деб гап бошлади полковник стол ёнига ўтириб, пешонасининг терини артаркан. — Саломатмисан, биродар? Кўча бирам чангки, асти қўяверасан! Сен ёзавер, ёзавер... мен халақит бермайман... Бир пас ўтираман-у кетаман... Кўчадан ўтиб кета туриб, ахир Миша шу ерда хизмат қилади-ку! Бир кўриб ўтай, деб ўйладим. Қолаверса, сенда... ҳалиги... озроқ ишим ҳам бор эди...

— Бирпас ўтира туринг, Аристарх Иванич... Мен ҳозир... Чорак соатда тугатаман ёзувимни, кейин баҳузур гаплашаверамиз...

— Сен ёзавер, ёзавер... Мен фақат шунчаки, йўл-йўлакай... Атиги икки оғиз сўзим бор, айтаман-у кетаман!

Кувалдин қўлидаги ручкани қўйиб, дўстининг гапини тинглагани тайёрланди. Полковник кўйлак ёқаси ичини қашларкан гапини давом эттирди:

— Хоналаринг дим экан жуда, кўча бамисоли жаннат... Қуёш порлаб турипти, бунинг устига... ҳалигидай... сарин шабада... кушлар чуғури... Хуллас, баҳор! Ўзим хиёбондан ўтиб келяпман-у қалбимда... биласанми, шунақанги... ҳузур-ҳаловат, де... Ўзинг биласан, менинг ҳеч кимга боғлиқлик ерим йўқ, беваман... Қаёқни кўнглим тусаса, ўша ёққа бораман... Хоҳласам, пивоҳонага кираман, хоҳласам, кун бўйи конкада у ёқдан буёққа сайр қиламан, ҳеч ким менга монелик қилмайди, ўйимда ҳам ҳеч ким, қай гўрда санқиб юрибсан, деб менга жаврамайди... Йўқ, ука, бўйдоқ бўлиб яшаш жоннинг роҳати... Эркинг ўзингда! Озод қушсан! Нафас олсанг ҳам ҳузур қилиб оласан! Мана, ҳозир уйимга бораман, лекин ҳеч қанақа минғир-минғир гапни эшитмайман... Узим хон, кўланкам майдон... Кўпчилик одамлар, ошна, негадир, оилавий ҳаётни мақташади, лекигин менимча, оила — бу зиңдон... Кун сайин ўзгариб турадиган модалар, ҳар хил турнюрлар¹, хотинларнинг куракда турмайдиган гийбат гаплари-ю, бўлар-бўлмасга шайтонлаб чийиллашлари... икки куннинг бирида меҳмоннавозлик... бу ёғда қарабсанки, болалар ёруғ жаҳонга бирин-кетин ўрмалаб чиқиб ҳелаверишади... устига-устига, бекорчи сарф-харажатлар... Тфу! Асти гапирма!

— Мен ҳозир, — деди Кувалдин қўлига яна ручка оларкан. — Ёзиб тугатай, кейин...

— Ёзавер, ёзавер... Агар, бахтингдан бўлиб, хотининг жодугар бўлиб чиқмасаю баҳарнавия, бордию у юбка кийган шайтоннинг ўзи бўлса-чи? Агар кун-уззукун минғир-минғир қилавериб қулоқ-миянгни есачи?... “Дод” деб юборасан! Мана, масалан, сени олайлик... Бўйдоқлик чоғингда бинойидай одам эдинг, шу хотинингга уйландинг-у ҳазондек қовжирадинг-қолдинг, руҳинг тушиб, дилгир бўлиб юрибсан... Бунақа ҳаётнинг нимаси яхши? Аяш ҳам керак эмас унақа хотинни...

— Муросамиз келишмай қолганига мен айбдорман, у эмас, — деди Кувалдин бир хўрсиниб қўйиб.

— Бе, қўйсангчи шу гапингни! Ҳаммасини биламан! Хотининг жоҳил, тутган ерини кесадиган қайсар, ўлгудек муғомбир аёл! Ҳар бир айтган сўзи —

¹ Т у р н ю р — XIX асрнинг 80-йилларида мода бўлган хотинлар либосининг бир қисми: аёл қоматини бўлалироқ қилиб кўрсатувчи, белдан пастрокқа орқа томонга қўйиладиган ёстиқча ва шундай ёстиқча билан кийиладиган кенг юбка.

заҳар, ҳар бир ўкрайиб қараши — наштар... Раҳматлининг нечоғли писмиқ бўлганинику тасаввур ҳам қилиш қийин!

— Ие, нега энди раҳматли бўларкан? — деди Кувалдин ҳайратдан кўзларини катта-катта очганча.

— Нима, қачон мен “раҳматли” дедим? — тилидан тугилганини сезган Пискарёв қизариб кетди. — Мен ҳечам унақа деганим йўқ... Қизиқмисан, ука, ё худоё тавба... Дарров рангинг ўчиб кетди-я! Ҳе-хе... Кулоқ билан эшитиш керак, уёқ биланмас!

— Сиз бугун Анютани кўргани борувдингизми?

— Кирувдим эрталаб... Ётибди... Уй ходимасига зуғум қилиб, зир югурти-ряпти... Унга ҳеч нима ёқмай қолган — на иссиққа кўнади, на совуққа... Жудаям бадфеъл бўлиб қопти... Бир худодан бўлиб, бошингни очиқ қолдир-сайди сен шўрликнинг... Озодликда ўйнаб-кулган бўлардинг... Эҳтимол бош-қасига уйланармидинг... Бўлди, бўлди, гапирмайман! Қовоғингни осма! Мен, шунчаки, эзмалик қилиб айтдим-қўйдим-да... Тагин ўзинг биласан... Хоҳласанг — сев уни, хоҳламасанг — севма, мен, шунчаки, сенга яхши бўлсин, девдим-да... Ахир бу қанақаси — сен билан яшамаса, сени эр ўрнида кўрмаса?.. Хотин ҳам шунақа бўладими? Бунинг устига, чиройли ҳам бўлмаса, рамақи-жон, бадфеъл аёл бўлса... Ҳечам ачиниш керак эмас унақа хотинга... Ундан кўра...

— Гапингизнинг тутуруғи йўқ, Аристарх Иванич! — деб хўрсиниб қўйди Кувалдин. — Муҳаббат — бошдаги соч эмас, уни осонгина юлиб ташлаб бўлмайди.

— Нимасини севасан унинг? У доим сенга заҳрини сочгани-сочган эди. Мен, чолни кечирасан-у, очиги, ёмон кўрардим уни... Кўргани кўзим йўқ эди! Агар унинг уйи ёнидан ўтиб қолгудек бўлсам, кўрмайинам, куймайинам, деб кўзимни чирт юмиб олардим... Ҳаволаси худога! Жойи жаннатда бўлсин, лекин... балки гуноҳдир-у, ёмон кўрардим уни!

— Нима деяпсиз, Аристарх Иванич?.. — Кувалдиннинг ранги қув ўчиб кетди. — Оғзингиздан иккинчи марта қалтис гап чиқяпти... Нима, у ўлдимми?

— Нима деяпсан — ким ўлади? Ҳеч ким ўлгани йўқ, фақат жиним суймайди мархумани... Сенинг Аннушкангни айтяпман-да...

— Аннушка қазо қилдими, а? Аристарх Иванич, мени қийнаманг! Сиз бугун жуда бошқача кайфиятдасиз, гапингиздан адашиб кетяпсиз... нуқул бўйдоқлар ҳаётини мақтайсиз... У ўлдимми, а?

— Ўладиган хилидан эмас у! — деб тўнғиллади Пискарёв ва йўтала бошлади. — Мунча шошқалоқсан-а, ука... Ҳай, ўлган бўлса нима бўпти? Ҳаммамиз ҳам ўламай, демак у ҳам ўлиши керак... Сен ҳам ўласан, мен ҳам...

Кувалдиннинг кўзлари қизариб, гилт-гилт ёшга тўлди.

— Қачон? — деб сўради у оҳиста.

— Ҳеч қачон... Дарров кўнглингга келдими? Ҳечам ўлгани йўқ хотининг! Ким айтди сенга уни ўлди деб?

— Аристарх Иванич, сиздан... ўтини сўрайман. Аяманг мени — ростини айтгин!

— Сен билан, ука, бундоқ ёзилиб ҳам бўлмайди-я. Худди кичкина болага ўхшайсан. Ахир мен уни, жон таслим қилди, демадимку, ё айтдимми? Айтмадим-а? Нега энди дарров обидийда қиласан? Ана, ўзинг бориб кўр — типтирик! Эрталаб уйига кирганимда, холаси билан жанжаллашаётган экан... Бу ёқда ҳазрат Матвей жаноза ўқиб ётибди-ю, у бўлса бутун уйни бошига кўтариб шангиллаб ётипти.

— Қанақа жаноза? Нега жаноза ўқишади?

— Жаноза, дедимми? Ҳа, йўқ... мен ибодат демоқчийдим. Сираси,.. ҳеч қанақа жаноза бўлгани йўқ, фақат шунга ўхшаш... Бе, қўйсангчи, ҳеч нима бўлгани йўқ.

Аристарх Иванич гапидан адашиб, дудуқланиб қолди, ўрнидан туриб кетди ва дераза томон ўгирилиб йўтала бошлади.

— Тумовман, ука... ҳайронман, қаерда шамолладим экан?

Кувалдин ҳам ўрнидан туриб кетди ва асабийлашиб, стол олдида уёқдан-буёққа юра бошлади.

— Сиз мени алдаяпсиз, — деди у титроқ қўллари билан соқолини тутамлар экан. — Энди тушундим... ҳаммасига тушундим. Тавба, нима ҳожати бор эди бунақа дипломатиянинг! Нега дарров айта қолмадингиз? У ўлибди, шундайми?

— Ҳм... Сенга нима десам экан? — деди Пискарёв елкасини учуриб. — Уни ўлди, деб ҳам бўлмайди, лекин... ҳалигиндай... Ана, халос, дарров йиғлашга тушдинг! Ахир ҳаммамиз ўламиз! Наинки Анна, ҳаммамиз ҳам у дунёга рихлат этамиз! Кўпчиликнинг олдида кўзёш тўкиб йиғлагандан кўра, уни эзгу сўзлар билан ёд этиб, чўқинсанг бўларди!

Кувалдин ярим дақиқача Пискарёвнинг юзига бақрайиб қараб турди, кейин бирдан ранги докадек оқариб, ўзини курсига “тап” этиб ташлади ва жазавага тушиб, ҳўнграб йиғлай бошлади... Бу хонада ишлаб ўтирган хизматдошлари ўрниларидан туриб, унинг тепасига ёрдамга келишди. Пискарёв энчасини қашларкан, қовоғини солиб олди.

— Жанобларни ташвишга солиб қўйдинг, азбаройи худо! — дея гўлдиради у қўлларини ёйганча. — Йиғлашини қаранглар... Хўш, нимага йиғлайди ўзи, а? Миша, эсингни едингми? Миша! — деб у Кувалдинни турта бошлади, — Ахир ўлгани йўқ ҳали... ҳозирча! Ким айтди сенга ўлди, деб? Аксинча, докторлар, ҳали умид бор, деб айтишяпти! Миша! Укажон! Айтяпманку сенга, ўлгани йўқ, деб! Хоҳласанг, ҳозир бирга борамиз унинг олдига! Айни жанозага улгурамиз... яъни, масалан... нима деяпман ўзи? Жанозагамас, тушликка, демоқчийдим, Мишенька! Гапимга ишон, у ҳали тирик! Ёлғон гапирсам, худо урсин! Кўзим тешилсин! Ишонмайсанми? Бўлмасам, юр, кетдик уникага... Ушанда мени нима деб сўксанг ҳам майли, башарти... Ҳайронман, қаёқдан ўйлаб топдинг бунақа хунук гапни? Ўзим шу бугун раҳматлининг олдида бўлдим... йўғе, нега “раҳматли” бўларкан... Тилим кесилсин!

Полковник қўл силтаб ерга тупурди ва маҳкамадан чиқди. У майитнинг уйига келиб, ўзини диванга ташлади ва азза-базза сочларини юла бошлади.

— Ўзинглар боринглар унинг олдига! — деди у хуноб бўлиб. — Ўзинглар тайёрланглар уни... Бу вазифадан мени холи қилинглар! Хоҳламайман! Унга атиги икки оғизгина гапирдим... Салгина шама қилганимни биламан, ҳозир не кўйга тушганини ўзинглар бориб кўринглар! У ўлиб қолади! Ҳушидан кетиб ётибди! Иккинчи марта, ўлсам ҳам бунақа “савоб” ишни қилмайман... Ўзинглар боринглар!..



SUMMARY

This magazine will start with the article of publicist Levitine which is dedicated to the book of the republic of Uzbekistan and President Islam Karimov. There are French scientist Jan Poll Ru's "Timurlang" essay, Mexican writer K. Fuentes's novel "The death of Artemio Crus" the drama of T. Kaipbergenov "Desert in the addition". Besides it you may read the poem's of Iran poet S. Sipehr, Pr. Ibrohim Khudoyor's article of this poet, Ghulom Karim's essay "A Trip to Germany", Yan Parandovskiy's article "The influence of the word". In the rubric "The world laughs" A.P. Chekhov's satiric stories were published.

